

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадший, ижтимоий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 5(120)

2007 йил, май

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЎНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

- СТЕФАН ЦВЕЙГ. *Оноре де Бальзак. Романдан боблар* .....3  
ИЛЬЯ КАШАФУТДИНОВ. *Асил зот. Қисса* .....35

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- ЮН САНДО. *Балиқчи йилининг тўрт фасли*.....23

### МОЗИЙДАН САДОЛАР

- Қадимги тарихчилар *Ўрта Осиё ҳақида* .....96

### БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

- ДИЛМУРОД ҚУРОНОВ. *Илҳом билан ёзилган асар* .....138

### АДАБИЙ ТАНҚИД

- МУҲАББАТ ШАРАФИДДИНОВА. *Тасвирдаги ўзига хослик*.....142

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

- АДАМ ЖЕКСОН. *Муҳаббатнинг ўнта сир*.....149

ТОШКЕНТ  
МАЙ

Бош муҳаррир  
ўринбосари:  
**Мирпўлат МИРЗО**

Таҳрир ҳайъати:  
**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Равшан АБДУЛЛАЕВ**  
**Бобур АЛИМОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Туробжон ЖўРАЕВ**  
**Минҳожиддин МИРЗО**  
**Абдулла ОРИНОВ**  
**Гайрат ШОУМАРОВ**  
**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Рустам ҚУРБОНОВ**  
**Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ**

Навбатчи муҳаррир **Х.ВАЛИЖОНОВА**  
Рассом **А.БОБРОВ**  
Техник муҳаррир **М.НИЗОМОВА**  
Мусахҳиҳ **Д.АЛИЕВА**  
Компьютерда саҳифаловчи **Н.ИБРОҲИМОВА**

**Жаҳон адабиёти, 5. 2007**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Босишга рухсат этилди 15.05.2007 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1000 нусха. 07—593 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” НМИУда чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2007 й.**

Стефан ЦВЕЙГ

# Оноре де Бальзак

Романдан боблар

## ФАЛОКАТЛИ САККИЗ ЮЗ ЎТТИЗИНЧИ ЙИЛ

**Г**оҳо табиатда ҳар тарафдан ёприлиб келаётган қора булутлар чақмоқ чақиб, бир-бирига урилганда, ерга ўн карра куч билан захрини сочадиган пайтлар бўлади. Худди шу каби Бальзак заррин уқали қароли орқа ўриндиғида ўтирган ғоят қимматбаҳо фойтониди Венадан Парижга қайтиб келар экан, унга ҳар томондан ишқалликлар ёғила бошлади. Энди у ўзининг бепарволиги аламини тортиши керак эди. Бальзак ёзишни тўхтатган ҳамано уни доимо фалокат босади. Оёқларидаги кишанни арралаб қочишга чоғланган тутқин бир ойлик озодлик эвазига бир йил эркисизликка дучор этилгани каби. Айни шу чоғда унинг эски ва деярли битай деб қолган жароҳати яна очилиб кетади — оила ташвишлари яна қийин-қистовга олади. Опаси Сервилахоним бетоб. Унинг эри молиявий қийинчиликда. Онаси асабийлашган, не-не машаққатлар билан океан нарёғига юборилган арзанда, такасалтанг ўғли Анри Хиндистондан сариқ чақасиз қайтиб, устига-устак ўзидан ўн беш ёш катта хотинни эргаштириб келади. Оноре, буюк, кудратли Оноре акасига дарҳол тузукроқ лавозим топиб бериши ва онасидан олган қарзларини қайтариши керак бўлиб қолади. Ҳолбуки Оноренинг ёнида бир су ҳам пул йўқ. Газеталар эса, Оноре ўз қарзларини тўлай олмаганлиги учун Парижда ғойиб бўлди, деган хабарларни ичиқоралик билан тарқатар эди. Оиласи уни бажариб бўлмайдиган талаблар ва таъна-дашномлар билан кўмиб ташлайдиган, онаси дилини вайрон қиладиган пайтларда, у «опахони» (онаси тенг келадиган маҳбубаси) мадам де Бернига мурожаат этиб, ундан юпанч олар эди. Аммо бу гал унинг ўзини юпатишга тўғри келди. «Маҳбубаси» оғир касал. Ҳолдан тойган бемажол аёл севиқли дўстига ҳеч ёрдам беролмайди. Илгарилари у Бальзак билан бирга унинг китоблари корректурасини ўқиган кезларида ўзини бениҳоя бахтиёр сезарди; энди бу машғулотдан воз кечишга мажбур, чунки ўқиш унинг чарчоқ

Русчадан  
Собит **ТОИРОВ**  
таржимаси

Стефан Цвейг (1881-1942) — австриялик ёзувчи. Психологик новелла (ҳикоя)лари билан шухрат қозонган. Ўзидан аввал ўтган ва замондош бўлган бир қанча арбоблар ва адибларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, бетақрор романсимон асарлар ёзган. Француз ёзувчиларидан Бальзак, Стендаль, Ромен Роллан, рус ёзувчиларидан Л.Н.Толстой, Ф.М.Достоевскийлар ҳақидаги эсселарида қимматли маълумотлар баён этилган. Қуйида унинг «Оноре де Бальзак» асаридан тўртинчи қисми бирмунча қисқартишлар билан журналхонлар эътиборига ҳавола қилинади. Унда буюк ёзувчи ижодининг тахлилидан кўра, унинг инсоний шакл-шамойили, шахсий ҳаёти, бошидан ўтган ғаройиб воқеалар, ажабтовур саргузаштлар, одамлар билан, айниқса, аёллар билан муносабатлари, ишқий лавҳалар кўпроқ ўрин олган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

асабларини баттар бузади. Оноре талвасага тушиб, ҳалок бўлаёзган севгилисига далда бериши керак эди. Аммо Бальзакнинг аҳволи жуда мушкул эди. Унинг бўйнида қарзлар, узилмаган бўнаклар, тўланмаган векселлар қатор-қатор осилиб турарди.

Дастлабки муваффақиятлари давридан бошлаб Бальзак ўзининг ижодий куч-қудрати зўрлигига ишониб, муайян муддатда роман ёзиб бераман, деб газета ва ноширлардан барвақт пул олишдек хатарли ишни одат қилган эди. У ёзаётган нарсалар биринчи сатри қоғозга тушмасдан-ноқ, бутунлай сотиб юборилган бўларди. Унинг қалами ана шу аванс (бўнак)лар кетидан қувиб бориши керак эди. Дўстларининг эҳтиёт-корликка қилган даъватлари зое кетарди. Энг садоқатли дўстларидан Зюлма Карро хоним унга ёлбориб, ана шундай шошқалоқлик билан ўзини абгор қилгандан кўра, тилла нақш қаламтарошлардан ва қимматбаҳо тошлар қадалган ҳассалардан воз кечишга тинимсиз чақирар эди. Аммо Бальзак ўз одатидан ҳеч қайтмас эди. Ноширларни ҳали ўзлари билмаган ва кўрмаган нарсани сотиб олишга, сарлавҳадан бошқа бир сатр ҳам ёзилмаган роман учун нақд пул тўлашга мажбур қилиш унга алоҳида хузур бағишлар эди. Эҳтимол, у зўғум қилинганда, боши узра қамчи кўтариб турилгандагина тинимсиз ишлашга одатланиб қолгандир. Аммо энди қарзга ботган Бальзак биринчи бор ўзига ўзи қарздор бўлиб қолади. У Венага князларча ҳашаматли файтонда кириб бормоқ учун йўлга чиқишдан аввал имкони бўлган ҳамма жойдан бўнак олиб бўлган эди. У янгидан нашр қилиш учун илгарилари Сент-Обен тахаллуси билан эълон қилинган ўзининг булвар (енгил-елпи, эрмак) романларини сотиш билан кифояланмасдан, ҳали ёзилмаган «Келин-куёвнинг хотиралари» романини ҳам «Ревзо де Дё монд»га пуллаб юборди. Бундан ташқари у Бюлозга «Серафитлар»нинг охириги қисмини топшириши керак эди. Бундан уч ой аввал босила бошлаши лозим бўлган бу қиссининг қалам ҳақини у аллақачон олиб бўлган эди. Аммо Бальзакнинг парвойи фалак! Унинг хомчўтича, «Серафитлар»ни тугаллаш учун саккиз кун (тўғрироғи, саккиз тун)дан ошиқ вақт кетмайди, буни у Венада, «Олтин нок остида» меҳмонхонасида тезгина ёзиб ташлайди. «Келин-куёвнинг хотиралари»ни икки ҳафтада қўлдан чиқармоқчи. Алқисса, у қайтиб боргач, уларни топшириб, ҳали қоғозга тушмаган роман учун янги бўнак олиши мумкин.

Аммо Бальзак биринчи марта ўзига панд берди. Унинг календаридан байрамлар кўзда тутилмагани, Венада эса, бахтга қарши, байрамлар жуда кўп экан. Бальзак австриялик ва польшалик аслзодалар билан танишиб, шакарғуфторлик айланишга берилади. У ёзув столи ёнида ўтириб ижод қилиш ўрнига, кечкурунлари Ганская билан сайр қилиб, суҳбатлашишни хуш кўради. «Серафитлар»нинг охири юборилмайди, Бюлоз асарни босиб чиқаришни тўхтатишга мажбур бўлади. Бальзак бошқа роман — «Келин-куёвнинг хотиралари»дан биронта сатр ёзмагани бундан ҳам ошиб тушди. Бальзак бу романни ёзишга қизиқмай қўйди, чунки у Венага қилган сафари вақтида бошқа роман — «Водийдаги лола»ни бошлашни ихтиёр этди (саёхатлар Бальзакка доим илҳом берарди). У қарзи эвазига ваъда қилинган роман ўрнига ана шу янги асарни қабул қилишни Бюлоздан илтимос қилди ва Венадан унинг илк бобларини юборди. Бюлоз бунга рози бўлди. У «Водийдаги лола»дан бир парча босиб чиқаради. Аммо Бальзак ўз ваъдасида турмай, «Серафитлар»нинг охирини муддатида топширмагани учун ҳадиксираган Бюлоз бошқача йўл тутишга ўзини ҳақли деб ҳисоблайди. Яқин вақтлардан бери Санкт-Петербургда «Ревю этранжер» журнали чиқарила бошлаган, у француз адабиётининг энг янги на-

муналарини Париж билан айна бир вақтда, имкони бўлганида Париждан ҳам барвақтроқ рус китобхонларига тақдим этиши билан фахрланар эди. Бюлоз «Водийдаги дола»нинг корректура варақларини ҳеч иккиланмай Россияга сотиб юборади. Бироқ Бальзак Парижга қайтиши биланоқ бундан хабар топгач, ярадор шердек Бюлозга ҳамла қилади. Уни ишнинг моддий жиҳатигина газабга келтирмайди, йўқ, санъаткорнинг иззат-нафси таҳқирланган эди.

Бальзак Бюлозга романининг қўлёзмасини юборган. Бюлоз уни шу ҳолатда босмаҳонада тердириши керак бўлгани ҳолда, корректура варақларини Санкт-Петербургга юборган, у ердаги «Ревю этранжер» муаллифнинг кейинги тузатишларисиз қабул қилган. Ҳолбуки дастлабки корректура варақлари Бальзак учун хомаки бир нусхадан бошқа нарса эмас эди. Доим бўлганидек, у «Ревю де Дё монд»дан тўрт, беш, эҳтимол ундан кўпроқ марта корректура келтиришини талаб қилар, уларни ўқиб тузатиш ва қўшимчалар киритганидан кейингина босишга рухсат берар эди. Петербургдаги «Ревю этранжер» журналида романининг бир боби сайқалланмай ва қиёмига етказилмай, хомаки тарзда эълон қилиб юборилганини кўриб қолган Бальзак қандай газабга келганини тасаввур қилиш мумкин.

Бальзак ўзига хос нуқсонлари ва қусурлари бўлган хомаки нухани ҳеч қачон, ҳатто энг яқин дўстларига ҳам кўрсатмас эди. Энди бўлса, беор, мутгахам ношир бу қўлёзмани ўғирлаб, бадий асар сифатида халойиққа сотган. У дарҳол ношир билан ҳар қандай муносабатни тўхта-тиб, «Ревю де Дё монд»га қарши иш қўзғатишга қарор берди.

\* \* \*

Бальзакнинг дўстлари ва ҳайрихоҳлари ташвишга тушиб қолдилар. Бюлоз Париж журналистикасида қудратли куч, иккита энг йирик «Ревю»ни бирлаштириб, уларга ҳомийлик қиладиган зот. Бюлоз адабиёт биржасида ҳар қандай муаллифнинг қадрини кўтариши ёки пасайтириши мумкин. Париж ёзувчилари ва журналистларининг бешдан тўрт қисми унга бевосита ёки бавосита қарамдир, у йирик кундалик газеталарнинг таҳририятларида бениҳоя катта эътиборга эгадир. Ҳамма Бюлоздан кўрқади, қаламкашлар орасида унчалик хурматга сазовор бўлмаган Бальзак Бюлоз билан ошқора низо бошлагудек бўлса, уни ёқлаб гувоҳлик беришга ёки унга кўмаклашишга журъат этадиган дўст топиши амри маҳол.

Бюлоз унинг обрў-эътиборига зарар етказишнинг юзлаб усулларини топа олиши ҳақида ёзувчининг дўстлари уни огоҳлантирадидилар. Бюлоз уни кулгили аҳволга солиб қўйиши, газеталардаги ҳажвчиларни унга қайраб қўйиши, ноширларга дағ-даға қилиши ва китоб савдогарларига зўғум ўтказиши мумкин. Худо хайрингни берсин, ҳеч қандай жараён бошлай кўрма! — деб ёлборишади ёзувчининг ҳайрихоҳлари.

Бироқ, ижодий ор-номус ҳақида гап борганида, Бальзак ҳеч бир иккиланиб турадиган инсон эмас.

Бегона юрт — Венада у ўзининг обрў-эътиборини, айниқса, равшан ҳис этди. Унинг обрў-эътибори ошиб боришига паришлик қаламкашларнинг нафрати ва ҳасади халақит бераётганини тушунди. Бальзак ўз кучини яхши англайди; унинг кучи қудратли эканлиги, бу куч мағлубият ва таҳқирлашлар таъсирида янада мустаҳкамланиб, енгилмас бўлиб боришини билади. У айрим шахсларнинг ҳужумларига ҳеч қачон жавоб бермаган, уларга парво қилмаган, уларни арзимас бир нарса деб ҳисоблаган эди.

Аммо сотқин, жаҳддор ва пасткаш бутун Париж матбуотига, ана шу манфур тўдага қарши бош кўтариш ва унинг олдида якка, ёлғиз мағрур тура олиш унга мислсиз хузур бахш этишини билсангиз эди. У воситачиларнинг ҳар қандай уринишларини рад этиб, Бюлозга даъво аризасини беради, ношир ҳам бажарилмаган мажбуриятлар учун муқобил даъво аризаси билан жавоб беради.

Ўз-ўзидан равшанки, бу кураш суд залидан газеталарга ва адабиётга кўчади. Бюлоз ҳамма воситаларни ишга солади. «Ревю де Пари»да Бальзакни ҳаддан ташқари бадном қиладиган мақолалар берила бошлайди, унинг шахсий ҳаёти ҳам аяб ўтирилмайди. Ёзувчи дворянлик мартабасини қонунга хилоф равишда ўзлаштириб олди, деб, уни ошқора айблайдилар. Унинг ғариблик йилларида ўзи ва шерикликда яратган асарлари ва бошқа сирлари ошкор қилинади. Унинг қарзлари ҳақида ривоятлар тўқилади, унинг шакл-шамойили мазах қилинади. Шу пайт Бюлоз адабий лашкарни оёққа турғизади: у ёзувчиларни бирма-бир ишга солиб, уларни мақолаларни хорижий газеталарга юбориш ҳамма жойда одат тусига кириб қолганлиги, бунинг учун ҳеч қандай ҳақ тўланмаслигини матбуотда тушунтириб беришга мажбур қила бошлайди. «Ревю де Пари» ва «Рев де Дё монд»лар эса адабларга хўрак берувчи Бюлознинг жасур «суворийлари» сифатида хўжайиннинг қамчисига итоаткорона қуллуқ қилиб, хизматга киришади.

Александр Дюма, Эжен Сю, Леон Гозлан, Жюл Жанен ва бошқа ўнлаб ёзувчилар ўз қаламкаш биродарларининг ёнини олиш, санъат аҳли сифатида ўз табақасини ҳимоя қилиш ўрнига ўзларини Париж афкор оммасининг вакиллари деб фаҳмлаб, Бальзакка қарши декларация билан майдонга чиқишга жазм қилдилар.

Доимгидек биргина олийжаноб Виктор Гюго ва у билан бирга Жорж Сандгина бундай шармандали ишдан бош тортадилар.

Судда Бальзак, аслида, ғалаба қозонади. Суд бутун адабиёт аҳли учун муҳим қарор қабул қилади. Агар ёзувчи ваъда қилган асарини ёзиб тугатиш ва муддатида топшириш имкониятига эга бўлмаса, бундан кўрилган зарарни қоплашга мажбур эмас ва Бальзак олган бўнагини Бюлозга қайтариб берса, кифоя, дейилганди суд қарорида. Бу — ғалаба эди, аммо бу ғалаба жуда қимматга тушади. Бу жангда Бальзак адвокатлар, судлар ва тортишувлар билан овора бўлиб, кўп ҳафталарни зое ўтказади, бунинг устига Париж журналистлари ғаласини ўзига қарши қилиб кўяди.

Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас, деганларидек, Бальзак нақадар қудратли бўлмасин, ўз кучини беҳуда сарфлади, дейиш мумкин.

\* \* \*

Ҳарҳолда, юридик жиҳатдан эришилган ғалаба маънавий маънода далда берди, унинг тажрибасини оширди. Унинг асарларидаги қаҳрамонлар — Вотренлар ҳам, де Марселар ҳам, Растиняклар ҳам, Рюбампрелар ҳам «Кучли бўлсанг, одамлар сени ҳурмат қилади», деганларида нақадар ҳақ бўлганликларини Бальзак тушуниб олди. Қандай йўл билан бўлмасин — пул ёрдамидами, сиёсий таъсир кучи биланми, таниш-билишлар, аёллар воситасидами, қандай қилиб бўлмасин, қудратли бўлиб олди. Курол-яроғинини ташлама, акс ҳолда, ҳалок бўласан. Мустақил бўлишнинг ўзи камлик қилади, бошқаларни ўзинга тобе қилишни ўрганиб олмоқ керак. Шундагина одамлар ўзларининг зайф жойларини билишинингни ҳис қиладилар, шундагина улар сендан кўрқадилар, — шундагина сен уларнинг ҳукамоси ва амири бўлиб қоласан.

Бальзак шу пайтга қадар ўз мухлислари, китобхонлари оммаси орқали ҳукмбардор бўлиш умидида эди. Аммо улар курраи заминнинг барча мамлакатларида сочилиб ётибди. Улар уюшмаган, ягона армия тарзида ташкил этилмаган. Улардан ҳеч ким кўрқмайди, улар ҳавас уйғотади, холос. Ўн минглаб, юз минглаб китобхонларнинг бу маш-машалардан асло хабари йўқ. Улар Париж афкор оммасини лақилла-тиб, бебошлик қилаётган қирқ-эллик кишилик тўдага қарши чиқиш-да ёзувчи билан ёнма-ён, елкама-елка тура олмайди. Шу сабабдан Фран-циянинг энг машхур, унинг ўзи англашича, энг буюк ёзувчиси мус-тақилликка эришиш йўли билангина барча муаммони бир ёқли қилиш вақти келган эди. Энди Бальзак газета нашр қилиш орқали ўз мавқеи-ни мустаҳкамлашга, шу тариқа ўзларининг қаппайган ҳамёнларига таяниб, ёзувчининг йўлини тўсаётган, афкор оммани гиж-гижлаёт-ган манфур шарҳчилардан ўч олишга қарор беради. Ниҳоят, Бальзак уларнинг адабини бериб қўйишга жазм қилади.

Шу кезларда, Парижда 1834 йилдан чиқа бошлаган «Кроникл де Пари» («Париж хроникаси») газетаси ночор аҳволга тушиб қолган-лигини эслайди; у ҳафтада атиги икки марта чиқар ва аслида, газет-хонлар эътиборидан четда қолиб кетган эди. Газетача ҳаддан ташқари сийқа, қуруқ хабарларни босишдан нари ўтмасди, Бальзак бу ҳолдан асло жирканмай, уни қўлга олишни ихтиёр этди. Молиявий негиз-дан маҳрум бўлган бу нашрнинг ҳар бир сони зўр-базўр чиқарилар, ҳеч кимни қизиқтирмас, эътиборни тортмас эди. Буларнинг ҳаммаси Бальзакка тўсиқ бўлолмасди. Унинг ишончи комил: Бальзак ҳамкор-лик қилиб, ўз асарларини бостира бошлаган газета дарҳол жонланиб кетади. Ниҳоят, сиёсат майдонига чиқиш учун қулай узанги эмасми, бу! Зеро Бальзак сиёсат борасидаги ҳамма мағлубиятларга қарамай, ҳалиям депутат бўлиш, Париж мэри, министр бўлишни орзу қила-ди, ҳалиям таъсирчан сиёсий ҳокимият ҳар қандай бўронлари ва кул-фатлари билан бўлса ҳам уни ўзига тортарди.

«Париж хроникаси»нинг бадалли ҳеч қанча пул турмайди.

Бальзак компанияга ўхшаш бир ташкилот тузиб, унга ўз тараф-дорларини жалб қила олди. Ҳарҳолда у мазкур бениҳоя машаққатли ишда ўзига хос умидворлик билан зиммасига жуда оғир мажбурият олди, бундан буён газета нашр этиш ҳаракатларининг ҳаммасини тўлайдиган бўлди. Шартнома тузилиши биланоқ, Бальзак зўр куч билан ишга киришиб кетади. Унинг атрофида дарҳол истеъдодли ёш ёзувчилардан таҳририят штаби ҳосил бўлади, лекин улардан биттаси — Теофил Готье унга умрбод дўст ва ҳақиқий маслакдош бўлиб қолади. Бальзак қотиблик лавозимига ёш золагонлардан маркиз де Беллуа билан граф де Грамонни таклиф қилади. Ҳали ҳовурдан тушмай, ил-ҳоми жўш уриб турган пайтда Бальзак бутун газетани бир ўзи тайёр-лайди: сиёсий, адабий ва мунозаравий мақолалар дейсизми, олди-қочдилар дейсизми ўзи ёзади, бундан ташқари ўзининг янги яхши ҳикояларини шу ерда эълон қилади. Газетанинг 1836 йил январидан босмадан чиққан дастлабки сони учун бир кечада ҳикоянавислик санъатининг дурдонаси бўлган «Даҳрийнинг ибодати»ни ёзади. Шун-дан кейин кетма-кет «Васийлик ҳақидаги иш», «Осори атиқалар му-зейи», «Фачимо Кане», «Ессе homo!», «Сирли заҳматкашлар» ҳикоя-лари эълон қилинади. У кеча демай, кундуз демай ҳар қандай вақтда таҳририятга тўсатдан кириб келиб, ўз ходимларини синаш, руҳини кўтариш, илҳом беришдан эринмайди. У ўз кудратини намойиш этиш ва, эҳтимол, кимлардандир ўч олиш ниятида улкан реклама ёрдами-да бир сакраб, ҳамма газеталардан ўзиб кетишга интиларди.

10,14,17,22,24,27 январ кунлари ўзининг Рю Кассини кўчасидаги уйида зиёфат беради, унда майлар дарёдек оқади, бу зиёфатларга энг яқин ходимларини таклиф этади. У уйининг ижара ҳақини тўлаш муддатини икки марта ўтказиб юборганига, уй эгаси ундан суд орқали 473 франк 70 цент пул ундириб олганига қарамай, ана шундай; маишатбозликлардан қайтмайди. Бальзакнинг хом хаёлларига кўра бу сарфун харажатлар кейинчалик юз ва минг фоиз ортиғи билан қайтиб келиши лозим эди. Париж аҳли бу газетага қизиқиб қараганлиги уни мутлақо сархуш қилиб қўяди, шу тариқа у газетанинг биринчи сони чиққанидан кейин бирмунча бевақт ғолибалик наърасини тортади.

«Париж хроникаси», — деб ёзади у Ганская хонимга, — менинг бутун вақтимни олмоқда, мен кунига атиги 5 соат ухлайман, аммо сизнинг ишларингиз ва Ганский жанобларининг ишлари яхши бораётган бўлса, менинг ишим ҳаддан ташқари яхши бораётми дея оламан. Обуначиларнинг сони ақл бовар қилмайдиган тарзда кўпайиб бормоқда, менинг газетадаги улушим бир ойда 19 минг франкка етди».

«Париж хроникаси»даги ана шу улуш — 19 минг франк ҳам нақд эмас, фақат унинг орзу ва умид биржасида мавжуд эди, унинг қўлига тегиш-тегмаслиги даргумон эди.

Бальзак ўй-хаёлларида ўзини Парижнинг амрбардори деб ҳис қилар эди. Гўё тез орада Бюлоз унинг ҳузурига эмаклаб келиб, «Париж хроникаси»ни тарк этиб, менинг хизматимга ўтгин, бунинг эвазига юз минг франк бераман деб, пулни узатиб тургандек эди. Ҳозирча уни мазах қилиб, душманлик кўзи билан қараб турган қаламкаш биродарлари унга ҳайрихоҳлик билдириб, нуфузли газетага яқинлаштиришни илтижо қилиб тургандек эди. Министрлар билан депутатлар де Бальзак жанобларининг сиёсатини ўз сиёсати деб, қабул қилишга мажбурдек эди, аммо, минг афсуски, ҳалиги шоша-пиша газетага ёзилаётган обуначилар — Бальзакнинг пуч хаёлотидаги кишилар бўлиб, касса ҳисоботлари жуда оз рақамларни кўрсатар эди. Бальзакчалик даҳога эга бўлмаса ҳам, бирмунча узоқни кўрувчи бошқа пайчилар ўз улушларини аста-секин пуллаб бошлайдилар. Охири Бальзак ҳам ўз улушини дастлабки баҳосининг бир қисми эвазигагина сотишга мажбур бўлади, у иш юришмаётганини пайқаш биланоқ аввалги илҳоми уни тарк этади. Таҳририят унга зерикарли кўрина бошлайди, ходимлар ва касбдошларга онда-сонда кўринадиган бўлади, таҳририят ишида тобора камроқ қатнаша бошлайди. Бальзакнинг бу иши ҳам ўша йилнинг ўзидаёқ барбод бўлади ва қарз юки баттар оғирлашади. Олти ёки саккиз ойлик телбаларча сарфлаган куч-ғайратлари Бальзакнинг бойлигига бойлик қўшмайди, эски қарзларини камайтирмайди, балки уларнинг ёнига яна 40 минг франк янги қарз қўшади. Шундай бўлиши ҳам табиий эди.

Куч-ғайратини беҳуда сарфлагандан кўра, ер юзини сайр қилса, ойлаб ҳеч бир иш қилмай ҳузур-ҳаловатда ҳордик чиқарса, ўз пулларида яхшироқ фойдаланган бўлар эди, аммо бу унинг охиригиди ножўя уриниши эмас эди. Бальзак ҳар сафар ўз соҳасидан четга чиқса, унинг даҳоси ва ақл-идроки ҳаракатдан тўхтар эди. Ўз диёридаги баҳодир ўзга ҳудудларга ўткан ҳамано кулгили япасқига айланиб қоларди. Кечагина: «1836 йилда бойиб кетаман» деган одам, бир неча ойдан кейин: «1836 йилда мен 1829 йилдан нари ўтганим йўқ» деб тан олишга мажбур бўлди.

Бюлозга қарши суд жараёни, «Париж хроника»сининг барбод бўлиши — буларнинг ҳаммаси ана шу машъум йилнинг айрим ҳодисалари, холос, бу йилнинг деярли ҳар кунини унга янги-янги нохушлик келтирарди.



Бальзак бирмунча ҳордиқ чиқариб олмоқ учун ўз ҳисобидан «Шўхчан ҳикоялар»нинг янги нашрини бостира бошлади. Китобнинг тобоқлари тайёр бўлса ҳам, аммо китоб ҳолига келтирилмаган пайтда босмаҳона омборида беҳосдан ёнгин чиқади ва унга совуқ сувдан ҳам зарур бўлган уч ярим минг франк ёниб кулга айланади.

Бальзак қарзини қистаб келганлардан қаерга қочишни билмайди. У Рю Кассинидаги уйи эшикларини тақа-тақ беркитиб, тунда энг қимматбаҳо мебел ва китобларини олиб, Рюде Батай кўчасидаги янги уйга кўчиб ўтади, бу уйни Дюран деган тул хотин номига ижарага олади. Рю Кассинидаги каби бу ерда ҳам пинҳона зина бўлиб, суд ижрочиси ёки бирор-бир шилқим уйга кириб қолса, у шу зина орқали яшириниши мумкин эди. Аммо «Бева Дюран» эшикларига киришнинг ўзи осон эмас эди. Теварак-атрофидаги ҳамма нарсага сеҳрли тус бериш эҳтиросига бўлаларча берилган Бальзак доимий ўзгариб турувчи пороллар тизимини ихтиро қилади. «Сезам очил!» деган сўзларни айтган кишигина уч қатор тўсиқдан ўтиши мумкин эди. Унинг дўсти Готье кейинчалик ҳикоя қилишича, сеҳрли тул хотин Дюран ҳузурига тегишли кунда кирмоқчи бўлсангиз, баджаҳл қоровулга «Олхўри пиша бошлади» деб айтиш керак экан. Шундан кейингина у меҳмонни остонадан ўтказар экан, аммо бу биринчи қадам экан. Зина охирида Бальзакнинг энг ишончли хизматчиси турар экан. Унинг қулоғига хўроз товушига ўхшатиб, «мен Бельгияча тўр келтирдим» дейиши керак экан. Эшик ёнига келиб, «Бертран хоним соғ-саломатлар» деган учинчи поролни айтган кишини тул хотин Дюран ўрнига Оноре де Бальзак жилмайиб кутиб олар экан.

Бальзак ўз романларида баён этган барча ажабтовур найранглар: иккинчи ва учинчи шахслар номига қайта ёзилган векселлар, суд белгилаган муддатни узайтириб, почтадан қочиш, судга чақирилишдан қутулиб қолиш учун ишлатилган ҳийлалар, кредиторни ўзига йўлатмайдиган айёрликлар, чин санъат даражасига кўтарган қувликларни ёзувчи ўз ҳаётида синаб кўрган, унинг қонунларни миридан-сиригача билиши, унинг нозик устомонлиги ва таптортмас довюраклиги кун сайин янги-янги ғалабалар қозонарди. Унинг векселлари ноширлар, судхўрлар, банкирлар қўлида — ҳамма жойда айланаверарди. Парижда биронта суд ижрочиси йўқки, жаноб Оноре де Бальзакнинг мол-мулкани хатлаш унга топширилмаган бўлсин. Аммо улардан биронтаси Бальзакдан пул ундириш у ёқда турсин, у билан бетма-бет учрашишга эришолмайди.

Лекин Бальзак калондимоғлик, эҳтимолки, шумлик қилиб, барча кетига тушганларни жиғига тегиб, қонунларга ошқора қарши ҳаракат қиларди, янги ҳокимиятни ҳам ўзига ўчакиштириб қўйган эди. Эндигина эълон қилинган фармонга биноан ҳар бир фуқаро миллий гвардияда муайян вақт хизмат қилиши керак. Бальзак бу мажбуриятни тан олмайди. Саботли легитимист<sup>1</sup> бўлган Бальзак учун буржуй қирол Лун Филипп — узурпатор<sup>2</sup> бўлиб, унга буйруқ беришга ҳаққи йўқ. Бундан ташқари, Бальзак ўз вақтининг зое ўтишига ачинади ва бутун дунё босмаҳоналари, газеталари, ноширлари унинг янги китобларига муштоқ бўлиб турган бир пайтда ҳарбий кийим кийиб, қандайдир

<sup>1</sup> Л е г и т и м и с т — 19-20 асрларда Фарбий Европа, асосан Францияда давлат тузумининг беш тамойили ҳокимиятнинг наслдан наслга мерос бўлиб ўзишидир, деб ҳисоблайдиган сиёсий йўналиш тарафдори.

<sup>2</sup> У з у р п а т о р — ҳокимиятни ёки бировнинг ҳуқуқини қонунга хилоф равишда тортиб олган шахс.

бурчакда милтиқ ушлаб туришни ўзига номуносиб деб ҳақли равишда ҳисоблайди. Эҳтимол, Бальзакдек ҳурматли ва машҳур адибни бу мажбуриятдан халос этиш учун тинч йўл билан келишиш ёки бирон бошқа илож топиш мумкинлиги, аммо Бальзак ҳеч қандай муросага боришни хоҳламайди. У чақириқ қоғозларига умуман жавоб бермайди. Уни ўз фуқаролик бурчини ижро этишга уч марта таклиф қиладилар, бу таклифларга эътибор беришни истамаганлиги сабабли миллий гвардиянинг ижроия комиссияси уни саккиз кун қамашга ҳукм қилади. Бальзак шу қадар кучли хахолаб куладикки, қорни лопиллаб кетади! Нақадар сурбетлик! Бальзакка ҳарбий таълим беришармиш-а! Европа адабиётининг маршали уларнинг пилта милтигини кўтариб машқ қилмагани (ҳарбийча қадам ташлаб юрмагани) учун уни авахтага ташлар эмишлар! Ҳа, майли, уриниб кўриша қолишсин! Хизматдан мутлақо бош тортган фуқарони тутиб келиш топширигини олган полиция билан мушук-сичқон ўйнаш унга завқ беради.

Уни қўлга олишақолсин! Уни ҳали топиш керак! Зар уқали галварслар уни тутишга ақллари етмаслигини кўриб қўйсинлар.

Бальзак изловчилар кўзидан бир неча ҳафта ғойиб бўлди. Ҳокимият эгаларининг югурдаклари Рю Кассинидаги уйга кунига неча марталаб зир югурганликлари бекор кетди. Доимо Бальзак жаноблари саёҳатни ихтиёр этган бўладилар, қачон, қаерда тўхташлари маълум эмас, ҳолбуки эрталабдан Бальзак ўз ноширларидан бўнак олишга боради ва кечкурун эса итальянча операда пайдо бўлади. У йўқлигида мўйловдор қонун посбонлари неча марта келиб, кетганини содиқ малайдан эшитиш унга қанчалар завқ беришини билсангиз эди, пинҳона эшик ортида туриб, ўша тўнкаларнинг тутқич бермайдиган одамни гижиниб суриштиришларини эшитиш бундан ҳам завқли эди! Бундай икир-чикирлар унинг навбатдаги романига сайқал ва аланга бахш этарди. Дарҳақиқат булар Вотрен ва Паккарнинг Корантен, Пейрад ва бошқа полиция исковучлари билан курашини тасвирлашда унга илҳом беради. Аммо кунлардан бири — 27 апрель тонгида қирол Луи Филипп ғалаба қозонади: Бальзак деразаси остида неча соат мижду қоқмай пойлаган икки айғоқчи кўмагида полиция комиссари Рю Кассинидаги уйга бостириб киради ва орадан ярим соат ўтгач, таниш яшил карета (файтон) уни «Отель де Базенкур» деб атаган полиция қамоқхонасига олиб кетади. Бальзак белгиланган муддатни ҳибсда ўтказишга мажбур бўлади ва ана шунинг ўзи ёзувчининг севиқли ватанидаги ижтимоий салмоғи нақадар пастлигидан далолат беради.

Хориждаги ҳамма казо-казолар танишишни орзу қиладиган инсон, барча элчихоналарда эъозланиб қабул қилинган инсон, Европа дипломатиясининг султони Меттерних ўз уйига таклиф этаётган инсон — Бальзак 27 апрелдан 4 майгача полиция қамоқхонасида ўтириши, иззат-икром қилинишни хаёлига келтирмаслиги керак. У каттакон залда, бақириқ-чақириқ билан қарга ўйнаётган, авом халқ орасидан тутиб келтирилган гуноҳдорларнинг алжирашларини эшитиб ўтирибди. Уларнинг аксарияти фуқаро гвардияси учун икки иш кунини қурбон қилишни хоҳламаган ишчилар эди: бундай қилганларида маошлари камайиб, хотин, бола-чақалари оч қолган бўлар эди. Бальзак бир амаллаб стол ва стул келтириб беришларига эришди; энди у теварак-атрофдагилар билан иши йўқ. У ўзининг фақирона кулбасида бўлгани каби китоб корректураларини ўқишга шўнғийди. Кайфияти асло бузилмайди, Ганская хонимга ёзган хатида бу воқеаларни кула-кула тасвирлаганидан буни билса бўлади. Ҳа, уни қулфлаб қўйдилар, аммо бу унинг иззат-нафсига асло тегмайди, аксинча, унинг ҳажв қопини

очиб юборади. Саккиз кунгача уни давлатнинг ўзи кредиторлар ва суд ижрочиларидан маҳкам кўриқлаб турганлиги унга ёқиб тушди. Бутун умр ишнинг кули бўлган, қарздан боши чиқмайдиган ва исковичлар қувиб юрадиган ёзувчи «Отель Набабо»дан ҳам ёмонроқ қамоқхонага кўникиб қолган эди. Озодликка чиқгудек бўлса, яна курашга киришиши, ҳар куни, кечаю кундуз курашиши керак бўлади.

Бальзак ана шундай қақшатқич зарбаларга ярим йил бардош беради. Аҳён-аҳёндагина инграш товушлари эшитилади:

«Мен ҳаром ўлай деяпман, дирдов отдек лоҳасланиб қолдим».

Унинг темир танасига биринчи бор огоҳлантирувчи сигнал берилди. Бальзакнинг бош айланиш дарди хуруж қилди. Соддиқ шифокори ёзувчига ўзини авайлашни маслаҳат беради. У икки-уч ой қишлоққа бориб дам олиши керак. Бальзак бу яхши маслаҳатга қисман бўлса-да, итоат қилади. У она юрти Турендаги дўсти Маргонна ёнига, эски кулбасига жўнайди. Аммо у ерда доктор Наккар буюрганидек дам олмайди, балки ҳар қачонгидан ҳам шиддат, ҳафсала билан ўлар-тириларига қарамай, ишлай бошлайди. Бальзакни ночор аҳволдан чайқовчилик ҳам, молиявий битишувлар ҳам, бой хотинга уйланиш ҳам қутқара олмаслигига, унинг бирдан-бир ва ҳақиқий қисмати — санъат эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилади. Санъаткорга шифо бўладиган шундай бир восита борки, врач уни бошқа беморларга буюра олмайди. Санъаткор ва фақат санъаткор ижодга берилиш орқали ҳар қандай ташвиш ва машаққатларни енгиб ўтиши мумкин. У ўзининг аччиқ тажрибасини жозибадор образларда гавдалантириши ва шафқатсиз ҳаётини заруратни ижодий эркинликка айлантириши мумкин. Бальзакнинг иродаси ишга киришадиган бўлса, доимо мўъжиза рўй беради. У икки ишни бажаришим керак деб аҳд қилади: «Мен сўнгги шартномамни бажаришга ва яхши китоб ёзишга мажбурман» дейди. Бальзак унисини ҳам, бунисини ҳам уддалайди. У доимо зарурат қистови остида яхшироқ ижод қилади. Бир ҳафтада у «Пучга чиққан орзулар»нинг сюжетини ҳаёлида пишитади ва унинг биринчи қисмини ёзиб тугаллайди.

«Мен бутун кучимни бир жойга жамлаб ишладим, суткасига ўн беш соатлаб ёздим. Мен қуёш билан бирга уйғониб, тушгача оғзимга қора қаҳвадан бошқа ҳеч нарса олмай ишладим».

Бениҳоя шошқалоқлик билан ёзилган айна шу китоб унинг энг зўр асари бўлиб қолади. «Пучга чиққан орзулар» — даврнинг манзарасини шу қадар рўйиростлик билан ва ҳаётини камчилик билан очиб берганки, ҳалигача француз адабиёти бунақа асарни кўрмаган эди. Шу билан бирга унинг ўз шахсияти бениҳоя теран ва шафқатсизларча таҳлил этилган. Зеро, Бальзак бу китобдан икки образни яратиш орқали ўзига талабчан, ўзига ва ижодига садоқатли бўлган ёзувчи қандай инсон бўлиши кераклиги ва мумкинлигини, агар у бир лаҳзалик ва пуч шуҳратга берилса, нақадар тубан кетишини кўрсатиб беради. Айна вақтда Бальзак ўз табиатининг иккинчи бўлагини: ҳузур-ҳаловатига, исрофгарчиликка берилган пулнинг қули бўлиб қолган, қайта-қайта майда шуҳратпарастликка майл қўядиган ва зеб-зийнатларга ҳирс қўйган инсонни руҳи борлигини англайди.

Мана энди, Бальзак ўзини чиниқтириш учун ўз санъатини бир дамлик муваффақиятга хизмат қилдиришга тайёр турган ёзувчи бошига тушиши мумкин бўлган хавф-хатарни ўз кўзи билан кўриши учун, матонат кўрсата олмаган ва нафс балосига берилгач, ўзини тўхтата олмайдиган адиб киёфасини тасвирлаб, ўзига ибрат қилиб кўрсатгандек бўлади. У яратган қахрамоннинг исми шарифи Люсен де Фюампре бўлиб, асли исми Шардон, у ҳам Бальзакка ўхшаб

дворяндикни даъво қилади, ёш ҳаваскор бир дафтар шеър тўқиб (Бальзакнинг «Кромвелли») ўз истеъдоди билан муваффақият қозониш умидида Парижга келади. Тасодифан бахти чоғиб йигитлар тўғарагига киради. Бундаги йўқсил талабалар Лотин кварталидаги чордоқларда ўз йўлини эндигина бошлаётган, умидларини рўёбга чиқариш учун ҳар қандай жабр-ситамларга тайёр турган йигитлар эди. Франциянинг бўлғуси фахр-ифтихори эди улар. Улар Лук Ламбернинг дўстлари: шоир д'Артез, врач Бьяншон, файласуф Мишел Критъен. Уларнинг ҳаммаси келгусида буюк ишлар қилишга қасам ичган ва икир-чикир муваффақиятларни писанд қилмайдиган йигитлар эди. Даниэл д'Артезнинг кучли характери ва мағрур сабр-тоқатида Бальзак ўзини тасвирламоқчи бўлган. д'Артез туфайли Люсьен д'Любампрени соф ва ҳалол йигитлар даврасига қабул қиладилар. Бироқ, ўз дўстларининг маънавий аслзодалигига содиқ қолиш ўрнига Люсьен руҳий тузоққа тушиб қолади. У Сен-Жермен кўрғонидаги зодагон аёллар орасида шуҳрат қозониш имкониятини излай бошлайди. Люсьен тез муваффақият қозонишга ошиқади, пулга, мақтовларга, аёллар муҳаббатига, сиёсий қудратга эришишга интилади, шеърлари туфайли ниятига эриша олмагач, журналистикага сотилади.

Бальзакка ўхшаб Люсьен ҳам ўз истеъдодини энгил-елпи, арзимас ва юзаки мақолалар ёзишга исроф қилади. У нафис адабиёт фабриканлари қуршовига тушади, афкор омманинг югурдагига айланади, газета корчалонларининг қўшмачиси ва ўйнаши бўлиб қолади. У адабиёт ботқоғидаги сон-саноксиз пуфаклардан бири бўлса-да, бир лаҳзалик муваффақият туфайли афкор омма кўзи ўнгида бўй-бастини кўрсатгандек бўлади, ҳақиқатда эса манфаатпарастлик ботқоғига тобора чуқур ботиб борарди. Газетада қулларча меҳнат қилган йилларда орттирган бутун тажрибасини тўплаб, журналистлар тўдасининг нафратига учраганида чеккан аччиқ аламларини ичига ютади. Бальзак афкор омма, Париж театри, Париж адабиётининг бутун сир-асрорларини очиб ташлайди. Юзаки қараганда одамлар бир-бирини қувватлагандек туюлса ҳам, аслида бир-бири билан пинҳона ва хиёнаткорона аловатда бўлган шалок дунёнинг астар аврасини-ағдариб ташлайди.

Ўша замондаги Париж ва бир ҳовуч кишиларни тасвирланадиган бир лавҳа сифатида режалаштирилган «Пучга чиққан умидлар» барча замонларга хос бўлган кенг кўламли манзара тусини олади. Фахр-ифтихор ва қаҳр-ғазабга тўлиб-тошган бу китоб огоҳлантирувчи асардир. У тоқатсизлик ва суллоҳлик гирдобига тушмасликка, ҳар қандай машаққатларга учраганда ҳам бардош бериб, забардаст бўлиб чиқишга даъват қилади. Бальзак боши узра булутлар тўпланганда, ҳар сафар у ич-ичидан ҳақиқий мардлик кучини топади ва аянчли ҳаётий фалокатлар пайтида ўзининг энг самимий ва улғувор асарларини яратади.

## ИТАЛИЯГА САЁХАТ

Бу хосиятсиз 1836 йилни Бальзак Ганская хонимга ёзган хатларида тасвирлаган, ўзини-ўзи фош қилишдан завқ олиб, эҳтирос билан берилиб тасвирлаган. Суд мажлислари, даъволар, мол-мулкининг хатланиши, абгорликлар, кети узилмас машаққатлар, қамоқхонада ўтказилган соатлар, ижод зиндонида ўтказилган сон-саноксиз соатлар!

Шундай бўлса-да, чеккан ранж-аламлари ва дил сиёҳликларининг ҳар ҳафталик рисоласини олисдаги машуқасига икир-чикирлари билан ёзганлиги бошқа бир нарсани, жуда муҳим ҳолатни яширишга

мўлжалланган бўлса, ажаб эмас, деган шубҳа-гумон ўз-ўзидан тугилади. Бальзакнинг ақл бовар қилмайдиган, фақат унинг ўзигагина хос бўлган сабр-бардоши кишини ажаблантиради. Зеро, у чиндан ҳам кўз-кўрмаган, қулоқ эшитмаган алам-ситамадларга мубтало бўлган, кундалик дардисар ишқалликлар ўтида қовурилган айни шу йилда у ўзининг бешта чинакам дурдона асарларини қандай қилиб яратди экан, бунинг устига пинҳона, ишқий саргузаштларни ҳам кечиринишга улгурган. Бальзак ўз ҳаётини рўйирост, очиқ-ойдин тасвирлаганига ишониниш қийин. Унинг ёзганларига ишонадиган бўлсак, Бальзак кўз ўнгимизда абадий мардикорлик қилган, дам олишга ажратилган қисқа соатларда, нақадар ҳолдан тойган бўлса ҳам, фикр-хаёлларга берилган инсон сифатида намоён бўлади. Ҳақиқатда эса, меҳнат ва ташвишлар орасидаги қисқа дамларда у ҳаётдан ҳузур-ҳаловат олади. Ана шундай ҳашамга ўч ва хаёлпараст одам тарзида бемалол мириқиб ҳузур қилади. Бальзакнинг энг нозик сирини билмай туриб, унинг инсоний туриш-турмушини англаб бўлмайди. У ҳар қандай ҳаётий машамшаларга қарамай, ўзига бениҳоя ишонади, тақдир зарбалари деб аталган ҳамма аламларга ажабтовур тарзда бепарво қарайди. Унинг қалбидаги энг махфий, энг эзгу моҳият, эҳтимол, шундан иборатдирки, у кундалик фалокатларга сира парво қилмайди, боз қутуриб ўкираётган денгизни соҳилда қандай завқланиб томоша қилганимиз каби, у ҳам турмуш бўронларига қизиқиш билан қиё боқиб кўяқолади. Эрта ё индин суд ижрочилари эшикни тақиллатиб, бир неча юз франк қарзини қистаб туришини аниқ билса ҳам, Бальзак талаб қилинаётган ва ёнида бўлмаган ана шу бир неча юз франкка заргардан мутлақо кераксиз ўйинчоқни сотиб олаверди. Ўша машғум 1836 йилда қарзлар бир юз қирқ минг франкка етган ва тушлик тамадди учун чевар ёки табибдан қарз олишга мажбур бўлишига қарамай, пул созуришга устаси фаранг бўлган ёзувчи «Бальзак жанобларининг жасорати» деган машхур асо ёнига залворли гурзи буюради, (мадам де Жирарден бу ҳақда бугун бир роман ёзди), олти юз франкка каркидон суягидан ишланган дасталик яна бир ҳасса ҳам ясади. Айни вақтда бир юз тўқсон франкка олтин қаламтарош, бир юз ўн франкка картмон, тўрт юз йигирма франкка занжирча харид қилади, хуллас ҳозиргина хорижий бойваччанинг ҳамёнини қоқиб олган таннозагина ярашадиган буюмларни сотиб олаверди. Бальзак вужудида яшовчи сирли қаршилиқ кучли доимий товон талаб қиларди. Унинг қарзи нақадар кўпайса ҳам хаёл билан ҳашамдорликка зеб бераверди, мутлақо кераксиз қимматбаҳо матоҳларни йиғаверади. Вазият машаққатлари унинг гарданига оғир юк бўлиб тушган сари ундаги қувонч руҳи (бамисоли барометрдаги симоб каби) шу қадар баланд кўтарилаверди. Қарз юки оғирлашиб боргани сайн ундаги яшаш гашти багтар кучаяверди. Мана шундай қарама-қарши ҳолат бўлмаса, у ҳаётни маъносиз деб ҳисоблайди.

Ана шундай қарама-қаршилиқ туфайли ҳаёт нашъаси улуглашиб боради. Бамисоли вулқон ваҳимали отилиб чиққани каби портлашлар ва лава отилишларидагидек унинг эҳтирослари ўзига эрк олади.

1836 йилда «у бениҳоя танг аҳволга тушиб, қуёш жазирамасида қорайган ва даҳшатли момақалдиноқлар оғушида қолган бир пайтда Бальзакнинг ҳашамдорлик ҳирси ва ҳаёт пўртанасидаги ҳис-ҳаяжони, айниқса, серҳосил бўлади. Масалан, у олисдаги Верховнаяда яшаб турган машуқаси Ганскаяга ёзган хатида гўё янада ёлғизликда яшаш умидида Кассилни кўчасидаги уйдан ташқари яна қандайдир «чордоқни» ижарага олганини айтади, ҳатто энг яқин дўстларидан ҳам яшириниб, чарчаган, қартайган, соч-соқоли оқарган гўшанишин ҳолатида кун кечираётганини айтади! «Бу кулбани ҳеч ҳам, ҳатто туғишганларим ҳам топа олмайди», деб ёзди у ҳижронга солган севгилисига.

Ҳақиқатда эса Бальзак ўз дўсти Жюл-Сандодан ноиложликдан ижарага олган ана шу чордоқ, ана шу кулба бениҳоя ҳашамдор уй эди, уни безатиш учун бу исрофгар ҳеч қандай сарфу харажатдан қайтмайди, гарчи Кассини кўчасидаги уйида тўрт хона учун етарли мебел бўлса ҳам; энди Капуцин хиёбонидаги уй учун бемалол ҳамма нарсага қайтадан буюртма берилади. Ҳатто садоқатли хизматкори Огюст зар уқали ҳаворанг либос билан камзул олади, бунинг учун Бальзак уч юз олтмиш саккиз франк тўлайди ёки тўғрироғи қарздор бўлади. Машҳур ёзувчилардан кўра бойвачча хонимларга муносиб бўлган ҳашаматли қабулхона ана шу ажабтовур кулбанинг гултожи эди. Бироқ қалаштириб ташланган қимматбаҳо буюмлар, нозик бўёқларнинг ҳавасни қитиқловчи жозибаси Бальзакка илҳом беради. У «Тилла қош қиз»да таралабедодчиларнинг шу маконини жуда аниқ тасвирлайди: «Қабулхона бамисоли икки бўлимдан иборат эди: бири нимовал шаклда, иккинчиси чорси шаклида эди. Деворлардан бирининг ўртасида оқ мрамардан ясаб, тилла суви юритилган камин ялтираб турарди. Бу хонага қимматбаҳо гилам парда ортидаги ён эшикдан кириларди. Тақа сифат айвончада асл турк дивани, жўнроқ айтганда полга солинган кенг тўшак ётарди. Диван саҳни эллик фут келарди, у устига оқ кашмир қопланган қора ва қип-қизил шойи кокиллар билан безалган эди. Бу каттакон тўшакнинг суянчиғи нақшин бўлиб, унга кўпроқ жозоба берар эди». Шундан кейин ёзувчи ўз асарида ўша «кулба»нинг бошқа хоналари Ҳиндистон ва Эрондан келтирилган қимматбаҳо матолар, зеб-зийнат буюмлари ва мебеллар, шойилар билан нақадар безатилганлигини завқ-шавқ билан тасвирлайди.

Ҳаётда Бальзак ана шундай ҳашамдорлик ва зеб-зийнатларни илҳом манбаи деб эмас, балки уларни ҳаётини зарурати деб билади, чунки у бўялмаган ҳар қандай курси ёнида ҳам илҳом билан ёзаверади. Дўсти Фонтаннега мақтаниб, шу ҳашамларни, «машҳур оқ канама»ни кўрсатар экан, одатда нақадар камсуқум бўлмасин, ним ҳазил оҳангда тўсатдан шундай иқроп қилади:

«Мен олий мақом ходимни қабул қилмоқ учун мана шуларни муҳайё этишни буюрдим, ўша нозанин учун менга чиройли мебел керак эди, чунки у бунга одатланиб қолган. У мамнун бўлганини сенга хурсандчилик билан айта оламан».

Аммо серҳафсала Фонтанне бу гапни шу заҳотиёқ кундалигига ёзиб қўймаганида ҳам янги уйнинг қиёфасига қараб, аслида бу ишлар нима учун қилинганини билиб олардик. Бальзак олифталарча ясан-тусан кийина бошлар экан, кимнидир севиб қолганлиги шундоққини сезилиб турарди. У роҳатбахш янги маконига янги мебеллар олар экан, ҳаминша ҳам маъшуқасини кутаётган бўларди, унинг хурсандчиликлари ҳам, ташвишлари ҳам доимо катта пулга тушар эди.

Чунончи бир вақтлар у файтон сотиб олиб, извошчи ёллаганида герцог қизи Деконстритга ёқиш пайига тушган эди, унинг биринчи канамени худди шу нозанин учун сотиб олган эди. Берни хоним учун Рю де Маредаги ётоқхона янги мебеллар қўйиб безатилганди. У Женевада турганида Ганская хоним учун бир талай қўлқоп ва лаб бўёқ юборишларини сўраган, Венага йўл олаётганида шахсий файтон сотиб олган эди. Шундай қилиб, бошқа ҳамма нарсалардан ташқари яна бир гаройиботга дуч келамиз. Бальзак «севикли рафиқаси»га абдий содиқлик қасамини ичган йилнинг ўзида у бошқа бир аёлни севиб қолади, у илгари ҳеч қачон бу қадар қаттиқ селмаган эди. Ўша йилнинг ўзида у ҳамма хатларида ахлоқий софлик туфайли тортган азобларини тасвирла-

ганида, бошқа жўшқин шиддатли муносабатларга кирган эди. «Бирдан-бир» севгилисига тўлиб тошиб-битган ва бутун авлод энтикиб ўқиган муҳаббатномаларни у ишқий яқинликдан аввал ва кейин ёзган эди.

Бальзак ҳаётида пинҳона бўлса ҳам, жуда катта рол ўйнаган ана шу янги маъшуқа билан танишув, нақадар ғайритабiiй туюлса ҳам, Ганская хонимнинг бевосита иштироки туфайли содир бўлган эди.

Ганская хоним Женевадан жўнаб кетиш олдидан, эҳтимол тутилган рафиқага Австриянинг Париждаги элчиси Аппонъайнинг рафиқаси номига ёзилган тавсияномани топширади. Шунда Бальзак нақадар банд бўлишга қарамай, ўзига хос зодагонсифат бўлганлиги учун маликалар — княз қизлари ва граф қизлари билан мулоқот учун ҳамиша вақт топар эди. Алҳол у элчихонага ташриф буюради.

Бу ерда 1835 йили ўтказилган киборлар зиёфатларидан бирида, у ўттиз ёшлар чамасидаги, бениҳоя гўзал, дўмбоқ, малласоч аёлга назари тушади, бу аёл ўзининг жуда хушчақчақ ва эркин тутар эди. Аёл ҳеч бир нозланмай ўзининг очиқ елкаларини кўз-кўз қилар, назокат ила ўзини мағрур тутар эди. Аммо Бальзакни мафтун қилган нарса аёлнинг гўзаллигигина эмас эди. Бальзакнинг қизиқишлари доимо паст табақа кишиларига хос эди. У ҳамиша ижтимоий аҳволга эътибор беради. Аёлларнинг киборларча исми шарфларини уларнинг шахсиятидан анча юқори кўярди. Бальзак чет эллик аёлнинг кимсан графиня Гвидобони — Висконти эканини билиши биланоқ ишқ ўтида ёна бошлади! Висконтилар Милан герцогларидан эди. Гвидобони эса Италиянинг энг аслзода киборлари оилаларидан биридир. Бинобарин, Уйғониш даврининг ана шу номдорлари шажараси ҳатто Ржевускийлар насабномасидан юқори турарди. Бальзак бир зумда абадий садоқат ҳақидаги ҳамма олий қасамларини унутиб, бутун вужуди билан аслзода соҳибжамолга яқинлашади.

Дарвоқе, тузукроқ зеҳн солинганида ана шу чет эллик аёл асло графиня ҳам, италян қизи ҳам эмас экан. Қизлигидаги исми Сара Лауэлл бўлиб, Лондон яқинида Эол Паркда 1804 йилда туғилган эди. У бениҳоя ғалати лоқайд британиялик оилага мансуб бўлиб, оила аъзоларида ўз жонига қасд қилиш ва ажабтовур эҳтиросларга берилиш тез-тез такрорланиб турар эди. Онаси ҳам гўзаллиги билан ном чиқарган бўлиб, кексайганида ўз жонига қасд қилганди. Акаларидан бири ҳам ҳаётий йўлини шу тақдидда поёнига етказганди. Бошқа бир акаси, ичкиликка ружу кўйган, синглиси динга муккасидан кетган эди. Аммо соҳибжамол графиня ана шундай жонсарак оилани бирдан-бир эс-хушли аъзоси бўлиб, ўз эҳтиросини Эрот (шаҳвонийлик) салтанати билан чеклаганди. Сиртдан совуққон, вазмин инглиз қизи уялмай-нетмай, аммо унчалик ҳовлиқмай ўзига маъқул бўлган ишқий саргузаштлардан қайтмас эди. Айни вақтда у граф Эмилио Гвидобони — Висконтидек қонуний эри борлигини баъзан унутиб кўярди. Ажабтовур камсуқум, рашк нималигини билмайдиган эри билан қандайдир бир сафарда никоҳдан ўтган эди.

Айтгандек, граф Эмилио Гвидобони-Висконтининг ўзига хос қизиқишлари, не бахтки, нозанин хотинининг сержанжал эҳтиросларига ҳеч қачон қарши бўлмас эди. Янги Э.Т.А. Гофман ўз ҳикояларида адабийлаштирса арзийдиган бу Тентак фақат бор нарсани — мусиқани бениҳоя севар ва бутун вужуди билан унга берилган эди. Граф жанобларига ош бермай, нон бермай, фақат жўнгина театр оркестрчасида, арзимас ҳақ оладиган ночор машшоқлар орасида ўтириб олиб, гижжакни гирчиллатишга имкон берса бас. Гвидобони-Висконтиларнинг Париж ва Венадаги саройларидан ташқари Версалда

ҳам саройи бор, бу ерда граф Эмилио оқшомларни ноталар қаршисида ўтказарди. У қайси шаҳарга келмасин зўр ишқибозлар каби бошқа машшоқлар билан бирга гижжак чалишга ижозат беришларини ёлбориб сўрарди. Кундуз кунлари эса шифобахш дорилар ясовчи ролини ўйнаш билан ўзини овулар эди. У болалар каби Ўрта аср кимёгарларига тақлид қилиб, турли-туман гиёҳларни завқ билан аралаштирар, сон-саноксиз идишларни улар билан тўлдирар, шишачаларнинг ҳаммасига ёрликларни ҳафсала билан ёпиштириб чиқарди. Дунёвий ишларга унинг тоқато йўқ эди, фақат сокинликда ўзини яхши ҳис қиларди. Хуллас, у ўз соҳибжамол рафиқасининг маъшуқлари йўлини асло тўсмас, аксинча, уларнинг ҳар бирига назокат ва ҳайрихоҳлик билан қарарди. Зеро, агар улар бўлмаганида ўзининг севикли мусиқаси билан бемалол шуғуллана олармиди?

Жаноб де Берни ва жаноб Ганскийдан кейин учинчи бор ўз рафиқасига машҳур ёзувчи таҳсинларини қабул қилиш имконини берган чала шунқор, бефаҳроқ инсонни учратаётган эди. Бальзак эзгу мақсалга ўзига хос шошқалоқлик ва сабрсизлик билан интилади. Тез орада унинг бўш вақтлари фақат Гвидобони-Висконтилар оиласида ўтадиган бўлиб қолади. Бу ёқимли оилани кўриш учун Нейга, Версалга боради, Италия операсида бир ложада ўтиради, 1835 йилнинг апрелида эса Женевалдан қайтганидан сўнг, орадан уч ой ҳам ўтмасдан у олий мақом Ганская хонимга эмас, балки ҳар қандай ишончга сазовор бўлган камсуқум Зюлма Каррога қуйидагиларни маълум қилади:

«Бир неча кундан бери мен бениҳоя дилрабо аёлга мафтунман, ҳатто ўз ҳисларимни яширишни билмайман. Мен бечора қизалоқлар каби ўзимга ёққан нарсдан воз кечиш учун ўзимда қуч тополмай қолдим». Аммо, графиня ҳали ҳам иккиланади, Бальзакнинг илтижоларига майл бермайди, тўғри, кун кеча у аввалги маъшуқи граф Козловскийга истеъфо беради, шу графнинг саъй-ҳаракатлари билан дунёга келган тўнғич ўғлини мусиқа шайдоси бўлган эриники қилиб кўрсатди.

Бироқ, у ҳали княз ўрнига Бальзакни эмас, балки Париж оламининг зўр шерларидан бири граф Лионел де Бонвални ёқтиришини ёки уни танламасликни ҳал қилганича йўқ. Бальзак эса, ўзининг янги телбалигига бутунлай берилиб кетишига ҳақли эмас, зеро хоҳласа хоҳламаса романлар ёзиши, кредиторлар устидан ғалаба қозониши керак, бундан ташқари у бошқа имкониятидан маҳрум бўлишни истамайди.

Эвелина Ганская хоним рус ва поляк дўстлари Козловский, Киселёв ва бошқа холис хизмат қилувчилар воситасида шу дамчага мусиқага бефарқ бўлган Бальзак тўсатдан мусиқа шинавандаси бўлиб қолганидан хабар топди. Ҳали эри тирик бўлатуриб ва ундан мутлақо яширин тарзда Бальзак билан ғайритабий унаштирилганидан кейинроқ бу аёл Бальзакдан оғишмай содиқ бўлишни талаб қилади.

Тўғри, у ёзувчининг «қизлар, ҳар хил қизлар»нинг хизматида фойдаланишига илтифот билан рухсат беради — хуллас, унинг одамлар кўз ўнгида Эвелинанинг обрўсини тўкмайдиган, арзимас саргузаштларга бепарво қарашга ваъда беради. У Бальзакнинг графиня Гвидобони-Висконтига эҳтирос билан куйиб-ёниб, жўшқин хатлар ёзишини тасаввур қилади, зеро Ганская хонимнинг ўзига ҳам шундай хатлар ёзгани эсида. У Бальзакни бутунлай эгаллаб олишга имкон берадиган фидоийлик қилдим, деб ҳисоблайди! Ниҳоят, Бальзак бўлғуси миллионер тул хотиндан ажралиб қолмаслиги учун уни юпатишга киришади ва Венага ғаройиб сафар қилишга отланади. У



Эвелина хонимни юпатиб, менинг қалбим сендан бошқа ҳеч кимга тегишли эмас, деб ишонтириш учунгина шундай қилади. Сўнгра ёз бошланиб, Бальзак бутун вақтини Сашеда ўтказди ва олган бўнақларини узиш учун тинимсиз қалам тебратади.

1835 йил августида соҳибжамол инглиз хонимни ўзига оғдириб олиш учун яна Лионел де Банвал билан рақиблик пойгасига тушади. Бальзак ғалаба қозонади, графиня Висконти маъшуқига айланади ва у, «Фoш этилган Бальзак» китобини тўқиган ва ҳаддан ташқари хабардор бўлган муаллифнинг ёзишича, 1836 йил 29 майда туғилган Лионел Ришар Гвидобони-Висконтининг отаси бўлади. Қонунсиз туғилган уч гўдак каби, Лионел ҳам отасининг номига, даҳосига меросхўрлик қила олмайди. Графиня Гвидобони-Висконти эса беш йил Бальзакнинг маҳбубаси ва энг қийин дамларида унга яқин дўст ва толмас кўмакчи бўлди.

\* \* \*

Шухратпараст Эвелина Ганская эса, ўзини Бальзакни ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадиган аёл қилиб кўрсатишни истарди. У ёзувчининг насихатгўйи ва маслаҳатчиси бўлишни хоҳларди. Адабий дидининг даражаси, танқидий мулоҳазасининг кучи жиҳатидан у эҳтимол графиня Висконтидан юз карра устун турарди. Бироқ графиня Висконти Бальзакка инсон сифатида нима кераклигини яхшироқ тушунарди. У мана шу доимий эзилган, сон-саноксиз мажбуриятлар юки остида азоб чеккан ва таъқибдан ҳеч қачон қутулмаган ёзувчининг энг биринчи эҳтиёжини — озодликка бўлган буюк эҳтиёжини фаҳмлайди ва идрок этади. Машъум 1836 йил унга қандай уқубатлар келтирганини бу аёл ўз кўзи билан кўрди. У ёзувчининг чарчаб, тинка-мадори нақадар куриганини, сокинликка қадар интилаётганини кўриб турарди. Висконти хоним Бальзакка далда бериб, унинг ижодий кайфиятини тиклаш зарурлигини ич-ичидан фаҳмлайди, ёзувчининг Италияга сафарини уюштиради ва сафар харажатлари учун етарди пул ҳам беради.

Граф Гвидобони-Висконтининг отасидан қолган мерос иши юзасидан Италия маъмурларига даъвоси бор эди. Аммо ўзига тегишли пулни ҳеч олмай келарди. Андаккина бўлса-да, тижорат уқуви бўлмаган мусиқа дарवेशи меросга бўлган ўз ҳуқуқлари учун курашдан воз кечишга тайёр эди.

Худди шу пайт графиня жуда маккорона тadbир ишлатиш ҳақида ўйлайди ва бунинг иложини ҳам топади. Граф дўсти Бальзакнинг куч-ғайрати ва ишчанлигини яхши биларди, шу сабабли унинг Италияга бориб Висконтиларнинг молиявий ишларини бартараф эта олишига ишонди. Кўнгилчан граф розилик билдиради, эндигина Сашедан қайтиб келиб, кредиторлардан қаерга қочишини билмай турган Бальзак бу таклифни жон-жон деб қабул қилади. Унга нотариал ишончномани топширадилар ва чамаси, йўл харажатлари учун пул берадилар. Шу тариқа у июл ойида почта каретасига ўтириб, кўндан орзу қилган сафарга чиқади. Графиня Висконтининг олийҳимматлиги шу билан чекланмайди. Бу сафарда у Бальзакка йўлдош бўлиши мумкин эмас эди. Чунки у атиги бир ой аввал она бўлган (Лионел Ришарни туққан) эди. Бу фарзандни улар ўртасидаги муҳаббатнинг тарови деб ҳисоблаш лозим эди. Аммо бу аёл олийҳимматлигининг ажойиб ва хаёлга келмайдиган далили шу бўлди-ки, Италия сафарида ўз маъшуқига истараси иссиқ бир йигитча ҳамроҳ бўлишига эътироз билдирмади. Қора сочи қисқа қилиб қирқилган бу йигитча ўзини Марсел деб таништиради. Бальзакнинг бошқа дўстлари

унинг ном-нишонини эшитмаган эди. Фақат Бальзакка кийим тикувчи Бюиссонгина у йигитча ҳақида маълумот бериши мумкин эди. Яқиндагина Бальзак тикувчи хузурига бежиримгина қорасоч қизча билан бирга келиб, унга эркакча кийим буюрган, кулранг камзул қизчага қуйиб қўйгандек ярашган эди, аммо синчиклаб қараган одам унинг аёл тоифасига мансублигини сезиб олиши қийин эмас эди. Бальзак орзудаги мамлакат сафаридан хузур қилиш ўрнига қалтис масхарабозлик ёрдамида бу сафарини ишқий саргузаштга айлантиради.

Доимо ёзиш билан банд бўлган Бальзак деярли барча маҳбубалари каби ана шу янги севгилисини ҳам ёзишмалар орқали қармоққа илинтирган эди. Ўзининг деярли барча маъшуқалари каби бу аёлнинг ҳам эри бор, бошқа маҳбубаларининг эри каби унинг эри ҳам ройиш одам эди. Ириқ суд амалдорини рафиқаси бўлган Королина Марнуги хоним Лиможада зерикарли ҳаёт кечирарди. Эридан кўнгли тўлмаган ва муҳаббатга ёлчимаган барча француз аёллари каби Королина ҳам Бальзакка ишқий хатлар ёзади.

Эвелина хоним оғушида бўлганидан кейин ёш аёлларни қадрлашга ўрганган Бальзак уни очик чеҳра билан қарши олади. Батай кўчасидаги машъум ишратхонадаги биринчи висолининг ўзиёқ уч кеча, уч кундузга чўзилиб кетади, яшнаб турган ёш аёл унга шу қадар ёқиб қоладики, уни Италия сафарига бирга боришга таклиф қилади. У бажонидил рози бўлади. Ҳазил учун паж (маҳрам) либосини кийиб, унга хамроҳ бўлади, чунки афсонавий ўлкага қилинадиган сафар аввал-бошданок афсонавий тусда бўлиши керак эди.

Бу саёҳатнинг завқли ўтишидан дарак берар эди. Бу ҳазил туфайли йўлда худди Бальзак ўйлаганидек фаройиб саргузаштлар бошланади.

Ҳар қандай оқил инсон ўзига эътиборни торгмаслик учун чекка-роқдаги бирор меҳмонхоналардан бирида жой олган бўлур эди, аммо Бальзак ҳар бир ишни ҳаддан ошириб қилишни яхши кўради. У ҳеч бир тортинмай шаҳарнинг энг яхши меҳмонхонасига, «Отел де Эроп»га фойтонни ҳайдашга амр қилади. Қирол саройи деразалари қаршисида жойлашган бу меҳмонхонада ўзи ва йўлдоши учун энг яхши ёнма-ён хоналарни танлайди.

Ўз-ўзидан равшанки, эртаси кун, «Гадзетта Пьемонтесе» рўномаси машҳур ёзувчи шаҳарга келганини ҳабар қилади, шу заҳотиёқ зодагонлар жамияти Бальзакни ва унинг машҳур ҳассасини кўришга ошиқади. Бу ҳассанинг довуғи, ёзувчининг сўзларига қараганда, асарларнинг довуғидан ҳам ошиб тушар ва «умум Европа миқёсида» шуҳрат қозонган эди. Казо-казоларнинг хонадонларидан малайлар унга таклифномалар келтириб беришар, ҳамма Бальзак билан тезроқ танишишга интиларди. Ўзини дўст тугган зодагонларнинг воситачилиги туфайли сайр қилиш учун Бальзакка ҳатто қирол ошхонасидан арғумоқлар тақдим этишар. Княгиня, графиня ва маркизаларнинг ноз-карашмаларига мафтун бўлган Бальзак Пьемонт зодагонларининг таклифларини ҳайрихоҳлик билан қабул қилади. Ойлар ва йиллар давомида уни фақат сассиқ ва жаҳлдор кредиторлар-у, суд ижрочилари суриштириб келишидан безор бўлган ёзувчи саройларда берилган зиёфатлардан ва кўрсатилган шоҳона иззат-икромлардан бениҳоя мамнун бўлади. Қасқдан ҳам қишлоқи қизни йигитчасига кийинтириб олиб келдим, деб ўзини койийди. Тўсатдан шундай фаройиб ҳодиса содир бўладики, ўз романларида Бальзак ҳам буни тўқий олмас эди. Зодагонларнинг саломларида ҳалиги Марсел исмли «йигитча» аёл киши эканлиги дарҳол ошкор бўлади ва Бальзак бундай фаройиб иш қилиши, ном-нишони ҳеч

кимга маълум бўлмаган енгилтак аёлни Пьелмонт аслзодаларининг саройларига олиб келишига ҳеч ким ишонмагани боис галати миш-миш тарқалади. Маълумки, машҳур аёл ёзувчи Жорж Санд сочини калта қирқтириб, сигара ва трубка чекар, эркакча шим кияр ва машуқларини тез-тез алмаштириб турар эди. Яқинда шу аёл Алфред де Мюссе билан Италияга келиб кетган эди. Бу гал у Оноре де Бальзак билан бирга келмаганмикан? Шу тариқа бечора Марбути хоним кўққисдан ҳамманинг эътиборига тушади. Жаноблар ва хонимлар уни куршаб олишади, у билан нафис адабиёт ҳақида сўз юритишади, унинг ўткир зеҳнига қойил қолишга тайёр бўлиб туришади ва ундан Жорж Санд номи билан дастхат олишга ҳаракат қилишади, ҳатто Бальзакдек инсон учун ҳам бу ҳазил унчалик ёқмайди, шунда ёзувчи мазкур чигал жумбоқни ечмоқ учун ўзининг бутун ақл-заковати ва ҳозиржавоблилигини ишга солади. У марказ Феликс де Сен-Томага аёл кишининг эркакча кийинтирилганига пинҳона иқрор бўлади ва дарҳол бу ишни юксак ахлоқийлик нуқтаи назаридан қилганлигига зўр бериб ишонтирмоқчи бўлади. «Мен бошқа аёлга бениҳоя берилганимни билгани учун бу аёл менга ишонади...» деди.

Аммо Бальзак ҳазил зилга айланиб, можаро тусини олмаслиги учун бу найрангни вақтида тўхтатиш кераклигини пайқайди. У ўз дўстлари Висконтилар ишини муваффақиятли ҳал этиб, ҳаётида биринчи марта бахтиёрлик бахш этган бу шаҳарни шоша-пиша тарк этади. Умрининг уч ҳафтасини меҳнатсиз, ноширлар билан ади-бади айтишмай, корректуралар ўқимай, кредиторларсиз ва ҳасадли қаламкашларсиз ўтказади. Умрида биринчи марта у ўзи ўйлаб топган шарпаларсиз ҳақиқий дунёга очиқ кўз билан қарайди. Охирги бекатлардан бири унинг тақдирида унутилмас из қолдирган Женева шаҳри эди. Шу ерда герцогиня де Қастри унга қиё боқмаган эди. Шу ерда у Эвелина хонимнинг кўнглига йўл топмаган эди, энди у шу ерда жажжи Марбути хоним билан беғам ва беташвиш вақт ўтказади. Унинг Эвелинага ёзган хатига бир лаҳза бўлса-да ишонсам, ёзувчи Женевада ширин хотираларга берилиб, олисдаги Эвелина ҳижрони аламида яшаган. Воқелик унчалик гаройиб бўлмаса ҳам, ёқимлироқ эди: Одатда Бальзак тоқатсизлик билан ишга киришиш учун отларни аёвсиз ҳайдатиб, Женевадан Парижгача бўлган йўлни беш кеча-кундузда босиб ўтар эди. Энди бўлса, ёнига жўшқин саргузаштларга унчалик қизиқмайдиган ёш қаламқошни олиб олган Бальзак йўлдаги барча шаҳарларда тунаш учун тўхтаб, оз эмас, ўн кун деганда уйга етиб келади. Бу тунлар фақат олис қутуб юлдузи тўғрисидаги маънос ва дилгир фикр-хаёлларга бағишланади, деб тахмин қилиб бўлмаса керак, албатта.

\* \* \*

21 август кuni Бальзак Парижга қайтади ва сеҳрли дамлар дарҳол барҳам топади. Эшикка суд ижрочиларининг ёрлиқлари ёпиштирилган. Столда қарз қоғозлари уйилиб ётарди. У остонадан ҳатлаши биланок, ўз ношири Верде синганлигини билади. Буларнинг ҳаммаси Бальзакни саросимага солмайди. У озод нафас олганидан кейин тақдир қўли уни баттар шафқатсизларча бўғишини ва бундан кейин ҳам бунга неча бор муяссар бўлишини билади. Аммо ёқимсиз ёки зерикарли хатлар уюми остида мотам ҳошияли хатжилдга кўзи тушиб қолади. Унда 27 июл кuni Лаура де Берни вафот этганлиги хабар қилинганди. Бу хабар уни нақадар ич-ичидан ларзага солганлигини Бальзакнинг хатларидан билса бўлади.

Бу жудоликка у кўп ойлар муқаддам тайёр эди. У Париждан жўнаб кетишидан аввал Делектага борганди. Лаура шу қадар мажолсиз ётардики, ҳатто «Водийдаги лолалар» асарида тасвирланган Мадам де Морсев сиймосида ёзувчи ундан бағоятда миннатдор эканлигини дунёга ошкор этганлиги учун ўз қувончини изҳор этолмаган эди, шундай бўлса-да, уни қаттиқ уят ва алам ҳисси қуршайди. Лаура хоним ўлим тўшагида ётган бир пайтда мана шу арзимас Каролина Марбути билан Италия бўйлаб бемалол кўнгилхушлик қилиб юрган эди! Ҳолбуки у Лауранинг тўшаги ёнида бўлиб ва унинг сўнгги сўзларини эшитиши керак эмасмиди. Авваллари уни ҳаммадан кўра кўпроқ севган аёлнинг жасади қора ерга қўйилаётган даврда у ҳеч нарсадан беҳабар Турендаги ишратхонада хушнуд бўлиб, қаҳқаҳа отаётган бўлса ажаб эмас. Бирнеча кундан сўнг Бальзак Парижни тарк этиб, Лауранинг мозорини зиёрат қилиш учун йўлга чиқади. Унинг ички туйғуси ёзувчи ҳаётининг бутун бир даври тугаганини ва шу аёл билан бирга у ўз ёшлигидан ҳам маҳрум бўлганини билдириб турарди.

## БУРИЛИШ ЙИЛИ

Лаура де Берни хонимнинг вафоти Бальзак ҳаётидаги энг катта жудоликлардан бири эди. Ёзувчининг севгилиси, унинг ҳақиқат онахони эди у! Лаура уни тарбиялаган, авайлаб асраган, ўз истёдодини севиш ва унга ишонишга ўргатган эди. Энди у меҳрибонидан айрилиб қолди, энди уни ким қулфатлардан асрайди, ҳимоя қилади, ким унга далда бўлади. Ҳозир унинг икки машуқаси, бири олис Украинада, бири эса яқиндаги Елисей майдониди бўлса ҳам, у ўзини ёлғиз ҳис этади. У ҳаётида ҳали ҳеч қачон бу қадар ёлғиз бўлмаган эди!

У кўзгу олдида турарди: сочлари оқарган ва сийраклашган, бу ҳол тинимсиз ғам-ташвиш ва кундалик кураш излари, китоб кетидан китоб ёзиш билан ўтган машаққат излари эди. Сўлгин изларга даҳан ости осилган, бадан терилари бўшашган — дераза пардаларини маҳкам беркитиб, иш столи ёнида тонг отгунча ўтиришлар, ўзи яратган ҳавосиз ҳибсада ҳаракатсиз ўтказилган ҳафталарнинг оқибати бу! Шундай ҳаёт ўн етти йилдан бери давом этади. Кун кетидан кун, ой кетидан ой ўтди, ўн минг, юз минг саҳифалар тўлдирилди, 500 минг гранка ўқилди, китоблар кетидан китоблар дунёга келди, хўш нимага эришди? Буларнинг ҳаммаси Бальзак учун етарли эмас! Франция соборлари каби ҳайбатли ва савлатли бўладиган ижод маҳсули — «Инсоний комедия» эндигина бошланди. Дастлабки гиштларгина қўйилди, ҳали тўсин ташлангани йўқ, осмон билан ўпишиб туриши лозим бўлган найзасимон минораларнинг биронтаси қад ростлагани йўқ! Ўз режасини қачонлардир рўёбга чиқара олармикан, кучлари узоқ йиллар давомида беҳуда сарфланганлиги азобини тортмаётганмикан? Зўриққан кўзлари ачиша бошлаганини, туйқусдан боши айланганини, бениҳоя чарчаб, қотиб ухлаб қолганини қандай изоҳламоқ керак. Бунинг устига уйқуни қочирувчи қора қаҳвани суиистеъмол қилиш оқибатида ошқозон санчиши дарди ҳам пайдо бўлди. Энди ҳаммасини йиғиштириб қўйиб, барча кишилардек яшай бошлаш пайти келмадимикин. Ҳузур қилиб дам олса, уқубатли ижодни унутиб, гиштан эмас, балки ўз вужудидан, ўз жони ва руҳидан тинимсиз қошоналар барпо этишни бас қилса, бошқалар каби беташвиш, бахтиёр ҳаёт наъшасини суриб ҳаёт кечирса бўлмайдими? Унинг чексиз филоийлиги, ўзидан кечиб қилган

меҳнатлари учун ҳалиги марҳумдан бошқа ким миннатдор бўларди. Тинимсиз меҳнати унга нима келтирди? Бирмунча шуҳрат, йўқ катта шуҳрат келтирди, аммо у қанчадан-қанча ҳасадгўйларни, қанчадан-қанча душманларни орттирди. Ўз бошига қанчалар уқубат солмади! Бугина эмас, меҳнати унга ўзи орзу қилган энг муҳим нарсани бермади — озодлик ва мустақиллик келтирмади. Етти йил муқаддам у ҳамма ишни қайтадан бошлади: қарзи юз минг франк эди, шу сабабли у уйқу нималигини билмай, ўз жонини аямай ўн киши, йигирма киши учун ишлади. У ўттизта роман ёзди. Елкадаги юк камайими? Йўқ, бу юк икки ҳисса оғирлашди, холос. Кун сайин у ўз ижодини ноширлар ва газеталарга сотиши, бурама зина бўйлаб биринчи қаватга исқирт судхўрлар ёнига чиқиши керак, ўғридек қалтираб суд ижрочиларидан қочиб юриши керак. Машаққатли меҳнат озодлик келтирмас экан, меҳнат қилишнинг нима кераги бор? Бальзак 37 ёшида ана шу бурилиш йилида ҳамма иш қўнғиллагидек бормаётганини, у хузур-ҳаловат нималигини билмай, бутун умрини ишга, беҳуда ишга сарфлаганини ва орзу қилган ниятига ета олмаганини англади.

«Янгича яшамоқ керак!» деб хитоб қилди у ва яна товуш уни олисдаги аёлларга зорикмай, ёнидаги нозаниннинг юмшоқ танасидан хузур олишга чақиради! Чарчоқ кўзлар олдида янги-янги қиёфалар пайдо бўлмоғи учун ёзув столига ёпишиб ўтирмай, саёҳат, юртларни кезиш керак, чарчоқ руҳга ором бериш, қаторга занжирларини узиб улоқтириш лозим. Жонсараклик билан пойга қилмай, ҳадеб олдинга интилавермай, роҳат-фароғат ҳавосидан тўйиниб-тўйиниб нафас олиш пайти келди! Фақат барвақт қочиб қутулиш ва аввал ҳар қандай йўл билан бўлмасин, тезроқ бойлик орттириш керак. Тинимсиз ёзишни бас қилиш пайти келди. Бальзак ўттиз етти ёшида ҳаётга бўлган ўта ташналик—илгари ўзи ҳеч қачон хис қилмаган ташналик уни ич-ичидан кемиради.

Эвелина хоним устидан қозонилган ғалабадан кейин ўзининг бутун эҳтиросини ижодга сарфлаб келган ёзувчида биринчи бор ҳақиқий ҳиссиёт уйғонди. Севги саргузаштлари кетма-кет бошланиб кетди. Шу йили у аввалги ўн йилда бўлганидан кўра кўпроқ аёл билан танишди. Графиня Гвидобони—Всконтидан ташқари жажжи Каролина Марбути яна ёш Бритонли дворян қизи Элен де Валетт шу жумлага киради. Луиза исмли қизни у одатдаги усули — ёзишма орқали ўзига ром қилишга уринади. У дабдабали зиёфатлардан қолмайдиган одат чиқаради. Бу жойларда Парижнинг энг машҳур нозанинлари қармоққа илинади (ёзувчи ўз асарларидаги Тўрпил ва Акилиналарнинг қиёфаларини ўшалардан чизган эди.

Унинг кўзлари Италиянинг ложувард осмонини кўрган, мияси биринчи ҳафта хушбахт ором олган эди, илгари унинг асосий мақсади бўлган иш энди нохуш тўйилар эди. Энди Бальзак саёҳат қилиш, маза қилиб яшаш орзусига берилди, унга иш ҳам, шуҳрат ҳам керак эмас. Юрагига совуқ соя тушгандан кейингина, унда биринчи бор хурсандчилик, эркаланиш, озодликка эҳтиёж балқиди.

Ҳайриятки, Гвидобони—Висконти Бальзакнинг шу эҳтиёжини тушунади. Бу аёл ўз машуқини гуллардан тўқилган занжирлар билан ўзига боғлаб олиш ўрнига Италияга иккинчи бор эски баҳона билан йўл олиш имконини беради. Графиня билладикки, ёзувчи Парижда кредиторлардан қутула олмади. Уни Рю Кассинидаги уйдан ойлаб тополмай хуноб бўлган суд ижрочилари, ниҳоят, Рю де Батайдаги уйи сирини билиб оладилар ва Бальзак Рю де Прованс кўчасида жиҳозлаб қўйилган хоналарга кўчиб ўтади. Аммо ҳамма жойда ҳозир

нозир бўлган суд мулозимлари бу ерни ҳам қидириб топадилар. Графиня ёзувчининг бу тинимсиз курашдан тинка-мадори қуриб абгор бўлганини кўради. У саросимага тушиб қолган Бальзакка қисқача бўлса ҳам дам олиш зарурлигини тушунади. У ёзувчига зўраки тарбия бермайди, рашк назари билан қарамайди, унга бир неча ой беташвиш яшаб, эркин нафас олишига имкон беради.

Граф Висконтини Италиядаги молиявий ишларни узил-кесил бир ёқли қилиш учун Бальзакка ваколат беришга яна кўндиради. 1837 йил 12 феврал куни ёзувчи алп тоғидан ошиб ўтади. Бу гал у мадам Марбутининг ҳаддан ортиқ хиралиги жонига текканлиги учун бир ўзи сафарга отланган эди. Унга ҳамроҳлик қилмоқчи бўлган Теофил Готье эса охириги дақиқада сафардан воз кечади. Почта каретасида Тессин орқали, гўзал манзараларни томоша қилиб, ўтилган олти кун унинг дилидаги губорларни бутунлай ювиб юборади. Бениҳоя сезгир ва ҳиссиётли Бальзак дунёдаги ҳамма ташвишларни осонлик билан унута олар эди. Миландаги «Гўзал Венеция» меҳмонхонаси остонаси ёнида каретадан чиққан заҳоти у қарзлари ва ташвишларини, мажбуриятлари ва зиддиятларни бутунлай эсдан чиқаради. Дарҳақиқат бу ерда у ўзини бошқача ҳис қилади! Ўзга юртда у суд қарори билан ва қарз турмасига қамаш хавфи остида қанчадир қарзини тўлашга мажбур бўлган жаноб Оноре де Бальзак эмас. У орқа эшикдан жуфтакни ростлашга мажбур бўлган абадий қарздор эмас. Бу ерда унга машҳур ёзувчидек пешвоз чиқадилар, унинг етиб келганлиги ҳақида газеталар дабдабали хабарлар тарқатади. Орадан икки соат ўтмасданок, бутун шаҳарда у ҳақда шов-шув тарқалади.

У графиня Мафен билан сайрга чиқади. Ёзувчи княз Порция ложасида князнинг синглиси графиня Самсиверина билан бирга ўтиради, «Ла Скала» театридаги спектаклда ҳозир бўлади. Княгиня Белжойизо билан маркиза Тривулцио уни меҳмонга чақирадилар. Италиянинг барча машҳур, тарихдан ўрин олган номдор кишилари унинг олдида таъзим қиладилар, Австриянинг ҳарбий маъмурлари ҳам унга иззат-икром кўрсатадилар. Губернатор бирга тушлик қилишга таклиф этади, кўшинларнинг кўмондони ўзини унинг ихтиёрига топширади; Миланнинг бош ҳайкалтароши Путеннати ундан нусха кўчириб, ҳайкалча ясашга ижозат сўрайди. Бу ҳайкалчани Бальзак Эвелина хонимга эмас, балки граф Висконтига кўрсатади. Ёш княз Порция уни совғаларга кўмиб ташлайди, унинг барча амр ва истақларини бажо келтиради. Бальзак Парижда бўлганидек векселларга ва қарз мажбуриятларига эмас, балки аслзода князлар илтимосига жавобан Милан зодагонларининг оилавий альбомларига имзо чекканида нақадар ғурурланиб, ўзини бахтиёр ҳис этганини тасаввур қилиш мумкин.

ЮН САНДО

## Балиқчи йилининг тўрт фасли

### БАҲОР

\* \* \*

**К**ара, дарёда туман сийраклашибди,  
Ана, қуёш чиқиб, тоғдан ошибди.  
Қайиқни сувга! Қайиқни сувга!  
Тунги кўтарилган сув, қайтмасдан туриб,  
Тонги кўтарилиш келар бостириб.  
Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
Хув нарида дов-дарахт бурканиб гулга,  
Кўзни қувонтирар, завқ берар дилга.

\* \* \*

Ҳаво ҳам бошқача, нақадар соз кун!  
Сувда сакраб ўйнар балиқлар дуркун!  
Лангарни танла! Лангарни танла!  
Тепадан чорлоқлар ўтса жуфт бўлиб,  
Кўнгиллар яйрайди завқ-шавққа тўлиб.  
Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
Қармоғимни бугун ўзим-ла олдим,  
Мусалласли кўзам қаёқда қолди?

\* \* \*

Бирдан эсиб қолди шамол шарқ ёқдан,  
Ўркач-ўркач тўлқин ошди қайиқдан.  
Елканни кўтар! Елканни кўтар!  
Мўлжалим аслида эди Шарқий кўл,  
Қарасам қайиғим Ғарбга солмиш йўл.  
Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
Олдиндаги тоғдан ўтдик ҳам мана,  
Десам у қаршимда турибди яна!

Русчадан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржималари

Сеулда туғилган Юн Сандо (1587-1671) корейс мумтоз адабиётининг йирик вакили сифатида машҳур. Шоир дастлаб хукмдор саройида хизмат қилади. Кейин таъқибга учраб, сургун қилинади. Яна саройга чақирилади. Сўнгра узлатга чекиниб, Пхогилдо оролида яшайди. Шеърларининг асосий қисмини шу оролда, 55-64 ёшларида ёзган.

\* \* \*

Эшитилар қушлар сайраши гоҳи,  
 Кўринар арчанинг ям-яшил шоҳи.  
 Елканни кўтар! Елканни кўтар!  
 Ана, балиқчилар қишлоғи ҳамон,  
 Гоҳ кўриниб қолар, гоҳ қоплар туман.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшқакни эш!  
 Сув ичра балиқлар шиддат-ла сузиб,  
 Учқур қайиғимдан кетишар ўзиб.

\* \* \*

Куёш ҳам эркалар, танни ёлқинлар,  
 Қайиқни силкалаб ўйнар тўлқинлар.  
 Елканни кўтар! Елканни кўтар!  
 Энди балиққа тўр сола бошлайми?  
 Ёки хўрак илиб қармоқ ташлайми?  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшқакни эш!  
 “Цанланнинг соф суви” кўшигин<sup>1</sup> тинглаб,  
 Балиқ эсдан чиқди, майга босдим лаб.

\* \* \*

Оқшом бўлиб қолди, ботар куёш ҳам,  
 Энди етиб келди уйга қайтар дам.  
 Елканни тушир! Елканни тушир!  
 Жарда мажнунтоллар, соҳилда чаман,  
 Ранг-баранг гулларга фарқдир ҳар томон.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшқакни эш!  
 Амалдорга ҳасад қилайин нега?  
 Бошимдаги ташвиш етмасми менга?

\* \* \*

Юрсамми соҳилда гуллар оралаб,  
 Терсамми ранг-баранг даста саралаб?  
 Эҳ, нақадар соз! Эҳ, нақадар соз!  
 Енгил қайиғимни ҳайдайман аста,  
 Ов гаштини сурдим — шу ўзи бас-да!  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшқакни эш!  
 Йўлга чиққанимда туман чўкарди.  
 Қайтар пайтим эса ой нур тўкарди.

\* \* \*

Сархуш чўзиламан қайиққа аста,  
 Оқим қайиғимни судрайди пастга.  
 Қайиқни боғла! Қайиқни боғла!

<sup>1</sup>Буюк хитой шоири Цюй Юан (эрамизгача 340-278 йиллар) асарларида куйланган тоза сувнинг шеърий тимсоли.



Сувда қизил гулбарг айланар сокин,  
 Демакки “Шафтоли булоқ” ҳам яқин.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Одамлар тўдаси ҳали узокда.  
 Биз учун муддао шу айни чоғда.

\* \* \*

Қармоқни кўтариб, ишни ўрайман,  
 Қайиқда ўтириб ойга қарайман.  
 Лангарни ташла! Лангарни ташла!  
 Нима бўлди, дарров чўкдими оқшом?  
 Каккунинг сайраши дилни этди ром.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Қувончдан дил яйраб кетдики бирам,  
 Қайтиш кераклигин унутибман ҳам.

\* \* \*

Эҳ, наҳот эртага гўзал танг отмас?  
 Наҳор эркалатиб бизни уйғотмас?  
 Қайиқ соҳилга! Қайиқ соҳилга!  
 Қармоғим дастаси асодир қўлда,  
 Қамиш қапам сари йўлдаман, йўлда.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Балиқчи ҳаёти шундай ўтар, то —  
 Қайрилиб қарашга унғурмас, ҳатто.

## ЁЗ

\* \* \*

Тун-ла эзиб ёққан ёмғир ҳам тинди,  
 Тип-тиник дарёнинг таги кўринди.  
 Қайиқни сувга! Қайиқни сувга!  
 Қармоқни ҳам ўзим билан оламан,  
 Ҳайратдан ҳангу манг бўлиб қоламан.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Дарё устида туман, тоғ ундан нари,  
 Кимнинг ижодидир бўларнинг бари?!

\* \* \*

Гуручни нилуфар баргига ўраб,  
 Шартмикин қўшишга зиравор сўраб?  
 Лангарни танла! Лангарни танла!  
 Бошимга қўндирдим бамбук соябон,  
 Похол ўртугимни кийгум бегумон.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Оқ чарлоқ, борайми интилиб сенга?  
 Ё ўзинг кела қол, эргашиб менга!

\* \* \*

Эпкин елиб ўтди сув юзин силаб,  
 Қайирим ҳам тўлди соф ҳаво билан.  
 Лангарни кўтар! Лангарни кўтар!  
 Шамол қайдан эсар, қандай биламиз?  
 Билганича эссин, нима қиламиз!  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Шимол — бандаргоҳлар, жануб — дарёлар,  
 Бундай гўзал жойлар, айтинг, қайда бор?

\* \* \*

“Сув лойқа бўлса гар, қўлни юв такрор” —  
 Куйланар қўшиқда. Қандай маъно бор?  
 Эшкакни эш! Эшкакни эш!  
 Гар йўл солсам ҳоким У мулки сари,  
 Дуч келиши тайин қув тўлқинлари.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Ё йўл олсам ҳоким Чу юрти сари,  
 Панд бермасми Цюй Юан руҳлари!¹

\* \* \*

Мажнунтол соч ёйган салқин жойларда,  
 Харсангтошлар тўда-тўда сойларда.  
 Эшкакни эш! Эшкакни эш!  
 Кўприкда кимгадир келиб қолсанг дуч,  
 Йўл талашиб бекор, ишни қилма пуч.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Борди-ю, учраса бирор оқсоқол,  
 Лэйцзэ балиқчидай бошни ишга сол!

\* \* \*

Мунчалар мароқли ов гашти ҳай-ҳай,  
 Қоронғи тушганин қоласан сезмай.  
 Елканни тушир! Елканни тушир!  
 Ҳамма бир маромда чертиб матгани,  
 Балиқчи қўшиғин бошлайлик қани!  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Ким ҳам сезар эди ҳаёт тотини,  
 Билмай минг йилларнинг моҳиятини.

\* \* \*

Таърифга сифмайди кун ботар палла,  
 Остонани оқшом чулғар баралла!  
 Қайиқни торт! Қайиқни торт!

¹ Цюй Юан — Чу подшолигида яшаган шоир ва давлат арбоби, тухматга учраб, сургун қилинган. Ўзини Мило дарёсига ташлаб, ҳалок бўлган.

Қадамлар, сўқмоқда секин из ташлаб,  
 Ёлғиз қарағайга боради бошлаб.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Яшил ўрмонзорда зарғалдоқ саси.  
 Таралса, ортади диллар ҳаваси.

\* \* \*

Тўрни қум устига ёйиб ташладим,  
 Соябон остида ухлай бошладим.  
 Қайиқни торт! Қайиқни торт!  
 Қонхўр чивинлар-кў<sup>1</sup> ёпишиб талар,  
 Яшил пашшалар-чи<sup>2</sup>, қандай аталар?  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Афсус, бу гапларим бўлди бемаъни,  
 Яхшийди Сан-дафу<sup>3</sup> эшитмагани!

\* \* \*

Кимнинг хаёлига келибди алҳол  
 Кечаси тўсатдан туришин шамол?  
 Лангарни ташла! Лангарни ташла!  
 Кимдир қайиқ ҳақда сўзга бермиш зеб:  
 “Кечувда қайиқдан сози йўқдир” деб.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Кўнгилга ёқади айни шундай чоғ —  
 “Дарё соҳилида ям-яшил ўтлоқ!”.

\* \* \*

Кулбамга қарайман — худди чиганок,  
 Атрофин қуршаган булутлар оппоқ.  
 Қайиқни торт! Қайиқни торт!  
 Қўғадан тўқилган елпигич қўлда,  
 Кетиб бораёпман мен сўқмоқ йўлдан.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Балиқчи чол ҳордиқ учун йўл олди —  
 Унинг ҳаёт йўли шу бўлиб қолди.

## КУЗ

\* \* \*

Буюмларсиз яшаш — эзгу иш жуда,  
 Билсангиз балиқчи ҳаёти шу-да!  
 Қайиқни тушир! Қайиқни тушир!  
 Балиқчига кулма, бу бир касм-да,<sup>4</sup>  
 Балиқ овлаб турар ҳамма расмда.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Мўъжиза, қандай соз, йилнинг тўрт фасли,  
 Кузги дарёга не тенглашар асли?

<sup>1</sup>Ч и в и н — бу ерда манфаатпараст, пасткаш кишиларга ишора.

<sup>2</sup>Я ш и л п а ш ш а л а р — муртад амалдорлар

<sup>3</sup>Д а ф у — Хань императори У-де даври (эраизгача II аср) амалдорининг унвони.

<sup>4</sup>К а с м — касб, олат.

\* \* \*

Сувлар мулки сари етиб келди куз  
 Ҳар қандай балиқ ҳам етилган, семиз.  
 Лангарни танла! Лангарни танла!  
 Бу ерда ўйноқи шоффоф тўлқинлар,  
 Кўнгилни тозалаб, дилни ёлқинлар.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Инсон дунёсига боқдим-у, бироқ —  
 Қанча узоқ кетсам шунча яхшироқ!

\* \* \*

Кўк юзин қоплади паға булутлар,  
 Қарағай шох силкиб уларни қутлар.  
 Елканни кўтар! Елканни кўтар!  
 Ғарб томон ҳайдасак кўтарилар сув,  
 Шарқ томон юрсак-чи, сув қайтмоқда, хув!  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Дил яйратар оқу қизил ҳар бири —  
 Сув ёнғоғи ҳамда сув қалампири!

\* \* \*

Уфқда гала-гала роз ўтган жойда,  
 Тоғларнинг сояси акс этар сойда.  
 Эшкакни эш, эшкакни!  
 Сувга тўр ташлашга яна жазм этдим,  
 Лекин юрак қурғур ҳаприқиб кетди.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Ана, Куёш бобо ботиш олдиан,  
 Тоғлар зар палакка ўхшаб қолди-да!

\* \* \*

Балиқлар ялтирар, чипор, кумушранг,  
 Анчагина овлаб қўйибман, қаранг.  
 Эшкакни эш, эшкакни!  
 Қамишдан ўт ёқиб чўғлар туширай,  
 Балиқлар зўрини танлаб пиширай.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Мусалласдан қўйиб пича-пича ман  
 Овнинг бароридан яйраб ичаман!

\* \* \*

Мана эсиб қолди ҳамроҳ шамол ҳам,  
 Қайтаман елканни кўтариб илдам.  
 Елканни кўтар! Елканни кўтар!  
 Атрофга оҳиста тўрин ёяр тун,  
 Лекин қувончимнинг чеки йўқ бугун.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Қирмизи заранглар, мусаффо дарё,  
 Овчининг кўнглига урмайди асло.

\* \* \*

Оқ шабнам соҳилга берибди чирой,  
 Ярақлаб турибди кўкда тўлин ой.  
 Қайиқ соҳилга! Қайиқ соҳилга!  
 “Бу ердан узоқмас Қақнус минори,<sup>1</sup>  
 Шунчалар ёруғнинг кёраги борми?”  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Мўъжиза дориси чипор қуённинг<sup>2</sup>  
 Малҳами бўлсайди дейман ҳар жоннинг.

\* \* \*

Ер, осмон<sup>3</sup> ҳар бири ўз-ўзича-ку,  
 Наҳот бу ерда ҳам шундай бўлса у?  
 Қайиқни боғла! Қайиқни боғла!  
 Зеро гарб шамоли чанг кўтармайди,  
 Нақшли елпиғич керак бўлмайди.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Ёлғон, маърузалар бўлмайди бунда,  
 Қулоқни тозалаш шартмикан кунда?

\* \* \*

Тунда устимизга кўнса ҳам қиров  
 Совуқ тушганини сезмабди биров.  
 Лангарни ташла! Лангарни ташла!  
 Қайиғинг тор экан дейишар менга,  
 Лек, уни алишмам бузгун дунёга.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Бугун фақат шундай бўлмоқда, мана,  
 Худди шундай бўлар эртага яна.

\* \* \*

Осмондаги ёлғиз ойга бир қараб,  
 Аста йўл оламан кулбамга тараф.  
 Қайиқни торт! Қайиқни торт!  
 Тўкилган япроқлар кўмиб ташлаган  
 Тоғнинг тор сўқмоғин тополмаяпман.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Йўлни қоплар туман — тун арзандаси,  
 Зил тортар ўртугим — дарвеш жандаси.

<sup>1</sup>Қ а қ н у с м и н о р и — подшо-саройи. Бу сатрлар буюк корейс шоири Сонган (1537-1594) қаламига мансубдир.

<sup>2</sup>Ч и н о р қ у ё н — хитой афсонасига кўра, ойда яшаб, товонида мангу ҳаёт бахш этувчи дори янчармиш.

<sup>3</sup>Е р — фуқаро, осмон — подшо.

## Қ И Ш

\* \* \*

Булутлар кетдилар бирдан тарқалиб,  
 Ер исир қуёшдан энди тафт олиб.

Қайиқни сувга! Қайиқни сувга!  
 Еру кўкни бирдай қоплаб олди муз,  
 Фақат денгизгина чайқалар ҳануз.

Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Ўхшайди денгизнинг адоғи йўққа,  
 Ипак тўшалгандай бутун борлиққа.

\* \* \*

Қармоқ ва хўракни қилиб бўлгач жам,  
 Қайиқ тирқишларин беркитдим маҳкам.

Лангарни кўтар! Лангарни кўтар!  
 Борай десам Дунтин кўлини кўзлаб,  
 Дерлар: сувда тўринг қолади музлаб.

Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Билсанг ҳеч қаерда йилнинг шу фасли,  
 Ов бундай барорли бўлмайди асли.

\* \* \*

Бугун балиқ барча саёзликлардан  
 Қочиб, маскан топган чуқур камардан,  
 Лангарни кўтар! Лангарни кўтар!

Ҳозирча об-ҳаво жўнашган экан,  
 Денгиз томон секин йўл олсаммикан?

Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 “Хўрак яхши бўлса, — донолар сўзи, —  
 Семиз балиқ келиб, илинар ўзи!”

\* \* \*

Қор ёғиб ўтгандан кейин кеча тун,  
 Ҳаммаёқ баравар ўзгарди бутун!

Эшкакни эш! Эшкакни эш!  
 Олдинда мавж урар шишадай денгиз,  
 Ортада музли соҳил — ялтирар тенгсиз.

Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Маъбудлар ё Будда дунёсидир, бас,  
 Фақат одамларнинг дунёси эмас!

\* \* \*

Қармоқни унутиб, тўрни ҳам илиб  
 Қайиқни чаламан ногора қилиб.

Эшкакни эш! Эшкакни эш!  
 Гоҳо саёзликдан ўтгим келади,  
 Елканни елдириб кетгим келади.

Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш.  
 Эсиб қолмасайди шимол шамоли,  
 Бошлаб келмасайди совуқни ҳали.

\* \* \*

Қанча қора қарға зулматни кучиб,  
 Ёнимдан чувлашиб ўтдилар учиб.  
 Елканни тушир! Елканни тушир!  
 Зулмат қоплаётир ўнгу сўлимни,  
 Қор босиб қолибди юрар йўлимни.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Ҳовуздан ғозларни ким қувар энди<sup>1</sup>,  
 Шармандалиқ доғин ким ювар энди?

\* \* \*

Қизил учурумлар, яшил қоялар —  
 Гўё лавҳалардан тушган соялар.  
 Қайиқни боғла! Қайиқни боғла!  
 Тўрга танга балиқ тушсайди агар,  
 Қандай соз бўларди, эй, Парвардигор?  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Қайиқдаман, бошда соябон похол,  
 Атрофга қарайман мен ҳайратдан лол.

\* \* \*

Қарагай турибди, соҳилда яккаш,  
 Қўрқмайдими, дея юрак бўлар гаши.  
 Қайиқни боғла! Қайиқни боғла!  
 Бостириб келмоқда булутлар қуюқ,  
 Лекин хавфсирашга асло ўрин йўқ!  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Қўрқма тўлқинларнинг шовқинидан ҳеч.  
 Уларнинг одати гувлаш эрта-кеч.

\* \* \*

Она табиатга садоқат зимдан,  
 Бизда шундай удум қадим-қадимдан.  
 Лангарни ташла! Лангарни ташла!  
 Дарё кенг ёйилиб оқар саёзда<sup>2</sup>  
 Балиқ овлаш билан умри ўтган ким?  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 Қуруқ кўли билан қаттиқ аёзда<sup>3</sup>  
 Роса уч минг кунлаб балиқ тутган ким?

<sup>1</sup> 817 йилда Хитойдаги исёнга ишора. Исёнчилар қалъани эгаллагач, талбиркор лашкарбоши ҳовуздаги ғозларни хуркитиб юборади. Ғозлар шовқин солиб ҳаммаёқни бошига кўтаради. Катта қўшин ҳужумга ўтди деб ўйлаган исёнчилар таслим бўладилар. Ҳозир эса шоирни сургун қилган подшоҳи мансабпарастлар қуршаб олишган. Ғозларни хуркитиб, ишни ўнглайдиган ҳеч ким йўқлигидан нолийди шоир.

<sup>2</sup> Бу ерда Хан сулоласи ҳокими Гуан-уди даври (I аср)да яшаган ва Цзилитан дарёси кенг ёйилиб оқадиган жойда балиқ овлаган дарвеш Ян гуан назарда тутилади.

<sup>3</sup> Чжоу ҳокими У-ван даври (эрамизгача XII аср)да яшаган хитойлик донишманд Цзян-тайгун назарда тутилади.

\* \* \*

Мана, шом чўкди-ю, хабардор этди:  
 Тамадди қилмоқнинг вақти ҳам етди.  
 Қайиқни боғла! Қайиқни боғла!  
 Ошпоқ қор қоплаган сўқмоқни буткул,  
 Шафақда ялтирар худди қизил гул.  
 Лангарни кўтар тез! Бўл, эшкакни эш!  
 То ой ботар экан ғарбий тоғ оша,  
 Мириқиб қилайин уни тамоша.

## ҲАСРАТ ИЧРА

### 1

Дарё соҳилида, қоя остида,  
 Мен чайла қураман пишиқ қамишдан.  
 Бундайин фикрдан узоқ бўлганлар,  
 Кулги кўтариши тайин бу ишдан.  
 Лекин қишлоқнинг ўйида доим,  
 Шумасми ҳақиқий ҳаёт, худойим?!

### 2

Арпа бўтқасидан ҳамда эртаки  
 Сабзавот шарбатин кўрдиму баҳам,  
 Салқин дарё бўйи, қоя остида  
 Энди маза қилиб, олмоқдаман дам.  
 Бундан бошқа юмуш нимага керак?  
 Бошқа юмушларни кўтармас юрак.

### 3

Чайлада ёлғизман, қўлда май коса,  
 Олислан сервиқор тоғга қарайман.  
 У ҳам ҳукмдордай сарсавлат роса,  
 Кўзларим кувонар, боқиб яйрайман!  
 Илиқ табассуминг кутмайман, аммо,  
 Сенга муҳаббатим сўнмайди асло!

### 4

Яшашим ёмонмас уч амалдордан,  
 Ҳукмдор бўлиш ҳам шарт эмасдир-ку!  
 Ушбу кунларимиз ҳақда ўйласак,  
 Қандай доно эди Сюй Ю ва Чао Фу!<sup>1</sup>  
 Зеро, эркин ҳаёт завқи дунёда  
 Ҳамма нарсадан ҳам экан зиёда!

<sup>1</sup>Сюй Ю ва Чао Фу — афсонавий император Яо даврида яшаган машҳур дарвешлар.



## 5

Дерлар, ялқов асли турган-битганим,  
 Афтидан, бу нарса Тангрига аён.  
 Одамларнинг кўплаб касбу қоридан  
 Бирортаси менга ёқмади шоён.  
 Фақат дарёлар-у, тоғлар бенаво,  
 Кўриқлашим учун кўрилди раво.

## 6

Дейдилар яхшидир, тоғлар, дарёлар,  
 Аммо хоҳишим-ла бу ердаманми?  
 Подшо илтифоти нелигин ахир,  
 Ҳис этмоқнинг ўзи на қадар оғир!  
 Лек қанча уринмай раҳмат дейишга,  
 Одам топилмаскан масъул бу ишга.

## ҚУЁШ БОТМОҚДА

Қуёш уфққа бош куйган чоғлар  
 Мунча гўзал кўринар тоғлар!  
 Қелаётир шом тўрин ёйиб,  
 Қолаётир атроф қорайиб.  
 Ҳой, болакай! Чикма сайрга  
 Йўлиқмагин тагин оч шерга!

## ЯРИМ ТУН

Шамол эсди. Эшикни беркит!  
 Ўтни ўчир! Яримлади тун!  
 Уриндиққа чўзилиб секин  
 Мен ҳам бир оз ухлаб, олай тин  
 Ҳой, болакай! Тонг отар-отмас,  
 Уйғотишни унутмасанг бас!

## БЕШ ДЎСТ

## 1. Муқаддима

Менинг бешта дўстим бор.  
 Сув ва қоя сервиқор!  
 Бамбук, қарағай ва ой,  
 Тунга берувчи чирой!  
 Шу бешови бўлса бас,  
 Бошқа нарса керакмас!

## 2. Сув

Булутнинг ранги гўзал  
Лекин тез-тез қораяр.  
Шамолнинг саси тоза,  
Лекин жуда шиддаткор.  
Аммо ҳамиша яхши —  
Сувдир оламнинг нақши!

## 3. Қоя

Нима сабабдан гуллар  
Чечак очар-у, сўлар?  
Нима учун майсазор  
Яшнаб сўнг хазон бўлар?  
Лекин билмас ниҳоя,  
Ўзгармас — мангу қоя!

## 4. Бамбук

Сени дарахт\*деб бўлмас,  
Майсага ўхшашинг кам.  
Бошинг сира эгилмас,  
Ичинг бўм-бўш бўлса ҳам?  
Сен тўрт фасл ям-яшил,  
Шу хислатинг ёқар, бил!

## 5. Қарагай

Ёзда яшнар дов-дарахт,  
Кузда бўлади хазон.  
Сен-чи, парво қилмайсан,  
Қор-қировга ҳечқачон.  
Ер қаърида илдининг  
Шундан бардам, тик ўзинг.

## 6. Ой

Осмоннинг пештоқида  
Тун бағрини ёритар.  
Ахир шунча ёғдуни  
Яна ким ҳам таратар?  
Сен тун чироғи — Ойсан,  
Ер юзига чиройсан!

Илья КАШАФУТДИНОВ

**Асил зот**

Қисса

## 1

Ўша куни эрталаб ҳар бирига «ошиғич» тамғаси урилган иккита телеграмма институтдаги ички тартибларни остин-устун қилиб юборди. Иккала телеграммада ҳам совриндор отни Сосенково от заводида қайтаришни талаб қилинарди.

Эски даввонинг янгидан хуруж олишини хаёлига келтирмаган отнинг ўзи эса уч кундан бери соҳибини қўмсайди. Бу ердаги оғил эшигида бутун институт отхонаси бўйича ягона лавҳа осиглиқ турарди:

Фаворит, оқ тойчоқ,  
Франта ва Тальянкадан  
Даражаси — сара

Маъмуриятбозлик руҳи билан йўғрилган телеграммани олгач, институтдагилар дарҳол пойгачи чавандоз Толкунов ётган касалхонага қўнғироқ қила бошладилар: тирикми ўзи ё йўқми? Бироқ то телефончи қиз бамисоли нариги дунёдан излаётгандек битта-яримта билан боғлагунча, гаплашишга эҳтиёж ҳам қолмади: кимнингдир миясига, Фаворит шунчалик зарур бўлиб қолгани ростми деб, от заводи раҳбарларидан сўраб қўя қолайлик-да, деган фикр келиб қолди.

На биринчи, на иккинчи телеграммадан, кейингиси чавандоз Толкунов номига юборилганди, гап нимадалигини англаб бўлмасди.

Ҳар баҳор кўёш атрофни қиздира бошлаши билан чавандознинг эски касали хуруж қилиб қоларди. Бу сафар у чавандозни астойдил синаб кўришга аҳд қилгандек, узоққа чўзиб ўтирмади, ўз ваҳшиёна кучини кўрсатишга жон-жаҳди билан киришиб кетди.

Толкунов дард билан бир ҳафтагача олишди ва шу қадар озиб, чўп-устухон бўлиб қолдики, сўнгги чиқишида у вазнини меъёрига келтириш ниятида майсага қўрғошин доначаларини итқитиб турди — шунда ҳам барибир бирор наф бўлиши амри маҳол эди.

Илгарилари, ёшлиқда, касаллик унга бир ҳисобдан қўл келарди: чавандозлик ишида энг биринчи ташвиш — бу вазнини сақлаш. Толкунов ортиқча ёғларни чиқариб ташлаш учун бошқалардек кундакунда фин ва турли ҳаммомларга тушиб ўтирмасди. Энди эса касаллик туфайли ҳатто мана шу мўъжазгина бахтдан маҳрум бўлгани учун чавандоз ич-ичидан куймоқда эди: то муддат ўтмагунча на дорилар, на сархил таомлардан наф тегмасди.

Фаворит ҳам эгасининг тинқасини қуритадиган касаллик яқинлашиб келаётганини ҳис қилиб турарди. Ҳар иккаласи — чавандоз

хам, от хам — дард хуружга олган паллада ювош тортиб, ўйчан бўлиб қолишарди, биргаликда кечган дамларни сарҳисоб қилишаркан, муқаррар айрилиқ ҳисси уни хам, буни хам баб-баравар қайғуга соларди. Икки кундан бери уйқусизликдан қийналган Фаворит чавандознинг йўлига интиқ кўз тутмоқда. Отхона эшиги ғийтиллаб очилганда Фаворит узун бўйинини дарчага қўйди-да, кўзларини отбоқарга тикди. Шаҳдам одимлар билан юриб келаётган чолнинг чеҳрасида аянчли табассумни кўриши ҳамон у бурчакка биқиниб олди: демак, отбознинг аҳволи оғир.

Отбоқар чол қўшни отхоналардаги отларни қараб чиққунига қадар Фаворит ана шундай хаёлга чўмиб тураверди, бироқ эшик ортидан тап-туп оёқ товушлари эшитилиши ҳамон у бурчакдан чиқди, чолнинг қўлидаги узун тизгинни кўриб суюниб кетди — саҳнадаги машқлар учун мўлжалланган мана шу узун чилвирдан бошқа бирон-бир нарса билан уни айтганингга юргизиб бўлибсан. Қотиб қолган эски қипиқ орасидан сули новдалари ўсиб чиққан, ташландиқ доира саҳна уни ўзига оҳанрабодай тортарди.

Майдонга чиққач, Фаворит тетиклашиб, чолга эркалиниб шўхликлар қила бошларди. Чолнинг Толкуновдай эгар уриб эмас, тизгин билан олиб юришига чидаса бўларди, чунки минг қилса хам кекса одам, Фаворитнинг шўхликларини кўтаради.

Отбоқарнинг эҳтиёткорлигига қарамасдан Фаворит бу сафар хам шиддат билан жойидан кўзғалиб йўрғалаб кетди, сўнг одимлашга ўтиб, орқа оёқларида тик турди.

Чол шошмасдан, босиқлик ҳамда абжирлик билан тизгинни шундай тортидики, унинг амрига юрмасликнинг иложи йўқ эди. Чол аста-аста отни ўз айтганига юргизмоқда эди, бу эса Фаворитга асло малол келмаётганди. Ҳар айланганида у чолнинг қўл ишорасига ўзгача сезгирлик билан жавоб қайтармоқда эди.

Чол эса анойилардан эмасди: унинг толе юлдузи чарақлаган пайтлар кўп бўлган — бир вақтлари олий даражали отбозга ёрдамчи эди. Отни билишдаги азалий туйғуси қайта жонланиб, уни ёшартирмоқда, томирларидаги қон жўшмоқда эди. Худога шукурки, юраги ҳам унга панд берганича йўқ — ўзгалар кучи ва нафосатидан ҳали ҳам завқ ола билади.

От гоҳ соядай унсиз, гоҳ туёқлари билан дупур-дупур ер тешиб майдонни шундай тез айланардики, чолнинг нурсиз кўзлари унинг оппоқ гавдасини базўр илғарди. Чол билан от ўртасида таранг тизгин тинмай ўйноқлаб турарди.

Шунда чол от билан ўзи ўртасида тоғли ва ёрқин муносабат борлигини ҳис этди, бу ҳис унинг қалбига ўзгача илиқлик, ўзгача кўтаринкилик бағишларди.

Тиккага келган куёш саховатли нурларини борлиққа аямай сочмоқда. Унинг нурлари касалхона палатасининг пардалари ёпиқ деразаларида ўйнайди. Бу ерда Толкунов учинчи тонгни қаршиламоқда. У энсиз, тунги безовталиклардан ғижимланиб кетган ўринда ётганча оҳиста уйқуга кетмоқда эди. Куёшнинг заррин нурлари сўнгги тонг ҳақидаги ҳасратли эсдаликларни уйғотиб юборди. Ўшанда аччиқ айрилиқ қайғуси Фаворит икковини қип-қизил шафақ сари етаклаб борган эди. Улар шамол ғириллаб эсиб турган бепоён кенликда хумордан чиққунча чопишди, туёқлар дупуридан маст бўлишди... Тунда отбоз алаҳсираб овозининг борича отни чақириб чиқди ва тонг

отиш олдидангина Фаворит уни эшитаяпти, кутаяпти деган ўйдан тинчланиб, хотиржам уйкуга кетди. Телеграмма кўтариб келган институт ходимини палатага қўйишмади.

Шунда масала ўз-ўзидан ҳал бўлди: ё Фаворитни дарҳол жўнатиш, ёки отбознинг оёққа туришини кутиш керак. Институтдагилар Фаворит туфайли от заводидагилар билан аллақачон даҳанаки жангга киришиб кетишганди. Шу боис бўлимдагилар фол оча бошлашди: отни ушлаб туришармикан ё бериб юборишармикан? Беришмаса, бу можаро нима билан тугаши мумкин? Фаворитни ҳамма ҳам кўзи билан кўрган эмас, бироқ унинг лақабини эшитган одамнинг кўнгли бирдан равшан тортиб кетар эди. Барчага таниш ва тушунарли бўлган бошқа бир Фаворит ҳам бор — майда бўлақларга бўлинган кардиограмма сувратларидаги, телеметрик ёзувлардаги Фаворит. Лекин одамлар наздида Фаворит деганда спорт юлдузи, олий тоифадаги тулпорнинг қиёфаси гавдаланади.

Буни қарангки, гарчи Фаворит иштирокидаги тадқиқотлар ниҳоясига етишига роса икки ҳафта бор бўлса-да, буйруқ келиб турибди: отни заводга қайтарилсин.

Худди шу буйруқ билан Фаворитни ем-хашакдан ҳам маҳрум қилишди.

Юқоридан пастгача бўлган барча чиғириклардан тезгина ўтган буйруқ ханг-манг бўлиб қолган гараж мудирини қўлида тўхтаб қолди. Фаворитни олиб кетишга улов йўқ эди. Илгари хабар берилган ва ҳайдашга яроқли дейилган махсус юкчи машина бўлак-бўлакларга бўлиниб ёйилиб ётарди. Хайриятки, аллақасққа кетаётган ағдарма машина ҳайдовчиси Лёха Шавровнинг келиб қолиши бу мушкулни осон қилди. Бортларига тахта қоқиб кўтарилган, асил кўринишини йўқотган кузовли машинага ҳар ҳолда чидаса бўларди. Бу ердан от заводи-гача қўл узатса еттулик — йўли асфальтланган. Чивин ҳали чиққанича йўқ, эрталаблари салқин...

— Шавров, — деди мудир резина ичакдан бошига сув қуяётган Лёхага яқин бораркан, — от ҳам ташир эдинг-а?

— Хўш, — жавобан деди Лёха. Овозидан кеча яхшигина отгани сезилиб турарди. — Кушхонага элгардим, нимаиди?

— Узоқ эмас... Фақат жуда эҳтиёт бўлиб...

— Мен жавоб олганман! — деди овозини кўтариб Лёха. — Ишим бор, кеча эса «ювганмиз».

— Кўриб турибман... Лекин жудаям зарур, тушуняпсанми?

— Қўххак! Меники ундан ҳам зарурроқ, жин урсин... Заводдагилар битта фургонни юбориша қолмабди-да.

— Кейин хоҳлаган кунинг жавоб бераман... Хўш деганда, ой бориб омон кел, — мудир яна кўшиб кўйди: — Жанубий дарвозага борасан.

Осмондан тонгнинг сўнгги заррин нурларини ҳайдаб, қуёш тобора заптига оларди. Фаворитни олиб кетишаётганини охириги дақиқаларда эшитган отбоқар Молчанов отхонадан маъмурий бино томонга оёқларини судраб ғалати юриб борарди. У шу боришида эшитганининг қанчалик ростлигини хўжалик бўлими мудирини, эски хизматдошидан аниқлагани келмоқда эди. Мудир йўқ экан, хонада эса иккита янги ишга келган қиз ўтирганини кўрди, фоятда мулоийм ва орас-та бу қизлар олдида негадир у ўзини ноқулай сизди. Чол Фаворитнинг жўнатиб юборилаётгани ростми-ёлғонлигини сўраб, панд еб қолмай деб ўйлади-да, отга қўшимча ем бериш ҳақида алланималарни минғирлади. Буни ҳам у шу қадар кексаларга хос сиполик билан сўрадики, қизлар ҳатто пиқирлаб кулиб юборишди ва ўзларининг

омбор дафтарларини титкилай бошлашди. Охири маълум бўлдики, чол бекорга келибди: отлар рўйхатидан Фаворит номи ўчириб ташланганди.

Чол отхонага қайтди. Фаворитни яна совутишга олиб чиқишдан олдин у бел билан одатда ем турадиган бурчакни узоқ қиртишлади. Ҳаракатлари зое кетмади, ярим қоп сули чиқди — ҳар ҳолда Фаворитга йўлда асқотади.

Лёха Шавровнинг ағдарма машинасини зудлик билан жонли юкка мослаб беришди. Кимлардандир хафа бўлган Лёха машинани кўтарма тагига ҳайлаб келди. У руль чамбарини кучоқлаганча ўйга толди. Агар ҳеч жойда тўхтамай тез ҳайдаса бориш-келишга қанча вақт кетишини чамалади — Сосенковогача қирқ километрча бор. Демак, кун ботмай бемалол бориб кела оларкан.

Илмий ходим Василий Грахов машинага яқинлашиб, кабинага чиқиб ўтирди-да, эшикни ёпмади, афтидан, уни ҳам кимдир хафа қилганга ўхшарди, худди ўйкусирагандек аста сўрашди-да, хўрсиниб қўйди. Назарида омадли бошланган кун бирпасда чаппараста бўлди-қўйди. Нима учун келиб-келиб айнан Граховга отни кузатиб бориш топширилди?

Лёха кўзларини қисиб аввал куёшга, сўнг соатига қараб қўйди-да, ерга сакраб тушиб, отхонага йўл олди: отни ортиш керак!

Фаворит саҳна гирдидан айлантириб совутилмоқда эди. У ингичка, озгин оёқларини силтаб ташлаганча қисқа-қисқа сакрарди. Чол югураётган отнинг енгил ва сирғалувчи ҳаракатларини синчковлик билан кузатарди. У қариб қолган бўлса ҳам, ҳали қўллари чайир. Фаворит чолга бажонидил бўйсунар, сакраб чопишдан елишга, елишдан сакраб чопишга ўтганда юришларни бехато алмаштирарди. Шу топда чолга гўё отни чопишдан ҳеч нарса тўхтата олмайдиганга ўхшаб кўринмоқда эди.

Нарироқда келаётган Лёха Шавров бу манзарага кўзи тушиши билан:

— Ҳар куни эрталаб қизингизни шундай чоптирсангиз бўларди! Тунда сандироқлаб юрмасмиди! — деб қичқирди.

Айтишга айтди-ю, тилини тишлаб қолди. У Молчановдан бошлиқлардан ҳам кўра кўпроқ ҳайиқар ва ҳурмат қиларди. Чол Лёха учун чақилмаган ёнғоқдай бир гап эди. Лёханинг назарида, чол унинг қилғиликларини, боз устига, унинг нима қилмоқчилигини ҳам олдиндан биладигандек туюларди. Ҳозир эса унинг қулоғига ҳеч нарса кирмаётганди, саҳна ўртасида туриб олганча, эғнидаги бўз куртқасидан тортиб соч-соқолигача оппоқ қария оппоқ отга нималарнидир шивирларди.

Лёханинг овозини чол ҳам, от ҳам бирдай эшитишди. Фаворит қаттиқ қичқириқдан хуркиб кетди, олимлашга ўтмоқчи бўлди. Бироқ қамчи силтаниши уни ҳушига келтирди, Фаворит кулоқларини диккайтириб яна доира бўйлаб елиб кетди.

— Ортиш керак! — овозини пастлатиб қичқирди Лёха.

Ағдарма машинанинг темир кузовига силлиқланган ходалардан четан тортилганди. От туёқлари сирпаниб кетмаслиги учун кузов остига чириган чипта билан брезент тўшалганди. Четанни Фаворитнинг бўйбастига мослаб қуришга улгуришмади — четан ҳам кенг, ҳам узун эди.

— Асфальт йўлдан четга чиқиб кетма, сендан ўтинаман, — деди отбоқар Молчанов Лёхага, — тезликни ўттиздан оширмайсан. — Букчайганча у брезент олиб келгани отхонага чопди: агар уни отнинг қорнига боғлаб, орасига похол тикилса, яна ҳам ишончлироқ бўлади.

Грахов кабинада ўтиравериб зерикиб кетди. Фақат бир мартагина, наридан ўтиб кетаётган от унга итоаткор ғамгин назар ташлаганда, Граховнинг кўнглини аллақандай нохуш ҳис қамрагандай бўлди. Нима боисдан кўнгли ғашлангани тўғрисида бош қотириб ўтирмай, кўлини силтаб қўя қолди.

Лёха зерикиб мудраётган илмий ходимнинг ёнига келиб ўтирди-да, машинани ўт олдириб, тўғри дарвоза томонга ҳайлади. Грахов уйқу аралаш отхона томондан оқ халатли оғир одимлаётган қария бир кучоқ пичан олиб келаётганини илғади. Чолни кўрмайсанми, дегандек ҳайдовчига тикилди.

Бироқ отбоқарни кутиб ўтирмай жўнаворишди: машина нишабликдан секин ва равон елиб борарди.

— Уттиздан оширмайсан эмиш, — чолни калака қилиб гапирди Лёха. — Ундан ҳам секинроғини хоҳламайдиларми? Нима, кузовда одамлар бормиди?

— Силкиш керак эмас. Совриндор от, — уйқусираганча эслатди Грахов.

— Отга ҳамманинг ичи ачийди, — аламига чидолмай тўнғиллади Лёха. — Ҳўш, мендан ким аҳвол сўрайди?

Кейин у акселератор педалини қаттиқ босиб, тезликни оширди.

## 2

Фаворит мункиб, орқа тўсиққа бориб урилди, тўсиқ қисирлаб кетди-ю, ҳартугур уни ушлаб қолди. Қаттиқ, кучли шамолдан кўзлари ёшланди. Яхшиямки, от ҳуркиб кетмади. У бошини пастга эгиб, ўзини шамолдан яширган бўлди.

Чор-атроф теп-текис бўлса ҳам, машинанинг тўсатдан силкиниб кетиши, афтидан, Фаворитни таажжубга солганди. Ҳолбуки, уларни ҳеч ким қувлаб келмаётган, ҳеч ким орқадан келиб туртмаган эди. Энди у чайқалмаётганди, лекин машина жуда катта тезликда кетаётгани учун Фаворит тўсиққа ёпиштириб қўйгандай, чўккалаган ҳолда зўрға турарди. Унинг оёқлари увушиб қолганди. Кейин сағрини ҳам увиша бошлади — аввалига бадани увишгандек бўлди, кейин исиб кетди, иссиқнинг зўридан баданига ўтли игналар санчилгандек бўлаверди, шу тахлит яғрини қарахт ҳолга келиб қолди. Йиқилса, нима қилишни чамалагандек, Фаворит оёқ остига қараб қўйди.

Ҳали-замон муюлиш келишидан у беҳабар эди. Бу отчопардаги ўн икки даражали бурчак остида қулай бурилишга эга бўлган, ҳатто кучининг борича сакраганда ҳам оғиб кетмайдиган йўлқадан ҳам хаттарлироқ эди.

Аста-секин хода тўсиқлар чайқала-чайқала, ғичирлай-ғичирлай орқа борт томон сурилиб бормоқда эди. Фаворитнинг омади келди: орқадан бир машина сигнал берди. У йўл бўшатишни сўрамаётганди, балки кабинада ўтирганларни огоҳлантираётганди. Ағдарма машина секинлади. Фаворит олдинга силжиди, букилган орқа оёқларини тўғрилаб, нафасини ростлаб олди. Шамол рўпарадан ўрмон, гул, асал ва сут ҳидини олиб келарди, ҳид олисдан келаётган бўлиб, Фаворитга шундай туюлаётган ҳам бўлиши мумкин эди.

Оч мовийранг йўл шудгор қилинган дала ёнидан ўтарди, қир ортида қизиган сарғиш уфқда яшил доғлар кўзга чалинарди.

Фаворит тинчланди, ўзини илиқ шамолга тутган қўйи бепоён далага қараб кетаверди. Шунда яна унинг димоғига офтобда ҳовури кўтарилаётган майса ҳиди урилгандай бўлди.

Машина шу зайлда ҳали узоқ юрадигандек ва йўл охиригача Фаворитни майин ва тоза ҳаво эркалаб борадигандек туюларди. Ҳа, поёнсиз кенгликлар жозибаси юрагини тилка-пора қилганча ситганиб юришдан оғринмай, оёқларини керганча ҳали узоқ турадиганга ўхшайди — ким билсин, у яна қачон ўзини бутун оламга кўз-кўз қилиб машинада юриш бахтига муяссар бўларкан? Фаворит яқиндагина еган қамчи зарбларини унутганди: ҳали-замон анави қай бир қир ортидан қизил гиштин отхонали қадрдон заводи кўзга чалиниб қолади. Фаворит йўл ҳадисини олволди, энди у ўзини бутунлай машина ихтиёрига топширганди.

Бироқ тепалик ортидан салқин ўрмоннинг ёқимли манзараси кўзга чалинганда машина кутилмаганда бир қишлоқ йўлига бурилди. Гарчи тезлик олдингидай бўлмаса-да, Фаворит бортга бориб урилди.

Кузовдаги шовқинни эшитиб, Грахов уйғониб кетди ва Лёханинг билагидан аста туртиб қўйди. Лёха тормозни босди.

— Ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Нега бу ёққа бурилдинг? — деди Грахов.

— Тарки одат — амри маҳол, — жавоб берди ҳайдовчи ерга сакраб тушаркан. Ҳозиргина оёққа турган Фаворитга қараб қўйиб деди: — Ҳаммаси жойида. Фақат бурнидан қон оқаяпти...

— Куриб кетсин, — деди Грахов ҳам йўл четига чиқаркан. — Пинакка кетиб қолибман, ахир бундай қилишинг хаёлимга келибди дейсанми...

— Оббо, шунгайм ота гўри қозихонами... — унинг сўзини бўлди Лёха. Ана қарагин, одамлар йўл азобини тортса майли-а...

Фаворит бу икки одам унинг ҳақида нималар деяётганини тушуниб турарди. Ёрилган лабидан оёғи остига йирик-йирик қон томчиламоқда эди.

Отнинг унга қараётганини кўриб Грахов тескари ўгирилиб галстуги тугунини тортиб қўйди.

— Секинроқ юриш керак, Шавров, — деди у. — Асфальтга қайтамиз.

— Жума кун юкчи машина мотоциклни босиб кетди, — деди Лёха. — Эр-хотин кетишаётган экан. Ўзим кўрдим.

— Хўш, нима бўпти? — деди Грахов.

— Хотини тил тортмай ўлган. Эри эса энди бир умр дори сотиб олишдан боши чиқмайди.

— Ким айбдоракан? — дея қизиқсинди Грахов. — Машинани маст ҳолида ҳайдаган эканми? Ё бошқа сабаб биланми?

— Хушёр бўлган... — шошмай жавоб қилди Лёха. — Ҳаммасини ичкиликка тақайвериш ҳам инсофдан эмас. Нафсиламрини айтганда, бу йўл яхши, яқинроқ.

— Мен эртароқ қайтсам дегандим, — деди Грахов.

— Мен ҳам шуни айтаяпман-да, — деди овозини кўтариб Лёха, кейин қишлоқ томон қараб қўйиб, чуқур хўрсинди.

— Тўғри, юрагинг қон бўлиб кетади. Бироқ нарироқдан, қишлоқ ортидан шағал йўл бошланади.

— Эртароқ етиб боришимизга кўзинг етадимми?

— Агар сенга олимона тушунтирадиган бўлсам, биз гипотенуза бўйича юрамиз, тушундингми?

Фаворит уларни кузатиб турарди, у ҳақда аллақачон унутиб юборишганини биларди; фақат машина тўсатдан кўзгалиб қолишидан кўрқиб, сергак тортди.



Энди у куруқ темир устида турарди. Ҳали йиқилай деганда тақалари билан брезентга тираниб тургани сабабидан тўшама оёқ тагидан нарига сурилиб кетганди. Анови икковидан биронтаси ҳам ундан хабар олмаслигини сезгандек, бирон-бир ҳаракат билан ўз безовталигини билдирмай, тик қараб турарди, холос.

— Оббо, тешворай деб қарайди-я, — деди Лёха отнинг қатъият ва сабр-тоқат билан тикилиб турганини кўриб. Кейин олдида ўзини оқлаётгандек юмшоқроқ оҳангда кўшиб қўйди: — Жўрттага қилмадим-ку. Алам қилади-да, ахир...

— Олдинроқ ўйлаш керак эди, Шавров, — таънали оҳангда деди Грахов. — Ахир тажрибали ҳайдовчисиз...

— Эзилиб кетдим, — деди оҳиста, эринчоқлик билан Лёха. — Миям отилиб кетай деяпти, оёқ-қўлим қақшаяпти. Кўпроқ отворишпан кеча...

Грахов бошини эгиб, ботинкасининг учи билан грейдер ағлариб кетган куруқ сақични нари-бери сурди. Лёханинг кўнглини очиб солганидан унинг хафа бўлганини ҳам, ҳазилга олганини ҳам билиб бўлмасди. Лёхага эса у ҳар ҳолда Граховнинг раҳмини келтиргандек туюлмоқда эди, яна худо билади.

Улар туманли ўрмон билан ҳошияланган кенгликка, оппоқ бўзарган осмонга қараганча бир оз туришди. Сўнг Лёха шамоллаб қолишдан кўрққандек, елка учуриб, қовоғини уйди-да, машина томон йўнади.

Машинага ўтириб, йўлга тушишди. Машина ўнқир-чўнқирликлардан сакраб борарди, филдираклар тагидан куюқ қалин чанг кўтарилди. Шамол чангни олдинга ҳайдади-ю, машина чанг ичида қолди. Лёха тезликни пасайтирди, шундоғам ўзи нафас олиб бўлмаёпти-ку. Бултур қишдан бери бешталикни қарз қилиб кўйган ошнаси яшайдиган Починка қишлоғига салт машинада ярим соатлик йўл. Юкни ўйлаб Лёха ўн минут ташлади, кейин эса кўпга ўхшаб туюлди-ю, беш минутам етарли, деди. Ишқилиб магазинни ёпиб қўйишмаган бўлсин-да, чунки экин-тикин ишлари ҳали тугамаганди-да. Уни яна бир нарса ташвишга соларди: ошнаси уйдамикин?

Офтоб ён томондан урарди, елкаси жазиллаб, мияси лўқ-лўқ қиларди. Олдинги филдираклар чуқур-ўйдимликларга тушиб чиққанда Лёханинг мияси биров болга билан туширгандек қақшаб кетарди.

Грахов яна бурчакка биқинганча болалардай чайқалиб-чайқалиб уйкуни урарди.

Фаворит биринчи марта саёҳатга чиқаётгани йўқ. Янги мавсум бошланди дегунча, уни синовларга олиб борадиган темир йўл вагонларига аллақачон кўникиб кетганди. Кўпинча Фаворит от ташийдиган махсус фургонларда юрарди. Узоқ-яқин йўлга чиққанида у майда-чуйда йўл азобларига сабр билан чидарди, манзилга етгандан кейин хумордан чиққунча чошиб, ўзига келиб олишини биларди.

Ҳозир саёҳатларнинг мазасини тушуниб қолган Фаворит учун барча аввалги йўллар битта узун ва ёрқин риштадек чўзилиб ётарди. Айнан шу ришта ҳозирги йўлни унинг нигоҳидан яшириб турарди. Ҳозир ўзи чекаётган азобни унутиш учун хотираси ўтмиш билан банд эди — бу бир йил аввал баҳорда бўлган эди. Худди мана шундай куёшли, фарахли баҳор куни эди.

Вагонда улар икковлон, Фаворит билан Толкунов кетишаётганди. Отбоз уни сули ва хашак билан боқарди, ёлини тарарди. Фаворит унинг майин, оғриқларини бехато топадиган илиқ қўлини эслади.

Бекагга етиш олдидан Фаворит буферларнинг шарақлашини кутиб хушёр турганда отбоз унга биронта воқеани сўзлаб берарди. Гоҳо эртақ сўйларди. Унга яқинлашиб бўйнидан кучоқлаганча кулоғига бирон кулгили ёки кўрқинчли воқеани пичирларди, гарчи ҳамма гапларни тушунавермаса-да, Фаворит бош ирғаб тинглар ва поезд қандай тўхтаганини билмай қоларди. Ўзининг товуш чиқармайдиган отбозлик этигида ёнма-ён юравериб чарчаган Толкунов пичан устига ётиб олганча китобни олиб, овоз чиқариб ўқийдиган пайтлар ҳам бўларди, шунда унинг овози аста-секин пасая бориб, жим бўлиб қоларди — у уйкуга кетарди. Фаворит ҳам тек турганча туйкусдан пишқириб эгасини чўчитиб юбормасликка тиришарди.

Шу тариқа улар бир кун, кейин яна бир кун юришди, фургондаги унча узоқ давом этмаган саёҳатдан сўнг Толкунов Фаворитни кечки ва эрталабки сайрга олиб чиқди. Фаворит отчопарни кўрди, узун таёқлардаги ранго-ранг байроқлардан хуркибгина ҳатлаб ўтди. Аллақаяқдандир пайдо бўлган болалар қий-чув солиб уни ўраб олишди ва нозик қўлчаларини узатганча отини айтиб чақирдишди — қанд ёки конфет билан сийлашди.

Эрталаб синов чопиши эди. Иккинчи дафъа старт олар экан, Фаворит уни ҳақиқий пойга — тўсиқли дала пойгаси кутаётганини англади. Бу унинг дастлабки катта стипль-чези эди.

Фаворит ҳар бир дўнгчани ҳисобга олган ҳолда чопар, оралиқ ма-софани эслаб қоларди. Чопишга азбаройи берилиб кетганидан у яқинда шифохонада ётиб чиққан отбознинг силласи қуриб бораётганини илғамай қолди. Фаворит хўжасидан хавотир олиб юришини секинлаштирди-да, бурилди. Улар бир четда туриб, эртанги қийин меҳнатни олдиндан ҳис қилганча маъюс пишқираётган, кишнаётган отларни кузата бошлашди. Тўсатдан Толкунов югуриб кетди-да, сакраб ҳавода чархпалак бўлиб айланганча сальто намойиш этди. Улар кучлари борича чопа олишадими, йўқми — Фаворит иккиланган пайтларда отбоз ҳар доим шундай қиларди.

Барибирам, минбарлар остидаги отхонага қамаб қўйилган Фаворитнинг кечаси анчагача уйқуси келмади. У бир-икки бор ўрнидан туриб, иссиқ тумшугини панжарага тиради, яна ётди. Эрталабга яқин боши оғриб қолди. Баданини хиёл титроқ босди, қон мўллигидан чаккалари лўқиллади. Отбоқар жиловни энди анча тетик ва қувноқ кўринган Толкуновга тутқазгандагина Фаворит сал енгил тортиди, эркин ва равон нафас ола бошлади.

Пойгадан бир соат олдинги парадда Фаворит ўзининг назарида батамом тинчланди, шу аснода ҳар гал одатда айлантирувчи — старт-олди дақиқалари бошланиб қолди. Катта стипль-чез майдони узра осмон байрамона чарақлаб турарди, чор-атрофда шўх-шодон, шодиена кайфият ҳукм суларди, отлар қизишиб, ирғишлаганча старт чизигида сафга тизила бошлади. Фаворит ўзини тийиб турса-да, чи-долмаётганди, оёқлари билан қайишқоқ тупроқни синаганча жойида ўйноқларди. Туёқлари остидаги тупроқ бамисоли куйдираётгандек уни йироқларга, кенгликларга чорламоқда эди, бироқ кўзлари жанг майдонини чамаларди — кўққайиб турган тўсиқлар тинмай уни гиж-гижлаётганди.

Стартернинг сигналидан кейин Фаворит ўрнидан шу қадар шиддат билан кўзгалдики, ҳатто бирмунча вақт ўзини ҳам унутди, сўнгра хушини тўплагач, таранг тортилган тизгиндан таажжубга тушди. У отбознинг кучли қўлларини ҳис этди, энди Фаворитга ёрдам берган кўйи улар кескин ҳаракат қиларди: от итоаткорона чопишини бир

маромга солиб олди, сиртмоқ остидан сакраш нуқтасини аниқ мўлжаллади. У бошқа отлар туёғи остидаги заминнинг гувиллашини, қамчиларнинг ҳавони кесиб визиллашини эшитиб турарди, бироқ тезда бу товушлар тинди ва қулоқларига фақатгина юрагининг дук-дук ураётгани чалинди. Отбоз уни ўз ҳолига қўйди — шенкель бериб, жиловни силкалай бошлади. Бошла! Фаворит сувли хандақ устидан сакраб ўтиб, пойганинг олдига тушиб олди.

Ғолиблар учун ажратилган кўрада унинг эгарини олиб, устига ёпқи ташлашди ва отчопар йўлкасидан етаклаб олиб ўтишди. Минбарлардан кўтарилаётган шовқин орасидан Фаворит болаларнинг қийқириқларини аниқ-таниқ фарқлаб турарди ва томоғига қувноқ кишнаш келиб тикилди, лекин у ўзини тутди, бундай пайтда виқор билан одим ташлаб юриш лозимлигини биларди. У нигоҳини ёнма-ён юриб келаётган отбозга қаратди. Отбознинг чанг қоплаган озгин бўйинини, тердан қорайган ниқобини кўрди. Унга отбоз чайқалиб, дармони қуриб бораётгандек бўлиб кўринди. Давра тугаётган эди, кўрага кираверишда, тарозихона олдида одамлар ғуж бўлиб кутишарди. Фаворит айна вақтида отбозга ёндош келди — Толкуновнинг беҳол қўли таянч қилирарди.

## 3

Чайқалиш Лёханинг жонига тегдими ё нимагадир қишлоққа кириб боришдан чўчидими, ҳар қалай руль чамбарини шиддат билан айлантирди-да, машинани қишлоқ чеккаси томон бурди. Самосвал ёш олабуталар ичига бориб тўхтади. Лёха тип-тиниқ ва сокин ҳавода яққол кўришиб турган томларга қошини чимириб разм солиб чиқди, кейин таниш томга кўзи тушиб, ўзига далда берганча одимлаб кетди. Унинг хавотирланганича бор экан: уйда бекадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У ҳеч қанақа қарз-парзни билмайман деди. Лёханинг тарвузи қўлтиғидан тушди, остонага ўтирди-да, «ух» деб юборди. Хайрият тортган «ух»и бекор кетмади — бека унга икки сўм қарз берди. Шу пулни олиб Лёха Граховнинг олдига қайтди.

У Граховни силкалаб, ўзига келгунча бир дақиқа кутиб турди-да:

— Худо хайрингни берсин, бир сўм олгмиш икки тийин қўш, — деди

— Аракқами? — норози оҳангда тўнглик билан сўради Грахов.

— Ҳа-да, — деди Лёха. — Биласанми, ёнимда сариқ чақа йўқ. Бу лаънатини чўнтагимда узоқ олиб юролмайман.

— Рулдасиз-ку, — эслатди Грахов.

— Бундан чиқди, сен мени билмас экансан, — хафа бўлди Лёха. — Тўғри-да, ёнсан ҳали...

Тепадан у Граховга япасқи, худди қалин олабуталар орасига михлаб қўйилгандек кўринди — пул бермагунингча жойидан қимирлатиб бўлсан. Нима қилиш керак?

Лёха осойишта ва тап тортмай қараб турарди.

— Уч овора, — ўзича ҳазил қилган бўлиб, Фаворитнинг нафаси ҳам чиқмаётган кузовга қараб қўйиб имо қилди. — Эҳ йўллар, чанг-губорли бу йўллар... — хиргойи қилди Лёха ва тупурди. — Томоқни хўллаб олардик ҳеч бўлмаганда. Тезроқ етардик.

Грахов ҳамёнини олди-да, пул санай бошлади. Пулни Лёхага узатиб, тескари ўгирилиб олди. Қадам товушлари тингач, Грахов оёқларининг чигилини ёзиш учун кабинадан тушди ва кузовда тек

қотиб турган отга кўзи тушиб, ғалати бўлиб кетди. Аввал нима учун эътибор қилмаганини у дарҳол англай олмади: ҳалигина кумушдай оппоқ от чангга беланиб, ранги бутунлай ўзгариб кетганди. Мудраётганиданми ё чуқур ўйга толганиданми — ҳайвоннинг ўйга толишига ишонини қийин бўлса-да, ҳар қалай, у худди одамларга ўхшаб чуқур қайғуга ботган ҳолда тек турарди. Грахов соя жой топиб, бирпас чўзилиб ётгани машинани икки бор айланиб чиқди, бироқ улгурмади. Лёха қайтиб келиб қолди. Унинг костюми қаппайиб турарди. Имо-ишора билан Граховни кабинага имлади, машинани орқаси билан юргазиб дарё томон бораркан, чимирилиб сайхонликка, жимирлаган сувга қаради.

— Шуниси маъкул, — деди у ғилдираклар кумларни ғичирлатиб юриб тўхтагач. — Шошиб нима қиламиз? — тутун ва челакни олиб кўз қисди: — Қани, кетдик сояга.

— Мен шу ерда тура қоламан, — деди Грахов. — Фақат, илтимос, тезроқ бўлинг. Ақл бовар қилмайди... Шундай иссиқда.

— Э, сенинг олимлининг эсимдан чиқибди, — қувноқ жилмайди Лёха. — Падарлабнат кўп бадбўй нарса-ку, арақ-да, минг қилса ҳам... у дунёда топилмайди.

Лёха кумда чуқур излар қолдирганча хиргойи қилиб самбиттол тагига йўл олди, челакни тарақлатиб, томоқ қирганча сув ичди, кейин кўйлак ва этигини тортиб ечди. Сўнг ер ютгандай жим бўлиб қолди. Ичаяпти, деб ўйлади Грахов. Ўзи камдан-кам, зарур пайтлардагина ичарди, шунда ҳам икки ё уч қўлтум оларди, ортиқ кетмасди.

Ҳозир эса обрўйини сақлаган ҳолда Лёхадан ўзини нарироқ тортиб, пешонасини тахтага тиради.

Шу вақт яна институт ҳовлисидагидек кўнгли ғашланди, Грахов ўзини орқага ташлаб, кўзини очди-да, туманли самбитзорни айланиб оқаётган энсиз, узун дарёни кўрди. Япроқлар ҳам, кумлоқ ҳам — ҳамма нарсани мудроқ босган. Барибир енгил тортмади, сукунат ҳам, очиқ ҳаво ҳам юрагига сигмаётганди. Грахов бунинг сабабини тушунди: анчадан бери Тарабановода уни кўзлари тўрт бўлиб кутаётган Маринанинг олдига боролмади, ҳолбуки Светлана уни ёнидан жилдирмаётгани ҳам баҳона бўлолмайди, агар фавқулоддаги мана бу иш чиқиб қолмаганида Маринаникига шартта жўнавориш учун бутун айна пайти эди-да.

Бир вақт Лёханинг қувноқ, мулойим овози қулоғига чалинди. Грахов кумлоққа сакраб тушиши билан ҳалигина ўзини забтига олиб турган зардасидан асар ҳам қолмаганини кўриб таажжубланганди. Дикқинафас жазирама... Кумдан кўтарилаётган ҳарорат ва офтоб нуридан юзини буриштирганча Лёха ётган кўйи бақираётган самбит томон юриб кетди. Бораётиб, у тамадди қилаётганини кўрди, газетада пуштиранг хуштаъм чўчка ёғи, нон, тузлама бодринг бор эди.

— Яна қанча кутиш керак? — деди эринчоқлик билан чўзиб Лёха Граховни кўрмасдан, эҳтимол уни чақириниш учун эмас, шунчаки гап билан ўзини овутиш учун шундай деяётганди. — Ухлаб қолдингми, ҳой, олим бола?

— Келаяпман, — деди Грахов. — Келаяпман, фақат бир гапни айтгани...

— Кейин айтасан, — унинг сўзини бўлди Лёха ўрнидан кўзғалиб, пишани қўлига оларкан.

— Мен ичмайман, — деди Грахов қоп-қора шишадан стаканга қулқиллаб тушаётган араққа ҳадик билан қараб турган кўйи. — Айтдим-ку, иложи борица тезроқ бориб қайтиш керак деб.

— Оббо, шоввоз-ей, — мақтанганнамо деди Лёха, — мен сени уйкудан бошқани билмайсан, деб ўйловдим...

— Ҳазилни қўйинг...

— Шишани бўшатмай қўймайман, — деди Лёха. — Бу ерда бўлмаса, йўлда. Қолдирсанг, димланиб қолади. Ўзимга кўплик қилади. Қачондан бери «ёрдам беринглар, ёрдам» деб томоғимни йиртаяпман-ку!...

У Граховга эмас, ким бўлса ҳам ёнида турган учинчи одамдан ёрдам беришини сўраб шикоят қиларди. Шерик бўлсайди. Грахов қараса, Лёханинг кайфи ошиб бўлибди. У кайфи ошишдан кўра ҳам, Граховнинг шерик бўлмаганидан кўпроқ хафа эди. Грахов энди ичса ҳам, ичмаса ҳам иш чатоқлигини англади. Бундан олдин, араққа пул сўраганида Лёха бутун вужуди билан айтиб турарди: то бир шишани урмагунча кетиш йўқ. Грахов ўзини сояга урди — офтоб елкасини жазиллатиб юборганди. Машинага кўз қирини ташлаб, бошини солинтириб турган отни зўрға пайқади ва ерга чўкди.

Фаворит иссиқдан бўларича бўлмоқда эди. Кузовнинг силлиқ тубида на қимирлашнинг, на оғирлигини бир оёғидан бошқа оёғига олишнинг иложи бор эди, Фаворит қотиб турарди, шу туришида у бор иссиқни ўзига тортиб олаётган дўнгликдан фарқ қилмасди. Чанг босганидан отнинг кўзлари яхши кўрмаётганди. Лекин унинг ҳақида гапирётган одамлар товушини эшитиб турарди. Қирғоқ томондан келаётган овозлардан бири иккинчисини нимагадир ундар, униси эса кўнмасди, лекин отнинг сезишича, иккинчи овоз тобора сустлашиб, охири иккаласи ҳам жим бўлиб қолди.

Грахов стаканни олди, Лёха эса уни бемалол ичиб олсин деб, аста-аста кумликдан дарё томон юриб кетди. Сувга калла ташлашга ҳозир турган Лёха кўз қири билан Граховни кузатиб турарди: ишқилиб арақни сепиб ташламаса бўлгани. Грахов ҳам Лёхадан хавотирда эди, лекин охири кўзини чиртга юмди-да, арақни куч билан оғзига солиб, ютиб юборди.

Лёха шалооп этиб ўзини сувга отди.

Сув ҳар томонга сачраб, Лёханинг чўзиб, ҳузур билан оҳ-оҳлагани эшитилди. Фаворит чўчиб тушди ва тийғаниб кетди. У анчагача оёқларини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қўйиб типирлади, бироқ бемалол туришнинг иложини қилолмасди. Унинг офтоб куйдираётган елкаси пир-пир учар, нафаси бўғилар, худди бошқа оламга тушиб қолгандай ўзини танҳо ҳис қиларди. Унинг жуда-жуда сояга, сувга боргиси келаётганди. Фаворит киприкларини узоқ қоқиб, кўзларини тозаллади, у ичида одам сузиб юрган кўм-кўк сувдан, самбиттолнинг қуюқ соясидан нигоҳини олмаётганди...

Грахов ўша-ўша машинага орқасини ўгирганича дарё томон юрди ва у ердаги кумга чўкди. Лёха деб бу ерда қолиб кетишлари мумкин эди, айбловдан ўзини оқлаш учун ичганлигидан ўзини-ўзи қийин бошлади. Шу пайт қўли сирти қайноқ кум қатлами тагидан муздек ва майин бир нарсага тегиб, кумни силашдан тўхтади. Ҳатто шу зигиртак майса ҳам яшащ учун курашаётганини кўриб Грахов ҳайрон қолди: очилмаган косачаси ҳали кўм-кўк эди. Кумлоқда гул кўриш Граховга ҳузур бағишлади, шу миттигина ўсимликнинг ҳатто замин қатлами тагида ҳам куёш нуридан баҳраманд бўлишга қодирлигини билди.

Сувдан чиқиб келган Лёха унинг яқинига келиб ўтирди ва у ҳам чуқурчага қаради. Грахов меҳр билан гулнинг лотинча номини айтди ва қўшиб қўйди:

— Ҳаётга ҳавас шунчалар кучли бўларкан-да...

—Тўпна-тўғри, — Лёха ҳеч нарса англамас ҳам, унинг гапини тасдиқлади.

Грахов ёқимли қарахликни ҳис қилди. Лёха уни қанчалик дилдан суҳбатга тортмасин, у барибир миқ этмай ўтираверди. У ҳар бир майда тош яққол кўриниб турган сув тубидан кўз узмас, сувда ўзи учунгина аён бўлган мураккабликни топгандай суқланиб қарар эди.

Лёха энди унга тирғалмас, ҳеч нарса ҳақида ўйламай кумда ётарди.

Нариги қирғоқдан ўтлоқ ҳиди келарди. Шөвиллаган қалин ўрмон, одамлардан тўсиб турган бепоён кенглик Фаворитнинг юрагини орзиқтириб юборди. Кўзидан ҳашаротни ҳайдаганича у бўйнини увиштириб юборган тизгин имкон берган қадар чўзилиб ўтлоқни кўрди. Назарида у ердаги ҳамма нарса: қуёш ҳам, осмон ҳам бошқачадек туюлди. У ерда ҳузурбахш шамол эсар, текис сув юзасидаги майда кумушранг мавжларни ҳайдарди.

Яқингинада отбоз Толкунов Фаворитни тонг саҳарда сайрга олиб чиққанди. Бир чеккаси уфққа туташ бепоён далага шошмай етиб боришди. Фаворит ана шу бепоён дала бўйлаб роса чопганди. Гўё ҳали тун қоронғулиги тарқаб улгурмаган ўрмонга етиб олмоқчидек югурарди. Ўрмон йўлидан, илдизлари чириган дарахтлар орасидан чоғиб ўтиб, ёп-ёруғ майдонга чиқишди. Бу ерда отбоз ерга тушди-да, жиловни бўшатди. Қушларнинг сайрашига қулоқ солишганча шошмай айланиб юришди. Эгасига қараганча қулоғини диккайтириб, Фаворит ҳам қушлар наъмасини тинглаганди... Фаворитнинг ҳорғин кўзларидан оқаётган жилдир-жилдир ёшларда олтин ранг ёз осмони акс этарди. Кейин кўз ёши тўхтади, осмон акси сарғиш тус олди. Фаворитнинг назарида осмон унинг устига қулаб тушаётгандек туюлди. У бўйнини солинтирди. Қулоқлари шанғиллади. Фаворит яна бошини юқори силкиди, яна ўтлоққа, гармселнинг тарам-тарам бўлиб оқишига узоқ тикилди, унинг ўша ёққа боргиси келиб кетганидан, гурурни ҳам унутиб узун кишнаб юборди.

Лёха билан Грахов шишадаги арақни тугатишаётганди. Тагида ярим културмча арақ қолган стаканда Грахов челақдаги сувдан олиб ичди-да, йўталди. Грахов отнинг кишнаганини эшитган бўлса ҳам қайрилиб қарамади, у ўзига қулоқ тутарди: вужудида нима бўлапти ўзи? Ўз-ўзига қулоқ солган кўйи, иккинчисини бекор олдим, дея ўйлади.

Ўзига тасалли бериб тинчлангач, бирдан отнинг кишнаганини эслади.

— Барибир ақлли бу жонивор, — деди у бир оз тетиклашиб. — Баҳоси йўқ от. Увол бўлди-да.

— Ҳа, увол, — дарҳол кўшилди Лёха. — Фёлим оғир. Каллайи саҳардан уйдагиларни қувиб чиқараман. Тентаклигим дунёга сифмайди.

— Бунақалардан урушда етти миллиони сўйилди. Соғ қолганларидан колбаса қилинди.

— Тўғри, отлар йўқ, — деди Лёха шиша тагидагини ўзига қуяркан. — Ҳаммаёқ техника бўлиб кетди. Мураккаб автоматлар. Замон шунақа. Самолётни ол...

— Дарвоқе, самолёт деганингга эсимга тушди, — унинг сўзини бўлди Грахов. — Мана шу сигирнинг ўзи, бир кибернетикнинг айтишига қараганда, ТУ-104 дан ҳам мураккаброқ экан.

— Йўғ-е? Эсипаст бўлса керак. Қанақасига?

— Ўзинг ўйлаб кўр... — Лёханинг ҳайратга тушганидан мамнун бўлиб Грахов салмоқ билан гапира бошлади: — Сигир сут беради, говмиш. Мана унинг мураккаблиги қаерда...

— Оббо сен-ей, обқочдинг-ку, — ҳайрон бўлди Лёха. — Қизик... Ҳеч бўлмаса мана менинг машинамни ол, у ҳам сут беради. — Граховга кўз қисиб кўйиб деди у. — Бу ёғини ўзинг тушунасан-ку. Мана сизлар дейлик, янгилик, яратасизлар, ўзаро эса, шахсан эшитганман, ҳазиллашиб болакайларга сут-путга ярар дейишади. А, лаббай?

Топган гапидан мамнун бўлганча Граховга қараб қўйди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Яхши от, — такрорлади Грахов. — Биздан анча-мунча кўп топади.

— Қўйсанг-чи!

— Билмасмидинг? Йилига юз минг олтин валюта!

— Нималарни вайсаяпсан? — қўл силтади Лёха. — Олимсан-да, қулоғимга лағмон илаяпсан. — Бирпас жим бўлиб, кейин юмшоқ ва эркалаган оҳангда деди: — Лекин ёмон боламассан. Бурнингни жийриб, назарингга илмассан, деб ўйловдим.

— Нега энди, — ўпкалаганнамо деди Грахов. — Манманлик қилганларни жинимдан баттар ёмон кўраман. Бир шўнғиб чиқай.

У ечинди ва кўрқибгина сувга тушди. Оқим ўртасигача шўнғиб борди, қўлларини сувга уриб, қулоқкалашиб сузди, орқаси билан ётиб олди. Изма-из дум-думалоқ ва калтабақай Лёха ҳам сузиб келар, дам-бадам хахолаганча сув пуркарди. Шўхлиги тутиб, сув тагидан тош оларди-да, кучининг борича итқитарди. Хумордан чиққунча чўмилишди.

— Қандай қилиб шунча топади-я? — бирдан сўраб қолди Лёха Граховга яқинлашаркан. — Қандай қилиб?

— Ким? — ҳозиргина айтган гапи эсидан чиқиб, тушунмай сўради Грахов.

— От-да.

Грахов унга қараб қошини чимирди, ҳўл кўксини тез-тез артаркан, деди:

— Совринга чопади — пул ҳамёнда. — Худди ўзи ҳақида гапираётгандек мақтанчоқлик билан дадил қўшиб қўйди: — Сен у ҳақда ҳали эшитиб қоларсан. У ҳали шундай доврўқ топадики.

— Қайси каромати учун унга шунча тўлашади? — сувда тек турганча Лёха ишонқирамай қошини чимирди. Сўнг самосвал томонга ҳурмат билан бир қараб қўйди. — Ажабтовур гаплар!

— Бирон марта отчопарда бўлганмисан?

— Танкчопарда бўлганман, — ҳазилнамо деди Лёха. — Шағал ташишга ёлланганман. Ана техника. Танкни биласанми... — у хўмрайиб тасвирлаб берди: — яп-янги. У бетон устунларни мажақлаб ўтади, шакардай майда-майда қилиб ташлайди. Полвон-да! Мана техника қаерда исроф бўлиб ётибди... Ана бунга чидаб туролмайсан. Қараб туриб, аламингдан йиғлаб юборай дейсан.

— У ҳам ўз йўлига... Отчопардаги томошани кўрсанг эди.

— Сакраб чопишми? Бир марта телевизорда кўрганман. Ҳаммаси бир жойга тўпланиб олган — отлар, одамлар. Мен, тўғриси, яхши кўролмагандим, қоронғи эди.

— Қоронғи эди... — хўрсинди Грахов бўйнигача сувга кириб. — Қандай маза... «Отчопар», яъни «ишподром» сўзи асли италянлардан чиққан. — Лёхага қулоқ солмай гўё ўзига гапирарди Грахов. — Кейин эса велодром, танкодром, космодром сўзлари пайдо бўлди.

— Обқоч-а, — зерикиб, чўзиб деди Лёха.

У сувга орқаси билан ётиб, сувни ҳар томонга шалоплатаиб сачратганча қичқирди:

— Сувни қара!.. Ҳа-ҳ!

Лёха енгил тортиди: кун бекорга кетмайдиган бўлди. У ўзича ниманидир чамалаб кўрди-да, Грахов қирғоққа чиқатуриб йўлга тушсак бўларди, деган заҳоти тайсаллаб ўтирмади. У ўзини Граховнинг чизган чизигидан чиқмайдигандек қилиб кўрсатганча оёғини қўлга олгудек чопиб қирғоққа чиқди.

— Кийинмай кўя қолай, а, — Граховга мурожаат қилди у. — Кабина эмас, димхона. — Кейин гап орасида гапиргандек, Граховга иш буюрди: — Сувни тўкиб, челакни олвол.

Амрона оҳанг Граховни таажжублантирди. У кўзини Лёхадан олиб, самосвалга қаради.

— Айтганча отни сугориш керакмиди, — деди Грахов. — У кишнаётган эди. Ҳар ҳолда темирдан эмас-ку.

— Менинг отим ҳам сувсаган бўлса керак, — деди Лёха. — Қолганини радиаторга куй.

У ҳақда эслаганларига ишонмагандай Фаворит жойида қилт этмай тураверди. Орқада, кузовга чиқаётган одамнинг ҳарс-хурси, сувнинг чайқалиб тўкилгани кулоғига чалинди.

Одам тайганиб, инқиллаб-синқиллаб олдинга интиларди, ниҳоят юқорига чиқиб келди. Челакни Фаворит томонга суриб, кабина томига чиқди ва ўша ердан қараб турди. Каттиқ сувсаган Фаворит дарҳол тумшугини сувга тикди. Бир кун унга сув бериб, бўктириб қўйганлари эсига тушди-ю, сувдан эҳтиёткорлик билан ичишга ҳозирланди. Ушанда оёқлари бўшашиб, йиқилиб тушганди. Уни катта шприц сақлаб қолганди — лабидан қон олишганди. Шуни эслаб Фаворит сувга лабини теккизиб кўрди, бироқ ичолмади. Бошини кескин кўтариб, юпқа бурун парракларини керди. Сувда камалакранг доғлар сузарди, йўқ, от бундан ҳуркмаганди. Сувдан арақнинг бадбўй ҳиди димоғига урганди: кўз олдида оғзида папирос, қўлида қамчи билан пакана, япасқи отбоз гавдаланди.

Вақтинчалик уни отбоз Толкунов ўрнига тайинлашганди. Отбознинг болтадек кескир ва таҳдйкали чехраси Фаворитнинг сира эсидан чиқмайди. Фаворитни синовга олиб кетаётганларида вагонда қамчини ўйнатганча яқинлашиб келганида ундан анқиб турадиган бадбўй ҳид ҳам, баданни куйдириб ўтувчи аччиқ қамчилар ҳам сира эсидан чиқмайди. Баайни у Фаворитга ғазаб ва шафқатсизлик туйғусини сингдирмоқчига ўхшарди. Натижада шунчалик ҳаддан ошириб юборганидан на ўзига, на отга сариқ чақалик фойдаси бўлмади. Фаворит тўсиқдан сакраб ўтаётганда отбознинг оёғи узангидан чиқиб кетди-ю, иккаласи ҳам ерга қулади.

Фаворитнинг дилкаш қалби уни, яъни тасодифий одамни кечириб юборди-ю, лекин эсидан чиқаролмади.

Аввалига отни синчковлик ва раҳмдиллик билан кузатиб турган Грахов қотиб қолди. Отга, киприкларига қорақурум ўтириб қолганидан аёлларнинг сурма тортилган кўзини эслатувчи кўзларига сеҳрлангандек тикилди. Бир лаҳза унинг кўнглини айбдорлик ҳисси чулғади, бу ҳис оғир бўлса-да, онийлик эди. Бунинг бошқа ёмон томони шунда эдики, узоқ вақтдан буён кун-бакун йиғилиб келган бу айб учун жавоб бериш тобора орқага ташлаб келинмоқда эди. Буни қарангки, олдида айбдорлигидан тавба қилиш учун жонли даъвогар ва қози бўлиб шу от турарди. Унга бирдан, агар Грахов жойидан қилт этиб қимирлагудек бўлса, от уни ўша заҳоти ғажиб ташлайдигандек туюлди. У қарийб йиғлагудек бўлиб мастона қичқириб юборди:

— Ҳозир тишлаб олади!



— Кўрдингми? — жавобан деди Лёха. — Қайсарлигини кўрсатаяпти. — Япасқи елкали Граховнинг тек қотиб турганини кўриб, мотор юргизадиган ручкани унга узатди. — Ҳар эҳтимолга қарши шай туриш керак...

Грахов уришга журъат қилмай кўлида тутиб турган оғир эгри таёқни кўрди-да, Фаворит унга сувни ичишга мажбурлашадигандек туюлди. Шунинг учун у бир оз орқага тисарилиб, туёғи билан бир туртиб, челақни ағдариб юборди.

Грахов ручкани кўлидан тушириб юборди, тезда кабинадан капот устига сирғалиб тушди-ю, ўзини тутолмай пастга, қумга ағдарилди.

— Қутурибдими, нима бало? — сўради Лёха.

— Овозингизни ўчирсангиз-чи, — кўрқувдан ҳамон ўзига келмаган Грахов лат еган биқинини силаганча инқиллаб деди.

— Қилигини кўрсатаяпти, — деди Лёха.

Худди кузовда одам яшириниб олгандек, иккаласи хавотир билан кабинага яқинлашишди. Самосвал барча занглаб чириган темир-терсақларини титратган кўйи ўрнидан шиддат билан кўзгалди, шовқинда от оёқда турибдими ё йиқилиб тушдими, билиб бўлмасди. Самосвал йўлга чиқиб олди — йўлнинг туманлик ичига кириб ғойиб бўлган учи-кети кўринмаётган олис-олисларда жон асари сезилмасди.

#### 4

Анча илгари, туғилган замониёқ унинг елдим бўлиб етишувига тақдир ярлақанган эди деса бўларди. Миш-мишларга қараганда, уни янги туғилганида бошқа тойчоқ билан алмаштирган дейишса, бошқа миш-миш ҳам юрарди: ҳеч ким алмаштирмаган, ўзи асил зотдан дунёга келган.

У байрам кечаси туғилганди, фақат тонгга яқин, онаси уни ялаб-юлқаб баданининг ҳарорати билан қурипти, ингичка мўртгина оёғида турғизаётган тонг ғира-ширасида отбоқар уни кўриб қолганди. Уша кечаси худди яна бир шундай оппоқ, кўзлари тилосдек қоп-қора тойчоқ ҳам туғилганди. Навбатчи ветврачни қидириб топгунларича ҳали ҳеч қандай белги қўйилмаган иккала тойчоқ ҳам туғуруқхонага элтиб қўйилганди. Отбоқар иккаласи ҳам оппоқ, бир зотдан эканини кўргач, энди кеч бўлганини англади. У қайси бия олдин туққан — Прелестми ё Тальянками, қайси тойчоқни аввал олиб чиққанди — ҳеч нарса ёдида қолмаганди, адаштириб қўйишдан кўрқиб у тойчоқларни кўзи билан чамалаб қўя қолганди.

Кулунлигида Фаворитнинг лақаби Рапид эди. Айтишларича, у Раскат билан Прелест деган зотдор, ажойиб нару мода отлардан дунёга келган. Лекин уларни доводиратаётган бошқа нарса эди: аслида кучли рекордчи зот билан учқур, мағрур, отчопар юлдузининг қони қўшиливидан — Франта ва Тальянкадан зурриёд кутилмоқда эди. Уларнинг ўғлига берилган лақабнинг ўзиёқ — Фантом — қулоққа қандайдир ваҳимали эшитиларди, бу арвоҳ дегани эди.

Узоқ вақтгача, яъни вақти-соати келгунча кишилар кўзидан панада бўлиш, эҳтимол Рапид учун омадли ҳам бўлгандир. На гуруҳли чиқишларда, на кейинги машқларда уни Фантом сингари тайёрламадилар. Меросхўр сифатида Фантомни, у онасининг қорнидалигидаёқ мўлжаллаб қўйилган шон-шуҳрат нишонига тезроқ етказиш учун шошилишарди. Рапид пойгалардан сўнг Фантомни кўрганда тесқари ўгирилиб оларди: унинг кўзлари отхона дарчасига маъносиз, илтижоли

боқиб турарди. Бечора Фантом отбозининг қўллари бетоқат, нихлари ҳаддан ташқари қаттиқ эди. Рапид Фантомни хуш кўрмасдигина эмас, текис пойгаларда у билан ёнма-ён, сояма-соя чопиб бораётганида айниқса кўрарга кўзи бўлмасди. Одатда пойгани Рапид бошқарарди. У бир маромда текис чопарди, бироқ отбоз ҳарчанд уни ниқтамасин, устун олдида сустрлашиб, Фантомни олдинга ўтказиб юборарди. Яна қанча денг — атиги бир ё икки қадамга.

Одамлар ундан нима исташаётганини Рапид дарҳол тушунолмади. Кейин унда пайдо бўлган ҳисни на нихлар ва на қамчилар юзага келтира олганди. Бунинг маъноси лоп этиб миясига келганда юраги орзиқиб кетди: одамлар унинг ғолиб келишини истайди. Минбарда аввал жим турган одамлар пойга бошланиши билан нега ўзгариб қолишини у ниҳоят англаб етди. Бу чинданам чиройли, кучли нарса — руҳингни кўтаради. Одамлар қараб турибди: отлар тўсиқлар устидан шамолдай кўчиб ўтаяпти, сирпанчиқ хандақларда чир айланади, ўзларини ҳар ёққа уради, туёқлар тасир-тусир қилади, ерлар дупурлайди, отбозларнинг рангдор костюмлари ҳавода лопиллайди, қамчилар визиллайди. Отлар сафи чўзилиб, муюлишдан ўта бошлайди, ҳайқираётган минбарлардан оҳ-уҳлар, хўрсинишлар, йиқилган отнинг қисқа, тўсатдан узилган кишнаши этилади. Ниҳоят, пойга бошида иккаласи — Фантом билан Рапид кўринди. Тўғридаги сўнгги минбардан худди денгиздаги тўлқиндай одамлар шовқини момақалди роқ каби янграйди. Олд томондан, ён томондан одамларнинг жўшиб қийқирганлари қулоғига чалинади: бирлари Фантомга ён босишса, зайфроқ, сустроқ эшитилаётганлари — Рапидга. Орқада, хув топталган далада ҳамон отлар чопаяти, лекин уларни на йўлакда, на минбарда биров олқишламайди.

Кунлардан-бир кун эса ҳамма нарса — минбарлар ҳам, радиокарнайлар ҳам, ҳатто ернинг ўзи ҳам лаҳзада жим бўлиб қолди. Маррага етай деганда Рапид шамолдай текис учиб бораётиб Фантомни ортда қолдирди, унинг оппоқ гавдаси рақибни кўзи олдидан бир шарпа каби лип этиб ўтгандек бўлди.

Бироқ ҳали ғалабаларига ўзгаларнинг қизиқишидан беҳабар Рапид шу нарсани ҳис қилдики, гарчи пойга бўлмаган кунларда ҳам жўшиб турадиган унинг қони айниқса халқ тўпланган катта пойга олдидан вужудига алоҳида ғайрат бағишлар эди. Айниқса қон босими тўфайли бўйни лўқ-лўқ қилган пайтларда, чавандозлар ўтирган отлардан ўзиб кетиш завқу иштиёқидан юраги ҳаприқиб, маррага тезроқ етиб олиш учун телбаларча интилишдан кўз олди тиниб кетган дақиқаларда — айна шундай дамлардагина пойга ортиқча меҳнат эмас, чинакам байрамга айланар эди.

Биринчи тўсиқдаёқ Фантомга ён берганим етар энди дегандек, Рапид жуда осонлик билан ундан беш-олти гавда узунлигида илгарилаб кетди.

Одамлар буни соф тасодиф деб ўйлашди.

Рапидни кимошди савдоси учун ёш отлар рўйхатига киритиб қўйишганди.

Кимошди савдосидан олдинги отларни кўриққа олиб чиқиш кунини эди. Ҳайъатда икки янги одам бор эди: бири ҳайъат бошлиғи, мўйловдор ва сарбозкелбат ингичка, қотмадан келган, кўз қарашини ломбард ходимларига ўхшаш чол, иккинчиси — отбоз Филипп Толкунов.

Аввалига сочилиб юрган ҳайъат аъзолари ўзаро босиқ овозда суҳбатлашганча аста-секин тўпланишб бир нарсани кутгандек, маънос

жим бўлиб қолишди. — ахир байрам эмас-да... Тойлар сара-сара эди — тоза қонли, зотдор отларнинг болалари. Тизгинидан тутиб, биринкетин кўриқдан ўтказа бошлашди. Қора тилларанг — жийрон, чавқар, тўриқ отлар, сип-силлиқ қилиб ювиб-таралган бия ва қулунлар гўё бир нохуш нарсани сезаётгандек чўчишар, бўйинларини қайириб, чиганишар эди. Кўрик мутасаддиси қичқириб айтган ўзларининг қадрдон исмларини эшитишлари ҳамон кулоқларини динг қилганча нима бўлишини кутар эдилар.

Бироқ ҳали-ҳозирча айтарли бир гап бўлганича йўқ эди.

Келгинди чол босиқ овозда бир нима деди, навбатдаги отга дуруст қарагани ҳам йўқ. Лекин ҳамма билардики, у ҳар бир чизиқни, отнинг ҳар бир оёқ олишини, бирров кўз ташлаши билан эса отнинг бутун ташқи кўринишини илғаб оларди. У от эгалари билан ҳеч қандай маслаҳатга зорикмай кенгашаварарди: от эгалари ҳам қандай зотдан ва нима учун беришаётганини билишарди, чол ҳам кўпроқ ўз тажрибаси ва кўзига ишонарди.

Рапидни олиб чиқишди. Чол бу гал ҳам гўё энди кўриб тургандек, унга кўзларини қисиб қараганча ҳеч нима деди. Кейин оғир уйқудан тургандек, аста гавдасини тиклаб, отга узоқ разм солди. Гўё отдан ёрқин нур таралиб, ёғдуси унинг чехрасини ёритгандай юзидаги совуқ, хийла ётсираш ифодаси йўқолгандек бўлди. Чол ёнида турганларга бир-бир қаради. Нигоҳи Толкуновда тўхтади. Рапидни чолчалик тушуниш учун киши ўзи озгина от бўлиб кўриши керак.

Кўшниси сингари эски от ишқибози бўлган отбоз қотиб турган отда элас-элас кўзга чалинувчи пинҳоний ички ҳаракатни сезиб ҳайратга тушди. Афтидан, от бир нима демоқчи бўларди, лекин одамлар зехнига ишонганча сукут сақларди. Унинг ўзи учун олдиндан тайёрлаб кўйилган қисмат — ёш боши билан сотиб юборилишига ва нотаниш юртларга олиб кетилишига рози бўлмоқчи эмаслиги шундоқ кўриниб турарди.

Бироқ Толкуновни кўпроқ хижолатга солган ва қандайдир дақиқаларга ҳатто чўчитган нарса — бу отнинг ўз онги билан мана шундай исёнкор мулоҳазаларга бориши эди.

Ундаги сирни чуқурроқ англаш ниятида отбоз унга янада синчиклаб разм солди — бўлмаса-чи, бир дақиқа олдин унинг мавжудлиги хаёлига ҳам келмаганди-да.

Ҳамма ташвишга тушиб қолди — гўё оқ тойчоқ ўзига қараб турган одамлар ҳақида бирдан улар билишни хоҳламайдиган қандайдир сирни айтиб юборадигандек эди. Тойчоқнинг қарашлари зийрак, дадил, ҳатто кинояли эди. Нозик, гажакдор юнглирида сирли қуч яширинганди, силлиқ сағрисида, таранг баданидан, узун бўйнидан қайноқ нур тараларди, қоп-қора кўзларидан мовийранг ўт чақнарди. От худди сувратдагидек қотиб турарди, бироқ мана шу аллоқчи итоаткорликда ҳам учишга ҳозир турган иштиёқ яшар эди.

Ташвишларни бир йўла аритувчи қисқа хўрсиниш эшитилди — чол Рапидни рўйхатдан чиқариб ташлади. Отбоз Толкунов завод директоридан тойни миниб кўришга рухсат сўраганида ҳеч ким таажжубланмади. Эртаси куни тонгда отбоз отнинг югуриклигини синаб кўрди. Машқдан олдин улар бир-бирларига синовчан разм солишди. Отбоз уни қанд билан сийлади, меҳрибонлик билан силади, унга эгар урди. Айланиб юрганда фақат бир мартагина от қувлик билан чиганиб кўйди, отбознинг эгарда нечоғли мустаҳкам ўтирганини билмоқчидек бир шаталоқ отди. Отбоз эгардан жилмади, кўлида қамчи бўлмаганидан жазоламай, юришда давом этди. Оёғи

билан ниқтаб, юганни силтади. Ишорани илғаб, от қанот боғлагандек, йирик-йирик одимлар ташлаганча шамол товуши ва нурдан завқланиб елиб кетди. Йўлнинг нариги бошида муштдеккина одам қораси кўринди, афтидан у ҳам бунга пешвоз елиб келарди. Хаёли чалғиган таниш зоотехник секундомерга қарамай қўйганди — отнинг нурдай оқишига маҳлиё бўлиб қолганди. Яна бир давра айлангач, соатни тўхтатишди. Утлоққа сакраб тушган отбоз нафасини ростлади, анчадан кейингина «Қалай?» деб сўради. Жавобни эшитгач, отнинг тер босган ва ачимсиқ ёлидан тутамлади ва юзини унга босди. Ўзининг йигирма йиллик отбозлик фаолияти мобайнида у биринчи марта йиғлаб юборди. Шунча узоқ вақтдан бери қидириб ва кутиб юрган отидан у уялиб ўтирмади. Бу унинг биринчи ва эҳтимол сўнгги мукофоти эди.

Шундагина ундан отни сал бўлмаса назардан қочиришларига нима сабаб бўлган эди, дея суриштира кетишди. Отбоқарни эслашди, қистокқа олишди, лекин у худди ўша тунда бўлганидек, хаёли чувалиб, жавоб беришдан бош тортди; охири бошқаларнинг мушкулени осон қилиш мақсадида айтдики, тун қоронғу эди, жин урсин, адашиб кетиш ҳеч гап эмасди. Балки янглишгандир ҳам, балки янглишмагандир.

Бундай иқроп шубҳани кучайтирарди, холос. Мавҳумлик отга илашиб қолди, англашилмовчилик эса насабнинг сирли ўзгариб кетишига сабаб бўлди, сир отдан олдин юрарди. Оппок тулпорнинг ўзи эса худди қордан ясалиб, шамолда сайқалангандек шаффоф, салобатли тарзда пайдо бўлиши миш-мишларга вақтинчалик барҳам бериб келарди. Бу ҳол биринчи стартгача давом этди. Фақат уни илк дафъа кўрган отлар ва энг тажрибакор чавандозларгина алданишмасди: мана ўша ҳақиқий тулпор.

Қолган гаплар шундан кейин бўлганди. Франг билан Тальянка унинг ҳақиқий ота-онаси деган қарорга келишган заҳоти унинг олдинги лақабини алмаштириш лозим эди. Отбоз Толкунов қадимги анъанани эслади: лақабда ота-оналарнинг бош ҳарфлари иштирок этиши керак. От ишқибозлари орасида кенг урф бўлган сўз эсига келди-ю, шартта айтди-қўйди. Бу унинг миясида тўсатдан пайдо бўлиб, муҳрланиб қолди: Фаворит.

Машинада кетар экан, Фаворит увушиб қолган вужудини тик тутиб туролмаётганди. Машина шиддат билан кўзгалганида у гурс этиб йиқилди. Бўйни олд тўсиқда осилиб қолди. У бошини силтаб, ўзини ўнгламоқчи бўлганди, аммо калта қантариб қўйилган хомтери тизгин уни аввалги ҳолатига келтириб қўйди. Уйдим-чукур жойлар келганда машина юришини секинлаштиради, шунда от машина ҳаракатига монанд тарзда ўрнидан туришга интилиб кўрди. Афсус, ҳаракатлари зое кетди, машина қияликда бир ёнга оққанда, у қаттиқ чайқалди.

Кўз олди қоронғилашди, орада бир ёришгандай бўлди-ю, яна қоронғилашди. Фаворит гўё димиқ булутдан устига, манглайига, кўзларига қайноқ томчилар келиб тушаётгандек, тумшугида эса қон кўпираётгандек туюлди. Булут уни ўраб-чирмар, оғриқни меҳрибонлик билан камайтириб аллаларди. Қалин туман орасидан куёш нури худди қовурилган сули доналаридек нақ устига тўкилмоқда эди. Вужуди тобора зил тортиб, нафаси бўғилаётган Фаворит куёш нури билан бас бойлаганча ҳаёт шами ҳам сўнаётганини англади. Хушидан кетиб қолмаслик учун қайта-қайта силтанди, челакни тагига олиб эзди. У қорни билан ётиб олди, шунда бўйинбоғ бўшашгандай бўлди.

Йўл эса ҳамон пастдан дўқиллатиб уриб туради. Филдирақлар ўнқир-чўнқирликлардан сакрарди.

Фаворитга йўлнинг ниҳояси йўқдай ва шундай кетаверадигандай туюлди. У то намиққан чанг оғиз ва бурунларига тўлиб, нафасини қайтаргунча баҳор шовқинини эшитиб, баҳор осмони ва офтобини кўриб борди. Машина тўхтаб, овози ўчганида у бунга дарҳол ишонмади. Азбаройи севинчдан от бор кучи билан силтаниб ўрндан турди. Унга дала-тузлар қонталаш рангга йўғрилгандек туюлди. Тепадан жазиллатиб турган тушки куёш ҳам қип-қизил эди, ҳарорат бир оз пасайган бўлишига қарамай, ҳамон кўз ўнгидан қизиллик кетмай, қулоғи шанғилларди. Фаворит офтоб нурига узоқ қараб туролмади — кўзини чанг қоплаб, дувиллаб ёш тўкилди.

Биринчи бўлиб кабинадан Грахов сакраб тушди ва журъатсизгина йўл четидаги ариқдан нарига юриб кетди. Лёха эса кабинадан тушди-ю, шу ернинг ўзида ёнбошлай қолди: дарё бўйидаги кумлоқдан кўра ўтлоқда унинг чайир гавдаси яна ҳам оппоқроқ, боши эса қоп-қора кўринарди. Грахов орқасига қайта туриб Лёханинг гавдаси билан боши узоқ вақт бошқа-бошқа яшаган бўлса керак, деган бемаъни, ҳазиломуз фикрдан маза қилиб кулди.

— Дабдалам чикди, — деди Грахов. — Ҳали узоқ юрамизми бу ўнқир-чўнқирлардан?

— Нозик тўралар-эй, — кувноқ оҳангда деди Лёха. — Коттежда турадиган биттангизни ўзимнинг «Запорожецем»да балиқ овига олиб боргандим. Ҳар қадамда тўхтатавериш жонимни ҳиқилдоғимга келтирди. Ҳалати одам. Мияси айниганроқ, шекилли. Бошида эски беретка, эғнида арзон-гаров плаш, ўшанда балиқ овига ҳам боради, ишига ҳам.

— Лисакомскийни айтяпсизми? Фан доктори?

— Доктор бўлса нима бўпти, осмон узилиб ерга тушибдими? — деди Лёха. — Қишда куён тери телпак қияди. Уят. Мана меники — тоза қоракўл, нақ етмиш сўлкавойлиги. Тагин доктор эмиш. Арақнинг яқинига ҳам бормади.

— Ҳаммани ўзингизнинг қаричингиз блан ўлчаманг-да, билганингиз шиша.

— Ҳозир ўша шиша бўлганда ёмон бўлмасди, — жонланди Лёха. — Қишлоққа етиб олайлик, бир отамлашамиз-а, қалай? Тўйиб ичмаганимдан кўзим аланг-жаламг бўлиб кетаяпти.

— Бас, етар, — деди Грахов. — Бўлмаса автобусга ўтираман-да уйга жўнайман.

— От-чи?

Суҳбат Граховнинг эсига бошқа нарсани туширди, у афтидан ўша нарсани айтмоқчи бўлди-ю, бироқ кейин фикрдан қайтди. У зерика бошлаганди, Лёхага — самосвалга бошдан-оёқ совуқ кўз югуртирди, қизиқ, нега у жон-жаҳди билан интилган жойда эмас, бу ерда турибди?

— Тилингга келганини қайтарма, айтавер, — дея Граховнинг қитиғига тегди, чунки унинг безовталанаётгани Лёханинг назаридан қочиб кутулолмади. — Нима бало, уйингга ўт тушганми?

— Бир одам кутаяпти мени, — хўрсиниб деди Грахов. — Уч кундан бери.

— Яна бир кун кутса кутибди-да.

— Кейин кеч бўлади.

— Қушнова Светланами? Намунча ичимдагини топ бўлмасанг.

— Йў-ўқ.

— Барибир аёл бўлса керак.

— Аёл эмас, қиз.

— Тарабановода кутаяпти, топдимми?

— Сиз қаёқдан биласиз?

— Лёха ер тагида илон қимирласа билади. Сен кўркма. Сотмайман. Мен сизларни қишда кўргандим. «Пчёлка» қаҳвахонаси олдида. Лёхани билмабсан ҳали.

Лёха ўрнидан туриб кафти билан Граховнинг елкасига қоқиб қўйди, гўё бу билан унинг кўнглидаги қолган-қутган шубҳани аритгандек бўлди. Иккалалари кулиша-кулиша тезда кабинага ўтиришди ва йўлга тушишди. Олдинда, қир ортида губорли осмон кўринди: у ерда собиқ туман маркази бўлган қишлоқ бор эди.

Энди Граховнинг нозик жойидан тутганига ишончи комил бўлган Лёха уни қисти-бастига ола бошлади.

— Кўргандим сизларни, — такрорлади у. — Қиз ёмон эмас. Баайни кўтирчоқ. Бошини айлантирса бўлади. Ёки сен бошқа ниятда бошлашиб юрибсанми?

— Тушунмадим, нимани назарда тутаёпсиз? — деди Грахов.

— Эрмак учун юрибсанми ёки бошқа мақсадда фойдаланмоқчимисан. У сенга нимага керак?

— Бу мураккаб масала, — деди Грахов. — Ҳар нарсаниям манфаатга боғлайвериш яхшимас.

— Сен менга гап ўйини қилма, — деди Лёха. — Бу ерда ҳеч қанақа мураккаб масала йўқ. Мен тушунаман, мана Светка Кушнова — у фойдаланишга яхши. Унинг оёғидан ўт чақнайди. Бундай хотин билан яшаш осон. Шалтоқ эмас, қадрини билади. Юрмайди, эрига вафодор. Агар эр латга бўлмаса, албатта. Йўқса, шартта ўйнаш ортиради. Мен уларнинг оиласини биламан. Пичоғинг мой устида бўлади. Манави кўтирчоқ билан эса билмадим, қаергача бораркансан. Ўзи чиройликкина, тўғрими?

— Гап йўқ, чиройли, — тасдиқлади Грахов, худди қиз кўз олдида пайдо бўлгандек, бирдан хаёли қочиб, вужудини ёқимли туйғу эгаллади. — Жудаям чиройли.

— У айнан мана шу чиройи билан яшайди, — деди Лёха. — Чирой бор жойда ҳаётинг дўзах деявер. Зигирча наф йўқ ундан. Айтасан-ку: от чиройли экан, табиат ҳам кўп яратиб қўйган-да, деб, хўш, бундан бизга нима фойда? Балки ёлғондир. Сен-ку ундан фойдаланаяпсан. У сени боқади.

— Бир жиҳатдан тўғри, — қўшилди унга Грахов, гарчи суҳбат жигига тегаётган бўлса ҳам.

— Улар ҳақида диссертация ёзаётгандирсан?

Таниш сўз гўё Граховни хушига келтиргандек бўлди, у қаддини ростлади, бутун вужуди билан Лёхага: ҳар нарсага бурнингни тикаверасанми, демоқчи бўлди-ю, бироқ ундан бутунлай ажралиб кетишга нимадир халақит бераётганди. Кейин бунинг сабабини англади — оёқлари очиқ, қорни очиқ, яъни ярим-яланғоч бир аҳволда қанчалик кулгули бўлмасин, у табаррук мавзудан гап очган ҳайдовчидан юқорилай олмасди. Шунинг учун масхараомуз гапирди:

— Оқ хўкизча ҳақида эртақ ёзаяпман. Унинг нима деб аталишини айтишми? «Газ-энергетика алмашуви ва турли ҳароратларда биянинг ҳазм аъзоларидаги метаболизм». Тушундингизми?

— Тушуниб нима қиламан? — ҳеч бир таажжубланмай деди Лёха. — Мен бошқа нарсани тушунаман — шу нарса керакми, керак. Мен-ку қал бошимга ҳам урмайман, сенга керак. Аҳмоқча ҳам тушунарли. Ўзинг биласан, мен ҳам маошга қараб қолган жойим йўқ. Кимгадир бу ёқмаслиги мумкин. Худди пичанхонадаги итдек ўзига ҳам қилмайди, бировга ҳам бермайди: сенга ҳам йўқ, менга ҳам. Ёки

менинг Татьянакамга ўхшаб ҳар нималарни алжирайди. Қизим олтинчида ўқийди. Унга иншо ёзишни айтишибди: отангиз ким? У нима деб ёзибди? Отам ўғирланган тахталарни сотиб ичиб маст бўлди, мастликда менга пальто олиб берди. Мен бу пальтони яна уч йилдан кейин кияман, бўйи тўғри келмайди. Муаллимаси олдимга чопиб келди, иншони кўрсатди. Бу қанақаси, дейди. Бир амаллаб жўнатиб юбордим. Яхшиямки, хушёр ўтиргандим. Татьянакани эса билиб қўйсин учун кейин роса уч йиллик қилиб адабини бердим.

— Яхши эмас, — деди Грахов. — Бу усул кетмайди.

— Ўзим шундайман, отам менга тилимни тийиб юришни ўргатган. Аввал бир қадаҳ арақ берарди-да, орқасидан камарини ечарди. Ҳам маза, ҳам азоб.

Тепаликдан ошиб, текисликка чиқишди, қаршида тутун ва губорга чулганган қишлоқ кўриниб турарди.

— Қараб қўйиш керак, от қай аҳволда экан, — деди Грахов. — Албатта кийиниб ҳам олиш керак.

— Кўрқма, — тинчлангирди Лёха. — Менга қаерда қандай юришни ўргатмоқчимисан.

— От ташиганмисан?

— Гишт таширдим. Нима фарқи бор, бу ерларда гаичиларни кундуз чироқ ёқиб тополмайсан. Сизлар муюлишда тура туринглар, мен чойхонага бориб келаман

— Араққами?

Бироқ Лёха йўлдан бурилди-да, машинани ёғоч девор ҳамда олмасор боғ олдидан ҳайдаб ўтиб, сайхонликда тўхтатди. Грахов оёғи тагида тахлоғлиқ турган кийимларини қидириб топгунча Лёха кўйлак ва шимини эгнига илиб жўнаб бўлганди.

## 5

Лёха ўзи билан кимнидир бошлаб келди. Велосипедда унга эргашиб келган одам йўл четига қолди. Лёха рулга ўтирди-да, машинани буриб, педални бамайлихотир айлангирганча олдинда бораётган ҳалиги одам ортидан юрди. Грахов Лёха билан нотаниш одамнинг бу қадар сирли равишда номаълум ёққа кетишаётганидан таажжубга тушди. Қишлоққа етиб бориб, бир ҳовлига кириб келишмагунча Лёха чурқ этмади. Уй тошдан қурилган бўлиб, олди айвонли, саройи ҳам бор эди.

— От касалмасми, ишқилиб? — сўради уй эгаси велосипедни сояга қўяр экан. — Тағин молларимга юқиб қолмасин.

— Сосенковоники, — жавоб берди Лёха. — Йўли чатоқ. Ҳам техниканинг, ҳам одамнинг шўри.

Уй эгаси кўринишдан бу ерликка ўхшамасди, юзи сариқ-қорачадан келган, лекин думалоқ чехрасида акс этиб турган қандайдир ўзгача майинлик уни барчага баробар қилиб турарди. У Граховга бирров назар ташлаган бўлса ҳам, бу синовчан боқишни у узоқ вақтгача эсан чиқаролмай юрди. Гўё ҳалиги нигоҳ тарози милию унинг қадрини кўрсатувчи нуқтагача бориб, яна ўз ўрнига қайтгандек туюлди. Афтидан, Лёха уй эгаси билан анчадан бери ош-қатиқ бўлса керак, уларнинг ўзаро дўстона муомаласи ҳамда бир-бирларини сўзсиз тушунишлари шундан далолат бериб турарди. Лёха от Сосенковоники деганда уй эгаси ўзича ниманидир чамалади-да, тинчланди; Лёха техниканинг шўрини қуритадиган йўл борасида қўшимча қилганда эса у яна ниманидир англагандай бўлди.

— Тахтаг борми? — сўради Лёха, ён-атрофида тахтага кўзи тушмай.

— Эски эшик бор, — деди уй эгаси.

— Бўлаверади.

Уй эгаси саройга йўналди.

— Тушлик қилгани кирдикми, а, лаббай, — тусмоллаб деди Грахов, Лёханинг ҳа, дейишига шубҳа қилмай.

— Топдинг, — суюниб кетди Лёха. — Отни ҳозирча тушириб, саройга кўйиб турамиз, сув-ем берамиз. У ҳам озроқ дам олсин-да. — Айтганларим Граховнинг фаҳмига етиб борсин дегандёк, бир оз тўхтаб оҳиста гапини тутатди: — Биз эса бу орада бир жойга бориб келамиз.

— Шу ишингиз ҳеч ёқмаяпти-да, — деди Грахов ҳовли бўйлаб юраркан. — Сиз мени бошлаб лақиллатаяпсиз-да. Яна нимани ўйлаб топдингиз ўзи?

Унинг овозида на жаҳл, на қатъийлик бор эди. У гўё узил-кесил бир қарорга келган одамдек гапирарди.

Бу Лёханинг эътиборидан четда қолмади.

— Жуда тўғри айтдинг, — деди у тўрслик билан, узун чирик эшикни кўтариб келиб қолган уй эгасига эса ерга ташла, дегандек ишора қилди.

Граховнинг бундай мужмаллик билан гапираётганига сабаб, унинг боши оғриётганди. Шу пайтгача уни тётик тутиб келган енгил, ўйноқ туман энди шишиб, ичини сиқмоқда эди. Грахов сарой олдидаги ходалар устига ўтириб олди, бироқ кўрғошиндай боши нақ рўпарадаги уюб кўйилган гўнг устига осилиб тушгудек пастга энгашиб бормоқда эди.

Лёха билан уй эгаси пичирлашиб олиб уйга кириб кетишди, бироқ Лёха тезда айвонда пайдо бўлиб Граховни чақирди:

— Уйга кир. Квас ичиб ол.

Грахов қаттиқ чанқаганди, одоб юзасидангина ўтирган жойидан шошилмай турди-да, Лёханинг орқасидан юрди. Остона ҳатлаб уйга киргач, беихтиёр пиджагини тортиб кўйди, гўё чақирилган жойга эмас, билмай бошқа ерга бориб қолгандай сочини силади. Унинг кўзи қора ялтироқ пианинога, чиройли шойи жилдли нотага ва думалоқ курсичага тушди. Пол ҳам, деразалар ҳам, жимжимадор заррин рамкалардаги ойналар ҳам ялтирарди, рамкада нима борлигини эса кўришга улгурмади — дастурхонга таклиф қилиб қолишди. Грахов ўтирди, кўнлида эса пианинога бирров қарагиси ҳамда ким чалишини сўрагиси келди. Уй эгаси ҳамон у бурчакдан-бу бурчакка ўтиб ивирсир, идишлар майин жаранглар, дастурхондан ивитилган олма, редисканинг ёқимли ҳиди келарди. Стол устида турган шишага Грахов лоқайд қараб кўйди, лекин Лёха унга ҳам арақ кўйиб берганда эътироз билдирмади.

— Ичмаслигимиз керак, лекин бундай қилиш одобдан эмас, илож қанча, — деди Лёха. — Бунинг устига айни пайти: иссиқни иссиқ кесади.

— Оз-оздан фойдали, — Лёханинг гапини қувватлади мезбон дастурхонга ўтирар экан. — Дарвоқе, биз ичмаймиз, даволанамиз. Квас-чи, йигитлар шандай роҳатижон бўлганки.

Граховга мовийранг биллур қадаҳга, ўзларига эса стаканга кўйишди. Унинг ҳурматини жойига кўйишаётгани ҳам ёқимли, ҳам ноқулай туюлаётганди, у афтини бужмайтирмасликка тиришиб, қадаҳни сипқорди. Орқасидан муздек квасдан хўплади, олмадан, чўчка ёгидан газак қилди, яна ичди. Барибир бошининг карахтлиги тарқамади, бироқ олдингидай қақшаб оғриши қолганди, фақат хузур қилаётганди.



Мезбон буғи чиқиб турган картошка олиб кирди, кейин пушти ранг чўчка ёғидан кесиб қўйди, яна ичишди. Учинчи қадахни кўтарар экан, Грахов энди арақ ҳидини туймай қўйганди, бундан илгари ҳар қадах олдида бўлгани каби кўнгли ҳам ағдарилмаётганди. У нимага қўлини теккизмасин, юмшоқ ботар, бармоқларининг қитигини келтирар, Лёха билан уй эгасининг товуши қулоғига тобора хуш ёқиб борарди.

— Мусиқа! — тўсатдан талаб қилди Грахов. — Бахдан бўлсин!  
— Бах-бах! — қувватлади Лёха.

Мезбон бирдан хомуш тортди, бироқ тезда ўзини ўнглаб, мужмал жавоб қилди:

— Ҳа, — деди Лёха. — Анчагина қиммат матох. — Бир оз ўйлаиб қўшиб қўйди. — Аммо «Урал» мотоциклидан қиммат эмас.  
— Биттаси менга ўргатмоқчи бўлганди, — деди мезбон. — Биз бир юз биринчи километрда турардиқ. У ернинг одамлари фирт авом эди. Шундай... Шу, биттаси чаларди. Ҳазир зўр мусиқачи эди. Шу десанг, қўлига нима тушса, ҳаммасини қойилмақом қилиб чаларди. Ҳаттоки аррани ҳам шунақангиз зўр чалардики, аста қўяверасан. Шишаларни ҳам қатор қилиб осиб қўйиб, чалишни бошларди...

— Тўласинми? — сўзини бўлди Лёха.  
— Бўшини.  
— Бу, оғайни, ҳақиқат... Мен бултур ёзда Киевда бўлгандим, — Лёха ўзини жиддий кўрсатишга уриниб, қаддини ростлади. — Шу ҳалиги-чи... Лаврда бўлдиқ. У ерда артистлар қўшиқ айтади.

— Худога сифинишаларми?  
— Қаёқда. Тикка-тик турволиб қўшиқ айтишади. Литургияни. Унақа қийворинмасам ҳам, чакки эмас. Тўғриси, эшитиб йиғлагинг келади...

— Санъат; — суҳбатга қўшилди Грахов. — Истеъдодлар ва муҳлислар... Абадий мавзу. — Тагин нима дейишини билмай, мезбон билан Лёханинг ўзига диққат билан қараб турганларини кўриб, уларни чалғитиш ниятида давом этди: — Бир кун Моцарт ётоғида ётганида қўшни хонада ўгли соз чалаётганини эшитиб қолибди. Лекин у охиригача чалмай, шартга тўхтабди. Масалан, дейлик, — шундай дея у нима демоқчилигини тушунтириш мақсадида барчага таниш қўшиқни куйлай бошлади: — Қамишлар шовуллаб, дарахларни эгади... Тушундингларми? — дея таъкидлади у. — Эгади эмас, аслида «эгилади» бўлиб тугаши керак эди.

— «Ил» тушиб қолган; — виқор билан бош ирғаб деди мезбон. — Охири думсиз мушукка ўхшаб чўлтоқ чиқиб қолган.

— Нима бўпти? — мезбон томон чайқалиб кетиб деди Лёха. — Балки, жонига тегиб ташлаб кетгандир...

— Моцарт ётиб-ётиб чидолмабди-да, — давом этди Грахов. — Ярим тунда туриб, фортепьяно клавишларини тингиллатиб — мусиқани охирига етказибди.

— «Ил»ни топанг-да, — топафонлик билан деди мезбон.

— Тўппа-тўғри.

Лёханинг бирдан қовоғи осилиб, дўқ қилгандек сўради:

— Тўппа-тузук одам десам, фирт аҳмоқ экан-ку! «Ил» эмиш. Шу ҳам гап бўлди-ю!

Грахов тушунтирмоқчи бўлган эди, бироқ улгурмади, уй эгасининг оғзидан гапни юлиб олди:

— Бу дегани биз ҳам охиригача олишимиз керак дегани.

— Мана бу бошқа гап! Ўғил болача гап бўлди, — деди Лёха чиройи очилиб.

Ичишди, ейишди, Граховнинг аста-секин кайфи оша бошлади, ўзини тутолмай енгил чайқалиб, хаёлида бир кўтарилиб-бир тушди...

— Биласизларми, — деди у бир вақт тили зўрға айланиб. — Шуниси қизиққи... баъзи отлар ҳам мусиқани севади...

Унинг кулгиси қистамоқда эди, ҳали бутунлай кайфи ошмагандаги ҳолати эсида — Грахов пианино олдига борди, чалишга уринди, фотосуратли альбомни варақлади, суратлардан биридаги қорачадан келган пионерни ичиб ўтирган мезбонга солиштириб кўрди, яна кулди. Кейин уни қаёққадир олиб боришди, эғнидан пиджагини, оёғидан ботинкасини ечиб, ётқизиб қўйишди.

Лёха айвондан зўрға тушиб, самосвал томон йўл олди. Икки тавақали орқа бортни унинг ўзи ясаганди, дастак икки марта айлангирилса очиларди. Орқадан етиб келган уй эгаси ўйлаганлари амалга ошишига унчалик кўзи етмай Лёхани кузатиб турарди.

— Эшикни ушлаб тур, — буйруғомуз деди Лёха мудроқ босганча. — Мен кузовни кўтараман. Хўш, нега тикилиб қолдинг? Гилайлашиб қопманми, ҳечқиси йўқ, ҳозир ўтиб кетади.

Мезбон бит кўзлари билан Фаворитни қайта-қайта чамалаганча ҳафсаласизлик билан ҳаракат қиларди. Эшик кузовнинг орқа қиррасига тиралганди, лекин отни машинадан туширишнинг бундан бошқа иложи йўқ. Мезбон бундай қилиб бўлмади, деб Лёхани тўхтатмоқчи бўлди, бироқ у аллақачон кабинага ўтириб, кўтарма қурилмани ишга солиб юборганди.

Кузов титради, силкиниш ва визиллаган товушдан ҳурккан Фаворит олдинга интилди, туёқлари билан темирни тирнади. Машинадан тарақлаб тушган япасқи пачоқ челақ мезбонни чўчитиб юборди, кетма-кет мотор юргизадиган дастак, чипга қоп ҳам ерга тушди. Оғзи очилиб кетган қопдан намиққан сариқ сули ўт устига тўкилди.

Кузов тобора кўтарилиб борарди, бир жойда туришга ҳарчанд уринмасин, Фаворит аста-секин пастга ина бошлади.

Ишқилиб, от босиб қолмасин-да, ўзидан кўрққан мезбон эпикни базўр тутиб турарди. Отнинг тизгинда осилиб қолганини у дарров пайқасёлмади. Орқа оёқларида бор кучи билан тиралиб турган от кузовда қимирламасликка ҳаракат қиларди. Эшик отилиб кетди, отнинг оёқлари сирпаниб, ўзи безгак тутганидек хирилай бошлади. Олдиндан кўз тагига олиб қўйилган жойга сакраб ўтган мезбон ҳеч ким қарамаяптими, дегандек аввал дарвозага қаради, сўнг кабинага қараб чопди. Индамай ойнадан қўлини тикиб мушт солди, Лёханинг елкасигами, бўйнигами тушди, шекилли, у ҳайрат ва ғазаб билан қичқирди:

— Нега урасан, аблаҳ?!

— Осилиб қолди, — деди уй эгаси бўғиқ овозда. — Ўлиб қолади ҳозир!

Лёха от олдига югуриб келиб, кайфи учиб кетди. Лёха нима қилиб қўйганини англаб етганди.

От типша-тик кузовда худди улкан балиқдай билтангларди. Унинг қорни қашпайиб, дўмпайган мушаклари дир-дир титрарди. Унинг орқа туёқлари ерга тегиб қолганди.

Ўз залвори билан пастлаган кузов енгил тушмоқда эди, агар юк олд қисмига босиб турганда бундан ҳам тезроқ тушган бўларди. Бирданига ранги бир бўзариб, бир қизарган Лёха унга ёрдам бермоқчи

бўлгандек, отнинг оёқларидан кўтармоқчи бўлди, бир кучанишдаёқ унинг ҳафсаласи пир бўлди. У эмаклаб ўзини четга олди-да, хирилдоқ овозда деди:

— Нега унга қараб турибсан, галварс! Чалғини бер!

Мезбон саройга чопди. Лёха мезбондан чалғини юлқиб олди-да, пишиқ хомтери тизгинга шарт чалғи солди. Лёха аввалига мўлжални ололмай қийналди. Бу орада ҳолдан тойган от жимиб қолди. Лёха ниҳоят мўлжални аниқ олиб, чалғини қайириб бир тортган эди, тизгин тарс этиб узилиб кетди. От сирғалиб тушиб, ёни билан ерга йиқилди.

Фаворитнинг юмуқ кўзларига қуёш нури анчагача тушиб турди — аввалига у яшил тусда кўринди, кейин қизғиш тусга кирди, боши қизиб қақшаб оғримоқда эди. Бўйнида қаттиқ санчиқ турди, яғрини ҳам санчиб оғрирди, баданининг қолган қисми эса худди йўқдай, ҳеч нарса сезмаётганди. Болалигида ўтлоқда йиқилиб тушганда Фаворит худди мана шундай узоқ вақт ўзига келолмай ётганди. Ўшанда ҳеч нарсага қарамай, ўзини шодон анҳорнинг нариги қирғоғига отганда, нозик оёқчалари қайрилиб кетганди. Онаси тишлар ва тезроқ кўзини очиш учун қулоғини тумшуги билан туртар эди.

Кўзлари кўриб, қулоқлари эшити башлади... Худди сув остидан кулқиллаб чиқаётгандек одамлар овози эшитилди.

— Тирик, — деди бири.

— Оёғини боғла, бўлмаса яна ташланади.

— Балки ҳозир кетаверганларнинг маъкулмиди? Бу ишни кейин қилармиз? Ҳанна гуноҳдан нари.

— Кимга гапиряпсан? Саройга киргазиб қўямиз-да, жўнаворамиз. Унгача олим уйқуни уриб туради.

— Мен ўзимни ўйламаяпман.

— Ўзим учун ўзим жавоб бераман. Турғаз отни, ҳовли ўртасида чўзилиб ётишини кўр. Орқасига таёқ билан бир тушир.

Бироқ Фаворит ўзи туриб кетди. Турди-ю, бир чайқалди: ичида нимадир товуш бериб айлангандек бўлди, томоғида қон сезди. Унча узоқ оқмаган қон оғзида тўпланиб қолганди. Фаворит уни одамларга кўрсатмади.

Отбоз Толкунов зотдор Фаворитни бир эмас, бир неча соат бўш кўйиб кўярди.

У илгаригидек касаллик туфайли заифлашган хотирасига ишонмасди, шу боис Фаворит олий зотга мансублиги аниқланиши ҳамон дафтар юритди. Фаворит унга эрмак учун эмас, балки ҳаётида сўнгги кучли парвоз учун ато этилган афсонавий от эканини англаш ҳисси вақти-вақти билан юрагига ваҳм солиб ўтарди. Шунингдек, қачонлардир бой берилган ва ташлаб қўйилган олий насаб қон изининг топилганлигига ишонишни астойдил истарди. Қадим ота-боболари томонидан Фаворит орёл-ростопчина наслидан эканлигини билса-да, бу ҳақда ҳар кимга ҳам ёрилавмасди. Ашаддий от ишқибозлари билан ёзишмалар олиб бориб, қўли етиши мумкин бўлган хужжатларни кавлаштириб-кавлаштириб ришталарни ажрим қилар, уларни бир-бирига улар, йўқолиб кетиш олдидаги бу зотни ҳаёлида гавдалантирар эди. Бутун вужудида руҳларни мудроқ уйқудан уйғотолган пинҳоний мағрур ва кучли отларнинг сўнгги сувратлари уруш олди йиллари санаси-ла белгилаб қўйилганди. Бу зотни қишлоқ хўжалиги кўргазмасида намоёиш этар эдилар. Анчадан бери маълуму машҳур бўлган бир нарса фақатгина Толкуновни ҳаяжонга солмасди:

ватаннинг энг яхши зотдор отларини гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тарзда уруш олиб кетганди. Кулунлар гоҳ уюр-уюр бўлиб, гоҳ битта-битталаб бедарак йўқолаверганди.

Ушбу зот изини фақат Толкуновгина қидирмаётганди. Эндиликда унинг мавжудлигига ишончи кундан-кун ортиб борар экан, ҳозирча биргина у топишга муваффақ бўлганди. Олий қон элтувчиси Фаворит оҳиста, секин, қадам-бақадам манзилга яқинлаб борарди. Фақат бир нарсани, яъни унинг тоза наслдан эканини тан олиш қолганди.

Пойгада иш бошқача эди. Фаворитни тан олишарди — уни ҳам севишарди, шунингдек ундан қўрқишарди ҳам. Кўпинча у совринли пойгаларда бамисоли ўзи галабага интилмаётгандек чопганини тез-тез кўриш мумкин эди. Афтидан, у чамалаётганди. Олдинга ташландими, тамом, Фаворит қанот боғлаб учарди, отбознинг жиловни тортиши энди бир пул — буни у кейин тушунди. Фаворитни, хавфли рақибни, бошқа отлар барабар «исканжага» олишарди. Олдинда, орқада, икки ёнда — чор-атрофдан қўршаб, нафас олгани кўйишмасди. Сўнгги дақиқагача у қамалда чопарди. Шундай дақиқаларда отбоз нима қилишини билмай қоларди. Фаворит эса бутун диққатини жамлаб, олдинги икки от ўртасида нинанинг кўзидек тирқиш очилишини мўлжалларди, кўриш у ёқда турсин, закийлик билан сезган заҳоти ўзини шунга урмаса, тамом деяверинг. Фаворит бўйинини тортиб, пружинадек тўзиларди-да, ўзини ўша тирқишга урарди, отнинг зийраклигига тан берган отбоз ҳам жиловни кўйиб юборарди, «ҳиҳ» дея қисқагина шиғов солиб, унинг исканжани ёриб чиқишига далда берарди. Фаворит ўқдек учиб маррага биринчи бўлиб етиб келарди.

...Шундай пайтлар бўлардики, от билан инсон қандайдир қариндошлик ришталари билан боғлангандек, худди бир жону бир тандек, аҳиллик билан ҳаракат қиларди. Бундай бирикувда қандайдир мўъжиза бўларди, лекин бу мўъжиза афсона бўлмай, балки ҳамманинг кўз ўнгида рўй берарди.

Лекин мўъжиза барчага ҳам ёқавермасди. Ҳамма пойгаларда ҳам улар совринни бошқалар ўйлагандек осон қўлга киритавермасди.

Бултур кузда айни ёгингарчилик палласида бир куни айниқса жуда оғир бўлди. Майдалаб ёмғир уриб турар, намиққан япроқлар оёққа ёпишарди. Ёмғир тўхтади-ю, орқасидан қалин туман тушди, туман аввал отчопарни қошлаб, сўнгра минбарга ўрлай кетди. Ёмғир ва намликка Фаворит олдин кўйда парво қилмади, ҳализамон бошланай деб турган пойгани бетоқат кўтарди. Охурдаги отларга ем олиб келишди, сули беришди, отбоқар қувноқ минғирлаганча, кўз қисиб кўйди, бўш келма! Отбоқар бегона эмасди, заводдан Фаворит ва Толкунов билан бирга келган чўтир юзли, истараси иссиққина Саввич деган одам эди. Ўзи ювош, мулойимгина эди, шунинг учун бўлса керак, тезда Фаворитнинг юраги қаърида муҳрланиб қолди.

Фаворитни охурдан ёпқида олиб чиқишди. Тарозихонадан эгнига мовий камзул кийган Толкунов унга пешвоз чиқди, у юмшоқ этикда мушукдай овозсиз, энгил одимларди. Бу қанақаси? Фаворитнинг назарида пойга кўзойнагини у одатдагидан сал ўзгачароқ ушлаб тургандек туюлди. Нимадандир жаҳли чиққандек, авзойи бузуқ кўринадими? Отбоз унинг айилларини тортиб, терлигини тўғрилар экан, бармоқлари билан ҳар доимгидек эркалаб биқини, сағрисини силаб-силаб қўйса-да, барибир Фаворит отбознинг бошқача бўлиб қолганини сезди. Йўқ, у касал эмасди — хожасига дориган ҳар қандай касалликни Фаворит беҳато пайқарди. Бу ерда бошқа гап бор эди.

Иккинчи фоль-стартга туришганда жумбоқ ечилгандай бўлди. Дастлабкисида кўшни от Фаворитга тирғалиб келиб, тифизлик ҳосил қилганди. Иккинчи гада ҳам у ўша от ёнида турибди. Бу бежиз бўлмаса керак. Йирик саман кўшнилари пинжига ўзини бежо урар, керагидан ортиқча қизишар, бинафшаранг кўзи билан Фаворитни таъқиб этарди. Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек, чавандози ҳам — малла, ёноқлари бўртиқ одам экан.

Пойга бошланди. Фаворит дарҳол илгарилаб олди — хурпайиб, олдинга чўзилганча чопиб борар экан, туёқлари юмшоқ тупроқни шиддат билан отар, йўлка эса оёқлари остида текис тўшалиб, равон оқиб ўтарди. У бир тўсиқдан, сўнг иккинчисидан сакраб ўтди-да, муюлишга етганда орқага қаради. Саман уни таъқиб қилиб келарди. Унинг биқинларига шафқатсиз қамчи ёғилаётганди. Ундан бир озгина орқароқда қолган отлар ҳам ғуж бўлиб изидан келарди. Фаворит яна орқага қаради: хомсемиз бу саман унга бас келиб бўпти!

Гўё ҳеч нарсадан беҳабардек Толкунов отни ниқтамас, фақат хаяжондан оёғи титрарди. Нима бўларкин-а?

Фаворит ўзини бир оз четга олди — марҳамат, йўл очик, тақсир!

Саман тенглашиб олди, бошқалари ҳам етиб келишди, фақат ўзининг қамалга тушиб қолмаслиги учун Фаворит уларни зийраклик билан кузатиб турарди. Нопок қўл ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. Давангидай одам гўё ҳеч нарсани билмагандай бақувват қўли билан саманни Фаворитнинг нақ кўксини мўлжаллаб ҳайдади. Фаворит шитобни пасайтиришга улгурмади, кулранг туман ичида ҳакам нигоҳи пайқаман ҳолатда саман билан тўқнашиб кетди, тишлари фикрлаб, оғиз-бурнидан оппоқ буг отилди, иккала от киши билмас бир-бирига тирғалиб қолганди. Саман телбаларча пишқирди-ю, бир четга ташланиб, сафни тарк этди.

Толкунов ўзини ўнглаб олишини пойлаб, Фаворит елиб борарди. Зарба келиб тушганда Фаворит отбоз у билан бир жон-бир тан эканини сизди. Иккаласининг юраги бир хил тепар, томирларидаги қон гўё бир хил шитоб билан жўшар эди. Нафақат ўзини, балки вужудининг бир қисмига айланган Толкуновни ҳам аяган ҳолда у эҳтиётлик билан бир четга сакради. Йиқилишга, енгилишга йўл бермаган кўйи ўзининг бор вужуди — бирдан терга ботган баданию ёллари билан эгасини ҳис этиб турарди.

Бинобарин, Фаворитга танбеҳ бериш бемаънилик эди. Отбоз ўзини қамчи босишдан ҳамда жиловни силкитишдан тийди. От Толкунов уни аяётганлигини бирдан англаб қолди. Фаворит масалани дарҳол ўзи ҳал қилди: ўзмоқ керак! Кучли, даъваткор жарангдан у ғайратга минди, оёқлари қанотга айланди ва ҳам завқу шавқ, ҳам ғазаб ичида кўкиш кенглик кўйнига сингиб кетди. Фаворит ўзини фавкулудда эркин ҳис қилганча гоҳ узун, гоҳ қисқа сакрашлар билан ўқдек учиб бораркан, зумда отларга етиб олди. Шу алпозда икки-уч отни орда қолдириб, четан девордан анча берида силтаниб ердан узилди-да, четан девордан анча нарида ерга қўнди. Пойга бошига чиқиб олгач, бошқа ортига қарамади ва масофанинг сўнгги чорагидагина эътибор қилди — энди шамолнинг ғувиллашидан ўзга овоз қулоққа чалинмай қўйганди.

Фаворитни саройга олиб кириб кўйишди. У дарвозанинг тақиллашини машинанинг сирли шовқинини эшитиб турарди. Кейин ҳаммаёққа сукунат чўкли. Фақат девор ортида, саройнинг нариги ярмида товуқлар қақиллар ва чўчқа болалари ғўрқилларди. Фаворит

хотиржам пишқириб қўйди, ҳорғин кўзлари юмилди — уни уйқу элитмоқда эди. Димоғига нам сули ҳиди урилгандек бўлдию иштаҳасини кўзгади. Фаворит ғира-шира бурчакни тимирскилаб, кутидаги тоғорага тумшуқ тикди. Бензин ҳиди анқиб турган сули лабларига юмшоқ ботди, бироқ симиллаган оғриқ кўзгадиб, оғзида туриб қолди. Сулини лунжида у ёқ-бу ёққа ағдаравериб чарчаган Фаворит норози қиёфада орқага тисланди: ем егиси келиб турса ҳам, бунга журъат қилмади. У депсинди, кулоқ солди ва ҳеч бир жойи қаттиқ оғримаётган бўлса-да, бадани ҳўл латтадек шалвираб қолганини ҳис этди. Олдидаги деворда тирқишни кўриб у яна тек қотиб қолди. Тирқишдан полиздаги ям-яшил ўсимликлар, учлари ялтираб турган самбиттол, ундан нарида оппоқ ғозлар кезиб юрган кўм-кўк тепалик кўриниб турарди. Жарликдан болаларнинг шўх-шодон қийқириқлари, кулишган овозлари келарди. Фаворитнинг эсига бирдан болалиги тушди — у ҳам кичкина тойчоқ эди, ёзги яйловга олиб чиқилган уярда онаси билан бирга яшарди.

Ушанда ҳам ҳозигидек, ҳаво чарақлаган эди, куёш борлиққа ўзининг оловини аямай сочарди, қирғоқлар, ўру қирлар гулларга чулганган. Тойчоқ ҳавони тўлдирган ўт-ўлан ҳидлари димоғини маст қилганча оёққа турар ва анча қотган узун оёқларини ерга тапиллатиб урганча текис яйлов бўйлаб чопиб кетарди, бу беғам-беғашвиш дақиқаларда у дунёдаги ҳамма нарса фақат унинг қувончи учунгина яралиб, асраб қўйилган ва бахшида этилгандек туюларди. Ҳали анчайин мўрт туёқ товушларидан чўчиганча ўқдай учиб борар, орқасидан эса момикдай майин думларини хода қилганча ортда қолмасликка тиришиб тенгкурлари чопиб келишарди.

У ғамгин нигоҳи билан ботиб бораётган куёшга тикилганча узоқ туриб қолди, кеч тушиб, тун ҳам чўкди, тун сукунатида баланддан, юлдузлар чарақлаб турган осмондан инаётган этни увиштирувчи салқинлик овозини, ундан ташқари яна кундузи бамисоли уйқуда ётган майсаларнинг нимадандир хурсанд бўлиб бош кўтараётгандай шитирлашларини эшитгандек бўлди.

Сўнгра у онаси бағрининг ҳароратидан ҳузурланганча ётиб олди, шунда беҳос онасининг илиққина ҳўл тили билан совқотаётган бўйнидаги, елкаларидаги шудринг томчиларини ялаётганини ҳис қилди.

Кўз очиб юмгунча ёз ҳам ўтди-кетди. Ёз охирида эса унга бешафқат юган урилди, ғазаб ва қўрқувни жиловлайдиган сувлиқ оғзига тушди. Ҳамма иш ана шу тариқа бошланди.

Тирқиш нарғидан лип этиб ўтган номаълум соядан Фаворит хушёр тортиди. У жарлик ичидан қунишибгина кўтарилиб келаётган болани кўриб қолди. Бола ҳўл бошини эгганча сўқмоқдан апир-шапир одимлаб келарди, тиши орасидан инграшга ҳам, йиғига ҳам ўхшамайдиган бир овоз чиқарди. От унга томон интилди, манглайини деворга тиради — бу унинг суюнганини билдирарди. Боланинг оёқ товушлари саройга бутунлай яқинлашиб келганда, от уни чўчитиб юбормаслик учун ун чиқарди: «Су-у-ув...» Бола эшитди. Сарой эшигига келиб, у қандайдир бир нарсани узоқ сурди. Эшик очилиб, бола ичкарига киришга ботинолмай остонада туриб қолди. От бўйинини гажак қилди, қуруқшаган лабларини қимирлатиб қўйди.

Бола узоқ ўйлаб ўтирмади, шартта ичкарига ўзини урди-да, сарой тўридаги саржин олдига келди. От мана, мени кўриб қўй, дегандик, оёқларини ерга тик қадаб, кулоқларини чимириб қимир этмай турарди. Бола ҳам нафасини чиқармай тош қотиб қолди, фақат офтобда куйган кўлларини олдинга чўзиб, тулпорни силашга муштоқ эди.

Бола орқаси билан саржинга ёпишиб олганди, от билан қандай муомала қилишни, унга нима дейишни билмай, фақат томоша қилиб қараб турарди. Сўнг сарой ичидаги унга таниш бўлган ҳамма нарса аста-секин қандайдир туман ичига сингиб кетди-ю, кўз ўнгида оппоқ қоғоз узра қалам билан қорайтириб чизилгандай бир отнинг ўзи қолди. От қоғоздан тушиб келди-да, унинг қаршисида туриб олди. Сўнг сувратга жон кириб, оҳиста ҳаракатга келди, аввал иккита бўлди, сўнг учта, тўртта ва шундай кўпайиб кетаверди. Улар қуюндай учар, араваларни олиб қочар, эскадронларда шамолдай елиб борар эдилар. Оппоқ отлар оловли замин узра қушдек учиб борар, чанг ва кул қоплаган ерга қулаб тушар эдилар. Ниҳоят, бола яна танҳо, қимир этмай турган отни кўргач, унинг қулоқлари остида от туёқларининг дупури янгради, отлар олислардан келаётган ҳарбий бурғу овози даъватига жавобан ҳамон ўқдай югуриб кетмоқда эдилар.

От йиқилаётганини бола пайқаб қолди. Унинг чанг қоплаган хира тукларига ёпишган товуқ ахлати, пайраҳаларни кўриб, у тараддудланди ва отнинг ҳақиқийлигига, тириклигига ишонч ҳосил қилиб, даҳлизга қараб чопди, челақда сув, совун, дастрўмол олиб келди. Журъатсизгина отга яқинлашди. Бошини чайқаб, от яна лабларини қимирлатди, сув ичмоқчи бўлиб бўйинини чўзди. Бола челақни унга яқинроқ кўйди-да, ўзини орқага олди.

Тулпор биринчи ҳўпламни ютоқиб тортди, сувнинг таъмини билмоқчидай, иккинчи ҳўпламни ютишга шошмади. Сув совуқ ҳам, иссиқ ҳам эмасди. Томоғидаги оғриқ сал босилгандай бўлди. Шундан кейин у сувни симира кетди. У сувни битта кўймай ичиб ташлар эди, бироқ бунинг охири бахайр бўлмаслигини англаб, «Энди челақни олиб кўя қол», дегандек, болага мўлтайиб қараб кўйди. Бола бу сафар ҳам унинг ишорасини англади.

Қутини яқинроқ кўйиб, бола унинг устига чиқди-да, совунли дастрўмолини авайлаб отнинг устига кўйди ва кўрқа-писа уни чўмилтира бошлади. Кўпикни ювиб, тисарилди, оппоқ оласини завқланиб томоша қилди, сўнг яна отни ювишга тутинди, энди унинг ҳаракатлари дадил эди.

Сарой ортидан қадам товушлари қулоғига чалиниб, бола қути устидан сакраб тушди-да, эшикни ёпгани чопди. Занглаган ошиқ-мошиқ гичирлаб, унинг борлигини билдириб кўйди.

— Андрюшамисан?

Бола енгил нафас олди — хайрият, онаси экан.

— Мен шу ерданман, — жавоб берди бола. — Қаранг, ойи, нима бор бизникида.

— Нима экан? — мажақланган эшик, машина изларини кўриб улгурган она хавотирли сўради. — Отанг қани?

— Қаранг, бизникида нима бор? — такрорлади бола.

Она яқин келди, отга узоқ қараб қолди, сўнг аста сўради:

— Бу қаердан келиб қолди?

— Эртақка ўхшайди-а тўғрими?

— Тепмайдими? — сўради она ва отни обдан, синчиклаб кўздан кечиргач, ўзи жавоб берди: — Йўқ. Яхши от. Бунақа от тепмайди.

— Мен уни юваяпман, — деди бола.

Ботирланиб кетган бола қутини сурди-да, совун кўпиги билан отнинг силлиқ бўйинини ишқалай бошлади.

— Ойи тароғингизни беринг, — деди бола. — Унинг ёлини тараб кўяман.

— Менинг тароғим ярамайди, — эътироз билдирди она.

— Темир тароқ керак.

Аёл жазирама офтобга тоб беролмай ўзини сояга олди. Саржин олдига борди-да, бир ғўлача устига ўтириб отни, ўглини томоша қила бошлади. Сўнг нигоҳини олис-олисларга тикди, у ёқдан унут бўлиб кетаёзган хотирани, яъни ўзини қидириб топишга ҳаракат қилди. Ана у — қилтириққина бир қизалоқ. Ёзнинг бошлари. Қизалоқ четан ортида ўтирибди, кўрқув ва ачиниш тўла кўзларини тамаки туфайли дам-бадам хириллоқ йўтал тутиб, юганини қисимлаганча отни ҳайдаб кетаётган жангчи аскардан олмайди. От қарға қанотидай тим-қора, тагидан кўкиш ранг кўзга чалинади, ниҳоятда чиройли. Олдинги бир оёғининг тиззасидан пасти ёғочдан, шундан у оқсоқланиб борар, оғриқнинг зўридан чиганиб, бошини кескин кўтариб ташларди.

Айтишларича, суворий Аскар Тихон Подьячев урушнинг охириги ойда Альп тоғларининг аллақасерида сал бўлмаса ўз бошига етай деган, яъни отини ўқдай учираб, минали далага кириб кетган экан.

Гангиб қўлганига қарамай, отни отиб ташламаган, ярасини тузагиб, қишлоққа олиб кетган экан.

Қизалоқлигидаги бу гап аёлнинг ҳамон эсидан чиққани йўқ, ҳозир эса совун урилган оппоқ отни, ўглининг таранг қўлларини кузатар экан, ана ўша олис ўтмишдаги от элас-элас кўзига чалинмоқда эди. Сибирда бувисининг уйида яшаб, қишлоққа қайтиб келганида у ўн еттига қадам қўйганди. Оқсоқ отли Тихон Подьячев аллақачонлар унинг хотирасидан ўчиб кетганди. Униси ҳам, буниси ҳам йўқ ҳозир — оти эгасидан бир ҳафта бурун ўлганди.

Пичан ўрими кунларидан бирида пичан ғарами устида ётар экан, қулоғига от туёғининг дупури чалинди. «Ие, шу топда ким от чоптириб юрибди?» эринибгина хаёлидан кечирди қиз.

У туриб ўтирди. Пичани ўрилган далада худди силлиқ йўнилган ҳайкалдай тим-қора отда бир йигит тўғри шу ёққа қараб учиб келарди. Келди-да, тўртта туёғидан пичан майдаларини ҳар томонга отганича от жойида бир айланди, ундаги йигит сакраб ерга тушди. Йигитларга хос шиддат ила қизнинг бошига келди-да, сувли флягасини тутди унга. Бу Тихоннинг ўғли эди. От ҳам ўша чўлоқ отнинг боласи Жиган эди.

Сўнг қиз дарёга тушиб, елкасидан обкашни олар-олмас, узоқдан ўша таниш от дупури қулоғига чалинди. Бирдан юраги гуп-гуп уриб, кўксини ёриб чиққудай ҳис қилди. У тиззасигача сувга кирди. Кирларни чайр экан, отнинг эгар-жабдуғини бўшатаётган йигит томонга қарагиси келарди-ю, бироқ бунга журъати етмасди. Ҳатто бутун қишлоқ эшитиб қолишидан кўрққандек бир маромда, билинтирмай нафас оларди. Аста-секин ўзини тутиб олгач, қиз отнинг дарёни қандай сузиб ўтганини, офтобдан қорайган чавандозни кўтарганча пичани ўриб олинган майдон бўйлаб қандай елиб кетганини кузатиб турди. Кўп ўтмай шамолдан қуриган от ва чавандоз қайтиб келди ва от тўғри ўзини дарёга урди, сув юзида тип-тиниқ, яшил мавжлар доира бўлиб ёйилди. Сал наридан сузиб ўтар экан, йигит енгил қўл ҳаракати билан шигил мевалари пишиб, қип-қизил бўлиб кетган маймунжон бутоғини қизга иргитди.

Кузда уни оти билан армияга олишди. Нима бўлиб ҳам йигитнинг чегара пистирмасидан ёзган хатига қиз жавоб қайтаролмади...

— Болам, — деди аёл. — Отни қандай ювишларини кўрганман. Уни эшилган бовлиқ билан ювишади, сочиқ билан артишади. Шунда у чиннидай ярақлайди... Мен сув иситиб бераман.



— Сизга ҳам ёқаяптими от? — сўради ўгли онасига яқин бориб, эркаланганча. — Уни қасрдадир кўргандайман-да...

Бутун бўйни ва устини қоплаб олган оппоқ ола пастга томон ингичкалашиб бориб, қорнигача осилиб тушганди. Агар уни обдан ювилса, отнинг қанақа очилиб кетишини она-бола ўзларича тасаввур қилмоқда эди. Тўсатдан Андриюшанинг кўзлари катта-катта очилиб севинчдан ёнди ва бош ирғади. Ҳа, эсига тушди... Экранда — Қизил майдон, кўшинлар тўртбурчак шаклда қотиб турибди. Кремль дарвозасидан оқ от минган чавандоз чиқиб келади. Орқасидан иккинчиси чиқиб келади — у ҳам оқ отда. Икки оқ от сувдай сузиб, рақс тушаётгандек, тошларни бир маромда тўқ-тўқ тепиб кўшинлар томон яқинлашади.

— Ойи, — шивирлаб ўзини онасига отди Андриюша. — Ойи у парад оти. Юбилей паради эсингиздами? Худди қуймадай от-чи? Уни миниб, парадни қабул қилишарди. Кўшинларнинг барча турини.

— У бизникига қандай келиб қопти?

Андриюшанинг қовоғи уйилди, кўркув аралаш деди:

— Балки, отам... Сотиб олишга пули йўқ, албатта.

— Унга бундай отни ким ҳам сотарди?

— Шунчаки... айтдим-қўйдим-да. Эсингиздами, отам бақириб: «Мен ҳамма нарсани сотиб оламан», дедди...

— Демак, эшитганман де?

— Нима, қулоғим йўқми?

Қаттиқ қайғуга ботганча она ўглини ўзига тортди, кучоқлади, яна отга қаради, унинг ўрнида, албатта, бошқа отни — Жиганни кўриб турарди.

— Отнинг лаби қонаётганга ўхшайди, ойи...

Аёл жавоб бермади. Даҳлизнинг очик эшигидан, уйнинг ичкарисидан худди биров йиғлаётгандек ноаниқ, бўғиқ овоз эшитилди.

Грахов уйғонди, у йиғларди. Уйқусида юрагини ғам босган Грахов энди енгил инграб йиғлаганча, ўша ғамни аритмоқда эди. Димоғига куруқ ёвшан ҳиди урилиб, алами камайиш ўрнига баттар юрагини ўртарди. Умрида бугунгидақа тақдиридан йиғлаб нолиганини у сира эслолмайди. Сабаби бўлмаса, йиғлармиди? Илгарилари ҳам ўзидан кўнгли тўлмаган пайтлар бўларди. Одамдай бўлиб юриш учун Грахов унча-мунча ғамни писанд қилмасди, ҳаммасини қизикқа йўйиб, орқага ташлаб кетаверарди.

Ҳозир чанг қоплаган, куёш нуридан сап-сарик товланиб турган тўсиқларга қарар экан, у ғамни ҳайдашга яна бир уриниб кўрди. Ғамнинг қандайдир бир қисминини кутилмаганда эсига тушган амакижониси ўз зиммасига олди.

Институтда ўқиб юрар экан, Грахов амакисиникида беш йил турди. У билан жуда апоқ-чапоқ бўлмаса-да, ўзини қаттиқ олиб ҳам қочмасди. Аввалбошдан оқ улар қандайдир тилга олинмаган битим тузиб олишганди. Бир томондан — амакининг истеҳзоли, ясама очик кўнгиллиги бўлса, иккинчи томондан — Граховдаги камтарона хурмат. Ўзининг айтишича, амакиси қандай яшашни билади, сен менга тегма, мен сенга тегмай. Буни қандай уйдлашни ҳам мақтаниб сўзларди. Қулоғим бор деб, ҳамма гапни эшитаверма, кўзим бор деб ҳамма нарсага қарайверма.

Амакисининг гапларида ҳазилга йўйиб кетадиган сохта донолик хушёрликдан кўра кўпроқ эрмак бўлиб туюларди Граховга. Шу тариқа бошқаларни ҳам, ўзини ҳам овутиб, амакиси биратўла учта илм

билан шуғулланарди. Унинг эътиқоди бўйича, бунинг сири мураккаб эмас. Икки одам велосипедни кўриб ихтирочига олдимизда перфектум мобили турибди деганда, у учинчиси бўлиб ўз овозини кўшарди.

Гоҳо амакиси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетарди. Қаттиқ эзилар, Граховга умид билан тикилиб қарарди: ҳорғин нигоҳи гўё «мен юрган йўлдан борма», дегандек огоҳлантитар, ёлборарди. Афт-андомидан зиёлилиги манаман деб турган одам томдан тараша тушгандай тўсатдан, мен зиёли бўлмаганман ва бўлмайман ҳам, бунинг учун олишдан кўра кўпроқ бериш керак, деб қоларди.

Гўё эски яраси очилиб қайноқ қон сизиб турган жароҳатини баралла намойиш қиларди. Бу узоқ чўзилмасди — унинг чеҳрасини яна табассум эгаллар, яна уни ҳамма ёқтира бошлар, ювош, меҳрибон ва доно одам сифатида ҳамма унга чуқур эҳтиром кўрсатарди.

Грахов илмий тадқиқот институти ходими бўлгач, осонроқ диссертация олсаммикан, деб иккиланганида нега амакиси унга бир оғиз маслаҳат бермади? Ёки ўзининг жонини суғуриб олгудай машаққатли мавзусидан воз кечиб қўя қолсамми, деганда амакиси қаерда эди, қаерда?

Унинг кўзлари тиниб, яна жикқа ёшга тўлди.

Хаёлотнинг узук-юлуқ ришталари яна узоқ чўзилди ва энди бу аламоқ ришталар Граховни енгил муваффақиятлар доирасига туртиб юборган Светлана билан тобора кўпроқ боғламоқда эди. Марина бўлганда ҳаммасига чидар эди. Бирдан ҳорғин Грахов ўзини қушдай енгил ҳис этди. Кўксини янчиб турган қандайдир қоя ағдарилиб, ўрнини ширин бўшлиқ эгаллагандай бўлди.

Грахов бу ерга, эски лаш-лушлар уюлиб ётган бу қоронғи бурчакка қандай келиб қолганини эшлашга ҳаракат қилди.

У ўрnidан турди ва айвонга чиқди. Чарақлаган қуёш нурида аёл билан болани кўрди. Ўзи ҳам англамаган ҳолда хириллаган товушда кечирим сўради ва уялиб, қўли билан юзини яширди.

— От саройда турибди, — деди бола.

— Демак, барибир кетишибди-да, — гудранди Грахов. — Кўрсатаман ҳали унга... Бўктириб ичиришибди мени.

— Гуноҳи ўзларига урсин, — катталардай сўз қотди бола, бундан Граховнинг кўнгли сал таскин топди. — Мен отингизни ювиб қўяман.

— Мен ўзим ювиниб олсам яхши бўларди, — деди Грахов ва пиджаги билан кўйлагини ечишга тутинди.

Ювиниб бўлгач, саройга кирди. Биқини топ-тоза қилиб ювилган отни кўрди ва бирдан юрагининг остида санчиқ ҳис қилди, букилмасдан, гавдасини тик тутишга ҳаракат қилиб у отга яқинлашди.

От уни дарҳол таниб, бўйинини гажак қилди. Унинг куруқ жиддий нигоҳини кўриб, Грахов таққа тўхтади.

— Ў-хў, — деди Грахов болага зимдан, гинали қараш қилиб: бола хайрон бўлиб бир четда турарди. — Жаҳли чиқаяпти...

— Балки, дарёга олиб тушган маъкулдир? — таклиф қилди бола.

— Дарё чуқурми?

— Саёз, — хўрсинди бола.

— Унда отни ювишнинг ҳам кераги йўқ. Ҳали йўл юрамиз биз.

Грахов эриниб гапирар экан, ўз овозини ўзи эшитмасди. Қулоғи қаттиқ шанғилларди. У боладан квас олиб келишини илтимос қилди ва мириқиб симирди.

— Отинг нимаиди? — сўради у боладан

- Андрюша
- От ёқдими?
- У парад отими?

— Чавандозлик оти, — деди Грахов аъзойи баданини чулғаётган енгилликни ҳис этган ҳолда. — Парадда ҳам, албатта, иштирок этади... Грахов кутилмаганда икки букилиб қолди ва ўша ҳолича девор тагига юриб борди-да, чўзилиб ётиб олди.

— Мазангиз бўлмаяптими? — сўради бола. — Яна квас келтирайми?

Грахов жавоб бермади. Томоғига қуйқа келиб тиқилди, кўзлари ёшланди, юмилди, ям-яшил зулматга тўлди. Андрюша қўллари билан унинг кўйлаги ёқасини ва пиджагини ечганини Грахов гира-шира пайқади. Кулоғига боланинг овози эшитилди.

— Иккала бармоғингизни оғзингизга тиқинг. Ўтиб кетади.

Боланинг бу ердалигидан у ерга киргудек бўлмоқда эди, кетганда яхши бўларди. Бироқ бир лаҳзадан сўнг Грахов яна бўғилди ва ёни билан ётиб қолди.

Машина шовқинини эшитиб у кўрқиб кетди, бироқ ўрнидан туролмади: уни ер тортиб кетмоқда эди. Қуйқа аллақачон ўтиб кетган бўлса-да, ҳаммаси бошқатдан такрорланади, деган кўркувдан ичи баттар зил бўлаётганди.

Самосвал ҳовлига кириб келди.

— Тоза ҳавода ётишга нима етсин, — деди Лёха Граховни кўриб.

— Сен бу ерда нимага ивирсиб юрибсан! — Дағдага қилди ҳовли эгаси Андрюшага. — Қани уйга кир! Узи... Шошма. Мана буни ол-да, югур.

— Менга беришмайди, — деди Андрюша, — бормайман.

— Кўрсатиб кўяман «бормайман»ингни! Бугун Кланя хола савдо қилади, беради.

— Бормайман, дедимми, бормайман!

Андрюша йиғлай бошлади.

— Онангни чақир унда, мишиқи!

— Онам яна дарёга кетган.

— Нега аяб ўтирасан, — гудранди Лёха. — Яхшилаб гапир, бормай кўрсин-чи.

Грахов ётган жойида қулоқ соларди-ю, эшитмасди. Акс ҳолда, боланинг тарафини олишга мажбур бўларди. Боягина унга ҳамдардлик кўрсатган боладан у юз ўгирмаган эди. Фақат аралашмасди, Андрюшага кўпроқ ёрдамим тегар деган фикрни ўзига атайин сингдирмоқда эди: ниятидан жўрттага қайтган уй эгаси ўғлидан кейин қасос олишини биларди-да. Ундан кўра Андрюша уларнинг гапига кирганида дуруст бўларди. Уй эгаси камари билан кўрқитиб, ўғлини араққа юборганда Грахов енгил нафас олди.

— Қани, ортдик, — деди Лёха. — Ҳали қанча йўл турибди олдинда.

— Барини бирдан узиб кўяқолади деб ўйладингми? — сўради уй эгаси. — Тушингни сувга айт. Биттадан бериб бораман.

— Миямни қотирмасанг-чи. Мён бу ерда кечгача қолиб кетаман ҳали.

— Ҳеч бўлмаса, похол тўшайлик. Буюм увол бўлмасин.

Похол келтириб, сочиб-социб тўшашди.

Шифер олиб келишганини Грахов англаб етди. Шиферлар олдинмакейин сирғалиб тушаверди, уй эгаси ташийверди. Чанг Граховнинг олдигача учиб келиб, бурнини тўлдирди, охири бўлмади, апшу, деб акса уриб юборди.

— Соғлом бўлинг! — деди уй эгаси унинг ёнидан ўтиб кета туриб. — Безовта қилганимиз учун узр.

Шу чалғиш унга қимматга тушди — бир нечта шифер бараварига сирғалиб гумбурлаб тушди-да, чил-парчин бўлди. Ўрнидан туриб ўтирган Грахов уй эгаси кабинага югуриб борганини, муштумини ўйнатганини кўриб турарди. Кўтаргич шовқини тинганида Лёханинг кескин овози қулоғига чалинди:

— Нима бўпти! Парчаларини улаб-улаб, сотиб юборасан.

Кейин кабинадан тушиб, шифер тахлашда уй эгасига қараша бошлади.

— Шавров, бу қанақа ўзбошимчалик? — деди Грахов оёққа туриб, ҳар эҳтимолга қарши деворга суяниб олганди.

— Нима? — расмана ҳайрон бўлди Лёха ва қўлида шиферни кўтарганча бир жойда тўхтаб қолди. — Қачон ўзбошимчалик қилибман?

— Йўлга чиқмайдиган бўлувдинлар-ку.

— Дарров эсингиздан чиқдимми? — қувноқ оҳангда деди Лёха Граховга ёш болага қарагандек қараб. — Ўзингиз рухсат бердингиз-ку. Мана гувоҳ.

Лёха уй эгасига им қоқди, у эса гўё бу ерда ҳеч нима бўлмаётгандек ишини ҳам тўхтатмади, бир нарса деб жавоб ҳам қилмади.

Грахов ўзини ёлғиз ва маҳзун ҳис этди. У девордан силтаниб узилди ва аввал машина, сўнг сарой ёнидан юриб ўтиб, полизга қараб кетди. Сўқмоқ пастга, қайрағоч ва самбиттоллар қопланган соҳилга олиб тушарди. Грахов бола-бақралар чувиллашиб ўйнаб турган жойга бормади, қалин толзор ичига ўзини урди-да, уни ёриб ўтиб, ўзини сув ичида кўрди.

Мўъжазгина лойқа сувли дарёчадан куш патлари ва гўнглари оқарди. Саёз бўлса ҳам таги кўринмагани бир қалар хузур бағишларди. Граховга гўё худди шу етмай тургандай эди. Аста-секин ҳамма нарсани унутиб ечинди ва кийимларини бутоқ устига итқитди. Қорни билан бақатўнли сув тубига ётди, сувдан фақат боши чиқиб турарди, холос. Иягини қўлларига тиради-да, самбиттолнинг ачимсиқ ҳиди анқиб турган илиқ ва нам ҳаводан чуқур нафас олди. Танҳоликдан хузур қилмоқда эди. У илгарилари ҳам беғамлик билан ўзини ўзи даволарди. Гарчанд ҳуши тетик бўлса-да, ўзини ухлатиш учун унга на тирик, на ўлик халақит бера оларди. Бундай дақиқаларда у онадан қайта туғилгандек бирдан қайтиб келиш учун ўзи яшаган оламдан ташқарида бўлиб қоларди.

Сарой томондан отнинг қисқа, ҳорғин кишнаши қулоққа чалинди, осмондан реактив самолётнинг узлуксиз бўғиқ гувиллаши эшитилди. Аммо бу товушлар Граховга заррача даҳл қилмай ўзларича яшар эдилар.

Грахов хужрага хотиржам қайтиб келди, галстугини қолдирган кат томонга ўтди, мийиғида кулганча Лёханинг уй эгаси билан пачакилашаётганига қулоқ солди.

— ... Бочкага мингтани қўй, йўрғалиб қолмаса, кейин айтасан... — деди Лёха, санчқини столга уриб.

— Янги пулдами?

— Долларда.

— Долларингни бошимга ураманми?

— Шунини айтяпман-да.

— Кириб ўтасанми, йўқми?

— Қандай кузатиб қўйишингга қараб-да.

— Мен сени хафа қилганим йўқ. Истасанг, йўлга битта шиша берай?

— Бер. Кетар жафосига бита хониш ҳам қилиб берасан.  
 — Мен пианино чалмайман дедим-ку.  
 — Чалишга арзийди аммо. Уғлинг-чи, чаладими?  
 — Ҳали ёш. Тура турсин-чи, керакли тошнинг огири йўқ. Сигир эмас — овқат сўрамайди. Шаҳардан меникига куёвим келиб туради, ўртоқларининг бари маданий.

— Ҳа, маланият, дўстим, шунақа пулларни талаб қилади. Ўғрилиқ қилиб бўлса ҳам топасан.

— Тўғри. Ма, ушла. Ичгин-да, ишингни ҳам билиб қил.

Қадаҳлар жаранглади ва иккаласи барабар гапира кетди.

Грахов ҳовлига чиқди.

Саройда челақ босиқ жарангларди. Эшик олдига бориб Грахов Андрюшани юмуш устида кўрди: у яна отни ювмоқда эди. Деярли отнинг қорни остига кириб, дастрўмол билан астойдил ишқалар, кўпикни ювиб туширарди. Фақат эндигина Грахов отнинг юнги нақадар қалин ва майин эканини пайқади: елкаси ва тўши бўйин олдидан торайиб бориб, чиройли бошига тақалган, бироқ шу ерда тугамай, яна кўз илғамас аллақаяқларда давом этгандай тасаввур ҳосил қиларди.

Ўзини ортиқча сезиб, Грахов самосвал томонга йўл олди, кабинага кирди ва сирена тугмачасини босди. Аввал Лёха, ортидан уй эгаси пайдо бўлди: саройдан чиқиб келган Андрюша унга гамгин тикилди.

— Тўғри, эсинг борида этагингни ёп деганлар, — деди Лёха.

— Отни машинага ортмаймиз, Кислянкачага етовда бора қолсин, у ерда дарёга қўл узатса етади. Балиқ ҳам кўп ўша ерда.

— Бу ерда балиқнинг нима дахли бор? — сўради Грахов. — Кейин, отни машинага боғлаб олиб кетганини ким кўрган?

— Буни ким билмайди, — деди жиддий уй эгаси, — боғлаб қўяверадилар, бўлди, от югуриб кетаверади.

— Машинага ортиш осон эканми? — сўради Лёха. — У ерда жарликка тақаб қўяман, қарабсанки, от машинада-да.

— Сизлар кўркманлар, — ҳеч кимга қарамасдан деди уй эгаси маънодор оҳангда. — Бизда битта кўчаю учтагина хонадон бор. Бордию, марказдан чиқиб келинса, бу бошқа гап. У ерда ишчи халқи яшайди, кўзи мингта.

— Беш километр, — деди Лёха. — Бўлмаса холиқиб<sup>1</sup> қолади.

— Бас қилинлар сафсатани, — деди Грахов. — Мен бунга бир шарт билан розиман — агар секин юрсак.

— Худди тобут олиб кетаётгандек, — изоҳ берди Лёха уй эгаси билан хилватга четланаркан.

У ерда савдолашаётгандек иккаласи депсинар, айланар, бир-бирининг кўлини қисар, ажралишлар, яна топишар, ўпишар эди. Охири Лёха уй эгасидан ўзини тортиди, бироқ у шеригини кувлаб етиб олди-да, яна кучоқлаб, оқ йўл тилади.

— Катта йўлга чиқа кўрма. У ерда сосенковоликлар юрибди. Тагин битта-яримтасини уриб юборма.

Отни кесилган юган ўрнига пишиқ ипли нўхта кийдириб олиб чиқишди. Куёш нурида танаси теппа-тенг икки қисмга бўлиб бўялганга ўхшарди: бир ёни оппоқ ва тоза, иккинчи ёни ўша-ўша чанг-губор қоплаган ҳолда эди.

Лёха қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

<sup>1</sup>Боқувдан кейин отни бирданига узоққа чоптирилса, терлаб тузалмас дардга йўлиқиши мумкин, холиқб, яъни хомлик қилиб қолиши, деб шунга айтилади. (Тарж.)

— Бир гал мен соқолимни худди шундай қиртишлагандим, — деди у, — бир томон иягимни олдим-да, иккинчи томони қолаверганди, тиғи курмагур ўтмай қолувди. Соч-соқолдан худо роса берганда, худди арқон толаси дейсан.

Нўхтани ўнг томондан боғлаб қўйилди.

Йўлда отни кузатиб бориш учун Лёха энги билан орқани кўриб турадиган ойначани аргиб қўйди.

Улар дарвозадан чиқишди. Худди ваьда қилганидек, Лёха машинани секин ҳайдаб борди. Фаворит йўл четидан югуриб келаётган боладан кўзини узмай, машинадан қолмасликка тиришганча, қалин ўт устидан йўргалаб борарди. Чеккадаги уйларни ортда қолдириб, ўт-ўлан қоплаган, юмшоқ ва равон йўлга чиқиб олишди. Отнинг ортда қолмай олдинга ҳам ўтиб кетмай бир маромда юриб келаётганини кўриб, Лёха тезликни оширди. Фаворит йўрта бошлади, унинг бир кўзи ҳамон болада эди. Андрюша чопганча жилмайиб қўлини силкитарди, бироқ кўп ўтмай у қоқила бошлади, машина тезлаб кетганди, унинг йиғлагани, орқадан нимадир деб қичқиргани эшитилди. Фаворит ҳам хайрлашгандек бир қишнаб қўйди, ниҳоят бола кўздан йўқолди. Чилвир таранг тортилиб, бўйнига тобора қаттиқ ботмоқда эди.

## 6

Зотдор ҳайвонлар табиатини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институти билан Сосенково от заводи аввалдан ҳамжихатликда ишлар эдилар. Хусусан, институтдагилар Фаворитни юборинглар, деб талаб қилгунга қадар шундай эди. Авваллари институтнинг талаби сим қоқилиши биланок бажо келтириларди — айтилган от машинага ортиларди-да, от заводи хизматчиларининг ўзлари элтиб беришарди. Фаворитни эса ҳаво ноқулайлигини баҳона қилиб, пайсалга солишди. Баҳорги-ёзги от синовлари яқин қолган, пойгачилар рўйхати тузилмоқда эди.

Шуни айтиш керакки, Фаворитни жўнатишга отбоз Толкунов тиш-тирноғи билан қариши эди. Ҳеч бир отга у Фаворитчалик ишонмасди, янги мавсумни интизорлик билан кутарди. Янги мавсум от учун ғалаба мавсуми бўлиши керак эди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғалаба-я! Отбозни ҳатто яқинлашиб келаётган ўлим шарпаси ҳам мақсадидан қайтаролмасди. Бироқ ўлим фақат отнинг жонини олсагина унинг устидан тантана қилиши мумкин эди — бу ҳақда отбознинг ўзи ҳатто ҳазил ҳам қилганди. Касаллик ортда қолди, отбозга жин ҳам урмади.

Инсон ўлимни доғда қолдирди.

Қишда у отни даволади — отнинг касаллиги билан олишар экан, ўзи ҳам билмаган ҳолда иродасини чархловчи умиду ишонч билан ўзига ўзи шифо берди. Илк баҳорнинг алдамчи илиқ шабадалари эса бошлаганда Фаворит шамоллаб қолганди. Ветврачнинг туйилган қандга антибиотиклар қўшиб бериб қилган муолажаси фойдасиз эди — Фаворит ўт бўлиб ёнарди. Шундан кейин отбоз билан отбоқар Саввич маслаҳатлашиб, отни анъанавий усулда даволашга аҳд қилишди. Кофур ёғига скипидар аралаштириб, товул билан баданига суриб, момикқа ўрашди ва устига ёпқи ёпишди. Ана шу эски усул асқотди, ҳар қалай. От қаттиқ терлаб, тузала бошлади. Иситма аста-секин чекиниб борарди. Иккинчи кечанинг тонготарига яқин Фаворит тиниқлашган кўзларини пичан боғи устида кулча бўлиб ётган отбоқарга тикди. Кувноқ пишқириб, уни уйғотди, ҳовучда тугилган бугдой кепагини лаблари билан чимдиди.

Ана шунда инсон руҳи ўзгача кўтаринкилик касб этди: у мусибатни ҳам қувонч билан қарши олишни ўргатди. Институтдан қилинган биринчи кўнғироқ отбозни ташвишга солмади. У Фаворит ўрнига бошқа зотдор отни юборишни таклиф қилди. Бироқ институтдагилар айтганларида туриб олишди, сўровни энди телеграф орқали жўнатишди: фақат Фаворит юборилсин!

Баҳор келиб, барча тирик жоннинг «оғзи кўкка тегди», қуёш тафтида қизиган ер бамисоли Фаворитга ҳам қайтадан куч бахшида эта бошлаганди. Уйғонган далалардан эсанг енгил шаббода майсаларнинг ёқимли бўйини келтириб отнинг димоғига урар ва юрагини ҳаяжонга тўлдирадди. От бетоқат енгил одимлар экан, ёш майсаларга урилган туёқлари яқинлашиб келаётган курашга ўзини чоғлаётганини шундоқ билдириб турарди. У узоқ қутилган оғир, аммо серзавқ олишувга тайёрлаётган одамларнинг меҳру иштиёқларини юракдан ҳис қиларди.

От ҳам одамларни шоширмоқда эди. Гарчи, тақачи ўз ишини чаққонлик билан пухта адо этаётган бўлса-да, сабри чидамаган от уни тишлаб-тишлаб қўярди. Фаворит тақачининг енгидан тишлаб тортаркан, шундай деяётгандай бўларди: «Биламан, зўр тақачисан. Лекин туёғимни жудаям чуқур тозалаб ўтирма, михларни ҳаддан ортиқ қаттиқ тортма, билламан, сенга бир гап ортиқча. Отанга балли!...»

Янги қоқилган тақала шамолдай елиб давра ясаётган Фаворитни тақачининг ўзи ҳам суқланиб томоша қиларди.

Байрам сурлари тортиладиган дақиқалар етиб келгунча ҳамма ана шундай кайфиятда яшаб келмоқда эди — сурларнинг сурурли садоси бор чарчоқ ва ҳордиқни бир зумда аритишига, вужудларни чексиз ҳаяжонга тўлдиришига ҳеч ким шак-шубҳа қилмасди, одамлар ўзлари кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган нафосат ва қудратнинг қадрига қандай етишни яхши биладилар.

Бироқ, тўсатдан ҳамманинг дилини хуфтон қилиб тепадан буйруқ келиб қолди: «Илмий услублардан фойдаланган ҳолда чопқир отлар наслини яхшилаш имкониятини ўрганиш учун... илмий тадқиқот институтига зудлик билан жўнатилсин».

Буйруқ — амри вожиб.

Отбоз Толкунов Фаворитни ўз қўли билан машинага ортиб юборди.

Ўшанда шафқатсиз касаллик Толкуновнинг юрагига биринчи марта ништар тортди.

Яйловдан кетиб боришар экан, Лёха орқани кўрсатадиган кўзгуга қараб-қараб қўярди-ю, бироқ яхши кўролмаётганди. Қовоқлари зил тортиб, уйқу босиб келмоқда. Сўнгги шишани уй эгаси иккаловлари бўшатишган бўлишига қарамай, барибир Лёхага кўпроқ текканди. У рулда деярли ухлаб борарди, нигоҳи йўлни фарқламас, фақат ўтлоқнинг яшиллигини мўлжал қилмоқда эди, холос.

— Тезлама, — баъзи-баъзида мудроқ, ланж оҳангда ўзининг борлигини билдириб қўярди Грахов.

— Уйга қайтгинг келмай қолдими дейман!

— Бас, Шавров, ҳалдингдан ошма.

— Менга нима... Анави қўғирчоғинг тўғрисида ўйладим. Ҳозирги қизларнинг бурнига хода етмайди. Сабр деган нарса йўқ буларда. Сен-ку келишгангина йигитсан, осонликча юз ўгиролмайди. Уқимишлिसан, келажакнинг порлоқ... менинг йўригим бошқача, оғайни. Хотинлар орқасидан чопиш бизга ярашмайди. Дуч келганини кўраверамиз.

— Қанақасига? — сўради мамнун ҳолда Грахов.

— Шунақасига. То ўзини ўнглаб олгунча бизники ҳам ими-жимиди битади-қўяди. Айтадилар-ку, ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади, деб...

— Юзта биз-сиздан битта жиз-биз...

— Фаросатингга балли. Умр — бу афандининг кўрпаси, бошингни ёпсанг оёғингга, оёғингни ёпсанг бошингга етмайди. Мана, Светланага ўйланарсан, болаларинг бўлар, ўшанда айтасан: Лёха ҳақ экан, деб. Ёки сен анави, тарабановоликни мўлжаллаяпсанми?

— Унда мен институтдан кетишимга тўғри келади, — қатъий деди Грахов. — Ҳаммасини бошидан бошлаш керак бўлади.

— Қўлидан нима келади, тарабановоликнинг?

— Чизмақаш. Институтга кирмоқчи. Полиграфия институтига, рассом бўлмоқчи.

— Ойимқиз, демак, суврат солар эканлар-да. Вой, худойим-ей...

— Келинг, пластинкани алмаштирайлик, — бундай гаплар жонига тегиб деди Грахов. — От келаяптими?

— Қаёққа борарди...

Тепада бўзарган осмон, қаршида текис, тинч йўл. Машина бир маромда кетиб бормоқда, мотор узлусиз гувиллайди. Уйку босиб келарди.

Қаттиқ силкинишдан Лёха ўзига келди. У яйлов тугаб, олдинда кумушранг товланган жавдарпояни кўрди. Рулни ўнглаб, машинани йўлга олди ва дум-думалоқ, чанг босган кўзгудан отнинг хира аксига назар ташлади. Ҳатто озгина пинакдан ҳам енгил тортишини Лёха тажрибадан билади. Баъзида, умуман, дам олишга эҳтиёж ҳам бўлмасди. Ҳам ичарди, ҳам ишларди. Лекин мана бир йилдирки, қанча ичмасин, Лёха ярим тунда тўсатдан уйғониб кетади. Бу ўша кундан, Лёха Шувалов ўрмонидан ёғоч билан қайтиб келаётиб, самосвал ағдарилиб кетган кундан бошланганди. Машинани қайта таъмир қилишга юборишди, Лёханинг ўзи эса ҳеч ери синмаган бўлса ҳам, икки ҳафтагача нафаси сиқиб, йўталиб юрди.

Кўрқув уни уйғотиб юборишини Лёха ҳали ҳеч кимга айтган эмас. У уйғонганида устидан алвастидай босиб турган бир нарса аста сирғалиб тушгандай бўлади. Юраги совуқ ура бошлайди, кўкрагини қисиб турган нарса ҳалеганда арийвермайди. Ҳалиги алвастидай нарса эса бутунлай кетмай, қоронғиликда пойлаб тураверади. Кўрқув Лёхани исканжасига олиб, кўзларининг пахтаси чиққанча зулматга узоқ тикилиб ётарди.

Ёки бундай бўларди: бутун вужуди билан ёқимсиз чуқурликни ҳис этганча, у тубсиз қулуқ қаърига қулаётгандек бўлади. У йиқилаётиб тепага қараганда нигоҳи тобора кичрайиб бораётган бир парча осмонни зўрға илгарди.

Сўнгги вақтларда кечаси йўлга чиқадиган бўлса, Лёха флягасини олиб юрадиган бўлганди, чанқаганда ҳўплаб-ҳўплаб қўярди. Бу қисман ёрдам берарди, лекин бурчакда секин қўшиқ эшитила бошларди. Овозларга қараганда қизлар куйларди, ёқимли қўшиқ узоқ чўзиларди.

Бир вақтлар, Лёха ҳали ҳунар мактабида ўқиб юрганда отасининг қизлар қўшиқни яхши айтишадими, деб берган саволидан ҳайрон қоларди. Лёха қийқириқларга қулоқ солганча, тиқ этган товушдан чўшиб ярим тунгача қўшиқ айтилишини пойлаб ётаверарди, лекин беҳуда. Эндиликда Лёха ўша вақтда отасига шунақа туюлганини биларди. Отаси куч-қувватга тўла паллаларида, дурадгор эмасми, тек ўтирмасди, ниманидир қуради, ниманидир бузарди. Уй куриллаётган



жойда ичиш-ейишдан танқислик бўлмасди. Кўпроқ ичишарди. Уйга келиб отаси ярим ҳазил-ярим чин қилиб, ҳалимхона у ёқда, зикрхона бу ёқда, деб кўйгувчи эди. Лёхани ёнига ўтказиб унга ҳам қуяр, то тугамагунча ичишарди. Бора-бора бу одатга айланиб қолди. Лёха доим тараллабедод қилиб юрарди. Шу тариқа йиллар давомида унда қора кучлар ортандан-ортиб борди. Балки, бу унинг билиб туриб ўзини билмасликка солишидан ё қўрққанидан бўлса керак. Лёха ҳамон аввалгидек кўп ва ҳўп ичар, ўзини меҳмондорчиликларда йигитдек тутарди. Шундан бўлса керак, мана, ёши қирққа етибдики, ҳамманинг назарида у ҳамон йигитлигича қолиб келаяпти.

Ҳозир рулда ўтираркан, Лёха ўзига ачиниб кетди, кўзига ёш қалқиб, ёруғликка қарашга халақит бераётганди. У бир зум рулни кўйиб юбориб, кафтлари билан юзини артди. Машина бирдан қайрилиб, чап борти бир нимага қаттиқ урилгандек бўлди.

Лёха тормозни босди. Грахов мункиб, ўзини олд ойнага уриб олди.

— Ухляяпсизми? — сўради у оғриқдан юзини буриштириб. — Камроқ ичиш керак эди.

— Оғзинга қараб гапир, — деди унга Лёха. — Ухлаганинга сен ҳам ҳеч балони билмайсан.

Самосвал жавдарзорда турарди. Грахов кабинадан чиқди-да, отга яқин борди. От тек қотиб тураркан, кўкимтир қорачиқлари ичида олдинги сабр-тоқатдан асар ҳам сезилмасди. Шишган лабининг лат еган жойидан қалин чанг қатламини ёриб қон сизарди.

Грахов шошмай чилвирни ечди ва орқаси билан отни тўсиб, тиши орасидан деди:

— Ўзингиз кетаверинг.

— Аввал ўйлаб кўр, — мунгли минғирлади Лёха.

— Мен ўйлаб бўлдим, — деди Грахов, — сиз ҳам ўйлаб кўринг. Агар ўйлайдиган нарса бўлса.

— Анавини қаранглар, — бутун вужуди билан силкинди Лёха, у залворли мушти билан кабинага бир уриб кўйди. — Сосенковогача яёв юриб бора қол. Тоза ҳавога тўйиб оласан. Йўқса, кабинетларнинг ҳавоси жудаям бижғиб кетган.

Самосвал жавдазордан чиқиб, йўлдан тарақ-туруқ қилиб юриб кетди. Грахов орқадан беихтиёр чилвирни тортди. Туёқлари юмшоқ ерда из солганча от унга эргашиди. Грахов суюниб кетди. У самосвал ортидан кўтарилган оппоқ тўзонга тикилиб қараркан, негадир, ишқилиб, Лёха қир ортидан изига қайтиб келиб қолмасин-да, дея хавотирлана бошлади. Узича Лёхага ўчакишиб, заводгача яёв боришга қатъий аҳд қилди.

Бир кун давомида у биринчи марта атрофга шодон ва ҳайрат билан разм сола бошлади. Гарчи, жазирама қайтган бўлса-да, куёш ҳамон далани ёрқин нурига чулғамоқда эди. Узоқ-узоқлардан мудроқ босган ҳаккам-дуккам дарахтлар, кичик-кичик тепаликлар кўринарди. Енгил шабада туриб, жавдарнинг маъсум ҳидини димоққа урарди.

Грахов чуқур хўрсинди. Боши айланиб, кўзи тинди, шу пайт нигоҳи катта харсанг устида ўтирган полапонга тушди. Ўзи ола-була, думини ликиллатган бундай қушни у илгари сира кўрмаганди. Балки талабалик чоғида китобда кўрган бўлса ҳам энди унутиб, эсига келтиролмаётганди. Думини дадиллик билан силкитаётган полапонни яхшилаб кўриб олиш учун Грахов одимини секинлатди. От унга етиб келиб, худди эрқалангандек юзи билан елкасига аста нуқиб кўйди. Грахов эҳтиётсизлик қилиб, қоқилиб тушди ва кўли билан отнинг майин бўйнидан ушлаб қолди.

Фаворит Граховнинг қалби юмшаганини сезган заҳоти ўзидаги кескинлик ҳам йўқолганди. Самосвал уларни қолдириб кетганини кўриб, у ёнида бирга келаётган одам уни, Фаворитни деб анови, кетиб қолган одам билан айтишиб қолганини тушунганди. Темир уловдан уни мана бу одам ечиб олиб, яхшилик қилди. Худди тетапоя бўлгандек, Фаворит ҳар бир қадамани ерга аниқ ва эҳтиёткорлик билан қўярди.

Самосвал ортидан йўртавериб унинг бутунлай силласи қуриб кетганидан, энди ҳар бир босган одими унга ҳузур бахш этаётганди.

Жимжит даладан икки жон — от билан одам — ана шу тариқа келиб борарди. Тепадан инаётган баҳор офтоби иккаласини бирдек нурга кўмар, майин шабада иккаласини бирдек ёқимли елпир эди. Қир ортидан ўзининг жозибадор сувини кўз-кўз қилганча кўм-кўк сувлоқ пайдо бўлганда, иккаласи ҳам бирдан енгил тортиб, жадал юриб кетишди.

Биринчи қирдан ошиб ўтгач, Лёха изига қайтмоқчи бўлди-ю, лекин фикири ўзгарди. Иккинчи қирдан кейин дарё келишини, Кислянка эмас, эски анҳор оқишини у биларди. Уша ерда от билан Граховни кутиб ўтириш маъкул туюлди. Сув Лёхани ўзига тортмоқда эди. Ҳали меҳмонда балиқ ҳақида бежиз сўз очмаганди-да, уни жонни койитмай балиқ тутишнинг янги воситаси бор эди, ўшани синаб кўриш учун бундан яхши фурсат бўлармиди. Бир вақтлар Лёха тўр билан ҳам, карахт қилиш йўли билан ҳам роса балиқ овлаганди. Ҳаммаси жонга тегди. Ҳозир ўриндиғи тагида жез банкада алламбало дориси бор... Унинг қандай таъсир қилишини у ҳали синаб кўрганича йўқ.

У самосвални мўъжазгина қиялик олдида тўхтатиб, кабинадан чиқди-да, атрофга разм солди. Анҳор буралиб-буралиб унда-мунда майда буталар ўсган ўнқир-чўнқир ўтлоқзор ичига кириб кетганди. Сув четларида майда мавжлар жимжима қилар, қамишларга бориб урилганча кўздан йўқолар ва ундан нарида қорамтир сув унсиз оқар эди. «Балиқ шу ерда», деди ўзича Лёха, лекин одатда бу пайтдаги балиқлар озғин бўлади. Ейиш учун балиқ тутгани эмас, азбаройи тажриба учун Лёха енг шимариб ишга киришиб кетди.

Ўриндиқ тагидан банкани олди-да, қопқоғини очди, бирдан нафаси бўғилди: сарғиш тутун юзига урди. Лёха йўталди, банкандан жигарранг тусли докага ўралган зўлдирни чиқарди. Зўлдир кафтидан думалаб ерга тушди. Унинг атрофидаги майсалар зумда сарғайиб, сўлиб қолди. Гўё зўлдир ҳозироқ портлаб кетадигандек Лёха ортга чекинди.

Тепаликдан Грахов билан от кўриниши биланоқ у суюниб кетди. Лёха аста дўнгликка чўкди, одоб юзасидан бошини эгиб олди, бироқ Грахов билан отни зимдан кузатар экан, бекорга саросимага тушганини англади. Уни умуман сезишмаганди. Лёха аввалига ҳайрон бўлди, сўнг от билан одамнинг бақамти келаётганига қараб туриб, гўё иккаласи ҳам бир нарсани ўйлаётгандек туюлиб, кўрқиб кетди.

— Бу ёққа, ҳой йигитлар! — худди ёрдамга чақираётгандек имлади Лёха ва ўрнидан туриб, уларга пешвоз чиқди. Грахов унга қаради-ю, индамай сал наридан қулай жой топишга тараддудланди. Шунда Лёха Граховга мурожаат қилиб, қўшиб қўйди: — Бўпти, хафа бўлма. Менга ўхшаган аҳмоқларни энди кўрмаётгандирсан?

Шу аснода у қўнғир тусга кирган зўлдирдан кўз узмай қараб турарди. Остидаги майсаларни кулга айлантган докали зўлдир энди тупроқни куйдирмоқда эди. Грахов чилвирни самосвалга боғлаб бўлгунча Лёха зўлдирга ипдан ҳалла дум ясаб, унга гайкача осиб қўйди. Грахов паришон ва жиддий қолда унга яқин келди. Ўт устида энди

турли узунликдаги дум тақилган учта зўлдир ётарди. Лёха хунарини кўрсатаётгани: ҳар бир зўлдирга томизғичдан бир-бир томчи ялтироқ суяқлик томизиб чиқди.

Зўлдирлар вишиллаб, шишганча кўк тусга кирмоқдайди. Лёха ўзини жиддий тутишга ҳаракат қилиб Граховга сим қоқиб қўйди. Грахов Лёхани кечирганини ҳам, хаёли бу ердами ё бошқа жойдами эканлигини ҳам билиб бўлмасди. Кўзи Лёхада-ю, аммо уни кўрмаётгани. Ҳатто Лёханинг йўғон бармоқлари ўтти тирмалаб, оқариб турган ипни тутолмай кулгили аҳволга тушса ҳам, у лоақал жилмайиб қўймади. Лёханинг кулочкашлаётганини, гайкалар ҳавода жимирлаб, сувга шалоплаб тушганини томоша қилиб тураверди. Ишини тугатгач, Лёха резина баллонга дам бера бошлади.

Кейин у кафтини кўзига соябон қилганча, қирғоққа бориб турди. Тўсатдан узун бир нарса сувни ёриб чиқди — ям-яшил узун чўртанбалиқ ҳавога отилди ва саёзликка келиб тушди. Гўё сув қайнаётгандек биқир-биқир қиларди, яна иккита балиқ сакради-да, сувнинг ўртасига келиб оппоқ қорнини кўрсатганча тинчиб қолди. Кейин бирдан майда балиқча питирлашга тушди, оғзини каппа-каппа очиб нафас ола бошлади, у сув остига шўнғимоқчи бўларди-ю, лекин қандайдир куч уни юқорига кўтариб, бир ёнга ағдарарди. Сув юзи кучли ёмғир ёққандай шатир-шутир қиларди.

— Ошириб юборибман, — деди Лёха тупуриб. — Челакни бу ёққа ол.

У баллонни сувга тушириб, унга қорни билан ётиб олди, хўмрайганча балиқларни нигоҳи билан қамраб, санаб чиқишга ҳаракат қилди.

— Балиқлар қирилиб битган дейишади, — деди у, — билиш керак.

— Нима бало қилдингиз ўзи буни? — сўради Грахов.

— Биласанми ё жўрттага сўраяпсанми? — Лёха сув ўртасига сузиб борди.

Ҳақиқатанам Грахов билмасди, тўсатдан унинг ақли етди: ҳид қандайдир таниш эди, бироқ Грахов ҳар балиқ челакка шалоплаб тушганида ўзини йўқотганча бу ҳидни институтдаги кимё тажриба-хонасида ҳидлаганини дарров тушуниб етмади.

— Доридан кўп керак бўлар эканми? — қичқирди Грахов балиқларнинг ўлимолди шалоплашини камроқ эшитиш учун. — Қанча миқдорда?

— Сиз олимлар барчангиз худо урган одамсизлар, — завқ-шавқ билан гапирди Лёха. — Ҳар балони ихтиро қиласизлару ундан фойдаланишга келганда каллангиз ишламайди. Тўғри, бунинг учун ихтиро қилмайсизлар, бу нарса билан зараркундаларни қиришади, яъни турли ҳашаротларни. — У кафтида балиқни салмоқлаб кўрар, сўнг челакка итқитарди. — Мен эса мудрамайман, бош қотираман, укажон. Алдамайман, мен бу сабил қолгурни синаётганим йўқ. Ўтган кузда иккитасини кўлга туширгандим, лекин ёрилиб кетганди. Аканг карағай эса ўзи ўйлаб топади-ю, ўзи бир чақалик наф кўрмайди.

— Агар ҳозир бизни кўлга туширишса-чи? — таъвишли оҳангда деди Грахов.

— Балиқчилик назоратими? Кулаяпсанми? Худо ўзи ёр, ўзи меҳрибон. Гувоҳ йўқ, от ҳисобга кирмайди.

Бир ўзи қолган Фаворит қирғоқдан уч қадам нарида бир култум сувга зор турарди. Уни шамол эсадиган томонга боғлаб қўйилганидан мотор ҳиди димоғига урмоқда эди. Фаворит самосвал ёнида мокидек нари бориб, бери келиб капот устидан бўйнини чўзди. Лёха худди шу пайтда балиқни челакка итқитди, калта кўллари билан бошқасини тутиб олди, уни сувдан кўтариб қаради ва майда деб ўйлади шекилли,

уни ташлаб, учинчисини мўлжаллай бошлади. Вақти-вақти билан дарё биқирлаб қайнар, ундан карахт балиқлар отилиб чиқарди. Бирпас жимликдан сўнг, яна биқирлаш бошланарди, мавжлар кенгайиб бориб ёш қамишларни чайқатарди. Фаворит одамлар эшитолмайдиган нарсани эшитиб турарди — бу балиқ ноласи эди.

Саёзликка яқин жойда ётган чўртанбалиқ барчасидан қаттиқроқ қичқирарди. Энсиз манглайи офтобда куриб қорайди, ирғиб чиққан кўзларини кулранг парда қоплади, балиқ ҳали тирик эди.

Грахов ҳалидан бери унга қараб турарди, йирик балиқнинг кўриниши унинг кўнглига пинҳоний кутку солаётганди — осон ўлжа кўзни ўйнатгудек эди-да, ўзиям. Оғир сўхтани танлаб олди-да, у майда қадамлар билан пастга тушди. Эҳтиёткорлик билан чўртанбалиқнинг орқа томонига ўтди ва зарб билан урди.

Ҳавода муздек қон ҳиди анқиб, Фаворит чўчиб тушди. Машина ортига ўтиб, у эски ўзанининг этагига кўз тикди. У ерда бахмалдай текис ўтлоқзор ястаниб ётарди, ўтлоқ қия тепалиқдан то мовий ўрмонгача чўзилган. Бир вақт Фаворит ўрмондан беш-олтита нуқта ажралиб чиқиб, аста шу томон келаётганини кўриб қолди. Йилқилар!

Фаворитнинг қанчалик қувонганини одамлардан биронтаси ҳам пайқамасди.

— Ҳа-а! — Граховнинг зарбасига қойил қолиб деди Лёха. — Оббо шоввоз-ей!

Улган балиқни Грахов қирғоққа олиб чиқди ва авайлаб майса устига қўйди.

— Ўтин келтир! — қичқирди Лёха. — Қиёмат балиқ шўрва бўлади.

У кўли билан балиқни сув юзидаги муз парчасидек суриб қирғоққа сузиб келди. Майда балиқлар ҳамон кўрқиб типирчилар, бироқ йирик балиқ энди қилт этмасди.

Грахов атрофга боқди. Анҳор бўйлари ва теварақларда баҳорги тароват унчалик сезилмасди. Тутаб ётган ахлатлар ҳаммаёқни тутиб кетганди. Грахов аввал гулханларни бир-бир айланиб чиқди, далаларни, яшик тахталарини олиб келиб машина ёнига тахлади. Фаворитнинг унга илтижолу қараб турганини пайқайди-да, бирпас сабр қил, дегандай бош ирғаб қўйиб, яна нари кетди. У буруқсаб ёнаётган кекса мажнунтол олдига борди. Олов дарахтни ичидан ёндириб тепага чиқарди. Ҳали ҳам шохда илиниб турган қип-қизил қовжироқ япроқлар шамолда шитир-шитир қиларди. Бироқ мажнунтол куриб қолган бўлишига қарамай, ҳали мустаҳкам турарди. Занглаган банкларни у ёқ-бу ёққа отиб, Грахов Фаворитга жой ҳозирлай бошлади.

Лёха бирпасда гулхан ёқди, дум-думалоқ елкасини оловга тутиб, балиқларни саралай кетди. Энг йирикларини ўйлаб-нетиб ўтирмай, қамишлар орасига итқитарди. Грахов қаламини жадаллатди, у атайлаб тап-туп қилиб юриб келаётганди. Лёха ҳам унга эшиттириб деди:

— Йирикларини қара, шу заҳоти ўлиб қолаяпти. Заҳарнинг кучи бу. Йирикларини овқатга солиш учун содали эритма керак. Шу эсимдан чиқибди. Уч фоиз сода, қолгани сув. Кўриб-ўрганиб олим бўлар экансан-да...

Грахов ечинди, Фаворитни бўшатди-да, тушишга қулайроқ жой қидириб, қирғоқдан етаклаб кетди. Фаворит куйган мажнунтол ортидан сирғаниб анҳорга тушди-да, шу заҳоти тумшугини муздек сувга тикди. Грахов базўр унга етишиб келарди.

— Менга қара, — товуш берди Лёха қирғоқдан, — дори ташлаган ерга сузиб боргин. Йирик балиқларни қамиш ичига ирғит! Шу томонга қараб келишяпти...

Иккита машина — «Волга» билан «Москвич» мажнунтол ортига ўтиб, тўхтади. Лёха ҳар бир машинани диққат билан нигоҳидан ўтказиб, кейин бемаврид келганлар ким экан деб, пойлаб турди. Жами тўрт жуфт ёшлар тушишди. То Лёха улардан қўрқиш керакми, йўқлигини фаҳмлаунича, улар ечиниб, чўмилиш кийимини кийиб олишди. Лёха қизларни фарқлаёлмади, нимагадир унинг барчаси бир-бирига ўхшарди, фақат йигитларгина бўйлари ва товушлари билан бир-бирларидан фарқ қилиб турарди. Йигит ва қизларнинг бир жон-бир тан бўлиб бегона жойга бу қадар тез мослашувларини кўриб, Лёха ҳайрон қолди.

Радиоприёмник янгради, гулхан чарсиллади, идишлар тарақлади. Барчалари ишчан, чаққон ҳаракат қилишарди.

Лёха гулхан ёнига хотиржам чўзилди. Аста хуштак чалиб, кўли билан Граховга ишора қилди: ҳаммаси жойида.

Грахов панжасига ўралган жиловни бўшатди. Фаворит енгил тортиб, гўё тоза ҳаводан нафас олмоқчи бўлгандек, нари кетди. Грахов қўрқиб унинг чанг босган гадир-будир бўйнига ёпишиб олди, отнинг мушаклари сув мавжларига кўшилиб, дир-дир титраётганини ҳис этиб турарди. Нарироққа сузиб бориб Фаворит икки марта узун пишқирди, юришини секинлатиб, қамишлар орасидаги балиқларнинг сокин хўрсинишларига қулоқ сола бошлади.

Қирғоқдан кўтарилган оғир, қуюқ тутун Грахов билан Фаворитнинг ортидан сояма-соя қувиб келмоқда эди. От тоза ҳавога интилди, бироқ отни қўлдан чиқариб юборишдан қўрққан Грахов уни қирғоқ томонга қараб бурди. Саёзликда нафасларини ростлашди, иккаласи ҳам сувни ташлаб кетишга кўзи қиймай туриб қолди — сув ҳаводан кўра илиқроқ эди. Лёха тутун орасидан кўринишини пойлаб, Грахов сўради:

— Совун борми?

— Йўқ, — деди Лёха яна тутун ичида ғойиб бўлиб.

Грахов ширали мажнунтол новдаларидан юлиб олди-да, отнинг биқинини ишқалай кетди. Новдалар юнгга илашмай, сирғаниб кетаверди, шунда унинг ҳафсаласи пир бўлиб, новдаларни итқитиб юборди.

Улфатларидан ажралиб чиққан икки қиз қирғоқдан юриб келарди. Офтобда хўп тоб еган бақувват ва гуч оёқлар майса устида далил одимларди.

Балки шулар ёрдам берар, деган умидда Грахов уларни чақирриш учун баҳона қидирди. Сўнг ўйлаб қолди. Грахов уларнинг силлик қиёфаларида, хира кўзларида кишини таҳқирловчи бир нима бордек ҳис этди, бу юракни муздек қилиб юборувчи совуқлик эканини, бу совуқлик энди унинг ҳам вужудини қамраб олганини Грахов тўсатдан англаб қолди, ёнида гўё ҳеч қандай жонли мавжудот йўқдай, ўзинигина кўриб тургандай бир кайфиятга тушиб қолганди у. Қизлар унинг ёнидан ошкора лоқайдлик билан ўтиб боришар экан, кўзлари ҳар қанча чиройли, мафтункор бўлмасин, сиртига сув юқтирмасликка ҳаракат қилаётганларидан Грахов ғалати бўлиб кетди.

Шунга қарамай у юрак ютиб сўради:

— Кечирасизлар, сизларда совун йўқми?

Қизлардан бири тўхтади, иккинчиси эса, гўё беадаб сўз эшитгандай, қиё ҳам боқмай йўлида давом этди. Тўхтаган қиз эса соддароқ эди, бироқ у ҳам Граховга ижирганиб қараб кўяркан, деди:

— Бизда фақат шампунь бор.

— Шампунми. Менга сотинлар. Отни ювинтирмоқчи эдим.

Бу гап қизга қизиқ туюлди: тез-тез юриб дугонасига етиб олди, самосвал олдига келиб қолган қизнинг кўзи қамишлар орасидаги балиқларга тушди.

— Шунча балиқ қаёқдан келиб қолди? — қизиқсинди у. Сўнг Граховга ўтирилди: — Бу қанақа балиқлар биласизми?

— Ухлаб қолган, — истамайгина жавоб берди Грахов. — Гербицидлардан. Заҳарли кимёвий дорилар сепгувчи самолёт учиб ўтганди.

Худди витрина ёнида тургандек, қизлар бир жойда туриб қолишди. Нархини суриштиргандек, улар астойдил мулоҳаза юрита бошлашди, шунда улардан бири бармоғи билан сувда оқариб кўриниб турган балиқ уюмига ишора қилиб сўради:

— Улар ейишга яроқлими?

— Нега яроқли бўлмасакан? — деди Грахов ҳамон авзойини ўзгартирмай. — Биз улардан балиқ шўрва пиширяпмиз.

— Бизга ҳам олиб беринг, — таклиф қилди нариги қиз. — Биз сизга шампунь берамиз.

Шампунь эвазига балиқлар олдига сузиб бориш даркорлигини ҳатто Фаворит ҳам англади. Грахов уни ўша томонга унлаган эди, Фаворит шамол ва тўлқинлар ҳамма балиқни суриб келтирган қамишзор томон итоаткорлик билан юриб кетди.

Грахов бир қўли билан отнинг бўйнидан кучоқлаб олди ва иккинчи қўли билан балиқларни битта-битталаб қирғоққа итқита бошлади. Қанча итқитганини санагани ҳам йўқ. Сўнг эвазига шампунни кута бошлади. Шампунни бир йигит келтирди. Пастга тушиб, флаконни узатаркан, Граховдан сўради:

— Зўлдирлардан яна борми сизларда? Кўнгилочар учун.

— Қанақа зўлдир? — тушунмади Грахов.

— Балиқларни қарахт қиладиган-да.

Грахов беихтиёр уни синчков кузатди, йигит хушқомаг, кўзлари самимий ва чарақлаган эди. Грахов жилмайди.

— Биз уларни гулханга қўямиз, ўтин йўқ, — деди у.

Ҳазил сал бўлмаса зилга айланаёзди, калака бўлганини сезган йигитнинг киприклари пир-пир қилаётганини кўрган Грахов бурилли-да, Фаворитни сув ўртасига ҳайлади.

Орқадан иккинчи йигитнинг: «Эшагини ювар эканми?» деган овози қулоғига чалинди.

Улар қаҳ-қаҳ уриб қулишар, Грахов нимани ювади ва унинг ўзи ким, деб муҳокама қилишарди. Грахов қайрилиб қарагани йўқ, кўп ўтмай уни унутиб юборишди ҳам, ҳатто икки-уч марта чақирган Лёхадан ҳам энди акс-садо келмаётганди.

Грахов отни ўзи кутмаган бир ҳавас билан ювмоқда эди, ювган сайин ўзининг вужудидаги иллатлар ариб, тобора енгилроқ нафас олаётганди. Кечки осмон узра ёрқин шафақ ёйилмоқда эди. Чор-атрофдан оқшом олди сукунати бостириб кела бошлаганди. Куёш аввалгидек чарақламас, унинг хира нури қамишнинг ўткир найзалари акс этган сувга тушмоқда эди.

Мана шу сокинлик қўйнида фақат ёшларнинг даврасидагина қувноқ хандалар ва гала-говур янграрди. Гўё бошқа жойдаги сукунат аламини бу ердан олаётгандай.

Иккала енгил машинанинг радиоприёмникларидан бир хил мусиқа таралар, рақс тушаётган бужтликлар ўзларини ҳар томонга ташлашар, туртинишар, овозлари борица хаҳолаб қулишарди.

Граховнинг бадани жунжиқди. У сувдан чиқиб баданига ёпишган трусигида ўзини кўпол ва кулгили ҳис этди. Шошиб отни қирғоққа олиб чиқди-да, мажнунтолга боғлаб қўйиб, гулханга қараб чопди.

Лёханинг арақни ичиб бўлгани, балиқ шўрвага ҳам тўйиб олгани кўрини турарди. У чалқанча ётаркан, кўзларини очмай, афтидан, ўзи учун қўйилган стаканни узатаётди деди:

— Нега бунча узоқ қолиб кетдинг? Йўлга чиқайлик, деб қанча чақирдим.

Грахов стаканни олди ва ўйлаб-нетиб ўтирмасдан арақни ерга тўки ташламоқчи бўлди. Бироқ Лёханинг оппоқ қорнини силкитиб ўрнидан туриб кетиши ва қизарган кўзлари гина ва хафаликдан олайиб кетишини кўз олдига келтирдию жанжал чиқишидан кўрқиб стаканни оғзига олиб борди. Яна ичишга нўноқлик қилди: арақ томоғига тикилиб йўталди, шошиб қошиқда челақдаги шўрвадан ичаман деб, оғзини куйдириб олди.

Тўсатдан чўккан жимлик Граховни бурилиб қарашга мажбур этди. Қайфи ошиб, иссиқ кулга ўтирди, йигит ва қизлар кимга қарашаётганини ҳадеганда фаҳмлаёлмади.

Ёшлар Фаворитни томоша қилишаётганди. Фаворит самбиттол тагида, бошини сув томонга буриб, ўзанинг нарёғидаги тилларанг-яшил ўлоқзорга қараганча тик турарди, у ёқда эса фақат ўзи учунгина рафику ҳамдам бўлган нарсага кўз тикар ва камон ўқидек таранг гавдаси билан ўша томонга учиб кетишга шай турарди. Ундан буғ кўтарилиб, бадани қуримоқда эди. Оёқларидан бошлаб кўтарилаётган буғ юқорига ўрлар, гавдасини чуллаган титроқ нур тарҳида бамисоли муаллақ тургандек туюларди.

Яна ўзини ноқулай ҳис қилганча, Грахов Фаворитни илк бора кўргандек, суқланиб томоша қила бошлади. От ҳамон кулоқларини чимирганча қилт этмай турар, кулоғига фақат ўзи учунгина қадрдон бўлган овозлар чалинарди.

Узоқдаги яйловда Фаворит мўъжазгина йилқи уюрини кўриб қолганди. Сағри ва елкалари элас-элас йилтираганча отлар сойликлар ичидан гоҳ кўриниб, гоҳ кўздан йўқоларкан, уни ўзлари томон унсиз чорлаётгандай бўларди. Унинг кулоғига ҳали туёқлар дупури ҳам, кишнаш овози ҳам етиб келганича йўқ эди, бироқ у чақирикни эшитди — бу унинг томирида жўшиб оқаётган қон садоси эди, йилқилар томон уни ўқдай учишга шай қилиб қўйган ҳам қоннинг даъвати эди. Бироқ бу қонда озгина ёввойилик бўлганда эди, ўткир тақаси билан жировини пирт этиб узарди-да, ҳеч нарсага қарамай телбаларча учиб кетган бўлар эди, аммо тоза, синовдан ўтган ўша қон уни тўхтадиб турарди.

Қачонлардир асов чоғларида у одамлардан узоққа қочиб, далама-дала роса дайдири эди, чарчаб, ҳолдан тойгунча чопар, кейин заводга яна ўзи қайтиб келар эди. У на ҳадиксирашни ва на итоаткорликни биларди, одамларга, отларга ўргангандан кейин эса ёлғизлик бирдан жонига тегадиган бўлиб қолди, бир ўзи кенг дунёга сифмай қолар ва тезроқ кўпчилик бор жойга етиб олишга ошиқар эди.

Ҳозир у дайдилиқда кечган хатарли кунлар ва тунларни эслар экан, ҳайкалдай қотиб турганча кишнаб, одамларни безовта қилишни истамаётганди, икки кўзи силжиб келаётган йилқиларда эди. Кулоқларини чимириб, тўсатдан атроф сув қуйгандек жимжит бўлиб қолганини сезди. Ҳайкалдек қотиб турган қўйи у одамларнинг унга қадалган ҳайратли нигоҳлари баданини енгил куйдириб ўтаётгандек ҳис қилди-ю, галати бўлиб кетди. Бундай ҳолатга у

илгари ҳам бир тушган эди — пойга олдидан ёпқисини олиб қўйиб халойиқ олдида айлантирганларида хижолатдан ўзини қўйгани жой тополмай қолганди.

Граховнинг кўз олди ўзидан-ўзи қоронғилашиб кетди, мана шу ғаройиб ғира-ширалик ҳамма нарсани комига ютиб юборди-ю, бир отнинг ўзи қолди, гўё у бўм-бўш сайёранинг жон асари кўринмаётган кенгликлари орасидан чиқиб келувчи дастлабки инсонни илғаб олмоқчидай — ҳамон ўша томонга қараб турарди. Бу инсонни Грахов кўрди ҳам, аммо у ёлғиз эмасди, ёнида вафодорларча унинг қўлидан тутган бир қиз ҳам барабар қадам ташлаб келарди. Грахов ҳадеганда фарқлаёлмади... Зулмат тарқалди ва ҳамма нарса яна аввалгидек кўз ўнгида аслига қайтди — ёшларга, машиналарга, Лёхага бирдан жон кирди. Ҳали ўзига шампунь берган иккала қизга у обдан синчиклаб қараб олди. Назарида, уларнинг тинкаси қуриб, унча мақтагулик бўлмаган қадди-қомати шалвираб қолганди.

— Зўр, шайтон ургур, — деди гўё томошага якун ясамоқчидай Лёха.

— Биласизми, у афтидан тўшамасиз келганга ўхшайди, — шивирлаб деди Грахов.

— Тўғри, пайқамай қолибмиз, — деди Лёха худди мажлислагидек бағритошлик билан. — Бундан кейин йўл қўймаймиз.

— Қаерда ортамыз? — сўради Грахов.

— Кўприкда. У ерга машина билан бориш осон.

— Сафаримиз жуда чўзилиб кетди, — хўрсинди Грахов. — Кўзгалиш керак. Йўлнинг мазаси йўқ.

— Кўрқма. Ўзимни ўнглаб олдим.

— Мен ўзимдан хавотирланаётганим йўқ.

— Шиша эмаски, синади, деб кўрқсанг.

Оғир тортиб кетган Лёха чалқанчасига ётиб, кўзларини юмди. Грахов зерикиб, кулоқ сола бошлади: самбиттол орқасидаги ёшлар ҳам от тўғрисида гапиришаётган эди.

— Наполеоннинг Маренго деган оти бўлган экан, буни ҳамма билади. Александр Македонский отининг лақаби нима эди, ким билади буни?

— Дон Кихотники-чи?

— Бу латифа. Бир талабадан имтиҳонда Ренессанс нима дегани, деб сўрашган экан.

— У нима деб жавоб берибди?

— Дон Кихотнинг оти-да, дебди у.

— Бундан чиқди, Македонский отининг лақабини билмас экансизлар-да? Ҳаммангизга минус икки. Эслаб қолинг! Бу-це-фал.

— Нима, Қувноқ Кайфият Клубими бу ер сенга?

— Санчо Пансонинг оти қанақа эди, болалар?

— Унинг оти йўқ эди, эшаги бор эди.

— Қизиқ, мана бу отнинг оти нима бўлса?

— Отнинг оти бўлмайди, лақаби бўлади.

— Хўп лақаби нима? Анови дароздан сўраб кўринглар-чи, афтидан, у чавандоз бўлса керак.

— Чавандоз эмас, Дон Кихот деганлари шу бўлади.

— Анови-чи? Самосвалдаги Санчоми? Қойил!

— Улар сизларга парво ҳам қилишгани йўқ. От ҳам.

Фаворит, энди энсиз туманли жарлик ёқасидан кетиб бораётган йилқиларни кузатарди. Тушовланган отларнинг бир маромдаги сакраб ташлаган одимлари, ўқтин-ўқтин пишқиришлари ўша ёқдан шу ергача



бемалол эшитилиб турарди. Вужуди қулоққа айланган Фаворит занжирбанд оғайнисига ёрдамга шайлангандек олдинга интилди. Йилқилар яйловдаги бир парча ботқоқни айланиб ўтиб, буталар орасига кириб ғойиб бўлганда Фаворит аянчли кишнаб юборди. Сўнг жавоб кутиб жим қолди, бироқ яйловдан акс-садо чиқмади. Фақат ўзаннинг хув аллақадеридан бақаларнинг вақ-вақигина қулоққа чалинарди. Сўнгра енгил шабада эди-да, ҳаводан йилқиларнинг ачимсиқ ҳиди димоққа келиб урилди.

Шундагина нафаслари ичига тушган ёшлар ичидан бири тилга кириб деди:

- Қантарилиб қолди. Бир-икки давра айланиб келса бўларди.
- Сенга ўхшаган бир кўтарим гўштни кўтарибми?
- Қизиқ, унинг эгари бормикан?
- Эгар ёрдам бермайди.
- Эгарсиз унда бир қадам ҳам юролмайсан.
- Ёмон чавандозга доим бир нарса ёқмайди. Тўғри тоқдимми,

қизлар?

— Мен ҳам шундоқ чопаверардим. Фақат рухсат беришса бўлгани эди, — буюк фотиҳлар отининг лақабини биладиган йигитча баттар ҳаваси келиб деди. — Мен сизларга отда юришнинг энг-энг олий намунасини кўрсатардим. Марҳамат, пъяффе... Мана буниси эса пассаж...

Отни тасвирлар экан, йигитча тўрт оёқлаб юриш усулларини кўрсатарди.

Грахов сўзларни ҳам, кулгини ҳам эшитиб турар ва ўзи ҳам куларди: шўх бола экан. Бир вақт йигитча тўсатдан Фаворит томонга қараб чопиб қолди-ку. Тўс-тўполонда қаёққа кетаётганларини ҳам билмай, барчалари от ёнида пайдо бўлишди ва кимнингдир қўли тизгини тутди. Фаворит депсинди.

Грахов оёққа турди. Бироқ Лёха уни тиззасидан кучоқлаб, қайта жойига ўтқазди.

— Аралашма, — деди у, — ўзлари билишади.

— Улар отни чўчитишади, ечиб қўйиш керак, — деди Грахов юлқиниб. — Қўйиб юборинг.

— От ўзини эплайди, қўрқма, — деди Лёха.

Кейин у Граховни қўйиб юборди.

Ўзи эса сувга бўккан пахтадай фарвайганча юмшоқ оёқларини тагига босиб жойида ўтираверади. Унинг олдинги кескинлиги, баҳайбатлигидан асар ҳам қолмагани, кўзига ҳамма нарса арзимасдек бўлиб кўриниб, миттигина от ҳам энди одамлар каби ўзининг улуғворлигини йўқотгани. Ёшларнинг гала-ғовури, тортишувлари қулоғига кирарди-ю, лекин Граховнинг товуши эшитилмаётгани, шунда Лёха ҳеч гап бўлмаганини англади. Йигитларнинг кулишаётганини, уни бармоқ билан кўрсатишаётганини кўрди-ю, Лёха миясида ғалати бир шувиллаш ҳис этиб, бирдан ҳамма нарса аён бўлди-қолди. У ерда содир бўлаётган воқеанинг туб маъносини Лёха эндигина англаб етди: отни калака қилиш баробарида кимдир Лёхани ҳам мазах қилаётгани.

У ўрнидан турди ва сохт-сумбатини зўрга эплаганча юриб кетди.

— Оббо, кайфи тарақ вафодор Санчо-ей!...

Бу қичқирик Лёханинг нафсониятига тегиб кетди. У Санчонинг кимлигини эслолмади, балки унинг кимлигини билмас ҳам, бироқ бу исми бақриб айтганнинг овозидан шу нарсани фаҳмладики, бу

одам арзимас, ҳазилкаш ва умрида бировга мушт кўтармаган бир беозор одам. Лёхани кимгадир ўхшатишаётгани шундоқ кўриниб турарди.

Лёха отни ечиб улгурган Граховнинг олдига борди, нимагадир унинг юзига меҳрибонлик билан тикилиб, сочидан силаб қўйди, отнинг сағрисига шапатиллади ва сирли равишда деди:

— У билан бирга анави томонга сузиб ўт. Мен сизларга ўша ерда етиб оламан. Кўрқма, кийимингни олвол. Сузиб ўтавер...

Лёха нима учун уни нариги қирғоққа ҳайдаётганини Грахов тушунмади. Шундай бўлса ҳам сабабини суриштириб ўтирмади-да, отни етаклади, от яйраганча ўзини сувга отди.

— Ҳой, менга қара! — қичқирди Лёха ёшларга қараб. — Ярим минут муҳлат бераман сизларга. Жонинг ширин бўлса қочиб қол.

— ... Тўғри матн «от учун ярим тахт» эмас, балки «от учун ярим салтанат» деганини биласизларми ўзи? — Лёхага эътибор қилмай сўзида давом этарди қизикувчан ювош йигитча.

— Хўш, нега бизга ёпишиб олдингиз, отахон? — ниҳоят эринчоқлик билан деди йигитлардан бири. — Бориб ухласангиз-чи. Биз ҳам анавидан озроқ... Зўрға турибмиз.

— Бор-бор тошингни тер!

Ваъда қилган ярим минут ўтгандан кейин Лёха хотиржам тусда деди:

— Ҳозир мен сизларга шайтон арава қанақа бўлишини кўрсатиб кўяман!

Ишонмасанг кўриб қўй дегандек, у гулхан олдига бориб, ичида қолган балиқ шўрва бор пачоқ челақни олди ва самосвал томон йўналди.

Грахов энди буларни кўрмас ва гап-сўзларини ҳам эшитмасди. У отнинг бўйнига осилганча сузиб борар, кўз олдидаги ҳамма нарса унга қўшилиб сузарди гўё. У кўтарилиб, қулайроқ ўрнашиб олди, бироқ кўнгли қаттиқ айниб ўқчиди, Грахов бир томонга оғиб кетди. Отнинг силлиқ елкасидан соғи билан сирғалиб тушиб кетаётган жойида ўзини бир амаллаб ўнглаб олди. Сув шалдирар, оёғига шапиллаб урилар, чайқатар эди. Изғиринли туман ичидан қамишлар кўзга ташлана бошлади, қирғоқ яқинлашиб қолганди. Бор кучини тўплаб, ортда қолган нариги қирғоққа қарамоқчи бўлиб, Грахов орқасига ўтирилди, бироқ ҳеч нарсани кўролмади. Қулоғига фақатгина ёшларнинг паст-баланд овозларию моторнинг гувиллаши аранг чалинарди.

Нимагадир Граховнинг кулгиси қистади, кайфияти кўтарилди, лекин кулги баттар силласини қуритди. Кейин бир лаҳзадаёқ ашпақандай кўркув ҳисси пайдо бўлди-ю, Грахов отни қўйиб юборди, кейин эса уни ушлай олмади. Сув тубига етмоқчи бўлгандай оёғини чўзди, боши билан шўнғиб кетди, сувнинг анчайин чуқурлигини, оёқлари совуқдан карахт бўлиб қолаётганини ҳис қилди. У типирчилай бошлади.

Оғзига сув кирди, иккинчи қултумдаёқ тикилиб қолди, қичқиргани билан энди фойдаси ҳам йўқ эди — сув уни кўмиб юборганди.

Сувдан бошқа таянч тополмай қўллари жон аччиғида ён-атрофига чўзилди. Бирдан совуқ қотган титроқ қўли қалин ва қаттиқ юнгга бориб текканда Граховнинг нафаси бўғилиб, ҳушидан жудо бўлганди. Бармоқлари юнгни ўз-ўзидан чангаллаб олди, бироқ Грахов бунини ҳис этмаётганди.

У узоқ ётди. Бошининг юмалоқ ҳам, қаттиқ ҳам эмаслиги, балки чег-чегарасиз зулматдан иборатлиги уни даҳшатга солганди, фақат нинанинг учидеккина сақланиб қолган тириклик чўғи аста-секинлик билан вужудига илиқлик таратаётганди. Бир оздан кейин у ўзининг борлигини ҳис қила бошлади, бироқ қўл ва оёқларини ҳаракатлантиришга ҳали ошиқмаётганди.

Кўксида пайдо бўлган ҳаёт мавжлари илиқлик бахшида этиб, бутун вужудини чулғаб ола бошлади. Унинг остидаги майсалар ҳам илиқлашиб, қорни ва оёқларига ёпишар, Грахов миннатдорона бир алпозда билинар-билинемас унга суйканарди. Энди сув эмас, уни шодлик бўға бошлаганди. Сўнгра ҳаяжон ўрнини ваҳима эгаллади: тўрт мучали соғмикан?

Ниҳоят у батамом ўзига келди — аъзойи бадани бус-бутун, ақл-хуши жойида, бирон жойи лат ҳам емаган, зарарланмаган ҳам. Бу сафар ажал у билан ҳазиллашди, холос, ажал ўз йўлига қараб кетди ва у омон қолди, одатдаги ҳолатига қайтиб, мияси ишлай бошлади. Ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра, деганлари ҳаққаст рост экан, бироқ инсон энг аввало ўзини ажал гирдобига итқитиши мумкин бўлган ўй-фикрлардан йироқ бўлиши керак экан. Энди, ҳеч қандай баҳонага ўрин қолмаган бир пайтда Грахов илгари ҳам худди шундай ўйларга мубтало бўлганини тан олди.

Бунинг ростлигига шубҳа қилмаган ҳолда, унинг вужудини шундай бир ширин туйғу чулғадики, кўз олдига бир ўзи эмас, унинг тинчлик-хотиржамлигини зийраклик ва вафодорлик билан сақлаб қолиши мумкин бўлган аёл иккаласи ётадиган ўрин келди, энди унинг имони шу нарсага комил эдики, бу аёл — Светлана.

У чалқанчасига айланиб ётди-да, совуқ, тубсиз осмонга тикилди. У ўрнидан турса бўлаверарди, бироқ нимагадир сувдан кўрқди: сув унинг оёғи тагида пинҳон эди. Ҳали ундан сув бутунлай ариб улгурмаганди, томоғида қулқуллаб турарди, меъдасидаги илиқ бир нарса ҳамон кўнглини оздираётганди. Чўкаётиб, хушини йўқотган лаҳзадан бери хотираси бўм-бўш, хувиллаб ётарди. Фақатгина майсани чангаллаган титроқ қўлига чинакам сезги қайта бошлаганди.

Грахов осмонга кулоқ солганча сергакланиб жимиб қолди — отнинг на пишқириши, на нафас олиши эшитиларди.

Фаворит анча вақтгача Грахов ёнидан кетмади. Инсон дастлабки нафасини олиб, шифобахш уйқудан уйғониб, енгил тортмагунча сабр қилиб турди.

Унга халақит бермаслик учун Фаворит ўтлоқзор ҳидини олиб, нари кетди ва тумшуғи билан ўтни чимдий бошлади.

Бадани ҳали бутунлай қуримагани учун унинг эти жимирламоқда эди. Ўтлоқзор ўртасида турганча бошини силкиб, ташвишли пишқирди, эркинликка чиқанини ҳис қилган захоти юраги ҳаққирди. Бирдан оёқлари ўзидан-ўзи ҳаракатга келиб Фаворит яйловда шамолдай елиб кетди — у йилқилар ўтлаб юрган жарликни мўлжаллаб югурди. Оёқларини бор бўйича кенг ташлаб, катта-катта одимлар билан чошиб борар экан, туёқлари остидан қушлар учиб, базўр жон сақлар эди. Отлар бамисоли унга мунтазирдек туришарди. Улар ўзлари томон тобора яқинлашиб келаётган нотаниш отга маҳлиё бўлганча тек қотиб қолишганди. Биронтаси жойидан қилт этмасди. Фаворит худди пойгадагидай сўнги масофани тўғри аллюр билан чошиб ўтди-да, ўн беш қадамлар нарида қоққан қозикдек туриб қолди.

Биринчи бўлиб кекса тўриқ ахта бошини чайқаб унга салом берди, кўкрагини ростлаб, осилган қорнини тортиб қўйди. Унинг ортидан бир той олдинга юриб чиқди, афтидан, у ёш йўлбошловчи эди. Ёшлигида уришқоқ бўлган Фаворит ҳозиргача ўзини тийиб юради — уришавериш жонига тегиб кетганди, бу сафар сулҳ билан келганини билдирмоқчидек, аста ўт чимдий бошлади. Одамлар уни қидириб, ҳализамон келиб қолишларини биларди, шунинг учун эркинлик дақиқаларидан унумли фойдаланиш лозим эди. У тасодифан топиб олган отлар ҳам ўткинчини давраларига олмасликлари аниқ эди. Ҳайдаб юбормасалар-да, қабул ҳам қилмасдилар, бегона минг қилса ҳам бегона-да. У бу қанақа от бўлдийкин, қаёқдан келиб қолдийкин, дея синчковлик билан қарашаётганини кўрди.

Улар учун Фаворит гўё осмондан тушганга ўхшарди. Меҳнатда абжағи чиққан отлар унинг аравага қўшилган ҳолатини тасаввур қила олишмаётганди.

Унга раҳми келгандек, ҳамда уни танҳолик азобидан халос этмоқчи бўлиб, бир қора бия аста яқин кела бошлади. Бия ёш, нозик, бадани силлиқ эди, унинг зотидагилар учун ғайритабиий туюлган ёллари балқиб турарди. У тумшугини нозу адо билан Фаворитга чўзди. Бундан жаҳди чиққан ёш йўлбошчи жойидан кўзгалиб, уни орқага қайтарди. Бошлиғи тишлаб олишидан чўчиган бия бир четга қочди. Йўлбошчи рашқдан тутаганча бияни таъқиб қилаётганини Фаворит диққат билан кузатиб турарди. Бирдан унинг ингичка, мустаҳкам оёқларидан ёлқин кўтарилиб, таранг мушакларини куйдириб ўтгандек бўлди. Пичоқдай кескир тақа тагидан бир парча майсали тупроқ ҳавога отилди.

Шу пайт шишадек тиниқ осмонни ларзага солиб автомобиль мотори овози янгради. Отлар бунга кўзда эътибор қилишгани йўқ. Фақат Фаворит маънос бош силкиб қўйди-да, бирпасгина уни эсларидан чиқариб, ташвишга тушган одамлар турган томонга қаради.

Нимаси биландир Лёханинг ўзига ўхшаб кетадиган йирик самосвал Граховга яқинлашиб келарди. Машинасини тўхтовсиз равишда бибиплатар экан, Лёха шўх куй чалаётгандек ўзида йўқ завқланарди. Машинани жуда яқинга олиб келиб тўхтади-да, ерга сакраб тушди.

— Саккизу ноль — менинг фойдамга, — ҳаяжон билан деди у. — Жуфтакни ростлаб қолишди!...

Грахов ҳеч нарса тушунмай, паст ва ҳазин оҳангда сўради:

— Отга кўзингиз тушмадимми?

— Нима? — негадир қувониб кетди Лёха. — У ёнингда эди-ку? Наҳотки, яшириб қўйган бўлсанг?

— Чўкиб кетдим, — деди Грахов. — Тўғриси айтсам, у мени сувдан чиқариб олди. Кейин кетиб қолганга ўхшайди.

— Э, оғайни, сен мени бунақа чўпчаклар билан лақиллатма, — чўзиб деди Лёха. — От уни қутқариб қолганмиш! Қочиб кетди десанг-чи!

— Узоққа кетмаган бўлса керак, — Лёханинг бақириб беришидан кўрқиб, тез-тез гапира бошлади Грахов. — У яхши тарбия олган.

— Эсинг жойдами? — ҳайрон бўлди Лёха. — Гўё у етимхона боласидай гапирасан-а. Тўғри, узоққа кетмайди. Биз сен билан учарлармиз. «Танкларимиз учар қушдайин...» Тур, чўкканинг ҳақидаги эртакни катта холангга бориб айтасан.

— Энди қачон етамиз? — Грахов туриб ўтирди ва осмонга қаради. Кип-қизил шафақ ичида қуёш олдингидай кўзни қамаштирмасди.

— Аллақачон етардик ҳам, — тез ва асабий деди Лёха. — Анови чол... Молчанов ишимнинг пачавасини чиқарди. Қайси йўлдан юришни

ўргат, деб ундан ким сўради ўзи? У бўлмаганда бетон йўлдан кетиб, аллақачон етган бўлардик. Лёхани билишмайди-да.

— У жўн одаммас, — деди Грахов. — Зиёли.

— Ўшами? — Лёха ҳатто титраб кетди. — Авомлар ичида энг авоми де! Бутун умр гўнган чиқмаган, отларнинг думини тозалаб ўтди-ку. Уйда нима бор, унинг? Тилла балиқчалар билан гуллардан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ходалардан харрак ясайди-да, икки четига қўйиб қўяди — текин томоша.

— Ундай бўлиш кимга насиб қилади, кимга йўқ, — деди Грахов эзгу хаёлларига яқун ясаган оҳангда. — Халққа келганда эса, ҳаммамиз ундан чиққанмиз.

— Ҳа, азалий ҳикмат шунақа, — деди Лёха Граховнинг ўзи билан худди тенгқуридай муомала қилаётганидан ҳам ҳайратланиб, ҳам роҳат қилиб. — Улардай бўлиш осон эмас. Улар тинч яшагани қўйишмайди. Эсимда, чол қаради дегунча — бор-йўқ гуноҳларингни бўйнингга олиб, тавба қилгинг келиб кетади... — Ортиқча гапириб юборганини сезган Лёха тил тишлаб қолди, лекин ўша заҳоти тинчланди: Грахов умуман эшитмаётгани.

Лёха уни елкасидан кучиб, кабинага олиб кирди. Грахов чайқаларди, Лёха эса ўзини базўр тутиб турарди. Шу туришида у бир ўлжани қўлга киритиб, иккинчисига шайланган овчига ўхшарди.

Хиргойи қилганча Лёха стартерни босди, мотор равон ўт олди, машина эски ўзан ёқалаб йўлга тушди. Улар қирғоқдаги ҳар бир ўнқир-чўнқирни, ҳар бир тиккайган бутани кўздан кечириб боришарди.

— Ажаб кун бўлди-да, — деди Лёха. — Иш ҳам...

— Ҳеч қачон шунча ичмагандим, Шавров, — энтикди Грахов.

— Ўрганиш керак.

Лёха самосвални кўкиш тол буталари устидан солди, хиёл жойидан кўтарилиб, қийқириққа ўхшаш овоз чиқарди — ана отлар! Машинанинг энли, тўмтоқ учи тўғри отлар устига бостириб борди. Отлар кўрқиб кетишди.

— Сен бўлсанг отлар йўқолиб кетяпти, деб обидийда қилиб юрибсан, — деди Лёха. — Қара.

— Барибирам ноёб топилдиққа айланишяпти, — деди Грахов ўзиникини маъқуллаб. — Сўнгги аборигенлар.

Фаворитни кўриб иккаласи ҳам суюниб кетди. От эса машинадан қочмай, у бир томонга бурилиб кетармикан ё мен томонга келармикан дегандай, бир жойда қараб турарди. Билибми-билмайми, ҳар қалай, қора бия унга тирғалиб олганди. Лёха уни ҳайдаб юбориш учун машинани тўғри унга томон йўналтирган эди, Фаворит эҳтиёткорлик билан бияни олға елдириб кетди.

— Қўлга тушдинг-а, жонивор, — деди Лёха.

— Унга тегманг, — қўли билан туртиб деди Грахов. — Кувиш эмас, тутиш керак.

— Уни эмас, анови ойимқизни мўлжалляяпман, — деди Лёха. — Бўлмаса отни туголмаймиз. Оббо нозанин-ей!

Машина уни эмас, бияни таъқиб қилаётганини Фаворит англади. У жаҳл билан бошини сарак-сарак қилиб, қолавер дегандай бияга тикилиб қаради. Бия ҳеч нарсани англамай, гувиллаган овоздан кучи борича қочмоқда эди. Машина уларни ҳамон қувиб борарди, Фаворит йирик одимлар билан чопишга тушди. Бия ҳам жадалроқ чопа бошлади, бироқ Фаворит унинг дам-бадам орқага қараётганини, нафаси етишмаётганини, чарчаётганини кўрди. У тўғрига қараб ўкдай учиб борарди, бирров ўнгтами ё сўлгами бурилса, машина таққа тўхташи

мумкинлигини у хаёлига ҳам келтирмаётганди. Уни қўлаб-қувватлаган, гамхўрлик кўрсатган ҳолда Фаворит ҳам бия билан бақамти югурмоқда эди.

Қаршида қинғир-қийшиқ бўлақларга бўлинган куёш гардиши тўқ-сарик тусда сакрар, бу ердаги пасқамликда музлай бошлаган тупроқ туёққа юмшоқ ва совуқ ботарди. Шу тариқа улар анча югуришди.

Отлар ортидан ўчакишиб югураётган темир машина ҳам охири тоб ташлаб юборди, пештахтасидаги қизил чироқча бир ўчиб-бир ёниб, «тревога» бера бошлади.

Лёха буни пайқамади. Қайтанга шўхлиги тутиб, қони жўшиб баттар авж олди. Икки кўзи биянинг чиройли қора елкаси, денгиздай кўпирган оппоқ ёли, олдинда ёй ўқидек учиб бораётган бир жуфт жисмда эди...

Отларга ёрдам бермоқчи бўлгандек, ерда ҳам бирданига думалоқ-думалоқ, палахса-палахса кесаклар кўрина бошлади. Машина уларга урилиб сакрар, учқун сачратиб пат-пат қилар, куйган резина ҳиди димоқни ачиштирарди.

Лёха икки букилганча титраётган руль чамбарини тиззалари орасида маҳкам қисиб олганди.

Грахов ҳам қизишиб кетганди. Кўзларини пирпиратганча у капот билан от сағрилари ўртасидаги масофа бир зайлда қисқариб бораётганини кузатиб борарди. Уйиндан ўқ чиққунча олиб бормай, Лёха машинани ўз вақтида тўхтатиши лозимлигини хаёлидан қочирмаётганди, бир неча марта «тўхтамоқчи» ҳам бўлди, бироқ ҳали бир оз бордек туюлиб, тилини тийди. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди, чунки отлар ҳамон елиб боришарди.

Бу пойгадан қандайдир завқ ола бошлаган Фаворит ҳам аста-секин қизишиб, энди югуришга бутунлай берилиб кетганди. У ўйинга берилди-ю, бироқ ёнида бия ҳам бор эди-да. Фаворит машинани йўлдан адаштириб, хилватга уриб кетишнинг уддасидан чиқолмаётганди.

Бияга қараб Фаворит унинг «иккинчи нафас»да энди анча енгил ва бемалол югураётганини кўрди. Биянинг кўзида ҳам телбаликнинг илгариги муздек учқун йўқолиб, иккаласи ҳамжиҳатлик ва ишонч билан чопарди.

Фаворит тор ботқоқлик қиррасига кўзи тушишдан олдинроқ унинг чиркин ҳидини туйган эди. Эҳтиёткорона пишқириб, кўзи билан бияни ўзи томон чорлаб, бир чеккага ташланди. Бия улгуролмади, ўзини эпюлмади, орқа оёқлари елимдай ёпишқоқ лойга ботиб қолди. У кишнаб, ёрдам сўрагандай Фаворит томон илтижоли интилди. Фаворит изига қайтди.

— Энди тутсак бўлади, — деди Лёха. — У ботқоқдан чиқиб олгунча биз уни тутиб оламиз. Тизимчани филдирак остига олсам бўлди, қалай? Ҳа, калламиз ишлайди!

Фаворит бия олдига қайтиб келди, бошини бир пастга тушириб, бир тепага кўтариб унинг олдида турарди. У хушёр тортди, машина эса қадам-бақадам аста-секин унга яқинлашиб келарди. Бия жон талвасасида силкинди. Биқинлари тез-тез ботиб-чиқа бошлади.

— Балки, кабинадан тушиб қақирсаммикан? — ташвишланиб деди Грахов. — Ахир у ақлли, тушунади.

— Шошма. Нима, мен унга озор бермоқчиманми? У менга ёқиб қолди. Мен у билан разведкага боришга тайёрман.

Грахов нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин индамади. Хаёли қочиб Лёха тизимча филдирак тагида қолаётганини пайқамади. Юганнинг шудрингдан намиққан қоп-қора учигача атиги

беш ё олти қадамча қолганди. Лёха энг пастки тезлик билан оҳишта яқинлашиб борарди. Фаворитни чалғитиш учун ҳатто у томонга қарамаётганди ҳам, фақат аҳён-аҳёнда тизимчага кўз ташлаб, рўлни тўғриламоқда эди.

Бияни пана қилиб, Фаворит ёни билан юрарди. У шошмай бошини машина томон бурган эди, тизимча Лёха учун қулай ҳолатда гилдирак йўлига кўндаланг тушиб қолди. Газни босиб Лёха машинани тезлатди.

Фаворит охирги дақиқагача кутиб турди. Машина яқинлашгандан-яқинлашиб келар, жонсиз кўзлари билан Фаворитни қаттиқ таъқиб қиларди. Машина нақ тумшугига келиб тақалгач, Фаворит типпаятик бўлди-да, туёғи билан машинанинг олд ўнг ойнасига қаттиқ тепди. Ойна чил-чил бўлиб, майса устига тўкилди.

— Қара, бу расво нима қилаяпти, — ҳаяжон-ла деди Лёха беихтиёр орқага тисариларкан. — Чекинаман. Сенинг навбатинг: қандай хоҳласанг, шундай тугавер. Буни қара-я... ўрган!

Ушбу дақиқаларда содир бўлган барча воқеани Грахов туш кўраётгандай долу ҳайрон кузатиб турарди. Тиржайган пуштиранг офизли оқ калла турли ранг ва товушда липиллар, шишалар синарди. Грахов зирқираб оғриётган қўли ғадир-будир от ёлига қандай текканини эслади.

— Қилмиш-қидирмиш, — ҳар бир сўзни чертиб-чертиб деди у. — Энди менинг навбатим. Ахир унинг олдда қарздорман-ку.

Тез юриш, иссиқ ва кабинадаги чангга йўғрилган бензин ҳидидан Граховнинг яна кайфи ошиб қолганди. Юмшоқ баркутдек тупроққа ағдарилиб тушди, кейин ўрнидан туриб отга разм солди.

Бия жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб аввал биринчи, кейин иккинчи оёғини ботқоқдан суғуриб олди. Сўнг Фаворитни эргаштириб, нари кета бошлади.

— Фаворит! — чақирди Грахов асабийлашиб. — Бизлар дўст эдик-ку, Фаворит! Келақол, жонивор!...

Бия намиққан юнглиридан буғ кўтарилаётган Фаворитга тиргалганча у билан баб-баравар қадам ташлай бошлади. Қип-қизил шафақ узра икки отнинг қоп-қора гавдаси тобора узоқлашиб борарди.

Ўзининг бутун ҳаёти — тўрт йилу уч ой — давомида Фаворит ҳақиқий севги нималигини билмаганди. Тойчоқлигида у онасини қаттиқ севарди ва онасининг бадани, сут ҳидини эслаган дамларида бу муҳаббат ҳали ҳам унинг қалбида жўш уриб кетади. Бироқ ҳолсизлик авж олган баҳор кечалари уни ўзгача маъюслик қамраб олар, кўзга кўринмас бир сўқир куч билан юрагини аямай қамчиларди.

Бия билан ёндош келгандаги лаҳзалик, дақиқаларга жо этилган муҳаббат уни дилгир қилар, чўчитарди. У оқланган деворларни, яккаликни, ундан кўркувчи асабий, бемехр оғидоши бияни эслади. Лекин ўша бияни беҳос эслаб қолса ҳам, лаҳзада эсдан чиқаришга ҳаракат қиларди. Кейин қаерлардadir унинг ўғиллари, қизлари дунёга келди. Фаворит уларни кўрмаган, борди-ю, кўрган бўлса ҳам таниб ўтирибди, дейсизми.

Қора бия билан унинг муносабати бошқачароқ шаклланаётганди. Ҳозир у қаттиқ югуришдан кейин аста-секин совий бошлади, бия уни эманзор қиялик орқали тепалик сари етаклаб кетмоқда эди. Унга итоаткорона эргашган ҳолда Фаворит бир-бирига чирмашиб кетган ўтлар орасидан ўтиб борарди. Ҳорғин бия ўзининг тимқора биқини билан унга туртиниб кетганда эса Фаворит ўзини ток ургандек ҳис этиб, юришини секинлатарди.

Тақдирига шукрона қилгандай, бия Фаворитга кўзлари порлаб қараб кўярди. Фаворит нима учун бу қадар илакишиб қолганини ўзи ҳам билмасди, унинг ёнида у ўзини хокисор ва муте ҳис қилар, пастгина қадди-басти, ихчам оёқлари шундай келишган тулпорнинг ёнида зинҳор беўхшов кўринмасди.

Бошқа от бўлганда назар-писанд қилмай, аллақачон ундан воз кечган бўларди, бу эса зотдор наслдан бўлишига қарамай, уни ярим йўлда ташлаб кетмади, шу боис ҳам бия унга вафодорлик билан жавоб бераётганди.

Бу тантанавор сайрнинг маъносини ўзича ҳис этганча, Фаворит юрак амри билан бияга эргашмоқда эди. Қора бия унга тобора кўпроқ ёқиб қолмоқда эди. Унинг қоматида ҳеч қандай беўхшовлик кўрмаётганди, аксинча, аллақандай ёввойи туйғулар асири, эркинлик нашъу намосидан баҳраманд бўлганча бия билан ёнма-ён кетиб борарди.

Эманзор ортидан тепалик кўринди. Ундаги бедапоядан кенг сувлоқ кўзга ташланиб турарди, унинг нафаси сўниб бораётган ўтларнинг ҳидига йўғрилиб, қуёшнинг сўнгги нурларида қотиб турган отларгача етиб бормоқда эди. Пастда аллақачон ҳукм сураётган оқшом туманларни жарлик ичига ҳайлаб кирмоқда, ундаги қушлар ҳам энди ўзларининг тун-оқшом кўшиқларини айтмоқда эди.

Сувлоқ бўйидаги кўчалари айқаш-уйқаш қишлоқ етим боладек ёлғиз ва сокин эди. Фақат пастроқда, гупсарларга ўрнатилган кўприк қорайиб кўринган жойда ҳамон болаларнинг шовқини тинган эмас.

Тепаликка чиқишда чарчаган бия бедапояга ётиб олди. Унинг интизор нигоҳига кўзи тушиб Фаворит ҳам ёнига ётди. Атрофи очиқ тепаликдаги икки отни ўз бағрига олган сукунат Фаворитнинг назарида янгроқ кўшиққа ўхшарди. Майсалар билинар-билинемас тебранар, тупроқ худди тўкилиб тушаётгандек шувиллар, ҳаракат-сиздек кўринган ҳавонинг ўзи ҳам нозик таронадек акс садо берарди. Замин Фаворитнинг вужудига чексиз фараҳ бағишлаб, аъзойи баданини бўшаштирмоқда эди.

Ёни билан унинг пинжига тикилган бия хўрсинганча тумшугини отнинг бўйнига чўзиб эркаланар, Фаворитнинг шиша тилган ярадор оёғини яларди.

Ярим доира шаклдаги уфқ устида тўқ-сарик қорачикдек осилиб турган қуёш гардишига, губорли кенгликка қарар экан, Фаворит денгизни, туман орасидан дўппайиб кўринувчи қояларни эслади, қачонлардир у гувиллаш оламжаҳонни бузадиган денгиз бўйида бўлганди. Денгизда чўмилганди, шовуллаган кўпикларни ёриб чопган, шунда майда чақир тошчалар таранг тортилган қорнига қаттиқ ботганди. Мана шундай қип-қизил, аммо жазирама қуёш остида Толкуновни чоптирган, туёқлари билан тошлардан учқунлар сачратиб тоққа ўрлаб чиққан ва иккаласи мовий кенглик қаърига узоқ тикилиб қолганди. Бия хузур қилганча зимдан Фаворитни кузатарди. Унга қоронғулик қуюқлашгунча ҳали узоқ вақт маъшуқини томоша қилиши мумкиндек туюлмоқда эди.

У соддалигига бориб, вақт ўтишини ҳисобга олмаётганди. Улар фурсатни қўлдан бераётганларини хаёлларига ҳам келтиришмаётганди.

Граховнинг омади чопди — отлар ортидан келган отбоқарни учратиб қолди. Қора бия сосенковолик тулпорни аллақасққа эргаштириб кетганидан дарак топиб, отбоқар тарадлуд ичида папирос тутатди. «Памир» қутигаси билан ёноғидаги узун оқ чандиқни беркитганча деди:



— Мен бу ерда отбоқарман. Исминим Макарич, лақабим Қийшиқ. — У илжайиб кўйди ва тушунтирди: — Мамонтов йигитининг қиличи теккан. Яхшиямки, кўзим омон қолган.

Зерикканидан Лёха бўлинглар дегандек, сигнал берар, бироқ Грахов қўл силтарди. Афтидан, отларнинг қаердалигини Макарич биларди.

— Кейин нима бўлди? — сўради Грахов.

— Нима бўларди, бошлаб додини берганман, — деди Макарич. — Тагимда ўзига етганча асов, чарс Дончак эди, шунда қувиб етдим.

— Хўш кейин-чи?

— Ҳали суягим қотмаган ёш бола эдим, отбоқарлик қилардим. Барибир ганимимни чошиб ташладим...

Янги одамни учратганидан мамнунлиги кўриниб турарди. Бироқ Лёха уларнинг отамлашувига имкон бермади, машина сигналинини тўхтовсиз бибиплатаверди.

Ноилож Фаворитни қидириб кетишди.

Макарич тўриқ бия миниб олганди, Грахов эса пиёда эди. Тик тепаликка келганда отбоқар унга узангидан ушлаб олишни маслаҳат берди, шу тариқа юқорига чиқиб олишгач, тўхташди. Макарич қирнинг энг киндик жойида ботиб бораётган қуёш нурида отлар ётганини кўриб қолди. Бия отнинг панжига кирганча бамисоли пинакка кетган, Фаворит эса оппоқ бўйинини камалакдай ётганча уни ўйчан кўриқларди.

— Оббо қув-ей, — шивирлади отбоқар. — Куёвнинг зўрини топганини қара-я! Нега энди партўшакда ётгандай ётибсан? — Сўнг Граховга деди: — Дили тортган бу ёқларга, орзуга айб йўқ. Орзу қиладиган пайт эмаслигини нега ҳам тушунмасин! Манов куёвдан ўғилми-қизми орттириб оласа, мен уни кафтимда кўтарган бўлардим. Йўқ, буларнинг ётишини қара...

Граховнинг оёқлари остидаги эман шохлари қисирлаб синди.

— Нега қараб турибсиз? Тутмайсизми? — деди Грахов. — Сиз кейин ўзингизникини Сосенковога олиб борсангиз, ишингизни тўғрилаб беришади.

— Кетиб бўлишди, — ўйчан жавоб берди отбоқар. — Кўрқиб кетишди... Сосенковога олиб бориш чўт эмас-ку, лекин улар олий қонни хомталаш қилдириб қўйишмайди-да!

— Қанақа қонни? — сўради Грахов.

— Олий қонни, — салмоқлаб такрорлади Макарич. — Мен сизларни отга алоқадор одамлар деб ўйлабман.

— Бир оз, — хижолат тортди Грахов. — Илмий жиҳатдан.

— Билишингиз керак. Олий дегани ҳар томчисиси обиҳаётдек сара дегани. Ёш томчисидек тоза. Шунга қараб отни баҳолайдилар.

— У мени бугун ўлимдан сақлаб қолди, — деди Грахов. — Сувдан чиқариб олди.

— Қаерда? Эски дарёда бўлса керак-а?

— Ҳа, ҳа, ўша ерда.

— Бу чиқариб олади, аниқ. Мен ҳам ундан бир умр миннатдорман. Белов кавалерия корпуси ҳақида эшитгандирсиз? Мана шу корпус сафида қўлимда болтача билан урушга киргандим. Мияга сигмайдиган ишлар: от жонивор қорда қуршовдан олиб чиққан. Мен унга охирги қотган нонимни бердим, йиқилиб тушмаслик учун ўзимни эгарга боғлаб қўйдим, ўзиям қоқ-суяк бўлиб қолувдим. Олиб чиқди-ю, ўзи ҳам қулади, оғзидан десанг, қон отилиб кетса.

Отбоқар тўриқ бияни ялангликка олиб чиқди ва енгил сакраб эгарга кўнди. Юриб кетаётиб арқонни ечаркан, Граховга деди:

— Сизлар тура турунлар. Бу ёғини ўзимга қўйиб беринлар.

Яланглик камбаргина, доирасимон эди. Олдинга юришдан кўрқиб, Грахов ўртада турарди, нишаблик тик жарликка ўхшарди. Бутун сувлоқни қоплаб олган қалин мовий туманлик Граховни ўзи томон чорлар, маҳлиё этарди, назарида ўзини кучли ва журъатли ҳис қилиб, ҳеч нимадан тап тортмаётганди. Марина билан учрашгани борганида Грахов худди шундай туйғуни кечирганди, у пайтдаги кечинмаси гарчи ҳозиргидан анча-мунча фарқ қилса-да, бу гал етиб боролмаганига унчалик афсусланмади ҳам.

Турган жойидан отларга разм соларкан, у яна ўзини Марина билан бирга кўргандек, четдан туриб томоша қилаётгандек ҳис этди. Қизни ва ўзини қўл ушлашиб, кенгликлар узра парвоз қилиб боришаётганини тасаввур қилишга кучи етмади. Грахов аламдан ўзини койиғанча аччиқ кулиб қўйди — унда қанот нима қилсин.

Пастдан қулоғига туёқларнинг дупур-дупури чалинди, Макарич қайтмоқда эди. Икки ёнида иккала от — Фаворит билан бия. Улар бир-бирларига қараганча олиб келишарди.

Ялангликда эса уларни шодон кутиб олишди.

— Ажойиб тўй бўларди-да, — хўрсинди отбоқар. — Ушла, олиб бор уни...

Граховга ишончсизлик билан қараганча у тизимчани истар-истамас узатди.

— Олиб борақол, — деди Макарич. — Фирт шайтоннинг ўзи-я. Қойил! Яқинига йўлатмайди. Мен унга тиз чўкиб ёлвориб, зўрға унатдим.

Тумшугидан оппоқ буг чиқариб, Фаворит депсинди. Грахов питиллаб қолди. У тизимчани панжасига ўрай бошлади.

— Шўхлик қилма, ҳожати йўқ, — деди Макарич. — Тўғри олиб бор. Қўлингдан чиқиб кетса ҳам ҳечқиси йўқ. Бўлмаса суриб кетади-да, суякларингни ҳам тополмайсан. — Бир оз ўйлаб кўшиб қўйди: — Агар бошқаси бўлганда судраб кетарди.

Макарич бирдан руҳи тушиб, биянинг бошини ўзи томон тортиб кучоқлади ва унинг кўзларини қафти билан бекитиб деди:

— Бўлди, энди жўнанлар... Мени ҳов анови ерда кутиб турунлар, йўлни кўрсатиб кўяман.

Фаворит томоғига нимадир тиқилиб, лаблари титраганча юриб кетди. Ҳавони ларзага солиб янграган изтиробли кишнаш эшитилиши ҳамон у бошини бир силтаб, баланд кўтарди — унинг жавобан кишнашида қайғу эмас, умид ёлқинланиб турарди.

## 9

— Кутишга вақт йўқ, — пишиллаб деди Лёха. — Кўрмаяпсанми?

Бир ярим соат муқаддам улар юриб ўтган томонда оппоқ булуллар осмонни қоплаб олган, пастроқда эса булуллар қорайиб, тез ёйилиб бормоқда эди. Ундан ҳам куйироқда, ернинг осмон билан туташган жойида яна ҳам қуюқлашган қоронғилик кўзга чалинарди.

— Бу ергача етиб келмайди, — деди Грахов. — Кўприкка борайлик, ўша ерда машинага ортиб, бемалол кетамиз.

— Мен қарши эмасман, — Лёха отга самимий ҳатто эркалагандек қараб қўйди. — Лекин билиб қўй, агар ёмғирда қоладиган бўлсак, мен довондан ўтолмайман. Ҳамма филдираклар силлиқ, занжир йўқ. Кўп чўзмай, бортга боғлаб қўявер. Қулай жой келганда ортармиз.

Грахов булутли осмонга қараб қўйди-да, Фаворитни ўзи томонга боғлай бошлади. Лёха буни кўриб, уни тўхтатди.

— Чап томондан боғла, чап томондан. Мен уни ариқ-париққа туртиб юборишим мумкин.

Мана, ниҳоят, улар йўлга тушинди. Кўприкдан ўтиб довон сари, тўғри куёшга беткай юриб кетишди. Куёш сўнгги марта қизғиш рангда ялтиради-да, уфқ ортига беркинди. Кулранг соя тобора куюқлашиб, атрофни зулматга чулғамоқда эди. Орқадан шамол келиб урилди. Бутун дала бўйлаб енгил чанг кўтарилди, тўзон ўрамага айланиб, ҳаммаёқ бирдан ўзгариб кетди.

Кабинада гўриллаган шамол хуштак чаларди. Таъби хиралашган Лёха тезликни оширди, кўзгудан яқинлашиб келаётган довон кўриниб турарди.

— Қара-чи, келаяптими? — сўради Грахов.

— Келаяпти, жонивор, — хўрсинди Лёха. — Илгари уни заводлагиларнинг ўзлари олиб кетишарди. Ўзлари олиб кетиб, ўзлари олиб келишарди. Уларнинг машинасига гап йўқ. Менда ҳам бўлсайди. Бизники шалоқ арава-ку.

— Отбоз ётиб қолмаганда бизни овора қилишмасди.

— Биламан, кўрдим. Силласи қуриган. Аммо-лекин эгарда қуйиб қўйгандай ўтиради. Билмайман, у қандай тирик юрибди. Одамлардай яшаса нима қиларкин. Маоши дуруст бўлса эканки, кўзи қиймайди, десанг.

— Гап унда эмас. Бошқача яшолмайди.

— Мен ҳам рулсиз яшолмайман. Лекин яшаш керак... ҳе, жин урсин, кўзимга кўринаяптими, ё?..

Лёха ойнадан бошини чиқариб, тормозни босди. Граховга ташвишли қараб қўйди.

— Кимдир от қуйиб келаяпти...

— Отбоқар Макарич бўлса керак, — тахмин қилди Грахов.

— Бизнинг Молчановга ўхшаган. Демак, бир томоша кўрсатади.

— Собиқ отлиқ аскар...

— Бари жаллод уларнинг. Сен сал киптини келтириб гаплаш.

— Дипломат, — ҳиҳ деб қўйди-да, Грахов галстугини тўғрилаб, гавдасини ростлади.

Отлиқ уларни қувиб ўта бошлади. Грахов тўриқ биядаги ясси елкали Макарични таниди-да, Лёхани тиззаси билан туртди, машина тўхтади.

— Кутмай кетиб қолганимиз учун бизни кечиринг! — қичқирди Грахов кабинадан гавдасини чиқариб. — Ёмғир ёғиб қолармикан деб кўрқдик. Занжиримиз йўқ эди.

Макарич отини гижинглатиб, эгарда маҳкам ўтирган қўйи эшитиб турарди. Кейин жаҳл билан қамчисини ҳали шафақ ёлқинланиб турган уфқ томонга кескин силтаб қўйди ва тўригини одимлатиб кетди.

Шамол кучайиб борар, кабинага қаттиқ урилар, энди тўқ кулранг тусга кирган зилдай булутлар яна юқорига сапчиди, чақмоқ бир лаҳза борлиқни ёритди.

Отбоқарга етиб олиб, ёнма-ён кета бошлашди. Отбоқар чўяндай юзини тўғрига қаратганча кетиб борар ва ниманидир ўйларди, ҳозир унинг сукут сақлаши Грахов учун ўлимдан оғир туюлмоқда эди. Шамол отбоқарнинг ранги унниққан қўйлагини аямай тортқилар, кепкасини учуриб юборгудай бўларди.

— Биз ёмғир ёғиб қолмасин деб кўрққандик... — яна қичқирди Грахов. — Ўзингиздан қолар гап йўқ...

— Мен унга ёпқи инъом қиламан, қаердан олдинглар деб сўрашса, — дея овоз берди отбоқар, — ҳов ўша, яъни Топороқдан қолган экан, деярсизлар... — Сўзини ярмида бўлиб, орқасига қайрилди: — Сизлар эса уни хор қилиб, бир қарич ипда...

У атрофга аланглади. Булутлар бостириб келар, ерлар қорайиб, момақалдироқ гулдираб, чақмоқ чақарди.

— Бу ёққа бур! — қичқирди Макарич. — Анови ерда силос ханақлари бор. Ўша ерда отни машинага ортамыз.

Улар индамай ажралишди-да, диққинафас, гувиллаб турган қоронғилик сари юриб кетишди. Макарич Фаворитдан кўнгил узолмай анчагача ортидан қараб турди. Фаворитга инъом қилинган ёпқи шамолда лопиллаб, орқасига урилар, қитигини келтирарди...

Осмон дарз кетгандек, атроф ёришиб, ёмғирга кўксини тутган бепоён ер намоён бўлди. Ёмғир одатдагидек томчилашдан бошланмай, шаррос куйиб юборди, атрофни шовуллаган овоз тутиб кетди.

Макарич ёмғир забтига дош беролмай икки букилиб қолди.

Фаворит ҳам ёмғир остида қолди. Кузов ёмғир тўзони билан қопланиб, гувилларди. Бирпасда зилдай бўлиб ивиган похол ҳам, ёпқи ҳам Фаворитни икки биқинидан қисиб келарди.

Ёмғир узоқ, роса эзиб қуйди. Аввалига бўйни, кўкраги ва оёқларидан илиқ ёмғир жилғадек оқа бошлади, охири Фаворит совуқ ҳамда намлан ҳайкалдек қотди-қолди. Машина бир маромда ҳаракат қилганча гоҳ нишабликдан иниб, гоҳ тепаликка кўтариларди.

Бўзарган осмондан тўп-тўп булутлар ҳамон челақлаб қуйгандек, кўз ёш тўқар, шамол уларни қиялатиб ҳайдар, момақалдироқ гумбурлаб, чексиз далалар узра узоқ-узоқ акс-садо қайтарарди.

Фаворит анчадан бери жалада қолмаганди, ҳозир эса унинг сирли қудратини ҳис қилганча жим турарди. Кўкдаги табиат жунбуши энди унинг вужудига кўчиб, совқотган баданини ҳаракатга келтирди, томирларидаги қон жўшиб, туёқларигача қиздира бошлаганди. Кузов торлик қилмоқда, қандайдир англаб бўлмас куч уни кенгликка, ёмғирга тўйинган яйловга ундамоқда эди.

Мана, осмон ҳам тинчиди, ёмғир таққа тўхтади. Тепадан соф, майин садо иниб тушди, ер юзи шўх, оромбахш куйга тўлди — овозлар ҳам, куйлар ҳам ёмғир сувидан янгича тароват касб этиб, дилга сурур бағишлай бошлаганди.

Фаворит она заминни ҳеч қачон бу қадар қаттиқ, бу қадар эҳтирос билан севмаганди. Дарвоқе, ерни у ҳаминча бирдек севарди. Ҳали қишдаёқ унда ажиб дилғирлик пайдо бўлганди, кетидан алвонранг ёз келувчи баҳорни у муштоқлик билан кутарди. Мана бундай шаррос ёмғирга, чарақлаб, оламни ёритиб юборувчи чақмоқларга илҳақ бўлганди. Бироқ орзулар ҳар доим қутилганидек ширин ушалавермасди. У ишлаш кераклигини яхши биларди — машқ, пойга устига пойга. Фақат шулар орасидагина қисқа муддатларга ўрмонлар, дарёлар, майсалар лаззатидан баҳраманд бўлиш насиб этарди, холос. Шунга қарамай у нолимас, қулоғи доим овда бўлиб, ёз дарагини эшитишга муштоғу интизор яшар эди — мана, новдаларда куртаклар ниш урди, дастлабки қуш галалари учиб ўтди, тошқинлар тингандан кейинги жилғалар шилдираши қулоққа чалинди.

Кундуз бутунлай барини йиғиштириб, ўрнини илк юлдузлар элас-элас милтиллаётган оқшомга бўшатиб берди.

Ғилдирақлари билан тўнган кўлмакчаларни ҳар томонга сачратиб, ўзининг зилдай гавдаси билан кенглик бағрини ёрганча самосвал ҳамон илгарилаб борарди.

Кечки сукунатдан руҳлари вазмин тортган Грахов билан Лёха энди чурқ этиб оғиз очишмаётганди. Кундузги ташвишдан иккаласи ҳам қаттиқ толиққанди, вужудларини тун олди ҳорғинлиги чулғаб, шалвираб қолишганди. Лёха чамбар устига деярли ётиб олган, кўзлари машина чироқлари ёғдусидан ғира-шира ёришган зулмат қўйнига мудроқ тикиларди.

Кабинадаги диққинафаслик Граховни элитгани қачонлар эди. У шу ётишда ғоят ширин туш кўрмоқда эди: оппоқ отда қамчи ўйнатганча чопиб кетаётир, шитоб билан равон кетаётган поездга етиб олмоқ учун отнинг кўпикка ботган биқинини аёвсиз савалайди. Вагон ойнасидан таниш, аммо энди ёт бўлган ноаниқ чехра кўринади...

У уйғонди, ҳайрон бўлиб, худди кинотасмани айлантиргандек, қайтадан туш кўра бошлади. Яна изғиринли туман ичидаги чехра ўзининг кимлигини танитмай ғойиб бўлди. Шамол жонсиз капалақларини учуриб келиб ёпиштирган ойна ортидан эса зим-зиё тун мўраларди. У фикрлашга шоширмасди, эртани кутишга ундарди.

Лёха жойида кўзголиб қўйди, кафти билан липиллаётган қизил чироқни силади.

— Ана, холос, — деди у. — Сув қайнаб кетибди.

Капот устидан буғ отиларди ва майда шаффоф бўлақларга бўлиниб, момикдай атрофга учарди.

— Ҳечқиси йўқ, бирон жойда қуйиб оларман — деди Лёха. — Бу ёғи оз қолди. Ҳадемай бетон йўл келади. Кўз очиб-юмгунча етамиз. Кейин бир ухлайки...

Шағалли йўлдан узоқ юришди. Уйқу оғушидаги ер машина гувиллашини эшитиб, уни титроқ овозда кузатиб қўяр ва анчагача осойиш ололмасди.

Фаворит қушлар қичқирғиғу қанотлар товушини илғаб борарди, яқиндаги овозлар орасидан беданаларнинг питпилдиғи айниқса қулоғига аниқ чалинарди. Гоҳо чироқларнинг сарғиш ёғдусида қандайдир жонзотнинг қўрқувдан катта-катта очилган кўзлари кўриниб қоларди. Фақат осмонгина ўша-ўша: ҳар бир юлдуз, ҳар тунги ёритқич ўз ўрнида. Фақат Фаворитгина мункиб кетгандек бошини солинтирди, яна юқорига қараганда эса назарида юлдузлар азалий жойидан кўчиб, бир-бирига қоришиб кетаётгандек туюлди, ҳатто икки-учтаси ўзини тутолмай узилиб тушди. Сўнг олдинда ер устида тўсатдан чарақлади ва Фаворит дарҳол англади: бу чироқлар.

Грахов ҳам чироқларни кўрди, кўрди-ю, кўксидан беихтиёр оғир хўрсиниқ отилиб чиқди: у ерда бетон йўл бор. Лёха ҳам тетиклашиб, гавдасини ростлади. Жонга теккан чироқчани ўчириб қўйди.

Пастга тушувчи йўл нариги учи энсиз шағал тўғонга тақалган ёғоч кўприкка олиб борарди, тўғоннинг ҳўл чеккалари йилтирар, сувда майда буталарнинг узун соялари ўйнарди.

Ойнага ёпишиб, Лёха буталар орасидаги ўзига таниш йўлни топди-да, машинани тўхтатди ва кабинадан чиқиб, челакни олди.

Грахов эринчоқлик билан совқотган елкасини қуништирганча иссиқ ўриндиққа жойлашиброқ ўтириб олди. Чарчоқ баданини оғирлаштириб, қўл ва оёқларини зилдай қилмоқда эди. Уйқули кўзлари билан Грахов шеригини кузатар экан, йўл азоби уни қанчалик букиб, чўктириб қўйганини кўрди. Лёха буферга чиқди, чироқ нуридан кўзларини қисди, шишган бармоқлари билан капотни ушлаб турган темир қулоқни тортиди. Мажолсиз, пўк, тунги зулмат елкасидан босиб турган Лёхага Граховнинг раҳми келиб кетди.

Кейин Лёха капот панасида қолди, яна ниманидир тақ-тақ қилиб, айлангирди. Сув биқирлаб, қуюқ буғ ойнага келиб урилди.

Грахов зўрға чидаб турарди — кабинада ўтиравериш жонига тегиб кетди, кетишни, тезроқ манзилга етишни, агар бирон инсофли одам топилиб қўналга бергудек бўлса, етишни, қуп-қуруқ тоза кўрпада эрталабгача донг қоғиб ухлашни истарди.

Унинг кўнглидагини сезгандек, машина шағал йўлни шақирлатганча юриб кетганида ҳатто ҳайратга тушди. Ён ойнага манглайини тираганча зулмат кўйнига тикилди: гўё ёнидан бута барглари сузиб ўтаётгандек туюлди. Грахов эшикни очди, чўзилиб олдинга қаради, бироқ капот ортидан Лёха буферда бор-йўқлигини кўриб бўлмасди. Бирдан унинг юраги ғаш тортди. То у ўзини ўнглайман дегунча, машина тезроқ ҳаракат қила бошлади, буғ бир томонга огди-да, чироқ ёруғида тобора яқинлашиб келаётган чуқурликдаги кўприк кўринди.

Гангиб қолган Граховнинг хаёлидан руль тагидаги икки педаль, қўл тормози ўтди. Шу он машина қаттиқ силкиниб кетди ва ойнани қуюқ буғ қошлаб олди.

Грахов ўзини пастга отди. Буталар устига тушиб, ўзини тутиб қолмай, тўғри теракка бориб урилди. Хушини тўплар-тўпламас ўрнидан турди-да, кўприкка қараб чопди. Қоронғилик кўйнига ўзини урди ва шу чопганича ўзини сувда кўрди. Сув ичида унинг қулоқлари битиб гувиллади, дарё бир неча лаҳза тескари оққандек бўлди. Худди олдин бўлиб ўтган воқеа қайта такрорланмоқда эди — у чўкиб бораётиб, оёғини чўзди, икки дақиқалар ўтиб, бир вақт оёғи сув тагига бориб тегди ва у ўрнидан турди. Саёз экан, кўкрагидан келди... Кўприк тагига кириб, у милтироқ юлдузлар нурида машинани илғади. Дум-думалоқ филдиракларини осмонга қилганча машина чалқа тушиб ётарди. Унинг улкан сояси тагида, сувда нимадир қайнар, биқирлар ва паға-паға буғ чиқарарди.

Қоронғилик кўйнидан шалоп-шулуп қилганча Лёха чиқиб келди. У сувга тушди, энгашди, ўтишга унинг мажоли етмаётганди.

Энди улар на от, на машина тўғрисида эмас, ҳар ким ўзи ҳақида шошқин ва палапартиш ўйлаганча серрайиб туриб қолишди. Бирдан Грахов қулоғига қандайдир овоз чалинди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Тўнкарилган кузовга қулоқ тутиб кўрмагунча у бунга ишонмай турди. От нафас оларди: куч билан ҳавони ичига тортарди.

— Нафас олаяпти, — шивирлади Грахов ва йиғлаб юборди. — Нафас олаяпти, эшитаяпсизми?

Лёха ҳам кузовга қулоғини тутиб, отнинг нафас олаётганини аниқ эшитди ва уни қутқаришларини кутаётганини англади.

— Қишлоқ яқин, — Грахов қирғоққа отилди. — Мен одамларни чақираман. Нечта керак бўлади? Юзтами, икки юзтами? Ҳаммасини бошлаб келаман!..

У йўлга эмаклаб чиқди-да, югуриб кетди. Бирдан ўзига келиб, Лёха ҳам жони борича унинг орқасидан чопди.

Хира чироқлари милтиллаганча қишлоқдан сал беридаги тепаликка етганда Грахов орқадан келаётган оёқ товушини эшитди ва ҳадемай Лёха унга етиб олишини англади.

Ажали қандай етишини Фаворит билмаган, ҳеч қачон бу ҳақда ўйлаб кўрмаганди. Энди эса у ажални поёнсиз кенглик ичра кучи борича чоғиб бораётган ҳолатидаги ёрқин бир тимсолдек кўришни истамокда эди. Оёқларидаги мана бу оғриқларсиз тўсатдан жонини

олиб қўя қолса, тагин ҳам яхши бўларди. Бироқ Фаворит ўзи хоҳлагандек ўлим топиш учун яшашни истамасди.

Яқин-яқинларда ҳам чексиз шод-хуррамлик бахш этувчи, одамларни ҳам, жониворларни ҳам бемалол бағрига сиғдирувчи дунё бирданига миттигина кузов ҳажмигача торайиб кетганди. Оғриқ аввал орқа оёқларини, сўнг елка ва бўйинларини қамради, бошига ўқдек келиб санчилди, фақат зулмат ҳамда эндиликда ҳеч кимга кераги йўқ гуругина Фаворитни ҳушдан жудо бўлгани қўймаётган эди.

Оғриқ тиззасидан пастда тўхтаб, куйдиргандай бўлди ва Фаворит оёғи тамом бўлганини англади.

Аввал Фаворитга тасалли бериб, тинчлантирувчи одамларнинг яқинлиги бошига мусибат тушганда нечундир малол келиб, оғир ботаётганди.

Фаворит ҳали икки, уч, эҳтимол, тўрт соатлар яшаши мумкин эди. Бироқ бўйни дармонсизланиб, тумшуғи сувга ботди. Сув ичиш ҳалокатли эканлигини билса ҳам. Фаворит мириқиб сув ичди. Ичган сайин сув совуқлашиб, таъмини йўқотиб борарди, от эса ўчакишгандек энди оғзию бурни билан баравар тўхтовсиз симирарди.

Ҳамон ютоқиб ичишда давом этарди....

*Русчадан  
Ҳикоят. МАҲМУДОВА  
таржимаси*

# Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида

1606

## АҲОМАНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁ

Ўрта Осиё инсониятнинг энг қадимги замонлариданоқ истиқомат ери бўлганлиги маълум. Юртимизнинг турли қисмларида топилган археологик қазилма ашёлари неолит (янги тош асри) ва ундан бурунроқ палеолит даврида ҳам одамзод турар жойлари топилган. Маълумки, тош асрида одамзод асосан ов ва териб еювчилик даражасида турган. Неолит даврида эса ўтроқлашишнинг янги погонасига кўтарилган. Яъни зироатчилик, чорвачилик билан шуғулланишга ўтган. Бу эса ўз навбатида тош қуроллари сифатининг яхшилланишини талаб этган. Тош қуролларига сайқал бериш юксак даражага кўтарилган.

Ўрта Осиё ҳақида ёзма манбалардаги маълумотлар илк марта Зардуштийлик динининг китоби «Авесто»да учрайди. Унда яхшилик ва ёруғлик худоси Аҳурамазда (Хурмузд) билан ёмонлик ва қоронғулик худоси Аҳриман ўртасидаги курашларда Ўрта Осиёдаги айрим ўлкаларнинг яратилиши ҳақидаги афсона берилади.

*Зенд-Авесто<sup>1</sup>. I фарғард.*

**М**ен Аҳурамазда пок яратган биринчи бахтиёр ва фаровон маскан Эриэне-Ваедьо (пок Эрон) эди. Дунёдаги ҳеч нарса кўркемликда унга тенгашолмасди. Шунда, ўлим келтирувчи Аҳриман, бу масканни қондирадиган дарёда Девдан тарқанган буюк илон — қишни яратди. Оқибатда бу ерда қиш ойлари ўнтага, ёз ойлари иккитага айланди (илгари қиш ойлари етти, ёз ойлари бешта эди). Қиш — сув, ер ва дарахтларга совуқни сочади. Эриэне-Ваедьо марказида у, айниқса, шафқатсиздир, бироқ бу бало одамнинг фойдасига айланди, қиш келиши билан ер инъомларининг ҳосили жуда кўпайди.

<sup>1</sup> Зенд-Авесто. Баъзи маълумотлар (мил.ав.) 4 минг, баъзилари (милод.ав. 2 минг ёш берувчи Зенд Авеста — бу Вендада деб аталувчи нухаси (мил.аввалги) VIII-VII асрларда янги паҳлавий тилида янгитдан яратилган.

Таржимаси ўқувчиларга ҳавола этилаётган китобнинг қимматлилиги, милоддан аввалги У111 асрдан бошлаб — милоднинг 5 асригача бўлган даврларда Ўрта Осиё тарихини акс эттирган ёзма маълумотларни ўзида тўлилагандир. Булар асосан қадимги грек, рим, Вазантия, Хитой, Эрон, ҳинд манбаларидир.

Антик давр маданияти мероси ўзидан кейинги тузумларга жуда катта ўрناق бўларли ва унга яқинлашган ҳар бир кимса, ҳар бир давлатга чин маънодаги фойда қонини қолдирди. Бу маънони майдалаб, ҳар бир соҳада ижтиҳоб санаб чиқиш ва кўрсатиш мумкин. Лекин биз бунинг энг муҳим сабабини айтиб ўтиб қўя қоламиз. Нима учун антикага ёндошган кимса ва давлат ўзини қувватланганини сезишини. Антиқ ҳаётнинг энг муҳим омили унда инсоннинг, инсон ҳаётининг, инсон тўқислиги (камолоти) марказда турганлигидир. Динми, маданиятми, санъатми, давлат тузумими, фалсафами — барисида инсон биринчи туради.

Ана шунинг учун ҳам антиқ маданиятга яқинлашган миллатлар реал бахтни, реал тўқисликни топганлар. Жумладан, мусулмон халифалиги ҳам грек ва латин китобларни араб тилига таржима қилувчи марказ очиб, юзлаб кишиларни сурункали ишлатиб, антикани ўзига сингдиргани учун равнақ топди. Беруний, Форобий, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Улугбек ва ҳоказо ўнлаб-юзлаб жаҳон маданияти юлдузларини етиштириб чиқарди, мусулмон маданияти дунёга ўрناق бўлди, юзлаб миллатларни



Мен, Ахурамазда яратган иккинчи — ўктам, чорва ва одамлари сероб ўлка Согдо (Сўғд) эди. Бу ерда ёвуз Ахриман подага ўлим келтирувчи пашшани яратди.

Мен Ахурамазда истиқомат учун вужудга келтирган учинчи фаровонлик маскани қудратли ва муқаддас Муру<sup>1</sup> бўлди. Кейин, палидлик кони Ахриман келди ва палид гаплар яратди у ерди.

Мен, Ахурамазда яшаш учун яратган тўртинчи буюк рамзлар (туғлар) маскани покиза Багда<sup>2</sup> бўлди. Улим келтирувчи Ахриман пайдо бўлиб, чумоли галасини мавжуд қилди.

Мен, Ахурамазда яратган бешинчи фаровонлик даргоҳи, Муру ва Багди орасидаги Нисоим<sup>3</sup> бўлди. Улим ва ёвузлик кони Ахриман келди ва баттол шубҳаларни туғдирди.

Мен, Ахурамазда яратган бахтиёр олтинчи ўлка, аҳолисининг кўпчилиги билан машҳур Харою<sup>4</sup> бўлди. Улим туғдирувчи Ахриман келди ва тамомий қапшоқлик киритди.

Еттинчиси — Вэкеретем<sup>5</sup>, саккизинчиси — Оруан<sup>6</sup>, тўққизинчиси — Вэркана<sup>7</sup> ўнинчиси — покиза Харақанти, ўн биринчиси — Хэтумаг, ўн иккинчиси — Раган<sup>8</sup>, ўн учинчиси Чекре, ўн тўртинчи бахтиёр ўлка, Зоҳак устидан галаба қозонган Фаридунни дунёга келтирган тўртбурчак (чегарали) Вэрэне эди; аммо ўлим кони Ахриман келди ва буларнинг барида хотинларда ҳайз кўришни мавжуд қилди.

Ўн бешинчи бахтиёр ўлка, етти Ҳиндистон устидан ҳукмронлик қиладиган Хапта Ҳенду, ўн олтинчиси — ҳукмдори бўлмаган (ҳеч кимга бўйин эгмас) отлиқларга тўла Ренгай<sup>9</sup> бўлди.

### Страбон<sup>10</sup>. География, XI, 6.2.

Қадимги эллин ёзувчилари барча шимол халқларини скиф ва келтоскиф деб умумий битта номда атаганлар... Каспий денгизининг нариги томонида

<sup>1</sup>Муру — ҳозирги Мари шаҳрини қуршовчи ерлар.

<sup>2</sup>Багда — Бақтрия.

<sup>3</sup>Нисоим — Туркманистоннинг ғарби. Ҳозирги тушунчада Ниса.

<sup>4</sup>Харою — Ғарбий Афғонистондаги маркази Артаксак (ҳозирги Хиротта яқин) вилоят.

<sup>5</sup>Вэкеретем — ёки Арахозия, ёки Семетон, ёки Қобул ғарбидаги мавзе.

<sup>6</sup>Оруан — ҳозирги номи аниқланмаган жой.

<sup>7</sup>Вэркана — Гиркания, Каспийдан шарқроқда — Ашхобод-Красноводск-Астробод шаҳарлари ўртасидаги ўлка.

<sup>8</sup>Раган — эҳтимол Мидиядаги Рагидир.

<sup>9</sup>Ренгай — олти-етти хил тахмин ичида, иккита бизларга тегишлиси: Рагу — Яксарг ва массагетлар.

<sup>10</sup>Страбон — (мил. ав I — мил I асрлар). 17 китобдан иборат улкан “География” номли асар муаллифи. Этнография, география хусусида ўз давридаги муҳим маълумотлар сақланган.

ўзига эргаштирди. Маданияти осмонидаги юқорида санаб ўтилган юлузлар сўндирилгач, маданият осмонига бошқа мугаассиблар юлдуз қилиб кўтарилгач, мусулмон маданияти ўз байроқдорлигини йўқотди, қудрати сўнди.

Ўрта Осиё халқлари антик давр маданиятидан беқидёс даражада миннатдор бўлмоқлари керак. Чунки ана шу маданият, унда ёзилган асар ва йилномалар туфайлигина бизнинг тарихимиз, аждоларимизнинг номлари улар яшаган ерларнинг, юртларнинг номи сақланиб қолган.

Сақ (шак, соқ), массагет, парпи — аждоларимиз бўлмиш бу халқлар скиф деган буюк миллатнинг парчаларидир «Скифлар энг қадимий миллатлардан бири бўлиб, улар қадимийликда мисрликлар билан беллашадилар», дейди тўпламга киритилган қадимги тарихчилардан бири. 3000-4000 йил илгари ҳам Дон, Дунай, Днестр, Волга, Ока, Аму ва Сирдрё бўйларида скиф халқлари яшаганлар.

Қадимги тарихчилар белгиланган ана шу жойларда, гарчи бурунгидек ҳукмрон ҳолатда бўлмасалар-да, ҳозир ҳам туркий халқлар истиқомат қиладилар. Ва ота-боболари скифларга ўхшаб худойиларга от сўядилар Маълумки, от гўштини, қази-ю қартани, қимизни фақат туркийлар тайёрлаб, тановул этадилар.

Рус колониализми даврида, айниқса 20-асрнинг 50-йилларидан бошлаб, тарих дарсликларида, тарих изланишларида туркий халқларни келгинди элга чиқариш жуда кучайди. Гўёки улар 700-800 йил олдин Сибир ўрмонларидан Чингизхон билан келиб, Россияни босиб олганлар. Бу тўплам бу каби жуда кўп тўқима афсоналарга зарба беради, йўққа чиқаради. Ҳа, татар, бошқирд, бўлғор, ҳазарлар (умуман номи ўғуз ва

яшовчи халқларнинг биттасини сак, иккинчисини массагет атаганлар-у, гарчи Кирнинг массагетлар билан урушганини ҳикоя қилсалар-да, улар ҳақида аниқ бир маълумот бермаганлар. Тарихчиларнинг юзакиликка йўл қўйганлари ҳамда чўпчакларга қизиқиб кетганлари оқибатида, бу халқларни ўрганиш борасида бирор фойдали иш қилинмаган.

*Геродот. Тарих, I к. 201, 203, 204, 205.*

Подшо Кир массагетларни бўйсундириш истагига асир бўлиб қолди. Одами кўп ва жанговар бу халқ шарқда, Аракснинг<sup>1</sup> исседонларга қарши нариги қирғоғида яшайди. Бировларнинг айтишича, улар скиф халқига қарашли. Аракс дарёсини баъзилар Истрдан (Дунай) катта, баъзилар эса ундан кичикроқ дейишади. Айтишларича, Араксда Лесбосга тенг келадиган ороллари кўп. Оролларнинг аҳолиси турли илдизларни овқат қилишади. Буларни ёзда ейишса, қишда баъзи бир дарахт мевалари билан тирикчилик қилишади. Бу меваларни ҳам ёз пишиғида териб ғамлашади. Айтишларича, уларда яна бир дарахт борки, унинг мевасини авайлаб териб оладилар. Кейин гулхан ёқиб, атрофига ўтириб, ҳалиги мевадан оловга оз-оз ташлаб, чиққан тутунни ҳидлашиб, худди эллинлар май ичиб маст бўлгандек кайф қилишади. Ҳалиги меваларни ташлаганлари сари кайфлари оша бориб, охирида ўйин тушиб қўшиқ куйлашади. Массагетларнинг ҳаёт тарзи ҳақида ана шуларни айтиб беришади. Аракс дарёси Гин (Инд) дарёси каби матенлар еридан бошланиб ўша ердан оқиб чиқади. Кир 360 каналга бўлиб ташлаган бу дарё 40 ўзанга ажралади. Ўзанларнинг биттасидан ташқари бариси ботқоқликлар ичида йўқ бўлиб кетади. Айтишларича, бу ерларда яшайдиган одамлар балиқхўр бўлиб, тюлен терисидан кийим кийишади. Аракснинг ҳалиги битта ўзани очиқ ердан оқиб бориб Каспий денгизига қуйилади. Бу денгиз бошқа ҳеч қайси денгизга қуйилмайди ва қўшилмайди. Эллинлар ҳар томонига сузадиган денгиз (Қора денгиз) ва Геракл устунларининг (Гибралтар) нариги томонидагиси, шунингдек, Эритрей (Қизил) денгизлари, аслини олганда ҳаммаси битта денгиздир. Каспий эса ўзига хос алоҳида бўлиб, (эпшакли) кемада сузганда узунасига 15 кунлик, энига эса энг кенг жойида 8 кунлик йўл масофаларига эга. Унинг гарбий қирғоғи бўйлаб, ҳажман, шунингдек, баландлиги жиҳатидан ҳам энг катта тоғлардан бўлмиш Кавказ ястаниб ётибди... Шундай қилиб, Каспий гарб томонидан Кавказ билан чегараланган бўлса, шарқ томонидан унга чексиз-чегарасиз текислик ёндошган. Бу масканнинг каттагина қисмини эса Кир босиб олишни мўлжаллаган массагетлар эгаллаганлар... Бу замонга келиб уларнинг ҳукмдори ўлган подшоларининг хотини эди.

<sup>1</sup> А р а к с — Бу ном билан греклар Кавказдаги Араксени-да, Ўрта Осиёдаги Аму ва Сирдарёларни-да атаганлар. Бу ерда Аму бўлиши мумкин.

қипчоқ турклари) ҳозирги яшаётган территорияларида, балки ундан-да шимолроқ ва гарброқда энг қадимдан яшаб келаётган туб аҳолидирлар.

Умуман олганда тўплам: маданий халқлар қаторига киритилган грек, лотин, форс, миср халқлари билан тенг борди-келди қилганлигимизни, грекларнинг ўзи энг буюк деб саралаб айтган етти донишманднинг биттаси миллатимиз вакили Анахарсис бўлганлигини билиб оламиз. Колониализм дарсликлари тарихдаги еримизни, ўрнимизни ўчириш орқали, юрагимизда пайдо қилган кемтикликни йўқолишига ва кўнглимиз тўлиб, кўксимиз кўтарилиб нормал фикрлаб, нормал яшашимизга катта кўмак беради, деган умидлашимиз.

Ушбу хрестоматиянинг илмий аҳамияти ҳам каттадир. Антик давр тарихий қўлёзмаларининг улкан денгизидан, хитой солномаларидан, форс, ҳинд обидаларидан, «Авесто»дан Ўрта Осиёга тегишли матнларни бир ерга тўплаб чиқаришлари тарихимизга қизиққан барча инсонлар учун жуда муҳим йўлқўрсаткичдир. Геродот, Страбон, Птоломей, Руф, Арриан, ёки Чин қўлёзмаларини барини тимиришилаб титиб, қайси асарлигини, қайси йил чиққанини қидириб ўтирмай, шундайгина бети-ю бобини билиб, асарни аниқлаб олади ва изланишларини давом эттиради.

Бу китоб 1940 йилда, Ўзбекистон ССР Марксизм-ленинизм Илмий текшириш институти ходимлари томонидан тайёрланган ва Л.В.Баженов таҳрири остида бор-йўғи 5000 нусхада чиққан.

Зоҳир АЪЛАМ

*Ўша жойдан, Тарих, I к. 215.*

Кийим-кечаги, турмуш тарзи жиҳатидан массагетлар скифларга ўхшайди. Отлиқ бўлиб-да, пиёда ҳолида-да урушаверадилар, жангнинг иккала услубини-да биладилар; камон отиш-у, найзабозликни яхши уддалайдилар, одатда ойболталари-да бўлади. Қурол-у, анжомлари тилла билан мисдан ясалган: яъни найза, камон ўқи, ойболталарнинг кесарлари мисдан ясалади; бош кийим, камар, белбоғ, енгбоғ ва ҳ.к.лар олтин билан безатилади. Отларнинг кўкрак совутлари мисдан, жилов, сувлиқ, анжомдаги тўқаларини эса олтиндан ишлашади. Мамлакатларида темир, қумуш, йўқлиги учун улар бу металлларни умуман ишлатишмайди. Лекин мис ва олтин бу ўлкада жуда сероб.

*Ўша жойдан, I, 216.*

Улар (массагетлар)нинг ҳар биттаси биттадан хотинга уйланса-да, аёллардан умумжамоа бўлиб фойдаланишади. Эллинларнинг гапига қараганда, бу одат скифларга тегишли, лекин аслида бу одатга скифлар эмас, массагетлар амал қилишади. Агар бирон киши биронта аёл билан алоқада бўлгиси келиб қолса; ўз садоғини аёл аравасига осадиде-да, бемалол алоқа қилаверади.<sup>1</sup>

*Страбон, География, XI, 8, 6—8.*

Кўпчилик одам ёзиб кетганидек, массагетлар Кир билан бўлиб ўтган ўша урушда ўзларининг жасоратлик эканликларини исбот қилганлар ва буни биз ўқиб улардан ўрганишимиз керак. Массагетларнинг бир қисми тоғларда, бир қисми текисликларда, учинчи бир қисми дарёлар туғдирадиган ботқоқларда, тўртинчи бир қисми ботқоқликдаги оролларда яшашади деб гапиришади. Хабар беришларича, Аракс дарёси (Аму дарё) жуда кўп ўзанларга бўлинаркан, улардан фақат биттаси Гиркан қўлтиғига, қолган бариси эса денгизнинг шимолий қисмига қуйилади.<sup>2</sup>

Тангри деб улар фақат Куёшга сиғинади ва худойиликка от сўядилар. Массагетнинг ҳар бирининг хотини бўлса-да, бошқа аёллар билан ҳам алоқага киришаверади. Бунда у ўз камонини аёлнинг аравасига илиб кўяди-да, бошқа сир-синоатга қарамайди. Одамнинг қариб, ўзига бағишланажак худойисидagi қўйларга қўшиб сўйилиб, ейилиб кетиши энг яхши ўлим ҳисобланади. Касалликдан ўлганлар жасадини ҳаром ва ҳурматга нолойиқ ҳисоблаб, ҳайвонотга егани ташлайдилар. Отлиқ ва пиёда сифатида ҳам улар муносиб жангчилардир. Камон, қилич, қалқон, мис болта билан қуроланадилар, жанг пайтидаги белбоғ ва бошқа боғлогичлари олтиндандир. От жиловлари, от ёпинчиқларининг тўқалари ҳам олтин ёки олтин безаклидир. Қумуш уларда йўқ, темир кам, мис ва тилла серобдир.

Оролларда яшовчи массагетлар, экин-тикинлари бўлмаганидан илдиш ва мева-чева билан овқатланадилар. Кийимлари дарахт пўстидан (мол-жонлиқлари йўқ) дарахт мевасини сиқиб, шарбагини ичадилар. Ботқоқликда яшовчиларининг эмаги балиқ, кийимлари — денгиздан чиқиб келувчи тюленларнинг терисидан. Тоғда яшовчилари ёввойи мева дарахтларини ейдилар, сирасини айтганда буларнинг озгина қўйлари бор, бироқ сут ва жунини кўзлаб, уларни сўйишмайди. Кийимлари ўсимлик шираси билан бўялиб, ранг-баранг ва бўёғи узоқ сақланади. Текисликда яшовчилари, ерлари бўла туриб уни ишламайдилар, чорва, балиқ гўшти билан озиқланадилар, кўчманчи-скифча ҳаёт кечирадилар. Бу халқларнинг ҳаммасининг ҳаёт тарзи, бир хил; кўмиш маросимлари, одатлари,

<sup>1</sup>Бу ҳикоя илк ибтидоий одатларнинг қолдиги сифатида қабул қилиниши керак. Бу матн биринчи марта Геродотда учрайди. Кейинги муаллифлар ундан кўчириб бераверганлар. Авваламбор, Геродот ўзи бу гапни Қора денгиз бўйидаги греклардан эшитиб ёзган. Хабар берувчининг биттаси қўшни халқ ҳақида тўғри гапни айтади, иккинчиси эса ҳазил ёки мазах қилиши ёки бир жойда жуда кам ёки ёлғизгина содир бўлган нарсани умумэл одати деб тасвирлаши мумкин. Агар шундай бўлса (ёлғиз ҳодиса) унда бу — массагетларда “умумфойдаланишнинг” ёки “Кочлининг ҳақи борнинг” қолдиқ ёлғиз мисоли, ёки бўзқўлликнинг ёлғиз мисоли. Ўз оиласининг таъминоти учун ҳаётини қурбон қилган одам, Широқ чиққан халқда бу каби нарса умум одат бўлиши қийин. (тарж. изоҳи).

<sup>2</sup>Ёки Орол билан Каспий битта бўлган ёки Страбон даврида греклар Оролни билмаганлар. (тарж. изоҳи).

фёъл-хўйлари ўхшаш; алоҳида олинганда бу халқларнинг ҳар биттаси айёр, қайсар, ваҳший ва жангаридир. Бироқ бошқа халқлар билан муносабатда соддадил, пок ва ҳақиқатпарвардир.

*Ҷша жойдан. XI, 8, 2.*

Бу ердаги (Таврдан) сўл тарафда, шимолнинг ҳаммасини эгаллаб скифлар билан кўчманчилар<sup>1</sup> яшайди. Каспий денгизидан бошлаб, скифларнинг кўпчилиги дайлар деб аталадилар. Шарқроқдагилар эса массагет ва саклардир. Қолгани эса, уларнинг номи скиф деб аталса-да, яна ҳар бирининг алоҳида оти бор. Скифларнинг ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилиги кўчманчидир.

*Ҷша жойдан, География, VII, 3, 12.*

...Дақлар, менинг фикримча, қадимда дав деб аталганлар. Аттикада гет ва давларга мансуб қуллар борлиги, фикримнинг туғилишига сабабчидир. Яъни, бу қуллар дай номидаги скифлардан келиб чиққан ва улар Гирканиядан нарироқда яшашади ва афтидан ҳақиқатан-да Аттикага қулларни жўнатадилар, деган ҳозирги мавжуд фикрдан тўғрироққа ўхшайди.<sup>2</sup>

*Страбон. География, XI, 8, 8.*

Массагетлар ва саклар таркибига шунингдек, атасий ва хоразмийлар ҳам кирадилар... Эратосфеннинг гапларига қараганда, араҳот билан массагетлар бактрияликларга яқинроқда, уларнинг фарброғига қараб Окс дарёси бўйларида яшашади. Сак билан сўғдлар ўзлари эгаллаган текисликнинг ҳамма чегараси билан, бактрияликлар эса ерларининг бир қисми билан Ҳиндистонга юзма-юз турадилар. Бактрияликларнинг кўп қисми Паропамизга яқин истиқоматдалар. Сакларни сўғдлардан Яксарт (Сирдарё); сўғдларни бактрияликлардан эса Окс (Амударё) ажратиб туради.

*Дионисий Перизегит.*

Сўғдиёнаннинг нариги тарафида, Яксартнинг оқими бўйлаб, камонла урушувчилар, жаҳонда тенги йўқ камончилар, битта ҳам ўқини таваккал отиб кеткизмайдиган саклар яшайди.

*Искандариялик Климент.<sup>3</sup> Гиламлар, нашр. IV, VIII, 62. 596 бет.*

Найрангли чекиниб қоцаётган сак аёллари орқага ўгирилиб камон отардилар-ки, эркакларидан қолишмасдилар.

*Клавдий Элиан<sup>4</sup>*

Турли мавзудаги ҳикоялар, XII, 38.

Уйлангиси келган сак, қиз билан аввал кураш тушмаги керак. Агар курашда қиз зўр келса, ютқазган курашчи қизнинг бандисига айланиб, тамом ихтиёри унинг қўлига ўтади: йигит фақат курашда енгибгина қизни ўз ҳукми остига олиши мумкин.

*Диодор<sup>5</sup> Кутубхона, II, 33-34.*

Бу пайтларда сакларда Зарина исмли, жанговар хислатларга эга аёл подшолик қиларди. Умуман, бу қабилада аёлларнинг бари жанговар бўлади ва уруш азобларини эрлари билан биргаликда тортишади.

Зарина ўлка ерларининг катта қисмини маданий (схемегонас) ҳолатга келтириб, кўп шаҳарлар барпо этди.

<sup>1</sup>Скифларнинг кўчманчилардан кескин ажратилиб кўрсатилиши нисбийдир.

<sup>2</sup>Европада яшаган скифларнинг Греция билан қадимдан қул олди-сотгиси қилганлиги маълум. Страбоннинг бу фикридан, қуллар Урта Осиёлик бўлмаган, деган фикр туғилади.

<sup>3</sup>Искандарияли Климент — 2 аср (мил.) Рим даври ёзувчиси. (Aindorf 1869 й.)

<sup>4</sup>Клавдий Элиан. — 2-3 аср (мил.) грек ёзувчиси. “Ҳайвонлар ҳақида”, “Турли мавзудаги ҳикоялар” асарларининг муаллифи.

<sup>5</sup>Диодор — 1-аср (мил.ав.) — 1 аср (мил.одий), грек тарихчиси. 40 китобдан иборат “Кутубхона” асари мил.ав. 21-йилда ёзиб битирилган ва аксарияти бизга етиб келган. Ўзидан аввалги тарихчилар Ктезий, Херодот, Эфорлар асарларидан фойдаланган.

*Эфор<sup>1</sup>. Парча. 76 ва 78.*

Куйбоқар саклар — скиф қабилаларидан биридир. Улар дон кони бўлимиш Осиёда яшаб, ҳақиқатпарвар чорвачиларга мансубдирлар.

Скифлар бойлик кетидан қувмайдилар, бир-бирларига ҳалол муноса-батдалар, мол-мулк, аёллар, болалар, бутун оила уларда умумийдир. Уларга ташқаридан тажовуз хавф солмайди, чунки босиб оладиган нарсалари йўқ. Араваларда кўчиб юрадилар ва сут билан озиқланадилар. Шахсий мулк орттиришга йўл қўймайдилар, мол-мулк ва бошқа нарсаларга умумлашиб эгаллик қиладилар. Улардан баъзилари Осиёга кўчиб жойлашган, у ерда уларни саклар деб аташади.

*Эвритид. Вакх қизлари, 13.*

Мидиянинг олтинга бой далаларидан, Фригия билан форсларнинг қуёш нурига чўмган текисликларидан, сўнгра эса Бақтр шаҳрининг деворларидан, мидияликларнинг совуқ юртларидан,<sup>2</sup> бахтиёр Арабистон ва бутун Осиёдан ўтиб келдим, мен (худо Дионис).

*Геродот. Тарих, IV, 97.*

Нафақат Европа халқларидан, балки Осиёнинг элларидан-да биронтаси якка ҳолда скифларнинг бирлашган қўшинларига дош беролмайдилар.

*Ўша жойдан, I китоб, 106.*

Скифлар Осиё устидан 28 йил ҳукмронлик қилганлар ва ўзларининг бебилиска харажатлари ва асов феъллари билан бутун Осиёни хонавайрон этганлар. Ҳар бир халқнинг чекига солинган солиқлардан ташқари, яна босқин уюштириб турар ва элнинг<sup>3</sup> қўлидаги нарсасини тортиб олардилар.

*Ўша жойдан, Тарих, I китоб, 73.*

... Скифларнинг авбош бир қўшин тўдаси Мидияга қочиб ўтади. У пайтларда мидияликлар подшоши — Дейокнинг набираси, Фраортнинг ўғли Киаксар эди. Аввалига у, бошпана сўраб келган ҳисобидаги бу скифларни жуда яхши қабул қилиб, обрўсини баланд қилди. У ҳатто, скиф тилини ва камон отишни ўргатиш учун уларга ўз ўғилларини ҳам топширди. Орадан бироз вақт ўтди, илгари овга чиққанда скифлар доим ўлжа билан қайтишарди. Бир сафар улар ўлжасиз қелишди...

*Ўша жойдан, Тарих, IV китоб, 11.*

Бу хусусда яна битта афсона бор (шахсан мен шунисига кўпроқ ишонаман). Унинг мазмуни қуйидагича. Скиф кўчманчи қабилалари Осиёда яшашарди. Массagetлар уларни ҳарбий куч билан сиқиб чиқарганлардан сўнг улар Араксни кечиб ўтиб, киммерийлар юртига кириб келганлар (ҳозир скифлар яшаётган ер, айтишларича, қадимдан киммерларники бўлган).

*Страбон. География, XI, 8, 3.*

Икки халқ: Гиркания билан арийларгача даврдаги Парпия<sup>3</sup> ўртасида жуда катта ва сувсиз чўл бор. Гирканияга, Нисога ёки Парпия текисликларига бостириб кирмоқчи бўлганлар уни албатта кесиб ўтишлари керак эди. Бу халқлар, мазмуни келишилган муддатларда шу чўлдан ўтишга ва ўлжани олиб кетишга рухсат берилишдан иборат — ўлпон тўлашга кўнардилар.<sup>4</sup> Агар скифларнинг юртга кириши, рухсатсиз бўлса ўртада уруш чиқарди. Сўнг яна шартнома тузилар, яна уруш чиқарди. Қўшнилари талашдан иборат босқин, кейин эса яраш битими — барча кўчманчиларга хос бўлган ҳаёт тарзидир.

<sup>1</sup> Э ф о р — грек тарихчиси. Мил. Ав. (405-330 йиллар). Эолиянинг Кум шаҳридан. 30 жилдлик “Умумий тарих” номли асари Диодор ва Страбонларнинг компиляцияларидагина сақланган.

<sup>2</sup> Узум ва майхўрлик худоси Дионисий қарашлари, бизнинг юртларда-да ўз тарафдорларига эга бўлганлиги куринади.

<sup>3</sup> Парпия тарихи уч даврдан иборат. 1-давр пойтахти Нисо, 2-давр пойтахти Гекатомпил ва ниҳоят учинчи давр — Ксетифон — ҳозирги Бағдод.

<sup>4</sup> Я ъ н и, ў л п о н — рухсат беришдан иборат эди. (Тарж.изоҳи.)

*Помпей Трог<sup>1</sup>, Филиппийлар тарихи II, 1.*

Энг бошида скифлар кудратларидек атоқли эдилар: Улар Парфия, Бақтрия давлатларини, аёллари эса амазоналар подшоҳлигини тузишган. Скифлар ҳамisha энг қадимий халқ ҳисобланган, қадимийликда улар мисрликлар-ла беллашадилар.

*Диодор. Кутубхона, II, 43 — 44.*

Энди Ҳиндистон чегараларида яшовчи скифлар ҳақида гаплашайлик. Бошланишида улар унча катта бўлмаган маконда яшаганлар, бироқ кейинчалик ўзларининг кўркмас ва жасурликларига таяниб, жуда шуҳратли ва жанговар халққа айландилар. Энг аввалги скифлар Аракс бўйларидаги ерларда яшаб, унчалик кўп бўлмаганлар... аммо уларнинг шоҳларидан бири тоғли жойлардан Кавказгача, текисликда эса Мэотия кўлигача (Азов денгизи), Танаидгача (Дон дарёси) бўлган ерларни эгаллаган. Ундан сўнг скифлар Фракия... Мисрда эса Нилгача... Шарқ океанигача... Каспий ва Мэотия кўлигача етиб борганлар. Баъзи бир атоқли шоҳларнинг отлари скифларнинг турли шаҳобчалари — саклар, массагетлар, аримасплар ва ҳ.з.ларга ном бўлиб ўтган.

*Ўша жойда, II, 2*

Нин Мидия сагратлигига дўстларидан бирини тайинлади-да, ўзи Осиё қабилаларини бўйсундиргани жўнади. Ун етти йил давомида у ҳинд ва бақтрияликлардан ташқари барчанинг ҳукмдорига айланди. Кадусийлар, тапирлар<sup>2</sup>, гирканлар, драңлар<sup>3</sup>, дербиклар<sup>4</sup>, карманийлар<sup>5</sup>, хоромнийлар<sup>6</sup>, борканлар<sup>7</sup>, парпилар, Нин — шу халқларнинг ерини босиб олди. Йўллари жуда қийин, халқи жуда жангари бўлган Бақтрияни эгаллашни эса, бир неча марта бефойда уринишларидан сўнг кейинга қолдирди.

*Ўша жойда, II, 4.*

Ниневияга асос солгач, Нин катта кўшин билан Бақтрияга кирди-да, Семирамидага уйланди.

*Ўша жойда, II, 5*

Аҳолисининг (Бақтрия) феъли-хўйини, кўплигини, олиб бўлмайдиган қалъаларнинг анчалигини билгани учун, у (Нин) ўзига бўйсунган қабилалардан жуда катта кўшин тўплади... икки юз минг отлик, ўроқ билан қуролланган бир минг саккиз юзгача жанг араваси бор эди.

*Ўша жойда, II, 6.*

Бақтриянинг кўп катта шаҳарлари ичида бир Бақтра (Балх) дегани бўлиб, улканликда, қалъасининг забт этилмаслигида бошқалардан анча устун, ажойиб шаҳар эди. Унда подшоҳлик қилаётган Оксарт ҳарб ёшига тўлган жами одамларни тўплади, тўрт юз минг...

Нин жуда қаттиқ қаршилик қилган Бақтрадан бўлак бошқа барча шаҳарларни осонликча олди.

Нин жуда катта миқдорда тилла ва кумушдан иборат Бақтриянинг хазинасини қўлга туширди.

*Ўша жойда, II, 16.*

Семирамида кўшини билан Бақтрияга қайтгач, Ҳиндистонга қарши уруш ҳаракатига тушди. У ҳамма мамлакатларга даракчи юбориб, кўшинбошиларга

<sup>1</sup> Помпей Трог — Рим тарихчиси (I мил ав. — I мил.) “Филиппийлар тарихи” номли 44 китобдан иборат жаҳон тарихини ёзган. Марказида макелон подшоҳлари тургани учун асарга шундай ном берган. (Филипп — Искандарнинг отаси). Асарлари бошқа ёзувчилар (асосан Юстинда) фойдаланувида қолган.

<sup>2</sup> Кадусий ва тапирлар — Копетдоғнинг тоғли қабилалари. Ҳиндистон билан Гиркания орасидаги довондан.

<sup>3</sup> Драңлар — заранг, паранглар — Афғонистон ғарбидаги қabila.

<sup>4</sup> Дербиклар — Қорақумдаги қabila, эҳтимол дайларнинг шимолдаги кўшнилари

<sup>5</sup> Кармания — Марказий Эрон.

<sup>6</sup> Хоромнийлар — номаълум қabila, (хоразмийлар эмасмикин?)

<sup>7</sup> Борканлар — номаълум қabila.

энг бақувват ёшлардан аскар тайёрлашни буюрди. Қабиланинг нуфузига қараб аскар сонини ҳам белгилаб, уч йилдан кейин Бақтрага тўпланишларини тайинлади. Шунингдек, Сурия, Фининия ва Кипрдан кемасозларни чақирди. Инд дарёсида кемасозликка яроқли ашё топишига ишонмаганидан, кемаларни Бақтрадан тайёрлаб жўнатиш лозим эди.

*Ўша жойда, II, 26.*

(Мидия ва Бобил қўшинбошилари Арбак билан Белизидлар, подшо Сарданапалга қарши исён кўтарганларида) подшо Бақтриядан катта қўшин чақиртирди. Қўшин катта илдамликда йўл босиб келди. Бироқ, Арбак бақтрияликларни ўз томонига ўтишларига кўндиролди.

*Полиен<sup>1</sup>. Ҳарбий ҳийлалар, VII, 26.*

Семирамида ёзуви: Табиат мени аёл қилиб яратди, бироқ жасоратларим билан мен ўзимни энг қўрқмас эркакларга тенглаштирдим. Нин подшолигида мен шарқда Гинам дарёсидан, шимолда сак ва сўғд ерларигача бўлган маконда ҳукмдорлик қилдим.

*Помпей Трог. Филиппийлар тарихи, I, 1.*

Нин ўзининг сўнги урушини, айтишларича, биринчи марта сеҳргарлик усулларини топган, дунёнинг моҳиятини тинимсиз излаган ва юлдузларнинг йўллариини ўрганган Бақтрия подшоси Зардуштга қарши олиб борди.

*Тацит.<sup>2</sup> Йилномалар, II, 60.*

Германик (Рим саркардаси) қадимги Фивнинг улкан харобаларини кўздан кечирди. Хароба палахсаларида бурунги дабабадан далолат берувчи ёзувлар сақланганди. Аждодлар ёзувини тушунтириш вазифасини олган энг катта қоҳин бу ердаги ёзувда подшо Рамзес бошчилигида Мидия, Форс, Бақтрия ва скифларга қарши чиқиб, сурёний, ориёний ва уларнинг Ликий, Вифин денгизларига бўлган қўшниларининг ерларини эгаллаб олган етмиш минг аскар ёшидаги кишиларнинг оти ёзилганини айтган.<sup>3</sup>

*Диодор, Кутубхона, II, 32, 5.*

Ктезийнинг айтишича, Оссурийлар салтанати нурагач, Осиёда мидияликлар ҳукмронлик (prostenai) қилганлар.

*Ўша жойда, II, 34, 1.*

Аргиншоҳ даврида парпийлар мидияликлардан ажралиб, еру шаҳарларини сакларга топширганлар. Шунда саклар билан мидияликлар орасида уруш очилган... Ниҳоят тинчлик ўрнатилиб, парпийлар яна мидияликларга бўйсунганлар, бироқ уларнинг бошлиқлари ўртасида, ҳаминша давом этувчи тинчлик ва ҳарбий бирдамлик сулҳи тузилган.

*Ўша жойда, II, 43, 6.*

Сак подшолари мидиялик асирларни (katapolemethentes) Танаид (Сирдарё) бўйига кўчириб ўтказишди.

*Фотий XXII, 106.*

Ктезийнинг Кир ҳақидаги берган маълумотлари Геродотниқидан бошқачароқдир. Кир бақтрияликлар билан уруш олиб борган ва бу урушда гоҳ у, гоҳ бу томон баланд келган. Аммо, Астиаг Кирни оталиққа олганини эшитгандан сўнг, улар Кир ва унинг онаси Амитада томонига ўтганлар, яъни бағамом Кирга берилиб кетганлар. Кир сакларга қарши урушган ва подшо

<sup>1</sup>Полиен — Грек ёзувчиси (мил. II аср)

<sup>2</sup>Тацит — Машҳур Рим тарихчиси (мил. 50–130 й.й). “Анналар” (“Йилномалар”), “Тарих”, “Германиклар” китобларини ёзган.

<sup>3</sup>Рамзес II (Рамсис ёки Сесострисеа)нинг, XIX миср сулоласи фиръавни (мил.ав. XIII аср). ҳукмдорлигининг чегараси Ўрта Осиёгача етгани ҳақидаги маълумот фақат Тацитда бор, шунингдек, унинг манбаси ҳам маълум эмас.

Аморгни — Сфаретранинг эрини банди қилган. Сфаретра 300000 эркак ва 200000 аёлдан иборат қўшин тўплаб Кирга ташланган. Кирни енган, Амритиданинг туғишгани — Пармизни ва унинг уч ўғлини асир олган. Буларни озод қилиш учун Аморгни қўйиб юборишга мажбур бўлишган.

*Уша жойда, 29, 6.*

Кир — подшолари Аморея бўлган дербикларга қарши юриш қилган. Улар форсларни қувиб юбориш учун пистирмадан филларни чиқарганлар. (Бу урушда ҳиндлар дербиклар томонида турганлар, филлар ўшалардан олинган эди). Кир жангда отдан йиқилган ва ҳиндлардан бири унинг жигарини найзалаб яралаган. Гарчи агрофидагилар шу заҳоти кўтариб қароргоҳга келтирган бўлсалар-да, ана шу жароҳат оқибатида кейинроқ ўлган. Бу жангда форс ва дербиклардан жуда кўп — 10000 тадан одам ўлган. Кирнинг аҳволидан дарак топган Аморг 2000 отлиқ сак билан ўқдек етиб келган. Форс-дербик жангги бошланганда форслар билан саклар шундай матонат кўрсатганлар-ки, деярлик галабага эришишган. Бошқалар қаторида дербиклар подшоси Аморея ва унинг икки ўғли ўлдирилган. Дербиклар 30000, форс томони эса 9000 киши йўқотишган. Кирнинг жасади ерга кўмилган.

*Уша жойда, 29, 8.*

Кир ўлимидан олдин катта ўғли Камбизни подшоликка (basilevs) тайинлаган. Кичик ўғли Таниоксаркни — Бақтрия, хоромнийлар, парши ва карманийларга, Спитаннинг ўғли Спитакни эса дербикларга ҳукмдор (despotes) қилиб қўйган.

*Ксенофонт<sup>1</sup>, Киропедия, 1, 4.*

Кир (Куруш) Осиё қабилалари ўз-ўзларини алоҳида-алоҳида бошқаришларини билганидан унча катта бўлмаган форс қўшини билан отланган. Мидиялик билан гирканлар ўз хоҳишларича бўйсунганлар. Кир Сурия, Оссурия, Фригия, Мидия, Кария, Финикия, Бобил, Бақтрия, ҳинди, киликлар, шунингдек, сак ва магадиллар ва барча осие қабилаларини бўйсундирган.

*Геродот. Тарих. I, 204-215.*

Каспий денгизининг шарқ тарафида кўз илгамас чексиз текислик узанган, уни катта қисмида массагетлар истиқомат қиладилар. Кир ана шуларга қарши юриш қилишни тусаб қолди...

Бу пайтда массагетларга эри ўлгандан кейин подшоликда қолган Тамирида исмли аёл ҳукмдорлик қиларди. Кир унинг қошига хушомадлик гаплар билан элчи юбориб, ўзига хотин бўлишни сўради. Кирга ўзи эмас массагетлар подшолиги кераклигини яхши фаҳмлаган Тамирида элчиларни қабул этмади. Найранги иш бермаган Кир Араксга юрди ва ниятини очиқ намоён этиб, қўшинини шунингдек, йўлда керак бўладиган буржларни солларга қўйиб, олиб ўтиш учун кўприк қуришга тушди.

Бу ишга банд экан, Тамириданинг жарчиси келиб куйидаги гапларни айтди: «Эй, мидияликлар подшоси бу тадоригингни қўй. Зероки, сенинг фойдангга хизмат қиладими йўқми билмайсан. Тинчгина ўз юртингда подшолигингда юр, биз эса ўз юртмизда подшоҳлик қилайлик. Бироқ, сен тинчликни хоҳламаслигиндан бу маслаҳатга кулоқ осмайсан. Майли, массагетлар билан тўқнашгинг келса келавер-у, бироқ кераксиз кўприк қуришни қўй. Уч кунлик йўлга йироқлашишимизга имкон бер-да, сўнг дарёдан ўтавер. Ёки, дарёнинг сизларга тегишли қирғоғида тўқнашмоқ истагинг бўлса, биз қилмоқчи бўлган ишни сен қил». Буни эшитиб Кир, атоқли (hoi protoj) одамларини йиғиб, масалани англатиб, маслаҳат сўради. Барча, Тамиридага бу қирғоққа ўтиш имконини бериш ва ўз ерларида у билан уруш олиб бориш фикрида тўхтади. Фақат мидиялик Крез бу фикрга қарши чиқди... Шундан сўнг Кир Тамиридага узоқлашишни, унинг қирғоғига ўзи ўтажagini жавоб қилди. Аёл ваъласига биноан кетди... Кир қўшини билан дарёдан ўта бошлади...

<sup>1</sup>Ксенофонт (мил.ав. 430-354 йиллар). — 401 йилда грек ёлланмаси сифатида кичик осиелик сатрап Кенжа Кир қўшинида, форс подшоси Артаксергс қарши истёнида қатнашган тарихчи. Урта Осиёга қилинган ҳарбий юришларнинг иштирокчиси.



Дарёдан кейин саккиз кун йўл юргач, Кир Крезнинг маслаҳати билан қўшиннинг энг бўш қисмини қолдириб энг яхши қисми билан яна илгариледи. Массает аскарларининг учдан бир қисмини ташкил этувчи бўлаги, Кир қолдириб кетган қўшинга ҳужум қилиб уни қириб ташлади. Тайёр пишириб қўйилган овқатларни кўриб массаетлар емак-ичмакка муккадан тушдилар. Форслар қайтиб келиб массаетларни бирини ўлдириб, бирини асир олдилар. Асирлар ичида Тамириданнинг ўғли, аскар бошлиғи Спаргапиз ҳам бор эди.

Тамирида ўғли ва қўшинининг ҳолатидан дарак топгач, Кирга элчи юбориб, куйидаги гапларни айттирди: «Бўлган воқеа билан мағрурланма, эй қонхўр Кир, сен ўғлимни ҳалол, очик жангга эмас, найранг билан, ичганда ақлингизни оздирадиган, оғзингизга киргандан сўнг ундан ифлос гапларни чиқарадиган узум мевасининг ичимлиги билан енгдинг. Энди, менинг маслаҳатимга кириб, ўғлимни қайтаргин-да, массаетларнинг учдан бир қисм қўшинини қўлга киритдим, деган фикр билан мағрурланиб юртингга қайт. Агар сўзларимга қўнмасанг, массаетлар тангриси Қуёш номи билан қасам ичаман-ки, сендек еб тўймас олчоқни қонга қондираман.»

Кир Тамириданнинг гапларига заррача эътибор бермади. Йигитча Спаргапиз эса, Тамириданнинг ўғли вино таъсиридан кутулиб, нима иш бўлганини англагач, Кирдан кишанлардан озод қилиш ҳақида ўтинди. Ўтинчи инобатга олиниб, қўллари бўшагилганда эса ўзини ўзи ўлдирди.

Тамирида маслаҳати Кирга ўтмаганини билиб, барча кучини тўплаб унга қарши юрди.

Шахсий фикримча, варварлар қилган урушларинг энг қақшатқичи мана шудир. Айтишларича, аввал улар тик туриб бир-бирларига камон отганлар. Сўнгра, ўқдонлари бўшагач, яқин келиб найзабоз ва қиличбозликда сўқишишган. Узоқ давом этган бу жангга ҳеч ким чекингиси, қочгиси келмаган. Ниҳоят массаетлар ғалаба қилганлар. Форс қўшинининг аксар қисми қириб ташланган. Бир кам ўтгиз йил подшолик қилган Кирнинг ўзи ҳам ўлдирилган. Тамирида бир мешни одам қони билан тўлдириб, Кир жасадини топишни буюрган. Жасад топилганда унинг бошини қонли мешга тикиб, масхаралаганча шундай деган: «Сени мағлуб этган мен, ҳозир тирикман-у, бироқ сен, найранг билан ўғлимдан айриришнинг туфайли мени ўлдирдинг. Олган қасдимни бажариб, сени қонга қондирдим!»<sup>2</sup>

Кирнинг ўлими хусусидаги кўп ҳикоялар ичидан, менга энг ҳақиқатга яқини бўлиб туюладигани ана шудир.

### *Страбон. География, XI, 8.*

Баъзиларнинг айтишига кўра, Кир массаетларга қилган юришида ютқазиб қочган.

### *Безистун қоясидаги ёзув. I, 6.*

Доро шоҳ шундай дейди: Ахурамазда йродаси билан мен подшо бўлдим, мана булар менинг ҳукмимда эдилар: Форслар, Сузиана<sup>1</sup>, Бобил, Оссурия, Ара, денгиз бўйидаги Миср, Спарда<sup>2</sup>, Иония, Мидия, Армания<sup>3</sup>, Каппадокия, Парфия, Дрангиана, Ария, Хоразмия, Бақтрия, Сўғдиёна, Гандарлар, саклар, сагтагидлар, Арахозия, маклар<sup>4</sup>. Жами йигирма уч вилоят. Улар менга бож тўлардилар ва барча буйруқларимни бажарардилар.

### *Уша жойда, I, 14.*

Комет Муғ бузиб ташлаган муқаддас иморатларни мен тикладим ва Комет Муғ тортиб олган савдо сотиқни, яйловларни, ерни (уйларни) халққа қайтариб бердим.

<sup>1</sup>Сузиана — Эроннинг марказидаги ер.

<sup>2</sup>Спарда — Кичик Осиёдаги маркази Сардия дейилган Лидия бўлса керак.

<sup>3</sup>Армания — Бу ерда географик ҳудуд маъносиди.

Иония — Кичик Осиё ва ороллардаги грек колониялари.

Каппадокия — Кичик Осиёдаги вилоят.

Гандарлар — Инд дарёси юқорисидидаги қабила.

Сагтагидлар — Кобул билан юқори Инд ўртасидидаги йирик чорвачи қабила.

Арахозия — Жануби Шарқий Афғонистон.

<sup>4</sup>Мак ёки миклар, қизил денгиз бўйида, Арабистон ва Кармания ўртасидидаги қабила.

*Ўша жойда, II, 2.*

Доро шоҳ сўзлайди: «Мен Бобилда ўралашиб қолганимда мана бу вилоятлар мендан ажралиб чиқдилар. Форсiston<sup>1</sup>, Сузиана, Мидия, Оссурия, Армания, Парфия, Марғиёна, саттагидлар, саклар.

*Ўша жойда, II, 16.*

Парпилар, гирканлар менга қарши чиқиб, ўзларини Фраат тарафдорлари деб эълон қилдилар. Ахурамазда менга кўмак берди... мамлакат меники бўлди.

*Ўша жойда, III, 3.*

Доро шоҳ сўзлайди: «Марғиёна аталувчи ўлка менга қарши кўзғолди. Фраат отли бир бандани ҳукмдор қилдилар. Унга қарши мен ўз мулозимим, Бақтрия саграпи, форс Додарсни юбордим ва бу ўлка меники бўлди. Шундай ишларни қилдим Бақтрияда.

*Аҳоманийлар даври форсий ёзувлар:**Безистун ёзуви. V, 4.*

Доро шоҳ айтди: «Мен сакларга қарши бордим, душманни ўлдирдим, банди қилдим. Сакуна отли биттаси менга қарши (турди)... уни олдим... кейин бошқа бир дохийсини...

*Персеполис ёзуви. I, 2.*

... Ахурамазданинг иродаси туфайли, мен форс халқининг кучига таяниб эгаллаб турган Сузиана, Мидия, Бобил, Аравия, Осурия, Миср, Армания, Спарда, қитъадаги ва денгиздаги ионияликлар; шунингдек, кунчиқардаги сагартия, парфия, зарақлар (дрангианлар), Ария, Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразмия, саттагидлар, Арахозия, Ҳиндистон, Гандария, сак ўлкалари мендан қўрқардилар ва ўлпон тўлардилар.

*Доро Гистаспнинг Нақширустон қабристонини турбатидаги ёзув:*

Подшоҳ Доро айтди: «Эрон чегарасидан ташқаридаги, мен қўлга олган, менга бож тўлайдиган ўлкалар будир: Мидия, Сузиана, Парфия, Ария, Бақтриёна, Сўғдиёна, Арахозия, саттагидлар, Гандария, ҳиндлар, Эмергия саклари, камончи саклар, Бобил, Оссурия, Аравия, Миср, Каппадокия, Спарда, Иония, денгиз ортидаги саклар<sup>2</sup>, скудрлар<sup>3</sup>, гулчамбар кийиб юрувчи ионияликлар<sup>4</sup>, понгликлар<sup>5</sup> коссаклар<sup>6</sup>, маций<sup>7</sup>, колхлар<sup>8</sup>. Улар менинг қонунларимга итоатда эдилар, менинг қонунларимдан бошқасига буйсунмасдилар.

*Хамадонда топилган кумуш тахтадаги ёзув:*

Доро, шаханшоҳ, юртлар эгаси, Аҳоманий Гистаспнинг ўғли. Шоҳ Доро айтди: «Сўғдиёна ортидаги саклардан (ўлкасидан) Нубиягача, ҳиндлардан Спардагача бўлган бу мамлакатни бирин-кетин менга Ахурамазда етказди. У Худоларнинг энг буюгидир. Ахурамазда мени ва шу қаторда оиламни паноҳида сақласин».

*Полиен. Ҳарбий ҳийлалар. XII, 12.*

Дорога қарши йиғилган сак лашкаридаги Саксфар, Омарг, Оамирис номли сак подшолари вазиятни муҳокама қилиш учун бир ерга тўпландилар. Очиқ жойда ўтказилаётган мажлислардан бирида уларнинг олдига Широқ деган бир

<sup>1</sup> Доронинг қийин аҳволга тушганини кўрсатувчи белги. Форсiston — Эрон давлатининг ўзаги. Эҳтимол, сохта Камбиз қиёфасида тахтни вақтинча эгаллаган Комет Муғ воқеаси бўлиши мумкин.

<sup>2</sup> Биринчи марта сакларнинг (скиф) яшаш жойи ва хусусиятларини, худди бошқа-бошқа давлатлардек (аслида ҳам шундай бўлган) ажратилиб кўрсатилишидир.

<sup>3</sup> Колетдаг тоғликлари, Озарбайжонга ҳам тарқалган халқ.

<sup>4</sup> Матн тушунарсиз, баъзилар дубулга деб баъзилар узун соч деб тушунадилар.

<sup>5</sup> П о н т л и к л а р — Қора денгиз тарафдаги турли кавказликлар.

<sup>6</sup> К о с с а к — афтидан шимолий эрон қабилиси.

<sup>7</sup> М а ц и й л а р — номаълум қабила

<sup>8</sup> К о л х л а р — кенг маънода Кавказ халқлари, жузъан эса Олон вилояти англатиларди.

отбоқар яқинлашиб келди. Агар, деди у, болаларим ва набирачаларимни уй-жой ва пул билан таъминласангиз форс қўшинини қириб ташлашни бўйнимга оламан. Подшолар талабини бажаришга қасам ичиб сўз бергач, у ёнидан пичогини олиб, ўзининг кулоқ, бурнини кесиб ташлади. Сўнг бошқа аъзоларини ҳам тилиб жароҳатлади-да, қочқин сифатида Доро қошига борди. Ўзини бу аҳволга сак подшолари солган, деб айтди. Доро унинг бахти қаро ҳолига раҳми келиб, гапларига ишонди. Широқ мангу олов ва муқалдас сувни кўмак беришга чақириб: «Мен душманларимга форслардан фойдаланиб жазо беришга қарор қилдим. Бунинг йўли бор. Гап шундаки, саклар бугун тунда қароргоҳларидан чиқишни режалаштирганлар. Агар биз қисқа йўлдан юриб, улар ўтадиган жойда пистирмада турсак, балиқни қармоққа илинтиргандек қўлга олардик. Отбоқарлик қилиб юрганнимда йўлларни яхши билиб олганман, йўлбошловчи бўлишим мумкин. Дарвоқе, бир ҳафталик емагу ичмак олиб олишимиз керак». Қўшин етти кунлик йўл юриб, сувсиз, унумсиз ерга келиб қолганда, мингбоши Реносбат йўлбошловчидан, подшоҳни алдаб, шундай катта форс қўшинини на биронта бўлоғи йўқ, на биронта қуш ёки ҳайвон кўринмайдиган, на олдинга юриб, на ортга қайтиб бўлмайдиган сахрога нима сабабдан бошлаб келдинг, деб сўради. Широқ қўлларини шод ўйнатганча, қаттиқ қулиб жавоб берди. «Мен ғалаба қозондим, чунки юрдошларим сакларнинг бошидаги балони қайтариб, форс қўшинини очлик ва ташналик балосига йўлиқтирдим.» Реносбат шу заҳотиёқ унинг калласини олиб ташлади. Дорошоҳ эса баланд қирнинг (барханнинг) устига чиқди, бош ҳукмдорлик белгилари бўлмиш: қизил енгсиз чопонини (порфира), чўққи қалпоғини (тиара), асоини (скипетр), пешона боғини (диадема) ечиб — баридан қутулиб ёнига қўйди. Кунчиқар сонияда Аполлондан ўтиниб, форсларни ўлимдан қутқариш учун осмондан оби ҳаёт юборишни сўради. Шу пайтда ҳақиқатан кучли ёмғир қўйди. Форслар мешларини, қўлларидоғи бор идишларини сувга тўлдириб олиб, қутулганлари учун тақдирга шукр қила-қила, Бақтр дарёсига етиб олдилар.

### *Геродот, Тарих, III, 89-94.*

Доро Эронда сатрапия деб аталувчи, йигирмата маъмурий вилоят ташкил этди. Вилоят бошлиқларини тайинлагач, ҳар бир сатрапиядаги асосий халқларга қараб солиқларни белгилади. Чегарадош элатлар шу асосий халқларга, узокроқ яшовчилар эса бошқа халқларга тақсимланиб боғлаб қўйилганди. Доронинг талаби бўйича ўлпонни кумуш билан тўлайдиганлар Бобил талантида, тилла билан тўловчилари эса эвбей талантида ўлчаб келтиришлари лозим эди. Бобил таланти етмиш саккиз эвбей миноси қимматига эгадир.

Қир ва Камбиз подшоҳликлари даврида ўлпон бу ҳолда ўлчаб қўйилиши умуман йўқ эди-ю, бироқ мулозимлар совғалар келтирардилар. Шу ва шунга ўхшаган тартибларни жорий этгани учун форслар Дорони савдогар деб атардилар... Еттинчи вилоятда бирлаштирилган саттагиллар, гандарийлар, дадик ва аппаратлар<sup>1</sup> юз етмиш талант миқдорига солиқ тўлардилар. Унингчи вилоят бўлмиш Экбаган, Мидиянинг қолган қисми, париканийлар<sup>2</sup>, ортокорибантийлар<sup>3</sup> — тўрт юз эллик талант; каспийлар<sup>4</sup>, павсика, пантимат, дарейтлар<sup>5</sup> — ҳаммаси ўн биринчи вилоятни ташкил этишар ва улардан икки юз талант тушарди. Бақтрлардан эгларгача бўлган ерларни қамровчи ўн иккинчи вилоятнинг ўлпони уч юз олтимиш талант белгиланганди. Пактикадан<sup>6</sup>, шунингдек арминияликлар ва уларнинг қўшни ерларидан бошланиб, Эвксин Понтигача (Қора

<sup>1</sup> Д а д и к в а а п п а р и т л а р — Афтидан Инд дарёсининг юқори қисмида яшовчи элатлар бўлса керак.

<sup>2</sup> П а р и к а н и й л а р — негалир Ҳеродот уларни икки марта такрорлайди. Демак, улар Мидиянинг чеккаларида, буш ерларда сочилиб яшаган.

<sup>3</sup> О р т о к о р и б а н т и й л а р — номаълум эл.

<sup>4</sup> К а с п и й л а р — Каспий денгизининг Кавказ тарафдаги, жанубий ғарбий қисмидаги қабила. Негалир Геродот уларни икки қарра келтиради.

<sup>5</sup> П а в с и к а й, п а н т и м а т, д а р е й т л а р — Каспийнинг жанубий ва шарқий қирғоқларида яшовчи қабилалар. Павсикайлар Плинийдаги пазиклар бўлиши мумкин.

<sup>6</sup> П а к т и к а — Инд дарёсининг юқори оқимидаги вилоят. Унинг Армания билан бир вилоятда тушиб қолгани тушунарсиз. Бу — бизга номаълум оти бир бошқа жой ёки Геродот айтганидек, олис ўлкаларнинг ички сатрапияларга боғланганига мисол.

денгиз) узанувчи ўн учинчи вилоят тўрт юз талант тўларди. Ўн тўртинчи вилоят ҳисобланувчи сагартий, сарангий фаманай<sup>1</sup>, угий<sup>2</sup>, миклар ва подшо сургун қиладиганларни жойлаштирувчи Эрифрей (Қизил) денгиздаги оролларнинг халқларидан олти юз талант солиқ олинар эди. Ўн бешинчи вилоятни ташкил этувчи саклар ва каспийлар икки юз эллик талант тўлардилар. Ўн олтинчи вилоятдаги парпилар, хоразмийлар, сўғлар<sup>3</sup>, арейлардан уч юз талант олинарди. Париканийлар, осиелик эфиоплар<sup>4</sup>, тўрт юз талант тўлаб — ўн еггинчи вилоятни; икки юз талант тўлашга мажбур магиенлар, саспейрлар, алародийлар ўн саккизинчи вилоятни ташкил этишарди. Мосх, тибарен, макрон, масинойлар — ўн тўққизинчи вилоятга киритилиб, уларга уч юз талант<sup>5</sup> солиқ солинганди. Бизга маълум халқларнинг ичида энг кўп сонлиси бўлган ҳинд халқи, бошқаларга нисбатан энг катта солиқ, яъни уч олтмиш талант олтин қум тўлар ва йигирманчи вилоятга киритилганди...

*Геродот. Тарих, VII, 21.*

Ксеркс юришига<sup>6</sup> жалб этилмаган биронта осиелик халқ қолганмикан, энг улугларини ҳисобламаганда, Ксеркс қўшинини сувга қондиришга қуввати етган биронта дарё бормикин? Унинг қўшинига бир халқ кемалар етказса, бошқаси пиёда аскар, учинчиси отлиқ қўшин етказиб беришга мажбур, тўртинчиси жангчилардан ташқари отларни ташийдиган кемаларни тахтлаши, бешинчиси — кўприк қуришга мос узун кемалар, олтинчиси — озиқ-овқат ва кемалар...

*Ўша жойда, VII, 64.*

Бақтрияликларнинг бош кийими мидияликларникига жуда ўхшаш. Аммо камонлари ўзига хос — бақтриёна бўлиб, қамишдан эди. Скиф қабиласи бўлмиш сакларнинг қалпоқлари учлик бўлиб, пишиқ наमतдан тикилган ва тик кийиларди. Иштонлари, камонлари, ойболталари ўзига хос эди. Бундан ташқари калта қилич (speheridia) билан қуролангандилар, аслида, сак деб амиргия скифларини аташарди. Саклар билан бақтрияликларни Гистасп бошлаб борарди. Гистасп — Доро билан Кирнинг қизи Атосанинг ўғли эди.

*Геродот. Тарих, VII, 66, 67.*

Арийларнинг камонлари мидияча, бошқа қуроллари эса бақтрияликларникидай. Уларнинг бошлиғи Сисампес Гидарн ўғли эди. Парпилар, хоразмийлар, гандарийлар, дадиклар сафарда бақтриёна қуролланардилар. Уларнинг бошлиғи — Артабаз Фарнак ўғли; сўғларники Азанес Артей ўғли; гандарий дадикларники эса — Артифий Артабон ўғли эди.

Каспийлар сисирна (пўстин) кийгандилар, қуроллари: қамишдан қилинган маҳаллий камон ва акинак (кенг қилич) эди. Бошлиқлари Артифийнинг туғишган қардоши Ариомард эди.

*Ўша жойда, VII, 96.*

Кемалардаги аскарлар форс, мидиялик ва саклардан эди... Бу бўлинмаларнинг, худди пиёда қўшиндагидек маҳаллий дохийлари (epichoroi hegemones) бор эди. Ҳар битта бошлиқ қабилаинг энг атоқли одами эди. Ҳар бир қабиладаги бошлиқлар сони улардаги шаҳар сонига тенг эди. Ниҳоят, бу бошлиқлар қўшинда аскарбоши эмас оддий жангчилардек, қуллар ҳисобида эдилар. Бурунроқ гапирганимдек, бутун ҳокимият, жумладан, айрим қабилалар устидан-да ҳокимият форслар қўлида эди.

<sup>1</sup> Ф а м а н т и й л а р — Хирот яқинидаги ер. У ерда ҳозир файмонийлар дейилувчи элатча бор.

<sup>2</sup> У т и й л а р — унсийларнинг Искандар Мақидуни билан тўқнашувлари ҳақида Арриан (III, 17) ва Страбонлар ёзганлар. Сузианадаги элат.

<sup>3</sup> Сўғларнинг Хоразм ва Парфия билан бир сатрапияга киритилганлигида, Геродот аниқ янглишаётибди. Бақтрия эгларга қўшилган экан, сўғлар-да, шу 12-сатрапияда бўлишлари керак.

<sup>4</sup> О с и е л и к э ф и о п л а р (хабашлар). — Бу ибора Геродотдан бошқа ҳеч бир ёзувчида учрамайди. Афтидан Геродот, Арабистонга яқин қабилаларни осиелик эфиоплар деб атаган.

<sup>5</sup> Ўн тўққизинчи вилоятга киритилган халқларнинг бари Кавказга тааллуқли.

<sup>6</sup> Гап Ксеркснинг грекларга қарши юриши устида бормоқда.

*Ўша жойда, VIII, 184.*

Ҳар бир кема таркибига бошқа қабила аскарларидан ташқари ўтгизтадан форс, мидиялик ва саклар киритиларди.

*Ўша жойда, VIII, 113.*

Фессалияга етиб келгач, Мардоний ўзига аввало ўлмастар деб аталувчи бўлинмани танлаб олди. Бўлинма бошлиғи Гидари, мен шоҳдан айрилмайман дегани учун у қолди. Кейин Мегабаз бошқа форслардан... шунингдек, мидиялик, сак, бақтр, ҳиндлардан танлади. Буларнинг отлиғи-да, пиёдаси-да бор эди.

*Геродот. Тарих, IX, 71.*

Барварлар ичида форс пиёдалари ва сак отлиқларининг жасорати ажралиб турарди.

*Ўша жойда, III, 117.*

Осиёда тоғ тизмаси билан ўралган текислик бор. Ўша тоғ тизмасининг эса бешта дараси бор. Хоразмий, гиркан, парси, саранги, фаманай халқларининг чегараларида жойлашган бу текислик бурунги замонларда хоразмийларга қараган. Бироқ, форслар томонидан босиб олинган пайдан бошлаб шоҳнинг мулкига айланган. Текисликни қуршаган тоғнинг бир жойидан Акес деган дарё оқиб киради. Илгари дарё беш ўзанга бўлиниб, ҳар бир ўзан алоҳида дарадан чиқиб, юқорида оти келтирилган халқларнинг ерини суғорган. Бироқ, халқлар форсларнинг қўли остига ўтгач, ўзгариш юз берди. Яъни, подшоҳ бешала дарани кўмиб, ҳар бирига тўғон ясашни буюрди. Оқибатда, сув киради-ю, чиқиш йўли қолмаганидан, тоғ билан ўралган текислик қўлга айланди. Шундай қилиб, илгари сувдан фойдаланиб юрган халқлар, ҳозир фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлари учун қаттиқ йўқчиликда қолдилар.<sup>1</sup> Қишда, бошқа халқлар қаторида Тангри ёмғир юборади, аммо тарик, кунжут экиладиган ёзда улар сувсизликдан жуда азобланидилар. Сувлари йўқлигидан хотинлари билан Эронга йўл оладилар, шоҳнинг саройи олдида ўкириб йиғлаб, дод-вой қилиб ёлворадилар. Подшоҳ сўровчиларнинг қурғоқчиликдан қаттиқ азобланаётганликларини кўриб, ерларини тўсган тўғонни очиб юборишни буюради. Ерлари сувга қонгач, тўғон яна ёпилди. Шуни таъкидлаш керакки, улар билан биргаликда сувсизлик азобидаги бошқа халқларнинг суви ҳам очилади. Айтилган турунлардан биламанки, расмий солиқлардан ташқари, тўғон очилиши жараёнида подшоҳ кўп пул йиғиб олади. Ишлар мана шунақа.

*Ўша жойда, IV, 203-204.*

Форслар қолган баркийликларни<sup>2</sup> қул қилдилар. Мисрдан жуда узоқ жойга, Доро шоҳ қошига жўнатдилар. Шоҳ уларга макон сифатида Бақтриядан бир қишлоқ ажратди. Бу қишлоққа Барки номи берилди ва мен Бақтриядалик давримда-да, у қишлоқ мавжуд эди.

Доронинг ўлимидан кейин Ўрта Осиёда ғалаёнлар давом этди. Эроннинг бари душманлари кураш бошлар эканлар Ўрта Осиё билан алоқа боғлашга шошилишарди. Артаксеркс даврида (405-424 й.й.) Миср билан бир вақтда Бақтрияда ҳам ғалаён бошланди.

*Геродот. Тарих, IX, 113.*

(Бақтрияни оёққа турғизиб, подшоҳни тахтдан ағдариш мақсадида) Масиста ўғиллари билан шошининг жўнади. Менинг фикримча, агар у вақтгирок етиб борганда ниятига етган бўларди. Чунки, Масиста бу ўлканинг сатрапи эди ва маҳаллий аҳоли бўлмиш бақтрлар билан саклар уни яхши кўришарди. Бироқ Ксеркс укасининг хатти-ҳаракатларидан хабар топиб аскар бўлинмасини жўнатди, (у бўлинма) Масистани йўлда қувиб етиб, ўғиллари ва яқинлари билан бирга барини ўлдирди.

<sup>1</sup> Туркменистон жанубидаги Ахалгака ва Марв воҳалари суғорилишининг айнан ўзи.

<sup>2</sup> Б а р к и — Шимолий Африкадаги вилоят.

*Ктезий. Эрон, 31.*

Артаксерксдан Бақтрия ва унинг Артапан отли сатрапи ажралиб чиқди. Жанг аввалига гоҳ у тараф, гоҳ бу тараф фойдасига оғишиб давом этди. Бироқ, шамол бақтрияликларнинг юзига қараб эса бошлагач, Артаксеркс голиб келиб, бутун Бақтрияни яна ўзига бўйсундирди.

## И Б О Б

### ИСКАНДАР МАКИДУНЛИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА ЮРИШИ

*Арриан.<sup>1</sup> Искандар юришларининг тарихи, III, 8.*

Дорога ёрдам учун бақтрияликларга қўшни бўлган ҳиндлар, бақтрияликларнинг ўзлари, сўғлар етиб келишди. Бақтриянинг сатрапи Бесс бу қўшинга қўмондон эди. Осиёда яшовчи скиф қабиаларидан бири — саклар уларга ҳамроҳ эдилар. Саклар Бессга қарам эмас, Доронинг иттифоқчилари эдилар. Отлиқ камончилар бўлган бу сакларнинг бошлиғи Мавак эди.

Арахот сатрапи Барзаент арахотларни, шунингдек, тоғли ҳинд деб аталувчиларни олиб келди. Арий сатрапи Саттибарзан арийларга бош бўлиб келди. Парпи, гиркан, тапурлар — Фратафрен бошчилигида келишди. Атропат — мидияликларга раҳбар эди, мидияликлар билан бирга эса, кадусилар, албанлар, сакезинлар<sup>2</sup> бор эдилар.

*Ўша манба, III, 11.*

Доро қўшинидаги ҳолат қуйидагича эди: сўл қанотда — дай ва арахотлар қўшилган Бақтрия отлиқ аскарлари турарди... Унг қанотда, мидияликлар, парпилар, саклар, улардан кейин тапурлар ва гирканлар; ... илгорнинг сўл қанотида — скиф отлиқлари ва гилдирак ўқига чалғи ўрнатилган юзта араваси билан мингта бақтриялик бор эди.

*Ўша манба, III, 19.*

Искандар Дорони Мидияда деб эшитгани учун ўша ерга ўтди. Доро эса Искандар Суза билан Бобилда юратурса ва унинг сиёсатида зора ўзгариш юз берса деган умидда Мидияда қолмоқчи эди. Бироқ, борди-ю, Искандар унга томон юрса, Парпия, Гирканиа ва то Бақтриягача қочмоқчи ва ўтган жойини пайҳон этиб, Искандарнинг ортидан юриш имконини йўққа чиқармоқчи эди. Шу мақсадда у хотинларини ва уларга тегишли араваларини Каспий дарвозаси томон<sup>3</sup> жўнатган, ўзи эса қолдиқ аскарининг танганланлари билан Эқбатанда яшамоқда эди.

*Ўша манба, III, 20.*

(Мидиядан) Искандар Парпияга йўналиб, бириңчи куниёқ Каспий дарвозаси олдида қароргоҳ курди. Эртасига дарвозадан ўтиб, мамлакатнинг аҳоли яшайдиган ерининг охиригача борди. Нарийёғи қимсасиз чўл эканлигини билиб, емак-ичмакни шу ерда ғамлаш ниятида, отлиқлар ва бирмунча пиёдалардан тузилган бўлинма бериб Кеңни жўнатди.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи. III, 21.*

Доро қўшинидан... Доро билан бирга қочган отлиқ аскарларнинг хилиархи (мингбоши) Набарзан, Бақтрия сатрапи Бесс, Арахозия ва Дрангиананинг сатрапи Барзаент учовлари подшоҳни банди қилишгани ҳақида дарак берилди. Буни эшитган Искандар янада илдамлади... Бу ерда у (Каспий дарвозада) душманларини топмади-ю, лекин Доронинг аёллар аравасида тутқундек олиб кетилаётганини, ҳокимият Бесс қўлига ўтганлигини, Артабаз ва ўғиллари, шунингдек, ёлланма греклардан ташқари, Доро билан бирга қочган барча варварлар Бессни ўзларининг ҳукмдори сифатида тан олганликларини эшитди...

<sup>1</sup> Арриан — (мил. I-II асрлар грек тарихчиси) “Искандар юришларининг тарихи” асаригина бутун қолган.

<sup>2</sup> Албан, сакезинлар — кавказлик қабилалар.

<sup>3</sup> Каспий дарвозаси. — Ҳозирги Техрон яқинидаги Копетдагдан ошар доvon.

Варварлар фақат тунда йўл босишга қарор қилганликларини-да билгач эса, маҳаллий аҳолидан қисқа йўл борми йўқлигини суриштирди. Одамлар, йўл бор аммо сувсизлик туфайли кимсасиз эканлигини айтишди...

(Искандар) бир кечада 400 стадийга яқин йўл босиб, ниҳоят тонгда варварларга етиб олди. Улар тартибсиз, қуролсиз борардилар. Шунинг учун жуда камчилик одам ҳимояланди. Кўпчилик Искандарни кўрган заҳоти қочишга тушди. Ҳимояланаётганлардан ҳам бир нечаси ҳалок бўлгач, қолгани ҳам қоча бошлади. Доро аёллар аравасида Бесс одамлари қуршовида олиб кетилаётганди. Аммо Искандар уларга яқинлашган чоғда Набарзан ва Бесс Дорога бир неча зарбани бериб, 600 отлиқ билан қочиб кетишди. Доро Искандар уни кўргунига бўлмай, жароҳатлари туфайли жон берганди.

### *Уша манба, III, 22.*

Искандар Доронинг жасадини Эронга жўнатиб, уни шоҳлар турбагида (қабристониди), Дорогача бўлган шоҳлар қаторида, шоҳона дафн этишни буюрди. Парпи ва гирканларга эса Амминасп деган парпини сатрап қилиб белгилади.

### *Уша манба, III, 23.*

Кувиб кетаётганда қолдирган қўшин қисмини ўзи билан олиб, Искандар Гирканияга юрди. Гиркания вилояти Бақтрия йўлининг сўл тарафида, Бақтриядан ўрмонли баланд тоғлар билан ажралиб турарди. Иккинчи тарафда эса, то буюк денгизгача тоғолди текислиги узанган. Доро қўшинидаги ёлланма аскарлар тапур тоғларига қочганларини, мақсадлари, ўнг келса тапурларни-да забт этиш эканлигидан хабар олганидан Искандар шу йўлни танлаган эди... Искандар шу ерларда (Гиркания) эканлигида Доронинг ҳилиархи (мингбошиси) Набарзан, Гиркания ва Парпистоннинг сатрапи Фратаферн, шунингдек, Доро мулозимларининг анчаси омонлик сўраб келиб, ўзларини унга топширдилар...

Искандар бу ердан йўлга тушиб Задракарт<sup>1</sup> деган Гиркан шаҳрига йўналди...

Тапурия сатрапи Автофродатга сатраплигини қайтиб берди. Артабазнинг ўглини эса ёнида, иззат-хурматда олиб юрди. Чунки улар атоқли форсларнинг биринчи қаторида туришар, Дорога садоқатини сақлаб қолгандилар.

### *Уша жойда, III, 24.*

Кейин Искандар ўзи билан бирга қалқончиларни, камончиларни, агриан<sup>2</sup>, Кен билан Аминга бўлинмаларини, этер<sup>3</sup> отлиқларининг ярмини ва отлиқ найзавозларни олиб, энди унда отлиқ найзавоз бўлинмаси-да тузилганди, мардлар юртига кирди. Шулар билан биргаликда Мардистоннинг анча қисмини олди, кўп одамларни ўлдирди, ўлдирилганларнинг аксарияти қочаётганда жон бердилар, камчиликни ташкил этганларни банди қилди. Мардистонга келиш ниҳоятда оғирлигидан, одамлари камбағаллигидан, бунинг устига жасурлигидан бу юртга кўп замонлардан бери душман йўламаганди. Шунинг учун Искандарнинг келганидан ҳеч бири кўрқмасди, анча ичкарига киргандан кейин ҳам кўпчилик мардлар ғафлатда қолгандилар. Анчагина одамлар Искандар чиқолмайди деган умидда баланд-баланд, тик тоғларига қочдилар. Аммо Искандар ўша тоғларга-да етиб боргач, элчи жўнатиб ер ва жонларини топширдилар. Искандар элчиларни қайтишига рухсат бериб, тапурлар каби мардларнинг устидан-да Автофродатни сатрап белгилади.

### *Уша жойда, III, 25.*

Шуларни тартибга солгач, Искандар Гирканиянинг энг улкан шаҳри, ҳукуматининг даргоҳи ҳам жойлашган. Задракартга кирди. Бу ерда 15 кун яшади. Худоларга атаб одагий қурбонликлар қилди, гимнастик ўйинлар ўтказди-да, парпилар юртига<sup>4</sup> ўтди. Ундан арийлар юртига, уларнинг шаҳри Сузияча борди. Бу ерда Арий ерининг сатрапи Сатибарзан Искандар қошига келди. Искандар уни сатрапликда қолдирди.

<sup>1</sup> Задракарт — номаълум шаҳар, кейинги Журжон бўлиши мумкин.

<sup>2</sup> Агриан — фракция-македония қабиласи. Искандар пиёда аскарларида эдилар.

<sup>3</sup> Этер — маъноси дўст, ўртоқ (Hetairoi), подшоҳга энг яқин, ёлланма грек қўшини.

<sup>4</sup> Парпилар юрти. — Афтидан Искандар ҳозирги Туркменистон чўлларига киришни истамай, Копетдоғнинг жанубий этакларидан юрган.

Шу кунларнинг ичида форслардан бир неча киши келиб, Бесс аллақачон тож, форс шохларининг ридосини кийиб олганини, ўзини Бесс деб эмас, Артаксеркс, бутун Осиёнинг подшоиси деб атаётганини, қошида Бақтрияга қочган форслар, туб бақтрияликлар борлигини ва яқин кунларда иттифоқчи скифларни кутаётганини айтишди. Бу пайтга келиб жами аскарини тўлаб олган Искандар Бақтрияга юрди...

(Йўлла) у Арий сатрапи Сатибарзаннинг Анаксипп ва унинг отлиқ найзобозларини ўлдиртирганини, арийларни куруллангириб барини подшолик саройи жойлашган Артаксан шаҳрига тўлаётганини айтишди. Мақсади: Искандарнинг қайдан юришига қараб, Бессга қўшилиб македонларга ҳужум қилиш эмиш. Бу хабардан сўнг Искандар Бақтрияга юришини давом эттиролмасди...

У зудликда Сатибарзан ва арийларга қарши отланди-да, икки кунда 600 стадий йўл босиб Артаксан яқинига келди. Сатибарзан Искандарнинг яқинлашганини эшитганда ҳужумининг тезлигидан лол қолиб, Артаксандан қочди. У билан унча кўп бўлмаган арий отлиқларигина бор эдилар. Чунки кўпчилик аскарлари, Искандарнинг дарагини эшитибок уни тарк этишганди.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи, III, 25.*

Искандар, ажралишда қатнашган ҳозир эса уй-жой ва қишлоқларини ташлаб қочган одамларни билиб олиб шиддат билан таъқиб қила бошлади. Улардан бирларини ўлдирса, иккинчиларини кулликка солди. Арий сатрапи қилиб эса форс Аразмни белгилади. Сўнг Кратер бошчилигида қолдирилган қўшини билан қўшилиб, заранглар юртига юрди ва уларнинг пойтахтига келди. Ҳа пайтда бу жойларнинг ҳукмдори Дорога қасд қилганлардан бири Барзаент эди. Искандарнинг келганини эшитиб Инднинг нариги қирғоғидаги ҳиндлар ичига қочди. Ҳиндлар уни ушлаб Искандарга қайтариб беришди. Барзаент Дорога қарши жиноятлари учун ўлдиртирилди.

*Ҳша жойда, III, 27.*

Искандар қадимда ариасп деб, кейинчалик, Кир Камбиз ўғлига скифларга қарши юришида кўрсатган хизматлари учун эвергетлар деб атала бошлаган халқнинг юртига борди. Ота-боболарининг Кирга кўрсатган хизматлари учун, шунингдек, грекларнинг энг яхшиларига хос бўлган ҳақиқатпарастликлари ва шу туфайли турмуш тарзлари атрофидаги варварлардан фарқ қилиши учун ҳам катта эҳтиром билан муносабатда бўлди. Эвергетларнинг эркинлигига даҳл этмай озод қолдирди ва четарадош ерлардан ўзлари сўраганини берди. Бироқ, ўзлари сўраганчалик бўлса-да, олганлари унчалик кўп эмасди.

*Ҳша жойда, III, 28.*

Искандар Бақтрия сари Бессга қарши юришини давом эттираркан йўл-йўлакай драглар, гедрозийлар, араҳотларни бўйсундириб, Менонни улар устидан сатрапликка қўйди... Сатибарзан Бессдан олинган 2000 отлиқ билан келганида арийлар яна ажраганларини эшитиб, уларга қарши форслардан Артабазни, этерлардан эса Эригий билан Коранни юборди...

Сатибарзан жангда Эригий билан тўқнаш келиб ўлдирилди. Варварлар чекинишди, сўнгра қочишди.

Искандар Кавказ тизмасига<sup>1</sup> келиб, у ерда шаҳарга асос солди ва Искандария деб атади. Ҳзига одатий ҳудойилар қилди. Кавказ тизмасидан ошиб ўтиб, бу ўлкага эрони Проексесни сатрап этиб тайинлаб, уни назорат қилишга этер Нилоксен Сатир ўғлини қўйди. Аристотелнинг айтишича, Кавказ тоғ тизмаси шунчалик баландки, Осиёдаги бошқа тоғларнинг биронтаси унга тенглашолмайди. Тоғнинг бу тарафи аксарият яланғоч ва ўсимликсиздир. Кавказ тоғлари жуда узоқ чўзилган бўлиб, ҳатто Киликия билан Памфилияни ажратувчи Тавр ҳам Кавказдан тармоқланганмиш. Айтишларича, бошқа тоғ тизмалари ҳам ундан

<sup>1</sup> Кавказ тизмаси — греклар Кичик Осиё, Кавказ, Памир, Ҳиндикушни бари бир тоғ тизмаси ҳисоблаб уни “Кавказ” ёки “Тавр” тоғлари дердилар. Ҳиндикушнинг яна бир Парапамиз деган оти-да бўлган.



тармоқланган ва яшовчи қабилаларнинг номларига қараб турлича аталадилар. Аристоклнинг хабар беришича, Кавказнинг бу томонида терпентин дарахти билан силфидан бошқа нарса ўсмаса-да, одам анчагина гуж жойлашган. Утлаб юрган майда чорва ҳам сероб бўлиб, силфийни жуда яхши еркан. Хидини сезса, узоқданоқ югуриб ташланиб, гулини-да, баргини-да еб, ҳатто илдизини-да суғуриб оларкан. Шунинг учун киренейликлар молларини силфий ўсадиган ерлардан нарироқда ушлаб, баъзилар эса силфий ўсадиган жойни мол келмайдиган қилиб ихоталайдилар, чунки киренейликлар учун сулфий анча қимматли ҳисобланади.

Бесснинг ёнида Дорони қўлга олишда қатнашган форслар, 7000 га яқин бақтрияликлар ҳамда Танаиднинг нариги тарафида яшовчи дайлар бор эди. У ана шу одамлари билан Кавказолди мавзеларни талаб, кун-паякун этаркан, ўртадаги чўлни қўшганда, емак-ичмакдан маҳрум чегарани янада кенгайтириб, Искандарни келолмайдиган қилиш умидида эди. Аммо Искандар, қалин қор босганига, эҳтиёж учун нарсаларнинг етишмаслигига, йўл юриш ниҳоятда оғирлигига қарамай олға босаверарди.<sup>1</sup> Унинг яқинлашиб қолгани дарагини эшитган Бесс Оксдан (Амудан) ўтиб, кўприкка ишлатган кемаларни ёқиб, Сўғдиёнадаги Навтакка<sup>2</sup> чекинди. Спитамен билан Оксиарт — Сўғдиёна ва Танаид дайларининг отлиқлари ила унинг ортидан эргашидилар. Қайтага, бақтриялик аскарлар, Бесснинг чекингани эшитгач, уй-уйларига тарқалиб кетишди.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи, III, 29.*

Дрансакка<sup>3</sup> етиб келганда Искандар аскарларига лам берди. Сўнг Бақтриянинг энг йирик шаҳарлари бўлмиш Аорн билан Бақтрга йўналди. Бу икки шаҳарни у биринчи ҳамладаёқ олди-да, эгер Архелай Андрокл ўғли бошчилигида қўриқчи аскар қисмини қолдирди. Қолган шаҳарларни ва умуман бақтрияликларни кўп уринишсиз таслим этган форс Артабазни сатрап тайинлагач, Окс дарёсига йўналди. Бу дарё Кавказ тоғларидан бошланиб, Искандар қўшини билан Осиёда кўрганлари ичида, агар ҳинд дарёларини ҳисобламаганда, энг каттасидир. У Гиркания яқинида катта денгизга қуйилади.

Искандар дарёдан кечиб ўтишга уринганда иложини қилолмади. Чунки, кенлиги 6 стадий бу дарёнинг чуқурлиги кенлигига пропорционал эмасди. У жуда чуқур, суви лойқа, қум аралаш, оқими ўта тез бўлиб, соҳилга қоқилган ҳамма нарсани шу сониядаёқ бир ҳамлада суғуриб ташларди. Қумлик соҳилига бирор нимани мустаҳкам ўрнатиш имкони-да йўқ эди. Боз устига, яқин атрофда дарахт кам ўсар, кўприк тиклаш ният қилинадиган бўлса, ёғочни кўп олишдан келтирилишини талаб этар, бу эса ишни жуда чўзворарди. Шунинг учун Искандар, чодирга ишлатиладиган териларни тўплашни, уларни мумкин қалар куруқ сомон билан тўлдириб, сув кирмайдиган қилиб тикишни ва бир-бирига пишиқ қилиб боғлашни аскарларига буюрди. Бу ишлар битганда, унинг ҳосиласи — қўшинни 5 кун ичида дарёдан ўта олишини таъминлади.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи, III, 30.*

Спитамен ва Датаферннинг Бессни ушлаб бериш ҳақидаги аҳдларига ишонини қийинлигини сезган Птоломей, пиёда аскарларига ҳарбий тартибни сақлаган ҳолда ортидан келишни тайинлаб, отлиқлари билан олға кетди-да, бир қишлоққа яқинлашди. Бессни ўз қўли билан ушлаб беришдан уялган Спитамен, аскарларини олиб узоқлашганди. Птоломей қишлоқни қуршаб (у девор билан ўралган, дарвозалари бор эди), у ерда яшовчи варварларни, Бессни туғиб берсалар ҳеч қандай ёмонлик кўрмасликлари ҳақида огоҳлантиришни буюрди. Қишлоқлар Птоломейни солдатлари билан бирга киритишди. Птоломей Бессни қўлга олиб, жўнаб кетди... Искандар аввал Бессни қамчилашни, сўнг эса Бақтрияга жўнатиб у ерда ўлдиришларини буюрди. Бу Бесс ҳақида Птоломейнинг ҳикоясидир. Аристокл эса, Спитамен билан Датаферн ўз одамлари билан Бессни Птоломейга,

<sup>1</sup> Ҳиндикушдан Искандар Бомийн атрофларида ошган бўлса керак.

<sup>2</sup> Навтак — Шаҳрисабз атрофидаги воҳа бўлса керак.

<sup>3</sup> Дрансак — Қундуз бўлиши мумкин. Лекин, Григорьев уни Эндерак деб айтади.

кейин Искандар олдига яланғоч ҳолда, бўйнида занжир билан келтиришган, деб ҳикоя қилади. Бу юртда кўшинига от йиғиб (кўшин Кавказдан ўтишда, Оксда ва Оксдан кейинга юришда кўп от йўқотганди), Сўғдиёна пойтахти Мароқандга келди. Сўнгра эса Танаид<sup>1</sup> дарёси (Сирдарё) томон юрди.

Аристокбулнинг айтишига кўра, Танаидни маҳаллий варварлар Яксарт деган бошқа номда атайдилар. У Кавказ тоғларидан бошланиб, Гиркан денгизига кўйилади. Тарихчи Геродот яна бир Танаид борлигини ва у скифларнинг саккизинчи дарёси эканлигини, шунингдек, у Танаиднинг сарчашмаси-да кўл, кўйиладиган жойи-да катта Меотида кўли эканлигини ва бу дарёни кўплар Европа билан Осиёни ажратиб туради, деб ҳисоблашларини ёзиб кетган. Дарҳақиқат, Меотида кўли Эвксин денгизининг энг олис кўлтиғида ўзига Танаид кўйилувчи жойи билан Европа ва Осиёни ажратиб туради...

Бу ерда баъзи македонияликлар емак-ичмак ғамлаш мақсадида тарқалиб кетганларида варварлар уларни чоғиб ташлаб, қояли ва тик тоғларга қочиб кетдилар. Улар сони 30000 кишигача борарди. Искандар уларни тақиб қилди... Искандар бу тепаликни забт этди. 30000 варвардан қутулиб қолгани 8000 дан ошмасди<sup>2</sup>.

*Арриан, Искандар юришларининг тарихи, IV, I.*

Орадан бир неча кун ўтганда, ўзларини абийлар деб атовчи скифлардан элчилар келишди (Хомер ўз достонида абийларни кўкларга кўтариб мақтайди, улар Осиёда истиқомат қиладилар, жамият бошқарувида қонунлари бор, энг асосийси бойликка ўч эмаслар ва тўғри сўзлар). Яна бир элчилар асосий қисми Европада яшайдиган европалик скифлардан келишди. Искандар, дўстлик алоқаларини ўрнатиш баҳонасида бу элчиларга бир неча этерларни кўшиб жўнатади. Чин мақсади эса, скиф ўлкасининг табиати, халқининг сони, феъл-атвори жангда ишлатадиган қуроолларини билиб олиш эди. Шу дарё бўйида (Сирдарё) ўз номи билан аталувчи шаҳар қуришни ҳам режалаштирганди. Чунки бу мамлакат шаҳар қуришга арзирди. У, скифларга қарши юриш қилингудек бўлса таянч бўлиши, дарёнинг нариги соҳилидаги варварлар ҳужумидан муҳофаза ролини ўйнаши мумкин эди. Курилажак шаҳар, унинг назарида, аҳоли нуфузи жиҳатидан ҳам, номининг шон-шухратига мослиги жиҳатидан ҳам залворли ўрин тута оларди.<sup>3</sup>

Бу орада дарё бўйида яшовчи варварлар, шаҳарларида қолдирилган македонларни ўлдириб, хавфсизликларини кучайтириш учун шаҳар деворларини мустаҳкамладилар. Варварлар паноҳ топган шундай шаҳарлардан егитасининг номини келтиришади. Искандар йўлида биринчи учраган Газа шаҳрини қуршади. Киропол деб аталувчи, варварлар энг кўп йиғилган шаҳарга қарши эса Кратерни юборди... (Газа шаҳри олингач) Искандарнинг бериб кўйган буйруғига кўра, бари эркаларни қириб, хотину болалар ва бошқа бойликлар олиб кетилди. Кейин Искандар йўлидаги энг яқин иккинчи шаҳарни қамаб, ўша кунидек олиб, асирлар тақдирини юқоридагидек ҳал қилиб, учинчи шаҳарга йўналди. Эртасига биринчи ҳамладаёқ уни-да олди...

Ҳали олинмаган шаҳарнинг одамлари, вайрон бўлган шаҳарларнинг тутунларини кўзлари билан кўриб, улардан омон қолган қочқинлардан шаҳарларнинг кетганини ўз кулоқлари билан эшитгач, ҳар бири ўзича, гала-гала бўлишиб шаҳардан қоча бошладилар. Бирок, уларга қарши чиқарилган отлиқ бўлинмаларнинг кўлига тушиб, кўпчилиги чоғиб ташланди.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи, IV, 3.*

Искандар икки кунда беш шаҳарни олди. Аҳолисини кул қилиб, шаҳарларнинг энг каттаси бўлмиш Кирополга йўналди. Бу шаҳарга Кир асос солган ва

<sup>1</sup> Т а н а и д — Қадимги греклар ҳозирги Сирдарё ва Дунайни Танаид деб атайверган. Афғдан икки дарёнинг бўйларида ҳам скифлар яшагани учун.

Аррианнинг македонлар талончилигига қарши сўғдларнинг кўзғолони ҳақидаги маълумоти Курций Руфла (VII, 6, I) қароқчиларни жазолаш деб айтилган.

<sup>3</sup> Гап ҳозирги Хўжанд ҳақида боради. У чекка Александрия (Alexandria eschate) деб аталган. Искандар курган шаҳарларининг барига ўз номини берган. Псево Каллисифен (сохта Каллисифен) айтишича, улар 12 та эди.

бошқаларига нисбатан деворлари баланд, шунингдек, атрофдаги жанговар қўшнилاردан йиғилганлар-да кўпроқ эди. Биринчи ҳамма македонларга анча қийин тушди. Искандар қамал иншоотларини қалъага яқин суришни буюрди. Деворни бузиб, шу жойдан сурункали ҳужум қилиш орқали мақсадга эришмоқчи эди. Шунда, шаҳардан оқиб ўтувчи дарёнинг ёмғир сувига мўлжалланган, қуруқ ўзанига кўзига тушиб, унинг шаҳар деворига тақалмаслиги аниқлади. Бу — аскарлар учун шаҳарга кириш имконини берарди (унинг ўзи бир неча одами билан ўзандан шаҳарга кирди). Сўнг яқин дарвозани ичидан бузиб, бошқа аскарларни киритди. Варварлар шаҳарнинг қўлдан кетганини кўргандан сўнг-да, таслим бўлмай, Искандар аскарларига ташландилар. Орада қаттиқ жанг бўлди... Биринчи жангда душманлардан 8000 киши ўлдирилди. Қолганлари (шаҳарга жанг билалдиганлардан 18000 киши йиғилганди) қалъага кириб беркиндилар. Искандар бир кунгина қамал қилди, чунки сув етишмаслигидан улар таслимга мажбур бўлдилар. Еттинчи шаҳарни Искандар биринчи ҳамладаёқ олди. Птоломей, шаҳарнинг ўзи таслим бўлган дейди. Аристобул эса, аксинча, у жанг билан олинган ва Искандар қўлга тушганларнинг барини ўлдиртирган дейди. Птоломей давом этиб, Искандар бандиларни аскарларга бўлиб берди ва Осиёдан чиқиб кетмагунча кишанда сақлашни буюрди, дейди.

Бу орада Танаид соҳилларига осийлик скифларнинг қўшини келди. Улар бериги бетдаги бир неча варвардан исён дарагини эшитиб, агар исён бакуватроқ бўладиган бўлса, ўз навбатида македонларга ташланмоқчи эдилар. Бунинг устига, Спитаменнинг Мароқандда қолдирилган македон аскарларини қамалга олганлиги ҳақидаги хабар келди. Искандар Спитаменга қарши Андромах, Менадем ва Каранни жўнатди.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи, IV, 4.*

Кейинги 20 кун давомида Искандар ўзи асос солган шаҳарни бутлаб мустаҳкамлади, мойиллик билдирган юнон ёлланма аскарлари, атрофдаги варварлар, шунингдек, жангга яроқсиз аҳволга тушган македон солдатлари билан маъмурлади.

Худоларга одатий қурбонликлар келтирди, от ва гимнастик мусобақалар ўтказди. Шу орада, дарё бўйига келган скифларнинг кетиш сиёҳлари йўқлигини, бериги соҳилни очиқдан очиқ ўққа тутаётганини (дарё бу ерда кенг эмасди) ва: Искандарнинг скифларга тегишга ҳадди сизмайди, акс ҳолда скиф билан осийлик варварларнинг фарқини билиб оларди, деган маънода, Искандар шаънини ерга урадиган гапларни айтаётганларини хабар қилишди...

Искандар скифларга қарши урушмоқ учун дарёдан ўтишга қарор қилди-да, тери ҳозирлашни буюрди... Терилар тайёр бўлгач... ишора бўйича машиналар нариги қирғоқда у ёқдан бу ёққа юрган скифларга ота бошладилар. Улардан баъзилари яраланди, биттаси эса қалқон, совутидан ўтиб, ўзини тешиб чиққан ўқдан отдан ағанади. Скифлар узокдан машиналар отаётган ўқ ва тошлардан, шунингдек, жасур паҳлавонларининг ўлимидан саросимага тушиб, қирғоқдан нарироққа чекиндилар. Карнайлар садоси остиди, унинг ўзи бошчилигида дарёдан ўта бошлашди... Скифлар тўлиғича қочишди, Сатрак номли доҳийлари шунинг ичида мингга яқини ҳалок бўлди, 150 киши асир олинди. Таъқиб жуда шиддатли, ҳаво жазирама иссиқ эди. Аскарлар анча оғир аҳволга тушдилар, қаттиқ чанқадилар. Шулар туфайли скифларни ялписига қўлга олиб бўлмади, боз устига Искандарнинг тоби қочди. Агар айтилган сабаблар бўлмаганда, менимча, скифларнинг биттаси ҳам қирғиндан қутулолмасди.

*Уша жойдан, IV, 5-6.*

Кўп ўтмай, Искандар қошига скиф халқи ва подшоси номидан кечирим сўрагани элчилар келишди: бу ишлар скифлар қурултойининг (to koinon) эмас, қозоқчилик, қароқчилик қилгани чиққан тўданинг ишидир, подшонинг шахсан ўзи Искандарнинг буйруқларини бажаришга ҳозирдир, дейишди улар. Искандар улар билан хайрихоҳлик оҳангида суҳбатлашди, чунки ўйлаб кўрса, бир томондан, уларга ишонмай ҳужумга ўтганда-да, обрўсини ортирадиган бир нарса топмади; иккинчидан, юзага келган янги шарт-шароит скифларга қарши юриш имконини йўққа чиқарганди. Унинг Мароқанд қалъасида қолдирган македон бўлимаси Спитамен бошчилигидаги аскарларнинг ҳужумини қайтариш

учун қалъадан чиқиб, унча-мунча маҳаллийни ўлдириб, ўзи талофат кўрмай яна қалъага қайтганди. Спитамен эса Искандардан келаётган ёрдамнинг Мароқандга яқинлашганини билиб, қамални тўхтатди-да, Сўғдиёنانинг пойтахтига чекинди.<sup>1</sup> Фарнук ва бошқа саркардалар уни умуман Сўғдиёнадан чиқариб юборишга уриндилар ва чегарагача тақиб қилдилар. Кутилмаганда қаршиларидан кўчманчи скифлар чиқишди. Спитамен улардан 600 кишини ўзига қўшиб олиб, Искандарнинг келишини кутишга қарор қилди...

Мароқанд яқинида (Зарафшон бўйларига) македонлар ҳар томондан исканжага олиниб, унча катта бўлмаган оролга қочиб ўтишди. Бу ерда уларни скифлар ва Спитамен отлиқлари қуршаб олиб ўққа тутишиб, жуда озгинасини банди қилиб, қолган барини ўлдиришди.

Аристубул айтишига кўра, македонлар пистирма туфайли қирилганлар. Чунки скифлар ўрмонда яшириниб, айни жанг кетаётган пайтда чиқиб ташланганлар... Бу хабар Искандарга етиб келганда, у отлиқ этерларнинг ярмини, қалқонлиларнинг, камончиларнинг ҳаммасини, агрианларни, фалангаларнинг энг енгилсини олиб Спитаменнинг ўзига боришга қарор берди. Спитаменнинг яна қайтиб келиб, қалъадаги македонларни қуршаб олганини эшитгани учун Искандар Мароқандга юрди. Уч кунда 1500 стадий йўлни босиб, тўртинчи кун шаҳарга яқинлашди. Спитамен ва унинг одамлари Искандарнинг келганини эшитиб, жойларида туролмай, шаҳарни ташлаб қочишди. Искандар Спитаменни таъқиб қиларкан, жанг бўлган (македонлар қирилган) жойга келиб, вақтнинг тигизлиги имкон берганча жасадаларни кўмдирди ва сахрогача қочқинларни қувиб борди. Орқага қайтаркан бутун ўлкани вайрон қилиб қирғинга солди. Қўрғон ясаб мустаҳкам биқиниб олган барча варварларни қирди, чунки улар македонларга қилинган хужумга иштирокчи эканликлари маълум эди. Шу йўсинда Искандар Политимет<sup>2</sup> дарёси суғорадиган ўлкани бошидан охиригача босиб ўтди. Бу ерларда сув соб бўладиган нуқтадан сахро бошланади. Политимет эса қумга кириб кетади. Худди шунингдек, бошқа анчагина серсув дарёлар ҳам. Мисол учун мардлар еридан оқиб ўтувчи Эпард, арейлар юртидан оқиб, юртга да ном берган Арей, эвергеллар юртидан оқувчи Этимандр<sup>3</sup>. Бу дарёлар ҳаммаси Темпей водийсидан оқиб ўтиб денгизга қуйилувчи Фессалиянинг Пеней дарёсидан биттаси ҳам кичик эмас. Политимет эса Пенейдан кўра анча каттадир.

*Арриан. Искандар юришлари тарихи, IV, 7.*

Кўрсатган бу қаҳрамонликларидан сўнг Искандар Зариаспга бориб, қишнинг қаттиқ совуқлари ўтгунча яшади. Шу ердалигида унинг олдига Парпия сатрапи Фратафери ва Арияга Арзамни тутиб келиш учун жўнатилган Стазанор келишди. Улар Арзам билан Парфияга Бесс сатрап этиб тайинлаган Барзасентни ва унинг атрофидаги, Бесснинг хиёнатидан иштирок қилганлардан бир неча кишини кишанбанд ҳолда келтиришди... Искандар Бессни Дорога хиёнатда айблаб, қулоқ учларини ва бурнини кесишни, сўнг эса шу аҳволда Экбатанга олиб бориб, мидия ва форсларнинг йиғини (xullogos) олдидан қатл этишни буюрди.<sup>4</sup>

*Уша жойдан IV, 15.*

Искандар қошига (Мароқандга) европалик скифлардан иккинчи бора элчилар келишди... Ваколатлари бўйича улар, скифларнинг Искандар буйруқларини бажаришга... дўстликнинг мустаҳкам бўлиши учун эса скиф подшоси<sup>5</sup> ўз қизини Искандарга хотинликка беришга тайёр эканлигини айтишди. Ёки скиф боёнлари ва бошқа скиф подшоларининг қизларини Искандарнинг яқин одамларига никоҳлаб бериш таклифини айтганди скиф подшоси...

Шу кунларда Хоразмий подшоси Фаразман-да, 1500 отлиғи билан келди. Фаразман ўзининг колх ва амазоналар қўшнисини эканлигини, мабодо Искандар

<sup>1</sup> Бироз аввалроқ, Арриан Мароқандни Сўғдиёна пойтахти деганди. Ҳозир эса бошқа шаҳарни (эҳтимол Панжикентдир) пойтахт демоқда. Демак, ё у, ё бу гапи ҳақиқатга тўғри эмас.

<sup>2</sup> Политимет гр. (сўзма-сўз “Кўпшухратли”) — Зарафшон дарёси.

<sup>3</sup> Этимандр, уни Арахот дейишган — Гилменд дарёси.

<sup>4</sup> Курций бу воқеа, яъни, Бесснинг топширилиши Мароқандда бўлган дейди. Аррианда эса — Балхда бўлиб чиқапти.

<sup>5</sup> Скифларда ягона подшо бўлмаган. Бирорта қабила доҳийси бўлиши мумкин.

бу икковига қарши уруш очса, ҳамда Эвксин денгизи бўйида яшовчи бошқа қабилаларни бўйсундирмоқчи бўлса, шахсан йўлбошловчи бўлишга, кўшинни эса озиқ-овқат билан таъминлашга тайёрлигини айтди.

Скиф элчиларига Искандар ўша пайтдаги шароитларга мос бўлган дўстона жавоблар берди, скиф қизлари билан никоҳ орқали боғланиш масаласини эса ҳозирча мавруди эмаслигини айтди. Фаразманни эса, дўстона тақлифини мақтаб, дўстлик ва ҳарбий иттифоқ шартномасини тузди. Понт юришини бошлашга ҳали вақт борлигини айтиб, уни Бақтрия ҳукмдорлиги топширилган Артабаз ва бошқа сатраплар билан таништириб қўйди...

Кейин Искандар Сўғдиёнанинг яна бир босиб ўтиш ниятида Окс дарёсига қайтди. Чунки, кўпчилик сўғдлар у тайинлаган сатрапга бўйсунганини истамай, қалъалар ва бошқа ҳимояланиш мумкин бўлган жойларга қамалиб олганликлари ҳақидаги дараклар етиб келганди. Окс қирғоғидаги қароргоҳида турганда чодирни яқинидан булоқ отилиб чиқди. Унинг ёнида яна бир ёғли суюқлик чиқадиган булоқ ҳам кўринди.<sup>1</sup>

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи. IV, 16.*

Искандар кўшинининг бир қисми билан Сўғдиёнага ўтди. Полисперхонт, Аттал, Горгий, Мелеагрларга шу ерда — Бақтрияда қолишни, уни итоатда ушлашни, варварларни тартибсизлик қилишларига йўл қўймасликни, ажралиб чиққанларини эса бўйсундиришни тайинлади.

Кўшин Сўғдиёнанинг каттагина қисмидан ўтиб, Мароқандга етиб келганда Искандар Гефестионни Сўғдиёнанинг шаҳарларига аҳоли топиб қайтадан жойлаштириш<sup>2</sup> вазифаси билан, Кен ва Артабазни эса, Спитамен қочиб борган деган хабар келгани учун скифларга жўнатди. Қолган кўшин эса Сўғдиёна юришини давом эттирди ва ҳеч қандай қийинчиликсиз исёнчилар эгаллаган масканларни қўлга олди. Искандар бу ишлар билан банд экан массагет деб аталувчи скифлар юртига қочиб ўтган Спитамен ва унинг ёнидаги бир неча сўғд, 600 га яқин массагет отлигини атрофларига йиғиб, Бақтриядаги бир кўрғон олдида пайдо бўлишди. Ҳеч қандай хавфни кутмаган кўрғон бошлиғига, аскарларга ҳужум қилиб уни эгаллашди. Аскарларни чоғиб, бошлиқни банди қилиб сақлашди. Кўрғонни қўлга киритганлари жасурлангирди шекилли, бир неча кун ўтиб Зариясп шаҳри остоналарига келишди. Шаҳарга ҳужум қилишга юраклари белтамаган бўлса-да, анча-мунча ўлжани олиб кетишди. Зарияспда ярим соғ, ярим касал озгина этер отлиқлари қолганди холос... Скифларнинг босқинини эшитиб, улар Зарияспни кўриқлаш учун қолдирилган ёлланмалардан 80 кишини йиғиб, яна подшонинг хизматкорларидан одам кўшиб, массагетлар устига юрдилар... ўлжанинг барини тортиб олдилар. Бироқ, тартибсиз ҳолда қайтаётганларида Спитамен билан скифлар пистирмасига учрадилар-да, 6 этер ва 60 ёлланма аскарни йўқотиб қайтдилар.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи. IV, 17.*

Ушбу хабарни эшитган Крагер массагетларга қарши шошилинич отланди... Жанг бўлиб ўтиб, македонликлар галаба қозонди.

Бари одамлар билан Кенга, ўз бўлинмаси билан Мелеагрга, 400 га яқин этер отлиқларига, ҳамма отлиқ найзавозларга, Аминта бўлинмасидаги барча бактриялик ва сўғдларга Искандар шу ерда қолишни, Кенга бўйсунганини, мамлакатни муҳофозалашни ва мабодо Спитамен қишда босқин уюштирса, уни алдаб, тузоққа илтиришни топширди.

Бу орада Спитамен, ҳамма жойлар македон гарнизонлари билан бандлигини, паноҳ бўладиган пакка йўқлигини кўриб, Кен кўшинига қарши юришга қарор қилди. Сўғдиёна билан массагет Скифияси чегарасидаги сўғд кўрғони бўлмиш Боғамга келди-да, 3000 га яқин скиф отлиқларини ўзи билан бирга Сўғдиёнага босқин уюштиришга кўндирди. Қашшоқликда яшовчи, биров талашидан

<sup>1</sup> Аму бўйидаги нефть булоғи ҳақидаги қимматли маълумот. Ҳозирги Каспий бўйидаги топилмаларга, Аму дарёнинг эски ўзанига яқин жойларни кўрсатган Аррианнинг хабари турки бўлган бўлиши мумкин (*тарж. изоҳи*).

<sup>2</sup> Гап Искандарнинг аскарлари, ветеранлар, ёки асирлар томонидан кун-паякун қилинган шаҳарлар хусусида.

қўрқадиган на шаҳари, на муқим яшайдиган қишлоғи бўлмаган бу скифларни ҳар қандай босқинга кўндириш жуда осон эди. Кен билан унинг дўстлари Спитаменнинг отлиқларга бош бўлиб яқинлашаётганини эшитиб, аскарлари билан қарши чиқдилар. Уртадаги қақшатқич жангда македонлар ғолиб келдилар. Варвар отлиқларидан 800 дан ортиғи ўлдирилди. Кен отлиқларидан 25, пиедаларидан 12 одам йўқотилди. Спитамен кўшинидаги кўп сўғд ва бактрияликлар қочиб кета туриб, ундан ажралиб, Кенга келиб кўшилдилар. Скиф-массагетлар эса, босқиннинг барбод бўлганлигини кўриб, ўз қуролдошлари бактрия ва сўғд аскарларининг озиқ-овқат қарвонларини талаб, Спитамен билан саҳрога чекиндилар. Аммо, Искандарнинг юртларига кириш мақсадида юриш бошлаганини эшитиб, хавф-хатарни ўзларидан соқит қилиш умидида, Спитаменнинг калласини кесиб Искандарга юбордилар.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи, IV, 18-19.*

Қиш қаҳри ҳали кучли бўлганидан Искандар кўшинга Навтакда дам олишга рухсат берди... Кўклам келиши билан сўғдлар кўп одам тўплади, деган хабарни эшитгани учун «Сўғд қояси» деб аталувчи қояга (petra)<sup>1</sup> етиб келди. Бу қояга бактриялик Оксиарт-да, хотини ва қизларини яшириб, ўзича бу жойни олиб бўлмас деб ўйлаб, кейин Искандардан юз ўтириб ажраланди. Агар бу қоя олинса, Сўғдда бундан кейин ҳам исён кўтаргудек бўлсалар қочадиган жойлари бошқа қолмайди, деган қарорга келинди. Искандар қояга яқинлашганда кўрдик, гир атроф тиклигидан тўғридан тўғри ҳужумнинг фойдаси йўқ. Варвар узоқ қамалга ҳозирланиб озиқ-овқатни-да қамлаган. Қалин қор македонларнинг ишини жуда қийинлаштиради, душманнинг эса ичадиган сувини сероб қиларди. Шунга қарамай Искандар қояни олмоққа қарор қилди... Таслим бўлиш ҳақидаги таклифга варварлар мазах билан жавоб бердилар: «Искандар аввал бу ёққа чиқоладиган қанотли жангчилар топсин, оддий бандалардан биз кўрқмаймиз!».

Олдинги машқларда қатнашиб қояга чиқиш ҳунарини эгаллаганлардан 300 га яқин киши топилди. Улар ўзларига лозим бўлган миҳларни тайёрладилар... Миҳларга зиғирпоя толасининг пишқик арқонларини боғлаб, қоянинг деворлари роса тик бўлган ва шу сабабдан энг кам қўриқланадиган ерига келдилар. Сўнгра, миҳларни қордан холи бўлган ёки қор қаттиқ музлаган жойларга қоқиб, бири бирларига зина бўлиб, ёрдам бериб, бири у ердан, бири бу ердан кўтарила бошладилар. Тонг отганда қояга кўтарилиб тоғнинг чўққисини эгалладилар. Сўнг, Искандарнинг буйруғига биноан македон қароргоҳига қараб, зиғирпоя толасидан тўқилган рўмолларини силкита бошладилар. Искандар сўғдларнинг энг олдингида турган соқчиларига жарчи юбориб, вақтни чўзмасдан таслим бўлишни, чунки қанотли одам топилиб, тоғ чўққисини қўлга киритганлигини айтишни ва чўққи томон ишора қилишни буюрди. Варварлар чўққини кўрдилар ва кўрқиб кетди... таслим бўлдилар.

Асирга олинган жуда кўп аёллар ва болалар ичида Оксиартнинг хотини, фарзандлари, жумладан Роксана отли қизи ҳам бор эди... Искандар унга ишқи тушиб, эҳтироси жуда кучли бўлса-да, асираси ҳисобланган қизнинг номусига тегмай, уни ўйланишга лойиқ деб топди.

*Арриан, Искандар юришларининг тарихи. IV, 21*

Сўғдиёнадаги режаларини битириб, юқорида айтилган супани-да қўлга олгач, Искандар паретақлар вилоятига юриш бошлади. Варварларнинг катта тўплами яқинлашиб бўлмас бир табиий қўрғонни, яъни иккинчи қояни эгаллаб олганлиги бу юришга сабаб бўлган эди. Хориен қояси деб аталувчи бу қояга Хориеннинг ўзи-да жуда кўп мулозимлари билан қочиб берган эди. Қоянинг баландлиги 20 стадийгача чўзилган<sup>2</sup> айланаси эса 60 стадийгача эди. Баландлик ҳар томондан бироз қиялаган тиклик бўлиб, кирадиган қийин йўл фақат битта эди. Ингичка бу қоя йўли табиий эмас, инсон томонидан яратилган, бир тарафи жар бўлган, фақат битта одам сиғадиган бўлгани учун қаршилиқ бўлмаган тақдирда-да, аскар киритиш қийин эди. Бунга фақат жарни тўлдириш орқали эришиш мумкин

<sup>1</sup> Қ о я — Тоғдаги улкан супага ўхшаш ер бўлиши керак. (тарж. изоҳи.)

<sup>2</sup> Ишонич қийин, 20 стадий — 4 километр дегани. (тарж. изоҳ.)

эди... Искандар арчаларни кесиб ҳужум нарвонларини тайёрлашни ва улар орқали жар тубига тушишни буюрди. Чунки нарвонларсиз бу ишни-да амалга ошириш иложи йўқ эди. Камон ўқлари қоя устига тушганда... Хориен... лол қолиб, Искандарга элчи юборди-да, олдига Оксиартни жўнатишни илтимос қилди. (Оксиарт Хориенни таслим бўлишга кўндирди... ва Искандар Хориенга бу кўрғонни-да, ҳукмронлик қилган вилоятини-да қайта топширди).

*Арриан. Искандар юришлари тарихи, IV, 22.*

Бу ишларни битириб Бақтрияга йўл оларкан, Кратерни... Паретакенда қолган охирги исёнчилар бўлмиш Катан билан Австанга қарши жўнатди. Бу иккови билан иш — қон кўп тўкилган жанггача бориб, Кратер ғалаба қозонди. Катан жангда ҳалок бўлди. Австан банди қилиниб тирик ҳолда Искандарга келтирилди. Шундан сўнг Кратер ҳам кўшини билан Бақтрияга йўналди... Баҳор тугар пайтида Искандар Бақтриядан ҳиндларга қарши юриш бошлади. Амингани 3500 отлик, ўн минг пиеда билан Бақтрияда қолдирди. Кавказдан ўтиш жараёнида бақтриёнлар юртига биринчи юришида параламезидлар ерида асос солган Искандария шаҳрига кирди. Ўша пайтда тайинлаган ҳокимини, вазифасини ёмон бажаргани учун алмаштирди, атрофдаги маҳаллийлардан ва урушга ярамай қолган аскарлардан бир нечасига шаҳарда ўтроқлашишни буюрди.

*Ўша жойда, VII, 6.*

Бақтриялик сўғд, арохоз, драг, арий, парпи, шунингдек, эвак деб аталувчи форслардан тузилиб, ичига этер отлиқлари сочиб ташланган махсус бешинчи гишпархия<sup>1</sup> тузилганди. Гишпархиянинг йигитлари қомат гўзаллиги, бақувватлиги билан ажралиб туришарди. Тўғри, уларнинг ичида этерлар ҳам бор эди ва бу нарса отлиқ кўшиннинг ялписига кўнайтирилгани учун қилинганди. Бироқ, уларнинг агэмага<sup>2</sup> кўшилгани, ўзларининг калтароқ отма найзалари ўрнига узун македонча найза билан қуроллантирилганлиги, агэмага Артабазнинг Кофэс, Мазейнинг Гидарн билан Автибол, Парфия ва Гиркания сағрапи Фратафреннинг Сизен билан Фрадасман деган ўғиллари, ака-ука Автобар билан Мифробейларнинг киритилганлиги, боз устига агэмага Искандарнинг хотини Роксананинг акаси Оксиартнинг ўғли Гистаспнинг — бақтрияликнинг бошлиқ қилиб қўйилгани македонларни қаттиқ изтиробга соларди. Искандар бағамом варварлашиб бўлди, нафақат македонча одаглари балки македонларнинг ўзларини-да қадрламай қўйди, деб ўйлашарди улар.

*Арриан. Искандар юришларининг тарихи, VII, 16.*

Кейин Искандар Гиркан тоғларидаги ўрмонларни кесиб, узун-узун грекча услубда тушамасиз ва тушамали кемалар яшаш учун Аргей ўғли Гераклитни кемасозларга бош қилиб жўнатди.

Каспий ёки Гиркан деб аталувчи денгизни ўрганиб чиқиш, унинг Эвксин Понти (Қора денгиз) билан ёки бошқа денгиз билан қўшиладимикўшилмайдими, Буюк Шарқ денгизига, шарқ, яъни Ҳиндистон томонидан Гиркан кўрфазига қўйиладими йўқми, шуларни билиш иштиёқи туғилганди Искандарда. Чунки, унинг сўраб суриштиришларидан Форс қўлтиғи билан Қизил деб аталувчи денгиз — Буюк денгизнинг кўрфазлари бўлиб чиқди. Атрофида озмунча халқлар яшашига, кемалар юрадиган дарёлар келиб қўйилишига қарамай Каспийнинг боши қаердалиги ҳали топилмаганди. Ҳинд дарёларидан кейин энг буюк дарё деб ҳисобланувчи ва бақтрлар еридан оқиб ўтувчи Окс (Аму), скиф юртидан оқиб ўтувчи Яксарт ҳам шу денгизга тушарди. Арманиядан оқиб ўтувчи Аракснинг Каспийга қўйилиши, етиб келган кўп маълумотлар билан тасдиқланганди. Буларнинг бари катта дарёлар эдилар. Бу дарёларга эса бошқа дарёлар келиб қўшиларди. Бу маълумотларнинг кўпчилиги, Искандар билан бирга юрувчи ва ўша тарафларга борган, у ерларда яшаган халқлардан чиққан ҳамроҳларига маълум эди. Қарама қарши томонда кўчманчи скифлар яшарди, лекин улар хусусида тўлиқроқ маълумот йўқ эди.

<sup>1</sup> Гишпархия — отлиқлар бўлинмаси.

<sup>2</sup> Агэмага — сараланган отлиқ бўлинмаси, илгари фақат македонликлардан тузиларди.

*Арриан. Искандар юришлари тарихи V, 1, 10.*

... (Искандарнинг қўшин олдидаги нутқи). Уларнинг боринлар ва ўз подшоларинг Искандар ҳақида, форс, мидия, бақтр, саклар устидан ғалаба қозонган, уксий, арахозий, драңларни танобини тортган, то Каспий денгизигача бўлган маконда яшовчи парпилар, хоразмликлар, гирканларни бўйсундирган. Кавказдан ошган, Каспий дарвозасидан ўтган; унча фақат Дионис жазм этган Окс, Танаид, Инд дарёларини кечиб ўтган; Гидасп, Акезин<sup>1</sup>, Гидрастрларни кечиб ўтган, Инднинг иккала ўзани бўйлаб сузиб бориб, Буюк Денгизга чиққан, Гелрозия чўлидан юриб ўтган, кемалари Ҳиндистондан Эронга етиб борганда эса, Кармания ва оритлар<sup>2</sup> юртини эгаллаган подшоҳинлар ҳақида сўзлаб беринлар.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, IV, 5, 4.*

(Уруш бошланишидан аввал Доронинг Искандарга хати). Искандар салтанатнинг буюк таянчлари бўлмиш Евфрат, Тигр, Аракс ва Гидасп дарёларидан ўтиши лозим бўлади. У шундай ўлкаларга келадик, қўшинининг кичкина-лигидан уялиб қизариб кетади. Мидияга, Гирканияга, Бақтрияга, Ҳиндларга у қачон етиб бораркин? Мен Кавказда, Танаид соҳилларида яшовчи сўғларни, арахозийларни тапириб ҳам ўтирмайман.

*Уша жойда, IV, 6, 3.*

Бу қабилаларнинг ичида бақтрияликлар энг удабууро, феъл-атворлари шафқатсиз, форсларнинг лаблаба ва назокатли ҳаётидан нафратлангани халқдир. Жанговар, қароқчиликдан кун кўрадиган скифларнинг қўшнисини бўлганликлари учун ҳамшиша қуролланган юрадилар.

*Уша жойда, V, 6, 17-18.*

Форсларнинг экинзорларини вайрон қилиб, кўп қишлоқларини эгаллаганда, Искандар бошқа форслардан кескин фарқланувчи, жуда жангари пард деган қабилани тўқнашди. Улар тоғларда ўзлари ўйган ёрларда бола-чақалари билан яшади. Емишлари мол ва ов ўлжасининг этидир. Хотинларининг феъл-ҳўйи эркаклардан қолишмайди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, V, 8, 1-5.*

Доро аввал Бақтрияга бормоқчи эди. Бироқ, Искандарнинг ундан илгарилаб бориб қолишидан хавфсираб, ниятини ўзгартирди... қочиб эмас жангга тайёрлана бошлади. Унинг 30000 пиёда аскарини бўлиб, 4000 таси садақоти оғишмас греклар эди. Сопқончи билан камончилари-да, 4000 киши бўлиб, бундан ташқари аксарияти бақтрияликлардан иборат 3300 отлик жангчиси бор эди ва уларга Бақтрия сатрапи Бесс бошчилик қиларди.

*Уша жойда, V, 9, 2-8.*

Набарзан Бесс билан битта фитнада эди... ниятлари ўзларига содиқ аскарлар ёрдамида подшоҳни банди қилиш; мўлжаллари — агар подшоҳни тирик топширсалар Искандар уларни таъқиб қилмайди ва улар ғолибнинг марҳаматию миннатдорчилигига эришадилар (шунинг учун Набарзан Дорони Бақтрияга ундарди): «Бақтрия тегилмаганча турипти... Ҳиндлар, саклар сенинг кўлингда; шунча одам, шунча аскар, отлиғу, пиёда ҳаммаси урушни қайта бошлашга тайёр»...

*Уша жойда, V, 9, 14-17.*

(Форс) Қароргоҳидаги кайфият турлича эди, маслаҳат йиғинлари бурунгидек яхлит эмасди... Бақтрияликлар билан бирга бўлган Бесс, Бақтриянинг хавфсизлиги ва бойликларини ваъж қилар, бу ер эса хавф-хатар гирдобини эканлигини айтиб, форсларни-да ажралиб жўнашга ундарди.

<sup>1</sup> А к е з и н — Панжоб пасттекислигидаги дарё. Инда қуйилади. Гидасп, Гидрастрларнинг ирмоғи.

<sup>2</sup> О р и т л а р — Балухистондаги бир қабилани.



*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида. V. 13. 18.*

(Доронинг ўлдирилиши тасвирланади). Жиноятни содир этгач, қочиш билан изни яширишмоқ фикрига тушишди. Набарзан Гирканияга жўнади. Бесс унчалик кўп бўлмаган отлиқлари билан Бақтрияга. Аскарнинг камлигига сабаб, кимидир қандайдир ниятлар илинжида, кимидир қўрқиб тарқалиб кетишганди. Базўр 500 отлиқ йиғилди. Улар-да, кўп иккиланишар, урушни давом эттиришга ҳам, доҳийларнинг ташлаб қочишга ҳам тайёр эдилар.

*Ўша жойда, VI, 2, 12-15*

(Искандарнинг кўшини) бурунлари ҳеч кимга номаълум, лекин шу замонда Фроту Дажладан то Қизил денгизгача бўлган ҳамма халқларга ҳукмини ўтказётган парпиёнлар юртига ўтиб борди. Скифлар ҳосилдор текисликларни эгаллаб, ҳамма кўшнилари учун хавф солардилар. Улар Осиёда ҳам, Европада ҳам яшайдилар. Танаид Европа билан Осиёни ажратиб туради. Парпиёнага асос солган скифлар, у ерга Боспор орқали эмас, Европадан келганларига шак-шубҳа йўқ. У ерда греклар асос солган, иқлими жуда ажойиб Гекатомбил деган шаҳар бўлган.

*Ўша жойда, VI, 6, 13-19.*

Бесс подшоҳ либосларини кийиб, Артаксеркс номини қабул қилди ва бу билан скифларга, шунингдек, Танаид (Сирларё) бўйидаги бошқа халқларга ўзини мажбурлаб тан олдириди. Бу хабарни Искандарга Сатибарзан олиб келди. У юкиниб Искандарга хайрихоҳ эканлигини айтди. Искандар унга ўзи сатраплик қилаётган вилоятни берди.

Шундай қилиб Искандар Бақтрияга юрди. Бессни олмоқчи эди.

*Ўша жойда, VI, 6, 20-25.*

Иўлда кетаркан, чегарадош сатраплардан келган хатлардан, Бесснинг тажоввузли ниятларда кўшин тўплаётганини, Искандарнинг ўзи арийларга сатрап қилиб қўйган Сатибарзан эса юз ўтирганини билиб олди. Бессга қарши кетаётган жойида, Сатибарзанни йўқотиш фойдалироқ деб ҳисоблаб йўлини ўзгартирди. Ўзи билан фақат енгил қуроли пиедаларни ва отлиқларни олиб, кечаси билан тинмасдан юриб душманга тўсатдан ташланди. Сатибарзан 2000 тагина отлиғи билан шошилиб Бақтрияга қочди. Қолган аскарларини йиғишга улгура олмади. Улар атрофдаги тоғларни эгаллашди. У ерда ғарб томони тикка, шарқ томони қияроқ, устида қуюқ дарахтзор, серсув булоғи бўлган бир қоя бор. Айланаси 32 стадий. Тепаси ям-яшил ўтлоқ. Душман жангга ярамайдиганларни шу ўтлоққа қўйиб, дарахтлар орасини тошлар билан тўсиб мустаҳкамланиб олди. Улар 13000 киши эди. Искандар қамал қилиш учун Кратерни қолдириб, ўзи Сатибарзанни қувиб кетди. Бироқ, унинг узоққа кетиб қолганлигидан хабар топгач, қояни эгаллаганларни қамал қилиш учун қайтди.

*Ўша жойда, VII, 3, 6-23.*

Парапамизод<sup>1</sup> деб номланган ва ҳатто кўшнилари билан-да борди-келди қилмагани учун ҳеч кимга маълум бўлмаган қабилага подшо бутун кўшини билан ҳужум қилди. Варварлар ичида энг маданиятсиз бўлган буларнинг ери асосан шимолнинг совуқ ўқига ўгирилган ва ғарб томондан Бақтрия, жануб томонидан эса Ҳинд океани билан чегарадошдир. Парапамизлар уйларини хом гиштдан тиклайдилар. Қурилиш ашёлари танқислигидан уйларини тепасигача хом гишт билан битириб, ёруғ кириши учун битта тешик қолдирадилар... Уй теградини, совуқ об-ҳавода етишиши мумкин бўлган шоҳ-шабба ва ёғоч билан қоплайдилар. Қишда қалин қор тагида қоладилар. Қор эригандан сўнггина уйларига яна ёруғлик тушади. Доимий совуқдан сиқилган ерларига қалин қор ёққанда атрофни ёруғликдан кўра сояга ўхшайдиган бир зимистон қоплайди... Ана шундай зимистон чўлга мубтало қилинган кўшин — совуқлик, очлик, чарчок, иложсизлик йиғиндисидан иборат қийинчиликлар ичида эди... Агар

<sup>1</sup> П а р а п а м и з — Парапамиз номини ишлатмаса-да, Ҳиндикушдан ўтишни шу каби тасвирлайди.

солдатлар биронта уйга дуч келсалар ўзларини тезгина тиклаб олардилар, бироқ туман шунчалик қуюқ эдики, тутундан бошқа нарсани кўриб бўлмасди.

... Бу жойдан қўшин Осиёни иккига ажратиб турувчи узлуксиз Кавказ тизмаси томон юрди... Катталиқда иккинчи ўринда турувчи Тавр тизмаси, Каппадокияда бошланиб, Киликиядан ўтиб бориб Армания тоғларида Кавказ тизмаси билан қўшилади. Ўша жойда бир-бирига қўшилиб, узлуксиз бир тизма ҳосил қиладилар. Осиёнинг барча дарёлари шу ердан бошланиб, бири Қизил денгизга, иккинчиси Каспийга, учинчиси — Гиркан ёки Понтга (Қора денгиз) қўйиладилар. Қўшин ўн етти кундан кейин Кавказни ошиб ўтди... тоғ остоналарида шаҳар учун ер танланди. Бу шаҳарда македонларнинг ёшуллиларидан (geniores) 7000 кишининг, шунингдек, меҳнати керакли бўлган аскарларнинг қолишига рухсат этилди. Шаҳар аҳли бу шаҳарни ҳам Искандария деб аташга қарор қилди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, VII, 4, 1-7, 20-25*

Искандар ҳаракатларининг тезлигидан ваҳимага тушган Бесс, қабилалардаги қабул қилинган одатлар бўйича, ота-боболари сиғинган худоларга қурбонликлар келтирди-да, дўстларини, қабила доҳийларини дастурхон устида (Ҳарб ишлари хусусида) сўзлашиб олиш учун базмга чақирди... Менинг фикримча, — деди у, — Ўкўз дарёдан душман учун ўтолмайдиган ғовдек фойдаланиб, Сўғдиёнага чекинишимиз ҳамда қўшни қабилалардан бардам-бардам ёрдамчи кучлар етиб келмагунча кутиб турмоғимиз керак. Хоразмликлар, дайлар, саклар, ҳиндлар, Танаид ортидаги скифлар келишади. Уларнинг биронтаси-да, македонлар билан куч синашишдан бош тортиш даражасигача пастлашмайдилар. Йиғилганларнинг бари бу қарорнинг ҳаласкорона эканлигини тан олдилар... Бесснинг бақтрияликлардан 8000 қуролланган кишиси бўлиб, ҳаммаси — македонликлар. Ҳиндистонга кетишяпти деб ўйлаганидан Бессга қўшилгандилар. Бироқ, македонларнинг ўзларига қараб келаётганлигини билиб, Бессни ташлаб кишлоқларига (vici) тарқаб, кетдилар. Бесс эса содиқ қолган «аймоқлари»нинг<sup>1</sup> қўшини билан Оксдан ўтди-да, душманлари фойдаланмаслиги учун кемаларни ёқиб, Сўғдиёнада янги кучларни тўплади.

Искандар эса айтганимиздек, Кавказ тизмасидан ўтган, аммо қўшини оч эди. Аскарлар худди зайтундан шарбат қандай сиқиб олинса, шундай қилиб кунжутни сиқиб баданларига суртардилар. Бироқ, бир амфора бунақа шарбатнинг нархи 240 динор, бир амфора асал 390, шароб эса 300 динор эди. Буёдой эса умуман йўқ эди. Варварлар “сир” деб атайдиган ва ичига мева-чева солиб кўмиб қуйдиган идишларини шундай яширардилар-ки, уни кўмган кишидан бошқа ҳеч ким тополмасди. Бу қаҳатчиликда солдатлар фақат балиқ ва ўт ўлан билан ўзларини ушлардилар. Бироқ, шу емак ҳам етишмас, натижада юк ортилган отларни сўйишга тўғри келарди. Шу азобда улар Бақтрияга етиб келдилар.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, VII, 4, 26-31.*

Бақтриянинг табиий шароити турли тумандир; узумлари йирик-йирик ва жуда ширин; офтобда яхши қизийдиган ерни қондирадиган серсув дарёлар бор; энг ҳосилдор жойларга дон-дун экилади, қолган қисми қорамол еми учун экинзорга айлантирилган; бироқ майдонининг катта қисми унумсиз. Сув етишмаслигидан бирон нарса ўстириб одамларига едиrolмайди. Понт шамоли эсиши билан қум ёғилади, катта тоғлардек уюлиб, барча йўлларни-ю, сўқмоқларни босади. Шунинг учун сафардагилар худди денгизчилар каби юлдуз кўриб йўл юрадилар. Кечалари кундузгидек ёп-ёруғ бўлиши бунга қўл келади. Аммо оби-ҳаво бузилганда бу жойларда барча излар йўқолади, чарақлаб турган юлдузларни туман қоплайди, денгиздан эсган шамол одамларни ағдаради. Бироқ оби-ҳавоси юмшоқ бўлган минтақаларда одам жуда кўп яшайди ва уюр-уюр отлар боқилади. Бу вилоятнинг маркази бўлмиш Бақтра шаҳри Парапамиз тоғининг биқинида жойлашган.

Вилоят билан шаҳарга ўз номини берган Бақтр дарёси шаҳар деворларининг тагидан оқиб ўтади.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, VII, 4, 32-40*

... Бу орада Бессга ёрдамга келаётган Танаиднинг (Сирдарёнинг) нариги тарафида яшовчи скифлардек яна бир хавф пайдо бўлганини хабар қилишди. Бу билан бир вақтда Каран билан Эригийнинг арий қабиласининг ерларида қилган ишларидан хабардор бўлинди. Македонлар ила арийлар ўртасида уруш рўй берибди. Варварларнинг бошида қочқин Сатибарзан турган экан. Жангнинг суствлигини, кучларнинг тенглигини, ғалабанинг ё у, ё бу томонга ёр бўлмаётганини кўриб, у оти билан олдинги қаторга ташланибди, дубулғасини ечиб ўз жангчиларини жасоратлантирибди, душманларига қараб эса, қани бирга-бир чиқадиганинг борми, мен у билан яланг бош сўқишаман дебди. У тарафдан аскар бошлиғи Эригий чиқибди. Ёши ўтинқираган, бироқ жисмий ва руҳий кучлари сақланиб, йигитларникидан сира қолишмайдиган Эригий ҳам дубулғани ечиб, кал бошини яланғочлабди-да, шундай дебди: «Ғалабам билан ёки мардона ўлимим билан Искандарнинг қандай дўстлари, қандай аскарлари борлигини кўрсатадиган кун, мен учун етиб келди». Бошқа бир сўз демай, отини душманига бурибди. (Жанг тафсилоти ва Сатибарзаннынг ўлими ҳикоя қилинади). Дохийлари кетидан ихтиёрийдан кўра кўпроқ шароит тақозоси билан юрган ва Искандарнинг яхшиликлари эсларида турган варварлар Эригийга таслим бўлдилар.

Искандар эса Бесснинг изидан кетди.

*Ўша жойда. VII, 5, 1.*

Бақтрия ҳокимиятини Артабазга топшириб, у ерда юк ва заҳираларни қолдириб, сараланган ва синашга кучларини олиб сўғларнинг чўл ерларига кирди. Аскарларини тунда олиб юрарди. Сув етишмалсигидан қаттиқ чанқардилар... 400 стадий атроф-теварақда ҳеч қандай сув йўқ эди. Куёш ерни аёвсиз қиздиради; чидаб бўлмас даражада қизиган ерни куёш нуридан туғилган туман қопларди, узлуксиз, адоқсиз текислик эди.

*Ўша жойда. VII, 5, 13-18.*

Шу йўсинда Искандар Окс дарёсига етиб келди... Кемалар йўқ эди. Ер яланғоч, (қурилиш) ашёлар йўқлигидан кўприк-да қуролмасди. У ичи сомон билан тўлдирилган чарм қопларни тарқатди. Қопларни миниб дарёдан ўтардилар, биринчи ўтганлар бошқалар келишини чеккароққа ўтиб кутардилар. Ана шу усулда қўшинни олти кунда нариги соҳилга олиб ўтди.

*Ўша жойда. VII, 5, 19-24.*

Сўғдиёнадаги воқеаларни билгач, Бессни таъқиб қилишга қарор берди. Бесснинг дўстлари орасида Спитамен алоҳида унинг хурматига сазовор эди. Аммо макрни ҳеч қандай хизматлар билан-да юмшатиб бўлмайди. Доро учун қасосдир, деган гап билан ўз жинойтига лабдабали тус берди; Спитамен жинойтдан эмас (бахти қаро) тақдирдан юз ўгирди. Искандарнинг Ўқуз дарёсидан ўтганлигини эшитгач, Бессга илгари қаттиқ садоқат билдирган Датаферн билан Катенларни режасига шерикликка тортди. Улар саккизта бақувват-бақувват йигитчаларни бошлаб тезликда етиб келишди. Спитамен Бесснинг олдига борди-да, Датаферн билан Катен сенга қарши фитна тузиб, тириклигингча тутиб Искандарга топширишмоқчи экан, уларни ҳибсга олиб, кишанлаб қўйдим, деди. Бесс бу гапга ишониб, жазолаш ниятида айбдорларни келтиришни буюрди. Бироқ улар... уни боғлаб, бошидан подшоҳлик лозиматларни, жиғаларни юлиб олишди... Ҳибсга олувчилар ёлгон гапириб, бу ишни Искандарнинг буйруғига кўра қиляямиз дейишмаганда йиғилган оломон Бесс томонида ҳужумга ўтармиди ё йўқлиги номаълумлигича қолди. Уни отга миндириб Искандар ҳузурига жўнатишди.

*Квинт Курций Руф. «Искандар Мақидунлининг ишлари» VII, 5, 27.*

Улар аҳолиси бранхидлардан иборат бўлган кичик шаҳарчага келишди. Бир замонларда, Ксеркс Грециядан қайтаётган пайтда бранхидлар Милетдан кўчирилиб бу ерга жойлаштирилгандилар. Чунки улар Дидим эҳромини Ксеркс фойдасига таҳқирлаганлар. Улар бу ерда ота удумларини ушлаб яшар, фақат

икки тилда гаплашишар, истеъмолдаги тилни эса бироз гализлаштириб ишлатардилар. Улар подшонони шод-хуррамлик билан кутиб олиб, ўзларини ва шаҳарларини унга топширдилар. Искандар қўшинидаги милетликларни тўплаб, бранхидларнинг тақдирини ҳал этишни уларга топширди. Милетликлар эса бранхидларнинг сотқинлигини унутмагандилар ва ёмон кўрардилар. Милетликларнинг фикри турлича чиқиб, қарорлари чўзилиб кетгани учун ҳал қилиш масаласини подшо ўз зиммасига олди... У дарвозадан кириб, сотқинликнинг уяси сифатида шаҳарни ер билан яқсон қилишни, одамларини битта қўймай ўлдиришни буюрди. Одамларининг тили бирлиги-да, ялиниб-ёлворишлари-да унинг қаҳрини юмшата олмади. Иморатларнинг изи ҳам қолмади, муқаллас дарахтзорлар илдизи билан суғуриб ташланди, шаҳар ўрнида чўл ва унумсиз ер қолди... Милетни кўрмаган, хиёнат қилиш қўлларидан келмайдиган авлод ўз аждодлари гуноҳини ана шу тариқа ювди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида. VII, 6, 36-43.*

Бу жойдан у Танаидга (Сирдарё) борди. Боғланганлигининг устига ҳеч қандай кийими қолдирилмаган Бессни шу ерга келтиришди. Спитамен уни бўйнидаги занжирдан ушлаб турар ва бу нарса макелонлар учун варварларнинг берган текин томошаси эди...

(Искандар Спитаменни мақтаб) ўзининг танқоровуллари сафида юрвчи Доронинг укаси Оксиртга Бессни олишни буюрди. Бессни хочга тортишди, кулоқ ва бурнини кесинди, сўнг варварлар камон отиб ўлдиришди-да, қуш ҳам тополмайдиган қилиб жасадни ташлаб юборишди... Бессни келтирганларнинг бариси мукофотлар олди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида. VII, 6-10-27.*

Тўртинчи кун Мароқанд шаҳрига келинди. Шаҳар 70 стадий узунликдаги ташқи девор билан, ичидаги қалъа эса яна бир иккинчи девор билан қуршалаганди. Шаҳар бошқарув тизимини ўрнатиб бўлгач, подшоҳ атрофдаги қўшни қишлоқларни талатиб, ёқиб ташлади. Кейин бир замонлар аждодлари Кирни ўлдирган абий-скифларидан элчилар келишиб, ўз итоаттўйликларини билдирдилар... Абийларни Европада яшовчи скифлар олдига жўнатиб, уларга, Танаиднинг бу қирғоғига шохонада рухсатсиз ўтмасликларини айтишни тайинлади... Шаҳар қуриш учун Танаиднинг шундайгина устида жой танлади... ва бу шаҳар забт этилганлар учун ва янги забтлар учун таянч бўлажagini эълон қилди.

Аммо унинг ниятларига сўғдларнинг ажралиб чиққанлари ҳамда ўзларига бақтрияларни эргаштирганликлари ҳақида хабар тўғаноқ бўлди. Улар 7000 отлиқ эдилар. Қолганлари буларнинг обрўсига (anetoritoten sequebantur) ишониб эргашган кишилар эди. Искандар Бессни сотган Спитамен билан Катенга, амалга ошира олишларидан шубҳа қилмагани учун бу кўзғолонни тўхтатиш ҳақида буйруқ берди. Бироқ улар, тўхтатиш илтимос қилинаётган воқеани бошловчиси бўлганлари учун, подшоҳ барча Бақтрия отлиқларини қонига чорлайди-да барини бирданига ўлдирди, деб миш-миш тарқатиб, буйруқни бажармадилар... Улар ўзларининг халққа қарши қилган гуноҳлари учун жазоланишдан, шунингдек Искандарнинг аччиғи қўзғалишдан ҳайқардилар ва Бесснинг шохга қасд қилишини-да бирдек истамасдилар. Жазодан кўрқиб ҳисси халқни қуролга чақаришга олиб келди.

Искандар Кратерни Киронолни олишга қолдириб, ўзи бошқа шаҳарни эгаллади. Ундаги ёшларнинг (жангчиларни) барини ўлдиртириб, қолганларини голибларга ўлжа сифатида бўлиб берди. Шаҳар кўрғонини эса мустаҳкамлади. Жасур халқ бўлган мамаценлар, ўз-ўзларини ҳимоя қилиш энг ҳалол иш, бундан ташқари омон қолишнинг-да энг тўғри йўлидир деган қарорга келдилар. Қабиланинг қатъий қарорини юмшатиш учун шох улар ҳузурига 50 отлиқни юбориб, таслим бўлганларга меҳр-мурувват, жанг қилиб мағлуб бўлганларга аёвсиз қаҳр кўрсатилишини яхшилаб тайинлашни буюрди. Мамаценлар, шохнинг лафзида туришига-да, буюк қудрат эгаси эканлигига-да заррача шубҳалан-масликларини айтиб, отлиқларга шаҳар ташқарисига тўхтатишни буюришди. Сўнг хурсандчилик билан зиёфат қилишди. Тунда эса емак-ичмакдан оғирлашган ва уйқули ҳолидалигича кириб ташлашди.

Искандар бир ҳамлада оладиган мўлжалда, шаҳарни қуршаган истехком (соғона) қурди-да, қамалга бошчилик қилиш учун Мелеагр билан Пердиккани чақириб, ўзи Киропол қамалидаги Кратер ёнига жўнади. Кир асос солган бу шаҳарни аслида кечирмоқчи эди. Чунки бу қабилаларнинг подшоҳлари ичида у Кир билан Семирамидага алоҳида меҳр қўйганди, уларга қойил қоларди. Бироқ шаҳарликларнинг қаттиқ турганлари уни жуда аччиқлантирди, натижада ғалабадан сўнг у бу ерни ер билан битта қилиб ташлади... Шундан сўнг, мамаченлардан қасд олишни хаёлига-да келтирмай Мелеагр билан Пердикканинг олдига қайтди. Унинг юришларида олинган шаҳарлардан биронтаси ҳам бу бу шаҳарчалик қаршилик кўрсатмаганди: унинг аскарлари шунчалик тез ҳалок бўдилар-ки, унинг ўзи, палаҳмон тошидан шундай зарба олди-ки, ўлишига оз қолди... Бироқ, енгилмас шоҳ ҳали жароҳатдан қутулмай-да, ҳужумларни аввалгидан ҳам кучлироқ суратда давом эттирди. Девор остига лаҳм қаздирганда катта бўшлиққа дуч келди-да, ундан ёриб кирди. Қўлга олинган шаҳарни ер билан битта қилди.

Бу ердан у, Менадемни 3000 пиёда ва 800 отлиқ билан Мароқанд шаҳрига жўнатди. Бу шаҳарга Спитамен қайтиб келиб, македон маъмуриятини ҳайдаб, гарчи аҳоли унинг исёнини маъқулламаган бўлса-да, шаҳарга қамалиб олганди. Аҳоли эса унга қаршилик қилолмагандан итоаткорликдан бошқа иложи йўқ эди. Бу орада Искандар Танаидга қайтиб, қароргоҳининг атрофини девор билан ўраттирди. Деворининг узунлиги 60 стадий чиққан бу шаҳарга Искандария деб от қўйдирди. Шаҳар қурилиши шу қадар тез тугатилди-ки, қалъа деворидан кейинги 17-куни уйларнинг томини қоқа бошлади. (Иш улар орасида тақсимлангани учун) аскарлар орасида кучли мусобақа бошланиб, уларнинг ҳар бири ўз ишини биринчи бўлиб битиришга ҳаракат қиларди. Шаҳарга асир олинганлар жойлаштирилди. Асирларни эса подшо эгаларига товонини тўлиб озод қилганди. Бу иш кўп йиллар ўтгач ҳам шу кунларгача, асирларнинг авлодлари онгида Искандар хотирасини сақлаб қолган.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, VII, 7, 1-6.*

Бироқ, Танаиднинг нариги соҳилидаги ерларга эгалик қилувчи скифларнинг шоҳи, македонларнинг дарё бўйида қураётган шаҳри ўзига бўйинтуруқ бўлади деб ҳисоблаб, Картаз исмли укасини катта отлиқ қўшин бошчилигида шаҳарни бузиш ва македон қўшинларини суриб ташлаш топшириғи билан жўнатди. Танаид бақтрияликларни европалик деб номланувчи скифлардан ажратиб туради. Осиё билан Европанинг чегараси шу дарёдир. Фракия яқинидаги скифларнинг уруғлари шарқдан шимолга кетаверадиган йўналишда яшайдилар. Бировлар айтганидек, сарматларга чегаралош эмас, балки уларнинг бир қисми бўлиб, масканлари Осиёнинг чеккаси бўлмиш Бақтриягача чўзилгандир. Скифлар шимолга яқин яшашади; у ерларда зич ўрмонзорлар ва кенг чўллар бошланади; Танаидга ва Бақтрияга ўтирилган ерларидаги вилоятлари маданий ҳаёт тарзидан ҳоли эмас. Бу қабила билан бошланиши мумкин бўлган уруш Искандар учун қутилмаган нарса эди. Душман отлиқлари узоқдан кўриниб турар, у эса ҳали олган жароҳатининг хасталигидан қутулмаган, овози яхши чиқмас эди; шунинг учун дўстларини маслаҳатга чақирди. Душмандан эмас, қутилмаган оғир шароитлардан қўрқарди у. Бақтрияликлар ажралишган, скифлар сурункали босқин уюштиришаётган бир пайтда Искандар на оёқда тура олар, на отда юра олар, на гап билан қўшин руҳини кўтара оларди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида. VII, 7, 31, 39.*

Шоҳ Бақтриянинг ажралиб кетишига сабабчи бўлган Спитаменга қарши Менадемни юборди. Спитамен ўрмон ичидаги нистирмага дайларни тўплади. Улар отда икки кишидан мингашишар, отларининг тезлиги эса одамларининг маккорлигига тенг эди. Спитамен ўрмонни ўраб олишни, сўнг-рўпарадан, ортдан ва ўнгу сўл қанотлардан бирдан ҳужум қилишни буюрди. Ҳар томондан ўраб олинган Менадем жуда узоқ урушди... Лекин (барибир, ниҳоят) жонсиз йиқилди... Сўқишувда 2000 пиёда, 300 отлиқ ҳалок бўлди.

*Ўша жойда, VII, 8, 6-30.*

Искандар (Сирдарёдан) отлиқ билан фалангаларни солларда олиб ўтишга қарор қилди. Енгил қуролли аскарларига эса мешларда сузиб ўтишни буюрди. 12000 кишини уч кунда олиб ўта оладиган солларни жуда тезликда боғлаб тайёрладилар. Кечувга бари нарса тайёр бўлганда, скифларнинг 20 кишидан иборат элчилари қабиланинг одати бўйича араваларида келишиб, шахсан подшоҳга гаплари борлигини айтишди.

(Скиф элчиларининг гапидан):... «Мидия, Сурия, Эронни эгалладинг, бақтрияликларни бўйсундирдинг, энди очкўз ва тўймас қўлларингни бизнинг мол-жонимиз томон чўзаяпсан. Бақтрия атрофида шунча овора бўлиб юрганинг сенга таъсир қилмадими? Уни қайириб оламан дегунингча сўғдлар яна уруш бошлади. Ғалабаларингдан сенга янги урушлар туғилмоқда... Танаиддан ўтадиган бўлсанг скифларнинг нечоғлик буюк майдонга тарқалганлигини, уларга ҳеч қачон етолмаслигингни билиб оласан. Бизнинг камбағаллигимиз, сенинг аскарингнинг тезлигидан анча илдамлироқдир... Бизнинг тимсолимизда сен Осиё ва Европанинг қўриқчиларини кўриб турибсан. Танаид бўлмаганда биз Бақтрия билан чегарадош бўлардик: Танаиддан сўнг бизнинг ерларимиз Фракиягача чўзилган. Эшитишимизча, Фракия — Македония билан чегарадошдир. Бизни душман сифатида кўрмоқчимисан ёки дўст сифатидами ўйлаб кўр?»

*Ўша жойда, VII, 9, 1, 2.*

Шоҳ, пешанасига нима ёзилган бўлса, шунга кўнишини, ҳамда (яқинларига) маслаҳат солишини айтди. Элчиларни жўнатиб, кўшимча солларни тайёрлашни буюрди (дарёдан кечув тасвирланади).

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, VII, 9, 13-21.*

Душмanning отлиқ кўшини қочди. Шоҳ уларни 80 стадий масофагача қувиб борди... ораси узоқ бўлмаган масофаларда тошлар қўйиб белгиланган Либер ота<sup>1</sup> чегараларидан ҳам ўтиб душмanning кўпини қириб, ундан-да кўпини асир олиб, 1800 отни қўлга тушириб, ярим тундан оғанда қайтиб келишди. Македонлар 60 отлиқ, 100 га яқин пиёда йўқотдилар, минггача жангчи яраланди. Ғалабанинг шов-шуви ажралиб чиққан Осиёнинг жуда катта қисмини ларзага солди. Ахир барча халқлар скифларни енгилмас деб биларди, модомики скифлар ҳам синдирилган бўлса, македонларга ҳеч қайси қабила бас келолмас экан деб ўйлай бошладилар. Шунинг учун саклар-да, элчилар юбориб, бўйсунушга тайёр эканликлари ҳақида ваъда бердилар. Уларни бу қадамни қўйишга Искандарнинг жасоратидан ҳам кўра кўпроқ, бўйсунган скифларга кўрсатган мурувватлари сабабчи эди.

Шоҳ сак элчиларини илтифот билан кутиб олди. Сўнг Кратерга кўшиннинг катта қисмини бериб, айланма йўллардан юришни тайинлаб жўнатди. Ўзи Марокандга келди. Спитамен унинг яқинлашаётганини эшитиб Бақтрияга қочди.

*Ўша жойда. VII, 10, 1-13.*

Сўғдиёнаннинг катта қисми чўлдан иборат. 900 стадий кенгликдаги жойни эгаллайди. Маҳаллийлар Политимет<sup>2</sup> деб атайдиган дарё катта майдонни суғоради. У аввалига тор воҳа ичида оқиб, кейин ер остига кириб кетади. Лекин сувнинг шалдираган овози дарёнинг ер ости оқимини билдиради, оқимнинг устидаги тупроқ эса ҳамisha нам туради.

Шоҳнинг олдига бақувват-бақувват ва атоқли сўғдлардан ўттиз кишини олиб келишди. Ўзларининг қатлга олиб кетилишини эшитган бу сўғдлар бирдан қўшиқ айтиб, яна турли йўллар билан хурсандликларини билдира бошладилар. Шоҳ хурсандчиликнинг боисини сўради. Улар, шу пайтгача бировларнинг қўлида ўлиб кетишларидан хафа эканликларини, энди эса, неча-неча қабилалар устидан ғалаба қозонган шоҳ қўлида ўлим топажакларини ва бу шарафли ўлим уларни

<sup>1</sup> Либер ота — Худо Диониснинг лотинча номи. Эртақда айтилишича Осиёни биринчи бўлиб эгаллаган дейилиб, у борган жойлар белгилаб қўйилган.

<sup>2</sup> Политимет — бу маҳаллий эмас грекча номдир. Ҳозирги Зарафшон.

аждодлари ёнига қайтаражагидан хурсандликларини айтдилар. Аждодлар билан учрашув эса қасамлари бўйича барча кучли эркакларга насиб этармиш. Искандар улардан, мен билан дўст бўлиб яшаб қолишни истамайсизларми, деб сўради. Биз ҳеч қачон сени ёмон кўрмаганмиз, бироқ урушнинг тизимига боғланганимиз учун душман сафига тушганмиз, деб жавоб беришди улар. Ўтгизта барзангининг ҳаммасига эркинлик берилди, тўрттаси шоҳ кўриқчилари сафида қолишди.

Сўғдиёнада 3000 пиёда билан Певколайни қолдириб (шароит бундан ортиғини талаб ҳам этмасди), у Бақтрияга кетди. У ерда Бессни, Дорони ўлдиргани учун қатл қилгани Эқбатанга юборди... Кўшиннинг салмоғини кўпайтириб олиб, исён туфайли барбод бўлган ишларни тиклаш учун йўлга тушди. Айбдорларни ўлдириб, тўртинчи кун Окс соҳилига етди. Окснинг таги лой ва кумли бўлгани учун сув ҳамиша лойқа, ичишга яроқсизлигидан аскарлар қудуқлар қазिशга мажбур бўлдилар.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, VII, 10, 15.*

Ох ва Окс дарёларини кечиб ўтиб, Марғиёна шаҳрига келиб, унинг атрофидан олтига шаҳар учун жой танилади. Шаҳарларни иккитаси жанубга, тўрттаси шарққа юзланиб тушиши ва керак бўлганда бир-бирига ёрдам бера олиши учун орадаги масофалари яқин эди.<sup>1</sup>

*Уша жойда. VII, 11, 1-29.*

У бошқа яна жуда кўп жойларни забт этди. 30000 аскарни икки йил боқадиган озик-овқат билан қояни эгаллаб олган Аримазни енгини шулар жумласидандир. Баландлиги 30, айланаси 150 стадий келарди, тўрт томони тик жарликлардан иборат бу қояга (супага) фақат ингичка сўқмоқчалардан чиқиш мумкин эди. Ярим йўлда кўриниб турган горнинг тор ва қоронғу оғзидан жилғалар чиқиб, ҳар томонга ёйилганча оқиб ётарди... Шоҳ бу жойни олиб бўлмаслигини кўриб, ортга қайтмоқчи бўлди-ю, бироқ кўнглида бахиллиги қолиб келди. Қамалга киришишдан аввал барибир таслим таклифини этиш учун Кофен Артабаз ўлини Аримаз олдига юборди. Аримаз мағрурлик-ла рал жавобини бериб, Искандар учини биладими деб сўради... Искандар унга шу куни кечасиёқ македонлар уча олишини исбот қиламан, деди (300 йигитчанинг арқон ва темир қозиқлар ёрдамида қоянинг устига чиққани тасвирланади).

Кофен яна Аримазни таслим бўлишга ундаб... қоянинг учини кўрсатди-да, унинг ғоз туришидан куларқан, бу Искандар кўшинининг тишчалари, деди. Шу пайт пастдаги қароргоҳдан, берилган ишора билан бутун кўшиннинг ҳайқириғи эшитилди. Алоҳида олганда ҳеч қандай кучга эга бўлмаган бу ҳаракатлар варварларни таслим бўлишга мажбур этди. Аримаз ўзининг энг яқин дўстлари ва қабиланинг катталари билан Искандар қароргоҳига тушди. Бунга уни мағлубият алаmidан кўра — иложсизлик алами мажбур этганди. Улар аввал қамчи билан саваланди. Сўнгра эса қоянинг остоналарига осилдилар.<sup>2</sup> Мол-жони билан бирга таслим бўлганлар янги қурилган шаҳарлар<sup>3</sup> аҳолисига тортиқ қилинди. Артабаз қояни ва атроф вилоятни кўриқлаш учун қолдирилди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида. VII, 1, 2-14.*

Таслим бўлган варварларга, ўжарлик билан курашаётганларнинг шаҳарлари ва ерларини бўлиб беришни буюрди. Бироқ, бақтриялик қочқинлар 800 массагет отлиқлари билан кўшилиб кўшни қишлоқларни вайрон қиლაётгандилар. Уларни даф этиш учун шу вилоятнинг сатрапи Аттин 300 отлиқ билан тайёрланаётган фитнадан хабарсиз равишда йўлга чиқди. Душман эса қароргоҳ яқинидаги ўрмонга аскарини ҳамда тузоқ маъносида мол-жонлиғини тўплаганди.

Кўшин учун емак тўплагани чиққан Аттиннинг аскарлари жанговарликка амал этмай борардилар. Душман уларга бирдан ёпирилиб, ҳаммасини қириб

<sup>1</sup> Марғиёнага исёни батамом бостириш ва шаҳарлар қуриш учун қилинган сафар ҳақидаги хикоя фақат Квинт Курцийда учрайди.

<sup>2</sup> А р и м а з қ о я с и. — Олимлар унинг қаердалиги ҳақидаги фикрлари турлича. Лекин у Арриандаги Сўд қояси билан чалкаштирилмаслиги лозим.

<sup>3</sup> Искандар Марғиёнада бандлигида, илгари босган Сўғдиёнада уч марта қаршилик исёни кўтарилганлигини Диодор аниқ айтади.

ташлади. Бу жанг дараги Кратерга етиб боргач, у зудликда бутун аскарлари билан етиб келди. Массаетлар қочинди. Мингта дай устидан қозонилган галаба бутун вилоятда кўтарилган исённинг бостирилишини таъминлади. Сўғларни яна бир қарра бўйсундириб шоҳ Мароқандга қайтди. Боспор скифларига жўнатилган Берд шу юртнинг элчилари билан бирга қайтди. Дай ва массаетларнинг кўшниси бўлган хоразмликларнинг доҳийси Фратаферн элчиларини жўнатиб Искандар буйруқларига бўйсунини айтди. Скифлар Искандардан ўз шоҳларининг қизига уйланишини таклиф қилдилар, мабодо шоҳ бу қариндошчилик таклифидан ор қилса, македонларнинг ва скифларнинг атоқли одамлари ўртасида қудандачиликка рухсат беришини сўрадилар. Элчиларни илтифот билан кутиб олгач, шоҳ Базаира<sup>1</sup> деб аталадиган вилоятга кетди.

Бу ерлардаги варварлар бойлигининг асосий белгиси — ўрмон ичида қамаб ушланадиган улугвор, асл ҳайвонлардир. Улар бунинг учун серсув булоқ ва сойлардан сув ичадиган қатта-қатта ўрмонларни танлаб, ҳайвон кўтонларини девор билан ўрайдилар, овчилар учун қочадиган бошпаналар қурадилар. Искандар тўрт йилдан бери тегилмаган кўтонга бутун кўшини билан келиб, ов бошлашга буйруқ берди. Кўпчилик ўртасида турган шоҳга каттакон арслон тўппа-тўғри кела бошлади.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида. VII, 1, 19.*

У ердан шоҳ Мароқандга қайтди.

*Ўша жойда. VIII, 2, 14-22, 25-38.*

Ксениппа<sup>2</sup> Скифия билан кўшни вилоят. Қишлоқлари жуда кўп, бари бири-бирига яқин жойлашган. Ҳосилдор ерлари маҳаллий аҳолини ўзида ушлаб туришидан ташқари, четдан одамларни жалб қиларди. Бу вилоят Искандардан ажралиб чиққан отликлар учун макон бўлганди. Искандарнинг дарагини эшитган ерлик аҳоли уларни ҳайдай бошлади. Бақтрияликлар бир ерга тўпланиб 2500 киши бўлишди. Тинчлик замонларда қароқчилик қилишга ўрганган бу отликлар, урушдан, айниқса эса айбларидан ўтиш имконининг йўқлигидан жон аччиғида Искандарнинг претори Аминтага ташланишди. Жанг узоқ давом этди; ниҳоят 700 кишисини йўқотиб (улардан 300 киши асирга тушганди), бари таслим бўлди. Жангда македонлар 80 кишини йўқотишди 350 одам жароҳатланди.

Буларни бўйсундиргач, Искандар кўшини билан Навтака деб аталувчи вилоятга ўтди. У ерда Сизиметр<sup>3</sup> деган одам сатрап эди. Унинг онасидан туғилган икки ўғли бор эди, зеро уларда бундай алоқа рухсат этилганди. Сизиметр аҳолини қуроллантириб, воҳанинг энг ингичка жойини мустаҳкамлади. Воҳанинг олдидан дарё оқар, орти эса баланд қоя эди. Қоянинг тагидан кенг лаҳм қазилган бўлиб, ёруғлик тушиб турса-да, ичкараси қоронғу эди. Лаҳмни туб аҳолидан бошқа ҳеч ким билмас эди. Искандар табиатан ингичка воҳага қурилган тўсиқларни таранлар олиб кириб бузди-да, ҳимояланаётганларнинг кўпини камондан оттирди. Бузилган тўсиқлар устига чиқиб, аскарини қоя томон сурди... Тепадан сув тушарди, бундай жарни тўлдириш мумкин эмасдек туюларди. Шоҳ кесилган дарахт ва шохларни тўшлашга буюрди. Бундай улкан ҳажмдаги ишни ҳамда мустаҳкам истеҳкомнинг зил кетаётгани кўрган маҳаллийларни ваҳима босди... Шоҳ қамалдагиларни кўрқитув билан олиш мумкин деб ҳисоблаб, шу қабиладан чиқиб, унга хизмат қилаётган Оксияртни варварларни таслим бўлишига кўндириш учун юборди... Сизиметр кўнаётгандек бўлганда онаси ва хотини, бировнинг кўлига тушгандан кўра ўлганимиз яхши деб, Сизиметрнинг хаёлларини омонликдан шон-шараф ва номусни ўйлаш томон бурдилар...

Озод ҳаётнинг эркаклардан кўра хотинларга қимматли бўлганидан уялган Сизиметр, музокараларни тўхтатиб, мудофаани давом эттиришни буюрди. Бироқ, душман билан ўзининг кучларини солиштириб ўйлаб кўраркан, хотин зоти маслаҳатига кирганига пушаймон бўлди. Шунинг учун қатъият билан

<sup>1</sup> Базаира — Қаердалиги номаълум. Бирор доҳийники бўлган овлоқ жой ҳақида фақат Курций ёзган. Диодор бу вилоятни “Басистлар улкаси” деб атайди.

<sup>2</sup> Ксениппа — Қарши ёки Кеш (Шаҳрисабз) бўлиши мумкин.

<sup>3</sup> Сизиметр. — Доро кўйиб кетган форс.



Оксиартни чақирди-да, шоҳнинг меҳр-шафқатига сизғиниб таслим бўлишини айтди. Фақат онасининг айтганларини шоҳга билдирмайсан, деб шарт қўйди. У онасининг жазоланишидан хавфсизларди. Кейин Оксиартни жўнатиб, кетидан онаси, ўғиллари, қариндош-уруғлари билан оломон бўлиб йўлга тушди ва ҳатто Оксиарт ваъда қилган омонлик гаровини ҳам кутиб ўтирмади. Искандар улар томонга бир отликни жўнатиб, орқаларига қайтишни ва ўз жойларида унинг ташрифини кутишни тайинлади. Минерва<sup>1</sup> ва (ғалаба маъбудаси) Викторияларга атаб қурбонликлар қилди. Сизиметрни ўз мансабида қолдириб, агар содиқ дўст бўлиб қолсанг, яна катта вилоятни қўшиб бераман деб ваъда қилди. Келтирган икки ўғлини эса ўз аскарлари ҳисобига киритиб бирга юришни тайинлади.

Бир фалангани шу ерда қолдириб, отликлари билан исён кўтарганларни ва бўйсунмаганлари таъқиб қилиб жўнади. Йўлларни катта ҳарсанглар босган, ниҳоятда қийин эди. Кўп отларнинг туёғи синиб, ҳоригандан юролмаб қолди. Аммо шоҳ отларни алмаштириб, таъқибни тўхтатмади... (Жангдан сўнг) варварлар тарқалиб кетиб, ўрмонларда жон сақлашди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, VIII, 3, 1-15.*

Искандар Спитаменнинг дайлар ичидалигини билгани учун уларга босқин қилимоққа қарор қилди.

Спитамен ўз хотинини жон-дилдан севар, янги-янги қувғинлар ва қоч-қочлар жонига тегиб кетган бу аёлни доимо ёнида бирга олиб юрарди. Бир куни хотини бутун ноз-карашмасини ишга солиб, дарбадар қочиб юришларни тўхтатиб, Искандар меҳрига сизғиниб таслим бўлишни ўтиниб сўради... У қиличчини суғуриб олди ва агар қайноға-қайиничилар ўртага тушмаганда хотинини санчиб ўлдирган бўларди. Шунда Спитамен, кўзига кўринмасликни, агар кўринса ўлдиришини тайинлаб, тунларини никоҳсиз хотинлари билан ўтказа бошлади. Бироқ унинг севғиси, айниқса, атрофдагиларнинг гап-сўзлари билан яна кўзғалди. Бирга яшай бошлагач, хотини эски ўтинчини яна такрорлай бошлади... Аммо у, бўйсунушидан ўлимни ортиқ кўришини айтди... Бир куни катта базмдан сўнг уни маст ҳолда уйкуга кетганини билиб, хотини қўйлаги остига яширган қиличи билан Спитаменнинг бошини кесди-да, воқеадан хабардор қулига берди. Унинг билан биргаликда, қонга беланган қўйлагини-да ечмай, макелон қароргоҳга келди... Искандарга Спитаменнинг бошини топширди. Искандарнинг кўнглида турли туйғулар курашарди. Ундан юз ўтирган, уни сотган, агар тирик қолса яна қанча-қанча ёмонликлар қилиши, ҳаётини заҳарлаши мумкин бўлган одам йўқ қилинганди. Аёлнинг хизмати жуда катталигини кўриб турарди. Лекин маккорона хиёнатни қабул қилолмасди... Мараз ишдан жирканиш, хизматга меҳр кўрсатишдан устун келди: у аёлга қароргоҳдан кетишни, грекларга варварча ахлоқни юқтирмасликни буюрди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида, VIII, 3, 6;13.*

Спитаменнинг ўлдирилганини эшитган дайлар, исённинг иштирокчиларидан бўлган Датаферни кишанлаб келтириб, ўзлари-да таслим бўлдилар.

Искандар ўзи қўйган ноибнинг очкўзлиги ва раҳмсизлигидан кўришган азобларини ювиб, уларни мукофотлашга қарор қилди; Гирканияни, мардларни, тапуларни Фратафернга топшириб, ундан олдинги ноиб Фрадатни банди ҳолида келтиришни буюрди. Дрангларга қўйилган ноиб Арсам ўрнини Станазор олди; Арсак Мидияга, Оксилатни йўқотиш учун жўнатилди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида. 4, 1-25.*

Уч ойда бу ишларни битириб, қишки қароргоҳлардан чиқди-да, Габазе мавзесига йўналди. Биринчи кун тинч ўтди... Учинчи куни бутун осмон бўйлаб чақмоқ чақнади... момагулдирак турди, қўшин на юришни, на туришни билмай қолди. Бирдан шаррос ёмғир қуйиб, дўлга айланди. Аввалига аскарлар қуролиларини пана қилгандилар; бироқ тез орада қўллари совқотиб, ёмғирчўш

<sup>1</sup> М и н е р в а — лотинча. Грекчада Афина. Қадимги афсоналарда осмон, булутлар, ҳосилдорлик, чақмоқ худоси; меҳнатнинг пири; одамларни отни жиловлаш, ҳўкизни қўшга қўшиш, арава ва кема ясапга в.х.з.ларга ўргатган.

нарсаларини ушлолмай қолдилар-да, йиқила бошладилар. Чарчоқдан, ёмғир-у совуқдан ҳам кўра, кўпроқ кўркувдан йиқиларди улар. Баъзилар гулхан ёқди, баъзилар варварларнинг уйларига етиб олди, баъзилар эса, ҳаво сал юмшагандан кейин шалоббо ерда капалар тиклай бошлади... Ниҳоят Сизиметр кўп юкчи мол ва икки мингта туя келтиргандан кейин аскарлар совуқ ва очликдан қутулди. Саклар устига юришди. У ерни хонавайрон қилишгач, шоҳ тушган ўлжадан Сизиметрга ўттиз бош жонлиқ берди.

У ердан таниқли Оксиарт сатраплик қилаётган вилоятга ўтишди. Оксиарт унинг паноҳига ўтиб, содиқ қолишга онт ичгач, шоҳ сатрапликни унга қайтариб берди. Фақат иккита ўғлининг кўшин сафида бўлиши талаб этди. Аёллар ичида Оксиартнинг Роксана деган қизи бор эди... салтанатни мустаҳкамлаш ниятида шоҳ унга уйланди. Шунингдек, бошқа македонларни-да форс қизларига уйлантирди.

*Квинт Курций Руф. Искандар Мақидунлининг ишлари ҳақида. VIII, 5, 1-2.*

Ҳиндистонга, ундан эса океан соҳилига юришга тайёрланаркан, ортда турли-туман ғимирлашлар кўтарилиб, ниятларига ҳалақит қилмаслиги учун босиб олинган вилоятлардан 30000 қуроолланган ўспиринни йиғиб келишга буюрди. Мақсади: ўспиринлардан ҳам аскар, ҳам гаров сифатида фойдаланиш эди. Кратерни ажралиб чиққан Австан билан Катенни бостириш учун жўнатди. Австан асир олинди, Катен эса жангга ўлдирилди. Полиперхон Бубацена деган вилоятни бўйсундирди.

*Диодор. Кутубхона, XVII, 73.*

Искандар Дорони кўлга олиш мақсадида юриш бошлади. Бу пайтда Доро Бақтриядан ва бошқа сатрапиялардан куч тўплай бошлаганди. Бироқ душманининг сиқуви таъсирида 30000 форс аскар ва ёлланма греклар билан Бақтрияга қочишга мажбур бўлди. Йўлда уни Бақтриянинг сатрапи Бесс ушлаб, хиёнат қилиб ўлдирди.

Искандар Бессни таъқиб қила бошлади. Бесс бу пайтда анча илгарилаб Бақтрияга етиб бўлган эди. Шунинг учун Искандар ортга қайтди.

*Ўша жойда, XVII, 74.*

Бесс Набарзан-у Барзаент билан бирга Бақтрияга кириб олди. Бесс Бақтрияга кўйилган Доронинг сатрапи эди. Шу мансаби билан танилгани учун халқни озодлик курашига кўтара олди. У, табиий йўл шароитининг оғирлиги душманга қийинчилик, бақтрияликларга эса мадад келтиришини, аҳолининг кўплиги эса мустақил яшаш учун асос бўла олишини айтарди. Халқни кўндириб уруш эълон қилгач, ўзини подшоҳ деб эълон қилиб, кўшин тўплашга, қурол-яроғ ҳозирлашга, хуллас, ғайрат билан урушга тайёрлана бошлади.

*Диодор. Кутубхона, XVII, 75.*

Искандар Гирканияга кириб, уч кунлик йўлдан сўнг Гекатомпил<sup>1</sup> шаҳри ёнида қароргоҳ курди. Бу бой шаҳарда емак, мева-чева сероб бўлгани учун кўшинга бир неча кунлик дам берди. У ердан 150 стадий йўл босиб улкан қоя олдида тўхтади. Қоя остида, ҳатто худолар учун-да катталик қиладиган улкан ва ажойиб ғор бўлиб, ундан Стибоит деган дарё оқиб чиқади.

Искандар Гирканиянинг Каспий ёки Гиркан деб аталувчи денгизгача жойлашган бари шаҳарларини эгаллади. Гиркания мамлакатидан ўтаркан «Қутлуг қишлоқлар» деган ерга борди. Ҳеч бир ўлка мева-чеваси билан бу қишлоқларга тенглаша олмайди. Узумнинг бир-бошидан бемалол бир чора шароб чиқади. Тут ва анжир дарахларининг биттаси ўн медингача<sup>2</sup> ҳосил беради. Урим-ийгимда тўкилган доннинг ўзи келаси йилги экин учун етарли бўлиб, бошқатдан меҳнат қилишга ҳожат йўқдир. У ерда эманга ўхшаган дарахт япроқларидан асалга ўхшаган суюқлик оқиб чиқиб, одамлар уни истеъмол қиладилар.

<sup>1</sup> Г е к а т о м п и л — Шимолий Мидияда, Копетдаг домини бўсағасида, Каспий дарвозасининг жанубий қисмига яқин жойда бўлган шаҳар.

<sup>2</sup> М е д и м — 52, 53 литрга тенг.

*Уша жойда. XVII, 76.*

Искандар Гиркания билан унга қўшни қабилаларнинг барини босиб олди. Доро тарафида урушган кўп сардорлар (hegemones) унга бўйсундилар. Искандар уларга катта аҳтиромлар кўрсатди...

Гирканининг соҳил бўйи мавзеларидан сўнг, мардлар юрти деган ерга келди. Мардлар кучларига ишониб, ҳамда Искандарнинг ошиб бораётган кудратини менсимай, кутиб-да, чарлаб-да чиқмадилар. 8000 кишини тоғ доvonларига қўйиб, македонларнинг келишини мағрур кутдилар. Шоҳ уларга хужум қилди: жангларда кўпчилиги ўлди, қолганлари тоғларга қочдилар. Юрт талон-тароғга ташланди.

*Диодор. Кутубхона, XVII, 78.*

Ариянинг сатрапи Сатибарзан, қўйиб қетилган македон аскарларини ўлдириб, Бесс билан биргаликда урушга тайёрланаётганини эшитиб қолди. Искандар унга қараб юрди. Сатибарзан кучларини мавзенинг бошкенти бўлган, табиий шароитнинг ўзиданоқ қаттиқ ҳимояланган Хориакан (Артаксана) га тўплаб, жангга тайёрланди. Аммо шоҳнинг яқинлашаётганини, қўшинининг катталигини эшитиб ҳамда македонлар ҳақида ваҳимали гаплардан кўрқиб, 2000 отлиги билан ёрдам сўрагани Бесс томон кетди-да, қолган кишиларига... тоққа яширинишни буюрди. Бироқ шоҳ ўзига хос яшин тезлигида қочокларга етиб олди-да, қамалиб олган қальаларини (petra oshuga) топширишга мажбур қилди. 30 кун ичида Гирканининг<sup>1</sup> барча шаҳарлари забт этиб, Дрангианнинг пойтахтига (ta basileia) келиб, қўшинига дам берди.

*Уша жойда, XVII, 81.*

Дрангианадаги ишларни жой-жойига қўйиб, Искандар яна қўшин бошига туриб, аввалам бор аримаслар, яъни «яхшилиқ қилувчилар», «жўмардлар» (Эвергетлар) юртига юрди... Аҳоли уни меҳрибонлик ила кутиб олди. Искандар уларни солиқлардан озод қилиб ва бошқа шу каби яхшиликларни ато этди. Уларнинг қўшнилари гедрозийлар-да шундай яхши кутиб олганликлари учун аримасларга ўхшаб меҳрибончилик кўрдилар. Бу икки қабиланинг бошчилиги Тиридатга берилди.

Бу орада, Сатибарзаннинг Бақтриядан катта отлиқ бўлинма билан чиқиб, Арияда пайдо бўлганлигини, аҳолини Искандардан ажралишга ундаётганини эшитди. Унга қарши Эригий ва Станазор бошчилигида қўшин жўнатиб, ўзи Арахозияга ўтди ва бир неча кун ичида уни эгаллади.

*Диодор. Кутубхона, XVII, 82.*

Ундан кейин Искандар, парапамизад деб аталувчи элга уруш очди. Улар Катта Айиқнинг<sup>2</sup> остидаги мавзеларда яшашиди. Ерлари кўпинча қор босиб ётади, совуққа ўрганмаган элатлар учун бориш ва яшаш қийин. (Курций тасвирига ўхшаш табиий ва маиший шароит тасвирланади)... Шоҳ бу юртнинг бари аҳолисини бўйсундирди.

*Уша жойдан. XVII, 83.*

Мидияга тушиб борадиган нишабликка етиб келиб, Искандар бир шаҳар қурди ва унга Искандария деб ном берди. Бу шаҳардан бир неча кунлик ерга у яна бир шаҳар қурди-да, у ерга 7000 варвар, 3000 та урушга мунтазам қатнашмайдиган, пиунингдек, қолишга истак билдирган ёлланма аскарларни ерлаштирди. Бесснинг тож ва подшоҳлик ва либосларини кийиб, қўшин тўплаётганини эшитиб Бақтрияга йўл олди. Арияда қолган лашкарбошилар, уруш санъати билан жанговарликда донг таратган Сатибарзаннинг исёнчилардан катта куч тўплаганини эшитиб, унга қарши юрдилар. (Жанг ва Сатибарзан билан Эригийнинг бирга-бир сўқишгани тасвирланади). Эригий ютиб чиқди. Варварлар доҳийларининг ўлимидан даҳшатга тушиб, жон таҳликасида шоҳга

<sup>1</sup> Шубҳасиз, Ариянинг деб ўқилиши керак. Кўлёмзда хато кетгани аниқ.

<sup>2</sup> Катта Айиқ юлдузлари — Бу туркум юлдуз остида дейилишида шимолда яшовчилар деган маъноси бор.

таслим бўлдилар. Бу орада Бесс бир базмда ўзининг Гобар<sup>1</sup> исмли сафдоши (hetarios) билан аччиқлашиб қолди... Уни ўлдирмоқчи бўлди. Гобар Искандар паноҳига қочди. Гобарнинг қутулиб қолганини эшитган ҳамда мурувват кўришдан умидвор бўлган бошқа дохийлар тил бириктириб, Бессни банди қилдилар ва Искандарга келтирдилар. Шоҳ уларга катта мукофотлар бериб, Бессни Доронинг укасига ва бошқа қариндошларига топширди. Улар Бессни ҳўрлаб, масхаралаб ўлдирдилар ва жисмини бурдалаб, ҳар томон сочиб ташладилар.<sup>2</sup>

*Диодор. Кутубхона, XVII, 84.*

Сафарларининг бирида, ўгиши лозим бўлган бир чўлда у жуда кўп аскарини йўқотди. Бир пайтлари форслар ўз юрларининг чекка-чеккасига кўчирма қилган грек бригадларини ўлдиртирди. Сўғд ва скифларга қарши юриш. Искандар олдига қатл учун келтирилган сўғд дохийлари фаройиб бир сабабла қутулиб қоладилар.<sup>3</sup>

Искандар исён кўтарган сўғдларни таъқиб қилиб 12000дан ортиқ одамни ўлдирди. Сўғд ва бактрияликларни иккинчи қарра жазолаб, келажакда-да итоатда ушлаш учун қулай жойларда шаҳарлар қуради. Сўғдларнинг учинчи исёни; тоғларда жон сақлаганларни Искандар қўлга олади.

Бассистлар ўлкасидаги фаройиб ов; ўлжа жуда катта бўлади.

Навтакларга қарши юриш, у қўшинининг катта қисмини қор туфайли йўқотади.

У Оксарт қизи Роксанага ошиқ бўлиб уйланади, кўп дўстларига атоқли варварларнинг қизларига уйланишни маслаҳат қилади.

*Помпей Трог<sup>4</sup> Филиппийлар тарихи, XII, 3-5.*

Искандар Гирканияни, мардларни... кейинроқ Кавказ тоғи этақларидаги драг, эвергет, парет, парапамизад ва бошқа қабилаларни бўйсундирди. Унинг олдида Доронинг дўстларидан бири бўлган Бессни кишанланган ҳолда келтиришди. У Дорога хиёнат қилиб уни ўлдирган эди. Искандар бу хиёнатни жазоси сифатида қатл этиш учун уни Доронинг укасига топшираркан, Доро менинг душманам ва бунинг дўсти эди, деган гапларни айтади.

Бу ўлкаларда ўз номининг унутилмаслиги учун Танаид ёқасида Искандария шаҳрини бунёд этди, 6000 қадам узунлигидаги шаҳарни ўрочлар девор ўн етти кун ичида қуриб битказилди ва унга Кир қуриб кетган шаҳарларнинг аҳолиси кўчириб ўтказилди. Бактрия ва Сўғдиёнада у ўн икки шаҳар қуриб, қўшинидаги нотинч, ғалвали кишиларни ўтrockлаштирди.

*Плутарх. Искандар Мақидунли, XLIV.*

Искандар аскарларининг энг яхши қисми билан Гирканияда йўл олди. У ерда улар суви бошқа денгизларниқидан чучуқроқ бўлган қўлтиққа дуч келдилар. Кўринишидан катталикда Понтдан қолишмайдиган бу қўлтиқ ҳақида Искандар ҳеч қандай маълумот ололмади ва уни Меотиданиннг бир чеккаси бўлса керак деган фикрга келди. Аслида эса географларга бу денгиз маълум эди. Искандарнинг юришидан анча бурун улар Гиркан қўлтиғи ёки Хазар денгизи — океаннинг тўртта қўлтиғидан энг шимолийси эканлигини ёзиб қўйгандилар.

*Плутарх. Искандар Мақидунли, XLV.*

Гирканиядан сўнг Парфияга ўтди... Орексарт (Яксарт) дарёсини Танаид деб ўйлаб кечиб ўтди ва скифларни юз стадийгача қувиб борди.

<sup>1</sup> Г о б а р — Бесснинг душмани сифатидаги бу ном фақат Диодорда учрайди.

<sup>2</sup> Искандар юришининг бошланиши, Бесс билан Сатибарзан воқеалари Курций билан деярлик бир хилда тасвирланади. Бу уларнинг битта манбадан фойдаланганлигини кўрсатади. Аммо Сўғд юриши ва кейинги воқеалар йўқолган ва фақат айрим бобларнинг сарлавҳалари сақланган. Қадим ўтмишда ёзилган бу сарлавҳалар, фарангичалар таржима қилинган. (Miot. 1837 йил.)

<sup>3</sup> Курцийда келтирилган воқеа бўлиши мумкин.

<sup>4</sup> Помпей Трог — Унинг “Филлиппийлар тарихи” асари асосан, Искандарнинг давомчиларига бағишланган бўлиб, Искандар ҳақида қисқа изоҳлар билан чекланган.

*Ўша жойда. XLVII.*

Искандар бир томондан ўз турмуш тарзини маҳаллийчага мослаштиришни, иккинчи томондан маҳаллий аҳолини македонча турмушга яқинлаштиришни кучайтирди. Аралаштириш орқали ўз ҳокимиятини куч билан эмас, яхшилик билан мустаҳкамлайман, деб ҳисобларди. Шу мақсадда маҳаллий болалардан ўттиз мингтасини танлаб олиб, юнонча билимга ва македонча қурол-яроғни ишлатишга ўргата бошлади. Уларга устозликка жуда кўп одамларни жалб этди. Бир кўришдаёқ севиб қолган гўзал ва сарвқомат Роксанани никоҳига олгани ҳам шу ниятларига мос келарди.

*Ўша жойда. LVII.*

Шоҳ оромгоҳларининг бошлиғи македонлик Проксен деган одам Окс дарёсининг бўйида Искандар чодирини учун жой тайёрлаётган, куюқ ва ёғлиқ суюқлик сизиб чиқаётган булоққа дуч келди. Булоқнинг уст қисми тозалангач, ундан мазасиё ҳиди худди зайтун мойига ўхшаган тиниқ ва тоза суюқлик отилиб чиқа бошлади. Қизиқ томони шуки, бу ерлар зайтун ўсмайдиган ерлар эди. Окснинг суви жуда юмшоқ экан, чўмилганларнинг териси ёғлиқ бўлиб қоларкан.

*Искандарнинг йўлномаси<sup>1</sup>, 71.*

Мардлар қабиласида одамларнинг қурол-яроғи билан ўз куч-қувватидан бошқа бойлиги йўқ.

*Ўша жойда, 84.*

Искандар аскарлари қамалда қолган Мароқандгача борди. Танаиднинг нариги соҳилида скифлар гала-говур кўтараётганди. Ўзиникиларга ёрдам беришга шошиларди. Асирлар қўли билан асос солинган шаҳарни йигирманчи кун битирди. Ёши ўтганларни, жароҳатланганларни, харбга ноқобил ёки истамаганлар, шунингдек, раҳбарлик соҳасида тажрибаси борларни шаҳарга ерлаштирди.

*Ўша жойда. 79.*

У сўғларнинг пойтахти Мароқандга, сўнгра эса Танаидга борди. Танаид Аракслан оқиб чиқиб, Гиркан денгизига қуйилади ва шу билан Осиёни Европадан ажратиб туради.

*Ўша жойда, 81.*

Ҳомер асарида мақталган абий скифларидан элчилар келди; улар голиблар қошида феъли-хўйларини айтарканлар, қашшоқлар қароқчилардан-да эркинроқдир (матали) асосида, биз фақат ўз вужудимизга муҳтожмиз, дердилар.

*Ўша жойда, 95.*

Абийлар эркинликда ва камбағалликда тенглар. Турмуш тарзларида камбағалликни гўзаллаштирганлари билан фарқлилар бошқалардан, камон ва ўқдан бўлак нарсага эгалик қилмасликка мусобақалашадилар. Камон ва ўқ уларнинг асосий интилишларидир. Болаларига мерос қолдирадиганлари ҳам шу. Овчида шу иккови бўлса бас: оиласида сут ҳам, эт ҳам мўл, кийим учун тери ҳам етарли. Боз устига улар ўта меҳмондўст, жуда ширин сўздирлар.

*Ўша жойда, 96.*

Хоразмликлар подшоси Фарасиен (Фаразман) — Искандар юришларида бирга қатнашиш учун отлиқ аскарлари билан келди.

*Страбон<sup>2</sup>. География. XV. 2, 10.*

Юқорида эслатилган тоғларнинг жойлашишини, Искандарнинг Парпийдан Бақтриёнага қараб Бессни таъқиб этган йўлини ўрганиб, аниқроқ белгилаш мумкин. Аввалам бор у Арияга келган. Кейин фитнада фож этилган Парменион

<sup>1</sup> Искандар йўлномаси. — Номаълум муаллиф томонидан 5-асрда ёзилган. 19-асрда Арриан асарларига Миллер томонидан кўшиб чиқарилган.

<sup>2</sup> Страбон — Искандарнинг солномачилари қаторига кирмайди. Лекин онда-сонда бошқа сабабларга биноан берилган маълумотларида қизиқарли материаллар бор.

ўғли Филотни ўлимга маҳкум этган жойи — дранглар юртига ўтган. Кейин у Филотнинг отаси Парменионни фитнага иштироки бор деб айблаб, уни ўлдириш учун бир неча одамни Экбатанга жўнатган. Айтишларича, улар ўттиз-қирқ кунлик йўлни ўн бир кунда босиб, топшириқни бажарганлар. Дрангларнинг турмуш тарзи тўлиғича форсча бўлиб, шароб етишмаслигидан қийналадилар. Уларда қалай метали сероб. Дранглардан сўнг Искандар эвергетлар ва арахолларга ўтган. Эвергетларга бу номни Кир қўйган экан.

Кейин у Савр юлдузлари остида яшовчи парапамизадлар юртидан ўтган. Парапамизадларнинг тоғли ери ўша пайтда қалин қор босган бўлиб, юриш жуда қийин эди. Ёғдаң бўлак ҳамма нарса билан яхши таъминланган қишлоқлардаги аҳоли аскарларни уйига қўйгани азобни анча енгилангирган. Аскарларнинг чап тарафида Парапамиз тоғларининг қорли чўққилари турган. Парапамиз тоғларининг жануб қисми қисми билан арийларники, шимолий ғарб қисми — бактрияларникидир... Искандар ана шу жойда қишни ўтказиб, ҳам шаҳар қуриб, ортида Ҳиндистонни қолдириб Бактрияга ўтди. Йўлларда бутасимон хандониста дарахтларидан ташқари умуман дарахтлар ўсмасди. Озиқ-овқат етишмаслигидан аскарлар юк ҳайвонларининг гўштини ердилар. Ёғанда ҳам ўтин етишмаслигидан хомлиғича ердилар. Ҳазм қилиш учун эса бу ерларда сероб бўлган силфий ўсимлигини истеъмол қилардилар. Ун беш кундан сўнг, Искандар ўзи асос солган шаҳардан ва қишлоқ жойидан Бактриянинг Адрасп шаҳрига ўтди.

*Страбон. География, XI, 8.8.*

Массает билан сакларнинг таркибига, шунингдек, адрасп ва хоразмийлар ҳам қиради. Спитамен бактр ва сўғдлардан худди Бессга ўхшаб ана шуларнинг ичига қочганди.

*Ўша жойда, XI, 11, 6.*

Гирканиядан Сўғдиёнага кетавериш йўлининг шарқий йўналишида, Таврнинг бериги тарафида яшовчи халқлар қадимдан форсларга, македонларга, парфларга маълум бўлган. Тўғри кетаверишдаги халқларнинг скифлар эканлигини ташқи қиёфасиданоқ билиш мумкин. Ана шу скифларга ва улардан нари, шимолда яшовчи номадларга қарши қилинган ҳарбий сафарлар бизга номаълумдир. Бесс билан Спитаменни таъқиб қиларкан, Искандарнинг ана шу халқларга қарши юриш нияти бор эди. Бироқ, Бесс асир олиниб келтирилгани, Спитаменнинг ўлдирилгани сабабли у ўз ниятларидан воз кечди.<sup>1</sup>

*Ўша жойда, XI, 11, 4.*

Айтишларича, Искандар Бактрия билан Сўғдиёнада саккизта шаҳар бунёд этган. Бир неча шаҳарнинг ерини ҳайлатиб йўқ қилган. Каллисфен қамокқа олинган Бактриядаги Қариат, Сўғдиёнадаги Мароканд, Яксарт бўйида, Эрон империясининг чегарасида Кир қурган шаҳарларининг энг чеккадагиси<sup>2</sup> ана шулар жумласидандир. Кирга бўлган жуда катта ҳурматига қарамай, аҳолисининг кўп марта кўзғолон қилгани туфайли, охирида бу шаҳарни ер билан битта қилганди.

Ҳийла ишлатиб у икки қояни қўлга олган. Биринчиси, Бактриядаги Оксиарт қизи Роксанани яширган Сизиметр қояси; иккинчиси, Сўғдиёнадаги Окс қояси, уни яна Аримаз қояси деб ҳам аташади. Сизиметр қоясининг баландлигини ўн беш, айланасини эса саксон стадий деб айтишади. Қояни уст қисми ҳосилдор тупроқ билан қопланган бўлиб, 500 кишини емак билан таъминлай олади. Искандар шу қоянинг устида чарлаб қутилган ва шу ерда Оксиарт қизи Роксанага уйланган. Сўғдиёнадаги қоя Бактрияникидан икки карра баланд. Сўғдиёнада Искандар бронхидларнинг шаҳрини-да, ер билан битта қилганди. Бронхидлар бу ерга ўз юртлари бўлмиш Дидимдан, ўз ихтиёрлари билан эҳромдаги бойликларни Кирга топшириб, унинг кегидан эрганиб келгандилар ва Кир уларга бу ерда шаҳар қуриб берганди. Искандар эҳромнинг таланиши ва уларнинг сотқинлигидан нафратланиб ғазабланганди.

<sup>1</sup> Афтидан Қорақум ичкарасига режалаштирилган бироқ амалга ошмаган юриш ҳақида гапирилган.

<sup>2</sup> Олимлар буни Ўратепа деб тахмин қиладилар.

## Ш 6 0 6

ЎРТА ОСИЁНИНГ ИСКАНДАР ДАВРИДАН КЕЙИНГИ  
ГЕОГРАФИК ШАРҲЛАРИ

Қадимги грек ва римликларнинг Ўрта Осиё ҳақида асарлар ёзганининг ўзиёқ савдо алоқаларининг ва умуман алоқаларнинг ривожланганлигини билдиради. Милодгача I аср билан милоддан кейинги I аср даврининг йирик географлари бўлмиш Плиний, Страбонлар, Геродотга ўхшаб ўзлари саёхатчи эмасдилар. Бироқ, чинакам саёхатчиларнинг, шахсан бориб кўрган — Мегасфен (Ҳиндистон), Декдамларнинг (Аму ва Сирдарё воҳалари) асарларидан фойдаланганлар.

Искандар Мақидунлининг юришлари оқибатида антик дунё географларининг билим ва маълумот олиш доираси бениҳоя кенгайди. Масалан, агар Геродот Аму ва Сир атрофидаги ўлкалар ҳақида гира-шира, бировлардан эшитган дарақлар даражасида ёзса, Страбон билан Плинийлар бу жойлар ҳақида батафсил маълумот беради. Икковининг Памир, Шарқий Туркистон, Хитой ҳақида кўп нарсани билганликлари аён. Лекин шарққа борган сари маълумотлари саёзлашаётгани сезилади. Бу даврнинг учинчи буюк географи Птоломейдир. У милодий II асрни, асрнинг иккинчи ярмида шарҳлаган, бироқ 91-120 йиллардаги Хитойнинг ўлкамизга қилган иккинчи босқини даврида яшаган Тирлик Мариннинг асарларидан фойдаланган. Марин эса Птоломейнинг яқин ўтмишдоши эди.

Страбон биз келтирган парчаларда, ўз давридаги географик билимларнинг кенгайиши сиёсий воқеаларга, йирик давлат бирлашмаларининг тузилишига бевосита боғлиқлигини ургу бериб айтади.

*Страбон. География. I, 2, 1.*

... Парпилар Гиркания, Бақтрия ва бу юртларнинг юқорисида яшовчи скифлар ҳақидаги билимларимизни анча кенгайтирдилар. Парпилар ўтмишдошларимизга бизга нисбатан камроқ маълум бўлганлари учун, биз бу маълумотларни кенгроқ ёритиш имконига эгамиз.

*Ўша жойда, II, 5, 58.*

Қадимги географлар, Кримнинг Тавр, Кавказ тизмаси, Копет-Дағ, Ҳиндикуш ва Памир (Имай) тоғлари бир-бирига узлуксиз боғланиб, Осиёни нақд иккига бўлиб туради деб ўйлашган ва бу маълумот уларнинг назарияларида асосий таянч нуқтаси эди. Бу тоғларнинг барини битта Кавказ тоғи деб, қолганларини турли маҳаллийча ном олган қисмларидир, деб айтадилар.

Осиё Тавр тоғлари билан иккита бўлингандир... Таврнинг бериги томонида, Гиркан соҳилларидан то Имай (Памир) тоғларидаги ҳинд ва скиф ерларигача бўлган кенгликларда турли юртлар бор.

Гиркан денгизи ортидаги бу юртлардан кейинги, ҳинд ерларидан ва улардан кейинги шимол ерларидан ҳам сўнг жойлашган мамлакатларга скифлар, гирканлар, парпилар, бақтрияликлар, сўғдлар эгалик қиладилар.

*Страбон. География, XI, 8, 1.*

Агар Гиркан денгизидан шарққа қараб юрилса, ўнг тарафимизда то Ҳинд океанигача чўзилган узлуксиз тоғлар ётади. Фарбда қолувчи Памфилия ва Киликиядан бошланиб, то Ҳинд денгизигача турли номларда аталиб чўзилган бу тоғларни эллинлар Тавр тоғлари деб атайдилар. Тоғларнинг шимолий қисмини биринчидан: гел, кадусий, амардлар; кейин юқорида айтганимиздек, гирканларнинг баъзи бирлари эгаллайдилар; ундан сўнг яна шарққа Ох дарёси томон юрилаверса, парпи, марғиён, арий халқлари яшайди. Яна давом этилса чўл чиқади-ки, бу чўлни Гирканиядан Сарний дарёси ажратиб туради. Арманиядан бу ергача балки ундан ҳам берироқдан чўзилиб келган тоғ — Парафра деб аталади. Гиркан денгизидан арийларгача бўлган масофа 6000 стадийга яқин деб айтилади. Ундан кейин Бақтриёна, Сўғдиёна ва ниҳоят кўчманчи скифлар юрти келади. Ана шу тоғ тизмаларини, арийлар юртидан бошлаб, македонлар

Кавказ тоғлари деб атаганлар. Бироқ маҳаллий халқларда уларнинг ҳар бир бўлагининг ўзга-ўзга отлари бор: масалан, Парапамизнинг шимолий чўққилари Эмод, Имай дейилади ва яна бошқа-бошқа номлар учрайди.

Каспийнинг бошқалардан узилган, алоҳида ёпиқ денгиз эканлиги ҳақида фақат Геродотгина билган. Анча кейинги ҳатто I-II аср географларигача уни океаннинг бир қўлиги деб ҳисоблашган. Бутун жанубий денгизлар, Гибралтар улар учун яхлит океанга қўшилувчи, унинг бўлаклари бўлган. Фақат Птоломейгина Геродот нуқтаи назарига қайтиб келган.

*Страбон. География, XI, 7, 4.*

(Каспий денгизи ҳақида) Искандарнинг шухратпарастлигига мосланган тилёғламалик йўлида жуда кўп ёлгонларни ёзиб ташлашган. Танаид дарёси Осиёни Европадан ажратиб туриши, шунингдек, Осиёнинг Гиркан денгизи билан Танаид ўртасидаги катта қисмини македонлар забт этмаганлигига ҳамма қўшилади. Шунинг учун тарихчилар Искандар Осиёнинг шу қисмини ҳеч бўлмаса эллараро миш-мишларда «забт этилганини» таъминлаш учун найранг қилиб, Танаид қуйилувчи Меотида кўли билан Каспий денгизини битта ҳавза деб атаверишган. Каспий денгизини ҳам баъзан кўл атаб, бу иккови яхлит бир нарсанинг икки бўлаги, сувлари бир-бирига қуйилиб туради дейишган. Поликет ҳатто, исбот учун Каспий денгизида илон бор, суви чучук деган мисолларни келтиради. Яна, Танаид (Сирдарё)нинг Каспийга қуйилади, деган мисол келтириб, уни Меотидадан айри эмаслигини исботлайди ва давом этиб, Ох (Тажан), Окс (Аму)лар каби энг шимолдаги дарё ҳисобланувчи Яксарт (Сирдарё) ҳам ҳинд тоғларидан бошланиб худди бошқаларидек Каспий денгизига қуйилади, деб айтади.

*Плиний<sup>1</sup>. Табиий тарих. VI, 13 (36).*

Каспий ёки Гиркан денгизи Скиф океанидан чиқиб келиб Осиёнинг орқа тарафига қуйилади. Атрофига ўрнашган элатларнинг номига монанд унинг турлича отлари бўлса-да, энг атоқдилари Каспий билан Гирқандир. Клитархнинг фикрича, у Понт Эвксиндан кичик эмас. Эратосфен эса унинг ўлчамини-да келтиради... 175000 қадам, холос.

Осиё дарёлари ҳақида қадимги географларнинг билимлари анча бўш бўлган. Аму ва Сирдарёнинг (Окс ва Яксарт) ўрта қисми билан тузуккина танишликларига қарамай. Уни Дон билан битта дарё деб чалкаштирадilar. Бу уч дарёнинг бўйларида ҳам скифлар яшагани ва савдо-сотик ишлари асосан скифлар орқали битгани, айниқса, эса кўчманчи юртларга келиб кетишнинг қийинлиги бунга сабаб бўлган бўлиши керак. Масалан, Птоломей Хитойни Азов денгизига чегарадош деб ёзади.

*Полибий<sup>2</sup>. Умумий тарих, X, 48.*

Апасиақлар Окс ва Яксартнинг орасида яшайдилар. Дарёларнинг биринчиси Гиркан денгизига, иккинчиси Меотида кўлига қуйилади. Иккалови кемалар қатнайди деган даражада салмоқлидир. Кўчманчиларнинг отдан тушмай улардан Гирканияга ўтиб юришлари қизиқ. Бу ҳақда икки хил гапиришади. Биринчиси жуда олдий, иккинчиси эса ғаройиб-у, бироқ имконсиз деб ҳам бўлмайди. Окс ўзанланишини Кавказ тоғларидан (Ҳиндикуш) олиб, сувларнинг қўшилувчи ҳисобига Бақтрияда улкан дарёга айланади-да, кенг текисликдан узоқ оқади. Кейин сахрога егиб борганда катта ва тик қояларга дуч келади. Пастга ташланаркан, оқимининг тезлигидан суви қоялардан бир стадиядан ортиқроқ нарига бориб тушади. Апасиақлар ана шу шаршаранинг тагидаги қуп-қуруқ жойдан Гирканияга ўтаверадилар. Қуйидаги иккинчи ҳикоя эса ростга кўпроқ ўхшайди. Дарё оқиб ўтадиган ерларда кенг майдон ва текисликлар кўп. Тоғу қояларга дуч келган дарё ана шу майдонларга шиддатла тушиб, уларни тешиб киради-да, бироз масофага ер остидан оқиб яна юзага чиқади. Варварлар бу жойларни яхши билганлари учун Гирканияга ана шу — дарёнинг ер остидан оқадиган жойидан бориб келадилар.

<sup>1</sup> Катта Плиний. Милодий I аср рим олими. 37 китобдан иборат залворли "Табиий тарих" асарининг муаллифи. 79-йилда Везувий вулкони отилиб Помпеяни босаётган пайтда томоша қила туриб ҳалок бўлган.

<sup>2</sup> Полибий — милoddан бурунги 204-22 йй. грек тарихчиси бизга деярли тўлиқ етиб келган "Умумий тарих" номли ажойиб асарнинг ёзувчиси.



*Плиний. Табиий тарих, III, 42.*

Яксарт билан Окс сўғд ерларидан, скиф саҳроларидан оқиб ўтиб, Скиф қўлтиғига қуйиладилар. Биринчи дарё ўз-ўзича тўлиндир, иккинчиси эса қўшилган ирмоқлар ҳисобига ундан-да тўлиндир. Иккинчи дарё шарқдан ғарбга томон йўналиб, дайлар олдида тирсак ҳосил қилади ва шимолга бурилади, сўнг амурдлар (мардлар) билан пэзиклар ўртасида денгизга қуйилади.

*Солин. Плиний қайта ишлаган, 49, 5.*

Бақтрияликлар Лаксарт (Яксарт) дейдиган дарёнинг номи скифларда Силис бўлса, Буюк Искандарнинг аскарлари уни Танаид деб атаганлар. Бироқ, Селевк билан Антиохнинг лашкар бошиси Деодам — бу дарёни шахсан кечиб ўтганлиги учун маълумотлари ишончли одам, уни Танаид эмас, деб айтади. Дарё ўзининг бир қисмида форслар билан скифлар ўртасида чегара бўлиб хизмат қилади.

*Страбон. География, XI, 11, 5*

Сўғдиёнадан оқиб ўтадиган дарёни Аристокбул Политемет деб атайди. Аслида, бу ердаги барча ғарсаларга янгитдан от тўқиб чиқарганларидек, бу номни-да македонлар қўйганлар. Дарё юртни суғориб ўтиб, чўл ва саҳрога киради-да, арийлар юртидаги Арий дарёсига ўхшаб қумга сингиб кетади. Айтишларича, Ох (Тажан) дарёсининг бўйларида ерковлар ёғли булоқлар тошган. Модомики, бу ўлкада ишқорли, асфалтли, елимли, олтин гугуртли сувлар бор экан, табиийки, ёғлиги ҳам бўлиши керак. Бироқ бу нарсанинг камдан-камлиги унга ғаройиблик тусини беради. Бировларнинг айтишича, Ох дарёси Бақтриёна ичидан, яна бошқа бировларнинг гапига кўра, унинг ёнидан оқиб ўтади. Яна шундай гаплардан бири: Ох денгизгача жануброқдан, Оксга қўшилмай алоҳида бир ўзи оқади, кейинчалик Оксга қўшилиб, Гиркан денгизига қуйилади дейишади.<sup>1</sup> Окснинг кенлиги аксарият жойларида 6-7 стадий келаркан. Яксарт эса бошланишидан охиригача Оксга алоқаси бўлмаган алоҳида дарё бўлиб, фақат қуйилиш учун иккови бир денгизга боради. Патрокл айтишича, икковининг қуйилишлари орасидаги масофа саксон фарсанг келар экан. Форсларнинг бир фарсанги эса бировларнинг айтишича олтмиш, иккинчиларнинг айтишича, ўттиз-қирқ стадийга тенг экан.

*Страбон. География, XI, 7, 5.*

Евдокс ва бошқа муаллифларнинг Гиркания ғаройиботлар ҳақида ёзганларига қуйидагини мисол этиш мумкин. Денгиз бўйида тоғлар бир неча қатор девор бўлиб узанади. Уларнинг бир нечадан ғори бор. Деворлар билан денгиз ўртасида соҳил бўйи текислиги ётади. Шиддат билан келган дарё девордан ошиб, соҳилга тушмай тўғри денгизга етиб боради. Пастдаги соҳилда, тепадаги сув ёпинчиғи остида бемалол қўшин ўтиб юриши мумкин. Маҳаллий халқлар кўпинча байрам ва қурбонлик қилганларида, бу ерга сайлгоҳ сифатида йиғиладилар. Гоҳ горларда ўтирадилар, гоҳ қирғоқда сув «томининг» остида ўйин-кулги қиладилар, гоҳ чўмиладилар. Ҳар ким кўнглига келган ишни қилади. Нам сероблигидан соҳил ҳамиша кўм-кўк ўт ва чечаклар билан қопланган бўлади.<sup>2</sup>

*Плиний. Табиий тарих, XXXI, 7 (74-75).*

Бақтрияда бири скифларга, бири эса арийларга қараган икки кўл бор. Кўллардан улар туз чўктириб оладилар... Дарёлар туздан қуюқлашиб, сув худди муз қоплагандек туз тагидан оқади. Каспий дарвозаси олдида, шунингдек, мардлар билан Армания худудига етганда дарёлар тузли дарё деб аталадилар. Бақтрияда Ох ва Окс дарёлари тоғлардан бўлак-бўлак туз парчаларини оқизиб келади.

*Давоми бор*

*Русчадан  
Зоҳир АЪЛАМ  
таржимаси*

<sup>1</sup> О х — (Гери Руд ёки Тедженни) грек тарихчилари Каспийга қуйилади ёки Ниса (Ашхобод)гача боради, деб ўйлашган. Аслида у қумга кириб йўқ бўлади.

<sup>2</sup> Бу матн ўша пайт грек географияси тўқис эмаслигини яна бир кўрсатади. Сўнги манзара Конетдадаги сойлардан олингандир, бироқ улар денгизга тушмайдилар.

*Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига*

## **Илҳом билан ёзилган асар**

Илҳомнинг макони... одамда меҳр ва ғазаб  
уйғотадиган ҳодиса ва воқеаларнинг мағзида...

*Абдулла Қаҳҳор*

**Ё**зувчи Йўлдош Шамшаров Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларида ҳамроҳининг “Даҳшат” ҳикояси тўғрисидаги куйидаги фикрларни келтиради: “Ўтмишда аёл зоти бошидаги ҳамма хўрлик, мусибат гўё шу кичик ҳикояга жойлаб куйилган. Ўқийсиз-у агар кўнглингиздаги ғазаб, нафрат ҳисси заррадай бўлса, тўп ўқидай гумбурлаб отилади: ўша Олимбек додхога, барча додхою бой, муллаларга қарши, уларни туғиб вояга етказган эски тузумга қарши ўқ отилади”<sup>1</sup>. Бу — мактабда ўттиз беш йил адабиётдан сабоқ берган кишининг гапи. Бошқа бир китобхон, “сиёсий етук” лигини намойиш этиб бўлса керак, ёзувчига “... ўтмишда шундоқ бўлса, эҳтимол, бўлгандир, лекин ўзбек хотин-қизлари тарихининг шундай маломатли саҳифаларини ҳозир, бугунги кунда тирилтириш шартмиди? Сиз ўтмишни қаламга олганингизда, баъзан уйдирмачиликка берилиб кетасиз...” дея эътироз билдиради. Ушбу мисоллар шўро даврида “Даҳшат” ҳикоясини аксари китобхонлар қандай тушунганини ёрқин намойиш этади? Албатта, ҳикоянинг бу йўсинда тушунилиши кўплаб омилларга, жумладан, мактабда адабиёт ўқитишнинг мақсади билан ҳам боғлиқ эди? Масалан, 70-йилларда чоп этилган адабиёт ўқитувчилари учун қўлланмада “Ўғри” мисолида адибнинг ўтмиш мавзусидаги ҳикояларини ўқитишдан кўзлаган мақсад куйидагича ифодаланган: “Ёзувчининг “Ўғри” ҳикояси ўтмишдаги камбағал деҳқон Қобил бобо каби кишиларнинг эзилганлиги, таланганлиги, хўрланганлигини билишга ёрдам беради, ўқувчида эксплуатацияга асосланган тузумга ғазаб-нафрат, ўшандай даҳшатлардан абадий озод қилган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чексиз муҳаббат уйғотади. Ҳикоянинг аҳамияти ҳам мана шунда”. Айтиш керакки ўқитувчиларга берилаётган бундай тавсиялар ҳаводан олинган эмас, улар адабиётшунослик илмига таянган ҳолда ишлаб чиқилган, яъни адабиётшуносликда ҳам ҳикоя шу руҳда тушунилган. Мисол учун қаҳҳоршунослик М.Султонованинг 60-йилларнинг ўрталарида билдирган фикрини келтирамыз: “Ёзувчи “Даҳшат”да ўтмиш мавзусини ишлар экан, асосан бир мақсадни — ўтмишда инсоннинг эзилиши, инсонлик ҳуқуқларининг поймол этилишини кўрсатишни; ёзувчи синфларга нисбатан чексиз нафрат ва шу билан эркин замонамизни янада қадрлаш ҳиссини уйғотишни кузатади”.

Албатта, бу ўринда на китобхон ва на муаллим, на методист ва на адабиётшунос айбли эмас, зеро, бадий асар конкрет даврнинг маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ва шуларга мувофиқ идрок этилади. Яъни чинакам бадий асарнинг мазмунини серқатлам, конкрет бир даврнинг маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда ўша қатламлардан бири актуаллаштирилаверади. Шунинг учун ҳам чинакам бадий асар давр чегараларини тан олмайди, мангуликка даҳлдорлик даъвосида қолаверади. Зеро, агар ўтмишда яратилган асар китобхоннинг бугунги кундаги эҳтиёжларига жавоб

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. Т., 1987, 279-бет.

бермаса, у мутлақо истеъмолдан чиқиши, бамисоли газета хабаридек унутилиб кетар эди. Бундан келиб чиқадики, баъдий асарнинг талқинлари шу эҳтиёжларга мос равишда ўзгариб янгилиниб туриши табиий ва айни шу нарса унинг умрзоқлигини таъминловчи асосий омилдир. Афсуски, ҳар жабҳада бўлганидек, адабиётшуносликда ҳам “инерция кучи”нинг таъсири амал қилади: эскича талқинлар таъсирдан қутулиш анча қийин кечади. Профессор Х.Каримовнинг 1998 йилда билдирган куйидаги фикри бунинг ёрқин далилидир: “собиқ шўролар даврида ёзилган талай асарларда давлат сиёсати илгари сурган ғояни, яъни ўтмишни қоралаш воситасида социалистик жамият элга эрк ва бахт берувчи тузум эканлигини тасдиқлаш оқибатида миллий шароит билан ҳисоблашмаслик, ҳаёт ҳақиқати ҳамда мантқиқга беписанд қараш ҳоллари рўй берди. Айниқса, бу борада Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги айрим ҳикоялари етакчилик қилади. Бунга биргина “Даҳшат” ҳикояси мисол бўла олади”<sup>1</sup>. Олимнинг фикрича, ҳикоя ёзилган “йилларда кўп нарса ойдинлаша бошлаганига қарамай, ёзувчи ўзининг ўтмишни қоралаш принципига содиқ қолган”. Қарашларининг асосида шу фикр ётгани учун ҳам Х.Каримов ҳикояда ўтмиш қандай тасвирланганига урғу беради, асарда “якка давлат сиёсати таъсирида ўтмишни қоралаш борасида... ҳаёт ҳақиқати ва тарихга, миллий урф-одат ҳамда қадриятларга зид йўл тутилган” ини асосланга интилиб, “Даҳшат” эндиликда “маҳорат мактаби бўлолмайди” деган хулосага келади. Аввало, биз ҳақида хурматли домламиниз С.Содиқ мақола муаллифининг мазкур фикрларини асосли инкор қилгани, иккинчидан, бизни ҳозир бошқа масала қизиқтираётгани учун бунга тўхталиб ўтirmаймиз.

“Даҳшат” ҳақидаги юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирувчи жиҳат шуки, уларнинг бари ҳикоя ўтмиш ҳақида ёзилган деган асосга таянади.

Абдулла Қаҳҳор “Ёшлар семинарида сўзлаган нутқ”ида ўзининг ижодий тажрибаси билан ўртоқлашаркан: “Мен шу кунгача битта-иккита дуруст нарса ёзган бўлсам, биронгасининг ҳам ғоясини олдин белгилаб олганим йўқ”, — деб айтади. Абдулла Қаҳҳорга кўра, “ёзувчи ҳеч вақт “Нима тўғрида ёзсам экан?” деб ўйлаб, кейин бирданга бирон тўғрида ёзишни ихтиёр қилмайди. Аксинча, ҳодисага маълум муносабати, қаноатидан келиб чиққан розилик ёки норозилик уни ёзишга мажбур қилади, уни ўз ихтиёрига қўймайди”. Адибнинг уқдиришича, “ёзишга мажбур қилади”ган ҳолат ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш асосида юзага келади, “ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш, унинг яхши-ёмон эканини билиш учун ёзувчининг савияси жуда-жуда баланд бўлиши керак”.

Албатта, ҳозир Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи қўётган талабга тўла жавоб бериши, ижтимоий ҳодисалар моҳиятини теран англай олиш даражасидаги савияга эга санъаткор бўлгани кўпчиликда шубҳа уйғотмаса керак. Айни чоқда, ўтган асрнинг 80-йиллари адоғидан 90-йиллар ўрталаригача кўпчилигимизда бунга шубҳа уйғонгани ҳам сир эмас.

Зеро, 80-йиллар охири — 90-йилларда Абдулла Қаҳҳор ва у мансуб авлод ҳақида муайян стереотип шаклланган, уларда шўро сиёсатининг куйчилари, ўз вазифасини адабиёт воситасида шўро сиёсатини халққа сингдириш деб билган ижодкорларни кўришга мойиллик кучайган эди. Тўғри, уларнинг ижодида, ҳаётида шундай ўйлашга асос берувчи жиҳатлар йўқ эмас. Бироқ, назаримда, стереотипни мутлақ ҳақиқат деб билганимиз, уларни бир инсон: Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, “ҳодиса ва воқеаларнинг мағзи”ни чақиш, уларга “меҳр ёки ғазаб” билан муносабатда бўлиб, муайян қаноат (буни концепция маъносида тушуниш мумкин кўринади — Д.Қ.) ҳосил қилиш имконини берган ички эркинликка эга бўлган, жиллақурса, ижоднинг илоҳий онларида шу имконга эриша олган санъаткор сифатида кўришимизга ҳалал бераётир. Фикримизча, айни шу ҳол уларнинг асарларини янгича тушуниш, янгича талқин қилиш йўлидаги ҳаракатларни қабул қилолмаслик, уларни ғайриилмий ҳодиса, “замонага мослашга уриниш” деб тушунилишига сабаб бўлмоқда.

Устоз О.Шарафиддинов гувоҳлик беришича, “Даҳшат” ҳикоясини “ёзиш нияти адиб юрагига 50-йилларнинг бошида тушган эди. Деярли ўн йил мобайнида у ҳикояни ўйлади, пишитди, ҳаёлида обдон ишлади”<sup>2</sup>. Бизнингча,

<sup>1</sup> Х.Каримов. Ғоя ҳақиқатга мосми? Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1998, 26 июнь.

<sup>2</sup> О.Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор, Т., 1988, 235-бет.

адиб ижодда амал қилган мезонлардан келиб чиқилса, унинг айни етуклик палласида “Даҳшат”дек кичкина бир ҳикоя устида нега ўн йиллаб ишлаганини англаш мумкиндек кўринади.

О.Шарафиддинов “Даҳшат”нинг ёзишига халқ ўртасида анча кенг тарқалган бир ривоят туртки бўлган”ини айтади. Ривоятда келишича, бир йигит “ўзининг довжураклигини исбот қилиш учун кечаси гўристонга бориб, тобутга пичоқ санчиб келмоқчи бўлади. Бироқ у ўрнидан туриб қайтаётганда арвоҳ унинг этагидан тортқилаб кетишига йўл қўймайди. Йигит кўрқиб кетиб, жон таслим қилади”. Бундай қараганда, ҳикоянинг схемаси тайёр: деталлаштириб, муайян ҳаётий ҳолатлар, диалоглар яратилса, схемага жон берилса бас, дурустгина ҳикоя бўлади. Бироқ, негадир А.Қаҳҳор ривоятни ҳикояга айлантиришга шошилмайди, ёзиб қўя қолмайди. Нега? Чунки ҳали бу ривоят адиб учун бадиий-эстетик қиммат, ижтимоий аҳамиятли мазмун касб этмаган, яъни унинг воситасида ўқувчисига айтмоқчи бўлган, айтмаса бўлмайдиган гапи йўқ, бошқача айтсак, ҳали илҳом келмаган эди. А.Қаҳҳорга кўра, “яхши асар, ўқувчини мафтун этадиган асар фақат илҳом билан ёзилган асар”дир. Илҳом келиши учун эса “ёзувчининг ҳис қилиши шарт”.

Кишидаги мана шундай ҳолатни одатда илҳом дейишади”. Ўз навбатида, кишининг қалбини тошириб юборадиган ҳис, ички дарднинг юзага келиши учун “ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш, унинг яхши-ёмон эканини билиш” талаб қилинади. “Ёзувчи турмуш ҳодисасини таҳлил қилганидан сўнг унга маълум бир муносабатда бўлади. Бу муносабати унинг қаноати бўлади. Унинг бирон ҳодисани ҳис қилиши мана шу қаноати асосида бўлади”. Хўш, қайси ижтимоий ҳодисалар таҳлилий асосида пайдо бўлган қаноат Абдулла Қаҳҳорнинг қалбини тошириб, “Даҳшат”ни ёзишга ундади?

Асос учун ҳикояни ёзиш нияти 50-йилларнинг бошларида туғилган деган маълумотни оларканмиз, аввало, ўша даврни ва ундаги адибни тасаввур қилишимиз лозим. Бу даврнинг хусусиятлари эса, маълумки, Сталин вафоти ва ундан кейин шахсга сиғиниш оқибатларининг қораланиши билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Абдулла Қаҳҳорнинг 1935 йилдан кейин ёзилган публицистик асарларига эътибор берилса, уларда эртанги кунга ишонч, кўтаринки руҳ барқ уриб турганини кўриш мумкин. Бироқ 60-йиллардан бошлаб, ундаги бу ишонч анча сусайгани, аксинча, танқидий муносабат мутаносиб равишда кучая боргани кўрилади. Мазкур ҳолнинг сабабини адибнинг ёндафтаридagi куйидаги қайддан сезиб олиш қийин эмас: “Мамлакатимизда Сталиндан сўнг узундан-узун момақалдироқ бўлди-ю ўтди. Бу момақалдироқнинг биринчи садоси халқлар кўнглида жуда катта орзу-умидлар уйғотди, халқлар бунинг кетидан келадиган обирахматни кутди, бироқ момақалдироқ шамол, тўполон қилди-ю, обирахматдан бир томчи ҳам томмади”.

Ҳа, Абдулла Қаҳҳор ҳам кўп қатори обирахматни кутган, энди жамият тўғри асосларга қурилади деб ишонган, шу боис мақолаларида ишонч, умидворлик барқ урган. Унинг қатор мақолалари шу ишонч руҳи билан йўғрилган: адиб кишилар турмушининг яхшиланиб бораётганидан қувонади, буюк мақсад йўлида ҳалал бераётган ҳолатларни танқид қилади. Бироқ вақт ўтгани сари ғоя билан ҳаёт, мақсад билан амал, сўз билан иш орасидаги зиддият кўзга аниқ ташланиб, жамият ҳаёти моҳиятан ўзгаришсиз қолаётгани равшанлашадики, бу ҳол адибнинг ишончи, умидларига раҳна солмаслиги мумкин эмас эди. Хусусан ва биринчи гада, уни кишилар руҳияти ўзгаришсиз қолаётгани ташвишга солади. Зеро, гуманист санъаткор сифатида Абдулла Қаҳҳор инсонни ўзгартирмасдан туриб, жамиятни ўзгартириб бўлмайди деб билади: унинг “кулът оқибатларини одамларнинг дилидан, ақлидан қувиб чиқариш” адабиётнинг кун тартибидаги асосий вазифаси деб ҳисоблагани ҳам шундан. Албатта, А.Қаҳҳор қўйилган вазифанинг нечоғли оғирлигини жуда яхши тасаввур қилади, чунки у “илон чаққан киши ола арқондан кўрқади” дегандай, ўша замонда азият тортидан ёки азият торганларни кўрган кўп одамлар ҳануз ўзига келолмаётгани”га шоҳид эди. Боз устига, “тухумдан тук қидирадиган шубҳа бандалари”нинг илгаригидек фаолиятда экани “жамиятнинг буткул тозара олиши” борасидаги ишончини йўққа чиқаради. Худди шу нарса, ижтимоий ҳаётдаги шу ҳолат адиб учун ҳис этилган дардга айланади, “дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўшатиш” эҳтиёжини туғдириб, ёзишга мажбур қилади. Ҳаётнинг айни шу

палласида адиб қачонлардир эшитган ривоят унинг учун бадиий-эстетик қиммат, ижтимоий аҳамиятли мазмун қасб этади. Зеро, адиб унинг “мағзи”да ўзини ўртаган дард билан ўхшашликни, шаклида ўша дардни ифодалашга имкон берувчи энг мақбул шаклни кўрди, кўра олди. Агар биз юқорида тавсиф этган шароит юзага келмаганида, эҳтимол, бу ривоят ҳам адибга ҳеч қачон керак бўлмас, ҳикояга айланмас эди. Шу маънода, “Даҳшат” ўтмиш ҳақидаги, аниқроғи, ўтмиш ҳақидагигина ҳикоя эмас.<sup>1</sup>

“Даҳшат”даги Олимхон додхоҳ хонадони — даҳшат салтанати. Сталин давридаги жамиятнинг жажжи макети. Энг қизиғи, бу салтанатни даҳшат воситасида бошқараётган додхоҳнинг ўзи ҳам даҳшат ҳиссидан фориғ эмас, у ҳам кўрқувда яшайди. — (Сталин ҳаёти ҳам шундай эмасми?!) Айни пайтда, унинг учун даҳшатни сақлаб қолиш, уни қувватлантириб туриш муҳим, бусиз салтанат завол топади (Сталин сиёсати ҳам моҳиятан шундай эмасми?!). Унсиннинг исёни даҳшатга эмас, додхоҳнинг ўзига қаратилди: шўрлик ўз вужудидаги кўрқувни енга олмади, шу кўрқув туфайли нобуд бўлди. Яъни Сталиндан сўнг “обираҳмат” ёғмаганининг сабабини адиб кишилар вужудида даҳшат яшаб қолаверганида кўрди ва буни бадиий образларда муҳрлади. Албатта, Унсиннинг исёни бежиз кетмади, йўқ, у Нодирмоҳобегим руҳиятида, тақдирда кескин ўзгариш ясади: аёл “яна қалтакланишдан ҳайиқмай” жон бераётган Унсинга парвона бўлди, руҳсат сўраб ўтирмай “Ганжиравонга бир хизматкорини юборди. Шу жиҳатдан қаралса, ҳикоянинг финали жуда характерли: “Шамол ҳамон гувиллар, яйдоқ дарактларнинг шоҳида чийиллар, гувиллар эди.

Дарвозадан бошида паранжи ва кўлида оқ туғунча Нодирабегим чиқди. У дарвозага юзини ўгириб, чўнқайди, икки кўлини фотиҳага очиб, бир нималар деди. Додхоҳнинг ўзи билан бирга бу даргоҳни ернинг қаърига юборгандай иккала муштини уч марта ерга қадади, кейин “бу даргоҳни энди елкаминг чуқури кўрсин” дегандай бир ҳаракат билан кескин бурилиб аравага чиқди, марҳуманинг бош томонига ўтирди”. Нодирамоҳобегим энди тамом бошқа одам, вужудидаги кўрқувни енга олган, “додхоҳнинг ўзи билан бирга бу даргоҳни ернинг қаърига юбора” олган одам. Шу маънода, ҳикоянинг қаҳрамони иккита: адабий-эстетик нуқтаи назардан ҳикоя қаҳрамони Унсин бўлса, ижтимоий-маънавий нуқтаи назардан, шубҳасиз, қаҳрамон Нодирабегимдир. Энг муҳими, ҳар икки қаҳрамон ҳам адибга ёт эмас. Яъни, “Даҳшат” ёзилгунига қалар Абдулла Қаҳҳор Унсин ҳаётини яшаб ўтган бўлса, “Даҳшат”дан сўнг Нодирабегим йўлини тутдики, шу туфайлигина у 60-йиллар ўзбек зиёлиларининг “виждони”га айлана олди. Демак, “Даҳшат” адиб ҳаётидаги бурилиш палласини, унинг шу даврдаги руҳиятини ўзида акс эттирган асардир. Шу маънода, “Даҳшат” том маънодаги ижод маҳсули — муаллифнинг маънавий-руҳий изланишлари натижаси сифатида, ростмана шахсийланган ижтимоий дард “ёзишга мажбур қилган”, ёзмаса бўлмайдиган ҳолатга келтирганда дунёга келган, чинакам илҳом билан ёзилган асардир. Сўз XX аср ўзбек адабиёти ҳақида борадимиз, миллий насримиз тараққиёти ҳақида, ҳикоя жанри ё маҳорат масалалари ҳақида, бундан қатъи назар, “Даҳшат”нинг албатта тилга олиниши, унинг турфа талқинларга дош ва имкон бериб келаётганининг сири ҳам шунда — илҳом билан ёзилганидир.

Дилмурод ҚУРОНОВ,  
филология фанлари доктори

<sup>1</sup> Худди шундай фикрни ўз вақтида С.Содиқ билдириб ўтган эди, биз буни бошқача йўсинда асослашга ҳаракат қилдик.

## Тасвирдаги ўзига хослик

Икки роман муқоясаси

**И**лк ижодида Абдулла Қодирийдан таъсирланган Ўткир Ҳошимов ўзбек реалистик адабиётида роман жанрида янги тажрибаларни муваффақиятли қўллаган адиблардан биридир. Асқал Мухтор, Одил Ёқубовларнинг романларида ҳам шундай изланишлар бор. Бироқ Ў.Ҳошимовнинг бу соҳадаги изланишлари, айниқса, муваффақиятли чиққан ва у ҳар жиҳатдан ўрганишга лойиқдир.

Адибнинг “Баҳор қайтмайди” (1971), “Қалбига кулоқ сол” (1974), “Нур борки, соя бор” (1977), “Дунёнинг ишлари” (1981) каби талай асарлари анъанавий усубда ёзилган. Воқеалар оқими бир ўзанда боради ва тасвирда анъанавийлик кўриниб туради. Уларда бошқа ёзувчилардаги каби воқеаларни муаллифнинг ўзи ҳикоя қилади, китобхон унинг позициясини қийналмай англайди ва қабул қилади. Аммо 80-йилларга келиб, Ў.Ҳошимов роман шакли ва услубини жиддий янгилаш заруратини ҳис этади. “Икки эшик ораси” романининг композицияси бошқа ёзувчиларнинг асарларидан ескин фарқ қилади. Роман тўққиз нафар персонаж ҳикоясидан тарқиб топган. Ундаги полифонизм (кўпоҳанглилик) янги замон адабиётининг муҳим тамойилларини ўзида жамлаган дейишимиз мумкин.

Ўзбек адабиёти ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Дейлик, француз, инглиз, америка ва рус адабиётлари классицизм, символизм, романтизм каби қатор “классик” босқичларни ўтаган бўлса, ўзбек адабиёти асосан бундай босқичлардан “сакраб ўтиб”, бир йўла реализмга яқинлашганини кўраемиз. Шу тариқа биринчи ўзбек реалистик романи “Ўтган кунлар” 1922 йилда пайдо бўлди (журнал варианты). Қодирий биринчи романидаёқ замон ва макон тушунчасини ҳамда ўтмишни англаш бутунги кунни чуқур тушуниш имконини беришини теран ҳис этиб, XX аср бошларидаёқ ўз замонасидан анча илгарилаб кетган эди.

Орадан бир мунча фурсат ўтиб, бошқа бир ўзбек адиби Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи босилди. Адиб, драматург, шоир Чўлпон ижоди ҳам худди Қодирий каби XX аср бошида И.Гаспиринский, М.Бехбудий, А.Фитрат, А.Авлонийлар ижодига муштарак ҳолда ўзаро таъсир натижасида шаклланди.

Ўзбек танқидчилиги Чўлпон шеърият бобида чинакам инқилоб ясагани ҳақида ёзгани бежиз эмас эди. Бу жараён кейин ҳам давом этди. Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, “20-30-йиллар адабиётида модернча изланишлар кўзга ташланади. Буни Миртемир, Ойбек, Чўлпон ижодида кўриш мумкин. (“Иждони англаш бахти”. Шарҳ, НМАК. – 2004).

Шундай қилиб, XX аср бошида жаҳон адабиётида рўй бераётган тасвир ва услубдаги ўзгаришлар ўзбек адабиётига ҳам таъсир қилмай қолмади. Афсуски, маълум сабабларга кўра бу жараён 30-йилларнинг ўртасига келиб тўхтади. Бироқ XX асрнинг 60-йилларидан собиқ Шўро мамлакатининг маданий тараққиётида рўй берган жиддий ўзгаришлар аниқ кўрина бошлади.

“Олтинчи йиллар адабиёти” деб аталмиш адабиётининг истеъдодли вакиллари Ч.Айтматов, Н.Думбадзе, З.Скуинь, В.Распутин, Матевосянлар қатори ўзбек адабиётида ҳам А.Орипов, Э.Воҳидов, Т.Пўлатов, У.Назаров, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов каби талай истеъдодли ижодкорлар адабиётга янгича

“ҳаво”, янги тасвир услуби олиб киришга ҳаракат қилдилар. Айнан шу адиб ва шоирлар ижоди орқали ўзбек адабиётидаги мумтоз реализм услуби янги структура ва мазмун билан бойиди. Бу авлод инсон оламини очишда ўзига хос йўл излади ва реализм муаммоларига янги ҳақиқат ёндошди.

Бу борада ҳам Ўткир Ҳошимов ижоди ёрқин мисол бўла олади. “Икки эшик ораси” романида муаллиф одатдаги баён услубидан воз кечиб, ҳар бир қаҳрамонга ўз тарихини ўзи сўзлаш имконини беради. Бироқ асар қаҳрамонлари фақат ўз қисмати ҳақида эмас, тарих ҳақида, бутун бошли мамлакат тақдири ҳақида ҳам ҳикоя қиладилар. Буларнинг барчаси сунъий кўтаринки оҳангларда эмас, ўта табиий тарзда тасвирланади.

“Икки эшик ораси” романини кўздан кечирар эканмиз, бу роман услуби, композицияси ва стилистикаси билан америка адиби У.Фолкнернинг 1930 йилда чоп этилган “Ўлар чоғимда” романи орасида ҳамоҳанглик борлигини кўрамиз. Лекин икки адибнинг замон ва макони, икки асарнинг тасвир объекти бир-бирдан ниҳоятда узоқ. Асар қаҳрамонларининг миллий қадрият ва удумлари ҳам бир-бирдан кескин фарқ қилади. Шундай экан, бу романлар орасида қандай муштараклик бор, агар муштараклик бўлса, у қандай юз берган деган табиий савол пайдо бўлади. Романлар орасидаги муштараклик ҳақида гап бораркан, бу икки адибнинг бир-бирига бевосита таъсири ҳақидаги масаладан кўра ушбу асарлар композицияси ва услубидаги яқинлик қай тарзда пайдо бўлганини тадқиқ этиш биз учун муҳимроқдир. Бундан ташқари, иккала роман ўз миллий адабиётида қандай из қолдиргани, миллий адабиёти тараққиётига қандай ҳисса қўшганлиги биз учун муҳимдир.

Маълумки, У.Фолкнер адабиётга биринчи жаҳон уруши тугаганидан кейин кириб келган “адашган авлод вакиллари”дан ҳисобланади. Э.Хемингуэй, Д.Дос Пассос, С.Фишжеральдлар ҳам шу авлод вакиллари эдилар. Фолкнер ижодида америка адабиётида реалистик аънаналарни юксакликка олиб чиққан Шервуд Андерсоннинг таъсири сезилиб туради. Шу билан бирга Фолкнер ижодида Андерсон “аънаналари”дан узоқлашиш тамойили ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, адибнинг “Аскар мукофоти”, “Шовқин ва ғазаб”, “Ўлар чоғимда” каби асарларида ёзувчи ўзи ҳақида ҳикоя қилишни қаҳрамонларнинг ўз ихтиёрига қўйиб беради.

“Икки эшик ораси” ва “Ўлар чоғимда” асарларидаги муштараклик ҳақида гап бораркан, ҳар иккала роман композицион қурилмаси жиҳатдан ўзига хос асар эканига шохид бўламиз. Бундай ҳолат ҳар икки адиб ижодида ўз “устози” услубидан узоқлашиш жараёни рўй бераётганини кўрсатади. Ўз вақтида Фолкнер Андерсон реализмидан қандай “узоқлашган” бўлса, Ў.Ҳошимов ҳам Қодирий реализмидан шундай “узоқлашган”. Ҳар иккала адиб модернизм формалари таъсирида янги табиий тасвир услубини излаган ва буни топишга ҳаракат қилган.

Муштараклик ҳақида гап борар экан, Фолкнер ҳам, Ҳошимов ҳам ўзига хос адиблар эканини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, Фолкнер тасвиридаги “онг оқими”дан кўра, Ҳошимов романидаги “онг оқими” ёрқинроқ кўринади ва биринчи ўринга чиқади.

Бевосита асарларнинг ўзига мурожаат қилайлик. Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи етти қисмдан иборат. Ҳар қисмда еттитадан боб бор. Роман 30- йиллардаги очарчиликдан тортиб, 1966 йил Тошкент зилзиласигача бўлган катта даврни қамраб олади. Асар қаҳрамонлари Дўмбробод, Нўғайқўрғон ва бошқа қишлоқларда яшовчи оддий ўзбеклар бўлиб, улар уруш арасида, уруш ва ондан кейинги оғир йилларни бошдан кечирган кишилардир. Асар қаҳрамони Музаффар Қўқонга, онасининг дафн маросимига кетиш жараёнида ўзининг бутун умрини эсга олади. Роман бошида муаллиф шундай деб ёзади: “Бу китобдаги кўп одамларни ўзим кўрганман. Кўшлари билан гаплашганман. Баъзиларининг ўзи билан, баъзиларининг... руҳи билан... Баъзилари нимани гапирган бўлса, шуни қозғога туширдим. Баъзилари нима гапирганини эмас, нима ўйлаганини ёзишга мажбур бўлдим. (Начора, ҳамма рост гапиравермайди. Аммо ёлғон гапираётган одам ҳам ичида, барибир ростини ўйлайди)”.

Фолкнернинг “Ўлар чоғимда” романи эса новеллалардан ташкил топган бўлиб, асарда Американинг овлоқ Йокнапатофа деган бурчагида истиқомат қилувчи оддий америкаликлар қисмати қаламга олинади. Романдаги макон, персонажлар исми адиб ҳаёлотининг маҳсули. Бироқ унда тасвирланган одамлар ўйлаб топилган эмас. Ёзувчи ўзи яхши билган, яхши таниган одамлар ҳақида ҳикоя қилади. Асар сюжетининг асоси Адди Бендрен исмли аёлнинг дафн маросими тасвиридан иборат. Унинг жасадини 40 миль масофага – Джефферсонга майитнинг қариндошларига элтиб, ўша ерда дафн этиш керак. Аммо адибни дафннинг ўзи ҳам, аёл вафотининг сабаблари ҳам қизиқтирмайди. Адибнинг нияти асар қаҳрамонларининг маънавияти нақадар қашшоқлашиб, ҳамма нарсага бепарво, беписанд қарашга кўникаб кетганини тасвирлаш. Америка жанубига хос турмуш тарзи уларни шу қадар бемехр, ўзгалар дардига беписанд бўлишга кўникириб қўйган. Гарчанд Аддининг эри, болалари бўлса ҳам аёл шўрлик амалда сўққабош, ғариб бир кимсага айланиб бўлган. Яқинларидан бирон жонзот ажал билан олишиб ётган аёлга қилча ҳамдардлик билдирмайди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора. Бу аёл қисмати асарда биринчи бор Қора исмли кўшни хотин тили орқали ҳикоя қилинади. “Кўрпа тагида одам эмас, бир парча пайраҳа ётгандек. Тепасида турган қизалоқ елпигич билан елпинганда бемор шўрликнинг сочи ҳам қилт этмади...”

Фолкнер инсон ўлими мавзусини диққат марказига чиқаради. Маълумки, бу жуда мураккаб ҳолат. Бундай паллада инсон ажал билан юзма-юз келади, қачондир аҳамиятли бўлиб кўринган тушунчалар қимматини йўқотиб, инсон тафаккури бошқа томонга бурилади, қадр-қиймат, меҳр-оқибат деган қадриятлар ярқ этиб кўринади. Аммо Аддининг ўлими атрофдаги яқинларининг биронтасига таъсир қилмайди, уларнинг дунёқарашида қилча ҳам ўзгариш рўй бермайди. Масалан, беморнинг эри Анс хотинининг ажали етганини, майитни олис масофага олиб боришга тўғри келишини кўра-била туриб, хўжалигидаги битта-ю битта аравани бошқа юмушлар учун бир неча кунга жўнатиб юборади. Асар қаҳрамонлари арава қайтишини уч кун кутадилар. Ёки аёлнинг ўғли Кеш ҳали ўлмаган онасининг кўз ўнгида тобут ясашга киришади. Онаси эса бу манзарани деразадан кузатиб ётади. Аддининг битта-ю битта қизи Дюн Дэлл эса онасининг тезроқ ўлишини кутади. Сабаби, дафн баҳонасида шаҳарга бориб, ўйнайдан илаштирган ҳомиласини бир ёқли қилиш. Анс хотинининг жасадини Джефферсонга олиб кетиши ҳам бежиз эмас. Мақсад майитни қариндошларининг ўзи юмалоқ-ёстиқ қилиб кўмса-ю, эр ортиқча харажатдан қутулиб, ўзига ясама тиш солдирса. Улик ортилган арава ўтиш мушкул бўлган йўллар-у, тошқиндан қутуриб оқаётган дарёдан бир амаллаб ўтиб, тўққиз кун деганда манзилга етиб боради. Адди дафн қилинади, охир-оқибат Анс ясама тиш қўйдиради, тошқинда Кешнинг оёғи синади; Дэлл яна бир марта алданади. Аддига содиқ қолган ягона инсон унинг ўғли Джул, Джефферсонга етгунча ярим телба бўлиб қолади.

Кўриниб турибдики, У.Ҳошимов асари билан Фолкнер асари сюжети бир-бирига яқин ҳам келмайди. Яна бир бор эслатамиз: мақсадимиз ҳар иккала адиб ижодидаги изланишлар, ўзига хос композиция, баён тарзи, стилистикага ўқувчи диққатини жалб қилишдир.

Ҳар икки муаллиф ижодига хос хусусият шуки, асар воқеалари спиралсимон тарзда ривожланиб боради. Қаҳрамонлар ҳикояси ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди, аммо уларнинг ҳар бири муайян воқеа ҳақида ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳикоя қилади. Масалан, “Икки эшик ораси”да Музаффар инида ем ташмалаётган чумчуқларни кузата туриб, “бири дадаси, бири аммаси бўлса керак” деб ўйлашининг ўзида нақадар теран маъно бор: унинг онаси йўқ. Раъно уни ташлаб кетган, бола фақат отаси ва аммасини билади, ёки Қора амманнинг Кимсан ҳақидаги гаплари. Робиянинг Кимсанни эслаш ҳолатларини кўз ўнгингизга келтиринг. Уларнинг ҳикояси бир-бирини тўлдириб боради ва айни пайтда ҳар бири у ёки бу воқеага ўз нуқтаи назаридан баҳо беради. Бир қарашда бу бир-бирига алоқасиз парча-пурча лахтақлардек кўриниши мумкин. Аммо романининг бош мавзуси ўша тарқоқ воқеаларни мантиқан шу қадар боғлаб ташлайдики, у китобхоннинг диққатини асло чалғитмайди. Турли ёшдаги, турли феъл-атворли, турли қисматли одамларнинг



ҳикоялари ягона мантиқ ипига боғланиб, бир-бирини чуқурлаштиради. Қизиғи шундаки, Музаффар ва Қора амма, Шомурод ва Раъно, Робия ва Зақунчи — ҳаммаси воқеликка ташқаридан туриб назар солади ва баҳолайди. Фолкнер романида ҳам қаҳрамонлар воқеага шу тарзда четдан туриб қарайдилар ва ўз дунёқарашидан келиб чиқиб баҳо берадилар. Ў.Ҳошимов ва Фолкнер романлари учун муҳим яна бир хусусият бор. Асарнинг бош қаҳрамони ким ўзи, деган саволга жавоб топиш қийин. Фолкнер романида бош қаҳрамон Адди бўлиши мумкин. Чунки воқеалар Адди атрофида айланиб туради. Бироқ Кеш, Джули, Вардман ва бошқалар ҳам иккинчи даражали персонажлар эмас. Ў.Ҳошимов романида эса бош қаҳрамон Музаффар бўлиши мумкин. Бироқ бошқа персонажлар ҳам бемалол бош қаҳрамон бўлишга ҳақли. Чунки уларнинг ҳар бири ўз ҳикояси билан китобхон кўз ўнгида тирик одамга айланади ҳамда замон ва маконда рўй бераётган воқеаларнинг ҳам иштирокчиси, ҳам баҳо берувчиси сифатида кўринади.

Қора амманинг номаълум аскар ҳайкалини қучоқлаб фарёд солгандаги ҳолатини эсланг. Айни пайтда Кимсан (тўғрироғи ҳайкал) ҳам воқеалар иштирокчисига айланади ҳамда Робияни “кўриб” ҳайрон қолади. “Қизиқ, Робия қариб кетибдими? Ахир мен қаританим йўқ-ку? Ун тўққиздаман. Бундан чиқди Робия энди ўн саккизга кирапти. Нимага унақа! Нимага сочига оқ тушади! Анови ким? Шомурод тоғамга ўхшайди-ку! Худди ўзи! Фақат мўйлов кўйиб юрибди. Нега оқсоқланади? Э, бўлди! Демак, ярадор бўлган. Тоғам урушга кетганини Робия ёзган эди. Кўксидан нишонлар. Бундан чиқди яхши жанг қилган... Фақат анави йигитни танимадим. Ясаниб олган новча йигит ким? “Амма” деб оймага ёпишдимми? Бундан чиқди Шомурод тоғамнинг ўғли. Менинг жияним!.. Унақа бўлса нега Робияни ойи деб гапирди. Робия нега тоғам билан келди? Балки... Начора! Бўлса бордир! Мен энди марҳумман-ку<sup>1</sup>.

Бу монолог, аниқроғи дил фарёди тасвирда замон ва маконнинг ифодалаш мушкул бўлган армонли манзараси топилгандек. “Ўлар чоғимда” романида ҳам шундай армонли манзара бор. Ўлим тўшагида ётган Аддига ягона салокатли инсон Жул шундай ҳикоя қилади: “У (гап беморнинг ўғли Кеш ҳақида кетяпти) шундоқ дераза рўнарасида туриб, анави сабил қолғур тобутни яшаш билан овора. Онасининг кўз ўнгида туриб миҳ қоқали, тахта рандалайди. Бемор шўрлик ҳар нафас олганда ранданинг ғиртиллани, болғанинг тақиллани жонини суғуриб олаётгандир! Ўғил эса “кўряпсанми, она сенга қанақа ажабтовур тобут ясаётман!” — деб писанда қилаётгандек. Ҳой, ноинсоф, онангни тириклайин тикмоқ-чимисан тобутингга!”... (“Ўлар чоғимда”).<sup>2</sup>

Ҳикоя қилувчилар ўзгаргани сайин ҳикоя оҳанги ҳам ўзгариб боради. Кўп ҳолларда ҳикоя қилувчилар бир-бирига тамоман тескари гаплар айтадилар, баҳшлашадилар. Бундай пайтда асар йўналиши диалогга айланиб кетгандек бўлади. Аммо Фолкнер ҳам, Ҳошимов ҳам бу билан асарнинг яхлитлигига зарра путур етказмайдилар, аксинча, бундай “бир-бирини инкор этувчи” ҳикоялар асарнинг мантиқий яхлитлигини кучайтиради. Муаллифлар асардаги асосий ва баъзи иккинчи даражали воқеаларни ҳам “жамоа бўлиб ҳикоя қилувчилар” ихтиёрига ташлаб кўядилар. Табиий савол туғилади. Китобхон бир марта ўқиган ҳодисага бир қанча қаҳрамон тилидан бир неча марта қайтиш шартми? Ҳар икки адиб асарини ўқиган китобхон бир қарашда аҳамиятсиздек туюлган оддий детал, оддий имо-ишора ёки бир оғиз сўз тагида талай яширин маънолар ётганини кейинчалик тушунади. Хусусан, Ў.Ҳошимов романидаги бирон сатр, бирон хатбонни, бирон жумлани “ташлаб кетиш” мумкин эмас. Негаки уларнинг ҳар бири воқеалар ривожига хизмат қилади. Ўзбек адаби асаридеги бола Музаффар, қизалоқ Робия, Фолкнер асарида эса Вардман тилидан қилинган ҳикоялар оламни бола кўзи билан тасвирлаш қанчалик жиддий аҳамият касб этиши мумкинлигини исботлайди. Музаффар ҳикоясидаги отасидан “анқиб турадиган тамаки ҳиди”, “қоп-қора, думалоқ” коптокка ўхшайдиган Қора амма, “иягида ҳоли бор хотин” каби деталлар роман давомида ўзига хос жиддий маънолар ташийд.

<sup>1</sup> Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”. 448-бет.

<sup>2</sup> У. Фолкнер. “Ўлар чоғимда”. 8-бет.

Фолкнерда ақли ноқисроқ Вардаман кўзи билан катталар оламининг тасвирланиши тагида ҳам теран маъно ётади. Масалан, у майитни олиб кетаётган арава устида чарх уриб учаётган ўлаксахўр тасқара қушларга эътибор беради. Нима учундир улар кун сайин кўпайиб бораётганини пайқайди. Катталар эса бунга парво ҳам қилмайдилар.

Оламни бола кўзи билан кўриш “Икки эшик ораси”да, айниқса, ёрқинроқ очилган. “Қора амма” сочидаги сўлкавойлар асардаги вазиятга қараб нозик, гоҳ хавотирли жиринглайди. Бола тили билан айтилган бу ҳолат китобхон учун муҳим тағмаёно ташийди. Ҳар икки адиб асарида ҳам ҳидлар, овозлар қаҳрамонлар ҳолатини чуқур очишга хизмат қилади. Бола Музаффар учун қора аммадан келиб турадиган қаттиқ иси, отасидан анқийдиган тамаки ҳиди, нотаниш хотиндан анқиб турадиган гунафша бўйи муҳим аҳамиятга эга. Улар асар қаҳрамони катта бўлганидан кейин ҳам унутилмайди ва муаллиф биргина гунафша ҳиди билан “нотаниш хотин” айнан Раъно эканига ишора қилади. Романдаги олма гули ҳиди поклик ва садоқат рамзи каби таассурот қолдиради. Биринчи май байрами куни Кимсан билан театрга тушган Робия айнан шу ҳидни эслаб қолган. Музаффар билан Мунаввар учун ҳам олма гуллаган фасл алоҳида маъно ташийди: Қизиги шундаки, воқеалар ривожига қараб ҳидлар ҳам ўзгаради. Робия Комил табиб совчиларини рад этган куни “ҳаводан қор ҳиди келади”. Қор эса олма гулларини маҳв этувчи куч. Музаффар Раънони болалигида ҳар гал онасидан гунафша ҳиди келиб турганини эслаб келган бўлса, охириги кўриши – Кўқонга борганида эса онасидан валерианка ҳиди келаётганини пайқайди. Қор ҳиди олма гулини қанчалик рад этса, валерианка ҳиди ҳам гунафша исини шунчалик инкор қилади. Демак, Раъно қисматида қандайдир фожиалар яқинлашапти. Романда фақат ҳидлар эмас, товушлар ҳам катта маъно ташийди.

Фолкнер романда ҳам шундай манзаралар бор. Вардаман ҳам товуш ва ҳидга эътибор беради. “Ўрмон товушини эшитиб турибман. Аммо бу тирик эмас, ўлик товуш. Сукунат”. Адиб тасвирлаган арава ортидаги карвондан келаётган ҳид марҳума Адди қисматини эслагиб турганга ўхшайди.

Табиийки, бола психологияси билан катта одам психологияси ўртасида катта фарқ бор. Бола Музаффар билан Робия ўртасида рўй берган боб тасвирида ниҳоятда кескин ва узоқ вақт эсла қоладиган вазият бор. Робия кўп йиллар кундан севиқлиси Кимсан урушдан қайтмагач, Қора амма илтижоси билан Шомуролга тегишга мажбур бўлади. Шу туфайли ўзини кечиролмайди. Тўйдан кейин Музаффарни хурсанд қилиш учун сандиқдан болага аталган кийим-кечакларни олаётиб, бир вақтлар ўз қўли билан Кимсанга атаб тиккан қийиқчаларни топиб олади. Бу драматик ҳолат ёш бола тасаввури орқали тасвирлангани учун ҳам китобхонни ларзага солади.

“Ночорман! – деди ўкраб. Шўрим курсин! – Қалдини ростлаб, қийиқчани бағрига босганча, яна мук тушди.

Кечиринг мени! – деди қийиқчани юзига босиб. У қийиқчани лабига босганча бўғиқ овозда аянчли қичқирди:

– Бошимни қаёққа олиб кетай? – икки қўлини қийиқча аралаш баланд кўтариб сочини чангаллади. Қўрқиб кетдим. Дадамнинг: “Яхши бола бўлмасанг, Роби опанг кетиб қолади”, дегани эсимга тушди.

– Йиғламанг, дедим кучоқлаб. – Роби опа йиғламанг, ойи... майли дадам билан ётмайман; сизминам ётаман...

– Робиянинг изгироблари, фарёд солиши, бутун вужуди билан тўлганиши қалбида бўлаётган тўфонни англатади. Қизиги шундаки, бола Музаффар ҳеч нарсага тушунмайди ва Роби опасини хафа қилиб қўйгани учун ўзини айбдор санайди. Тушунтириш қийин бўлган ҳолат! Робиянинг Кимсанга қилган илтижолари китобхонни ларзага солади. Китобхон ўзи билмаган ҳолда Кимсанга ҳам, Робияга ҳам, қичкинтой Музаффар фожиасига ҳам шерик бўлади.

– Катталар ҳаётини бола кўзи билан англаш асарнинг таъсир кучини оширишини романдаги “Ғалати хотин” боби мисолида кўриш мумкин. Музаффар тили билан баён қилинган бу боб романнинг энг кучли саҳифаларидан бири. Раъно эмизикли чақалоғини қолдириб, Закунчи билан Кўқонга қочиб кетган. Унга боланг ўлган дейишган. Раъно мутлақо тасодифан ўғли тириклигини

эшитиб, Тошкентга келади ва ўглининг мактабига боради. Абдували билан ёнғоқ қоқётган Музаффар “тунафша ҳиди анқиб турган бегона аёл”ни қоровулни келини деб ўйлаб қўриқиб кетади. Унинг фикри-зикри тезроқ қочиб қутулишда.

— Сен Музаффарсан-а?— деди товуши титраб. — Ўртоқларинг айтишди. Дарсга кирмабсан?

— Ҳа! — дедим Абдувалидан кўз узмай. — Нимаиди?

— Ўғлим! — хотин инграб юборди, қўлидаги сумкаси тушиб кетди.

— Музаффар! Кетма-а... Тирик экансан-ку!

Ўртадаги диалогда икки одам — Раъно ва Музаффарнинг бир ҳодисага икки хил муносабатини кўрсатади. Раъно болага мен сенинг онангман деган гапни уқтирмакчи. Музаффар эса ўзининг ёнғоғи билан овора. Шу ўринда ғалати ҳолат рўй беради. Музаффар бир нима қорнига қаттиқ ботаётганини ҳис этади. Бу — дўшми тўла ёнғоқ. Бир қарашда адиб асосий воқеликдан четлашгандек, драматизм сусайгандек. Аммо аслида бу ҳолат вазиятни янада чуқурлаштиради. Раъно ҳам боласини қанчалик қаттиқроқ бағрига босса, унга шунчалик озор бераётганини сезиб қолади. Бу эса Раънонинг вазияти нақадар иложсиз эканини, унинг нақадар ночор ва бахтсиз эканини чуқурлаштиради. Раъно Музаффар учун йўқ. У туққан онаси — бегона хотинни танимайди, буни хоҳламайди ҳам!

Фолкнер ижодида ҳам шундай асар қаҳрамонлари руҳида муаллиф сезилиб туради. Кўп ҳолларда ҳикоя қилувчи билан муаллиф уйғунлашиб бирлашади.

Ў.Ҳошимов тасвирининг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, асарда бир-икки жумла билан қилинган имо-ишоралар, китобхон учун топишмоққа айланади. Роман бошланишида шундай жумла бор: “Тор кўча. Қор босган каталакдек ҳовли. Чақмоқ телпақли киши. Совуқ вокзал. Лагандаги ош. Қон йиғлаб қолган онам...”, “Авваллари ҳам шунга ўхшаш аҳволга тушганман. Ҳов, ўшанда Кимсан акамни қузатганимиздан кейин... Очил акадан совчилар келганда... Йиғлаб-йиғлаб Кимсан акамга хат ёзганимда... Бобом ўлганида...”

Бундай саволлар китобхон ҳаёлини мутғасил жалб қилиб туради ва у асарни янада қизиқиб ўқишда давом этади. Бир ҳодисага ҳар ким ўз нуқтаи назаридан қараши ҳам полифоник қудратни кучайтиради. Масалан, Робия ўз тўйидан норози. Унинг ўз изтироблари бор. Бола Музаффар учун эса отанинг уйланаётгани ҳам, кимга уйланаётгани ҳам барибир. Унинг нияти келин бошидан сочилган ширинликлардан кўпроқ олиб қолиш. Бу ўринда китобхон ҳам рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни янада теранроқ ўйлашга мажбур бўлади.

Романдаги ҳар бир детал алоҳида маъно ташийдди. Умар закунчи портретидаги “Чақмоқ телпақ” ва “Ингичка мўйлов” детали асар давомида бир неча марта учраса ҳам бир маънони такрорламайди. Закунчининг мўйлови гоҳ чиройли бўлса, гоҳ истеҳзоли қийшаяди. “Бозордаги ўғри” бобида эса мўйлов қўрқувдан титраб кетгандек бўлади. Чақмоқ телпақ эса олифта ва мунофиқ Закунчи оламининг бир бўлаги. Кўп ҳолларда муаллиф асар қаҳрамонларининг исмини айтиб ҳам ўтирмай, уларнинг бирон белгисини айтиш ёки ишора билан кифояланади. Бўрижар, Алвасти кўприк деталлари ҳам ҳар хил ҳолатда турли маъно касб этади. Эсингиздами, ҳар сафар “Алвасти кўприк”ка яқин келиши билан оёғи қалтирайдиган Робия Шомурод тоғасининг уйига тасодифан кириб, Раънонинг хиёнатини кўргач, “Раъно янгамникида кўрганларим олдида “Алвасти кўприк” нима бўпти деган хулосага келади. Бу кўприк инсонларнинг сарагини саракка — пучагини пучакка ажратадиган воситадек таассурот қолдиради.

Фолкнер романида ҳам дарё тасвири бор. Бу романга ҳам дарё деталли бежиз киритилган эмас. Дарё тошиб, кўприкни олиб кетади. Хачирлар сувга чўкиб, майит ортилган арава сувга ағдарилади. Бу билан Фолкнер бу дунёда маънавият қолмади, сувга оқиб кетди, дегандек бўлади.

Ҳар икки адиб ижодида ҳам замон ва макон ҳисси аниқ кўриниб турса-да, рўй бераётган ҳодисалар орасидаги замон масофаси узоқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, “Икки эшик ораси”да қарийб қирқ йиллик воқеалар қамраб олинган. Бир бобидаги воқеа ўтган асрнинг 50-йилларида рўй берса, кейинги боб 30-

йилларга қайтиб қолади. Ёки тагин бир ҳолат. Адибларнинг асарларини синчиклаб ўқиган одам, у ёзувчида ҳам, бу ёзувчида ҳам бир-бирига яқин персонажлар учрашини пайқаш мумкин. Бу адабиётда бор тажриба, Янги асарда уларнинг умумий характери сақланиб қолса-да, янги қирралари очилади. Фолкнернинг “Шовқин ва ғазаб”, “Авессалом”, “Енгилмаганлар” романларида адибнинг ўз бобосини эслатувчи образ учрайди. Ў.Ҳошимов ҳикоя, қисса ва романларида эса Она образини кўп учратиш мумкин. “Баҳор қайтмайди”, “Урушнинг сўнгги қурбони”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” асарларидаги оналар қайси бир жиҳатдан бу мавзудаги энг ёрқин асарлардан бири – “Дунёнинг ишлари”даги Она образини эслатади. Ёки “Дунёнинг ишлари”даги Далавой налугчи билан “Тушда кечган умрлар” даги Комиссар образлари бир-бирини тўлдиради.

Ўткир Ҳошимов реализмнинг бош йўналишини инкор этмаган ҳолда унинг “рамка”сидан чиқиб кетган ва бу билан О.Мухтор, У.Ҳамдам, А.Дилмурод каби адибларга ҳам маълум маънода “йўл очган”. У.Фолкнер ва Ў.Ҳошимов жаҳон адабиёти минтақасида ўз адабиётлари имкониятларини синаб кўрганлар. Бу эса ҳар бир миллий адабиётда жаҳон адабиёти билан таққослаш мумкин бўлган асарлар кўплигидан дарак беради.

*Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА,  
филология фанлари номзоди,  
доцент*



Адам ЖЕКсон

## Муҳаббатнинг ўнта сири

*Ҳаётингизни ўзгартириб юборадиган донишмандлик  
ва муҳаббат ҳақида замонавий зарбулмасал*

**М**уҳаббат ва ҳаётдаги ҳақиқий севги муносабатлари қувончи кўпинча бизга етишиб бўлмас эртақдай туюлади. Лекин ҳар биримиз севиш, севилиш ва ўз ҳаётимизда шундай муносабатлар яратишга лаёқатлимиз. Табиатда ҳамма нарса ва ҳаётда барчаси ўз ўрнини топа билган умумий қонунятлар мавжуддир ва бу қонунлар замирида ҳақиқий муҳаббат сирлари бор булар — қадимий донишмандлар ҳатто-ки бугунги ҳурматли шифокорлар ҳамда бутун жаҳондаги руҳшунослар айтган абадий тамойиллардир.

Бу муъжаз китобчадаги ҳаётингизда муҳаббат яратишга ёрдамлашувчи ўнта амалий услуб ўнта қалин китобнинг хизматига тенгдир, лекин шундай эса-да, ҳаётингизда энг асосий инсонни излаб топиш, атрофингиздаги одамлар билан меҳрга тўла муносабатларни йўлга қўйишда улардан фойдаланишингиз ҳамда муваффақиятга эришишингизда бу таърифлар етарлидир.

Ёлғиз, ҳафсаласи пир бўлган йигит сирли кекса хитой бошчилигида шахсий қалб оламига ҳайратланарли саёҳат бошлаши ҳақидаги бу қизиқарли ҳикоя оилада, ишхонангизда, тасодифий кишилар ва яқинларингиз билан мулоқотда кўнгина муаммоларни ҳал этишда сизга кўмаклашади...

### КИРИШ

Оламдаги энг яхши ва ажойиб нарсаларни кўриш ва эпитиш мумкин эмас...  
лекин уларни юрак билан ҳис этадилар.

*Хелен Келлер*

Биз барчамиз, эҳтимол, ёруғ оламда ҳаммасидан ҳам кўра, муҳаббат ва меҳрга тўла муносабатларга жуда ташнамиз ва ҳаммамиз шундай ўзгача муносабатларга интиламиз. Бўлмаса, нимага шунча одамлар ёлғизликда, изланишда, умид қилиб, лекин тилаганини камдан-кам топиб яшайдилар? Агар биз ҳаммасидан ҳам кўпроқ муҳаббатни истарканмиз, нима учун ажралишлар сони ва оила бузилишлар мисли кўрилмаган миқдорда ўсмоқда? Нима учун одамлар билан

тўлиб-тошган шаҳарларда кўшлар ўзларини шунчалар ёлғиз, шунчалар яккаланган ҳис қиладилар? Балки биз муҳаббатни бошқа жойдан излаётгандурмиз?

Кенг тарқалган тасаввурларга қарамасдан, муҳаббат — бу тақдир ёки омад натижаси эмас, у «келиб-кетавермайди», биз уни яратамиз... ва ҳар биримиз уни яратиш лаёқатига эгамиз. Ҳар биримиз севиш ва севилиш қобилиятига эгамиз, ҳар биримизда муҳаббат асосий ўринда бўлган муносабатларни йўлга қўйиш қобилияти бор. Ҳозир қандай яшаётганимиз муҳим эмас — ёлғизликдами ёки тузоққа тушган каби бебахт, ўлик муносабатлар биланми, — умр ўзгариши мумкин, айнан биз уни ўзгартиришга қодирмиз.

Бошқа кўп зарбулмасаллардан фарқли равишда, ушбу китобнинг кўп қаҳрамонлари, гарчи уларнинг исмлари, албатта, ўзгарган бўлсада, реал инсонлар прототиpleri ҳисобланадилар. Уларнинг ҳикоялари худди мени илҳомлантиргани каби сизга ҳам илҳом бағишлашига ва ҳаёт қандай бўлиши керак бўлса, шундай қувонч, мўъжизалар ва меҳрга лиммо-лим бўлиши мумкинлиги тўғрисида эслатиш учун хизмат қилишига умид қиламан.

Адам Жексон  
Хартфордшир, июль 1995

## ТҶЙДАГИ МЕҲМОН

Сиз ҳойнаҳой уни пайқамасдингиз; қолган икки юз нафар меҳмонлардан ҳеч бири унга эътибор бермасди. У хонанинг узоқ бурчагидаги столда якка ўзи ўтирарди, йигит ўттиз ёшларда, бўйи, гавда тузилиши ва кўриниши ўртача, хонадаги бошқа кўпчилик эркаклар каби қора смокинг кийганди.

Лекин ёлғиз ўтиргани боис ўзига бошқалардан жуда ажралиб тургандек туюларди. Унинг столи атрофида таом ейиш чоғида ўтирган меҳмонлар энди рақсга тушишарди, йигит эса табиатан анча уятчан эди ва бу ерга бир ўзи, бирон қизсиз келганди, у стол ёнида қолишга ва кечани кузатишга аҳд қилди.

Ҳар қандай ўлчовларга кўра, бу маблағ аямай ташкил этилган жуда зўр тантана эди. Шампанли коктейлдан кейин олти хил таом тортилди. Таомлар орасидаги танаффус чоғида меҳмонлар етти мусиқачидан иборат жаз ансамблининг қувноқ мусиқаси остида рақсга тушардилар. Жойнинг ўзи ҳам анчайин ажабтовур — шаҳар марказидаги энг зўр меҳмонхоналардан бири — «Қироллар зиёфат зали» эди. Барибир, шундай қойилмақомликларнинг барчасига қарамай, йигитча бўлаётган ҳодисалардан шодланмасди. У ҳеч қачон унчалик киришимли бўлмаган ва кўнгилхушлик қилишни, бир хонада икки юз нафар нотаниш кишилар билан бўлишдан кўра, танҳоликни ўзича бошқача тасаввур этарди. Хонадаги у таниган ягона инсон бир неча йил олдинги оғайниси — куёв эди. У ҳатто уни умуман бу ерга таклиф этилганидан ҳайрон бўлганди.

Йигит дўстига қаради. У қайлиғини бағрига босганча рақсга тушарди. Улар биргаликда шунчалик бахтиёр кўринардиларки, йигитчанинг уларга ҳаваси келди ва ўзи билан ҳам қачонлардир шундай бўлармикан, дея ўзига ўзи савол берди.

«Нимага шундай бўлиб чиқади, — ўйлади у ўзича, — бошқалар уйланади, оилали ва бола-чақали бўлишади, мен эса бирон қиз билан муносабатларимизни бир неча ойдан ошиқ тутиб туролмайман?»

Учрашиб туриши мумкин бўлган қизларни топиш унга қийин эмасди, — бутун муаммо умр бўйи биргаликда яшашни истаган ўша ягона аёлни топишда эди.

Баъзан шу ҳақдаги фикрнинг ўзи уни тушкунликка соларди. Халеида агар у узоқ ва муҳим муносабатлар қуришга лаёқатли эмас экан, демак, чамаси ўзи билан нимадир жойида эмасдай, деган фикрлар чарх урарди.

Гоҳида эса ўзига шунчаки омадим юришмаяпти, дерди. Балки ўртоқлари айтганидек, буларнинг барчаси — тасолифий ишдир. Муҳаббат юлдузлар томонидан ёки битилган, ёки йўқ. Азалдан битилганни ўзгартириш учун ҳеч нима қилишнинг иложи йўқ — у бир куни келади, ёки йўқ.

Фақатгина икки йил илгари бир воқеа бўлган эди. Ўшанда у ростакамига севиб қолгандек кўринганди, лекин ҳатто шу кечмиш ҳам атиги уч ой давом этди. Ўшанда унга ҳеч таскин беришнинг иложи бўлмади, у буткул тушкун аҳволда қолди, бир неча ҳафта овқат ҳам еёлмади, ухлолмади ҳам. Шу воқеадан кейин у ҳеч кимга ва ҳеч қачон ўзини бунчалик қийнашга йўл қўймасликка қатъий аҳд қилди.

Хонадаги ҳамма жуфтларни кузатиб ўтираркан, — баъзилар қўл ушлашиб ўтиришар ва кулишар, бошқалари рақс тушиб қўшиқ айтишар, — у ўзига яхшиси бўйдоқ қолганим маъқул, деди. Ахир, муносабатлар ҳақиқатда давомли бўлиши тез-тез учрайдими? Қанча одамлар бирга қоладилар? Агар у бўйдоқлигича қолса, жилла курси, ажралиш ва йўқотиш аламини тотишга тўғри келмайди. Унинг мустақиллиги ўзида, у эркин, қаерга ва қачон хоҳласа бориши мумкин.

Лекин хонани нигоҳи билан юргизиб чиққан йигит фикрлари йўналишини алғов-далғов қилиб юборган, бу унга муҳаббатнинг борлигини, узоқ давом этувчи ва ҳақиқий севги муносабатлари барибир мавжудлигини эслатган нарсани кўриб қолди — рақс майдончаси марказида кексайиб қолган жуфтлик бор эди, улар кучоқлашганча рақсга тушишар ва бир-бирларининг кўзларига боққанча жилмайишарди. Уларнинг қандай рақс тушаётганини кузатар экан, у ўзига ўзи савол берди: балки, қандайдир мўъжиза рўй бериб, қаердадир уни кутаётган малак бордир?

## УЧРАШУВ

— Бу ерда ёлғизмисиз?

Йигитча қайрилиб қараб, ёнида кекса бир хитойни кўрди. У унча баланд бўлмаган, сочлари оқарган, тепакал ва жилмайганида юзини яшнатиб юборувчи қўй кўзли одам эди. Хонадаги кўпчилик эркаклар каби унинг ҳам эғнида қора смокинг ва оқ қўйлак, капалакнусха қора бўйинбоғ тақилганди.

— Ҳа, ёлғиз ўзимман, — деб жавоб берди йигитча ҳам қарияга жилмайганча.

— Мен ҳам, — деди чол. — Ёнингизга ўтирсам, майлими?

— Меҳмоним бўлинг, — жавоб берди йигитча.

— Ажойиб тўй бўляпти, шундаймасми?

— Агар сизга шундай нарсалар ёқса... — деди йигитча.

— Нима учун сизга тўй тантанаси ёқмаяпти? — сўради чол.

— Биз яшаётган кунда буларнинг барчаси кулгили, шундаймасми? — деди йигитча стулга суяниб олиб.

— Айнан нима?— сўради чол.

— Никоҳ.

— Агар икки инсон бир-бирини севмасалар, никоҳ бу кулгили томошадир, — деди чол.

— Севги! — хитоб қилди йигитча. — Севги нима ўзи? — Одамлар доимо севадилар ва совийдилар. Улар гоҳо бир-бирига садоқатлидирлар, гоҳида эса бир-бирларини кўришга тоқатлари йўқ. Агар мендан сўрасангиз, — деди йигитча, — муҳаббатни шундай баланд қадрлашлари бекор, у фақат алам ва азоблар келтиради.

— Сурбет бўлиш осон, — жавоб берди чол, — лекин сизни ишонтириб айтаманки, ҳаётда муҳаббатга нисбатан сурбетларча муносабатда бўлишдан ортиқ катта хато бўлиши мумкин эмас.

Йигитча чолга ўгирилди.

— Нимага? — сўради у.

— Гапимга ишонинг, — деди чол, — умрингиз поёнига етган чоғида қандайдир аҳамиятга эга бўлган ягона нарса — бу сиз берган ва олган муҳаббатингиздир. Нариги дунёга сафар қилишда ўзингиз билан олиб кетишингиз мумкин бўлган нарса — бу муҳаббат. Бу дунёда сиз қолдирадиган ягона қимматбаҳо нарса — муҳаббатдир. Бошқа ҳеч нима. Ўз умрида жуда кўп қийинчиликларни осон енгиб ўтиб, бахтли бўлган кўп кишиларни танийман, лекин муҳаббатсиз ҳаёт кечирган одамни ҳали учратганим йўқ.

— Мана шу боис муҳаббат — бу умрининг энг буюк ҳадяси, — тушунтирди чол. — У умрга маъно киритади. Айнан ўша туфайли ҳаёт яшаш учун арзийди.

— Бунга унча ишоналмайман, — дея минғирлади йигитча орқасига ўтирилганча.

— Нимага? — сўради чол.

Йигитча жавоб беришдан олдин бироз жим қолди.

— Биласизми, ўйлайманки... Назаримда, севиб қолиш — бу романтик афсонадир. Ҳаммамизни қачонлардир кимнидир учратасиз ва севиб қоласиз, деб ишонтирадилар, Лекин бу камдан-кам рўй беради. Мабодо рўй берса ҳам узоққа бормайди.

— Ҳа... тушунаман, — деди қария. — Албатта, сиз бутунлай ҳақсиз. Севиб қолмоқ — бу романтик афсона!

Йигитча қарияга томон ўтирилди.

— Тўхтанг-чи, — деди у. — Назаримда...

— Бизга муҳаббат ўзидан-ўзи келмайди, — сўзида давом этди чол жилмайганча. — Биз уни яратамиз ва ҳар биримиз уни яратишга лаёқатлимиз. Одамлар «севиб қолдим» деб ҳисоблаб, хатога йўл қўядилар, улар бир куни кўчадан кетиб бораётиб, кимнидир кўриб қоладилар-у, «воҳ!» деб ошику беқарор бўладилар деб хаёл қиладилар. Лекин бу муҳаббат эмас.

— Ие, ҳа нима бўлмасам?— сўради йигитча.

— Жисмоний майл, ҳавасдир. Фақат муҳаббат эмас! Албатта, ўзаро жисмоний майлдан муҳаббат ривожланиши мумкин, лекин ҳақиқий муҳаббат фақат жисмоний бўлиши мумкин эмас. Севиш учун — ҳақиқий севиш учун инсонни англаш зарур, уни яхши билиш ва ҳурмат қилиш даркор. Унинг омон-эсонлиги ҳақида чин дилдан қайғуриш керак. Бу худди олмали пирогга ўхшайди.

— Бу билан нима демоқчисиз? — сўради йигитча.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, олма пирогини фақат томоша қилиш билан унинг таъмини билиш мумкинми? — деди чол.

— Менимча, йўқ. Уни еб кўрган маъқул.



— Албатта. Бошқача айтганда, уни ташқи жиҳатдангина эмас, балки ичидан қандайлигини билишингиз зарур, гапимга қўшиласизми?

— Ҳа.

— Худди шу инсонларга ҳам тааллуқлидир, — тушунтирди чол. — Инсоннинг фақат ташқи кўринишига қараб қаршингиздаги кимсанинг қандайлигини аниқлашнинг иложи йўқ. Кимнидир ҳақиқатда севиш учун уни ички олами — унинг табиати, руҳи ва қалбини кўриш керак. Кўз билан кўринмайдиган шундай нарсалар бор. Бош ҳарф билан ёзилажак Муҳаббатда энг муҳимини фақат юрак билан кўриш мумкин.

Мана шунинг учун ҳам узоқ муддатли севги муносабатлари тасодифий эмас, улар шунчаки рўй бермайди, бу омад натижаси эмас. Улар парвариш қилинади ва яратилади.

— Қандай қилиб? — жавоб талаб қилди йигит.

— Мен бола вақтимда онам муҳаббатнинг олтин қондасини ўргатган эди, — тушунтирди чол. — «У жуда ҳам оддий, — дерди у, — агар сени севишларини хоҳласанг, ўзинг уларни яхши кўргин».

Ҳар биримизда севиш, севилиш ва ўз ҳаётимизда ҳақиқий муҳаббат муносабатларини яратиш қобилияти бор. Айнан шу боис кимлардир усиз яшашни афзал кўриши ниҳоятда аянчлидир.

— Қандай қилиб шундай дея оласиз? — эътироз билдирди йигит чолга ўгирилиб. — Қандай қилиб кимлардир муҳаббатсиз яшашни афзал кўриши мумкин?

Қария йигитчанинг кўзларига тик қаради ва жавоб берди:

— Айрим кишилар айрилиш ва йўқотиш вақтида юзага келувчи аламни бошидан кечирмаслик учун севмасликни афзал кўрадилар.

Йигитча бу сўзларни тинглаётганда юзлари қизариб, томоғига бир нима тиқилаётганини сизди. Қария унинг фикрларини уқиб олаётгандек, унга жуда ноқулай бўлиб қолди.

— Сизни ишонтираманки, — деди қария, — муҳаббат ҳар бир киши учун имконли, лекин бунда танлаш керак бўлади.

Чол қўшни стол ёнида ўтирганча ҳаяжонланиб баҳслашаётган жуфтликка имо қилди.

— Мана, қаршингизда яхшигина мисол: икки киши муҳаббатда ютиб чиқишни эмас, баҳсда ғалаба қозонишни афзал кўрадилар. Умр танловга тўла. Биз ўзимиз танлашимиз мумкин: ҳақ бўлиб чиқамизми ёки севимли бўламизми; биз танлашимиз мумкин: кечиринч ёки ўч олиш; ёлғиз бўлишимиз ёки жамоа ичидами — танлашимиз мумкин. Булар ҳаммаси бизнинг танловимиз. Умрида муҳаббати йўқ кишилар кўпинча, — англаб ёки англамасдан, — ўз ҳаётини вазиятларини ўзлари танлайдилар.

— Одамлар ўз ҳаётини вазиятларини ўзлари танлайдилар? — такрорлади йигитча.

— Албатта. Умрингизнинг қайси даврида бўлманг, ҳаётдаги вазиятнингиз қандайлигидан қатъи назар, сиз уни танлаганингиз туфайли у шундай. Сиз ёлғизмисиз, йўқми, бахтли ёки бахтсизмисиз, бунинг сабаби ягона ва фақат битта — буни ўзингиз танлагансиз. Ва буни ўзгартиришга фақат ўзингиз қодирсиз!

Кўпчилик одамлар мабодо севгини бошқа кимладир топсалар, умрларида муҳаббат бўлиши мумкин дея ҳисоблаб, янглишадилар. Улар ҳаётда ўша танҳо инсон пайдо бўлгандагина севгини бошдан кечираман, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса улар муҳаббатни аввал ўзларида топмагунларича, атрофдаги кишилардан уни ҳеч қачон топмайдилар.

Биз ҳаётга нимани берсак, ўшани ундан оламиз. Муносабатлар бизга муҳаббатни бермайди, балки биз муносабатларга муҳаббатни киритамиз. Биз севишни ўрганган чоғимизда ҳеч шубҳасиз, муҳаббатга лиммо-лим муносабатлар туғилади. Мана шу боис ҳар бир киши севиши ва суюкли бўлиши мумкин ва ҳаётий шароитлари қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир киши ҳақиқий меҳрли муносабатларни ярата олади.

— Балки, шундайдир, — деди йигит, — лекин сизга тўғри келадиганини учратишингиз учун барибир омадли бўлишингиз керак, тўғрими? Биласиз-ку, ҳалиги, сизни ўзига тортадиган бўлиши керак.

— Омад бу ерда ҳеч қандай роль ўйнамайди, — деди чол.

— Яхши, демак, тақдир.

Қария кулимсиради.

— Тақдир сизга кўмак қўлини чўзиши мумкин ва одатда шундай бўлади ҳам, лекин ўзингиз ҳам ролингизни ўйнашингиз даркор. Хона бурчагида ёлғиз ўтирганча биров билан учрашингиз маҳол, бу содир бўлиши учун ўрнингиздан туришингиз керак.

— Бу ҳар доим ҳам бунчалар оддий эмас, — эътироз билдирди йигит.

— Ҳеч ким буни оддий демаяпти ҳам, — жавоб берди чол. — Лекин агар сиз муҳаббатни истасангиз, ўз қўрқувларингизни йиғиштириб, ҳаёт сизга бераётган имкониятлардан фойдаланишингиз зарур.

— Бу қандай имкониятлар экан? — сўради йигитча.

— Менинг мамлакатимда қачонлардир тунда фаришта ҳузурига келиб, уни келажакда кутаётган буюк ишлар тўғрисида сўзлаб берган бир инсон ҳақида эски ҳикоят бор; унинг жуда катта бойликлар топишига, жамиятга хизмат қилиб, юксак мавқега эришиши ва ажойиб аёлга уйланишга имкони бўлади.

Бу одам бир умр ваъда қилинган мўъжизаларни кутиб яшади, лекин ҳеч нима содир бўлмади ва охир-оқибатда у ёлғизлик ва қашшоқликда ўлиб кетди. Жаннат эшигига етган чоғида у кўп йиллар муқаддам ҳузурига келган фариштани учратиб қолди ва унга ёзғирди:

«Сен менга беҳисоб бойликлар, жамиятда юксак мавқе ва ажойиб хотин ваъда қилгандинг. Бутун умрим давомида кутдим... лекин ҳеч нима содир бўлмади».

«Сенга буни ваъда қилмаганман, — жавоб берди фаришта. — Мен сенга бойлик, жамиятда баланд мавқе ва хотининг бўлиши мумкин бўлган ажойиб аёл билан учрашиш имкониятини ваъда қилган эдим, сен эса уларни ўтказиб юбординг».

У одам ўйга чўмибди:

«Нима ҳақда гапираётганингни тасаввур қилмаяпман», — дебди у.

«Эсингдами, бир вақтлар сенда тижорат корхонасининг қалтис ғояси бўлган, лекин омадсизликдан чўчиб, ҳаракат қилмадинг-а?» — сўради фаришта.

У одам бош ирғади.

«Сен уни амалга оширишдан бош торганинг эвазига бир неча йил ўтиб, бу ғоя бошқа инсонга берилди, у эса уни тўхтатмоқчи бўлган қўрқувларга йўл бермади ва агар ёдингда бўлса, мамлакатда энг бой кишилардан бирига айланди.

Яна, хотирангда бўлса, — деди фаришта, — жуда қаттиқ, зилзила шаҳарни ларзага келтириб, кўп уйларни вайрон этганди ва минглаб кишилар вайроналардан чиқолмай қолганди. Сенда тирик қолганларни топиш ва қутқариш имконияти бор эди, лекин ўзинг бўлма-

ганингда талончилар уйингга кириб, бор мол-мулкингни ўғирлаб кетишларидан кўрқиб, ёрдам сўраб чақирган кишиларга эътибор бермай, уйингга қолдинг.»

У одам ўзини номусга қўйган қилиғини эслаб, бош ирғади.

«Бу юзлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиб, шаҳарда тирик қолганларнинг ҳаммасининг ҳурматини қозонишинг учун ажойиб имкониятнинг эди», — деди фаришта.

«Ва ўша аёл, сарғиш сочли ажойиб аёл, сенга ёқарди-ку, ёдингдами? Сен ўша пайтгача ва кейин кўрган бирорта бошқа аёлга ўхшамасди, лекин сендек одамга турмушга чиқиш учун ҳеч қачон рози бўлмайдидеб ўйладинг ва рад этилишдан кўрқиб, унинг ёнидан ўтиб кетдинг.»

У одам яна бош силкиди, лекин энди унинг кўзларида ёш ялтирарди.

«Ҳа, дўстим, — деди фаришта, — у сенинг хотининг бўлиши мумкин эди, у билан кўп ажойиб фарзандлар кўриш бахтига муяссар бўлардинг ва у билан умрбод ҳақиқатда бахтиёр бўлишинг мумкин эди.»

Ҳаммамизни ҳар куни шунга ўхшаш имкониятлар куршайди, — улар орасида севиш имконияти ҳам бор, — лекин кўпинча шу воқеадаги кишига ўхшаб, биз улардан фойдаланишимиз учун кўрқувнинг ҳалақит беришига йўл қўямиз.

— Кўрқувга? — саволни такрорлади йигитча.

— Ҳа. Кўрқув. Биз юз ўгиришларидан кўрқиб, ўзгалар томон бормаймиз, ўз ҳиссиётларимиз ҳақида устимиздан қулишларидан кўрқиб гапирмаймиз, биз ўзимизни ўзгалар ихтиёрига топширмаслигимиз ҳам йўқотиш аламиндан кўрқиб туфайлидир.

Ўзи ёқтирган қизлар билан уларнинг йўқ дейишларидан кўрқиб гаплашолмаган барча воқеалар йигитнинг ёдига тушди. У бой берилган барча имкониятлардан хафа бўлиб, чуқур тин олди.

— Лекин, — давом этди чол, — бу воқеадаги ўша одамдан кўра бизда бир устунлик бор.

— Қандай устунлик? — минғирлади йигитча.

— Биз ҳали ҳаётимиз. Биз бу имкониятлардан фойдаланишни бошлашимиз мумкин. Биз ўз шахсий имкониятларимизни ярата оламиз.

Йигитча кекса хитой гапирётганларнинг кўпи ўзига тўғридан-тўғри алоқадорлигини кўриб турарди. У доимо муҳаббат ва ҳақиқий севги муносабатлари омад чолиши ёки тақдир иши деб ҳисобларди. Шундай одамни ё учратасан, ёки йўқ. Кимнидир пайқайсан, у сенга дарҳол ёқиб қолади ва севиб қоласан. Бу айнан шундай содир бўлади, деб ўйларди, энди чолни тинглаб, бунга ишончи камайди.

Кекса хитой ўрнидан турди.

— Ўзинг севишни ўрганмагунингча ҳақиқий севги муносабатларини яратиб бўлмайдиди. Севадиган бўлишинг билан кетидан албатта муносабатлар ҳам келади.

— Ҳар бир инсон севишни ўргана олади, дея таъкидлайсизми? — деди йигитча.

— Албатта, — кулимсиради қария. — Севмоқ — оламда энг табиий бўлган ҳолатдир, ўзини севиш, бошқаларни севиш ва ҳаётни севиш. Қандай шароитлар бўлишидан қатъи назар, умр қандай ҳолатда бўлмасин, ҳар биримизда севиш, севилиш ва ҳақиқий муҳаббатдан роҳатланиш лаёқати бор. Фақат унинг сирларини билиш зарур.

— Қандай сирлар?

— Ҳақиқий муҳаббат сирлари.

— Ҳақиқий муҳаббат сирлари? — такрорлади йигит. — У нима ўзи?

— Ҳақиқий муҳаббат сирлари илк бор одамларга минг йил муқаддам қадимги донишмандлар томонидан маълум қилинган. Бу ўнга тамойил ёрдамида умрингизда шунчаки муҳаббат эмас, шундай лиммо-лим севги яратиш мумкинки, у бутун ҳаётингиз давомида сизни тарк этмайди.

— Ҳазиллашаяпсиз, шекилли? — деди йигитча. — Сиз ҳар бир одам муҳаббатни ва севгига тўлиқ муносабатларни топади, деб таъкидлайсизми?

— Йўқ. Мен ҳар бир инсон муҳаббатни ва ҳақиқий севги муносабатларини ярата олади, деб таъкидлайман, — жавоб берди қария.

— Нима учун бунга ишонасиз? — сўради йигит.

— Агар кафтларимни бир-бирига урсам, қарсак овози чиқадими? Бу столни итариб юборсам, у суриладими? Барча нарсаларни бошқарувчи тўлқинларни ҳаракатга келтиришдан тортиб, куёш ботишигача табиат қонунлари, универсал қонунлар мавжуд. Олимлар бу қонунлардан кўпини кашф этдилар — физика қонунлари, ҳаракат қонунлари, жисмларнинг ўзаро тортишиш қонуни. Лекин бошқа қонунлар ҳам бор — инсон табиатига тааллуқли, саломатлигига ва... муҳаббатга тааллуқли қонунлар бор.

— Муҳаббатга тааллуқли қонунлар? — хитоб қилди йигитча. — Агар бундай, сиз айтгандек «қонун»лар бор бўлса, унда нима учун улар тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз?

— Чунки баъзан ҳаётда ўз йўлимизни йўқотиб қўямиз. Баъзан изтиробга тушамиз ва ҳафсаламиз пир бўлади, унутамиз ва бизга эсла-тиш зарур бўлади.

— Муҳаббатсиз ҳаётда, — деди кекса жаноб, — олам ғоят совуқ ва зерикарли жой бўлиб кўринади. Аммо муҳаббат туфайли жумлаи жаҳон жаннатга айланади. Америкалик буюк ёзувчилардан бири Торнтон Уайлдер шундай деб ёзган: «Тирик инсонлар мамлакати ва ўликлар мамлакати бор, улар орасидаги кўприк муҳаббат... тирикликнинг ягона усули, ягона маъноси». Ҳақиқий муҳаббат сирларига амал қил ва ўз оламинг ҳамда ўз умрингни тўла ўзгартирибгина бу маънони топасан.

— Қандай тарзда? — сўради йигитча.

Қария кулимсиради ва бир варақ қоғоз узатди. Йигитча қоғозга диққат билан тикилди, лекин унда фақат ўнга исм ва телефон рақами ёзилганини кўрди. У қоғозни ўтириб, яна нимадир борлигига умид қилди, лекин нариги томони тоза эди.

— Бу нима? — деди у ва нигоҳини қоғоздан узди, аммо... чол ғойиб бўлганди. Йигит ўрнидан туриб, хонани кўздан кечирди, у ҳатто тузукроқ қараш учун стулга чиқиб кўрди, лекин қария ҳеч қаерда кўринмасди. У стол теграсида ўтирганча, чолнинг қайтиб келишини кутди, лекин орадан ярим соат ўтгач, энди бу оқшом кекса хитойни кўрмаслигини англади.

Кетишдан олдин йигит келин ва куёв билан хайрлашди. Уни таклиф этганлари учун миннатдорчилик билдирди, уларга энг яхши тилаклар тилади ва биронталари кекса хитойни танийсизлари? — сўради. Янги келин-куёв таклиф этилганлар рўйхатида ҳеч қандай хитой йўқлигига ишончлари комиллигини билдирди. Йигитча хитой, ҳойнаҳой, официант бўлса керак, деган хулосага келди ва шу боис чиқаётиб, бош официантдан унинг қўл остидаги официантлардан бири бўлган кекса хитойни қаердан топиши мумкинлигини сўради.

Аммо бош официант ҳам бундай одам тўғрисида ҳеч қачон эшитмаганини ва бу таърифга тўғри келадиган ҳеч ким унинг қўл остида ишламаганини айтди.

Йигитнинг қизиқиши тобора ортганди. Кекса хитойнинг ўзи ким эди? Қаердан келди? У гапирган Ҳақиқий Муҳаббат сирлари нима экан? Тўй зиёфатидан қўлида ўнта исм ва телефон рақамлари ёзилган қоғозни чангаллаганича кетиб борар экан, у буни билишнинг ягона бир усули борлигини биларди.

### Биринчи сир

## ФИКР ҚУВВАТИ

Эртаси куни йигитча рўйхатдагиларнинг барчасига қўнғироқ қилиб чиқди. У асабийлашарди ва ўзига бутунлай нотаниш кишиларга боғланиб, улардан «Ҳақиқий Муҳаббат сирлари» тўғрисида сўраётганидан жуда хижолат бўларди. Лекин уларнинг барчаси гап нима ҳақида бораётганидан бохабарлиги ва қўнғироқ қилганига чин дилдан хурсанд бўлганликлари уни ғоятда ажаблантирди. Бу кишиларнинг ҳар бири билан кейинги бир неча ҳафта давомида навбатма-навбат кўришишга келишиб олди.

Йигитча рўйхатдаги биринчи киши билан учрашишга, айниқса, қизиқарди. Доктор Хьюга Пачиа нафақага чиққан, академик даврларда инсоний муносабатлар бўйича ўзининг очиқчасига сўзлашлари билан танилган социология фанлари доктори эди. Бу мавзу бўйича у бир нечта бестселлер (энг харидоргир китоб)лар ёзганди ва уни радио ҳамда телевидион интервьюларга тез-тез чақириб туришарди. Доктор Пачиа фикрларининг маъноси шундан иборат эдики, инсоният илмий ва иқтисодий тараққиёт кетидан қувиб, ҳаётнинг энг муҳим томонига эътиборни сусайтирди. У кри ҳиндуларининг қадимий башпоратларидан тез-тез парчалар келтирарди:

Энг сўнгги дарахт кесилган чоғдагина,  
Энг сўнгги дарё заҳарланганидагина,  
Энг сўнгги балиқ тутилганидагина,  
Фақат ўшандагина пулни еб бўлмаслиги маълум бўлади.

Доктор Пачиа олтмиш беш ёшлардаги киришимли, барваста киши эди. Унинг елкалари кенг, сочлари оппоқ ва худди ёш боланики каби меҳрибон чехрали инсон эди ва йигирма йилга ёшроқ кўринарди. У йигитни кучоқ очиб кутиб олди ва узоқ кутган дўстидай бағрига босиб кўришди. Йигитча ўзини қандай тутишни билмасди. У мутлақо нотаниш кишилар билан кучоқлашишга одатланмаган эди; тўғриси-ни айтганда, у ҳеч кимни, ҳатто ўзининг яқин қариндошларини ҳам кучишга одатланмаганди. Саломлашиш одатла қўл сиқиб кўришиш билан чегараланарди.

— Сиз қария билан кеча кўришингизми? — деди доктор Пачиа, йигитни ўтиришга таклиф этаркан. — Хўш, унинг аҳволи қандай? — сўради у.

— Менимча, жуда зўр, — жавоб берди йигитча ўтираркан. — У ким ўзи? Қайдан келган?

— Мен ҳам сиздан ортиқ билмайман. У билан фақат бир марта кўришганман ва бунга ўттиз йилдан кўпроқ вақт бўлди. Лекин у менинг дарс беришимни ва ҳаётга муносабатимни буткул ўзгартирди.

Мен уни дорилфунунда дарс бера бошлаган чоғларимда учратганман. Ушанда мени бешинчи курснинг олтига гуруҳига раҳбар этиб тайинлашганди. Семестр бошланганидан уч ой ўтиб, талаба қизларнинг бири кўринмаётганини пайқадим. У келишган, қувноқ, идрокли ёшгина қизча эди ҳамда унинг ишларида нозик ҳиссиётлари намоён бўларди. У дарсларга икки ҳафтача келмади; ёнида ўтиралиган талабалардан қизнинг қаердалигини сўрадим. Ишонмайсиз, улар бу ҳақда билишмаган ва хавотир олишмаганлар ҳам. Ҳатто қизнинг исмини ҳам билишмаган!

Уша қуни дарсдан кейин маъмурнинг ҳузурига бориб, талаба қизнинг қаердалиги ва нима учун дарсларга келмаётганини аниқламоқчи бўлдим. «Кечирасиз, сиз биласиз деб ўйлабман» — деди маъмур мени четга тортаркан. У мени ўз хонасига бошлаб кирди ва талаба қиз икки ҳафта олдин ўз жонига қасд қилганини билдирди. Бу ажойиб ёшгина қиз ўн қаватли уйнинг тоmidан ўзини ташлабди.

Мен қабулхонада шум хабардан карахт бўлиб ўтирарканман, шундай қобилиятли толибани ўз жонига қасд этишга нима мажбур этди, дея ўзимга савол берардим. Қанчалик узоқ ўтирганимни билмайман, ёнимда биров борлигини сездим.

— Ким экан? — сўзини бўлиб сўради йигит.

— Кекса хитой, — деди доктор Пачиа. — У нимадан безовталанаётганимни сўради ва воқеани сўзлаб бердим. У бир неча сония жим қолди ва менга ўтирилиб, мен ҳеч қачон унутолмайдиган гапни айтди:

«Биласизми, — деди у, — биз талабаларни ўқиш, ёзиш, қўшиш ва айиришга ўргатамиз, бизга яхши таълим асоси бўлиб туюладиган нарсалардан сабоқ берамиз-у, лекин энг асосий нарсага... қандай севинишга мутлоқ эътибор бермаймиз».

Унинг сўzlари мен учун момақалди роқдай таъсир этди. Уни ички сезги билан ҳис қилардим, лекин сўз билан ифодалолмасдим. Биз муҳаббат ва ҳаёт ҳақида сўзлашдик ва бу қариядан Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида — ўз умрингиз ва атрофдагилар ҳаётига муҳаббат киритишга ёрдамлашувчи ўнта абадий тамойиллар ҳақида илк бор эшитдим.

— Бу «сирлар» ростдан ёрдам беришига ишонасизми? — унинг сўзини бўлди йигитча.

— Ҳа, улар менга ёрдам берди ва юзлаб шогирдларимга ҳам улар кўмаклашганини ҳаммалари тасдиқлаши мумкин, — тушунтирди доктор Пачиа.

— Гўё бўлиши мумкин эмасдай эшитилади; ҳақиқат бўлиши учун эса ҳаддан зиёд яхши, — деди йигитча. — Айтмоқчиманки, агар бу шунчалар олдий бўлса, нима учун барча инсонлар улардан фойдаланмайдилар?

— Бу яхши савол, — жавоб берди доктор Пачиа. — Ҳар бир кишининг қалб тубида ҳаммадан кўпроқ муҳаббат истаги бор, лекин биз, эҳтимол, бу ҳақда шунчаки унутамиз. Биз бошқа мақсадлар — давозим эгаллаш, пул ва бойликка эришиш учун йўлдан оғиб кетамиз. Биз ором олиш ва кўнгилхушликларга интиламиз ва умримиздаги энг муҳим нарсаларни назардан қочирамиз — муҳаббатдан муҳимроқ нима бўлиши мумкин?

Йигитча ёндафтарчасига нималарнидир ёзарди, доктор Пачиа эса сўзида давом этарди.

— Кекса хитой кетишдан аввал ўнта исм ва телефон рақамлари ёзилган бир варақ қоғоз берди. Кейинги бир неча ҳафта давомида бу

одамларнинг ҳар бири билан учрашдим ва улар менга муҳаббатга тўлиқ ҳаётнинг оддий, амалий услубларини ўргатишди. Бу усуллар кўмагида узоқ муддатли, севгига тўла муносабатлар куришни ўрганиш мумкин. Ҳақиқий Муҳаббатнинг ўнга сири ҳам бирдай муҳим, лекин улардан ҳаётимга энг кўп таъсир кўрсатгани... фикр қуввати бўлди.

— Фикр? — такрорлади йигит.

— Ҳа. Бу оддий, лекин баҳслашиб бўлмайдиган факт: биз нима ҳақда ўйласак, шундай бўламиз. Агар фикрларингиз жоҳилона бўлса — сиз жаҳл гирдобидасиз, агар фикрларингиз шодон бўлса — шодлик ҳиссини туясиз, агар фикрларингиз бахтли бўлса — бахт туйғусини ҳис қиласиз... ва мабодо фикрларингиз муҳаббатга тўла бўлса — муҳаббатни ҳис қиласиз. Фикрларингизни ўзгартирсангиз, ҳиссиётларингизни ўзгартирасиз. Бу жуда оддий.

Йигитча қошларини чимирди.

— Буни гапириш осон, лекин амалга ошириш бунчалик енгил бўлмаса керак.

— Сиз ҳақсиз, бу доим ҳам осон эмас, айнан шу боис шундай нақл бор: «Шаҳарни енгган киши буюкдир, лекин ўзини енгган киши ҳақиқатда буюкдир». Лекин бунинг имкони бор. Биз ҳаммамиз ўз фикрларимизни танлаймиз, лекин болалик чоғимизданоқ бизни нотўғри фикрларни танлашга ўргатишган. Бизни ўзгаларни қоралашга, биздан фарқи бор инсонларга аввалдан аҳд қилинган янглиш муносабатда бўлишга ўргатишган. Болаларни диндаги ёки танасининг рангидаги фарқ қизиқтирмайди, улар шунчаки одамларни кўрадилар. Болани суйинг ва бола ҳам сизни суяди, чунки бунда кишилар табиатига хос бир-бирини севишдай жиҳат бор. Муаммо шундаки, боланинг муҳаббатни идрок қилиши асосан унинг ота-онаси томонидан белгиланади.

— Нимани назарда тутмоқдасиз?— сўради йигитча.

— Ахир, ота-оналар ўзаро ва фарзандлари билан қандай муносабатда бўлишлари боланинг муҳаббатни идрок этишининг асосини яратади. Агар болаларга доимо бақариб ва уриб турсалар, улар муқаррар равишда ўзгаларга бақариш ва уни уриш яхши кўрган кишилар йўл қўйиши мумкин бўлган хулқ экан, деб ҳисоблайдилар. Мана шу сабабдан ҳам кўшинча муҳаббат аслида нималиги ва ўзгаларга муҳаббат билан муносабат қандай бўлишини қайта ўрганиш даркор. Муҳаббат хусусидаги ўз қарашлари ва тамойилларини ўзгартирмоқ даркор.

— Лекин йиллар давомида тарбияланган нарсани қандай ўзгатириш мумкин?

— Ўз тамойил ва қарашларингизни, яъни ўз фикрларингизни ҳам позитив тасдиқ кўмагида ўзгатиришдан бошлаш керак.

— Позитив тасдиқ деганингиз нима?

— Позитив тасдиқ — бу сиз шакллантирган ва овозингизни чиқариб ёки ичингизда айтадиган гапингиз, агар уни етарли тарзда тез-тез такрорланаверса, фикрларингиз ва қарашларингизни ўзгартиради. Масалан, агар бардавом севги муносабатларини қуролмасангиз, куйидаги тасдиқлардан бошлашингиз мумкин: «Мен бошқаларни севиб, ўз ҳаётим муҳаббатини яратмоқдаман. Бугун кимники учратсам, уларнинг ҳар бирига меҳрли муносабатда бўламан».

«Муҳаббатга тўлиқ муносабатлар менда осон пайдо бўлади». ёки: «Мен умримнинг муҳаббатини яратишга қодирман».

Агар рисолаангиздаги жуфт ёки яқин дўстингизни топишингизга ишонмасангиз, «Менинг рисоламдаги жуфтим ҳаётимда керакли замон ва маконда пайдо бўлади», — дейишингиз мумкин.

Аффирмациялар ўй-фикрлар ва онг ортидаги қарашларни ўзгартиради, фикрлар ҳаракатларни белгилайди, ҳаракатларни хулқ-атвор шакллантиради, хулқ-атвор эса тақдирни белгилайди.

— Позитив тасдиқни ҳаракатга келтириш учун уни қанча муддат давомида такрорлаш даркор? — сўради йигитча бундай усулга қизиқиб қолиб.

— Имкон қадар тез-тез. Айрим кишилар ҳатто бу тасдиқларни ёзиб оладилар ва кўринарли жойларга, масалан, автомобиллари ёки музлатгич эшигига доимо кўриб туриш ва ўқиш мақсадида илиб кўядилар. Ҳар кунига энг камидан уч бор: эрталаб ўйғонган заҳоти, кундузи ва кечқурун уйқуга ётиш олдидан бир мартадан такрорлаган маъқул.

— Шундай қилиб, фикрларни ўзгартириш учун фақат тасдиқларни такрорлаш зарурми? — сўради йигитча.

— Йўқ. Тасдиқлар онг ортидаги қарашларни ўзгартиришга ёрдамлашади, лекин шу билан бирга, сиз муҳаббат нималиги ва бировни севиш қандайлигини англаб, фарқлаб олишингиз зарур. Бу жуда равшан туюлса-да, тажрибам кўрсатишича, анча кам кишилар бунга эътибор берадилар. Масалан, шу саволга сиз қандай жавоб берардингиз?

Йигитча доврираб қолди.

— Ҳимм... анави... қандай айтсам... бировни севиш — у ҳақда қайғуриш, унга зарур пайтда ёнида бўлиш, унга ёрдам бериш демакдир.

— Жуда соз, — деди доктор Пачиа. — Бошқача сўз билан айтганда, унинг учун энг кўп яхшиликлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш. Лекин агар аввал унга нима зарурлиги тўғрисида ўйлаб олмасангиз, биров ҳақида шундай қайғуриб, унга ёрдам бера оласизми?

— Йўқ. Ҳойнаҳой, йўқ.

— Демак, агар биз кимнидир ёки ниманидир севишни истасак, аввало, энг асосийси, у ҳақда ўйлаш ҳамда эҳтиёж ва истакларини ҳисобга олишимиз керак.

— Иш бошлаган чоғимда, — дея гапини давом этди доктор Пачиа, — соддалигим боис муаллимлар ўз фанидан: математика, физика, география ёки социология бўладими, сабоқ беришлари керак, деб ҳисоблардим, лекин тез фурсатда шуни билиб олдимки, яхши ўқитувчи бирор фандан дарс бермайди, балки уларни ўргатади. Ҳар бир талабанинг ўзига яраша талаблари, ўз даражаси, тушунтиш усуллари бор, яхши муаллим буларни ҳисобга олади, акс ҳолда талабалар зерикадилар ва уларнинг ихлоси қайтади.

Худди шулар умрга ҳам тааллуқли: агар ҳақиқий севиш муносабатларини истасанг, бошқа инсонлар нимага эҳтиёжмандлигини ҳисобга олиш даркор. Бундай қилиш учун эса улар ўрнига ўзингни қўйишинг, оламга улар нуктаи назари билан қарашинг керак. Масалан: кўплар ўзларни муҳаббатсиз муносабатлар тузоғига тушгандек ҳис қиладилар ва жуфтлари уларни севмаслигидан шикоят қиладилар, лекин агар инсон ўзидан: «Нима сабабдан мен учун у ёки бу ишни қилмаяпти?» — деб эмас, «Жуфтим учун нима қилишим мумкин?» — деб сўраса, жуфти уни севишини дарҳол сезади ва бу инсонни янада кўпроқ яхши кўради.

— Биласизми, — сўзини давом эттирди доктор Пачиа, — ҳаммаси ўйларингиздан бошланади — муҳаббатга тўлиқ фикр-ўйлар муҳаббатга тўла ишлар ва муҳаббатга тўла кечинмалар сари етаклайди.



— Ҳа, лекин бир муаммо бор, — деди йигитча. — Фикру ўйлар меҳрли муносабатларни тополмайдилар ва яратолмайдилар.

— Ҳойнаҳой, ажабланарсиз, — жавоб берди доктор Пачиа, — лекин айнан шунинг акси, сизнинг фикру хаёлларингиз нафақат бундай муносабатларни топишда кўмаклашади, балки орзуингиздаги аёл ҳаётингизда пайдо бўлган чоғда, уни таниб олишингизга ҳам ёрдамлашади.

— Бунинг қандай имкони борлигини тушунолмаёпман, — деди йигит.

— Ахир ҳар бир одам абадий давом этувчи ўша ўзгача муҳаббатни топиш умидидадир, шундайми?

Йигит бош ирғади.

— Ҳўш, ўша ягона ўзгача муҳаббатингиз ким ўзи?

— Билмайман. Муаммо ана шунда, — деди йигит. — Шунақа сукуклигим йўқ.

— Бор, — жавоб берди доктор Пачиа, — ишонтириб айтаман, бор. Шунчаки, сиз уни ҳали учратмадингиз. Муаммо бошқа жойда: ҳўш, айтинг-чи, бу қиз ҳаётингизда учраб қолса, уни қандай танийсиз?

— Умуман, учрашган кишинг сенга аталганини қандай билиш мумкин? — деди йигит.

— Мен биладиган ягона ишончли усул, — деди доктор Пачиа, — уни учратишдан аввалроқ рисолангдаги одам кимлигини билишдир. Буни билишнинг ягона усули эса, инсондаги қандай сифатлар сенга маъқуллиги тўғрисида ўйлаб кўришдир.

— Айнан қандай сифатлар тўғрисида гапираяпсиз? — сўради йигит.

— Жисмоний, ақлий, ҳиссий ва руҳий сифатлар. Масалан: у сарикми ёки қора сочили бўладими? Баланд ёки паст бўлими? Кўзлари қандай рангда? Эҳтимол, унинг жисмоний сифатлари унчалик муҳим эмасдир? Унинг иши, ёқтирган фаолияти, қизиқишлари қандай бўлиши мумкин? Унинг аниқ руҳий эътиқоди бўлгани маъқулми? Унинг мижози қандай; у жўшқин ёки сокин бўладими? Ақлли бўлиши керакми?

— Аслида бу ҳақда унчалик ўйламагандим ҳам, — тан олди йигитча. — Ростдан ҳам булар шунчалик муҳимми?

— Албатта, — фикрини тасдиқлади доктор Пачиа. — Башарти ким билан умргузаронлик қилишни ўзингиз билмасангиз, у пайдо бўлганида қандай танимоқчисиз?

— Ахир, учрашган заҳоти бу ўша ёки у эмаслиги дарҳол аён бўлмайдимми? — эътироз билдирди йигитча.

— Балки бу кимларгадир тушунарлидир, — деди доктор Пачиа, — лекин ҳатто шундай одам ҳам ўзи орзу қилган жуфтининг қандайдир хаёлий сиймосини аввалдан яратиб кўяди. Бундай жуфтнинг фазилатлари тўғрисида ўйлаб кўрилмаса, жинсий жозиба, кўнгилхушлик ёки ёлғизликдан кўрқув туфайли алашиб қолиш осон ва оқибатда у сиз излаган одам бўлиб чиқмаслиги мумкин.

Масалан, жуфтингиз жониворларни ёқтириши сиз учун муҳим бўлиши мумкин. Сиз бировни учратасиз, у биринчи нигоҳданок сизга ёқади, лекин тез орада у жониворларни ёмон кўриши маълум бўлади. Ушанда унга нисбатан қанчалик жинсий майлингиз бўлмасин, у рисолангиздаги аёл эмаслигини биласиз.

Биласизми, муҳаббат кўр эмас, шаҳвоний нафс ва жинсий майл кўр; мабодо жуфтингиздан нимани талаб этишингиз ҳақида ўйлаб кўрмасангиз, ўзингизга мутлақо тўғри келмайдиган инсон билан

осонликча бирга қолишингиз мумкин. Бошқа томондан, агар биргаликдаги умргузаронлик қилувчи кишининг сиймосини яратсангиз, уни учратган чоғингизда таниб олиш имконингиз ошади.

— Лекин, ҳойнаҳой, ҳаёлдаги бундай жуфт сиймосининг белги-ланган чеклашлари ҳам бўлса керак? — сўради йигит. — Демокчи-манки, айнан рисоладагидек жуфтни учратиш ҳақиқатга тўғри келадими?

Доктор Пачиа кулимсиради.

— Бу умуман реал эмас... бу муқаррар! Фикр қувватининг маънисини ҳам шунда — ниманидир ёки кимнидир ҳаётингизга жалб этиш учун, аввало, у сиз билан биргалигини ҳаёл қилишингиз керак. Албатта, рисоладаги жуфтингиз таърифидagi айрим сифатлар унчалик муҳим бўлмаслиги мумкин, лекин унинг ҳаёлий сиймосини яратиш сизга ҳақиқатда қандай фазилатлар зарурлигини ўйлай бошлашингизга имкон беради.

Бу универсамдаги харидингизга ўхшайди. Агар нимани хошлашингизни ёки нимани сотиб олиш муҳимлигини билмасангиз, реклама осонгина таъсир қилиши мумкин ва эҳтимол, ўзингизга кераксиз буюмни сотиб оласиз. Уйингизга биронта муҳим буюмсиз қайтишингиз мумкин. Лекин, агар аввалдан нимани исташингизни билсангиз, тўғри керакли бўлимга кириб бориб, уни харид қиласиз. Ўзаро муносабатларда ҳам худди шундай бўлади; агар инсондаги сенга маъқул фазилатлар ҳақида ўйламай умр кечирсанг, сенга жисмоний ёки жинсий жозибадорлик таъсир кўрсатиши мумкин ва фақат кейинроқ, майллар сўнган чоғда, танлаган жуфтингда сен учун муҳим бўлган бирорта сифат йўқлигини билиб қоласан. Лекин агар жуфтингда истагингдаги сифатлари тўғрисида ўйлаб кўрганингда, уни учратганингда таниб олишингга имкониятларинг кўпроқ бўлади.

Йигитча ён дафтарчасига нималарнидир ёзарди, доктор Пачиа сўзини давом этарди.

— Ҳаётда ва ўзаро муносабатларда муҳаббат курашга айланмаслиги керак; тўғри, унинг устида ишлаш зарур — агар муҳаббатни истаганг, уни *яратиш* керак. Назаримда, Ҳақиқий Муҳаббат сирларининг бутун моҳияти айнан ана шунда; уларнинг барчаси севгини яратиш учун ўша муҳим нарсалар устида иш олиб бориш зарурлигини эслатадилар.

— Тўғри фикрларни танлаш — шу нарсалардан бирими?

— Худди шундай! Севиш ва севилиш лаёқати, давомли ҳақиқий севги муносабатларини яратиш ва рисолаидаги жуфтни ўзингга жалб этиш — буларнинг барчаси фикрлаш қувватидан бошланади.

Шу оқшом йигит доктор Пачиа билан учрашганда ёзган ёзувларини якунлади.

### **Ҳақиқий Муҳаббатнинг биринчи сир — фикр қуввати**

Муҳаббат фикрдан бошланади.

Биз нима ҳақда ўйласак, шундай бўламиз.

Муҳаббатга тўлиқ фикрлар муҳаббатга тўла ҳаёт ва севгига лим-мо-лим муносабатларни яратади.

Позитив тасдиқлар ўзимиз ва ўзгалар тўғрисидаги қарашларимиз ва фикрларимизни ўзгартириб юбориши мумкин.

Агар бировни севмоқчи бўлсанг, унинг эҳтиёжлари ва истакларини ҳисобга олмоғинг керак.

Рисолангдаги жуфт ҳақидаги фикрлар уни учратган чоғингда танишга ёрдам беради.

Йигит ўзининг рисоласидаги жуфти — унинг ташқи кўриниши, шахси, нимани ёқтириши-ю ёқтирмаслиги, эътиқодлари қандай бўлиши мумкинлигини хаёлига келтира бошлади. У кўзларини юмганида аниқ сиймо намоён бўлди; у ниҳоятда жозибадор эди, бўйи ўзидан хиёл пастроқ, тилла-жигаранг сочлари елкасига тушган; йирик яшил кўзли ва мафтункор табассумли қиз. У гарчи унчалик жиддий бўлма-са-да, ақлли, мулойим ва раҳмдил эди. У жониворларни суяр, тева-рак-муҳит ҳақида қайғурар ва ҳаётнинг оддий қувончларини ёқти-рарди, масалан, ўрмонда сайр қилиш ҳамда қишнинг совуқ кунла-рида гулхан ёнида ўтиришни суярди.

Йигит бу сифатларни қоғозга ёзди. Стулга суянганича ёзганини яна қайта ўқиб чиқди.

— Химм, — тўнғиллади у, — қанийди энди фақат... — у варақни тахлади ва китоб жавонига оҳиста қўйди.

### Иккинчи сир

## ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ҚУВВАТИ

Йигитчанинг рўйхатидаги иккинчиси доктор Милли Хопкинс эди. Доктор Хопкинс шаҳар дорилфунунда руҳшунос профессор эди — у дорилфунун тарихида профессор этиб тайинланган биринчи аёл эди. У таниқли муаллима бўлиб, талабалар ҳам, ходимлар ҳам уни яхши кўрардилар ва ҳурмат қилардилар.

Унинг овоз оҳангидан йигитча кўнғироқ қилгани учун хурсанд-лиги аён эди. У келаси куни учрашишга озроқ фурсат топишини бил-дирди. Улар соат 5 да дорилфунунда доктор Хопкинс хонасида кўри-шишга келишдилар.

Ўзининг 64 ёшига қарамасдан, доктор Хопкинс биринчи курс та-лабаси каби ғайратли ва кўтаринки руҳда кўринарди. Йигит кекса хитой тўғрисида эслатган чоғида унинг овози тетикроқ ва тўлқин-лангандай чиқди.

У унча баланд бўлмаган, белидан пасти кенг, келишган жуссали, оқ блузкаси устидан кийган тўқ-кўк костюми ўзига ниҳоятда яра-шиб тушган аёл эди. У елкасигача тушган кўнғир-тиллаланг сочлари-ни бошига кўтариб, қистириб қўйганди. Унинг чеҳраси гарчи ажин қоплаган бўлса-да, истарали, очиқ кўнғил ва дўстона эди.

— Кекса хитой билан йигирма йилча аввал учрашганман, — деди у йигитчага. — Ушанда мен бутунлай бошқача одам эдим; дайди-гиёҳванд эдим.

Ажабланганидан йигитнинг жағи осилиб қолди.

— Ҳойнаҳой, ҳазиллашаётган бўлсангиз керак, тўғрими? — сўра-ди у асабийлашиб.

— Мутлақо ундаймас, — жавоб берди у ҳеч қандай уялиш ёки хижолатини кўрсатмай. — Мен гиёҳванд моддаларни кўп истеъмол

этганим боис касалхонага кўп марта тушардим, кейин яна кўчага қайтардим, ҳаммаси бир бошдан яна такрорланарди.

Кунлардан бирида касалхона каравотида уйғонган чоғимда, ошқозон-ичакларимни яна бир бор ювишган ва ёнимда қўлимни ушлаб доктор ўтирарди. Унинг меҳрибон юзи майин эди ва менга чин кўнгилдан қайғурганча юмшоқ оҳангда сўзларди. У менга нисбатан шахс сифатида қандайдир қизиқиш билан қараган биринчи одам эди. Шунча йиллар мобайнида кимдир мен билан юзма-юз одамдай гаплашарди. Шу боис кекса хитойни ҳеч қачон унутолмайман.

Биз узоқ суҳбатлашдик. Мен унга аввал ҳеч кимга айтмаганларим — оилам, болалигим, кўчаларда ўтган умрим тўғрисида сўзлаб бердим. Ҳаммасини айтдим. Ва биласизми, у билан шуларнинг барчаси ҳақида дардлашиб, енгиллашдим, ўзимни яхшироқ сездим. Қария менга ёрдам берадиган дўстлари борлигини айтди. Уларнинг исми ва телефон рақамларини берди ва мен улар билан учрашдим. Улар билан учрашганим учун Худога шукрона айтаман, чунки янгитдан қандай яшай бошлашни менга кўрсатиб бердилар.

— Сиз Ҳақиқий Муҳаббат сирларини назарда тутяпсизми? — сўради йигитча.

— Ҳа. Умримда муҳаббат бўлмаганининг асосий сабабини билдим. Мен ўзимни яхши кўрмаганман. Шу сабабли Ҳақиқий Муҳаббатнинг иккинчи сири... хурмат қуввати мен учун ғоят муҳим бўлди.

Қаранг, ҳеч кимни хурмат қилмаганман. Агар хурмат қилмасанг, суймас экансан. Кимнидир ёки ниманидир севиш учун аввал уни хурмат қилиш керак. Авваламбор ўзингни хурмат қилишинг даркор. Агар ўзингни хурмат қилмасанг, демак, ўзингни севолмайсан ҳам; агар ўзингни севмасанг, ўзгаларни севишинг мушкул.

Йигит нималарнидир ёзар, Милли эса сўзини давом эттирарди.

— Мендаги энг катта муаммо шундан иборат эдики, ўзимни севмасдим ҳам хурмат қилмасдим ҳам.

— Нима учун?

— Бунинг негизи болалигимда, деб ўйлайман, — тушунтирди Милли. — Мен ноқонуний туғилган бола эдим. Уч ёшга тўлганимда онам турмушга чиқди. У мендан доимо номус қилар, ўғай отамнинг мени кўрарга кўзи йўқ эди. Эсимда, олти ёшлигимда онам сингилларимни кучаётганида уларнинг ёнига югуриб бориб, мени ҳам кучоқлашини истардим. Тўсатдан орқамга келиб тушган зарбдан ерга йиқилдим. Тепамда турган ўғай отамнинг қаҳрли юзини ҳеч унутмайман, у деди: «У энди менинг болаларимнинг онаси, сен валади зино, тур, йўқол!»

— Онангиз нима деди? — сўради йигитча.

У эшитаётганларига ишониш қийин эди.

— Онам мутлақо ҳеч нима демади. У менга умуман ҳеч қандай эътибор бермай, худди мен йўқдай, сингилларим билан шуғулланарди. Ота-оналарнинг шунчалар жоҳил бўлишларига ишониш қийин, тўғрими? Лекин мен ота-оналаримдан ҳам кўпроқ зулм келтирган кишиларни учратганимни тасдиқлайман. Мени тез-тез калтаклардилар, деёлмасам ҳам, муҳаббатдан ҳам эркаланишдан ҳам насиб этмаган. Нима бўлганда ҳам, ўз ота-онам менга заррача эътиборсиз, ўзларидан нари итаравардилар.

Ўзимни ташландик, абгор, суйимсиз ҳис қилардим, шу боис ҳаётни ёмон кўрардим. Бу кенг тарқалган муаммолигини биласиз. Кўп кишилар ўзларини қадрламайдилар. Уларга ўзларининг ташқи кўринишлари, овози ёки ақл даражаси ёқмайди ва шу сабабли ўзларига нисба-

тан ҳурматни йўқотадилар ҳамда бошқалар билан солиштирганда ўзларини номукамал деб ҳисоблайдилар. Мана шу сабабдан мен ўзга киши муҳаббатини ҳис этишимдан олдин, ўзимни қадрлай билишга ва севишга ўрганишим керак эди.

— Ўзингизни қадрлашга қандай ўргандингиз? — сўради йигитча.  
— бу осон бўлмагандир?

Милли кулимсиради.

— Сиз ҳақсиз. Бу доим ҳам осон бўлмайди, лекин амалга ошиши мумкин. Ўзгалар сен ҳақингда нима дейишидан қатъи назар, ўз қадрингга этишни ўрганиш керак. Ер юзида ҳар бир кишининг ўз ўрни борлигига ишониш керак. Ҳар биримиз ноёбмиз. Масалан, ҳеч замонда айнан сиздай инсон бўлмагани ва бундан кейин ҳам бўлмаслигини яхши биласиз. Фақат шунинг учунгина ҳар қандай умр кечираётган инсон, — у бойми ёки қашшоқми, оқми ёки қорами, эркакми ёки аёлми, — ҳурмат қилинишга лойиқ. Диний мазҳаблардан бирида ажойиб қадимий гап бор: «Бир кўнгилни халос этган бутун оламни қутқаради». Бунинг маъноси, ҳар бир киши бебаҳо унинг танасининг ранги, қайси динга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эгадир.

— Буларнинг барчаси назарий жиҳатдан яхши эшитилади, лекин амалда бошқачароқ кўринади, — деди йигитча.

— Албатта, барча нарса ҳақида шундай дейиш мумкин, — жавоб берди Милли. — Лекин бунинг иложи йўқ дегани эмас-ку. Менки буни эпладим, ишончим комилки, ҳар бир киши удалайди. Лекин ўзингизда ва ўзгаларда қадрлашингиз мумкин бўлган чизиқни топиш даркор.

— Нималар деяпсиз? — сўради йигитча.

— Бизнинг миямиз — бу ақл бовар қилмас машинадир, ҳатто бугун, ҳозирги замон тиббиёти тараққиёти чоғида ҳам унинг имкониятларининг фақат кам қисминигина биламиз. Миянинг бемисл қобилиятларидан бири — ҳар қандай қўйилган саволга жавоб топишидир. Шунга кўра, масалан, ўзингиздаги қайси жиҳатларни қадрлайсиз ва сеवासиз, дея ўзингизга савол берсангиз, миянгиз жавоб беради. Аслида кекса хитой менга айнан шу саволни берди. Аввалига ўзимдаги ҳеч қайси жиҳатларни қадрламаслигим ва ёқтирмаслигимни айтдим.

Шунда у деди:

«Биламан, лекин ҳар ҳолда бирон нима бордир, бор бўлса, у нима?»

Мен бу ҳақда бироз ўйлаб турдим ва миямга бир қанча нарсалар келди. Ақлим бутунлигини билардим, мактабда энг яхши ўқувчи эдим, ёлғизликда тирик қолишга муваффақ бўлганим учун ўзимни қадрлардим, шунчалик мушкул аҳволда қолганимга қарамасдан, ҳеч қачон ҳеч кимни тунаб, бировни алдаганим йўқ. Аста-секин ўзимга тузукроқ муносабатда бўла бошладим.

Йигитча ёндафтарчасига нималарнидир ёзиб, доктор Хопкинсга нигоҳини қаратди.

— Ўзингиздаги қайси сифатлар туфайли қадрлашингиз ва яхши кўришингизни сўраш — ўзингизга нисбатан ҳурмат ҳиссини пайдо этиш ва ривожлантириш услубидир. Нима бўлмасин, у менга аниқ ёрдам берди. Агар менга ёрдами тегибдими, демак, ҳар бир кишига кўмаклашади. Шу сабабли «Ўзимдаги қайси жиҳатларни қадрлайман?» деб сўрасангиз, миянгиз жавобларни беради.

— Бордию бермаса-чи?

— Ҳар доим нимадир бўлади ва кўпинча ақлга бир нечта нарса дарҳол келади. Масалан, балки сиз ҳалоллигингиз, ишингиз борлиги ёки мунтазам равишда жисмоний машқлар бажаришингизни қадрларсиз. Ўзингиздаги ҳурмат қиладиган қандай бўлса ҳам, нима бўлиши аҳамиятсиз, нимадир топинг. Яна ўзга кишилар, айниқса, сиз ёқтирмайдиган одамлар тўғрисида ўзингизга шу саволни бериш фойдали.

— Нимага энди? — сўради йигитча.

— Чунки ақлингиз уларнинг сизга ёқмайдиган жиҳатларга эмас, балки сиз қадрлайдиган фазилатларига марказлашади. Бу рўй берган чоғда уларга муҳаббат билан муносабатда бўлишни ўрганасиз.

— «Муҳаббат билан» деганда нимани назарда тутаяпсиз?

— Уларга нисбатан меҳрибонлик ва эътибор билан муносабатда бўлишни. Кўп кишилар бошқалар билан худди менсимагандек муомала қилишларини кўпинча пайқаб қоламиз, — давом этди доктор Хопкинс, — аслида эса ҳаммамиз ягона Яратгандан пайдо бўлганмиз. Ҳаётда йўл қўйиш мумкин бўлган энг ёмон хатолардан бири — бу айрим олинган бир инсоннинг кучини тўғри баҳоламасликдир. Ҳар бир одам оламни ўзгартиришга қобилиятли ва у ўзича ҳақиқатдан ҳам уни озроқ ўзгартиради. Биз ҳар бир одамни қадрлаб ва ҳурматласак, у билан бошқача муомала қила бошлаймиз.

Ёдимда, кўчаларда сарсон-саргардонликда юрган чоғимда, бир куни уй йўлагиде ухлаб қолсам, тунда уйғониб кетдим ва қарасам, бир полициячи юзимга сийиб турибди.

— Нима? — хитоб қилди йигитча. — Бундай қилишга қандай ҳадди сизди?

— Ҳойнаҳой, у мен каби шундай уйсиз кишиларга фақат нафрат ҳиссини сезган бўлса керак, — деб жавоб берди доктор Хопкинс. — У менга инсон сифатида ҳеч қандай ҳурмат сезмаган ва тепамда туриб, устимдан кулганини ҳеч қачон унутмайман. Унинг учун бу қилиғи ажойиб ҳазил эди.

Жаҳондаги кўп муаммолар ўзимизга, ўзгаларга, умрга нисбатан ҳурматимизни йўқотганимиз туфайли вужудга келишига аминман. Натижада бизда муҳаббат йўқолади. Бунинг оқибатларини бутун жаҳон бўйлаб кўриш мумкин — араблар ва яҳудийлар, қора ва оқ танлилар, протестант ва католиклар — агар биз фақат бир-биримизнинг эътиқодларимизни ҳурмат қилганимизда, бир-биримизни яхши кўра бошлардик.

Ўз шахсий қадрингизни англаган чоғингизда сиз ўзга кишилар қадрини тушуна ва ҳурмат қила оласиз. Ва бировни ҳурмат қилган чоғингизда, уни яхши кўра бошлайсиз. Масалан, мен ўзимни ҳурмат қилиш ва севишни ўрганган чоғда бошқа кишилар билан муомала қилиш ёқадиган бўлди. Мен инсонларда ҳурматга лойиқ жиҳатларни излаганимда, уларга нисбатан муносабатим ўзгарар ва уларга муҳаббат билан қарашим осонлашарди.

Йигитча нималарнидир ёзаркан, ўзича жилмайиб қўйди. Бу шу қадар оддий ва шунчалар оқилона экан, лекин у авваллари муҳаббат ва севги муносабатларини яратишда ҳурмат роли хусусида ҳеч қачон ростдан ҳам ўйламаган экан.

— Лекин, менга шуни айтинг-чи, — қизиқиб сўради у. — Кўчада яшаб юриб, қандай қилиб профессор бўла олдингиз?

Доктор Хопкинс кулимсиради.

— Кекса хитой рўйхатидаги бир аёл роҳиба бўлиб чиқди. У ажойиб инсон эди ва менга ёрдам бериш учун жуда кўп иш қилди; у мени

кўчадан олиб, маҳаллий монастирда яшашимга жой топиб берди. У ерда яшашим эвазига уй ишларини бажаришга келишдик: овқат пиширардим, боғда ишлардим, тозалардим. Ҳамма ишни бажарар эдим. Биринчи кунданоқ мени роҳиба опалардан бири, уларнинг оиласи аъзоси каби қабул қилишди. Улар ҳеч қачон мени пасткаш пиёниста ёки тубан аёл деб ҳисобламаганлар; улар учун мен шунчаки ёрдам бериш зарур бўлган яқин киши эдим ва улар кўмаклашардилар. Мен учун бу янги тажриба эди — ҳаётимда илк бор ўзимни кимгадир керакли деб ҳис қилдим.

Айни шу роҳиба менга ўқишимни давом эттиришни маслаҳат берди. Менга ажойиб ақл инъом этилганини, ундан фойдаланишим зарурлигини айтди. Шу пайтгача ҳеч ким мени рағбатлантирмаган эди. Кечки мактабга бордим. Монастирда менинг ҳаракатларимни ҳамма қўллаб-қувватларди ва етти йилдан кейин биринчи даражадаги имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлдим. Кейинги йил магистр даражасини олдим, уч йилдан кейин эса доктор даражасини беришди. Бу умримда энг ажойиб ва эсда қоладиган кун бўлди. Монастирдаги барча опа-сингиллар тадбирга келишди ва менинг исмимни чақирганлари ва диплом олиш учун саҳнага чиққан дақиқани ҳеч унутолмайман. Менга диплом топшираётганларида томошабинлар томонга ўтирилдим; йигирма чоғли роҳиба табассум қилиб, қарсақ ва хуштак чалишарди. Саҳнадан тушаётганимда аудиториянинг нариги чеккасида турган яна бир кишига кўзим тушди. Бу кекса хитой эди, у қўлларини кўтарди ва менга қарсақ чалди, унинг чеҳрасида табассум барқ урарди.

Шу куни кечкурун йигитча Милли Хопкинс билан учрашув чоғида ёзганларини хулосалаб қўйди:

### **Ҳақиқий Муҳаббатнинг иккинчи сири — хурмат қуввати**

Бировни севиш учун аввал уни хурмат қилишни ўрганинг.

Авваламбор ўзингизни хурмат қилишингиз керак.

Ўзингизга хурмат уйғотиш учун ўзингиздан: «Ўзимдаги қайси хислатларни қадрлайман?», — деб сўранг.

Ўзгаларга, ҳатто сиз ёқтирмайдиган кишиларга хурмат уйғотиш учун ўзингиздан: «Уларнинг қайси жиҳатини қадрлайман?» деб сўранг.

### *Учинчи сир*

### **ҲАДЯ ҚУВВАТИ**

Жеральдина Вильямс хонимнинг бахт ва муҳаббат учун кураши она заҳмидан оёқларисиз ва фақат биргина қўл билан пайдо бўлган чоғданоқ бошланган эди. У олтмишинчи йилларда талидомид фожиасида абжағи чиққан минглаб гўдаклардан бири эди. Ҳомиладор аёлларга ичишга буюрилган тинчлантирувчи восита уларнинг фарзандларида даҳшатли жисмоний бузилишлар вужудга келишига сабаб экани маълум бўлди.

Ногиронлар аравачасида ўтирган Вильямс хоним протезланган кўлини кўришиш учун узатган чоғда йигитча ўзини нокулай сизди.

— Кўнғироғингиздан шундай қувондимки, — деди Вильямс хоним, йигитчанинг нокулай аҳволдалигига эътибор бермай, уни ўз хонасига бошларкан. — Кекса хитой билан учрашганимдан бери ўн йилдан кўп вақт ўтса-да, бу учрашувни худди кечагидек хотирлайман.

Вильямс хоним йигитчани диванга ўтиришга ишора қилди ва аравачасини унинг рўпарасига ўрнатди.

— Мен уни ёз оқшомида боғда учратгандим. Бу коллежда рақс кечаси бўлаётган кун эди. Куёш ботар чоғида, шу аҳволимда ота-онамдан бошқа ҳеч ким яхши кўрмаслигини ўйлаб ўтирганимни эслайман. Қачонлардир биров мени рақсга таклиф этишини шунчаки тасаввур ҳам этолмасдим. Шунда йиглаб юбордим.

Тўсатдан мендан ҳол сўраётган эркак кишининг товушини эшитиб қолдим. Нигоҳимни ердан узиб, ёнимда турган кишига қарадим... у кекса хитой эди. У кўз ёшларимни артиб олишим учун дастрўмол берди ва ёнимдаги ўриндиққа ўтирди. У мен томон кўлини чўзиб, кўлимдан оҳиста тутди ва деди:

— Балки сизга ёрдамим тегар?

— Менга ҳеч ким ёрдам беролмайди, — дедим тўнғиллаб.

— Нега энди? — сўради у.

— Менинг муаммоларимни ҳал этишга қодир ҳеч ким йўқ, — дедим.

— Менинг мамлакатимда, — деди у, — ҳар бир янги муаммо ўзи билан бирга умрни бойита олувчи каттароқ ҳаля келтиради, деб ҳисоблайдилар.

— Сизни ишонтириб айтаманки, мендаги муаммода умримни бойита оладиган ҳеч нарса йўқ, — дедим.

— Бир дўстим бор, — деди у, — жуда ажойиб инсон. Ўн йил аввал мотоциклда кетаётган чоғида бирдан рўпарасидан юк машинаси учиб чиқди. Тўқнашмаслик учун қайрилишнинг ҳеч имкони топилмай, ҳаётини асраб қолиш мақсадида машинанинг ёнидан сиқилиб ўтмоқдан ўзга чораси бўлмаган. Машина биқинидан сирғалиб ўтиб, йўлда кетаётганида бензобак қопқоғи очилиб кетиб, лаҳза ичида олов ичида қолади. Уч кундан сўнг хушига келиб уйғонган чоғида танасининг 70 фоизи учинчи даражада куйгани оқибатида аччиқ оғриқлар унга азоб берарди. Унинг юзи балбашара, бармоқлари куйган, белидан пастини қимирлатолмасди.

Лекин унда кўпчиликда бўлмаган жиҳат — бўйсунмас руҳ бор эди. Ҳатто унинг хотини ташлаб кетганидан кейин ҳам, — у билан яшашни истамагани туфайли, уни «куйган мажруҳ» деб атарди, — умр кечиришни давом эттиришга матонат топди ва охир-оқибатда миллионер бўлди. Бу махлуқдай бадбашара одам ногиронлар аравачасида ўтирар, ҳатто бармоқлари ҳам куйиб кетган эди. Бундан-да ортиқроқ майибликни тасаввур этиш қийин. Танишларидан ҳеч бирови унинг меъёрдаги умр кечириши ёки унинг устига ўз муҳаббатини топишига ишонмасди. Албатта, у қаҳри қаттиқ, ўз тақдирдан хафа ва жаҳлдор бўлиб кетади, — дердилар улар. Ахир нима ниятда умр кечира олсин? Биласизми, уларнинг ҳаммаси янглишдилар. У қаҳри қаттиқ ҳам бўлмади, хафа ва жаҳлдор ҳам бўлмади, чунки қалби аввал ҳам қандай бўлса шундай қолганини биларди. Унинг интила олиши мумкин бўлган орзулари қолди ва у уларга интилди. У жуда муваффақиятли бизнесменга ва уни танийдиган барчага илҳомлантирувчи манбага айланди. Ҳатто ундан-да кўпроғи, у ўзининг орзусидаги аёлни учратди ва унга уйланди!



Мен кекса хитойга ўгирилдим.

— Шундай киши ростдан ҳам борми? — сўрадим.

— Бу одам ҳаётига оддий ва тўғри муносабатда бўларди: ҳаётни ёки ўлимни танлаш мумкин. У ўлимга тайёр эмасди.

Шунда чолдан дўсти муҳаббатини топишнинг қандай йўлини амаллаганини сўрадим. Қария гўё бу ўз-ўзидан бўлган каби деди:

— Ҳар қандай инсон каби. У Ҳақиқий Муҳаббат сирларига амал қилган.

— Ўшанда мен илк бор бу сирлар тўғрисида эшитдим; кекса хитой айтганидек, ўнта тамбйил ёрдамида ҳар бир инсон умрига нафақат оддий муҳаббатни, балки беҳад кўп муҳаббатни киритиши мумкин.

— Тўғри бўлиб чиқиши учун қулоққа жуда ёқимли эшитилади, — деди йигитча.

— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим, лекин бу сирлар менга амалда ёрдам берди. Агар улар менга кўмаклашган бўлса, демак, ҳар бир инсонга ёрдами тегиши аниқ.

Ҳаётимга энг кучли таъсир этган сир... ҳаля қуввати бўлди.

— Ҳаля? — такрорлади йигитча.

— Ҳа. Мен учун ҳаля — бу барча сирлар орасида энг ажойиби, ахир у шунчалар оддий — агар муҳаббат олишни истасангиз, уни фақат ҳаля қилишингиз мумкин. Қанча кўп ҳаля этсангиз, шунча кўп ўзингиз оласиз.

— Сўзларингиз маъносини унчалик англолмаяпман, — деди йигитча ўзининг доимий ҳамроҳи бўлган ёндафтарчаси ва ручкасини олиб. — Мисол келтира оласизми?

— Сиз бировга табассум билан қарасангиз, одатда нима рўй беради?

— Менга ҳам жилмадилар, — жавоб берди йигитча.

— Агар кимнидир кучоқласангиз, у албатта сизни бағрига босади. Яхши сўз, совға, телефон қўнғироғи, мактуб... нима бўлса ҳам, инсонга у ҳақда қайгураётганингизни кўрсатсангиз, у сизга қайтиб келади.

— Лекин ҳар бир киши ҳам шундай жавоб бермайди-ку, — деди йигитча.

— Ҳар бир киши эмас, лекин кўпчилик. Муҳаббат бумерангга ўхшайди, у доимо ўзингизга қайтиб келади. Балки ҳар доим ҳам сиз берган кишидан қайтмас, лекин барибир у сизга қайтади.

Лекин доимо шуни эсда тутиш керакки, моддий мулк ва пулдан фарқли равишда, бизда муҳаббат заҳирасининг чек-чегараси йўқ. Биз уни ҳаля этганда йўқотмаймиз. Аслида муҳаббатни йўқотишнинг ягона усули ичимизда — бу уни бошқаларга бермаслик.

— Лекин айрим кишиларни яхши кўриш бу вақтингиз ва қувватингизни беҳуда совуриш билан тенг, — деди йигитча.

— Нима учун? — сўради Вильямс хоним.

— Чунки кўп кишиларнинг ичи нафратга тўла. Уларнинг қалби бўм-бўшдек.

— Ижозатингиз билан сиздан шуни сўрасам, — деди Вильямс хоним. — Мабодо сизда ажабтовур гуллайдиган ўсимликлар ва гулларнинг уруғи бўлса, уларни қаерга экардингиз? Ажойиб ўрмонларгами, яшнаган қалин кўм-кўк майсазорларгами ёки бий далагами?

— Нимага шаъма қилаётганингизни унчалик тушунолмаяпман, — деди йигитча.

— Айтмоқчиманки, қандай ерга кўпроқ уруғ қадан зарур ва қандай ерда уруғлар сезиларли натижа беради?

— Бий далада.

— Яшанг. Агар уруғлар муҳаббат бўлса-чи, улар кўпроқ қаерда керак? Муҳаббатга тўла юраклардами ёки ёлғиз, қаҳри қотган, муҳаббатга ташна қалблардами?

— Нима демоқчилигингизни энди тушундим, — деди йигитча. — Лекин бу ҳар доим ҳам бунчалик оддий эмас-да.

— Табассум қилиш учун хўмрайишга қанча куч зарур бўлса, шунча қувват сарфлайсиз; дўстона қўллаб-қувватловчи сўз айтиш учун танқидга қанча вақт кетса, шунча вақт зарур. Бошқаларга муҳаббатли муносабатда бўлишни танлашимиз бемехр ёки лоқайд бўлиш каби осон.

Муаммолардан бири шуки, бизлардан кўпчилигимиз биринчи бўлиб ҳадя этишни истамаймиз, бизга берганларидан кейин берамиз. Муҳаббат кўпдан-кўп тама билан берилади; «Мени севган тақдирдагина сени севаман», — деймиз. Ўзга киши биринчи қадам қўйишини ҳар доим кутамиз. Одамлар муҳаббатни бошдан кам кечиришларининг сабабларидан бири ҳам то уларни кимдир севиб қолмагунга қадар кутиб юраверишларидир. Бу мусиқачининг: «Одамлар рақс туша бошлаганларидан сўнг мусиқа чаламан» дейишига ўхшайди.

Ҳақиқий муҳаббат тамасиз, у эвазига ҳеч нима сўрамайди. Бир куни суяк илигини кўчириб ўтказиш зарурияти бўлган кичик қизалоқ ҳақида ажойиб воқеани ўқиб қолдим. Унинг бахтига укасининг қони тўғри келаркан. Шифокорлар болакайга агар янги қон қуйилмаса, опаси нобуд бўлиши мумкинлигини тушунтиришди. Лекин ҳар қандай қон тўғри келмаслиги, айнан унинг қони зарурлигини айтдилар. Болакай ҳеч шак-шубҳасиз опасига ёрдам беришга рози бўлади. Лекин наркоз беришларидан олдин болакай жарроҳдан сўради: «Мен ўлганимда оғриқ сезаманми?» Ҳали етти ёшга тўлмаган кичкинтой ўзининг ҳамма қонини ва демак, опасини қутқариш учун ўзининг умрини ҳам бераётганини ўйлаган. Энди сиз шу боланинг опасига бўлган муҳаббатидай тоза, ҳақиқий меҳрни топа оласизми?

— Ҳа. Лекин оилангиз аъзоларини яхши кўриш осонроқ, тўғри-ми?— деди йигитча.

— Шарт эмас. Айрим кишилар ўз оила аъзоларини нафақат яхши кўрмайдилар, балки уларни кўрарга кўзлари йўқ.

Йигитча бош ирғади. У бола чоғида ҳеч ким назарга илмай, унга заррача эътиборсиз ўсган ва ўз оиласига нисбатан нафрат билан катта бўлган, Милли Хопкинсни эслади.

— Ҳаммамизни ягона Худо яратган, — давом этди Вильямс хоним. — Барчамиз бир қон ва жисмдан иборатмиз. Аслида барчамиз бир оила аъзоларимиз. Назаримда, муҳаббатнинг маънисини ҳам бошқаларда ўзингизни кўра билиш қобилияти борлигида.

— Шундай, кўрдингизми, агар Ҳақиқий Муҳаббатга етиш ниятида бўлсангиз, сиз ҳеч бир гап-сўзсиз, эвазига ҳеч нима талаб этмай муҳаббатни ҳадя этишга ҳозир бўлишингиз даркор. Акс ҳолда бу муҳаббат эмас. Совға — агар у пул эвазига берилса, совға бўлмайди, муҳаббат эса шарт билан берилса, муҳаббат бўлмайди. Шу сабабли ҳадя ва муҳаббат қувончини туйишнинг мўъжизавий усулларидан бири — шунчаки яхши иш қилиш амалидир.

— Нимани назарда тутяпсиз? — сўради йигитча.

— Шунчаки яхшиликлар қилиш, ҳаёт қувончларидан ташқари ҳеч қандай бошқа сабабларсиз, ўз-ўзидан ҳадя қилиш. Кўчада ғамгин кўринган одамни кўриб, унга гулдаста совға қилиш. Ёки бировга ширин сўз айтиб, унинг кайфиятини кўтариш. Инсонни ажаблантирадиган ва унинг чеҳрасида табассум уйғотадигани — бу шунчаки

меҳрибончилик кўрсатиш ва бу муҳаббатни яратади. Бу муҳаббатни қайси инсонга берган бўлсангиз, албатта унда бутун умрга қолади.

Йигитча қисқа ёзувлар ёзди. Унга «Яхшиликларни шунчаки қилинг» деган сўзлар ёқиб кетди.

— Шунчаки ҳада этиш ва яхшиликни «шунчаки» қилиш ҳаётингизга ростдан муҳаббат киритишига кўмаклашди, деб ҳисоблайсизми? — сўради у.

— Албатта. Бу ўзимга нисбатан муносабатимни ўзгартирди. Умр бўйи ўзимни қурбон санардим, лекин ҳада қилиш қуввати ёрдамида, гарчи мажруҳ бўлсам-да, бошқалар учун қилишим мумкин бўлган кўп нарса борлигини ва ўзгалар ҳаётини яхши томонга анчагина ўзгартира олишимни тушуниб етдим.

Сиз қачон бўлса ҳам, бировга шунчаки қайғуриб, ҳеч қандай яшириқ мақсадсиз, беғараз нимадир қилганмисиз?

Йигитча бош ирғади.

— Албатта.

У бир неча ҳафта олдин ёшгина жувон зинапоядан юқорига арава-чани қийналиб итараётганидаги воқеани хотирлади. Ҳамма ишга шошаётгани боис, уни пайқамай, ёнидан ўтиб кетишарди. У тўхтаб, аёлга аравачасини зинапоядан чиқаришга кўмаклашиб юборди.

— Ўзингизни қандай ҳис қилгансиз? Ўзингиздан хурсанд бўлгансиз, шундайми?

Йигитча яна бош ирғади. У ўзида йўқ шод эди. Аёлга ёрдам бергани унга қувват бағишлагандек эди.

— Бу ҳада қуввати, — деди Вильямс хоним. — У нафақат муҳаббатни ҳис этиш, балки ростакамига севги муносабатларини куришга ёрдам беради.

— Нима учун? — сўради йигитча.

— Бу оддий: ўзаро муносабатларда нимани олишга эмас, балки нимани беришга эътибор берсангиз, ҳеч янглишмайсиз. Барча ўзаро муносабатлар мазмун-маъноси бериш ва олишда, розимисиз?

— Ҳа.

— Мабодо беришга нисбатан кўпроқ олишни истасангиз, ҳар қандай муносабатларда, албатта, муаммоларга дуч келасиз. Бошқа томондан, жуфтингизга нима бера олишингиз ҳақида ўйласангиз, зинҳор янглишмайсиз. Бир умрлик ўзаро муносабатларга киришишдан аввал кўпчилик фақат жуфти унга нима қила олиши тўғрисида ўйлайди. Агар улар бошқа тарафдан қараб, «Мен жуфтим учун нима қила оламан?» деган савол берсалар, улардан шунчаки нима олишга эмас, ўзаро муносабатларга қандай ҳисса кўшишга эътибор берган бўлардилар. Бундай яхши кўриш муносабати жуфтликда фақат муҳаббат яратишга ёрдам бера олади.

Йигитча шу ҳақда ўйлаб кўрди ва қанчалик кўп ўйлаган сари, унга бу шунчалик оқилона туюларди. У доимо муҳаббатни ўзга кишилардан олиш мумкин деб ҳисобларди. Севги ҳиссини бериб туйиш мумкинлиги унинг калласига ҳеч келмаганди. Эҳтимол, у аввалги ўзаро муносабатларда айнан шунда янглишгандир; у ўзга бировга нимадир бера олиш тўғрисида эмас, фақат жуфтидан унга нима кераклиги ҳақида ўйлаганди.

— Беш йил илгари бўлиб ўтган мутлақо ақл бовар қилмас воқеани сўзлаб беришимга ижозат берсангиз. Мексикадаги дориларга боғлиқ жанжал ҳақидаги телевизион хужжатли фильм кўриб ўтирардим. Фарб мамлакатларида ман этилган талидомид 25 йил ўтса-да, ҳали ҳам шундай буюриларди.

— Бунга ақл бовар қилмайди, — деди йигитча бошини чайқаб.

— Биладан. Кўзларимга ишонмасдим. Шунчалар кўп гўдаклар бе-маъни ва даҳшатли тарзда бадбашара этилганлар. Бир миттигина қизалоқ диққатимни ўзига тортди. У етти ё саккиз ёшларда бўлиб, худди мендек оёқсиз туғилган, лекин шу билан бирга унинг юзи ҳам бадбашара эди. У ўзини эплашга ўрганган бўлса-да, мунтазам оғриқ сезар ва унинг юзи гоёт гамгин кўринарди.

Қизалоқ меърида ҳаракатланиши ва юзини косметик операциясига зарур бўлган тиббий даволанишга чораси йўқ қашшоқ оиладан эди. Унинг протезлари гоёт ибтидоий бўлгани етмагандек, ёмон қўйилган ва жуда ноқулай эди. У оғриқдан юришга қийналар, протезларини ечмасдан ўтиролмасди. Ишонасизми, мактаб автобуси ҳайдовчиси унга сунъий оёқларини ечмасдан ўтиролмаслиги сабабли автобусда юришга рухсат этмабди!

Йигитча бу гапга ишоналмасдан бошини чайқади.

— Мен унга ёрдам бериш кераклигини дарҳол англадим. Бир куни муҳаббат — фақатгина ўзингни бошқаларда топа олишинг ва ўзингни танигандан қувонишингдир, деб ўқигандим. Шу пайтгача бунинг маъносини ҳақиқатда англамагандим. Мен бу қизалоқда нафақат шунчаки мажруҳ ва омадсиз қизни, балки унда ўзимни кўрдим. Бизни умумий майиблик боғлаб турарди. Умримда биринчи бор азобларимнинг қандайдир мақсади борлигини ўйладим.

Кейинги бир неча ой давомида бу қизалоқ учун янги сунъий оёқлар ясаш ва унинг ўтира олишига ёрдам берадиган зарурий физиотерапевтик даволашга пул йиғиш кампаниясини бошладим. Унинг жисмоний бадбашаралигини тўғрилаш учун пластик операция қилишга ёрдам беришни ҳам беҳад истардим. Шу боис кечалар, лотереялар, хайрия бозорлари ташкил этардим ва кимдан бўлса ҳам, қаердан бўлса ҳам хайрия маблағлари сўрардим. Саккиз ойдан кейин маблағ йиғдим ва ҳатто йирик жарроҳ-косметологни зарурий операцияни бепул қилишга кўндирдим.

Даволаш чоралари ва янги оёқлар қўйилганидан сўнг у билан учрашишга бордим ва у мени кўргани заҳоти кўзларида тўла ёш билан бўйнимдан маҳкам қучганча хитоб қилди: «Раҳмат, раҳмат, раҳмат», бу такрор ва такрор давом этди. Ўшанда шунчалик муҳаббатни илк бор ортиғи билан сездимки, ўзимни тутолмай хўнграб йиғлардим. Бу қизни бағримга босганча ўша кундагидай ҳеч қачон авваллари қувончдан йиғламагандим.

Кекса хитой мендан: «Кимда майиблик кўпроқ? Юролмайдиган ёки гапиролмайдиган, эшитолмайдиган ё кўролмайдиганми ёхуд кулиш, йиғлаш ва севиш қобилиятидан маҳрум кимсадами?» дея сўраган чоғида нимани назарда тутганини фақат ўшанда англай бошладим. Мен биринчи бор англадим, ҳатто менинг мажруҳлик жисмоний ҳолатимда ҳам, бошқа ҳамма кишилар сингари, мен ҳам иччимдан худди шундай эканман. Шу куни шахсий қийинчиликларим ва оламдаги барча ёлгон ва оғир меҳнатга қарамасдан, юрагимизни муҳаббатга тўлдиролсак, ҳаёт шунчалик ажойиб бўлиши мумкинлигини англадим.

Бир йилдан сўнг меҳрибон, гамхўр, ажойиб инсон бўлган эркакни учратдим. У мен бориб турадиган маҳаллий жамоатчилик марказида ижтимоий ходим эди. Биз дарҳол бир-биримизга ёқдик, нима бўлганини билмайман-у, лекин биринчи нигоҳданоқ нимадир содир бўлди. Тез орада биз яқиндан дўстлашиб қолдик ва бир неча ой ўтиб, ҳақиқатда мен орзу этган мўъжиза рўй берди... у мени рақсга таклиф этди.

Бир йилдан кейин турмуш қурдик ва ҳозир икки нафар ажойиб фарзандимиз бор. Мана, кўрдингизми, кекса хитой ҳақ эди — ҳар бир муаммо ўзи билан бирга умрингизни бойита оладиган каттароқ ҳада олиб келади. То ўзингизнинг бир бўлагингизни ҳада қилишга қодир экансиз, то нима биландир бировга ёрдам бера оларкансиз, муҳаббатни топишга лаёқатлисиз.

Шу кун ийигитча Вильямс хоним билан учрашган чоғда ёзганларини қайта ўқиб чиқди.

### **Ҳақиқий Муҳаббатнинг учинчи сир — ҳада қилиш қуввати**

Муҳаббатга эришмоқчи бўлсангиз уни оддийгина ҳада этиш зарур! Қанча кўп меҳр берсангиз, уни шунча кўп оласиз.

Севиш — ўзингизнинг бир парчангни бепул ва беминнат ҳада этиш демакдир.

Меҳрингизни осонгина амалда кўрсатинг.

Ўзаро муносабатларга киришишдан аввал ўзингиздан биров сизга нима бера олиши тўғрисида эмас, сиз унга нима беришингиз мумкинлигини сўранг.

Бутун умр давом этувчи бахтли сеvgи муносабатларининг сирли ифодаси доимо нима олиш мумкинлигига эмас, нима бера олишингизга эътибор қаратишдан иборат.

### *Тўртинчи сир*

## **ДЎСТЛИК ҚУВВАТИ**

Ийигитчанинг рўйхатидаги тўртинчи одам Вильям Бэкмен эди. Жаноб Бэкмен мақолалари матбуотда мунтазам кўришиб турадиган эркин журналист эди. Шунингдек, «Дўстлар ва севишганлар» бестселлери ҳам унинг қаламига мансуб эди. У бўйи баланд, озғинроқ, юз калаваси узунчоқроқ, ийигитни ўз уйида кутиб олаётганидан чеҳрасида қувонч барқ урарди.

— Ҳақиқий Муҳаббат сирлари, — тан олди жаноб Бэкмен, — ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди. Мен билан умргузаронлик қиладиган инсонни топиш умидида ўша ягона ўзига хос ўзаро алоқаларни ўн йилдан ортиқ изладим. Узоқ муддат давомида бу ҳеч қачон рўй бермайдигандек туюларди. Лекин Ҳақиқий Муҳаббат сирларини ўзлаштириб олганимдан бир йил ўтгач, нафақат орзуимдаги аёлни топдим, балки бунинг устига, оилам ва дўстларим билан муносабатларим буткул ўзгарди.

— Қандай қилиб ўзгарди?

• — Биласизми, барча ўзаро муносабатларим қалинлашди ва мустаҳкамланди.

Ийигитча гумонсираб турарди.

— Бу сирлар ҳаётингизга шунчалар қаттиқ таъсир кўрсатдимми? Жаноб Бэкмен жилмайди.

— Худди шундай. Биламан, бу хаёлпарастларча эшитилса-да, уларни синаб кўрганингизда, сўзларим чинлигига ишонасиз.

Гарчи ҳар ўнги сир турлича кўмаклашган эса-да, биттаси, айниқса муҳим экани маълум бўлди, ҳойнаҳой, мен учун энг кераги бўлса чиқар. Бу... дўстлик кучи эди.

— Дўстлик кучи? — такрорлади йигитча. — Айнан нимани назарда тутяпсиз?

— Биласизми, одатда севгининг маъниси икки инсон орасидаги романтик алоқада, деб ҳисоблардим, мени тўғри тушунинг, бу аслида шундай. Лекин муҳаббат — бу бошқа кўп нарса ҳамдир. Унинг маъниси бир-бирига зарур келганда ёнма-ён бўлишда, шунинг учун ҳақиқий муҳаббат оддий романтик алоқадан ортиқроқ — бу яна дўстлик ҳамдир.

Йигитча ён дафтарчасини олиб, ёза бошлади, жаноб Бэкмен эса сўзида давом этарди.

— Бошқа кўп кишилар сингари яхши кўриб қолишим мумкин бўлган қизни қайда имкон бўлса, шу ерда, ҳамма жойда излардим. Мен ёлғиз кишилар йиғиладиган жойларга, кечалар ва тунги клубларга борардим ва гарчи кўп аёллар билан учрашиб, танишсам-да, барибир тилганимни учратолмадим. Бир куни оқшом пайтида шаҳар марказидаги қаҳвахонада ёлғиз ўтирганимни хотирлайман, тўсатдан ёнимдаги стулда кекса хитой пайдо бўлиб қолди.

У стаканини кўтарди ва «Салом» деди, мен ҳам унга жавобан стаканимни кўтариб қўйдим. Биз сўзлашиб кетдик. У мендан «уйланганмисиз?» — деб сўради. Мен унга: «Йўқ» дедим. «Нима учун?» — сўради у. «Чунки ўзимга керагини ҳали учратмадим» — дедим. Шунда у мени вазиятни анча чуқурроқ ўйлашга мажбур этган бир сўз айтди. У: «Балки сен уни нотўғри жойлардан излаётгандирсан!» — деди.

— Нотўғри жойлар? — такрорлади йигитча. — «Нотўғри жойлар» дегани нимаси?

— Мен ҳам айнан шу саволни бердим, — деди жаноб Бэкмен. — Мен унга эрга чиқмаган аёллар кўп бўлган қаҳвахона ва тунги клубларга борганимни айтдим. У менга ажабланиб қаради ва хандон ташлаб кулиб юборди. Бунинг нимаси кулгили эканини сўраганим, у мендан: «Сен қаҳвахона ёки тунги клубда бирортаси билан танишингми?» — деб сўради.

«Бир нечта аёл билан» — дея жавоб бердим, лекин бу танишишдан бирортаси ҳам бир неча ҳафтадан ошмаганини тан олишга тўғри келди.

— Қаҳвахона ёки тунги клубда бирортаси билан учрашишнинг ёмон жойи борми? — сўради йигитча.

— Мутлақо йўқ, — деди жаноб Бэкмен. — Баъзан балки омад юришиб қолар, лекин кекса хитой айтишича, агар узоқ давомли муносабатлар ва муҳаббатга интилсанг, яримқоронғи, тутун билан тўлган, шовқин-сурон кучлилигидан сени эшитишлари учун бақириб гаплашишга тўғри келадиган жойда, ҳойнаҳой, уларни топиш мушкулроқ бўлар.

— Бўлмаса тузукроқ жой қандай бўлар экан? — бирор қиз билан танишиш ниятида қаҳвахона ва тунги клубларга тез-тез бориб турувчи йигитча тинчмай.

— Биласизми, бу ўзингизга боғлиқ.

— Нима демоқчисиз?

— Кекса хитой менга: «Агар ҳақиқий севгини топиш ниятингиз бўлса, аввало чин дўстни топишингиз лозим», — деб тушунтирган.

ди. Бу ниҳоятда оддий, лекин шундай бўлса-да, бу ҳақда илгари ҳеч ўйламагандим. Биз кўпинча муҳаббат учун кучли жисмоний майл талаб этилади, деб ҳисоблаймиз. Жисмоний майл ҳақиқий оилани таркиб топтиришда аҳамиятсиз демоқчимасман, лекин агар биз ҳақиқий муҳаббатни истасак, мабодо бутун умр давом этувчи севгини хоҳласак, инсоннинг ташқи кўринишидан ўзга жиҳатларини ҳам пайқашимиз зарур.

Ҳақиқий муҳаббатнинг илдизи жисмоний майлда эмас, балки дўстликда. Фаранг ёзувчиси Антуан де Сент-Экзюпери айтганидек, севиш — бу бир-бирига қараш эмас, балки биргаликда бир йўналишда қарашдир. Ҳатто Инжилда ҳам агар икки киши бир-биридан норози бўлса, улар биргаликда саёҳатга чиқолмайдилар, деб ёзилган. Умумий қарашлар, мақсадлар ва қизиқишлар, ўзаро ҳурмат ва завқланиш — узоқ давом этувчи меҳрли муносабатларнинг асосидир.

— Бу ростдан ҳам шунчалик муҳимми? — сўради йигитча ёндафтарчасидан нигоҳини узиб.

— Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Кунлардан бирида Америка дорилфунунларидан биридаги бир гуруҳ социологлар ҳақиқий севги муносабатларини вужудга келтиришда дўстликнинг нақадар муҳимлигини намоён этишди. Улар эллик йилдан зиёд биргаликда бахтиёр умргузаронлик қилган юзларча жуфтдан бундай муваффақиятга қандай эришганликларини сўрашганда, уларнинг жавобларида дўстлик энг етакчи омил экани намоён бўлди. Ҳар бир сўралган одам жуфти унинг энг яқин дўсти эканини айтди. Бу жуфтларнинг барчаси умумий қарашлар ва умумий қизиқишлар, умумий мақсад ва ҳаётий йўналишларга эга эдилар. Қолган ҳаммаси, шу жумладан, жисмоний гўзаллик ва моддий мол-мулк охир-оқибатда бунчалар муҳим эмаслиги кўринди. Севги муносабатларини айнан дўстлик бутун умрга мустаҳкамлайди.

Айнан шу мени «Дўстлар ва севишганлар» китобини ёзишга илҳомлантирди. Кўпчилик ҳозиргача муҳаббат жисмоний майлдан вужудга келади, дея ҳисоблаб янглишадилар, лекин жисмоний гўзаллик абадий эмас, у кун сайин сўлиб бораверади.

Бошқа томондан, дўстлик ва ҳурматдан пайдо бўлган муҳаббат кун сайин мустаҳкамланиб боради. Айтинг-чи, ёлғончи ва хиёнаткор аёл қандай қилиб гўзал ҳамда аёлига қўл кўтарувчи эркак нақадар жозибали бўлиши мумкин?

Шундай экан, ўзаро муносабатларда фақат жисмоний майлга эътибор бергандан кўра, сенинг қарашларинг ва мақсадларингга муштарак жуфт излаганинг маъқул.

Йигит розилик билдиргандек бош ирғади. У ички сезги билан бунинг шундайлигини биларди. Доктор Пачиа билан учрашганидан кейин у ўзининг орзусидаги аёлни тасавурида жонлантирди ва рисоласидаги жуфтининг сифатлари орасида ўзи ёқтирадиган сайр қилиш ва табиатни севиш хислати мужассам топиши керак, деб ҳисобларди.

— Сизни англадим, — деди йигитча. — Лекин барибир шундай дўстни топиш керак-ку, гапимга қўшиласизми?

— Қўшиламан, — жавоб берди жаноб Бэкмен. — Лекин дўстларни орттириш учун дўстона муносабатнинг ўзи кифоя. Яқин дўстларни орттириш учун қизиқишлари ва қарашлари сен билан муштарак инсонларга дўстона муносабатда бўлиш керак.

— Буни амалда қўллашдан кўра гапириш осонроқ, — деди йигитча.

— Нима учун? Сиз нималарга қизиқасиз ва бўш вақтингизда нима билан шуғулланишни ёқтирасиз?

— Мен дам олиш кунлари саёҳатга чиқишни ҳамда виндсерфинг-ни (сув тўлқинлари устида тахтачада учиб спортини) ёқтираман. Яна операга боришни яхши кўраман.

— Хўш, дўстларни тезроқ қаерда топишингиз мумкин — тутун тўлган қаҳвахонадами ёки туристлар клубдами, виндсерфинг билан шуғулланувчилар даврасидами ёки опера ишқибозлари орасидами?

— Нима ҳақда гапираётганингизни англаб турибман, — деди йигитча. — Хўш, ҳеч қандай чуқурроқ қизиқиши ёки севган машғулоти бўлмаган кишилар ҳақида нима дея оласиз?

— Улар ўзларига қандайдир қизиқишлар ёки машғулотлар топиш тўғрисида ўйлаб кўришлари даркор. Улар ўзлари гоёт ёқтирган машғулоти, — бу спорт соҳаси бўладими, масалан, футбол, теннис, сузиш ёки велосипедми ёхуд бошқа соҳаларми, масалан, рақс, театр ёки сайру саёҳатми, ҳатто сиёсат бўлиши ҳам мумкин, бунинг аҳамияти йўқ, — топсалар бўлди. Ўзингни қизиқтирган машғулотни топган заҳотинг қизиқишлари муштарак бўлган бошқа одамлар дарҳол топилади, чунки орангизда қандайдир умумийлик мавжуд бўлади. Башарти бошқа инсон билан умумий жиҳатларингиз йўқ экан, у билан яқин муносабатларда бўла олишинг иложи ҳам йўқ.

— Буни гапирганингизда жуда оддийдек эшитилади.

— Бу шунчалар оддий бўлса-да, кўпинча буни кўздан қочирамиз. Одамлар ўз жуфтини — эр ёки хотин топиш дардига ҳаддан ортиқ мубталодирлар, бунинг ўрнига дўстлик ришталарини боғлашга интилганларида эди, унинг кетидан муҳаббат муносабатлари ҳам келишини билиб олардилар.

— Лекин сиз биров билан дўст бўлишингизнинг ўзи у сизга ёқиб қолади ва шундай муносабатлар пайдо бўлади дегани эмас-ку, — деди йигитча.

— Тўғри, сиз бутунлай ҳақсиз. Лекин агар сиз дўст бўлмасангиз, муносабатларингиз давомли бўлиши ҳам гумон.

— Ахир икки инсон аввал бир-бирини севишиб ёки бошқачароқ айтсак, улар бир-бирига жисмоний майл билдириб тургандан кейин дўстлашишлари мумкин бўлган воқеалар ҳам учрайди-ку, — деди йигитча.

— Ҳа. Албатта, шундай бўлиши мумкин, — тан олди жаноб Бэкмен, — ва кўпинча шундай бўлади ҳам. Моҳият шундаки, дўстлик — ҳар қандай давомли муносабатларнинг муҳим унсуридир, чунки у муҳаббатнинг муҳим қисмидир.

Айнан шу туфайли бу инсон билан бир умр яшашга тўғри келишини ўйлаб кўраётиб, ўзингизга: «Бу менинг энг яқин дўстимми?» деган энг яхши саволни беришингиз мумкин. Башарти «йўқ» жавоби бўлса, бу инсонга бутун умрингизни бахш этишдан олдин жуда диққат билан ўйлаб кўриш даркор.

Йигитча ёндафтарчасига нималарнидир ёзди ва нигоҳини кўтарди.

— Оилавий муносабатлар билан боғланиб бўлган одамлар ҳақида нима дея оласиз? — деб сўради у. — Ҳойнаҳой, улар дўстлик қуввати тўғрисида ўйлашга кечикишган бўлишса керак?

— Ҳеч ҳам ундаймас, — жавоб берди жаноб Бэкмен. — Кўп муносабатлар дўстлик туфайли кутқариб қолинган. Дўстликни куриш мумкин, фақат биргаликда бажаришингиз мумкин бўлган умумий қизиқишлар, қандайдир умумий жиҳатларни топиш керак. Ҳар иккала инсон яна дўст бўлиши ва муносабатларни тиклаши мумкин, чунки дўстлик ривожланган сари муҳаббат ҳисси ҳам ўсиб бораверади.



— Сўнгги савол, — деди йигитча кетишга шайланаркан. — Сиз орзуингиздаги қизни учратдингизми?

Доктор Бэкмен жилмайди.

— Албатта, — деди у. — Мен унга уйландим ҳам. Рейчелни туристик клубда учратдим. Аввалига унга нисбатан жисмоний майлим бўлмади, балки унда ҳам шундай бўлгандир, лекин биз бир-биримизни яхшироқ билиб олганимиздан кейин нимадир ўзгара бошлади. Биз бир-биримиз билан бирга бўлишни ёқтирардик; у мен учун муҳим бўлган нарсалар тўғрисида гаплаша оладиган биринчи аёл эди. Биз умумий қизиқишларимиз ва ўхшаш қарашларимиз шунчалар кўплигини билиб олдик ва худди ҳамфикрлардек эдик. Биз яқин дўстлар бўлиб қолдик, кейинчалик эса кунларнинг бирида уни севишимни ва у билан бутун умр биргаликда яшашни исташимни айтдик.

Йигитча уйига келганидан кейин жаноб Бэкмен билан учрашуви чоғида ёзганларини ўқиб чиқди.

### *Ҳақиқий Муҳаббатнинг тўртинчи сири — дўстлик қуввати*

Ҳақиқий муҳаббатни топишдан аввал чин дўстни топиш даркор.

Севиш дегани бир-бирига қараш эмас, оламга бир йўналишда биргаликда қараш-демакдир.

Бировни ростдан ҳам севиш учун ташқи кўриниши учун эмас, унинг ким эканлиги учун яхши кўриш керак.

Дўстлик — муҳаббат уруғлари ўсадиган тупроқдир.

Агар муносабатларга муҳаббат киритмоқчи бўлсанг, аввал дўстликни киритиш даркор.

### *Бешинчи сир*

### **ТЕГИНИШ ҚУВВАТИ**

Кейинги кун эрталаб йигитча рўйхатдаги яна бир киши, доктор Питер Янг билан учрашмоқ учун шаҳар қасалхонасига келди. Доктор Янг қасалхонанинг бош жарроҳи эди. У бўйи баланд, калта текисланган, сақич қаби қора сочли ва кўзлари чуқур, келишган қора танли эркак эди. Йигитча унинг хонасига кирганида, доктор ўрнидан туриб, у билан мулоқим, лекин қаттиқ қўл сиққанча саломлашди.

— Салом, сизни кўрганимдан хурсандман, — деди доктор Янг.

— Мен ҳам, — деди йигитча. — Мен билан учрашишга вақт ажратганингиз учун сизга раҳмат.

— О, сизга раҳмат, — деди доктор Янг йигитчага ўтиришни имо билан таклиф этаркан. — Чой ичасизми ёки қаҳва?

— Мумкин бўлса, чой, — деди йигитча.

— Бир дақиқа, — деди доктор Янг, эшикни очди ва котибасига икки кишилик чой буюрди.

— Хўш, яна бир бор айтиб беринг-чи, — сўради доктор Янг, — кекса хитой билан айнан қачон учрашдингиз.

Йигитча ҳикоясини сўзлаб бўлганидан сўнг чой келтирдилар. Доктор Янг йигитчага пиёласини узатди.

— Кекса хитой жанобини ўн беш йил бурун учратганман, — деди у. — Ўшанда эндигина жарроҳ мутахассислигини олиб, гўё ҳамма нарсани биладигандек эдим. Менинг ишимдан бошқа ташвишим йўқ эди — беморларни кесиб, муаммосини йўқотиб, яна тикишни билардим, холос. Бу ишлар қўлимдан яхшигина келарди, лекин бирор марта беморнинг каравотига ўтириб, у билан суҳбатлашмагандим.

— Ростданми? Нима учун? — сўради йигитча.

— Чунки буни вақтни бой бериш деб ҳисоблардим. Беморлар билан ўтириб гаплашиш ҳамшираларнинг иши деб ўйлардим. Ҳатто стажер-шифокорлар беморлар билан узоқроқ қолиб кетишса, уларни уришиб берардим. Биламан, бу кулгили туюлса-да, менга ҳамиша малакали жарроҳнинг усталиги унинг қўлларида, деб ўргатишган. Менинг хато фикрда эканлигимни англашимга кўмаклашиш учун гайриоддий кекса хитой билан суҳбатлашиш зарур бўлди — малакали жарроҳнинг усталиги унинг қўлларида эмас... юрагида экан.

Йигитча эътибор билан тингларди, доктор Янг эса давом этарди:

— Кунлардан бир кун эрталабки кўрикни ўтказиб бердим. Уша куни эрталаб то бир палатага кирганимда бемор ёнида ўтириб, унинг қўлини ушлаб ўтирган санитарни кўрмагунимча, одатдан ташқари ҳеч нима бўлмаганди.

— Сизнинг бошқа қиладиган ишингиз йўқми? — дедим унга мен.

У мен томонга оҳиста ўтирилиб шундай қарадики, унинг нигоҳларини ҳеч қачон унутолмайман. У кўзларини тўпша-тўғри менга қаданган кўйи жавоб берди.

— Ҳа. Башарти ўз ишингиз билан шуғулланмас экансиз, кимдир уни сиз учун бажариши керак.

Жаҳлим қандай кўзиб кетганини айтишнинг ҳам ҳожати йўқ.

— Энди менинг гапларимга қулоқ солинг... — дедим мен.

Лекин гапимни тугатмасимдан у қўлини кўтарди-да, секингина шивирлади:

— Илтимос, ҳозир эмас. Бу жувон ёрдамга муҳтож.

Қоним қайнаб кетди. «Бу санитар мен билан шундай гаплашишга қандай ҳадди сизди», — дея ўйлардим. Бу бемор саратон хасталигига дучор бўлганди. Биз унинг миясида операция қилиб бўлмайдиган шиш борлигини аниқлагандик.

— У яқинда... — дея гап бошладим.

Лекин гапимни тугатишимга қўймай, қария қўлини кўтарди ва яна бир марта деди:

— Ҳозир эмас, илтимос. Ҳозир эмас.

Мен палата эшиги ёнида унга нима ҳақида ўйлаганларимнинг барини айтман, деб тургандим, лекин у ташқарига чиққанида, тўппа-тўғри кўзларимга тикилганча деди:

— Доктор, у яшайди.

— Бу билан нима демоқчисиз? — жавоб беришни талаб этдим мен. — Унинг миясида операция қилиб бўлмайдиган шиш бор.

— Сиз қачон бўлса ҳам ўлаётиндиз, деб ўйлаган беморингиз тузалаётганига гувоҳ бўлганмисиз? — сўради у.

— Ҳа, албатта, — дедим мен. — Лекин...

— Нима деб ўйлайсиз, бу тузалишга нима сабаб бўлди?

— Ҳеч бир тушунчага эга эмасман, — жавоб бердим мен сабрсизлик билан. — Бу аномал ҳодисалардир.

— Йўқ, доктор, — деди у. — Бу мўъжиза! Бундай мўъжизаларни нима яратади? Муҳаббат! Муҳаббат, — деди у, — бугун Коинотда энг кучли тузатувчи, ҳар қандай доридан кўра кучлироқ қувватдир. Муҳаббати йўқ жарроҳ шифокор эмас, оддий механикдир.

Шунда у кўлимга бир варақ тутди ва деди:

— Агар шифокорликни ўрганиш ниятингиз бўлса, шу кишилар билан учрашмоғингиз даркор.

Қоғозга қарадим. Унда фақат ўнга кишининг исм ва телефон рақамлари ёзилган эди, холос, ёзувдан нигоҳимни узган чоғимда эса қария ғойиб бўлганди.

Чолнинг гапларидан шунчалар жаҳлим кўзигандики, уни топиш ва у ҳақда барча ўйлаганларимни айтиш умидида тўппа-тўғри маъмур хонасига йўл олдим. Лекин бўлимимизда қандайдир хитой ишлагани тўғрисида унда ҳеч бир маълумот йўқ эди. Аввалига, эҳтимол, ёзувлар адашиб ёзилгандир деб ўйладим, баъзан компьютер хато ўтказди ёки шунга ўхшаш ҳодисалар бўлиб туради, лекин мен таърифлаган кекса хитой ҳақида ҳеч қандай ёзувлар йўқ эди ва бу иш билан шуғулланишни эртаси кунга қадар йиғиштирдим.

— Хўш, нима воқеа рўй берди? — сўради йигитча.

— Ҳамшира кўнгиноқ қилиб, зудлик билан келишимни сўради... миясида операция қилиб бўлмайдиган шиши бор аёл қаравотида ўтирар, унинг иштаҳаси очилган ва ўзини анча яхшироқ сезаётганини айтарди. Мен кўзларимга ишонмасдим; ахир бир неча ойдан бери боши айланиши ва кўнгли беҳузурлигидан азият чекаётган ва атиги икки кун илгари миясида амалда бефойда операция ўтказишган эди.

У менга ҳатто миннатдорчилик билдириб, ҳойнаҳой операция муваффақиятли ўтган бўлса керак, деди. Бундай бўлиши мумкин эмас эди, бу мўъжиза эди! Бу аёл учун кекса хитой нима қилганини тасаввур этолмайман, лекин биламан, у ҳеч шубҳасиз, нимадир қилган. Калламга у ҳақда ниманидир аниқлашнинг фақат ягона усули борлиги келди: у менга берган рўйхатдаги одамлар билан учрашим зарур.

Албатта, бу одамлар кекса хитой билан учрашган эканлар ва улар Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Бу сирлар тўғрисида илгари ҳеч эшитмаганим боис, табиийки, бунга жуда ишончсизлик билан қарадим, лекин шу билан бирга кекса хитой беморимни қандай даволай олганини билишга тобора қизиқишим ортиб борарди. Мен ҳеч қачон саломатлик ва даволашда муҳаббатнинг ўрни ҳақида ўйламаганман; ахир тиббиёт институтида муҳаббат ва нозик ҳислар ҳамда тузалиш жараёни орасида қандайдир алоқа борлиги тўғрисида бизни ўргатишмаган. Лекин у бор. Қария тўла ҳақ эди, муҳаббат — бу ниҳоятда кучли даволовчи қувватдир.

— Ростданми? — деди йигитча.

— Ҳа, бу худди шундай. Буни исботлаш учун тадқиқотлар ўтказилган эди. Масалан, тадқиқотлар кўрсатишича, бахтли оилавий муносабатлари бор кишилар мураккаб хасталиклар билан бошқаларга нисбатан ўн фоиз кам кўрсаткичга эга ва ўзларини кимдир яхши кўришини сезган беморлар тезроқ ва муваффақиятли равишда тузалар экан.

— Ажабо, бўлиши мумкинмас, — деди йигитча.

— Ҳа, бўлиши мумкинмас, — деди доктор Янг. — Мен каби даволаш билан машғул касбдаги кишилар учун ҳам ғоят қувонарли ҳодиса.

Бу Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида билиб олганимдан кейин ўз шахсий ҳаётимдаги ўзгаришларни секин-аста пайқай бошладим.

— Айнан нималарни? — сўради йигитча.

— Ҳар хил нарсаларни. Оилам ва дўстларим билан муносабатларим яхшиланди, севган қизим билан муносабатларни тикладим, лекин, эҳтимол, энг катта ўзгаришлар иш фаолиятимда рўй берди. Мен беморларимда қуруқ касаллик тарихи рақамларини эмас, одамларни кўра бошладим, лекин айниқса, тиббиёт соҳасидаги энг ажойиб сирлардан бири... тегиниш қуввати эди.

— Тегинишнинг муҳаббатга нима дахли бор? — сўради йигитча.

Қўл теккизишда жуда катта қувват бор. Бу қувват кишиларни бирлаштиради ва тўсиқларни бузади. Унга ҳаммамиз таъсирланиб жавоб берамиз. Тегинишда мўъжизалар яратувчи куч бор.

Яқинда Лондон касалхоналаридан бирида тадқиқотчилар қизиқарли текширув ўтказдилар. Бош жарроҳ одатда ўз беморларини уларнинг саволларига жавоб бериш ва операциянинг умумий характерини тушунтириш учун ҳар операциядан олдин кечқурун кўриқдан ўтказарди. Текшириш давомида жарроҳ ҳар бир бемор билан сўзлашаётган чоғида унинг кўлини бир неча дақиқа ушлаб ўтирарди. Ишонасизми, бу беморлар бошқаларга нисбатан уч баробар тез тузалишарди!

Кўрдингизми, ўиз бировга ғамхўрлик қилиб қўлидан тутсақ, ўзимизнинг ҳам, унинг ҳам физиологиямиз ўзгаради — стресс гормонлари даражаси камаяди, асаб тизими бўшашади, иммун тизими ҳолати яхшиланади ва бу ҳатто ҳиссиётларимиз ва кайфиятимизга ҳам таъсир қилади.

Буларнинг барчаси ҳақида билиб олганимдан сўнг касалхона палаталарида «қўл теккизиш» дастурини бошладим. Беморлар билан ишлайдиган ҳар бир кишини уларга тегиниш, қўлларини ушлаш ва бағрига босишга ундай бошладик. Бу дастур шунчалик муваффақиятли бўлдики, у ҳатто руҳий хасталар палатасига ҳам тарқалди. Церебрал паралич хасталигига чалинган бир бемор, кичкинагина болакайни эслаيمان. У ногиронлар аравачасида ўтирарди. Мен уни учратганимда бағримга босдим, тўсатдан у мен билан гаплашишга ҳаракат қилди, унинг кўзлари ёшга тўлиб, мени ҳам кучоқлаб олди. Тиббиёт ходимлари айтишича, бу болакай уч йил мобайнида биринчи бор кимгадир жавоб бериши экан.

— Бу ажабланарли ҳол, — деди йигитча.

Доктор Янг кулимсиради

— Руҳшунослик факультети қўл теккизиш қувватига шунчалар қизиқиб қолдики, бир неча йил аввал кўчада яна бир текширув ўтказдилар. Телефон будкаси ёнидаги аёл кўнғироқ қилиб олиши учун ўткинчилардан майда пул сўрарди. Жуда кам кишилар унга ёрдам кўрсатишди. Кейин ўша аёл одамларнинг кўлини ушлаб, ёрдам сўради, қаранг-а, у кўмак сўраган кўп кишилар — аёллар ва эркаклар ёрдам бермоққа кўндилар.

Энди қўл теккизиш, бағрига босиш ва қўлларни ушлаш муҳаббат олиш ва беришда нима учун муҳимлигини англадингизми? Бу бизни жисмоний, ақлий ва ҳиссий жиҳатдан ўзгартиради. Шу сабабли қўл теккизиш муҳаббатни кўп миқдорда олиш ва беришда жуда муҳимдир.

Йигитча бош ирғади ва ўз оиласи ва дўстлари билан жисмоний алоқаси қанчалар камлигини эслаб, четга боқди. Унинг оиласида тегиниш ва бағрига босиш жуда кам бўлган. Одатда у онаси билан учрашганида бетидан енгил ўпар, отасининг кўлини сиқиш билан кифояланарди, лекин бу ростакам илиқлик ёки нозик ҳиссиётлардан мосуво эди.

— Тегиниш ва бағрига босиш осонмас, — деди у докторга ўтири-  
либ.

— Нимага? — сўради доктор Янг. — Фақат ўз кучофингизни очи-  
шингиз даркор. Буни ҳар бир киши қила олади.

— Ҳа, лекин ўша инсон бу таъсирга қандай жавоб бериши номаълум, у  
сени нари итариши ёки ҳатто бу қилиғинга душманлик муносабатини бил-  
дириши мумкин.

— Унда тўсиқларни бузишга ҳаракат қилиш учун янада кўпроқ  
сабаблар бўлади. Эсингизда бўлсин, муҳаббатга жасорат керак. Сени  
нари итаришлари ёки оғриқ етказишлари хавфига тайёр бўлиш за-  
рур, лекин сен кўпинча ғалаба қозонасан. Одамлар сенга ёрила бош-  
лайдилар. Башарти биз ҳаммамиз бошқаси биринчи қадам ташлаши-  
ни кутиб ўтираверсак, нима бўларди?

Ўз бағрингни одамларга очган тақдирдагина қалбингни ҳам оча-  
ётгандек бўласан. Ушанда тегиниш қуввати билан алангаланган му-  
ҳаббат кучини ҳис қиласан.

Шу кун кечқурун йигитча ёзувларни такрор ўқиди:

### *Ҳақиқий Муҳаббатнинг бешинчи сир — тегиниш қуввати*

Тегиниш — бу тўсиқларни бузалиган ва ўзаро муносабатларни  
мустаҳкамлайдиган муҳаббатнинг энг кучли ифодаланишларидан  
бири.

Тегиниш жисмоний ва ҳиссий ҳолатни ўзгартиради ва одамларни  
муҳаббатга мойилроқ қилади.

Тегиниш танани тузатиш ва юракни иситишга ёрдам бера олади.

Бағрингни очган чоғингда, қалбингни очасан.

### *Олтинчи сир*

## **«ЭРКИНЛИК БЕРИШ» ТАМОЙИЛИ ҚУВВАТИ**

Икки кун ўтгач, шаҳар марказидаги кичик қаҳвахонада йигитча  
рўйхатидаги олтинчи одам Жудий Реншоу ўтирарди.

Реншоу хоним ўттизлардан хиёл ўтган ёш жувон; турмушга чиқ-  
қан ва икки фарзанди бор эди. У анча басавлат, қоматлари кўркам  
аёл бўлиб, уни бениҳоя гўзал деб бўлмаса-да, йирик кўй кўзли, кич-  
кина бежирим бурни ва кишини лол қилувчи табассумли чехраси  
ёқимтойгина эди.

— Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида илк бор ўн бир йил му-  
қаддам эшитгандим, — деди у йигитчага. — Менда қийинчиликлар  
мавжуд эди; ярим йилдан зиёд муддат давомида учрашиб юрган сев-  
гилим билан эндигина айрилишгандик. У мен билан учрашишни бас  
қилиш зарурдек туюлаётганини айтган чоғида, буткул тушқунликда  
қолгандим. Овқат ҳам еёлмай, ухлолмай, ишда ҳам диққатимни йи-  
ғолмай қолгандим, шунчалар озиб-тўзиб кетганимдан айрим таниш-  
лар мени ҳатто танимай қўйишди ҳам. Орадан ҳатто бир ой ўтса ҳам,  
бизнинг муносабатларимиз тутаганига ҳеч кўниколмасдим.

Кейин бир куни черков қаршисидаги майдондаги ўриндикда ўтирган чоғимда кекса хитой яқинлашди ва ёнимга келиб ўтирди. У киссасидан қоғоз ўрама чиқариб, каптарларга емиш бера бошлади. Каптарлар уни қуршаб олишиб, у ташлаётган нон ушоқларини чўқишарди. Тез орада уларнинг сони бир неча юзга етди. У менга ўтирилди-да, саломланди.

— Сиз каптарларни яхши кўрасизми? — деб сўради у.

Мен елкамни қисдим.

— Унчалик эмас, — жавоб бердим мен. — Лекин кўриб турибманки, сиз уларни яхши кўрар экансиз.

У жилмайди.

— Мен кичкиналигимда, — деди у, — қишлоғимда каптарларни боқувчи киши бўларди. У қушлари билан гоят фахрланарди ва дўстларига уларни яхши кўришини айтарди. Лекин кунлардан бирида у мен ва бошқа болаларга ўз каптарларини кўрсатаётган чоғида агар у қушларини шу қадар яхши кўрса, нима учун уларни қафасда сақлашини, ахир у ерда қанотини ёзиб учолмайдилар-ку, деб ҳеч тушунолмасдим. Бу тўғрида ўзидан сўраганим, у: «Агар улар қафасда бўлмаганларида, мендан учиб кетардилар», дея жавоб берди.

Лекин барибир бунини тушунолмасдим. Қандай қилиб кимнидир яхши кўриш ва унинг эркига қарши қафасда сақлаш мумкин? Менинг Ватанимда шундай мақол бор: «Агар кимнидир яхши кўрсангиз, уни эркинликка чиқаринг. Башарти у сизнинг ёнингизга қайтса, у сизники; акс ҳолда, у ҳеч қачон сизники бўлмаган».

Йигитча ручкасини ва ёндафтарчасини олиб ёза бошлади, Реншоу хоним эса давом этарди.

— Чолнинг ҳикоясида мен учун ўзгача маъно касб этган қандайдир жуда ғалати ҳис бор эди. Нимагалигини билмайман-у, аслида у бошимдан кечираётган савдолардан мутлақо беҳабар эди. Лекин унинг ҳикояси мени ҳаяжонга солди, чунки у мендаги вазиятга гоят яқин эди. Севган кишимни ёнимга қайтиш учун мажбурлашга уринардим. У гўё мен билан қолсагина ҳаммаси яхши бўлади, деб ҳисоблардим. Ҳозир шунини ўйлаб қарасам, шунчаки ёлғиз қолишни истамаган эканман. Ахир бу севги эмас-ку, шундайми? Бу шунчаки ёлғизликдан кўрқув ҳисси.

Чол орқасини ўтирганча, каптарларни боқишда давом этарди. Бир неча дақиқадан сўнг унинг гапларини ўйлаб кўргач, суйганингни озодликка қўйиб юбориш осон эмаслигини айтдим. У бош ирғади.

— Лекин, — деди у, — агар уни озодликка чиқаролмасангиз, сиз уни севмайсиз.

Биз шу ҳақда бироз сўзлашиб ўтирдик ва айна шу чоғда у Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида гапирди. Бу менга ҳаддан зиёд ғалати эшитиларди, чунки доимо ҳаётда муҳаббат ё бўлиши ё бўлмасликка маҳкум, деб ҳисоблардим.

Бизда муҳаббат ва севги муносабатларининг бўлишига бу қандайдир таъсир кўрсатиши мумкинлигига ишоналмасдим. Биз умримиз китоби саҳифаларини ўзимиз ёзишимизни фақат кейинроқ англадим. Тақдирни юлдузлар эмас, фикрларимиз, қарорларимиз ва ҳаракатларимиз бошқараркан.

Масалан, мен доимо севги билан тўла муносабатлар топган чоғимда муҳаббат қувончларини ҳис қиламан, деб ҳаёл қилардим. Лекин барчаси остин-устин бўлиб кетди: айнан муҳаббат қувончини бошимиздан кечираётган чоғимиздагина ҳақиқий севги муносабатларини яратар эканмиз.

Чол кетишидан аввал кўлимга бир қоғоз бериб... — давом этди Решоу хоним.

— Унда ўнга исм ва телефон рақамлари ёзилган рўйхат бормиди? — сўзини бўлди йигитча.

Решоу хоним кулимсиради.

— Албатта. Мен уларнинг ҳар бири билан навбатма-навбат учрашдим ва секин-аста Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида кўпроқ билиб олдим. Қанчалар ажабланарли бўлмасин, улар менга ростдан ҳам ёрдам берди.

— Нимада ёрдам берди?

— Эҳтимол, ўзим ниманидир ўзгартира олишимни, мен қурбон эмас, тақдиримнинг бекаси эканимни англашимнинг ўзи фавқуллодда ёрдам берган бўлса керак.

— Барча сирлар у ёки бу тарзда ёрдам берган бўлса-да, ўша дамдаги ҳаётимда, айниқса, энг кўп кўмаклашгани... «эркинлик бериш» тамойили қуввати бўлди.

Яхши кўришга мажбурлаш мумкин эмас. Биз суйган инсонларни эркинликка чиқаришимиз керак, акс ҳолда ўша каптарвоздан тузук бўлмаймиз. Башарти кимнидир яхши кўрсангиз, унинг озод бўлишига йўл қўйиш керак. Эркин тарзда шахсий қарорларни аҳд этиш, биз истаганча эмас, ўзи тилаганича эркин яшашига имкон бериш керак.

Суйган кишингни эркинликка чиқариш ҳар доим ҳам осонмас, лекин ўзга йўл йўқ. Агар бундай қилмасанг, жаҳлдор, золим ва тушқун аҳволда қоласан. Муносабатлар тутаган чоғдагина озодликка чиқариш ҳақида гапирмаяпман, ҳали ўзаро муносабатлар мавжудлигида эркинликка чиқариш даркор.

— Нима демоқчисиз? — сўради йигитча. — Агар ўзаро муносабатлар бор бўлса, бошқа одамни озодликка чиқаришнинг нима ҳожати бор?

— Чунки ҳар биримиз учун кенглик керак, инсонлар ўзаро муносабатларда эркин бўлишлари лозим, чунки акс ҳолда улар ўзларини тузоққа тушгандай ҳис этадилар. Агар кимнидир ҳақиқатда яхши кўрсанг, унинг истақлари ва эҳтиёжларини ҳурмат қилиш керак.

Биз кимгадир маҳкам осилиб олсак, уни ҳиссий жиҳатдан бўғиб қўйишимиз мумкин, бу одатда муҳаббат туфайли эмас, рашк, ўзига ишончсизлик ва қўрқув туфайли содир бўлади.

— Шу боис «озодликка чиқармоқ» сўзи орқали «инсонга эркинлик бериш»ни назарда тутар экансиз-да, — деди йигитча.

— Ҳа. Гарчи бу ҳали ҳаммаси эмас. Нафақат жисмоний боғланганликдан, балки муҳаббатга халақит берувчи барча нарсалардан халос бўлиш лозим.

— Масалан? — сўради йигитча.

— Масалан, инсонлар ҳақида ўз хато фикрлар ва хулосалардан халос бўлиш зарур.

— Тушунмаяпман, — деди йигитча ёндафтаридан кўзини узиб.

— Ахир башарти бировга ёки шундай кишилар қатламига нисбатан аввалдан хато фикрларингиз бор бўлса, бу уларга нисбатан хулқингизга бетаъсир қолмаслиги аниқ. Ўзимизнинг аввалдан чиқарган хато фикрларимизни сақлашда давом этсак, ўзга инсонга нисбатан муҳаббат билан муносабатда бўла оламизми? Аввалдан нотўғри фикрда бўлмоқ, уни ҳали билмасдан туриб, унга ҳукм чиқаришни билдиради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кўпчилик аввалдан нотўғри фикрларга эга бўлмоқ, хатодир, бу қандайдир кишилар қатлами ҳақида кулгили умумлашмалардир. Инсонларда сохта фикрлар бўлишига ақл бовар қилмайди.

— Масалан?

— Масалан, «барча қора танлилар жиноятчилар», ёки «барча ирландияликлар тентакдир», ёки «ҳамма аёллар ёмон ҳайдовчилар», ёки «ҳамма яҳудийлар қизғанчиқ» каби. Буларнинг барчаси сафсата! Бу ўзгаларга муҳаббат билан муносабатда бўлишга халақит беради.

Яна ўзбилармонликдан халос бўлиш даркор. Ўзбилармонлик Ҳақиқий Муҳаббат учун энг катта тўсиқлардан бири эканини кам одам англайди.

— Бу айнан нимада кўринади?

— Қанча танишларингиз ҳеч арзимас нарсалар устида қизгин баҳслашадилар? Ҳатто турлича фикрларга сабаб бўлган нарса буткул аҳамиятсиз бўлса-да, улар нима ҳақда баҳслашаётганларини унутсалар ҳам, барибир, охирги нуқтасигача баҳсни давом эттираверадилар! Улар ҳатто муносабатларини бузиш даражасигача боришса-да, ўз ҳақлигини исботлашни афзал кўрадилар.

— Лекин гоҳида кишини очиқчасига тўғрилаш керак бўлади-ку, тўғрими? — деди йигитча. — Агар у қайсидир жиҳатдан ҳақ бўлмаса, унга бу хусусда айтиш керак.

— Мен ўз фикрини ҳеч қачон айтмаслик керак, демоқчимасман, — жавоб берди Реншоу хоним, — айниқса, бу сен учун муҳим бўлган нарса хусусида бўлса, аммо ким ҳақ эканининг ўзига хос аҳамияти бўлмаган тақдирда беҳуда баҳс учун вақтинг ва кучингни сарфлашининг нима ҳожати бор? Ўзга инсоннинг имони комиллигининг ҳақиқатда қандайдир аҳамияти борлигини ўзидан сўраш керак. Ўз нуқтаи назарини исботлаб, муносабатларга путур етказиш шартми-кан? Башарти бу саволларга «йўқ» деган жавоб бўлса, баҳслашишга беҳуда куч сарфлаш нимага керак?

Йигитча бу гапда мантиқ борлигини пайқади. У дўстлари ва танишлари билан бўлар-бўлмас нарсалар юзасидан неча бор баҳслашганини эсларкан, юзлари буришиб кетди.

— Элда бир гап бор, — сўзини давом этди Реншоу хоним, — *баъзан ҳаётда сени яхши кўришлари билан ҳақ бўлиб чиқишинг орасидан бирини танлаш зарур бўлади.* Ўз кучингни баҳсда ғолиб чиқиш ёки муҳаббатни қозонишга йўналтириш мумкин. Модомики муҳаббатни танласанг, ўзга биров ноҳақлигини, сен эса майда нарсалар хусусида ҳақлигини исбот қилишнинг ҳожати йўқ. Бундан халос бўлиш мумкин.

Эсингизда тутинг, муҳаббатнинг мавжуд бўлиши учун севгига халақит берувчи ҳамма нарсалардан халос бўлмоқ керак. Бизнинг манмансирашимиз тўсиқлардан биридир, холос. Ҳазаб, ранжу алам ва шафқатсизликдан халос бўлиш муҳимроқ деб ўйлайман.

— Лекин ҳазаб ва аламдан қандай халос бўлиш мумкин? — сўради йигитча.

— Жавоб биргина «кечириш» сўзида мужассам. Башарти Ҳақиқий Муҳаббатни истасанг, кечира билиш зарур.

— Лекин ҳисобни тенглаштириб, ўч олган яхшироқмасми? Кўзга кўз, тишга тиш.

— Мабодо ҳаммамиз шундай фалсафага амал қилганимизда бутун олам кўр ҳамда тишсиз инсонлар билан тўлиб кетарди. Аламзадалиқ қалбни емиради, кечиримлилик эса муҳаббатга жой очади.

Ер юзида ҳеч кимса ўзини мукамал зот деб айтолмайди, аммо кечиришни ўрганибгина мукамал муносабатларни тиклаш мумкин. Ҳар биримиз хатога йўл қўйишимиз мумкин, агар бошқалар сени



кечиришини истасанг, уларни ҳам авф этишга тайёр туришинг даркор. Ҳатто энг учига чиққан жиноятчи ҳам ҳаётини беайб гўдакликдан бошлаган. Агар у шунга ўхшаш тарбия олганида, тузукроқ одам бўларди, деб қайси биримиз айта оламиз?

Албатта, эркинлик бериш — ўнги сирлардан фақат биридир, уларнинг барчаси бирдек муҳим, лекин халос бўлиш қуввати энг зарур чоғда бошқаларга меҳрли муносабатда бўлишга кўмаклашади.

— Лекин одамлар ўз ғазабини босиш ва кўркувини енгишга ҳаракат қилиши керак, деб даъво қилмайсиз-ку?

— Албатта, йўқ, — деди Реншоу хоним. — Ғазаб, кўрқув, ранж — буларнинг барчаси инсоннинг табиий ҳиссиётлари ва уларнинг ҳаётда ўз ўрни бор. Мен фақат агар меҳрни ҳис этмоқчи бўлсанг, салбий ҳиссиётлардан халос бўлмоққа ҳозир бўлиш зарурлиги ҳақида айтмоқчиман. Уларни тутиб турган чоғимизда ўзимизга суюшга халақит берувчи ҳиссий турма яратгандек бўламиз.

Халос бўлиш қуввати узоқ ўтмиш даврида узилган муносабатларнинг ҳиссий оғриқларини нафақат енгиб ўтишга ёрдам берди, балки кейинчалик жуда кўп оғир вазиятларда менга кўмаклашди. Отам касалхонада вафот этган кунни эслайман. У саратон касаллигининг энг юқори даражаси билан хасталанган, оғриқдан азобланарди. Умримда бу энг қайғули куним эди ва отамнинг вафот этмаслигини жуда хоҳлардим, лекин шу билан бирга, унинг азоб чекишини ҳам истамасдим. Гоҳида меҳр «озодликка чиқариш» маъносини билдиришини юрагимдан билардим.

Шу кунни учрашувдан кейин оқшомда йигитча ўтириб, барча ёзувларини ўқиб чиқди. Хотиралари қалқиб чиқаверди; олти ёшлигида ота-онасининг ажрашиб кетишлари ва сўнгги бир неча йиллар мобайнида қизлар билан омадсиз муносабатлар. Кекса хитой билан учрашганидан сўнг у нафақат ўзини биров билан ўзаро муносабатларга боғлашдан кўрқиши, балки ёлғизликдан ҳам шунчалик чўчишини англади. У ўтмиш оғриқларини сақлаб, умрини шундай давом эттириб яшолмасди. Оғриқ ва кўрқувдан халос бўлиш ҳамда ҳар бир кунни янгитдан бошлаш фурсати етганди. Лекин қандай қилиб? У доктор Пачиа билан учрашган чоғида ёзганларини яна бир кўриб чиқди ва ўтмишда орттирган салбий онг ортидаги қарашларини енгиб ўтиб, янги аффирмациялар ва позитив қарашларга ўзгартириш йўлини топди. Шунда худди мўъжиза каби калласига тўсатдан қуйидаги аффирмация келди: «Бугун барча кўрқувларимдан халос бўламан, ўтмиш менга ҳукмронлик қилолмайди, бугун янги ҳаёт бошлайман».

У янги аффирмацияни Реншоу хоним билан учрашув чоғида ёзган ёзувлари ниҳоясига қўшиб қўйди, кейин уларни яна бир такрор ўқиб чиқди:

**Ҳақиқий Муҳаббатнинг олтинчи сир —  
«халос бўлиш» тамойили қувватидир**

Агар кимнидир яхши кўрсангиз, уни эркинликка қўйиб юборинг. Башарти у сизга қайтиб келса, у сизники, мабодо келмаса, у ҳеч қачон сизники бўлган эмас.

Ҳатто ҳақиқий муҳаббат муносабатларида ҳам инсонларга шахсий кенглик керак.

Агар яхши кўришни ўрганишни истасанг, аввал кечирини ўрганишинг ва ўтмиш ранжлари ҳамда қайғулардан халос бўлишинг керак.

Муҳаббат қўрқувлардан, нотўғри фикрлардан, манманликдан ва миннатдан халос бўлмоқни билдиради.

«Бугун барча қўрқувларимдан халос бўламан, ўтмиш менга ҳукмронлик қилолмайди, бугун янги ҳаёт бошлайман».

### *Еттинчи сир*

## МУЛОҚОТ ҚУВВАТИ

— Кўпчилик инсонларга хос муаммолардан бири уларнинг сева билмасликларида эмас, балки ўз ҳиссиётларини ифодалай олмасликлари ва ўтказа олмасликларидадир. Муҳаббат ва севги муносабатларини яратиш учун ўз ҳисларингни ифодалай билиш зарур. Бу мен учун энг катта муаммо бўлгани аниқ. Мана шу боис мен учун Ҳақиқий Муҳаббатнинг энг катта сирларидан бири мулоқот қуввати бўлди.

Йигитча рўйхатидаги еттинчи Крис Палмер исмли киши қарши-сида ўтирарди. Жаноб Палмер — ўрта бўйли, озгин, кулранг сочли ва очиқ-мовий кўзли, эллик ёшлардаги такси ҳайдовчиси эди.

Туш пайти эди, улар такси тўхташ жойи яқинида кўчадаги ўриндиқда ёнма-ён ўтириб, бутерброд ердилар.

— Ажабланарли жойи шундаки, менда шундай муаммо борлигини кекса хитой билан учрашганимга қадар ҳатто англамаганман ҳам, — деди жаноб Палмер. — Кеч тунда уйга қайтаётганимда у қўлини кўтариб, тўхтатди. У вокзалга етказиб қўйишим кераклигини сўради, Йоркка 11:20 да кетадиган поездга етиб бориши керак экан. Йўлим гарчи бошқа томонга бўлса-да, уни элтиб қўйишга розилик билдирдим.

Биз аниқ бирон нарса юзасидан эмас, шунчаки оддий нарсалар — янгиликлар, об-ҳаво, спорт ҳақида суҳбатлашиб кетдик. Лекин секин-аста инсонлар орасидаги муносабатлар ва муҳаббат мавзусига ўтдик. Мен унга бу мавзуда гаплашгим йўқлигини айтдим, ўша пайтда хотиним билан оғир фурсатларни кечираётганим боис бу ҳақда ўйлашни истамасдим. Шунда у менга узоқ вақт ёдимда қоладиган бир гап айтди. У:

— Инсонлар азият чекадиган энг тарқалган хасталиклардан бири — бир-бири билан мулоқот қилишни билмасликдир, — деди.

Табиийки, мен буну тушунтириб беришини сўрадим, шунда у менга ўтирилиб деди:

— Мен хотинига яхши кўришини сўнгги марта қачон айтганини эслолмайдиган одамни танийман. Хотини қилаётган хизмат учун унга сўнгги бор қачон миннатдорчилик билдиргани ҳам унинг ҳатто ёдида йўқ. Бу киши ўзини жуда кучли деб ҳисоблайди, лекин ўзининг ёстиқдошига севишини айтишга жасорати етмайди. Шундай ҳолатни тасаввур эта оласизми?

Мен буну ўзимга яққол тасаввур эта олардим, чунки унинг таърифи худди ўзимга тўғри келарди.

— Лекин ишончим комилки, унинг қанчалик севишини хотини яхши биледи, — дедим мен.

— Балки билар, балки билмас, — жавоб берди у. — Балки унга ҳар замонда бу ҳақда эслатиб туриш керакдир. Бировдан «раҳмат» эшитиш ёхуд кимдир сени севишини айтганини билиш нақадар муҳимлигига ишонмайсиз. Бу инсон табиати бўлагидир, ҳар бир инсон уни қадрлашларини сезиши керак.

Мен бу ҳақда ҳеч қачон ўйламаганимни айтдим. У менга қараб турди-да, деди:

— Бу Ҳақиқий Муҳаббат сирларидан бири мулоқот қувватидир.

Мен ундан тушунтириб беришини сўрадим, лекин ўша дамда вокзалга етиб келдик. Чол чиқиб, менга қайрилиб деди:

— Элтиб қўйганингиз учун сизга раҳмат. Сиз яхши ҳайдар экансиз. Бундай ҳайдовчи билан машинада юриш менга ёқимли бўлди.

Мен эсанкираб қолдим. Такси ҳайдаган барча йиллар давомида ҳеч бир инсон менга бунчалик миннатдорчилик билдирмаган ва машина ҳайдашимни мақтамаганди. Ушанда у йўлкира ҳақини тўлади ва «Яна бир бор раҳмат сизга», — деди. Пулни қайталаб санаганимда, икки баравар ҳақ тўлаганини пайқадим. Мен уни чақириб, ортиқча берганини айтганимда, у жилмайди ва: «Йўғ-е, қизиқмисиз» деди ва қайрилиб нари кетди.

Шунда пулларга қараб «Ҳақиқий Муҳаббат сирлари» деган сарлавҳа ҳамда ўнга исм ва телефон рақами ёзилган мактубга кўзим тушди. Мен таксидан сакраб тушдим, бу мактуб унга муҳим бўлиши мумкинлигини ўйлаб, қариянинг кетидан югурдим. Вокзал биносига кирдим-у, дарҳол маълумотлар хонасига бордим, унга етиб олишга умид қилиб, Йоркка 11:20 да поезд қайси платформадан жўнашини аниқламоқчи бўлдим. Маълумотлар бюросида жадвални текшириб кўриб, менинг ҳойнаҳой адашганимни, 11:20 да Йоркка жўнайди-ган ҳеч қандай поезд йўқлигини айтишди! «Аслида, — дейишди улар менга, — кейинги поезд Йоркка фақат эртага эрталаб жўнайди».

Кейинги кун чолнинг рўйхатидаги ҳамма одамларга кўнғироқ қилиб чиқдим ва уларнинг барчаси қарияни танишлари ва Ҳақиқий Муҳаббат сирларидан бохабарликларидан ҳайрон қолдим. Бир неча ҳафта давомида галма-гал рўйхатдаги ҳар бири билан учрашдим ва бу сирлар тўғрисида кўпроқ билиб олдим. Ушанда унча ишоналмаган кайфиятда бўлсам-да, бу сирлар ростдан ҳам менга ёрдам бердилар. Улардан, айниқса, мулоқот кучи яхши томонга ўзгаришимга сабабчи бўлди.

Биласизми, масалан, ўзаро муносабатларда муаммолари бор инсонлардан ўз ишқаликларининг сабаби нимада деб ҳисоблашларини сўрашган чоғда уларнинг барчаси қийинчиликларимиз мулоқотда дея бир хилда жавоб берадилар. Бу ҳақиқат; биз бир-биримизга ўз ҳисларимиз ҳақида гапирмаймиз, ўзгалар бизга айтмоқчи бўлган сўзларни эшитмаймиз. Кўплар ҳатто таом ейиш чоғида ҳам индамайдилар, бунинг ўрнига телевизор қаршисида ўтириб овқатланадилар. Бу кун сайин давом этаверса, ростакам мулоқотдан маҳрум бўламиз ва оқибатда ҳақиқатда яхши кўришни бас қиламиз.

Йигитча ёндафтарчасига нималарнидир ёзди, жаноб Палмер эса давом этарди:

— Яхши кўришни ўрганиш учун аввал муомалани ўрганиш керак, мен эса буни ҳеч қачон тўғри бажаролмасдим. Ўз муаммоларимни ичимда сақлардим ва биров билан ҳиссиётларимни кам бўлишардим. Чол билан учрашганимдан бир кун ўтиб, хотинимга уни яхши кўришимни айтмоқчи бўлдим. Сўнгги бор унга бундай сўзларни айтганимни ҳатто эслолмадим ҳам. Бир неча бор айтишга оғиз жуфтлай-

ман-у, лекин нима учундир айтолмайман. Охир-оқибатда кўпроқ ҳаво ютдим-да, «Сени севаман» дея тезда айтвордим. Хотиним гўё биринчи бор кўраётгандек менга тикилиб қолди. У шунчалар лол қолгандики, гаширган гапимни такрорлашимни сўради. Бу сафар енгилроқ кўчди. Унинг кўзлари ёшга тўлиб, мени кучиб олди ва: «Мен ҳам сени севаман», — деди.

Бу шунчалар ёқимли эдики, гарчи анча кеч тушиб қолган бўлса-да, коллежда ўқийдиган ўғлимга кўнғироқ қилиб, уни яхши кўришимни айтдим. У бола бўлишни бас қилганидан бери бу учта сўзни унга қачон айтганимни билмайман. У телефон гўшагини кўтарганида: «Саймон, сенга кўнғироқ қилганимнинг сабаби шундаки, сени яхши кўраман, демоқчиман. Уйлайманки, бу ҳақда сенга айтиш фурсати етди», — дедим. Алоқанинг нариги томонида жимлик чўкди кейин у: «Дада, сизга нима бўлди, ичиб олдингизми? Соат неча бўлганини биласизми?» — деди. Унинг вақти икки соат илгари юриши ёдимдан кўтарилган экан. Мен: «Кечир, ўғлим, сени уйғотиб юбордим, шекилли. Мен бутунлай хушёрман, шунчаки сени яхши кўришимни билдириб қўймоқчи эдим», — дедим. Шунда у: «Буни биламан, дада, лекин барибир буни эшитиш ғоят ёқимли бўлди. Айтмоқчи, мен ҳам сизни яхши кўраман. Энди ухласам майлими?»

Айрим кишиларга бу учта сўз шунча ўзгаришларга сабабчи бўлишини эшитганда кулгили туюлиши мумкин, лекин, ҳойнаҳой, улар буни айтиб кўрмаган бўлсалар керак.

Йигитча оғир хўрсинди. У шундай кишилардан бири эди. У шундай сўзларни севгилиси тугул, ҳатто ўз онасига ҳам ҳеч қачон айтолмас эди.

— Агар биз мулоқот қилишни билмасак ва ўз ҳисларимизни ифода-далай олмасак, — давом этди жаноб Палмер, — биз меҳрни беролмаймиз ҳам, ололмаймиз ҳам. Бу ҳақда қанча кўп ўйларқанман, бунинг нақадар муҳимлигини шунчалик кўп англадим. Ўз хулқимни ўрганиб чиқдим ва нафақат ҳеч қачон бировни яхши кўришимни айтмаганим, ҳатто кимгадир хушомад ҳам қилмаганим ёки одамларга уларни қанчалик қадрлашимни ҳам билдирмаганимга иқрор бўлдим. Хотиним йигирма йилдан зиёд қиримни ювиб, овқатимни тайёрласа-да, бирор марта унга раҳмат айтмабман.

Биласизми, шундай ажаб воқеалар рўй берди; ўз ҳиссиётларимни ифода-далай бошлашим ва хотиним ҳамда мени қуршаган одамларни нақадар қадрлашим ва улар ҳақида қайғуришимни билдирганимдан кейин уларнинг менга нисбатан муносабати тубдан ўзгарди. Улар мени қанчалар яхши кўришлари ҳамда қадрлашларини айта бошладилар ва тезда менинг барча ўзаро муносабатларим ўзгарди, чунки ростмана ва очик мулоқот қила бошлагандим.

— Сиз ҳеч қачон ташвишларингизни бировга айтмаганман, демоқчимисиз? — деди йигитча. — Бу шунчалар муҳимми?

— Ҳа. Буни эслатганингиздан хурсандман. Севиш — бу бўлишиш ва мулоқот қилиш. Бу фақат бировга нисбатан ҳиссиётларингиз билан чегараланмайди. Бу сизнинг умидларингиз, хавотирларингиз ва умуман муаммоларингизга тааллуқлидир. Барча ҳиссиётларингизни ичингизга қамаб ўтирсангиз, ўзингиз индамас ва тушқун аҳволда қолганингиз камдай, бунинг устига яқинларингизга ўз ёрдамларини бериш, яхши кўриш ёки қўллаб-қувватлашга йўл қўймайсиз ҳам.

Йигитча кекса хитойнинг қуйидаги сўзларини эслади: «Ҳар бир муаммо ўзи билан бирга ҳаётни бойитадиган ҳадя олиб келади». Виль-

ямс хоним ҳам шу ҳақда гапирганди. Балки бунда ростдан ҳам қандайдир маъно бордир, деб ўйлади.

— Мен заррача шубҳа қилмайман, — деди жаноб Палмер, — меҳрини сезиш ва ўзаро муносабатларни яхшилаш учун инсонлар мулоқот қилишни ўрганишлари керак. Одамлар ўзларини севимли ҳисоблашлари учун уларни қадрлашларини англашлари керак. Энг муҳим кашфийетим шундан иборатки, муҳаббат ёзиб, қайд қиладиган нарса эмас. Одамлар кўпинча кимнидир севсанг, бўлди, олдинда бахтга тўла умр сени кутмоқда, деб ўйлайдилар. Аслида муҳаббат беҳаракат эмас, у мисоли бир ўсимликка ўхшайди, ёки ўсади ва гуллайди, ёхуд сўлади ва ўлади. Ҳаммаси у билан нима қилишимизга боғлиқ. Мулоқот гўё сувга ўхшайди, усиз ўсимлик қуриб қолади.

Йигитча ўз яқинларига қандай эътибор билан қарашини айтишдан ниҳоятда кўрққан чоғдаги воқеаларни хотирлаб четга қаради.

— Нима ҳақда гапираётганингизни тушуниб турибман, — деди йигитча жаноб Палмерга қараб, — лекин агар илгари ҳеч билмаган мулоқотга қандай ўрганиш мумкин?

— Ўзим ҳам мулоқотни билмасдим. Мулоқот қувватини ўрганганимдан кейин муносабатларимни шунчалар яхшиладики, ҳаётим буткул ўзгарди, — деди жаноб Палмер. — Лекин ҳар бир инсон муомалага ўрганиши мумкинлигига имоним комил. Фақат кўрқувларни енгиш зарур. Айрим кишилар уларнинг сўзлари тентакларча эшитилади ёки ўзга киши уни нари итаради, деб хавотирланадилар. Менга жуда соз маслаҳат бердилар ва уни доимо эсда тутаман. Ўзингизга фақат битта савол беришингиз керак: «Мабодо яқинда вафот этишингга тўғри келса-ю, истаган кишингга қўнғироқ қилиб гаплашиш имконинг бор бўлса, кимни танлардинг ва унга нима дердинг... нима сабабдан бунга ҳозироқ киришмаяпсан?»

Ҳар сафар бирор кимса билан учрашувингиз энг охиригиси бўлиши мумкинлигини доимо ёдингизда тутинг, шу боис уларга айтадиган фурсатда истаган гапингизни гапириб қолинг. Ҳаётдаги энг катта хавофгарчиликлардан бири — инсон вафот этмасидан бурун унга қандай муносабатдалигинг ва унинг сен учун нақадар муҳимлигини ўзига айтмай армонда қолишингдир.

Муносабатлар орқали йиғилувчи муаммоларнинг олдини олиш учун мулоқотда бўлиш керак. Аслида бундай муаммоларнинг кўпи бир томон ёки ҳар иккала шерикларнинг ўз ўй-фикрлари ҳамда ҳисларини бир-бирига айтолмасликларидан келиб чиқади. Натижада ранж ва ғазаб йиғилиб бориб, охир-оқибатда, кимдир ўзидан чиқиб, портлайди. Агар мулоқотга ўрганганимизда эди, майда муаммоларни талқин қилиш ва улар ҳали унча катта бўлмагани боис уларни ҳал этиш мумкин бўларди. Бунинг маъноси бизни суйганларга ўз ўй-фикрлари ва ҳисларини ифодалашни ўрганиш ҳамда бошқаларнинг ўз ҳиссиётлари ҳақида гапиришларини эшита билиш демакдир. Одамлар бош-қаларнинг сўзларини тинглайдилар, лекин айнан нима дейишларини эшитмайдилар. — Ва албатта, агар ўз ҳисларимизни ифодалай олмасак, — тушунтирди жаноб Палмер, — биз ҳатто муносабатга киришолмаймиз ёки қизни таклиф этмай туриб, у билан учрашиш кийин, шундайми?

Йигит бош ирғади ва нигоҳини яна четга қаратди. Ўз ҳисларини айтишдан хавотирланиб, қанча имкониятларни бой берганди.

— Аҳволинг жойидами? — сўради жаноб Палмер бироз сукутдан кейин, йигит кўчанинг нариги томонига тикилганча ҳаёлга чўмганди.

— Ҳа. Ҳаммаси жойида. Шунчаки ўйланиб қолдим, — деди йигитча диққатини яна жаноб Палмерга қаратаркан.

— Биласанми, — деди жаноб Палмер, — биз мулоқотга ўрганаётганда, ўз кечинма ва ҳиссиётларимизни ошқора ва ростмана бўлишганимизда ҳаётимиз ўзгаради. Бу ўрмонда алашиб қолган одам воқеасига ўхшайди.

— Бу қандай воқеа? — сўради йигитча.

— Бир одам ўрмонда алашиб қолибди, ўрмондан чиқиб кетиш умидида гарчи ҳар сафар бир нечта сўқмоқ орқали борса-да, уларнинг барчаси аввал ўша йўлни бошлаган жойга келтираверибди.

Яна бир нечта сўқмоқ қолган экан, у хориган ва оч аҳволда қай бирини танлашни билмай, ўйлаб кўриш учун ўтирибди. Қандай қарор қабул қилишни ўйлаб ўтирса, бошқа сайёҳнинг у томонга келаётганини кўрибди. Унга: «Менга ёрдам бера оласизми? Алашиб қолдим», — дея қичқирибди. Улар нима содир бўлганини бир-бирларига гапириб беришибди ва ҳар иккаласи жуда кўп сўқмоқлардан юришгани ойдинлашибди. Ўзлари ўтган адаш сўқмоқлардан ўтмасликда бир-бирларига ёрдам бера олишибди. Тез орада чарчоқ ва очликни унутиб, бошларидан ўтган савдолардан кулишиб, ўрмонда биргаликда йўлга тушибдилар.

Умр ўрмонга ўхшайди, гоҳида адашамиз ва нима қилишни билмаймиз, лекин ўз кечинмаларимиз ва тажрибаларимизни биров билан ўртоқлашсак, саёҳатимиз унчалик ёмон туюлмайди ва яхшироқ сўқмоқ, тузукроқ йўлларни баъзан топа оламиз.

Кечқурун йигитча шу куни ёзганларини қайталаб ўқиди:

### *Ҳақиқий Муҳаббатнинг еттинчи сири — мулоқот қуввати*

Биз ошқора ва ростгўйлик билан мулоқот қилишни ўрганган чоғимизда ҳаётимиз ўзгаради.

Кимнидир севиш у билан мулоқотда бўлишни билдиради.

Яхши кўришингиз ва уларни қадрлашингизни одамларга билдиринг. «Мен сени севаман» деган бу уч сеҳрли сўзни айтишдан ҳеч қачон кўрқманг.

Кимнидир мақтаб кўйиш имкониятини ҳеч қачон бой берманг.

Яхши кўрган кишингизга меҳрли сўзларни доимо айтинг, эҳтимол уни охириги марта кўраётгандирсиз.

Башарти сиз яқинда вафот этишингизга тўғри келса-ю, истаган кишингизга қўнғироқ қилиш имконингиз бўлса, кимни танлардингиз ва ... нима сабабдан бунга ҳозироқ киришмаяпсиз?

### *Саккизинчи сир*

## САДОҚАТ ҚУВВАТИ

Эртаси куни йигитча рўйхатдаги саккизинчи киши билан учрашиши керак эди. Стэнли Конран жиноятчилик ва ишсизлик кўрсаткичлари ниҳоятда баланд эски шаҳарнинг чекка туманида жойлашган каттагина мактабнинг директори эди. Бу ҳудуддаги уйлар тўки-

либ кетган, дўконларга тахталар қоқиб ташланган, йўлакларда ахлатлар сочилиб ётарди. Бу йигитча учун яшаш ва ишлашни хоҳлайдиган худуд эмаслиги аниқ эди. Лекин у мактабга етиб бориб, дарвозадан ичкарига кираркан, ўзини худди бошқа оламга тушиб қолгандай сезди. Текис тарошланган кўкат ва чиройли гулзорлар орасидан ўтган тоза йўлкачалар атрофни қуршаган мавзедаги умумий вайронагарчиликнинг бутунлай акси эди.

Йигитча келганида уни директор хонасига бошлаб ўтишди. Жаноб Конран балад бўйли, басавлат киши, — таққан кўзойнаги кенглиги боис юзига таққослаганда кўзлари кичикроқдай кўринарди, — ўрнидан турди ва йигитча билан илиқ кўришди.

— Йўлни осонгина топдингизми? — деди у.

— Ҳеч бир қийинчиликсиз, — жавоб берди йигитча.

— Марҳамат, ўтиринг, — деди жаноб Конран. — Хўш, айтинг-чи, кекса хитой билан қачон кўришдингиз?

— Бир неча ҳафта бурун, — жавоб берди йигитча. — У ким ўзи?

— Аслида унинг кимлиги ва қаерданлигини ўзим ҳам билмайман. Лекин агар у бўлмаганида мен бу ерда бўлмаслигимни биларман, холос.

— Нимага? — сўради йигитча бирор янги гапни билиш умидида.

— Қария билан йигирма йилча муқаддам учрашганман, — дея гап бошлади жаноб Конран. — Бу айни Рождество арафасида бўлганди. Ишхонамда ўтириш бўлаётган чоғда ёлғиз ўзим идишдаги шаробни секингина тугатаётгандим, бирдан ёнимда кекса хитой пайдо бўлиб қолди. Унга шароб қуйиб берсам, мулойимлик билан рад этди.

Биз гапга тушиб кетдик ва тез орада унга кўнглимни очдим. Ҳаётим боши берк кўчага кириб қолганди. Ўттиздан сал ошган бўлишимга қарамасдан, бир ишдан бошқасига, бир муносабатлардан ўзгачасига ўтиб, шунчаки оқим бўйлаб сузардим. Айнан ўша дамда қария Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида гап очди. Ўшанда буларнинг ҳаммаси менга шунчаки ҳазилдай туюлди. Эртасига эрталаб суҳбатимизни эс-элас хотирладим. Қай бир лаҳзада ҳатто чол тушимга кирган деб ўйладим, лекин ўша кун эгнимдаги костюмим чўнтагидан ўнга исм ва телефон рақамлари рўйхати ёзилган қоғозни топдим.

Йигитча жилмайди. Бу унга таниш воқеа эди.

— Қизиқишим қандай ортиб кетганини айтмасам ҳам бўлади. Бу сирли хитой ҳақида кўпроқ билишни истардим, шу боис рўйхатдаги барча кишилар билан учрашдим ва айнан ўшалардан Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида билиб олдим. Ўтмишга назар ташларканман, бу сирлар ҳаётимга қандай таъсир кўрсатганини кўриб турибман. Улар ҳаётимга ва қандай яшаганимга муносабатларимни буткул ўзгартирдилар. Ўзим ҳамда бошқа инсонларга янгича тарзда қарай бошладим. Олам гўё ирқит-кулрангдан ёруғ ва очиқ рангдигига айлангандай эди.

Йигитча ёза бошлади, жаноб Конран эса ўзи ҳикоясини давом эттирарди.

— Лекин ўшанда менга ҳаммасидан кўпроқ ёрдам берган сир, — деди жаноб Конран, — садоқат қуввати эди. Одамлар кўпинча муҳаббатни романтика ва нозик ҳиссиётлар деб ўйлайдилар, лекин бу ундан кўра улугроқ туйғу. Муҳаббат — бу садоқат.

— Батафсилроқ тушунтириб беролмайсизми? — сўради йигитча ёзганларидан нигоҳини узиб.

— Биласизми, аслида бу жуда оддий; агар сиз ростдан ҳам ҳақиқий муҳаббатни истасангиз, башарти севиш ва сеvimли бўлиш ниятин-

гиз бўлса, ҳақиқатда меҳрга тўла узоқ давомли севги муносабатларини хоҳласангиз, бошқаларга меҳр кўрсатишга ихлосингиз даркор. Давомли муносабатларим йўқлигининг сабабларидан бири шунчаки масъулиятлардан чўчиганлигим бўлиб чиқди.

— Нима учун? — сўради йигитча.

— Бир сўз билан жавоб бераман. Кўркув!

Йигитча бу сўзни кейинги бир неча ҳафта давомида кўп эшитганди. Қариянинг: «Кўркув — муҳаббатда энг катта тўсиқ», — деганини хотирлади. Ҳақиқий Муҳаббатнинг кўпгина сирлари кўркувни енгиб ўтиш билан боғлиқ экан, бу рад этишдан кўрқинми, кулгига қолишдан чўчишми, йўқотишдан хавотирланишми, фарқи йўқ.

— Ҳойнаҳой, бунинг илдизлари болалигимда бўлса керак, — изоҳлади жаноб Конран. — Ун ёшлигимда ота-онам ажрашиб кетишди ва йироқлик оғриғи ва фироқини кўрдим ҳамда ҳис этдим. Мустаҳкам, ишончли уй, оилавий ҳаёт нималигини билмай ўтдим. Бу ҳаётимга ўз таъсирини кўрсатди, деб ўйлайман, ўзимни бирор бир ишга ҳам, ҳеч бир ўзаро муносабатларга ҳам тўла бағишлолмасдим.

Ушанда ўзингни ўзаро муносабатларга тўла бағишламагунингча абадий давомли ҳақиқий севги муносабатларини яратолмаслигимни билмасдим. Ростдан ҳам кимнидир яхши кўрсангиз, унга ва у билан бўлган муносабатларга садоқатли бўласиз. Бу инсонга доимо ёрдам бериш учун барча имкониятларни топасиз ва уни барча бошқа нарсалардан устун кўясиз. Агар ҳаётдан ниманидир тиласанг, — деди жаноб Конран, — айниқса, муҳаббатни истасанг, ўз ҳадикларингни енгишга интилиб, сен учун қимматли бўлган инсонга ўзингни буткул бағишлашга тайёр бўлишинг зарурлигига ишончим комил.

Биласизми, ихлоснинг етарли эмаслиги — кенг тарқалган муаммодир. Ахир сиз ўтмишда рад этилиш, кулгига қолиш ёки оғриқни кечирган бўлсангиз, табиийки, бу тажрибани такрорлашдан қочасиз. Шу сабабли ўтмишда дили оғриган одамлар онг ортида бошқа инсон билан ўта яқин муносабатларга киришишга йўл қўймасликка аҳд қилишади. Улар йироқлашиш ва йўқотиш эвазига ҳиссий жароҳат хатарига йўл қўйишга тайёр бўлмайдилар. Уларнинг оғриқдан кўркуви муҳаббат истагидан кўра кучлироқлиги боис муҳаббатдан мосуво, йўқотиш фироқи-ю, севги қувончини ҳеч қачон бошдан кечирмай, зерикарли оламда яшайдилар. Охир-оқибатда, улар ўз ҳисларини ўлдириб, муҳаббатнинг иложи борлиги, лекин уни йўқотишдаги оғриқ хавфидан чўчиб, тинчгина умидсизликда яшашни афзал биладилар.

— Лекин улар қайсидир жиҳатдан ҳақлар-ку? — деди йигитча.

— Тўғриси айтганда — йўқ. Улар Рождество байрамига ҳеч қандай совғалар керак эмас, чунки уларни йўқотиб қўйишим мумкин, деган болага ўхшайдилар. Шахсан ўзим ўзаро муносабатлардаги асосий муаммолардан бири — инсонларнинг садоқатли бўлишга лаёқатсизлиги деб ўйлайман.

— Нимага экан? — сўради йигитча.

Ҳар қандай ўзаро муносабатларда ўз юксалиш ва пасайишлари, яхши ва ёмон даврлари бўлади, шундайми?

Йигитча бош ирғади.

— Муносабатларнинг барҳаётлиги шундай даврларни қандай кечиришимизга боғлиқ. Масалан, башарти икки киши ҳар сафар баҳслашаётган чоғда улардан бири муносабатларни узишни пўписа қилса, эртами кечми бу муносабатлар қадр топмаганлари боис ниҳоясига етади. Бундай инсонлар ўзларидаги мавжуд энг қадрли муҳаббат туйғусига садоқатли бўлмайдилар.



Ўзаро муносабатлар хайрли бўлиши учун уларнинг ҳар иккаласи учун бошқа ҳамма нарсадан муҳимроқ, лавозим ва пулдан ҳам, машина ва кийим-кечакдан ҳам афзалроқ бўлиши зарур. Қисқаси, айрилиш ҳатто вариант сифатида ҳам кўрилмаслиги даркор. Баҳс нақадар қайноқ бўлмасин, томонлардан биронтаси айрилиш билан пўписа қилмаслиги керак. Айрилиш имкониятлардан бирига айланиши биланоқ кўнгилсизликлар кутилиши муқаррар.

Башарти нимага бўлса-да, — бу иш бўладими, муносабатларми, ҳатто футбол командасими, — унга садоқатли бўлсангиз, бу ҳатто қийин аҳволда ҳам айрилиш — вариант эмас деганидир. Муаммо шундаки, баъзан биз шунчаки садоқатли эмасмиз ва шу боис таслим бўламиз.

Ҳар бир инсон меҳр ва меҳрли муносабатларни истайди, лекин масала ўзга инсонга меҳр билан муносабатда бўлиш ва ўша ягона ўзига хос муносабатларни топишга қанчалик ихлосмандлигингизда.

— Нимани назарда тутяпсиз? — сўради йигитча ёндафтарчасидан нигоҳини узиб.

— Келинг, бу тўғрида бундай дейман: ҳаётингизда муҳаббат яратиш учун кучингиз етганча барча ҳаракатларни қилиб, ўз кўркув ва омадсизликларингизга қарши туриш учун етарли даражада садоқатлимисиз? Чунки агар ҳаётингизда муҳаббатни ва ростмана муносабатларни истасангиз, фақат шу тарзда уларга етишишингиз мумкин. Шу сабабли бу муносабатлар сизга тўғри келиши тўғрисида қарор қабул қилган чоғингизда ўзингизга: «Бу одамга ва бу муносабатларга содиқманми?» деган жуда оддий савол беришингиз мумкин.

Қаранг-а, садоқатлилиқ — ҳаётда муҳим унсурдир. Ахир, меҳрли она ўзининг фарзандига: «Бугун сени яхши кўраман, лекин эртага нимани ҳис этишимни билмайман» деб айтмайди-ку. Йўқ, у ўз нурийдасини аҳволи яхшилигида ҳам, ёмонлигида ҳам, доимо суяди. Муаммолар фақат бундай садоқатни таъминлолмаган чоғимизда вужудга келади.

Мисол келтиришимга ижозат беринг: икки нафар танишим бор, ҳар иккаласи хотин ва икки фарзандга эга. Улардан бири бутун вақтини ишда ёки гольф ўйини ўйнаб ўтказарди, иккинчиси эса хотин ва бола-чақаси билан кўпроқ вақтини ўтказишга имкон берадиган ишни атайлаб изларди. Улардан қай бири оиласида ҳақиқий меҳрли муносабатларни тезроқ яратишини топиш учун ўзига хос ақлий қобилиятларга эга бўлиш шарт эмас.

— Демак, — деди йигитча, — башарти ўз умринг ва севимли кишиларинг ҳамда сени севган кишилар ҳаётида муҳаббат ҳамда ишонарли муносабатлар яратиш ниятида бўлсанг, сен учун муҳим бўлган нарсаларга ўзингни бағишлашинг зарур экан.

— Ўзим бундан-да яхшироқ ифодамай олмасдим, — деди жилмайиб жаноб Конран. — Буларнинг барчаси меҳр ва меҳрли муносабатлар бошқа ҳамма нарсадан муҳим бўлиши кераклигига бориб тақалади. Айнан садоқат муҳаббатни яхши муносабатдан фарқлайди. Қачонлардир бир сенатор билан телевизион интервьюни кўргандим, у Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзи билан содир бўлган воқеани сўзлаб берганди. Ушанда у орқа томонидан оғир ва чуқур яраланган экан. Бу воқеани сўзлаб бераётган чоғида унинг кўзларида ёш филтиллади. «Отам, — деди у, — мени кўриш учун поездда уч кундан ошиқ юрган. У кекса ва оёқлари артрит касалиги билан оғриган бўлса-да, ўша поездда тик турганча уч кун юрибди, — шу лаҳзада сенаторнинг

овози қалтираб кетди. — У... у ҳойнаҳой, оғриқдан ниҳоятда қийналган бўлса керак, етиб келганида унинг тўпиқлари шишган ва қава-риб кетганди... лекин у ниҳоят, етиб келганди».

Мана бу садоқат! Аммо у ўз фарзандлари учун кучлари бори-ча ҳаракат қилиб, кунба-кун ўзларини қурбон қилаётган миллионлар-ча ота-оналардан зинҳор ортиқ эмас. Улар учун ўзларининг шахсий эҳтиёж ва истаклари ҳамда бошқа нарсалардан кўра жигарбандларининг эҳтиёж ва истаклари ортиқдир. Садоқат — ҳақиқий муҳаббатни ҳақиқатда текшириб кўриш усуллари-дан биридир. Башарти инсонга садоқатли бўлмасангиз, демак, уни севмайсиз, бунинг замирида оддий ҳақиқат мавжуд.

— Бу қизиқ қоида экан, — деди йигитча. — Лекин унда мустасно-лар ҳам бўладими?

— Мустаснони ҳеч тасаввур этолмайман. Энди нима сабабдан му-аллимликни танлаганимга қайтмоқ даркор. Аввал айтганимдек, ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ҳеч қандай жавобгарликка боғланмай, умр оқими бўйлаб сузардим. Чол билан учрашиб, ҳақиқий муҳаббат сир-ларидан бохабар бўлганимдан кейин ҳаётимда арзиғулик нимадир қилиш истаги пайдо бўлди ва менга кўмаклашган билимлар билан бўлинишга аҳд қилдим.

— Бу ишга киришган чоғимда баъзи шубҳаларим бор эди, — тан олди жаноб Конран. — Ўша йиллар, яъни йигирма йилча муқаддам, даҳшатли муаммолар бор эди, айрим болалар гиёҳванд моддалар ис-теъмол этар ва ҳатто уларни сотардилар, ҳар куни мактаб ва унинг атрофидаги ҳудудда гуруҳлар орасида тўқнашувлар бўлар, кўп бола-лар мактабни битираётган чоғда аранг ўқий олардилар. Айнан шу сабабли бу ерга келишни хоҳладим.

— Нима сабабдан бундай мактабда дарс беришни ихтиёр этдин-гиз? — сўради йигитча.

— Чунки бу кучларимни синаб кўриш учун керак эди. Бу болалар-нинг ҳаётини ўзгартиришни жуда ҳам истардим. Мен Балтимордаги энг хароб жойлардан бирида ўтказилган тадқиқот лойиҳаси ҳақидаги воқеани ўқигандим. Шаҳар дорилфунунининг социология профессо-ри талабаларига ўша ҳудуддаги мактабларни ўрганиб чиқиб, ҳар бир боланинг келажагини баҳолашга топшириқ берди. Ҳеч истисносиз бар-ча ҳисоботлар «умид йўқ» деб чиқарилган баҳо билан қайтарилди. Лекин 25 йил ўтганидан кейин бошқа социология профессори бош-ланган илк тадқиқотларни поёнига етказишга аҳд қилиб, ўз талаба-ларига бу болаларнинг тақдири қандай кечганини аниқлашни топ-ширди. Ўша болалардан йигирма нафари кўчиб кетганлари боис то-пилмади, қолган бир юз саксон «бола» дан бир юз етмиш олти киши юрист, врач дипломларини олиб, қадрли касб мутахассисликларини эгаллаганлари ва юксак муваффақиятларга эришганлари аниқланган. Профессор шунчалик ажабландики, бу ҳолатни чуқурроқ тадқиқ қилишга қарор қилди. Уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, «Ўз муваффақиятларингиз учун кимдан миннатдорсиз?» деган саволни берарди. Ҳар бири бирдек: «Сабоқ берган муаллимидан миннатдор-ман» деган жавоб беришди.

Ақл бовар қилмайди-ю, лекин ўша муаллима ҳали ҳам ҳаёт ва тўқсон ёшга етганига қарамай, тетик ва ақли тўқис аёл экан. Про-фессор у билан учрашиб, бу болаларнинг хароб ҳудудлардан бўлиш-са-да, ҳаёт шароитларига қарамасдан, уларга қандай таълим бергани ҳамда 180 дан 176 нафари ниманинг эвазига бунчалик муваффақи-ятга эришганини сўрабди.

— Аслида бу жуда оддий, — деди кекса аёл шодон кулиб. — *Уша болаларни яхши кўрадим!*

— Бу воқеани ўқиб чиққанимда, — деди жаноб Конран, — у юрагимга нозик тегди ва бу муаллиманинг ибрати изидан боришга мени илҳомлантирди. Садоқат қуввати кўмагида барчасига етишиш мумкинлигини билардим, шу боис таълим олишга қайтдим ва ўқитувчи касбини эгаллаб, хароб тумандаги мактабга ишга келдим. Аввалига бу осон кечмади, орқага чекинишга кўп бор тайёр эдим, лекин инсон нимагадир садоқатли бўлса, орқага қайтишга йўл йўқлигини доимо эсда тутардим. Энда мана, кўриб турганингиздай, мактабимиз билан фахрланса арзийди. Бу болаларнинг нафақат яхши таълим олишлари, балки улар ҳақида қайғуриш, уларга меҳр бериш ва бор қувватларини сафарбар этишлари учун содиқлигимиз туфайли уларнинг жилла курса, ҳаётда муваффақиятга эришиш имкони бор.

Кечкурун учрашувдан кейин йигитча ёзганларини қайта ўқиб чиқди:

### ***Ҳақиқий Муҳаббатнинг саккизинчи сири — садоқат қуввати***

Муҳаббат ҳақиқий бўлиши учун унга садоқатли бўлиш керак ва бу садоқат фикр ва ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Садоқат — бу муҳаббатни ростмана текширишдир.

Ҳақиқий меҳрли муносабатларга эга бўлиш учун бу муносабатларга садоқатли бўлиш даркор.

Кимга ёки нимагадир содиқ бўлсангиз, ундан чекиниш — йўл эмас.

Садоқат мустаҳкам муносабатларни мўртларидан фарқлайди.

### ***Тўққизинчи сир***

## **ЭҲТИРОС ҚУВВАТИ**

Эртасига йигитча рўйхатдаги тўққизинчи кишининг ишхонасида ўтирарди. Унинг исми Питер Сержент эди. Жаноб Сержент йирик реклама агантлигининг раҳбари бўлиб, унинг шаҳар жанубий-шарқий қисми манзараси тўла кўринадиган энг охириги қаватдаги катта бурчаксимон хонаси бор эди.

— Ҳақиқий Муҳаббат сирлари ҳақида илк бор ўн йил бурун эшитгандим, — деди жаноб Сержент. — Буни худди кечагидек эслайман. Ишхонамдаги ишларим кўпайиб кетиб, анча ушланиб қолдим, вақт кеч соат саккиз атрофида эди. Столдаги нарсаларни йиғиштирарканман, хотиним билан ажрашмоқчилигимни унга қандай айтишни ўйлардим. Бу тўғрида бир неча ҳафтадан бери ўй сурардим. Қачонлардир биз бир-биримизни телбаларча севардик. Қачон ва қаердалигини билмайман-у, лекин бунинг ҳаммаси емирила бошланди. Бир-биримизни яхши кўрмай қолганимизнинг қандайдир лаҳзасими, соати-ми ёки куними, аниқ фурсати бўлганми? Ҳеч бир анигини хотирлай олмасдим. Биз борини йўқотганимизни билардим, холос. Никоҳи-

мизда Муҳаббат йўқ эди, ўзимизни билмасликка олардик. Ҳатто дам олиш кунлари ҳам кам бирга бўлардик. Ўша оқшомга бу сохталикка чек қўйиш фурсати етди, дея аҳд қилдим. Ягона қарор ажрашиш эди.

Тўсатдан хона эшиги очилди ва фаррош кириб келди, у Бетховеннинг Бешинчи симфониясини хуштак қилиб чалаётган кекса хитой эди.

Йигитча кулимсиради.

— Мен ундан нимага бунчалак бахтиёрлигини сўрадим ва у жавоб берди:

«Қандай бахтиёр бўлмай, ахир севаман-ку!»

«Севаман? — Бу ўтмишингизда қолмаганми?»

«Муҳаббатим туфайли, — жавоб берди у, — ўзимни ёш ва тетик сезмоқдаман».

«Бу ҳойнаҳой, ғоят ажойиб туйғу бўлса керак», — дедим мен.

«Ҳа, — жилмайди у. — Лекин сиздай одам муҳаббатга мубтало бўлиш нималигини билишига имоним комил».

«Тўғриси айтганда, бунга кўп вақт бўлди», — деб жавоб бердим.

«Сиз худди бир танишим каби сўзлаясиз, — деди у. — Ўша дўстимнинг оилавий муносабатларда муаммолари бор. У хотинини ташлаб кетмоқчи».

Томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди ва кўксим таранглашди, чол эса гапида давом этарди:

«Улар қачонлардир бир-бирларини ғоят севганлар, лекин йиллар ўтиб, бир-бирларидан узоқлашдилар. Нима учунлигини биласизми?» Мен бошимни чайқадим. «Чунки улар Ҳақиқий Муҳаббат сирларини унутдилар!»

Ўшанда улар тўғрисида биринчи бор эшитдим. У ўнта абадий тамойиллар ёрдамида муҳаббат ва ростмана меҳрли муносабатларни... жуда кўп миқдорда яратиш мумкинлигини тушунтирди. Бунга ҳатто ишонмасдан қарадим. Бу сирлар қандай бўлишидан қатъи назар, улар хотиним билан муносабатларимни ўзгартиришга ёрдам бериши мумкинлигига ишаноламасдим. Никоҳимиз аллақачон барбод бўлгандай туюларди, лекин кекса хитойни бир жиҳати одоб сақлаб, бир жиҳати қизиқувчанлигим боис эшитишимга сабабчи бўлди ва унинг айтганларининг кўпи оқилона фикрларлигини тан олмоғимга тўғри келди. Кетишидан олдин қария ўнта исм ва телефон рақами рўйхати ёзилган бир варақ қоғоз берди ҳамда муҳаббат сирлари қуввати тўғрисида кўпроқ билиш истагида бўлсам, шу кишилар билан учрашмоғим зарурлигини айтди.

Қоғозни чўнтагимга солиб, нарсаларни йиғиштириб, уйга кетишга чоғланаётганимда хона эшиги яна очилди ва фаррош аёл кирди. Унинг ҳамкасби хонани тозалаб кетганини айтдим. Унинг жавобидан гўё баданимда чумоли ўрмалагандек бўлиб кетди — гапига қараганда, ҳеч қандай ҳамкасби бўлмаган экан. Бу хоналарнинг ягона фарроши унинг ўзи экан.

Ўша заҳоти маиший хизматлар фирмасига кўнғироқ қилдим ва улар рўйхатида бундай одам йўқлигини тасдиқлашди. Бу тўла жумбоқ эди. Умримда анчадан бери бундай ҳаяжонли воқеалар содир бўлмаганди. Қизиқишим шунчалик ортдики, рўй берган воқеани кимгадир айтиб беришим даркор эди. Гарчи бундай ҳол камдан-кам бўлсада, ишхонамдан хотинимга кўнғироқ қилдим. Аввалига у қандайдир нохуш воқеа рўй берди, деб ўйлабди, лекин нима бўлганини айтиб берганимдан кейин худди мен каби унинг ҳам қизиқиши тобора

ортиб кетди. Тўғри уйимга йўл олдим, бу бир неча ойлardan бери кечки таомни биргаликда ўтириб еб, ростмана суҳбатлашган биринчи оқшом эди. Биз кекса хитойнинг кимлиги ва Ҳақиқий Муҳаббатнинг моҳияти нимадалигини аниқлашга ҳаракат қилиб, гўё саргузаштга бирга кириб қолгандек эдик.

Хотиним билан бирга кейинги бир неча ҳафта давомида қария рўйхатидаги кишилар билан учрашдик ва бу сирлар ҳаётимизга қандай таъсир кўрсатганидан том маънода ҳайратландик. Шундай оддий нарсалар ҳаётда шу қадар муҳим бўлиши мумкинлигига ҳеч қачон ишонмаган бўлардим. Энг турли нарсалар рўй бера бошлади: нафақат муносабатларимиз яхшиланди ва оиламизга аввалги муҳаббат қайтди, балки, шунингдек, дўстаримиз, қариндошлар ва ишхонадаги ҳамкасблар билан муносабатимиз ҳам ўзгарди. Кунлардан бирида уйғониб, нима бўлганини англадим: мен яна севиб қолдим, нафақат хотинимни, балки ҳаётни яна севиб қолдим.

— Бу сирлар сизга ростдан ҳам шунчалар зўр ёрдам бердими? — сўради йигитча.

— Ҳа. Ҳар бир сир ҳаётимга янги ўлчов қўшди, лекин ўшанда менга ҳаммасидан зиёд ёрдам бергани... кучли эҳтирос қуввати бўлди.

— Эҳтирос? — хитоб қилди йигитча ён дафтарчасидан нигоҳини узиб. — Лекин ўйлашимча, муҳаббат ва жинсий майл бошқа-бошқа нарсалар.

— Тўғри, — деди жаноб Сержент. — Лекин эҳтирос жинсий майл билан чегараланмайди. Эҳтирос — бу чуқур қизиқиш ва иштиёқ. Сиз бировни, — кимни ёки ҳатто ниманидир, — эҳтирос билан севсангиз, у ҳақда чин дилдан қайғурасиз, унинг соғ-саломат бўлиши учун доимо ғамхўрлик қиласиз. Шу сабабли нимагадир нисбатан эҳтиросни йўқотганда муҳаббат туйғусини ҳам йўқотамиз. Башарти бирор кимсага нисбатан қизиқишинг ёки иштиёқинг йўқолса, у одамни севиш қийин.

— Ҳа, ростдан ҳам қийин, — деди йигитча.

— Ҳақиқий меҳрли муносабатлар учун эҳтирос зарур, — тушунтирди жаноб Сержент. — Мана шу сабабдан кўпчилик ўзаро муносабатлар шундай яхши бошланади. Бошида иккаласи одатда бир-бирини қаттиқ эҳтиросли севадилар. Улар иккаласи одатда бир-бировига ҳаяжон, қувонч ва иштиёқ билан муносабатда бўладилар. Муаммо шундаки, тоза жинсий мойиллик давоми эмас. Зерикарли ҳамда қизиқарсиз бўлиб қолади.

Эҳтирос — муҳаббатни аланга олдирувчи ва озиқлантирувчи ўша сеҳрли учкундир; агар бу учкунни йўқотсанг, муносабатлар аста-секин ўлади. Дарҳол бўлмаса ҳам, лекин қандайдир вақт ўтган сари бу албатта рўй беради. Муносабатлар меҳрдан бошланади, ҳаммаси сеҳрли равишда давом этади, бир куни уйғонганингда, эҳтирос йўқолганини сезасан ва энди севмайсан.

Хотиним ва ўзим билан худди шу ҳол рўй берганди — эҳтирос, сеҳр ва романтика йўқолди.

— Лекин, йўқолган чоғда уларни қайтариш учун нима қилиш керак? — сўради йигитча.

— Уларни яратиш керак! — деди жаноб Сержент.

— Эҳтиросни қандай яратиш мумкин? — сўради йигитча. — Бу танадаги кимёвий жараёнларга ўхшайди деб ўйлардим. Улар ёки бор, ёки йўқ.

— Эҳтирос — бу бир нарсага қизиқишни йўналтирувчи шунчаки етиб бўлмас қувонч ёки иштиёқ, — шарҳлади жаноб Сержент. — Уни

танадаги кимёвий жараёнлар ёки кучли жинсий майл қўллаб-қувватлаши мумкин, лекин жисмоний эҳтирос одатда узоқ давом этмайди ва абадий меҳрли муносабатларга асос бўлолмайди. Анча кучли эҳтирос вужудга келади. Бировга нисбатан қизиқиш, ҳаяжон ва иштиёқ билан муносабатда бўлган чоғимизда унга нисбатан эҳтиросни ҳис қиламиз. Инсонлар орасидаги муносабатларда бу доимо сизни қизиқтирган ва қувонтирган ўзга одамнинг сифатлари ва ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратишни билдиради.

— Буларнинг барчаси гўзал ва ёқимли эшитилади, — деди йигитча, — лекин баъзан ўзга кишидаги ҳеч нарса сени умуман қизиқтирмайдиган, қувонтирмайдиган даражагача борасан.

— У ҳолда ундаги ростдан қизиқтирадиган ва қувонтирадиган нарсани топиш керак. Акс ҳолда, муносабатлар эҳтиросдан мосуво бўлади ва бу рўй берган чоғда ҳар иккала инсон ўзаро муносабатларда бахтли бўлишига шубҳа бор.

— Биласизми, — овоз чиқариб тафаккур қиларди йигитча, — сизни ҳақлисиз, деб ўйлайман. Ўзаро муносабатларимнинг кўпи бошланишга улгурмай тугарди, чунки зерикиб қолардим ва ўзга одамга нисбатан қизиқишим йўқоларди. Бошида ҳаммаси янги, ҳаяжонли эди, лекин бир-биримизни яхшироқ билганимиз сари, муносабатларимиз қуруқ ва зерикарли тус оларди. Бунинг олдини олин мумкинми? Эҳтирос ва завқ сўниб қолмаслиги учун аниқ нима қилиш мумкин?

— Инсонлар орасидаги муносабатларда эҳтиросни қўллаб-қувватлашнинг бир нечта усули мавжуд, — тушунтирди жаноб Сержент. — Биринчидан, эҳтиросни ўзаро муносабатларни қайта жонлантириб, ўтмишдаги ҳодисаларни, сиз уни ҳис этган чоғингизни қайта жонлантириш мумкин. Масалан, хотинингиз билан асал ойида бирга бўлган меҳмонхонага қайтишингиз мумкин ёки биринчи учрашувда борган ресторанга яна қайта бориш мумкин.

Муносабатларингизга қутилмаган нарсаларни киритиш ҳам мумкин. Гоҳида шеригингизга ҳеч қутилмаган совғалар қилиб, унинг кулгиси ва табассумини чақиринг ва ажиб фаройибот рўй беради... шеригингиз худди шундай жавоб беради ва чеҳрангизда табассум келтиришга интилади. Тез орада сизнинг муносабатларингиз қутилмаган совғаларга тўлиб кетади. Масалан, хотиним иккимиз ҳеч бўлмаганда ойига бир марта учрашув ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бир ойда мен нима билан машғул бўлишимизни танладим, хотиним қаерга боришимизни кейинроқ билди, кейинги ойда хотиним танлади ва ўша оқшом мен учун қутилмаган совға бўлди. Биз бир-биримизга нима содир бўлишидан қатъи назар, ҳар ойда учрашув-совғаларимиз доимий равишда ўтказилишини ваъда бердик.

Биринчи бор эҳтирос қуввати тўғрисида билганимда, хотиним ёқтирадиган ишларни онгли равишда қила бошладим; унга кичкина совға — сюрпризлар сотиб олардим, кўп вақтимни у билан уйда ўтказардим ва унинг ҳаёти билан қизиқардим.

— Демак, ўша пайтгача унинг ҳаётига қизиқмаган экансиз-да? — сўради йигитча

— Албатта, аввалига қизиқардим, лекин кейинчалик ҳаммаси одатий ҳолга айланди. Ҳар бир кун худди кечагидек эди ва эҳтимол, бир хилликда кечган йиллар бир-биримизга нисбатан кечирган эҳтиросни сўндирган бўлса керак. Ишга шунчалик шўнғиб кетгандимки, хотинимнинг ўзига хос ҳаётига эътибор бермай қўйгандим. Унинг қуни қандай ўтгани, нима билан машғул бўлгани ҳақида сўрамас-

дим, лекин унинг ҳаётига қандайдир қизиқиш билдира бошлагим билан, нимадир рўй берди... у мен билан ва ҳаётим билан кўпроқ қизиқа бошлади. Ушандан бери ҳаммаси думалоқланган қор каби катталаша бошлади.

Ҳар биримизга ҳаётда бахтиёр бўлмоғимиз учун эҳтирос-ла яхши кўра оладиган нарсалар ва инсонлар керак. Биз ўз ишимизни, ўз қарашларимиз ва дам олиш усулларимизни берилиб севишимиз мумкин, лекин ҳаммасидан кўра биз учун муҳим бўлган инсонларни эҳтирос-ла севиш керак. Муҳаббат ва бахтнинг моҳияти битта: фақат ҳар куни эҳтирос билан яшаш керак.

Бу оқшом йигит жаноб Сергент билан учрашганида ёзганларини такрор ўқиди:

### **Ҳақиқий Муҳаббатнинг тўққизинчи сир — эҳтирос қуввати**

Эҳтирос муҳаббатни алангалатади ва унинг сўнишига йўл қўймайди.

Абадий эҳтирос нафақат жисмоний мойиллик, балки чуқур садоқат, иштиёқ, қизиқиш ва қувончли ҳаяжон ёрдамида вужудга келади.

Сиз берилиб ҳис этган чоғингиздаги ўтмиш вазиятларни қайта жонлантириб, эҳтиросни қайта тиклаш мумкин.

Кутилмаган совғалар ва ўз-ўзидан содир бўлувчи воқеалар эҳтиросни вужудга келтиради.

Муҳаббат ва бахтнинг моҳияти битта: фақат ҳар куни эҳтирос-ла яшаш керак.

### *Унинчи сир*

### **ИШОНЧ ҚУВВАТИ**

Йигит кекса хитой билан учрашиб, Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида биринчи бор эшитганига бир ойдан ошди. Унинг ҳаёти яхши томонга ўзгаришига ҳеч қандай гумонлар йўқ эди... лекин у ҳали ҳам ёлғиз эди, доимо ягона ўзига хос муносабатлар топишга умид қилган ниятига ҳали яқинлашмаган ҳам эди. У ҳали ҳам баъзан уларни топишидан шубҳаланарди. Уни қаердадир кимдир кутаётганига ишонгиси келардию, лекин бунга ўзи шунчаки кафил бўлолмасди.

Рўйхатдаги сўнги инсон кексайган аёл Дорис Купер эди. У шаҳардан йигирма чақирим шимол томондаги қишлоқда унча катта бўлмаган уйда яшарди. Йигитча эрта тонгда машинада йўлга тушиб, у ерга 45 дақиқада етиб борди.

Купер хоним 87 ёшга чиққан бўлишига қарамай, оилавий маслаҳатчи сифатида ҳали ҳам ишларди. У ғайратли аёл бўлиб, бардам ва ўз ишичи ғоят севиши аён эди. Кўп жиҳатлари билан у йигитчага кекса хитойни эслатарди. У табассуми кенг, денгиз тўлқини рангидаги кўзлари чақнаб ва саломатлиги яхшилигидан пориллаб турарди. Унда қандайдир таниш жиҳатлар бор эди. Йигитча уни аввал қайдадир кўрганга ишончи комил эди, лекин қаердалигини аниқ айтолмади.

Купер хоним йигитчани бағрини очиб кутиб олди.

— Келганингиз учун раҳмат, — деди у. — Яхши етиб келдингиз деб умид қиламан.

— Жуда зўр. Йўлга бир соатдан камроқ вақт кетди, — деб уни ишонтирди йигитча.

— Марҳамат, киринг ва ўзингизни уйингиздагидек ҳис қилинг, — деди Купер хоним, йигитчани уйга бошлаб кираркан.

— Сиз жуда кўзимга иссиқ кўринаяпсиз, — деди йигитча. — Илгари бирор жойда учрашмаганмизми?

— Назаримда, йўқ, — деди Купер хоним. — Баъзан аёллар учун журналларга мақолалар ёзиб тураман.

Купер хоним йигитчани мижозлар учун шахсий маслаҳатхонадай хизмат қилган ўз хонасига бошлаб ўтди.

— Бирор нима ичасизми? — сўради у. — Бизда олмали ва апельсинли шарбат, ҳар хил чойлар бор, қайсинисини танлайсиз?

— Раҳмат, агар мумкин бўлса, апельсинли шарбат ичардим, — жавоб берди йигитча.

Купер хоним ичимлик келтиргани кетди ва йигитчани ёлғиз қолдирди. Хонани кўздан кечиргач, йигитча иккита девордаги жавонни тўлдирган китоблар миқдоридан ҳайратга тушди. Улардан аксарияти руҳшунослик, ўзаро муносабатлар ва муҳаббат билан боғлиқ эди. Хона деворлари илиқ шафтолиранг ва ўрик ранглар билан безатилган, унда эман ёғочидан ясалган катта стол, диван ва учта юмшоқ стул бор эди. Куёш чиқиши ва океан манзаралари тасвирланган расмлар осилганди, нарироқдаги деворда эса катта безакли тахтачадаги ёзувни йигитча ўқий олмади. Энди ўрнидан туриб, уни ўқиб келишга шайланиб турган чоғида Купер хоним кўзада апельсин шарбати ва иккита стакан қўйилган патнис кўтарганича хонага қайтиб кирди.

У юмшоқ стулга ўтириб, ёнидаги йигитчага шарбат тўлдирилган стакан берди.

— Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида илк бор тахминан эллик йиллар муқаддам билганман, — деб гап бошлади Купер хоним, улар қарама-қарши ўтиргач. — Турмушга чиққанимга бор йўғи икки йилгина бўлганди, лекин ўзимни ниҳоятда бахтсиз сезардим. Эрим ҳатто бир дамгина ёлғиз ўзимни қолдириши менга ёқмасди. Қанчалик қулгили бўлмасин, мабодо оқшомни дўстлари даврасида ўтказишни ёки якшанба кунини бир партия гольф ўйнашни истаса, қаттиқ хафа бўлардим. Назаримда, у бу билан мендан воз кечаётгандай эди. Биз доимо шу хусусда баҳслашардик; агар у менсиз бирор нарса қилмоқчи бўлса, гўё у мендан ўзини тортаётгандек ҳисоблардим, у эса эркин нафас олишига йўл қўймаётганимни айтарди.

Буларнинг барчаси денгиз қирғоғида икки кун ором олган чоғимиздаги дам олиш кунини эдимга тушиб кетди. Биз қайтганимизга ўн дақиқа ҳам бўлмаганди, эримни кўхликкина сариқ сочи аёл, меҳмонхона ходимаси билан суҳбатлашиб турганини кўриб қолдим. Табиийки, дилим сиёҳ бўлиб кетди ва меҳмонхона фойсидида даҳшатли жанжал кўтардим — баъзан ўзимдан чиқиб кетаман. Югуриб кўчага чиқдим ва меҳмонхона ёнидаги боғ бўйлаб юриб кетдим. Боғ ниҳоясида денгизга қараган ўриндик бор эди. Ўша ерга ўтириб, йиғлаб олдим. Биз муносабатларимизни бир амаллаб йўлга қўйиш учун дам олишга чиққандик, лекин ўн дақиқа ўтмай, уришиб қолишга ҳам улгурдик.

У ерда қанчалик узоқ ўтирганимни билмайман, орқамдан бир овоз деди:

«Кечирасиз, аҳволингиз жойидами?»



Мен ўгирилиб қараб, ёнимда турган кекса хитойни кўрдим.

Шивирлабгина жавоб бердим:

«Раҳмат, ҳаммаси яхши».

У денгизга нигоҳ ташлади ва деди:

«У гоят ажойиб, тўғрими?»

Мен денгизга назар ташлаб, уфқ тўқ қизил рангга кираётганини кўрдим. Бу ниҳоятда гўзал манзара эди, лекин кечки осмонни ўзига муносиб баҳолайдиган кайфиятда эмас эдим. Ҳаддан зиёд руҳим тушганди.

Шунда чол деди:

«Менинг Ватанимда шундай гап бор: *ҳар бир кечинма ўзида ҳаётни бойита оладиган сабоқни олиб келади*».

Мен индамасдим, у барибир гапини давом эттирарди.

«Ҳатто ўзгалар билан муносабатимизда муаммолар бўлса-да, доим сабоқ бор, уни фақат топиш керак».

Мен чолга қарадим. У, ҳойнаҳой, эрим билан жанжаллашганимни эшитган бўлса керак.

«Менга қаранг, — дедим, — сиз яхши ниятдалигингизга шубҳам йўқ, лекин аслида мен...»

«Қачонлардир бир танишим бўларди, — гапимни бўлди у, — ажойиб аёл ғаройиб одамга турмушга чиқди. Улар бир-бирларини телбаларча севиб қолгандилар, лекин бир неча йил ўтиб, деярли ҳар куни жанжаллаша бошладилар. Муаммонинг моҳияти нимадалигини биласизми? Аёл эрига ишонмасди ва шу боис уни шахсан ўзиники қилиб олиш муносабати пайдо бўлди, кўз ўнгидан йўқолган ёки бошқа аёллар билан гаплашган заҳоти рашк қила бошларкан. Оқибатда у эркин нафас олишга қўймасликларидан ўзини тузоққа тушгандек сеза бошлабди. Ўзининг ҳадиқлари билан суйган кишисини ўзидан нари итарарди».

«Нима сабабдан бундай қиларкан? — деб сўрадим. — Эҳтимол, бунинг учун асослари бордир».

«Йўқ, ҳеч асоси бўлмаган. Эри уни алдамасди. У шунчаки эридан кўнгли хотиржам эмасди. Буни тушуниш мумкин, аёлнинг отаси хотинбоз бўлгани боис онасини ташлаб кетганди. Унинг умридаги энг муҳим эркак уни ва онасини ташлаб кетгани сабабли аёлнинг онг ортида бошқа эркакларга ҳам ишонмаслик пайдо бўлганди».

Кўксимда қайноқ бир нарса шув этди ва оғриқ пайдо бўлди. Чол гўё менинг ҳаётимни сўзлаб берарди.

«Сиз қизиқ бир нарсани биласиз, — деди у, — муносабатлардаги қийинчиликларимиз кўпинча болалигимиздан асраб қўйган муаммолар оқибати сифатида юзага келади».

«Эҳтимол, ҳақдирсиз, — дедим мен. — Биз барчамиз ўз болалик кечинмалари ҳукмидамиз».

— Фақат ўтмиш ҳукмида бўлишимизга ўзимиз йўл қўйгандагина, — жавоб берди у. — Уша аёл никоҳидаги ўз муаммоларидан чиқарган муҳим сабоқ ҳам шу эди. Келажак худди ўтмиш каби бўлиши шарт эмас. Ўтмиш қандай бўлмасин, қандай ҳаётий тажрибага эга бўлмайлик, ҳар биримиз ўзгаришга лаёқатлимиз».

Ундан ўша аёл ўзгара олдимиз, деб сўрадим. Унинг никоҳи омон қолдимикан? Қария уларнинг никоҳи нафақат омон қолгани, балки эндигина турмуш қурган кунларидагидан зиёдроқ севишиб қолишганини айтди.

«У бунга қандай қилиб эришди?» — сўрадим мен.

«Ҳақиқий Муҳаббат сирлари орқали», — деб жавоб берди у.

Чол нима ҳақда сўзлаётганини мутлақо англамас эдим, шунда у менга бир варақ қоғоз узатди. Қарасам, унда ўнги исми ва телефон рақамидан иборат рўйхат бор экан, қоғоздан нигоҳимни узганимда, чол ғойиб бўлганди.

Мен кекса хитойнинг қайси хонадалигини аниқлаш мақсадида меҳмонхона фойесига қайтиб кирдим. Эрим гаплашган аёл ҳали ҳам навбатчиликда экан. Узим кўтарган машаққат учун ундан узр сўрадим, шунда у эрим яқинроқда қандай ресторани маслаҳат беришини сўраб турганини айтиб берди. У менга кутилмаган совға қилмоқчи бўлиб, байрам дастурхонига таклиф этиш ниятида экан! Чол ҳақ эди. Айнан менинг ҳадикларим муаммоларим сабабчиси эди.

Мен ундан кекса хитой қайси хонадалигини айтиб бера олишини сўрадим, у меҳмонхонада ҳозир хитойликлар йўқлигини айтди. Ҳатто хизматчилар орасида ҳам хитойликлар йўқ экан!

Хонамга борсам, эрим ўша ерда экан. Мен ўз қилигим учун ундан узр сўрадим ва у меҳмонхона хизматчиси билан фақат мени кечки овқатга таклиф этмоқчи бўлган ресторани суриштириш учун сўзлашганини билганимда қанчалик уялганимни айтдим. Унга кекса хитой билан учрашганим ва Ҳақиқий Муҳаббат сирлари тўғрисида сўзлаб бердим. У ниманидир ўзгартиришимиз кераклигини, икки йилдан бери доимий тарзда жанжаллашиб ва баҳслашиб яшашни давом эттириш мумкинмаслигини айтди.

Шу тариқа кейинги ҳафтада сирлар тўғрисида билиш ва чол айтган нарсаларнинг иложи борлигини аниқлаш мақсадида рўйхатдаги одамларга қўнғироқ қилдим.

— Айнан нималарни? — сўради йигитча.

— Ҳар биримиз ўзгаришга лаёқатли эканимизни.

— Хўш, бу ростдан ҳам шундай эканми? — сўради йигитча.

— Албатта. Ҳақиқий Муҳаббатнинг ҳамма сирлари муҳим, чунки уларнинг барчаси муҳаббат яратиш ва ростмана меҳрли муносабатлар қуришга ёрдам берадилар, лекин ҳаётимга энг катта таъсир кўрсатгани... ишонч қуввати бўлди.

— Ишонч? — деди йигитча. — Унинг муҳаббатга қандай алоқаси бор экан?

— Башарти бировга ишонмасак, уни яхши кўролмаймиз.

— Нимага энди? — сўради йигитча.

— Чунки ишончсиз биз ҳар нарсадан шубҳаланаверадиган, ташвишли ва ўзга одам бизга хиёнат қилади, деб доим хавотирланадиган бўлиб қоламиз. Бу муносабатларимизга чидаб бўлмас босим кўрсатади — бир томон хавотирланади, иккинчиси эса ўзини тузоққа тушгандек ҳис қилади.

Бир нарсани эсда тутмоқ зарур — Ҳақиқий Муҳаббат сирларини билсангиз ва ҳаётингизда қўлласангиз, никоҳингиз самарали бўлиш имкони кўп мартаба ортади, чунки ростмана ўзаро муносабатлар яратиш учун нима кераклигини биласиз. Муносабатларингизга юз фоиз содиқ бўлганингиздагина турмушга чиқасиз ёки уйланасиз. Башарти жуфтингиз билан мулоқот қилиб ва уни севишингизни унга билдириб турсангиз, хавсираш, меҳрсизлик ёки ишончсизликни ҳис қилиш мумкин эмас.

— Демак, сизнингча, башарти бировга ишонмасанг, муносабатлар тугаши муқаррар эканми? — сўради йигитча.

— Жуда тўғри. Мана шу боис мабодо танлаганингизга ишончингиз комил бўлмаса, ўзингизга берадиган энг муҳим саволлардан бири: «Унга тўла ва сўзсиз ишонаманми?» бўлиши мумкин. Мабодо бунга

«йўқ» деган жавоб бўлса, ўзингизни бу муносабатларга бағишладан олдин уларни диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Ва бу, албатта, ҳар икки томонлама бўлгани маъқул, ўзга биров ҳам сизга тўла ишониши керак.

Ҳар иккала одамнинг ўзаро муносабатларида ишончнинг ҳаётий муҳимлигини энг муҳим сабоқлардан бири деб топдим. Нафақат ўзга инсонга, шунингдек, муносабатларнинг ўзига ҳам ишона билиш керак.

— Бу билан нима демоқчисиз? — сўради йигитча.

— Биласизми, айрим кишилар муносабатлар узилиши имконияти хусусида ташвишланадилар. Улар ўзларига: «Бу рост бўлиши учун фоятда яхши экан. Бунинг узоқ давом этиши мумкинмас», — дейдилар. Ҳозирги кунда шунчаки ажрашишлар кўрсаткичи баландлиги боис ўз никоҳларидан хавотирга тушиб асабийлашадилар. Улар муносабатлар ҳатто бошланмасиданоқ бузилишидан ташвишландилар.

Йигитча қизараётганини сизди. У кекса хитойга бир неча ҳафта аввал учрашган чоғида айнан шундай деганди. У йўталиб олди.

— Ҳа, улар қайсидир жиҳатдан ҳақдирлар, шундай эмасми?

— Нимада? — деди Купер хоним.

— Ахир ажрашиш кўрсаткичи ҳақиқатда юқори, шу боис самарали никоҳ имкониятлари унча катта эмас.

— Ҳа, никоҳнинг яхши бўлиш имкониятлари унинг ажрашиш билан тугаш имкониятларига қараганда барибир баландроқ. Диққатингизни ажрашишга йўналтириб, сиз унинг эҳтимоллигини оширасиз, холос. Айнан шу сабабли муносабатларга ишониш муҳимдир; шундай яшаш керакки, ўт кетадими, оламни сув босадими — ўзаро муносабатлар ҳеч қачон тугамайди.

— Бу нимада ёрдам бериши мумкин?

— Эсингизда бўлсин, фикр ва қўрқувлар шунчаки мавжуд бўлганидан амалга ошиши мумкин. Агар сиз ҳаёлингизда муаммоларни ўйласангиз, қўрқувларингиз хулқингизда акс этади, бу ҳолатда ўзингиз муаммо туғдирасиз. Мен билан ҳам айнан шу ҳол юз берди. Эримга ишонмаганим туфайли хира рашкчи бўлиб қолдим ва уни ўзимдан нари итариб ташладим.

— Сизни тушуниб турибман, — деди йигитча.

— Кўп инсонлар ҳаётларида ҳали пайдо бўлмасидан туриб, ўзлари муаммоларни ростдан вужудга келтирадилар. Лекин бундай муносабат муҳаббат ва бахтга ёрдам бермайди. Бу муаммони ҳал этишнинг ягона усули — ўзингизга, шеригингизга ва ҳаётингизга ишонишни ўрганиш. Бошқа томондан эса — шеригингиз сиздан гумон қилишига асос қолмаслиги учун ўз хулқингиз билан ишончини оқлашингиз шу даражада муҳим.

— Агар муаммолар илдизи болалигимизда бўлса, инсонларга ишонишни қандай ўрганиш мумкин? — сўради йигитча. — Ҳойнаҳой, уни даволашга йиллар керак бўлар?

— Шарт эмас. Яқинроқ келинг, — деди Купер хоним имлаб, унинг кетидан хонанинг нариги томонига ўтишга таклиф қилди. У йигитча боя пайқаган безакли тахтачани кўрсатди. У ерда: «Биз ўзгарганимизда, ҳаёт ўзгаради» деб ёзилганди.

— Бу ёзув — мен умуман учратган энг ёрқин цитаталардан бири, чунки унда ўтмиш қурбони бўлиш шарт эмаслиги айтилган. Ҳар

биримиз ўзгаришга қодирмиз. Қария менга айтганидек: «Келажак худди ўтмиш каби бўлиши мутлақо шарт эмас». Биз Умр китобини ўзимиз ёзажакмиз. Кейинги саҳифа худди аввалгиси каби бўлиши асло шарт эмас. Биз янги боб бошлашимиз мумкин. Айнан шу Ҳақиқий Муҳаббат сирлари бажаришга — ўзгаришга йўл кўяди! Ўтмишда нималар рўй бергани муҳим эмас; муносабатларда муаммоларингиз борми ёки ҳақиқий меҳрли муносабатларни топишда қийналаяпсизми, Ҳақиқий Муҳаббат сирлари кўмагида ўзгаришингиз мумкин.

Ўзларининг ёлғизликларидан бутунлай руҳи тушган ва ҳеч қачон абадий меҳрли ўзаро муносабатларни тополмасликларини ўйлаган жуда кўп кишиларни учратганман. Ўзларини меҳрдан мосуво, бебахт муносабатлар гирдобида қолган каби сезган кўп инсонларни билардим. Гоҳида улар умидини йўқотишарди, кўнгли қолган, бағритош ва сурбет бўлиб қолишарди. Улар ўзларини қурбонлар деб ҳисоблашгани боис қурбонлар аҳволига тушардилар ҳамда ўзларини узоқлашган ва яққаликда ёки тузоқдагидай сезиб, қачон бўлмасин, ҳаётларига ғайри оддий нимадир кириши ва ҳаммасини ўзгартиришига умидворликда ҳаёт кечиришарди. Лекин аслида ҳаётингизда ниманидир ўзгартира оладиган ягона инсон — бу ўзингиз. Бошқа ҳеч ким эмас.

Шу тобда кириш эшиги очилиб, хонага узун пальто кийган кексароқ одам кириб келди. Купер хоним эрини йигитга таништирди. Қария пальтосини ечганида йигит Купер хоним ва унинг эрини қаерда кўрганини тўсатдан эслади.

— Энди эсладим, — деди у бармоқларини шиқирлатиб. — Бир ой бурун Марк Элкин ва Соня Спейднинг тўйида иккалангиз ҳам бўлганмидингиз?

Купер хоним қошини чимирди.

— Ҳа, боргандик. Нима учун сўраяпсиз?

— Сизларни ўша ерда кўрганман. Биргаликда рақс тушганингизни пайқагандим. Ўшанда сизлар шунчалик севишганлардек кўринганингиз ҳақида ўйлагандим ва бунинг сири нимадалигини билишга қизиққанам ёдимда қолган.

— Энди билиб олдингиз, — деди Купер хоним жилмайиб.

— Сиз ҳам тўйда кекса хитойни кўрганмидингиз? — сўради йигитча.

— Кекса хитой Марк ва Сонянинг тўйида бўлганмиди? — хитоб қилди Купер хоним.

Уни айнан ўша жойда учратгандим, — деди йигитча.

Кейинроқ оқшом пайти у ёзганларини такрор ўқиди:

### *Ҳақиқий Муҳаббатнинг ўнинчи сири — ишонч қуввати*

Ишонч ҳақиқий меҳрли муносабатлар учун ҳаётини муҳимдир. Усиз бир одам хавфсирайдиган, ташвишланувчи ва хатарларга тўлиқ бўлиб қолади, бошқаси эса эмоционал тузоққа тушгандай, эркин нафас олишга имкон беришмаётгандай туюлади.

Агар бировга тўлиқ ишонмасанг, уни ростмана севишнинг иложи йўқ.

Шундай йўл тутингки, сеvimли кишинг билан муносабатларинг ҳеч қачон тугамасин.

У киши сенга тўғри келишини ҳал қилиш усулларида бири ўзингдан: «Унга тўлиқ ва писандасиз ишонаманми?» деб сўрашдир.

Агар «йўқ» жавоби бўлса, зиммангизга масъулият олишдан аввал диққат билан ўйлаб кўринг.

## ХОТИМА

Йигитча тўй саҳнасига нигоҳ ташлаганча бир ўзи ўтирарди. У авваллари ўзи кўрган баъзи бир жуда зўр ёки ҳашамдор тўйларга ўхшамаса-да, бу ерда гала-говур, дўстона муҳит ҳукм суради ва юзга яқин меҳмонлар шодон ва қувноқ кўринишарди. Ансамбл куй чала бошлаган чоғда йигитча ўз хаёлида бундан икки йил аввалги кекса хитойни учратган тўйга қайтди. У ўшанда муҳаббатга қанчалик ҳаёсизларча муносабатда бўлганини хотирлаб, жилмайишдан ўзини тия олмади.

У кекса хитой рўйхатидаги одамлар билан қандай учрашганини эслаб, кулимсирарди. Гарчи уларнинг ҳаммаси чин дилдан ва илҳом бағишлаб гапиришса-да, қалбининг қайсидир тубида гумон соя ташларди. Ҳақиқий Муҳаббат сирлари унга ёрдам беришига ишончи қомил эмасди. Лекин улар, ҳеч шубҳасиз, бошқаларга — у каби муҳаббат ва ҳақиқий меҳрли муносабатлар излаб юрган одамларга, ҳаётдан кўнгли қолган ва зерикарли, ёлғизликда умр кечираётган кишиларга, ҳатто бахтсиз, нотинч ўзаро муносабатлар гирдобидида қолган инсонларга ҳам кўмаклашганлар.

Йигитча кичикроқ ёндафтарчасига Ҳақиқий Муҳаббат сирларини хулосаловчи ва уларни турли ҳаётий вазиятларда қўллашнинг учта алоҳида рўйхатини ёзиб олди ва қийналган дақиқаларда улардан илҳомланиш ҳамда бу сирларни бошқаларга билдириш мақсадида ушбу ёндафтарчасини доимо ёнида олиб юрарди.

Хулосалар қуйидагича эди:

### *Ҳақиқий Муҳаббатнинг ўнга сир — ўз умрингизда муҳаббатни яратинг*

1. Муҳаббатга тўла фикрларни афзал билинг.
2. Ўзингизни ва ўзгаларни ҳурмат қилишни ўрганинг.
3. Диққатингизни нима олишингизга эмас, нима беришингиз мумкинлигига қаратинг.
4. Муҳаббат топиш учун аввал дўст топинг.
5. Одамларни бағрингизга босинг. Кучоғингизни очганингизда юрагингизни ҳам очасиз.
6. Ҳадиклардан, аввалдан хато хулоса чиқариш ва баҳолашдан халос бўлинг.

7. Ўз ҳиссиётларингизни юзага чиқаринг.
8. Садоқатли бўлинг — муҳаббат энг юксак даражадаги устунликка эга бўлсин.
9. Эҳтирос билан яшанг.
10. Ўзгаларга ишонинг, ўзингизга ва умрингизга ишонинг.

**Ҳақиқий Муҳаббатнинг ўнта сир —  
умр йўлдошингизни қандай таниб олмоқ мумкин**

1. Бир умрлик шерикдан сизга зарур бўлган жисмоний, ҳиссий, ақлий ва руҳий сифатлар унда мужассамми?
2. Уни ҳурмат қиласизми?
3. Унинг эҳтиёжларини қондириш учун нима бера оласиз?
4. У сизнинг энг яқин дўстингиз ҳисобланадими?
5. Бир-бирингизни бағрингизга босганда яхлит бирликда эканингизни сезасизми?
6. Бир бирингизга ўсиш ва таълим олиш учун кенглик ва эркинлик бера оласизми?
7. Сизлар бир-бирингиз билан ростгўй ва очиқ мулоқот қила оласизми?
8. Иккалангиз ҳам ўзаро муносабатларингизга содиқмисиз?
9. Муносабатларингизга қатъият ва эҳтирос билан қарайсизми? У сиз учун бошқа ҳамма нарсадан кўпроқ аҳамиятлими?
10. Бир-бирингизга тўла ишонасизми?

**Ҳақиқий Муҳаббатнинг ўнта сир —  
муносабатларингизга меҳрни қандай қайтариш**

1. Умр йўлдошингиз эҳтиёжлари ва истаклари тўғрисида ўзингизникидан кам ўйламанг.
2. Ўзингиз ва шеригингизни қадрлашни ўрганинг. Ўзингизга: «Қайси сифатларимни ҳурмат қиламан?» ва «Жуфтимнинг қайси жиҳатларини ҳурматлайман?» деган саволларни беринг.
3. Муносабатлардан нима хоҳлашингизга эмас, уларга ўзингиз нима киритишингизга эътибор беринг.
4. Жуфтингиз билан дўстлашинг. Умумий қизиқишлар, умумий интилишларни изланг.

5. Бир-бирингизга мулоимлик билан тегининг ва бир-бирларингизга бағрингизни очинг.

6. Ўтмишдан халос бўлинг ва кечиринг. Ҳаётни янгитдан бошланг.

7. Ўз ҳиссиётларингизни очиқ ва ростгўйлик билан ифодаланг.

8. Ўзаро муносабатларга ўзингизни тўла бағишланг. Жуфтингизни энг устунлар рўйхатида биринчи ўринга қўйинг.

9. Муносабатларингизда эҳтиросни қайта тикланг.

10. Жуфтингизга ишонишни ўрганинг, муносабатларингизга ишонч билдириг ва шундай йўл тутингки, улар ҳеч қачон тугамасин.

Ҳақиқий Муқаббат сирларини ўз ҳаётига аста-секин кирита бориб, у ўзгаришлар пайдо бўлаётганини сеза бошлади. Аниқ ёки сезиларли ҳеч нима кўринмайди. Унинг ташқи кўринишида ҳеч бир ўзига хос ўзгаришлар рўй бермаса-да, ҳар ҳолда, муҳим ва чуқур ўзгаришлар содир бўлди.

Оиласи ва дўстлари, ҳатто ҳамкасблари ҳам унинг хулқ-атвори ўзгарганини пайқадилар. У саломлашганида шунчаки қўл сиқиш ўрнига бағрини очиб кўришарди. Инсонлар билан бошқача: диққат билан, ҳурмат бажо келтириб, доимо кўзларига тикилиб гаплаша бошлади. У энди бошқаларга вақт ажратар ва уларга астойдил қизиқиш билдириб, гамхўрлик қиларди. У танишларининг туғилган кун саналарини эслаш ҳамда узоқ кўришмаган кишиларга шунчаки «салом» деб, уларни эсда тутаётганини билдириб қўйишни ўзига қоида қилиб олди. Лекин ҳаммадан ажабланарлилиги шундаки, у баъзан шунчаки беихтиёр яхши ишлар қиларди. У гоҳо гулдаста сотиб олар ва кўчада кетаётган нотаниш аёлга унинг чеҳрасида уялиш ва ҳайрат кўриш умидида совға қиларди. У бировнинг шунчаки табассумидан яйраб кетарди.

Энди севган қиз топишдан ташвишланмаётганини унинг яқин дўстлари пайқашди. У бошқаларга меҳр билан муносабатда бўлишга эътибор бераётганини, зарур вақт ва керакли жойда ўз орзусидаги қизни учратиши ва муҳаббатининг қайтишига ишонаётганини улар билмасдилар.

Айрим ҳамкасблари ва дўстлари бу ўзгаришларнинг сабаби нимадалигини ундан сўрадилар. Бу қандайдир янги диний таълимотми ёхуд у катта миқдорда пул олди? Балки у кайфиятни кўтарувчи қандайдир дори қабул қилаётгандир? У кекса хитой ва Ҳақиқий Муқаббат сирлари тўғрисида сўзлаб берганида кам кишилар ишонардилар. Лекин унинг ҳикоясини ишонқирамай аввалдан хулоса чиқармасдан эшитганлар ҳам бўлди ва уларнинг ҳаммаси бир неча ойдан кейин миннатдорчилик билдирганча қўнғироқ қилиб, бу сирлар улар ҳаётини қай даражада ўзгартирганларини сўзлаб берардилар.

Кейин, очиқ ҳавода худди чақмоқ чақнаган каби мўъжизавий бир нарса содир бўлди. Бир куни оқшом пайти унга қўнғироқ қилишди. Бу бир қиз бўлиб, у билан учрашмоққа изн сўради. Унинг телефон рақамини кекса хитой берганини айтди. «Ҳақиқий Муқаббат сирлари ҳақида нималардир», — деди қиз. Эртаси куни йигит қиз билан учрашди ва ўша заҳоти уни ёқтириб қолди. Қиз нафақат кўзларининг

иссиқлиги ва чехрасининг гўзаллиги билан уни мафтун этди. Улар суҳбатлашганларида у энг муҳим нарсалар тўғрисида эркин гаплашса бўладиган жондош қалбни топганини сезарди.

Мана энди унинг ҳузурига қўлларини чўзиб келарди, унинг жисмоний гўзаллигини фақат қалбининг нафислиги ҳамда чиройлилиги билан тенглаштириш мумкин эди. Ҳаммаси гўё жуда секинлик билан бўлаётган эди. Унга назар тапшаркан, муҳаббат ҳисси билан эсанкираганча бир лаҳзага тин олди. У ҳақиқий муҳаббат нималигини англаган биринчи ондаёқ шу лаҳзани бутун умрга эслаб қолди.

Бу умр бўйи доимо орзу қилган, лекин қария билан учрашгунча шундай воқеа у билан рўй бериши мумкинлигига асло ишонмаган ўша лаҳза эди. Кекса хитой билан яна бир бор учрашиб, унга шунчаки миннатдорчилик билдириб, ҳеч бўлмаганда, унинг ҳаётини ўзгартиришга қанчалик ёрдам берганини билдириш учун йигит нималар қилмасди, дейсиз. Уни тўйга таклиф этишни қанчалик хоҳларди!

Йигит қизнинг қўлидан тутиб рақс майдончасига бошлаб кетаётганида залдагиларнинг ҳаммаси ўрнидан туриб, табассум билан қарсак чалишарди. У оч-кулранг матодан қойилмақом қилиб тикилган костюм кийганди, лекин қизнинг қўлини тутиб бораётганида барчанинг нигоҳи унинг ёнидаги аёлга қаратилганди. Келиннинг эғнидаги оддийгина, лекин башанг оқ атласдан тикилган елкалари очиқ кўйлаги унинг табиий гўзаллигини тўлдирарди.

Улар майдонча марказига чиқишганида бир-бирларининг кўзларига тикилиб боқдилар. Овозлар ва қарсақлар тинди, ансамбл ўз кўшигини ижро эта бошлади.

Йигитча атрофини қуршаган ва қарсак чалиб, уларни руҳлантириб турган қариндошлари ҳамда дўстларининг табассумли чехраларига нигоҳини қаратди. Хонани гир айлангириб қараб чиққанида, залнинг охирида чиқиш эшиги ёнида ёлғиз турган одам унинг диққатини жалб этди. Бу ўша эди! Кекса хитой ўша жойда жилмайганча турарди.

*Русчадан  
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН  
таржимаси*